



В. ГЮГО

07
ДЕНГИЗ
ЗАХМАТКАШЛАРИ


В. Г ЮГО ДЕНГИЗ ЗАХМАТКАШЛАРИ



РОМАН

НУРБЕК ва Эркин МИРОВИДОВ

таржимаси



ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ
„ЕШ ГВАРДИЯ“ НАШРИЕТИ
ТОШКЕНТ—1965

Гюго Виктор.

Денгиз заҳматнашлари. Роман. Бадий адабиёт нашриётининг
1960 йилги нашридан Нурбек ва Эркин Миробидов тарж.,
Т., «Ёш гвардия» 1965.
516 бет. Тиражи 15000.

Гюго Виктор. Труженики моря. Роман.

И (фр.)

На узбекском языке

ВИКТОР ГЮГО

ТРУЖЕНИКИ МОРЯ

(Роман)

Издательство „Ёш гвардия“ — Ташкент — 1965

Давлат бадий адабиёт нашриётининг 1960 йилги нашридан тар-
жима қилинди. (Кириш сўзи, «Ла-Манш архипелаги» бобини, роман-
нинг биринчи қисмини *Нурбек*, иккинчи ва учинчи қисмини
Э. Миробидов таржима қилган).

Рассом *Георгий Остапенко*
Редактор *С. Муҳсинова*
Расмлар редактори *К. Назаров*
Техн редактор *Л. Федорова*
Корректор *М. Рустамов*

Босмахонага берилди 19/VI-64. Босишга руҳсат этилди 23/I-1965 й.
Формат 84x108¹/₃₂. Босма листи 16,125. Нашр листи 28,2. Шартли бос-
ма листи 27,09. Тиражи 15000.

«Ёш гвардия» нашриёти,
Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 82—64.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети бирлашган нашриётининг
босмахонаси. Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, уй № 26.
1965 йил. Заказ № 1828. Баҳоси 1 с.

ВИКТОР ГЮГОНИНГ «ДЕНГИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ»

1855 йилнинг кеч кузида Ла-Манш архипелагидаги ороллардан бирида Франция Нормандияси қирғоқларига жуда яқин бўлса ҳам Англиянинг мулки бўлган Гернсей оролига Франциядан бадарға қилинган бир кимса келиб қолди. У Сен-Пьер портининг шимолидаги Отвиль-Хаузга — эски гиштин уйга жойлашди. Бу уйнинг деразасидан гавань ва денгиз яққол кўриниб турарди. Ҳаво очиқ маҳалларда қадрдон Франция қирғоқлари элас-элас кўзга чалиниб турар, келгинди уй деразасидан ана шу қирғоқларга ғамгин нигоҳ ташларди. Денгиз нотинч бўлган пайтларда эса келгинди гранит билан қопланган соҳилга тушар; тўлқинтўсарда¹ ўйга чўмиб туриб қолар, гоҳ ғарбий қирғоқнинг қум тепаларида танҳо сайр қиларди. Ана шундай дамларда «жудо бўлган ватанини қўмсаб, унинг қалби ғусса билан тўларди, у олисда қолган ватани тўғрисида ўйларди... Орол унга ёвуз бўлиб кўринарди. Туман қалин пардадек ҳеч нарсани кўрсатмас, қирғоқдаги тўлқинлар гулдуриси қулоқни қоматга келтирар, қояларга денгиз кўпикли тўлқинларини урар, осмон ваҳимали қора булутлар билан қопланарди...» Қирғоқдаги кимсасиз, кўз илғамас ташландиқ майдонда фақат супургигул ва тиканакли тоғолча дарахтларигина ўсиб ётарди: қўрғошин тусидаги булутлар осмонни қоплаган, қорабузовлар ризқ излашиб, денгиз устида изғиб учишарди; бадарға қилинган киши «бутун борлигини ватанни соғиниш ғуссаси қамраб олганини ҳис этарди».

Кўп ўтмай Отвиль-Хаузга меҳмонлар: оламга машҳур мута-

¹ Кемаларни денгиз тўлқинидан сақлаш учун порт олдига қурилган иншоот, ғов.

факкирлар, атоқли журналистлар, турли мамлакат республикачиларининг доҳийлари, парижлик адиблар кела бошладилар. Орол билан қитъа орасида қатнайдиған ҳар бир кемада бу ерга бетўхтов даста-даста хат, китоб, қўлёзмалар келадиган бўлиб қолди. Конвертларга баъзан адрес ўрнига: «Океан, Виктор Гюгога» деб ёзиб қўйилган бўларди. Уша пайтларда Европа почталарида хизмат қиладиганлар XIX аср француз демократиясининг фахри, виждони бўлган ёзувчи Виктор Гюгонинг қаерда яшаётганини яхши билардилар.

Парижда ва Лондонда қайнаётган сиёсий ҳаёт билан мутлақо қизиқмайдиган орол аҳолиси Франция ҳукумати томонидангина эмас, ҳатто Англия ҳукумати томонидан ҳам таъқиб остига олинган «хавфли парижлик»ка дастлаб шубҳа билан қараб юрдилар. Ишончсизлик иплари заифлаша борди. Орадан кўп ўтмай, маҳаллий балиқчилар, тоштарошлар Гюгони тез-тез меҳмондорчиликка таклиф этиб, ўз машаққатлари ва аҳён-аҳёнда бўлиб турадиган қувончлари, океаннинг инжиқликлари тўғрисида унга ҳикоя қилиб берадиган бўлиб қолишди. Кемаларнинг ҳалокати ва бўронлар, кемаларга офат бўлган сув ости қоялари ва ажойиб-ғаройиб денгиз ҳайвонлари, елканли кемаларни бошқариш санъати ва борган сари кенг фойдаланилаётган парракли пароходлар ҳақида усталик билан ҳикоя қила оладиган кўпни кўрган денгизчилар — лоцманлар ва узоққа сузадиган кемаларнинг капитанлари билан ёзувчи мириқиб-мириқиб суҳбатлашарди. Баъзи кунлари Виктор Гюго «Асрлар афсонаси» ва «Хўрланганлар» асарларининг ёзиб тугалланаёзган қўлёзмалари турган иш столини тарк қилиб, Гернсейнинг ичкариларини айлангани жўнар ёки дўстлари, танишлари билан биргаликда қўшни оролчаларга кетарди. Унинг ён дафтарчасида кўрган-билганлари тўғрисида ёзувлар пайдо бўла бошлади: Серк ороли яқинида у кузатган саккизоёқ... Миш-мишларга қаратганда, контрабандачилар макони бўлган қирғоқ қоя тошлари устида чўққайиб турган хилват уй... Кеча-кундуз тенглашган маҳалларда океанда бўрон ҳаракатлари...

Ёзувчи ана шу пайтларда Ла-Манш балиқчилари ҳақида, меҳмондўст ва эркесвар қояларга, қадимий Нормандиянинг бир бурчаги, халқи оз сонли, лекин мағрур, табиати қаҳрли, аммо серзавқ Гернсей оролига бағишланадиган китоби тўғрисида ўйлай бошлади. «Жильят жодугар» деб аталган китобнинг биринчи саҳифалари 1864 йилнинг 4 июнида ёзила бошлади. Бу китоб дастлаб «Жильят жодугар» деб аталди. Ижодий ишлаш мобайнида китоб гернсейлик оддий бир балиқчининг тақдири тўғрисидагина бўлиб қолмай, ҳатто «қадимий Нормандия-

нинг бир бурчаги» бўлган оролнинг тақдири тавсифи рамкаси-дан ҳам чиқди. 1865 йил, 29 апрелда қўлёзма тугалланди, шунда бу асар «Денгиз заҳматкашлари» деган ном олганди. Гернсей ороли қиссаси табиат стихиясига қарши инсониятнинг кураши ҳақидаги улугвор эпопея даражасига етказилганди. Гюго, ўзи ҳам эътироф этганидек, «инсонни улуглайдиган меҳнатни, иродани, садоқатни шарафлаш ниятида» эди. «Денгиз заҳматкашлари»да оролнинг ўзига хос хусусиятлари зўр маҳорат билан тасвирланганига автор воқеаларни ўз кўзи билан кўргани, кузатгани сабаб бўлган бўлса, асарнинг тугилишига, бадний юксак бўлишига Гюго босиб ўтган узоқ кураш ва ижод йўли, унинг адабиёт соҳасида қирқ йилдан ортиқроқ меҳнат қилиб, тўплаган тажрибаси сабаб бўлди.

Виктор Гюго демократия сафидан ўз ўрнини топгунича узоқ ва мураккаб йўлни босиб ўтди. Тахтга ва меҳробга сажда қилиш руҳида тарбияланган Гюго ёшлик йилларида қиролларга маддоҳликдан иборат қасидалар, рицарларнинг турнирлари, ўрта аср баронларининг овлари ва жанговар мардликлари тўғрисида балладалар, парилар ва гўзаллар ҳақидаги қадимий афсоналар руҳида асарлар ёзди. Лекин орадан кўп ўтмай Гюго XIX асрнинг йигирманчи йилларида сиёсатда ва адабиётда пайдо бўлган янги оқимлар таъсири остидаги романтик ёшларнинг классицизмнинг қотиб қолган анъаналарига қарши исёнига бошчилик қилди. Франция прогрессив романтиklarининг манифести бўлган «Кромвель» драмаси (1827)нинг сўз бошисида, табиат ва илҳом амр этаркан, ёзувчи эски поэтик қоидаларни четлаб ўтишдан қўрқмаслиги керак, деб ёзди; унинг асарида улуглик ва тубанлик, гўзаллик ва майриқлик, ҳазил ва фожиа, лирик жўшқинлик ва эпик улугворлик ҳаётий ифодасини топсин; силлиқ, жимжимадор услуби аристократик трагедиялар ўрнини рангба-ранг, миллий тилнинг хазинасидаги бойликлардан фойдаланилган асарлар эгалласин, сарой адабиёти ўрнига халқ адабиёти юзага келсин, деб яқунлайди Гюго ўз программасини.

Шу тарзда Гюго уруш эълон қилгач, классицизмнинг энг мустаҳкам қўрғони театр саҳнасини штурм қилишга отланди, бу пайтларда француз театри саҳналари XVII аср буюк классикларининг трагедияларига кўр-кўрона тақлид қилинган асарлар билан тўлиб-тошганди. Йигирманчи йилларнинг охириларида ва ўттизинчи йилларда у бирин-кетин «Эрнани», «Қиролнинг овуниши», «Мария Тюдор», «Рюи Блаз» романтик драмаларини яратди. Ана шу асарларнинг ҳар бири саҳнада кўрсатилаётган пайтларда театр зали янги санъат учун кураш майдони тусини олди: ҳуштаклар чалинди, гулдурос олқишлар янгради, у ер-бу

ерда даргазаб сўкинишлар қулоққа чалиниб турди, буларга жавобан ёшлар эса «Марсельеза»ни барала куйлашди, баъзан ҳатто муштлашишлар ҳам бўлиб турди. Париждаги энг кекса француз Комедия театри сахнасида қароқчи император билан баҳслашди, сарой қизиқчиси ўз ҳукмдорини масхаралаб, унинг устидан кулди, лондонлик ишчи мағрур қироличага одамийликни ўргатди, хизматкор эса машҳур зодагонларга давлат ишларида оқилона маслаҳатлар берди. Зўр ҳис-туйғулар уйғотиши билан, бутун диққатни жалб этадиган воқеалари билан, «елкасида қуллиқ тамғаси, қалбида эса гениаль фикрлар бўлган», таҳқирланган камбағалларни улуглаши билан Гюго пьесалари француз адабиётини қотиб қолган классицизм тақлидчилигидан ҳам, маънос ҳаёлпарастлик, реакцион романтиклар идеаллаштириб, чиройли қилиб тасвирлаб, ибодат қилиб бош эпишга, бўйсунишга, тақдирга тан беришга ундаган асарлардан ҳам тозаллади. Йигирманчи йилларнинг бошларида романтика мактабига мансуб бўлиб, ўтмишдаги феодализм даврининг эркин кишисини эслаб оҳ-воҳ қилувчи, худонинг қудратига, у дунёдаги ҳаловатга, ота-боболарнинг эътиқодига путур етказилаётганини айтиб, нола қилиб юрган ўз биродарлари билан Гюго алоқасини бутунлай узди.

«Париждаги Бибимарям ибодатхонаси» (1831)да ўз аксини топган ўрта асрлар Гюгонинг дастлабки балладаларида ифодалангандай эмас, халқнинг ўтмишдаги ҳаёти, ҳаёт поэзияси, улкан инсоний ҳиссиёт, бениҳоя жўшқин ва исёнкор руҳ роман қаҳрамонлари тимсолида намоён этилди: ибодатхонанинг бадбашара қўнғироқчиси Квазимодонинг кўча раққосаси Эсмеральдага нисбатан муҳаббати орқали унинг қалби беҳад пок, кўркам инсон эканлигини кўрсатиш асарнинг мағзидир. Католик жаҳолатининг таянчи бўлган Париждаги Бибимарям ибодатхонасини штурм қилган қашшоқлар тимсолида Гюгонинг замондошлари 1830 йил июль революцияси билан феодал монархияни даф этган ишчиларнинг аждодларини кўрдилар.

«Париждаги Бибимарям ибодатхонаси» романидаги қашшоқлар Гюго ижодининг кейинги пайтларида яратилган ёрқин, мукамал, ҳормай-толмай ахлоқий ва ижтимоий ҳақиқат изловчи қаҳрамонлар улугвор сафининг олдинчилари бўлдилар. Июль монархияси билан вақтинча мурса қилиш оқибатида рўй берган ўн йиллик ғоявий адашш ва ижодий инқироз даври ўтгач, Гюго 1848 йил революциясидан кейин нотик ва санъаткор сифатида буюклигини намоёиш этди. У февраль революцияси баррикадаларида туғилган республиканинг депутати бўлди; Гюго «Наполеон кичкина» деб атаган қаллоб Луи Бонапарт тўнтариш

қилиб, ўзининг мустабид диктатура режимини ўрнатгач, 1851 йилнинг декабрида ўқ ёмғирлари остида халқни қўзғолонга ундади; ўн тўққиз йил бадарга юриб, Иккинчи империя ҳукмдорларини ва уларнинг малайларини беаёв фош қилди. Гюго турк истибдодига қарши курашган грек ватанпарварларини ҳимоя қилди, у мустамлакачиларнинг Мексика ва Хитойда қилаётган жиноятлари муносабати билан қаттиқ норозилик билдирди; у Испания республикасини табриклади, Америка негрларини озод қилиш йўлида қўлига қурол тутган Джон Брауннинг қотилларини лаънатлади; у Герценнинг «Қўнғироқ» ва «Қутб юлдузи»га қатнашиб турди. Италия миллий ҳаракатининг доҳийси Гарибальдини қурол билан таъминлади. Гюго 1849 йилда Парижда йиғилган тинчлик дўстлари биринчи конгрессининг раиси бўлди, шундан кейин ҳам халқларни урушга қарши курашишга ундади. Граждан-шоирнинг қудратли овози ер юзининг энг олис бурчакларига бориб етди, кишиларни уйғотди, уларни ҳаққоният, эзгулик, тинчлик, озодлик байроғи остида бирлашишга даъват этди. Ана шулар туфайли ҳукмрон доираларнинг Гюгони кўрарга кўзи, отарга ўқи йўқ эди, обивателлар уни масхаралар, адабий туҳматчилар эса ноҳақдан-ноҳақ уни таиқид қилишарди. Аммо Гюгонинг иродасини буколмадилар, у умидсизланмади, таслим бўлмади. Рақибларига у шундай жавоб қайтарди:

Курашади тириклар! Тирик саналса бўлар
Кимнингки қалби бўлса эзгу истакка тўла.
Кимки бир олижаноб мақсад томон интилса,
Шон-шуҳрат чўққисига сўқмоқлар оша келса,
Улуғ муҳаббатю муқаддас меҳнатини
Машғал қилолса, чиндан тирик деймиз биз уни!

Иккинчи империя даври адабиётида бу мисралар француз романтизми тарихидаги қаҳрамонона даврнинг — 1848 йил революцияси баррикадаларида туғилган поэзия билан яқунланган даврнинг сўнгги акс садоси бўлиб янгради.

Гюгонинг кўпгина ёш замондошлари 1848 йилнинг июнида Париж ишчилари отилиши муносабати билан халқ орасида обрўси тушган, 1851 йил декабрида эса реакцион ҳарбийларга деярли қаршиликсиз таслим бўлган буржуа республикасига нисбатан орзу-умидлари пучга чиққач, ҳаётга ва кишиларга умидсизлик билан қарай бошладилар. Иккинчи империя даврининг кўпгина ёзувчилари ожизлик, умидсизлик ботқоғидан қутулиш йўлларини излаб, ҳаёт ғала-ғовури эшитилмайдиган жойларга биқиниб олиб, «соф гўзаллик»ка хизмат қила бошладилар.

Некса авлодга мансуб романтикларнинг қатъий гражданлик

интилишлари, ғоявий изланишлар, уларнинг китобларидаги куйиб-ёнишлар, хусусан ахлоқий ва ижтимоий таълим — буларнинг ҳаммаси «санъат санъат учун» шиори тарафдорларининг ғашини келтирадиган, бундай кишилар ўша пайтларда одат тусига кириб қолган бемаъни позитивизм фалсафасига асосланган «илмий», ҳиссиз ва кишининг энсасини қотирадиган поэзия тарафдори эдилар. 50—60-йиллар адабиётининг қаҳрамони «бўш характер» бўлиб, оғир замонанинг фарзанди, ўзига ҳаётдан қабих мешчанликдан холи бўлган бирор жой излаб, беҳуда овора бўладиган, ниҳоят ана шу ҳар қандай ақл ва қалбни маҳв этадиган, ҳар қандай пок жўшқинликни ҳалокатга учратадиган қабихлик ботқоғида ўзини кўриб, беҳад аламзада бўлган кишидир.

Даврнинг бадий тафаккурида сезила бошлаган руҳий тушкунлик — натурализм, символизм ва шу сингари декадентлик оқимларнинг пайдо бўлиши муқаррарлигидан дарак бериб турарди.

Бу даврда буржуазиянинг революционлиги ғоявий инқирозга юз тутган, пролетариатнинг революционлиги эса эндигина туғила бошлаган замонда сўнги буюк романтик Гюгоннинг зиммасига улкан вазифа — 1789 йил революцияси билан 1848 йил революцияси ўртасида Франция демократияси томонидан йиғилган маънавий тажрибаларга бадий яқун яшаш вазифаси юкланди, санъати даврнинг ижтимоий ва фалсафий тафаккурида чуқур томир ёйган Виктор Гюго ўз ижодий фаолиятининг сўнги даврида хилма-хил проблемаларни ўртага ташлади. Унинг шеърини ҳамда прозасида инсон ва коинот, шахс ва тарих, инсониятнинг тараққиёт йўллари, цивилизациянинг ўтмиши, ҳозир ва келажаги, бепоён космос сирлари, революциялар, жамиятни ўзгартириш сингари проблемалар ўрин олди. Аслини олганда, шу йилларда Гюгоннинг бутун ижоди — «ҳамманинг тақдири» ҳақида поэтик фикр-ўйлар — «Мушоҳадалар» (1856)дан тортиб улкан ижтимоий полотноси «Хўрланганлар» (1862)гача, даврлар ва халқлар хроникаси — «Асрлар афсонаси» (1859—1883)дан тортиб санъат соҳасида буюк асарлар ҳақидаги фикрлар — «Вильям Шекспир» (1864)гача — ҳаммаси оламнинг «доимий муаммолари»ни XIX аср майда буржуа позициясида туриб ёритиш, янги даврнинг қаҳрамониона-романтик монументаль эпосини яратишга интилиш бўлди.

Мешчанликдан иборат бўлган ҳаётга эътибор бериб, уни синчиклаб ўрганган реалист-замондошларидан фарқ қилароқ, Гюго даврни текширишда ҳаётнинг қаҳрамонликдан — олижанобликдан иборат томонига аҳамият беради. Ахлоқий мардлик ва ижодий иш намуналарини кўрсатган инсон, инсоният учун

аҳамиятли революциялар, урушлар, миллий аҳамиятга эга бўлган муҳим воқеалардан иборат тарих буюк санъаткорнинг диққатини тортди.

1868 йил баҳорида босилиб чиққан «Денгиз заҳматкашлари», Гюгонинг ўз фикрича, инсониятнинг тақдирга қарши курашувини акс эттирган трилогиянинг — «Париждаги Бибимарям ибодатхонаси» ва «Хўрланганлар»дан кейинги — учинчи романи эди. Гюгонинг романтик фалсафасига кўра, ҳаётга ҳукмроп бўлган, сирли ва ақл бовар қилмайдиган тақдир инсон қаршисида қудратли уч машғум кучга мужассамланган ҳолда намён: динда, ижтимоий ҳақсизликда, буйисунмовчи, ўжар табиатда. Шахсининг хурфотга қарши кураши Париждаги ўрта аср ибодатхонаси гумбазлари остида руй берган воқеалар орқали, халқ пастки табақаларининг ноҳақ қонунларга қарши кураши эса Жан Вальжан ҳаёти орқали «Хўрланганлар» асарида кўрсатилади; «Денгиз заҳматкашлари» учинчи буюк кураш ҳақида — инсон заковати ва меҳнатининг табиатнинг ўжар стихиясига қарши кураши ҳақида ҳикоя қилиши керак эди.

Бу китоб олдида қўйилган вазифанинг ўзи ҳам XIX аср адабиёти учун янгилик эди. Ўша даврдаги француз ёзувчилари буржуа жамиятининг энг ёмон фожияларидан бирини — меҳнатнинг жабр-жафoga, ижодкорнинг эса ўз талантини сотувчи оддий ҳунармандга айланганини яхши билардилар. Демократик кайфиятдаги санъаткорлар инсон меҳнатининг гўзаллигини куйлаётган бир пайтда, улар Жорж Сандга ўхшаб, эскича ҳузур-ҳаловатлар ҳақида ёзар, ённки утопик социалистларга ўхшаб, идеал ижтимоий тузум ҳақида хаёл сурардилар. Гюго «Денгиз заҳматкашлари»да баён этилган воқеаларни яқин ўтмиш (XIX асрнинг 20—30-йиллари) қилпб тасвирларкан, ўз қаҳрамонларини Ла-Манш архипелаги аҳолиси орасидан топди. Бу ерда ҳам тараққий этган капиталистик мамлакатлардагичалик бўлмаса-да, пулнинг ҳар нарсадан устунлиги барибир кўриниб турарди. Гюго бу асарда маданий марказлардан узоқдаги вилоят ҳаётини табиатни буйисундириш романтикаси билан, денгиз заҳматкашларининг қаҳрамонлигини буржуалашган «Гернсей оталари»нинг ишлари билан боғлаб акс эттиришни лозим топди. Бу нарса «Денгиз заҳматкашлари»да бир-бирига ўхшамайдиган икки хил образлар сафи, икки хил ғоявий ва эстетик план, икки хил турмуш манзараси бўлишига, асарнинг услубида ҳам икки хиллик бўлишига олиб келди.

Инсоннинг табиат стихиясига қарши яккама-якка олишувни романининг асосий қаҳрамонона-романтик линиясини ташкил этади. Қаҳрли денгиз тўлқинлари қуршовидаги қоя ёнида бўла-

диган қаҳрамонона курашнинг муқаррар рўй беришини китобхон асарнинг биринчи саҳифалариданоқ ҳис қила бошлайди. Китобхон кўзи ўнгида даставвал қитъа қирғоқларини емираётган, улкан қояларни ютиб юбораётган денгиз намоён бўлади. Оролнинг қаҳрли табиати манзараси остида емириш ва барпо қилишнинг сирли кучлари ўртасидати яширин курашни пайқаб олиш мумкин. Асарнинг «Ла-Манш архипелаги» деб аталган кириш қисмидаги этнографик тавсиф ана шу қаттиқ кураш ҳақидаги ажойиб бир поэмадир: «Инсонни ҳамма томондан тўсиқлар ўраб олган, аммо уни ҳеч нарса тўхтатиб туролмайди... Инсон ишлайди, ўзига уй қуради, унинг уйи эса — ер... у ҳеч нарса олдида ҳеч қачон иккиланмайди: на ернинг қалинлигидан, на тоғ тизмаларидан, на нур тарқатувчи материянинг кучидан ва на табиат қудратидан қўрқади... Ер, ўз бағринда яшаётган чуқурликта бўйсунмай иложнинг йўқи!» Асарнинг асосий воқеаси бошлангунча, икки бош қаҳрамон — Жильят билан океаннинг кураши тавсифланмай туриб, дастлаб улар ўртасидаги қарама-қаршилиқ муқаррар олишувга олиб келиши фалсафий асослан-тирилади.

Гюго учун океан — оддийгина романтик манзара эмас; океан орол аҳолисининг умрлик йўлдоши ва доимий рақиби. Денгиз Ла-Манш архипелагини қамраб олган; бу ерда инсон фаолияти денгиз билан курашишдангина иборат. Баъзан марҳаматли, сажий, кўпинча қаҳрли, маккор бўлган денгиз нафаси китобнинг ҳар бир саҳифасидан сезилиб туради, сув сатҳининг кўтарилиши билан тушиши, сокинлик билан ваҳимали ёгингарчилик, денгизнинг текис мавжи билан шиддатли бўронлар алмашиб тураркан, буларнинг тасвири гоҳ жўшқинликни, гоҳ осойишталик билан ифодалани талаб қилади. Гюго тажрибакор денгизчи сингари архипелаг харитасини яхши билади, сувнинг турли хусусиятларини ажрата олади, ёмон об-ҳаводан дарак берувчи аломатларни билади, бепоён сув сатҳида мудраб ётган баҳор бўронининг уйғониш дақиқаларини пайқайди. Лекин Виктор Гюго ҳар қанча ҳушёрлик билан кузатмасин, бу кузатувчанлик табиатнинг бутун бир образини яратиш учун деталь вазифасинигина ўтайди, холос.

Гюго тасвиридаги денгиз инсон меҳнати ва ташвишларига бепарводек кўринади, аммо бу тасвирларни ёзувчи: «Қандайдир бир куч океан тубларидан туриб, бетиним иш олиб боради», — деб тушунтиради. Биринчи қарашда стихиянинг доимий ҳаракати мантиқсиздай кўринади, аммо аслини олганда унинг бутун фаолияти инсоннинг ақл-заковатига тамоман қарши қаратилган. Стихия кучлари айёрлик, маккорлик билан кемаларни пойлаб,

ноқулай жойларга алдаб олиб боради-да, уларни бир балога гирифтор қилади. «Денгизда момақалди роқ худди қароқчилар шайкасидек иш тутади. Кема ҳалокати жиноий ишга ўхшайди. Булут, чақмоқ, ёмғир, шамол, тўлқин, сув ости қоялари — булар ҳаммаси ваҳима солувчи шериклардир...» «Денгиз заҳматкашлари»да океан аста-секин халқ афсоналаридаги ваҳимали аждар қиёфасига кира боради. Бироқ афсонавий тавсифлардан фарқли ўлароқ, Гюгода океanning илоҳий қиёфаси бошланғич жамоа тузуми давридаги кишиларнинг содда тасавури асосида эмас, XIX аср фалсафаси асосида гавдалантирилган. Шоирнинг оламнинг тузилиши ҳақидаги тасавури мағзида шундай фикр борки, ердаги қуртдан осмондаги сайёраларгача ҳамма нарсани идора қиладиган илоҳий куч бор, деган эътиқод асосида икки хил кучнинг: яхшилик ва ёмонлик, ёруғлик ва қоронғилик, руҳ ва материянинг ўзаро кураши табиат ва жамият тараққиётини таъминлайди, бу эса ўша илоҳий кучнинг иродасидир. «Денгиз заҳматкашлари»нинг ана шу қарашлар баён этилган бобларида кўпгина бетлар Гюгонинг уйдирма гаплари, фантастик гипотезалари, содда «ихтиро»лари билан тўлатилган. Аммо ана шу гаплар ва ундан кейин табиат тавсифи воқеалар баёнида катта бадий куч билан ифодаланади, Гюгонинг хаёлий мулоҳазалари тезда кўринишларга, образларга айланиб китобхон кўз ўнгида қадимий афсоналардагидек, янги бир оламни мунаввар қиладик, XIX аср адабиётида бирор асарни шу жиҳатдан «Денгиз заҳматкашлари» билан тенглаштириб бўлмайди.

Сув ости оламининг ваҳимали махлуқи бўлган саккизоёқ — чирмашиб олиб қон сўрадиган саккиз оёқли йиртқич афсоналардаги кўп бошли аждардек ифодаланади. XIX асрнинг биринчи ярмида саккизоёқ фанга маълум бўлиб, Гюго уни тасвир этишда зоологларнинг илмий ишларидан, сайёҳларнинг эсдаликларидан фойдаланган бўлса ҳамки, горда Жильятнинг саккизоёқ билан олишуви афсонага ўхшайди. Саккизоёқ қоя тубидаги ғалати сеҳрли қасрда яшайди, аммо бир-бирига мингашган тўлқинларга синчиклаб қаранг — бир парча латтага ўхшаган алланимага кўзингиз тушади, ёвуз ният билан шу ҳолга келган бу ғалати махлуқ — саккизоёқ. Гюгонинг фикрича, табиатда бунақа нарсаларга сабаб — оламда сеҳрли бир кучнинг борлигидир. Шунда Гюго дарров фалсафий фусункор манзарани тўқий қолади. Бу фалсафага кўра, кул ранг бу лаънати махлуқ — кони даҳшат, аллақандай магнит нуқтага йиғилган бир тўда офат, химералар даргоҳининг дарвозабони бўлган бир махлуқ. Лекин,

1 Х и м е р а — қадимги грек мифологиясида жуда катта, баҳайбат ҳайвон.

Гюго ўз одатига кўра, илмий қондаларга, мантиққа тўғри келмайдиган жимжимадор гаплар билан ўз фалсафасини баён этадики, китобхон романтик фалсафанигина эмас, океanning ажойиб қиёфасини ва унда яшовчи жониворлар оламини тасвирлашга хизмат қиладиган поэтик истиораларни уқиб олади.

Стихиянинг меҳнати — емиришдан, инсон меҳнати эса яратиш бобида мардлик кўрсатишдан иборат. Ўзини буюк француз революциясининг маънавий фарзанди ҳисоблаган Гюго Иккинчи империя даврида кўпгина француз санъаткорларининг онгини заҳарлаган стоик умидсизлик фалсафасини рад этди. Буюк романтикнинг қалбидаги улкан оптимизм, табиатнинг саҳийлигига ва инсоннинг ижодий имкониятларига бўлган юксак ишонч илдизлари 1789 йилги революция билан Париж коммунаси орасидаги француз озодлик ҳаракатида кўзга ташланган қудратли ижтимоий кучлардан озиқланганди. Гарчи ижтимоий-сиёсий мотивлари «Хўрланганлар»дагичалик юксакликка кўтарилмаган бўлса ҳамки, «Денгиз заҳматкашлари» босилиб чиқиши билан республика матбуоти томонидан маъқулланди, реакцион матбуот эса асарга тиш-тирноғи билан қарши чиқиб, ҳужум бошлади. Денгизни енгган Жильят қиёфасида ҳар иккала лагернинг матбуоти ҳам меҳнаткаш халқнинг чинакам вакилини кўрдилар. Бу образ орқали меҳнат шарафланганди, демократия ахлоқий идеалларининг дворян-буржуа ахлоқига нисбатан тенглаштириб бўлмайдиган даражада улуглиги таъкидланганди.

Жильят — оддий балиқчи, ҳар қандай ишни эплай оладиган уddaбурро йигит. У денгиз ишларидан хабардор, яхши темирчи, полздан мўл ҳосил олишнинг тилини ҳам билади, ўз-ўзидан ўрганган заковатли механик, у ҳатто ўз ақли билан мураккаб техникавий масалаларни ҳал қилишга ҳам қодир, ҳаваскор музикачи, дорн-дармон ўсимликлари йиғувчи, дурадгор, аравасоз. У малакаси авлоддан-авлодга ўтган халқ усталарига хос қобилияти, билими, уқуви билан кўзга ташлана бошлайди. Кимсасиз қояда ҳаддан ташқари содда қурооллардан ва ҳалокатга учраган кеманинг қолдиқларидан фойдаланиб, денгиз моллюскалари билан овқатланиб, кечалари тош уяда ётиб, ўнларча уста эплай олмайдиган ишни Жильят бир ўзи бажаришга муваффақ бўлади.

Танқидчилар Жильятнинг мардлигини кимсасиз оролга бориб қолган Робинзон Крузонинг мардлиги билан таққосладилар. Ростдан ҳам, табиат билан яккама-якка олишган бу қаҳрамонларда анчагина ўхшашлик бор. Аммо Гюгонинг ла-маншлик денгизчиси Дефонинг таврот пайд-насихатларига таянадиган, ўз фойда-зиёнини фарқлай оладиган, уйига қайтганда керак бўли-

шини унутмай, олтин тангаларни асраган инглиз савдогарига қараганда беҳад жозибалидир! Қутқазган кишиларини ўзига фуқаро қилиб олган мустамлака хўжайини билан Жильятни таққослаб бўлмайди. Маърифатпарвар Дефо ўз асарида буржуа утопиясини тасвир этган бўлса, XIX аср социалистларининг замондоши бўлган Гюго заҳматкаш халқнинг ижодий генийсини куйлади.

Заҳматкаш Жильят — Гюго романтик санъатининг энг жозибадор образидир. Жильят — XIX аср реалистик адабиётда мавжуд бўлган «Нотаниш таниш»лардангина эмас, балки қаҳрамонлик симболи ҳамдир.

Оддий замондошининг шахсиятини давр билан алоқада кўрсатишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган санъаткор учун зарур бўлган нозик психологик тасвирлар «Денгиз заҳматкашлари»да йўқ деярли. Жильятнинг насабини билиб бўлмайди, унинг маънавий дунёси оддий, шу билан бирга сирли ҳам, ҳатто юз бетлаб ўқилганда ҳам, ажойиб иборалар, тасвирлар орасида Жильят ҳақида айтилган гап кам, унинг сафарлари ҳақида ҳам автор кам маълумот беради. Жильят ҳаракатда, курашда, меҳнатдагина кўринади. Гюго ўз қаҳрамонининг ички дунёсини истаристамас, сўзга хасислик билан очаркан, бу оқил инсоннинг иши тўғрисида чинакам поэма яратади: қояда Жильят ускуналаган омборхона, ўзи қурган темирчилик устахонаси, кеманинг машинасини қайиққа туширишда қўлланилган чигир ва бошқаларнинг тасвири Жильят ақли-фаросатининг мадҳиясидир.

Жильятнинг портрети ҳам меҳнат процессида чизилади: «Тебраниб турган Дюрандада титраб турган палуба устида туриб у ёғоч кесар, йўнар, ўяр, ёрарди; момақалдироқдан сўнгги яшин унинг терлаб-пишган, оқарган юзини, тўзғиган сочларини, яланг оёқларини, жулдур кийимларини, улуғвор қиёфасини ёритарди». Мифологик қаҳрамонини бутун коллективнинг, қабила-нинг, халқнинг вакили қилиб кўрсатадиган қадимий эпопеяларнинг ижодкорлари каби Гюго ҳам яхлит — тошдан йўнилганга ўхшаган монументаль фигура яратган. У ўзининг «Денгиз заҳматкашлари»дан салгина илгари тугатган Шекспир ҳақидаги рисоласида, ўлмас образ — бу «реаль қилиб мужассамлан-тирилган идеалдир», деб ёзганди. «Денгиз заҳматкашлари»да оддий Ла-Манш денгизчиси идеал инсоний сифатларнинг — ақл, букилмас ирода, ахлоқий гўзаллик соҳибининг романтик тим-солидир.

Дувр қояларидаги яккама-якка курашнинг кўлами шундай белгиланади. Бир томонда — стихиянинг қаҳрли вакили довул, иккинчи томонда — ақл ва заковат соҳиби Инсон — кучли ра-

қиблар юзма-юз олишаркан, шу кўриниш тасвирида «Денгиз заҳматкашлари»нинг қаҳрамонлик-романтик йўналиши энг юксак нуқтага етади. Шунда ҳам Гюго, одатича, машинанинг омон қолиши мўъжиза оқибати эмас, балки аниқ ҳисоб ва тажрибали денгизчининг гидроки оқибати эканини кўрсатиш билан шу саҳнани у барибир бу икки кучнинг курашига — жанг манзарасига айлантиради. Жильят қурган тўсиқларга жангчи булутлар, қаҳрли тўлқинлар ёпирилиб ҳужум қиладилар: яқинлаб келаётган туман ортидан жанговар филдиракларнинг шовқин-сурони, нидолар, фанфарларнинг товуши янграётгандек; баҳайбат булутлар жанговар байроқлардек тўлғанадилар. Ана шу ҳал қилувчи ваҳимали дақиқаларда Жильят океаннинг ҳужумкор кучларига қарши янгидан-янги мудофаа иншоотлари барпо этиб, тажрибали стратег сифатида намоён бўлади. Гюго ана шу кураш кўринишини қадимий эпопеялардаги жанглар даражасида тасвирлаб, бўронни парча-парча кўпик сачратиб, туфуртиради. Жильят эса Гомер қаҳрамонларига ўхшаб, ўта тентак булутларга бир зум нафрат билан тикилиб, ўз қудратини уларга намойиш қилади. Инсон ғолиб чиқади. Албатта Жильятнинг муваффақияти табиатнинг телбаларча қутуриши устидан инсон ғалабаси тантанасидир. Аввало бу — руҳнинг қаҳрланган материя устидан ғалабасидир. Материя кишини ярадор қилиши, ҳатто ҳалок этиши мумкин, лекин у инсон иродасини букишга қодир эмас. Гюго Жильятнинг йўлига сон-саноқсиз тўсиқлар қўйиб, бизни ўз қаҳрамонининг маънавий мардлигига қойил қолдиради. Гернсейлик оддий балиқчи образи ёзувчининг инсон ҳаётида руҳнинг асосий роль ўйнашини уқдирувчи романтик фалсафасини яна бир карра таъкидлайди. Материянинг тартибсизлигини ўз иродасига бўйсундирувчи инсон сифатида ва жаҳолатга қарши цивилизация курашчиси сифатида ҳам Жильят енгади. Унинг машинани қутқозиши океан устидан икки карра ғолиб чиқишидир. Ахир, елканли кемадан пароходга ўтиш бутун ўлканинг тараққиётига гаров эди-да. Жильят машинани омон-эсон олиб боролса, месс Летьерининг яна пароход қуриши аниқ эди. Шу тарзда мингларча «денгиз заҳматкашлари»дан бири романтик Гюгонинг қалами билан табиат стихияси устидан ғолиб чиқувчи паҳлавон бўлиб етишади: Жильят жамият учун илоҳий ўт ўғирлаган афсонавий қаҳрамон, ихтирочилар, номаълум қитъаларни очган довурак сайёҳлар авлодига мансубдир.

Аммо Ла-Манш архипелагида яшовчи бу Прометей қаҳрамонликдан холи бўлган жамиятда, холис романтиканинг руҳи қолмаган жамиятда яшашга мажбур. Гернсейликлар руҳий дунёсига Жакмен Эрод ҳоким бўлиб қолган, «худо олдидаги бурч»-

га қандай қаралса, у ўзига ҳам шундай сизинишга мажбур этган, у поляк қўзғолончиларига қарши тузилган жазо отрядларига ва Америка қулдорларига пул бериб туради. Ана шу ботқоққа ботиб, кўплар айниган: ўз дўстининг пулини ўғирлаган Рантен ҳам; ўз мажрнинг қурбони бўлган Клюбен ҳам; ҳатто вилоятлик вольтерчи¹, попларни қораловчи Летьери ҳам айниган, у савлат учунгина, шусиз Гернсейда яйраши, бойиши қийин бўлишини ўйлаб, лютеран руҳонийсини ва католик попини одатга кўра иззат-икром билан кутиб олади, меҳмон қилади. Довул-бўронлар устидан ғалаба қозонган Жильятга бу бекорчи мешчанлар орасида ўрин борми? Йўқ, ўрин йўқ унга. Бу муҳит унга муносиб эмас. Инсониятнинг энг идеал сифатларини ўзида мужассамлантирган Жильят ўз атрофидаги одамлар томонидан таъқиб қилинади, пок инсонлиги шубҳа остига олинади, уни жин-ажиналар билан алоқада деб биладилар. Жильятнинг Дувр қояларидаги фидойилиги билан унинг Дерюшеттадан воз кечиши орасида қарама-қаршилиқ йўқ: у муҳаббати йўлида машаққат чекади, севгилисининг ҳис-туйғуларига беҳад ҳурмат билан қараб, ўз шахсий бахтидан воз кечади. Обиватель бунининг навбатдаги «жиннилиги» деб биледи, Гюго учун эса бу — фидойиликнинг яна бир кўриниши. Тадбирли гернсейликларнинг «донолиги» устидан кулиб, шу билан бирга, улар орасида Жильятга ўхшаган бошқа денгиз заҳматкашларини топа билмай, Гюго ўз китобининг охириги бобларида ўз қаҳрамонини омадсиз олиҳиммат ошиқ қилиб кўяди. Жильятнинг одатдан ташқари ажойиб ишларига қойил қолган китобхон бу саҳифаларда машинани даҳшатли қоялар чангалидан қутқара билган киши эканига ишонгиси келмайди. «Денгиз заҳматкашлари»даги энг яхши образ ҳам Гюго романтизмнинг имкониятини ва чўққисини кўрсатади: ёзувчи Инсон гимнини яратаркан, заҳматкашларнинг ҳақиқий тажрибаларини ифодалаб, қаҳрамонлик намунасидан иборат образлар яратади, аммо шунда унинг фантазияси ҳаётийликдан узоқлашади, фидойилик қилиб, ўз манфаатидан воз кечишга ундовчи насихатгўйликка айланади, унинг қалами жисмсиз сояни вужудга келтиради.

Ана шу хил ички қарама-қаршилиқлар гернсейлик обивательларнинг образларида ҳам мавжуд. Жильятнинг муҳитидаги — унинг атрофидаги ярамаслар ва саховатлилар галереяси дан фақат бир киши — денгиз дайдисини бўлган Летьеригина кўзга алоҳида ташланиб туради. У ҳамон ўз ғайратини, боцманларга хос сал қўполроқ соддадиллигини йўқотмаган ҳолда осо-

1 Диний жиҳатдан ҳурфикр кишиларни шундай деб атардилар.

Йишта умр кечириш ниятида. «Матрос, уста, философ, омадли захматкаш, ташқи кўринишидан соддадил» бўлган Летьери ўзини «1789 йилнинг сувини ичган» эркесвар киши ҳисоблайди. Летьери — ёзувчининг Гернсей ҳаётини бевосита кузатуви натижасида туғилган тўлақонли характердир. Бошқаларни эса Гюго Жильят даражасига кўтаришга интилиб, ясама қилиб яратади; Дерюшетта — туссиз, оддий вилоят қизи; Жильятнинг унга муҳаббати бежиз эмаслигини кўрсатиш учун Гюго кўркам жиҳозланган хонадан-хонага парвоз қилиб юрувчи «суқсур»га нисбатан меҳр кўзгатишга уринади. Клюбен — ўз хўжайинига хиёнат қилган оддий саркор. Аммо рўй берган хунук воқеада унинг катта ҳиссаси бор. «Тубсиз чуқурлик ёригапта» бобида муваффақият остонасида турган ўғри «Сурбетлик тантали»¹га айланади. Гюго бу «мунофиққа» символик қасос тайёрлайди — уни ярамас махлуқ бўлган саккизоёқнинг уясида ҳалок этади. Жильятнинг рақибни бўлган ёш руҳоний образи ҳам китобхон эсида қолмайди.

Иккинчи пландаги бу қаҳрамонларнинг ҳаммаси китобнинг романтик-қаҳрамонлик линияси атрофидаги мелодрамани ижро этувчи ёрдамчи образлардир. Албатта бу мелодрама буюк санъаткорнинг қўли билан ижро этилган, у Иккинчи империя китоб бозорларида дўконларни тўлдирган китоблардагидек буржуа-ларнинг олижаноблиги ва сирли жинояткорларнинг қилмишлари тўғрисида қизиқарли воқеалардангина иборат эрмак асари ёзишдек бемаъниликни ҳеч қачон ўзига эп кўрмаган санъаткор тасмонидан ёзилган; лекин асарда мелодраматик ҳаракатлар кўпайиб, баъзан Жильятнинг монолит фигурасини тўсиб қўяди, табиат стихиясига қарши инсоннинг кураши ҳақидаги романтик эпопеянинг таъсирини сусайтиради, асарнинг бадиий яхлитлигига путур етади, улуғвор табиий гўзаллик билан ёнма-ён сунъий гўзаллик ҳам кўзга ташланиб қолади, қудратли нафис музика билан бир қаторда қуруқ риторика ҳам қулоққа чалинади.


Ўтган аср француз адабиётида «Денгиз захматкашлари» ўзига хос ҳодиса бўлди, бу асар ўша даврнинг йирик ёзувчилари ижодида асосий ўрин олган ижтимоий-маиший ёки психологик романларга мутлақо ўхшамади. Бу асарда инсон машаққатлари ҳақидаги жонни ачитувчи кўринишлар ҳароратли лирика билан, илмий прозадан иборат боблар чиройли манзаралар ва маиший лавҳалар билан, фароғат ифодаланган кўринишлар фо-

¹ Т а н т а л — жуда юқори температурада эрийдиган ғоятда қаттиқ нодир металл.

жиалар билан алмашилиб туради, ялангоч тавсифлар фалсафий символикага кўтарилади. Гюго санъатида ҳамма нарса рангдор, ёрқин, баланд руҳли. Фитналар, кутилмаганда бир-бирига боғланиб кетадиган воқеалар, турли сиру найранглар, фавқулодда учрашувлар, ҳамма-ҳаммаси узвий равишда бир-бирига боғланган. «Денгиз заҳматкашлари»да нималаридир адабиёт тарихи ўтмишига мансуб бўлиб, бизнинг кунларда эскиргандек кўринса ҳам, у умуман прозада қаҳрамонлик-романтик эпос яратиш йўлида муваффақиятли чиққан бирдан-бир асардирки, халқ эпоеялари традицияларини ўзига сингдира олиши билан бирга, янги даврнинг катта бадний ихтироси ҳамдир. «Денгиз заҳматкашлари» ўша даврда яратилган кўпгина тақлидий асарларга қараганда узоқ умр кўрди. Меҳнат аҳли ҳақидаги бу романтик поэма — француз маданиятининг фахридир.

«Денгиз заҳматкашлари» бадний кучининг сири — унинг тақлидий эмаслигида; оригиналлигидадир. Бу асар XIX аср француз демократиясининг куйчиси бўлган Виктор Гюгонинг бутун борлигини эгаллаган қаҳрамонона инсонпарварлик ғояларининг маҳсулидир. Ҳар қандай китобхон, хусусан, ҳаётда ўз йўлини ахтараётган ёш йигит «Денгиз заҳматкашлари»ни қўлига оларкан, бир вақтлар Гюго асарларини ўқиган Алексей Толстойдек Гюгонинг ҳис-туйғулари ва фикрлари мафтунни бўлиб қолади, ундан кўп нарса ўрганади. «Сочлари ҳурпайган, овози бутун олам бўйлаб янграган кичик бир одам бутун фикри-зикримни банд қилиб олди, — деб эслаганди Алексей Толстой кейинчалик... — Супургидек катта мўйқалам билан у гигантларнинг портретларини чизиб берди. Супургини дарғазаб силкиб мешчанликдан уйғотди ва мени Улкан Инсоннинг ажойиб оламига бошлаб борди... Гюго, осмондаги яшинни ўғирлаган баҳодир сингари, зериктирарли, сокин ҳаётимга ажойиб ҳикматли сўзлари билан кириб келди. Бу жуда яхши, ажойиб иш бўлди... Инсониятни уйғотиш — буюк иш».¹

С. Великовский.



¹ А. Н. Толстой. Асарлар, XIII том, 375—376 бетлар.

² В. Гюго

Д Е Н Г И З ЗАҲМАТКАШЛАРИ


Бу китобни меҳмондўст ва эркесвар қояларга, қадимий Нормандия ерининг бир бурчаги, халқи оз сонли-ю, мағрур, табиати ўжар-у, аммо дилнаво бўлган Гернсей оролига, менинг ҳозирги қароргоҳим, балки келажакда қабрим бўладиган ерга бағишлайман.

В. Г.

Дин, жамият, табиат—инсон ана шу уч кучга қарши курашиб келмоқда. Учаласига ҳам қарши курашиб кел-япти, лекин шуларсиз инсоннинг ўзи ҳам яшай олмайди: инсонда эътиқод бўлиши керак — эътиқод қилиш учун ибодатхона зарур, инсон ижод этиши, яратиши керак — шаҳарлар ана шундай бунёд этилган, инсон яшаши керак — шунинг учун плуг ва кемаларни ўйлаб топган. Инсон ана шу уч масалани ҳал эта туриб, уч томонлама олишади. Бу уч томон ҳаёт мураккаблигининг гувоҳидир. Инсон олдида хурофот, хурофий одат, стихия тўсқинлик қилиб туради. Уч қисмат ҳужумрон бизга: ақидалар қисмати, қонунлар қисмати, ўжар материя қисмати. Автор «Париждаги Бибимарям ибодатхонаси»да ана шуларнинг биринчиси тўғрисида, «Хўрланганлар»да иккинчиси тўғрисида, мазкур китобда эса учинчиси тўғрисида ҳикоя қилади.

Бизга ташвиш орттириб турган ана шу уч қисматга яна бир ички қисмат, олийқисмат — инсоннинг қалби ҳам қўшилади.

Отвиль-Хауз, 1866 йилнинг март.



ЛА-МАНШ АРХИПЕЛАГИ

УТМИШДАГИ ТАБИАТ ОФАТЛАРИ

Атланттик океани қирғоқларимизни кемирмоқда. Қутб оқимининг таъсири остида серқоя ғарбий соҳилларимиз ўзгариб борапти. Денгиз бўйидаги Соммадаги Сен-Валеридан Ингувилгача чўзилган гранит деворнинг остлари емирилган; улкан тош парчалари емирилиб тушмоқда, сув ана шу тошларни думалатиб олиб кетяпти, гаванларимизни тош билан, қум билан тўлатиб ташляпти, дарёларимиз қуйиладиган жойларни қум билан тош босяпти. Ҳар куни Нормандия тупроғининг қирғоқдан узилган бир парчаси тўлқинлар қаърида йўқолмоқда. Океаннинг қаҳри бир вақтлар жуда ҳам ваҳимали бўлган. Улкан тўлқин қайтарғич — Финистер¹ денгизни жиловлаб турибди. Шербур билан Брест орасидаги кўрфазни кузатиб, шимолда вақти-вақти билан кўтарилиб турадиган сувнинг қудрати, қирғоқларни емирадиган даҳшатли кучи ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин.

Ла-Маншдаги кўрфаз узоқ замонлар мобайнида Франция ерлари ҳисобига ҳосил бўлган, лекин океаннинг қирғоқларимизга охириги марта бостириб кирган вақти маълум. 709 йили, Карл Биринчининг тахтга ўтиришидан олти юз йил муқаддам, денгиз бир ҳамла билан Жерсей оролини Франция тупроғидан ажратиб ташлади, бундан илгарироқ сув остида қолган қирғоқлар ҳам билиниб турибди. Сувдан кўтарилиб чиқиб турган чўққилардан оролчалар ҳосил бўлган. Улар Нормандия архипелаги деб аталади.

¹ Финистер — Бретон ярим оролининг туртиб чиқиб турган жойи, унинг бир томонида Ла-Манш сувлари, иккинчи томонида Атланттик океани бор.

Унда меҳнаткаш инсон чумолилардай ғуж-ғуж жойлашган.

Денгиз бўм-бўшлиқлар ҳосил қилди, шундан кейин инсоннинг яратувчилик фаолияти бошланди.

II

ГЕРНСЕЙ

Жанубда гранит, шимолда эса қум; бу ерда тик қоялар, у ёқда қум тепалар тизмаларидан иборат тўлқинсимон, ўт-ўланлар билан қопланган қиялама текислик, қаққайган қоялар; қояларга урилиб кўпик бўлиб сачраётган сув яшил чойшабни эслатади; қирғоқнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида сув юксак миноралар ҳосил қилиб сачрайди; денгиз соҳилларида зинапояли қалъа деворлари кўзга ташланади, бу деворни сувнинг ўзи ҳосил қилиб, уни ўзи бетиним қамал қилиб туради; бўрон вайрон қилган тегирмонлар; Валледа, Вильо-Рауда, Сен-Пьер портида, Тортваль яқинларида баъзи тегирмонларнинг қанотлари ҳануз айланиб турибди; қояли кўрфазларда кемалар лангар ташлаб, тўхтайдиган жойлар, қум тепаларда — подалар, овчарка ва соқчи итлар подачилар ортидан кезгани-кезган, шаҳарлик савдогарларнинг ўнқир-чўнқир йўллардан силкиниб-силкиниб кетаётган икки ғилдиракли извошлари кўзга чалинади, тез-тез қора уйлар учраб туради: ғарбий қирғоқда уйларни ёмғир намидан сақлаш учун деворларига қорамой суртадилар, хўрозлар, товуқлар, гўнг тўдалари, ҳамма ёқда баҳайбат деворлар, қадимий гаванда ҳам шунақа деворлар бор эди, деворнинг улкан гранит тошлари, катта устунлари, зил занжирлари ҳайрон қолдирарли даражада эди; мана энди уларнинг ҳаммаси емирилган; атрофи қадимий дарахтлар билан ўралган фермалар; бел баравар тош деворлар билан ўралган экинзорлар олисдан шахмат тахтасига ўхшаб кўринади; гранитдан қилинган кулбалар худди мудофаа истеҳкомларидек ҳар қанча тўпга тутилса ҳам бардош бера олади; қаердадир жуда узоқда томида қўнғироқли янги бино кўзга чалинади — бу мактаб; пастликларда икки-уч анҳор оқиб турибди; эман ва қайрағочлар; Гернсей табиати етиштирган нилуфарнинг тенги йўқ, баҳорги ер ҳайдаш палласида саккиз отлик плуглар иш беради; уйлар олдида айлана тош таглик устида пичан ғарами; ёввойи тоғолча-

зорлар ва уларга туташ учи текис қилиб қирқилган тис дарахтлари, манзарали бутазорлар, бежама вазалар — боғлар қадимий француз услубида, мевали боғлар билан полизлар уланиб кетган; деҳқонларнинг ихоталанган қўрғонларида кўркам гуллар; картошка палаклари орасида рододендрон¹лар; майсалар устида қўнғир тусга кирган сув ўсимликлари қуриб ётади, қабрлар бутасиз, ой нурида қабристондаги ҳар бир тош алвастига ўхшаб кўринади; уфқда ўнларча готик ибодатхонанинг қўнғироқхонаси кўринади; черковлар эски, ақидалар — янги; католик архитектура протестант маросимлари билан мураса қиладиган бўлиб қолди, қумликлар ва бурунларда кельтлар² ўйлаб топган табиатнинг турли шакллардаги сир туҳфалари: менгирлар, пельванлар, узун тошлар, сирли тошлар, тебранма тошлар, товуш чиқарувчи тошлар, тош галереялари, кромлехлар³, дольменлар⁴ беҳисоб; турли-туман тарихий ёдгорликлар; коҳинлардан кейин католик руҳонийлари, католик руҳонийларидан кейин протестант руҳонийлари ҳукмронлик қила бошлади; Малак-Микоил қўрғони⁵ турган чўққига Люцифер⁶ йиқилиб тушгани, Ваҳший бурунидаги бошқа бир чўққига Икар йиқилиб тушгани ҳақидаги афсоналар ҳали ҳам оғиздан-оғизга кўчиб юради; гуллар ёзда ҳам, қишда ҳам очилиб туради. Гернсейнинг қиёфаси мана шунақа.

III

ГЕРНСЕЙ. ДАВОМИ

Серунум экинзорлар. Гернсей яйловларидан яхшироқ яйлов йўқ. Буғдойи аъло навли, сигирлари зотдор. Сен-Пьер-дю-Буа ўтлоқларидаги бузоқлар Конфолан ясси тоғларидаги қўйлардан — кўргазмаларда мукофот-

¹ Рододендрон — гули чиройли тоғ ўсимлиги.

² Кельтлар — ҳинд-Европа халқларининг ирландияликлар, галлар ва бриттларни ўз ичига олган бир тармоғи.

³ Кромлех — неолит ва бронза даврида диний маросимлар ўтказилган иншоот.

⁴ Дольмен — тош даврида йирик тошлардан ясалган катта мақбара.

⁵ Франциянинг Ла-Манш соҳилларидаги баланд қоя устига қурилган қадимий аббатлик.

⁶ Христиан мифологиясида — Иблис, дўзахнинг ҳоқими.

ланган қўйлардан қолишмайди. Франция ва Англиянинг қишлоқ хўжалик жамоатчилиги Гернсей экинзорларида ва ўтлоқларида етиштирилган озиқ-овқат маҳсулотларини тақдирлаб турибди. Беҳисоб йўллар қишлоқ хўжалиги хизматида; алоқа йўллари оролнинг ҳамма ёғига қон томирларидек ёйилган. Йўллар жуда ҳам яхши. Чорраҳалардан бирида тепасида бути бўлган ясси тош бор. Гернсейнинг 1284 йилда тайинланган биринчи бальиси — қозиси Готье де ла Сальт ноҳақ ҳукм чиқаргани учун осиб ўлдирилганди. Қози умрида сўнгги марта тиз чўкиб, ибодат қилган жойда «Бальининг бути» номи билан машҳур бўлган шу бут турибди.

Бўғозларда ва қўлтиқларда, лангар ташлаб кемалар тўхтайдиган жойларда денгиз бети оппоқ қанд сепилганга ўхшайди; тўлқинлар устида кўпиклар мавжланиб, хилма-хил ранг таратиб, ажиб манзара ҳосил қилади. Гоҳ-гоҳ олис-олислардан арқон билан кема тортаётган матросларнинг мунгли ашуласи эшитилиб туради. Фақат балиқчиларгина эмас, боғбонлар билан деҳқонлар ҳам жуда мамнун. Тош жинслар хоки билан тўйғазилган тупроқ ҳосилдор; қуйқа балчиқ ва йўсинлар ерни тузлар билан таъмин этади; беҳад унумдорликка сабаб шу; ҳар нарса ўсаверади; ҳамма ёқда магнолия, мирта, лавра, толгул, зангори гортензиялар; фуксия қип-қизариб очилиб, ёниб туради; уч баргли тизим гуллар пештоқлар шаклида, ярон гуллар девор ҳосил қилиб ўсади; апельсин ва лимон дарахтлари очиқ ҳавода ям-яшил бўлиб ўсаверади; иссиқхоналарда узум етишади, бу узумнинг тенги йўқ; камелиялар — дарахтдек; боғлардаги алойларнинг бўйи уйлар билан баравар. Оролдаги уй ва боғларнинг кўрки бўлган бу ажойиб ўсимликлардан гўзалроғи оламда йўқ.

Лекин Гернсейнинг ҳамма соҳиллари ҳам шунақа кўркам деб бўлмайди, қўрқинчли, ваҳимали жойлари ҳам бор. Оролнинг ғарбий томони шиддатли бўронлар макони. Бу томонда қирғоққа гуриладиган тўлқинлар, пўртана, саёзланиб қолган кўрфазлар, ямалган қайиқлар, дам бериб қўйилган далалар, нообод ерлар, капалар, кўримсиз қишлоқлар; подаларда ёти устихонига ёпишиб кетган ҳайвонлар, шўрхок ерларда пастак-пас-

¹ А л о й — лола гуллилар оиласига мансуб тропик ўсимлик.

так қовжираган ўтлар ўсиб ётибди — хуллас, жуда маъюс манзара.

Ли-У — қирғоқдан сал наридаги кимсасиз хилват орол бўлиб, денгиз суви пасайгандагина унга бориш мумкин. Унда чангалзорлар кўп, турли-туман ҳайвонлар уяси беҳисоб. Ли-У оролининг қуёнларида вақтни билиш сезгиси кучли бўлади. Улар яширинган уяларидан денгиз суви кўтарилган пайтлардагина чиқадилар. Улар инсонни масхаралайдилар. Океан эса уларни дўстларча ҳимоя қилади. Бутун борлиқ — табиат ана шу буюк иттифоқ тимсолидир.

Агар саёзлашиб қолган Вазон кўрфази қазилса, ер остидан дарахт чиқади: ўрмон қум қатламлари остида қолиб кетган.

Гернсейнинг ғарбий қисмидаги балиқчилар шамолларда чиниққан, океандан таълим олган уста денгизчи бўлиб қолганлар. Ла-Манш оролларига яқин жойларда денгиз одатдан ташқари ғалати. Қанкаль кўрфази ер шарининг денгиз суви энг баланд кўтариладиган жойи ҳисобланади.

IV

ЎТЛАР

Гернсейда ўсадиган ўтлар оддий, аммо бошқа жойлардагига қараганда хилма-хилроқ. Гернсей ўтлоқлари Ключ ёки Жеменос яқинидаги ўтлоқлардан қолишмайди. Бу ерда ҳам бетага ва қўноқ ўт ўсади, лекин бошоғи урчиққа ўхшаган тароқбош, яшил бўёқ олинадиган полевица, сариқ лупина, сертук пояли бухарник, хушбўй сариқ гул, айиқтовон ва шунга ўхшаш ёввойи бошоқли ўсимликлар жуда кўп; бу оролда бошоғи чўқморчадек гулки қуйруқ ҳам бор, куга ҳам бор—поясидан сават тўқишади, қумлоқ жойларда ўсадиган узун илдизли ўсимликлар ҳам бор — булар қумларнинг кўчишини тўсади. Бор-йўғи шуми? Йўқ. Бу ерда ит ўт деб аталадиган ўсимлик ҳам бор — унинг гули коптокка ўхшаган думалоқ бўлади, бу ерда ёввойи тариқ ҳам, баъзи бир маҳаллий агрономларнинг гапига қараганда, патак илдизли ўтлар ҳам ўсади. Барги қоқи ўтнинг баргига ўхшаган бир ўтга қараб, вақтни билиш мумкин, итқарам об-ҳаводан дарак бериб туради. Ҳамма ўт ҳам ўт-у, лекин бу ердаги ўтларнинг ўзига хос хусусияти бор,

бу архипелаг ўтлари харсанг тошлар устида, тошлоқларда ҳам ўсаверади, океан тўлқинлари уларни суғориб туради.

Энди эса чиройли ва бадбашара ҳашаротлар олами ни кўз олдингизга келтиринг, улар ўт поялари орасида изгишади, ўтлар устида парвоз қилиб юришади: ўтларда шохдор, мўйловдор, узун тумшуқ қўнғизлар, чумолилар, чигирткалар, «хон қизи» деб улуғланадиган қўнғизча, «шайтон қурт» деб нафратланиладиган баргхўр қўнғизлар; ўтлоқларда ғужғон ўйнайдиган ниначилар, айғоқчилар, арилар, тиллақўнғизлар, тукли арилар, қаноти нафис пашшалар, қовоғарилар, хуллас, шу кабиларни кўз олдингизга келтириб тасаввур этиб кўринг, хаёлпараст энтомологнинг ёки табиатга қизиқувчи шоирнинг Жербур ёки Фермен-Бэй яқинидаги тоғ чўққиларидан июнь кунларида оладиган тасаввурига эга бўлишингиз мумкин.

Тўсатдан кўк майса устида квадрат тошга дуч келиб қоласиз. Тошда WD деб ўйиб ёзилган. Бу «War Department», яъни ҳарбий маҳкама дегани. Шундай бўлиши ҳам керак: цивилизация ўз меваларини бера бошлади. Бу ерлар бўм-бўш, ташландиқ ётарди. Рейн соҳилларига боринг, шунақа бекор ётган жойни қидиринг; ўзингизни бирор эҳромга кириб қолгандек ҳис қиласиз, манзара шунчалик чиройли; бу ерларга худонинг ўзи катта эътибор билан қараган экан, деган хулосага келасиз; мудроқ хилватгоҳларга — тоғларга кўтарилинг, сокин ўрмонларга боринг, ҳеч бўлмаса Андернага ва унинг атрофларига, ғамгин, худди қотиб қолгандек афсонавий Лаах кўлига боринг, — бу кўл тўғрисида маълумот жуда ҳам кам; бунақа хилватгоҳни ҳеч қаерда тополмайсиз, бутун оламнинг вазмину осойишталиги шу ерда; чор атроф сув қуйгандек жимжит; табиатнинг улуғвор тартибсизлиги; ана шу кимсасиз жойларда кўнглингиз яйраб кезасиз; бу ерлар баҳордагидек фароғатли, куздагидек хафатазак: таваккал қилиб юраве-ринг, монастирнинг вайронасига парво қилиб тўхтаманг, сокин жарликларда ғойиб бўлинг, қушларнинг сайрашидан, баргларнинг шитирлашидан роҳатланасиз; булоқдан ҳовучлаб-ҳовучлаб сув ичинг, кезинг, хаёл дарёсида ғарқ бўлинг, ҳамма нарсани унутинг; мана, олдингизда бир кулба турибди, у қишлоқнинг энг чеккасида, дарахтлар остида; ихчамгина уй ям-яшил дарахтлар

орасида кўринмайди, у чирмовуқ билан, хушбўй гуллар билан ўралган, болаларнинг товуши, шўх қаҳқаҳаси эшитилиб туради, яқинроқ бориб қадимий деворнинг қадимий тошида қишлоқнинг номи — *Лидербрейциг сўзи* тагида: *запасдаги 22-батальоннинг 2-ротаси* деб ёзилганини ўқийсиз. Қишлоқ деб ўйлагандингиз, полкка келиб қолибсиз. Одамзод шунақа.

V

ДЕНГИЗНИНГ КИРДИКОРЛАРИ

Оверфол Гернсейнинг ғарбий қирғоқларидаги хатарли жойлардан. Қирғоқни тўлқинлар қинғир-қийшиқ қилиб емирган. Айтишларича, алдоқчи қоялар устида кечалари ғайри табиий нур пайдо бўларкан, бунини шу ерлардан ўтган қадимги денгизчилар ҳам кўрган эканлар: бу нур кемаларни гоҳ хатардан огоҳлантиради, гоҳ йўлдан адаштиради. Довжурок ва содда денгизчилар сув остидаги афсонавий голотурияни — денгиз тагида, ғорларда ўсадиган газанда ўтни биладилар. Агар ана шу ўтга қўл теккизгудек бўлсангиз бас, ёлқини қўлни куйдиради. Тентаже (галлча Тен-Тажель) деган номнинг ўзи бу ерда жинга ишонадиганларнинг кўплигини аниқ кўрсатади. Қадимий бир шеърнинг муаллифи Эсташ, уни Уэйс ҳам деб аташади, жинга ишора қилиб шундай ёзган:

Ваҳимали шамол қутурди,
Тўлқинланиб денгиз кўпирди.
Булут қоплаб осмон бетини,
Қоронғулик босди бетиним.

Ла-Манш Тьюдриг, Умбрафел, Қора Амон-ду ва Кемперле яқинидаги Груа оролида яширинган рицарь Эмир Лидо давридагидек ҳамон ўжарлигича қолмоқда. Ҳамон бу ўлкаларда табиат маккор, эҳтиёт бўлмасангиз шўрингиз қурийди. Нормандия оролларида компас кишини ҳайрон қолдирарли даражада алдаб қўяди; масалан, шунақа ҳам бўлади: жануби-шарқдан бўрон туради, салдан кейин қарабсизки, ҳамма ёқ жимжит; кўнглингиз тинчийди; шу тарзда бирор соат ўтади; тўсатдан яна бўрон кўтарилади, лекин бу гал жануби-шарқдан эмас, шимолдан келади; дастлаб кемангизнинг орқа томони-

дан кўтарилган бўлса, қарабсизки, энди олд томонингиздан пишқиради; бўрон орқага ҳам ўта қолади. Фақат кўпни жўрган уста лоцмангина шамол йўлини ўзгартиргунча елканларини йиғиб олишга улгуриши мумкин, йиғиб ололмай қолса, кеманинг ҳалокатга учраши муқаррар.

Умрининг охирини Бразилияда ўтказган Рибероль¹ Гернсейда бўлганида кўрганларини кундалик дафтарига қисқа-қисқа қилиб ёзиб қолдирган. Мана ўша кундаликдан бир саҳифа: «1 январь. Янги йил совғаси: бўрон. Портриедан келган кема кеча қалъа олдида чўкиб кетди. 2 январь. Рокенга яқин жойда уч мачтали кема чўкиб кетди. У Америкадан келаётган экан. Етти киши ҳалок бўлди. Йиғирма бир киши қутқазиб қолинди. 3 январь. Почта кемаси келмади. 4 январь. Бўрон давом этяпти... 14 январь. Роса сел қуйди. Қирғоқ емирилиб тушиб, бир киши ҳалок бўлди. 15 январь. Ҳаво ёмон. «Тауну» йўлга чиқолмади. 22 январь. Тўсатдан пўртана бошланди. Фарбий қирғоқда беш бахтсиз ҳодиса рўй берди. 24 январь. Бўрон ҳамон қутуриб турибди. Ҳар тарафдан кемалар ҳалокатга учрагани ҳақида хабарлар келяпти».

Бу ўлкаларда океан деярли ҳамма вақт ўшқиргани ўшқирган. Қадимги дунё шоири Ли-Уар-Эннинг ташвишли овози асрлар оша чайкаларнинг ваҳима аралаш чинқириқларини ва довулларнинг даҳшатли товушини бизга етказгани бежиз эмас.

Лекин архипелаг сувларида кемалар учун энг даҳшатли нарса бўрон эмас; довул шиддатлана бошлайди, унинг бу шиддати кишини огоҳлантиради. Кема шу заҳотиёқ портга қайтади ёки дрейфга қўйилади, денгизчилар елканларни йиғиб олишга ошиқадилар; шамол кучаяверса, елканларнинг ҳаммаси йиғиштириб олинади, шундагина омон қолиш мумкин. Бу сувлардаги энг ёмон офат — кўзга кўринмайдиган, хатарли бир офатдирки, улар олдида об-ҳавонинг ҳар қандай бебошлиги ҳам ип эшолмай қолади.

Гернсейнинг фарбий қирғоқларидаги денгизчилар бу офатга дуч келиб қолганларида ҳам ўзларини сақлай

¹ Шарль Рибероль — француз публицисти. 1851 йил давлат тўнтаришидан кейин Жерсейга қочган. У ерда «Инсон» деган газета чиқариб, либераль буржуазия позициясида туриб Наполеон III га қарши кураш олиб борган.

оладилар. Сокинликнинг уч даҳшатли томони уларга маълум, буни бошқалар уларчалик билмайдилар. Булар: «тузоқ», «ботқоқ» ва «гирдоб». Тузоқ — сув остидан оқадиган оқим, ботқоқ — саёзлик, гирдоб — айланма, чуқур ўпқон, сув ости қояларидан ҳосил бўладиган гирдоб, денгиз остидаги қудуқдир.

VI

Қ О Я Л А Р

Ла-Манш архипелагининг соҳиллари кимсасиз. Оролар чиройли, аммо уларга бориш қийин ва қўрқинчли. Ла-Маншда Урта Ер денгизидек тўлқинлар қаттиқ ва шиддатли бўлади. Шунинг учун ҳам соҳиллардаги қоялар эгри-бугри, илма-тешик бўлиб кетган қирғоқлар чуқур емирилган.

Орол бўйлаб сузсанг, кўз ўнгингда сароб намоён бўлади. Қоя ҳам сени гўё аҳмоқ қилмоқчидай бўлади. Баҳайбат ҳайвонлар қаерга уя қурганлар? Харсанг тошларга. Ажойиб манзара: улкан тошлар қурбақалардек сувдан шўппайиб чиқиб туради; уфқда новча монах аёллар бошларини ҳам қилиб аллақаёққа шошилаётган, устига ёпинган чодирлари шажмолда тебрана туриб қотиб қолганга ўхшайди; тош тожли қироллар улкан тахтларида ўтириб олиб, денгиздан сачраб турган кўпикларга парво қилмай, хаёлга ботган; яна аллакимлар қоя узра қўл чўзган, ёзиқ бармоқлари кўзга ташланиб туради. Буларнинг ҳаммаси — қирғоқдаги қоялар. Яқинлашасан. Ҳеч нарса йўқ. Тош ҳам шунақа алдайди кишини. Қалъа кўринади, эҳром вайроналари кўзга чалинади, қаршингда кулбалар, кўҳна деворлар қад кўтариб туради — шаҳар харобалари деб ўйлайсан. Бориб қарасанг, шаҳар ҳам йўқ, эҳром ҳам, ҳеч қанақа қалъа вайроналари ҳам йўқ: қоялар ҳолос. Наридан сузасан ёки қирғоқдан нари юрасан, оқим бўйлаб жезасан ёки қирғоқдан айланиб ўтасан — қоялар ўз қиёфаларини ўзгартирадилар; ҳатто калейдоскопда ҳам нақшлар бунчалик тез ўзгармайди; бир шакл ғойиб бўлади-да, янгиси пайдо бўлади; манзара сиз билан ҳазиллашади. Харсанг тош — уч оёқли стол; йўғ-э, арслон шекилли, йўқ — фаришта, ана у қанотларини силкитиб қўйди; бир қарасанг, энди китоб ўқиб ўтирган одам бўлиб кўринади. Булутлар ўз қиёфа-

сини тез ўзгартиб туради, лекин қоянинг қиёфаси олисдан улардан ҳам тезроқ ўзгариб кўринади.

Қоялар гўзаллиги билан, фақат улуғворлиги билан жозибадор эмас. Уларда кўримсизлик, касалмандликка ўхшаган алланималарни ҳис этасан киши. Қояларда ғурра, шиш, чипқон, бўқоқ, кўкарган жойлар, сўгаллар сон-саноқсиз. Тоғлар — ер шарининг ўрқачларидир. Де Сталь хоним¹ сал букри бўлган Шатобриан жанобларининг Альп тоғларини сўйиканини эшитиб: «Букрининг букрига ҳасади бу»,— деган экан. Табиатнинг улуғворлиги, вазминлиги, осойишталиги, бепоён денгиз сатҳи, тоғлар қиёфаси, ўрмонлардаги зулмат, зангори осмон — ҳаммаси бир-биридан ажратиб бўлмайдиган, бир-бирига чамбарчас боғлиқ парчалардан иборат бутунликни ташкил этади. Бир линияга гўзаллик бахш этилган, бошқасига бадбашаралик. Бири жилмаяди, иккинчиси гижинади. Қоялар билан булутлар бетўхтов ўзгариб турадилар. Осмонда кезиб юрадиган булутларнинг шакли бетайин; ҳаракатсиз турадиган қояларнинг шакли ҳам доимий эмас; олам пайдо бўлган пайтлардаги тартибсизликларнинг изи мангу қолган. Улуғвор нарсаларда йиртиқ-ямоқлар кўп. Бадбашаралик кўркамлик билан қўшилиб, мавжудот тартибини бузаётгандек баъзан кишини таажжублантиради. Гоҳо булутлар бужмайиб кетишади. Гоҳо осмон масхарабозлик қилади. Тўлқинлар, япроқлар, қоялар каррикатуралардек бўлиб кўзга ташланадилар. Уларда хунуклик, бадбашаралик намоён бўлади. Бирон аниқ, ёрқин шаклни топиб бўлмайди. Ҳаммасида ҳам улуғворлик бор-у, аммо шаклларда аниқлик етишмайди. Булутларга назар солинг: қанақа шаклни олмайди дейсиз. Бу шакллар нималарга ўхшамайди, қанақа башаралар ҳосил қилмайди. Лекин юнон гўзалларининг ҳуснини ҳам улардан излаб кўринг-чи. Калибаннинг² қиёфасига ўхшатишингиз мумкин, лекин Венерани кўролмайсиз. Парфенонни³ ҳам тополмайсиз. Аммо баъзан, кечқурунлари қуюқ булут паст тушиб, туман билан қўшилиб улкан кромлех шаклини ясайди.

¹ Де Сталь хоним (1766—1817)—XIX асрнинг бошларида машҳур бўлган француз ёзувчиси.

² Калибан — В. Шекспирнинг «Бўрон» пьесасида одамсимон бадбашара бир махлуқ.

³ Парфенон — Афина шаҳридаги қадимий гўзал бино — эҳром.

ОКЕАН ВА СОҲИЛЛАР

Гернсейда қишлоқлар серҳашам бўлади. Баъзан йўл ёқалаб чўзилиб кетган декорацияга ўхшаб қад кўтарган девор кўзга ташланади, унга дарвоза ва эшиклар қўндирилган. Дарвозаларнинг ёндори ва аркида вақт ўтиши билан чўнқирчалар ҳосил бўлган, бу чўнқирчаларда дала мохи ўсиб ётибди, кўршапалаклар яшайди. Дарахтларга бурканган қишлоқлар қашшоқ, лекин гавжум. Кулбалар ҳам қадимий черковларга ўхшатиб қурилган. Убига бориладиган йўл устидаги тош кулба деворида тахмон бўлиб, ундаги колонна вайронасида 1405 йил деган ёзув бор. Бальморалга яқин жойдаги бошқа бир уйнинг олд томонида Эрнани ва Астигарадаги¹ деҳқон уйларидагидек тош герб бор. Қасрга қарасанг, ҳамма фермаларда деразаларга уйғонш даврини эслатадиган панжаралар қийшиқ қилиб ўрнатилган, зинапояли супачалар, нақшли арklar. Ҳар бир дарвоза олдида тош пиллапоя турибди, чавандозлар ана шу пиллапоядан ўз аргумоқларига минганлар. Баъзи кулбалар бир вақтлар кема бўлганини пайқайсан киши; устун устига тескари қилиб ўрнатилган кема том хизматини ўтайди. Тўнкарилган кема — эҳром; тескариси — кема; ибодат уйи бўлиб хизмат қилган кема тўлқинларни кесиб сузаверади.

Гернсейнинг гарбий томонларида, ҳайдалмаган далалар ўртасида оқ тошдан қилинган оддий қудуқ араб авлиёсининг мақбарасини эслатади; атрофи ғов билан ўралган қўрада дарвоза ўрнига тош остонага ходалардан эшик ясаб қўйилган; кечалари алвастино ажиналар ўтирадиган четан деворлар бор, деб айтишади.

Сойларда, жарликларда қирққулоқ, чирмовуқ, меваси қип-қизариб пишадиган пайзабарг, пушти ранг наъматак, оқ наъматак, Шотландия маржон дарахти, Генрих IV ёқаси деб ном олган узун бурма баргли ўсимликлар ўсади. Булар орасида айниқса эшаклар яхши кўрадиган кипрей ғовлаб ўсади. Бу ўтти ботаникада «ёввойи эшак кипрейи» деб аташади. Ҳамма ёқда бутазор, қайинзорлар, «ям-яшил эманзор»лар. Бу — сайроқи

¹ Эрнани ва Астигара — испан қишлоқлари. Гюго болагиди бу қишлоқларда бўлган.

қушлар макони; майна, тоғчумчуқ, ўрмон тўрғайлари, зарғалдоқлар галаси у ёқдан-бу ёққа физиллаб учиб ўтади, чуғурчиқлар гуриллаб учиб айланиб юришади; бу ерларда зеленушка ҳам, саъва ҳам, зогча ҳам, қизил-оёқ чумчуқ ҳам бор. Сув илони ҳам учрайди.

Юқоридан новлар орқали шиддат билан пастга оқиб тушаётган сув дарахтлар орасида гувиллаётган тегирмонларга жон бағишлайди. Баъзи фермаларнинг ҳовлиларида олмадан вино тайёрлайдиган қадимий чорхир— олма эзадиган айлана тош кўзга ташланиб қолади. Тобутга ўхшаган тош тоғоралардан ҳайвонлар сугорилади. Балки қадим-қадимларда бу тош тобутда бирор кельт қиролининг жасади чиригандир, энди ундан сигирлар бемалол сув ичишади. Жиблажибонлар товуқларга сочилган донларни ҳузур қилиб ейишгани-ейишган. Қирғоқлардаги ҳамма ўт-ғиёҳлар сарғайган. Қуёш қовжиратган ўтларни шамол тўзғитиб чирпирак қилади. Айрим черковлар қўнғироқхонасигача печакгуллар билан қопланган. Баъзи супургигуллар ўсиб ётган яйдоқ майдонларда шўппайиб турган қоя кўзга ташланади, унинг чўққисидан кулба чўққайган. Пристань йўқлигидан кемаларни қуруқликка чиқариб, катта тошларни тиргак қилиб қўйишади. Уфқда елканлар оқ тусда эмас, сарғиш-қизил тусда товланади. Дарахтларнинг шамолга тескари томонларида қурбақа ўтидан жияк ҳосил бўлган; ҳатто тошлар ҳам мохдан яктак кийиб олгандек. Барглари шилдирайди, майин шабада эсади, қўққисдан тумшуғида кумушдек товланиб турган балиқ тишлаб олган денгиз қуши қанот қоқиб ўтиб қолади, йил фаслларига хос турли-туман қиёфада капалаклар парвоз қилади: қоялар орасидан турли товушларнинг акси садоси эшитилади. Қўриқ ерларда бенўхта, яйдоқ отлар галаси санғиб юради. Майсалар устида гоҳ югуришади, гоҳ йўргалашади, гоҳ денгиз тўлқинларига тикилиб туриб қолишади, шамол уларнинг ёлларини елпийди. Май ойида қишлоқлардаги уйларни, балиқчиларнинг уйлари атрофларини левкой қоплаб чирой бахш этса, июнда сирень гуллаб кўрк бағишлайди.

Қум тепалардаги батареялар бузилиб кетяпти. Тўпалар сужунат сақлаб ётишибди, бу ҳам деҳқонларнинг бахти; амбразураларда балиқчиларнинг асбоб-ускуналари қурийди, тўрт девори ҳам емирилган блокгаузларда эшаклар ўтлаб юрибди, арқонлаб қўйилган эчки ўт

чимдийди; ярим-яланғоч болаларнинг завқ-шавқи бир жаҳон. Сўқмоқлар бағрида катак қилиб чизилган жойларда болалар «ганак» ўйнашади.

Ботаётган қуёш уфқдан қизғиш нурларини таратаётган маҳалларда яйловдаги сигирлар эринчоқлик билан сойлар бўйлаб қайтадилар. Улар итларнинг акиллашлари билан тўхталиб, йўлнинг иккала тарафида бута ғовларни қимтишади. Фарбий қирғоқнинг тўлқинсимон соҳиллари денгиз тўлқинларига қўшилиб-чатишиб кетади; баъзи жойларда яккам-дуккам ҳинд хурмоси кўзга чалинади. Сербулут осмон тепаликлар, чўққилар орасида улкан доворлар барпо этгандек, бу доворларнинг зихлари кўзга қорамтир тўрнинг нақшинкор ҳошиясидек бўлиб кўринади. Бу кимсасиз далаларда шамолнинг гувиллашини тинглаб оламнинг нақадар бепоёнлигини ҳис этасан киши.

VIII

СЕН-ПЬЕР ПОРТИ

Гернсейнинг бош шаҳри бўлган Сен-Пьер порти бир маҳаллар Сен-Малодан келтирилиб, ўйма нақш солиб қурилган ёғоч уйлардан иборат эди. Шаҳарнинг катта кўчасидаги ўн олтинчи асрда қурилган чиройли тош бино ҳали ҳам мустаҳкам.

Сен-Пьер порти эркин гавань ҳисобланади. Шаҳарнинг водийда ва тепаликларда қурилган уйлари олисдан бир неча қават зинапояга ўхшаб кўзга ташланади. Бу уйлар баҳайбат девнинг ҳовучида тургандай эски гавань атрофида тартибсиз қурилган; жарликлар кўча бўлиб қолган; зинапоялар узоқ йўлни яқин қилади. Баланд-паст йўллардан бақувват англиз-норманд отлари қўшилган аравалар физиллаб ўтиб туради.

Катта тош йўл устидаги майдонликда майда-чуйда сотувчи аёллар қор-ёмғирга парво қилмай савдо қилверадилар, улардан бир неча қадам нарида аллақайси шаҳзоданинг ҳайкали чўққайиб туради. Жерсейда йилга ўн икки дюйм ёғингарчилик бўлса, Гернсейда ўн дюйм ёғади. Полизчиларга қараганда балиқ билан савдо қилувчилар кўпроқ иззатда: бозорнинг балиқ расталари мрамор столлардан иборат, уларга Гернсейда овланадиган турли-туман балиқлар уйиб ташланади, баъзан бу ерга келтирилган антиқа балиқлар кишини таажжублантиради...

Бу ерда жамоат кутубхоналари бўлмайдди, лекин техника ва адабиёт жамиятлари бор. Коллеж ҳам бор. Ҳар қадамда черков. Бирор черков қурилиб тугалланиши биланоқ «кенгаш аъзоси бўлган жаноблар»нинг тасдиқига тавсия қилинади. Кўчалардан тепаси гумбазсимон қилиб ясалган дераза ромлари ортилган аравалар ўтиб туради — булар дурадгорларнинг черковга инъоми.

Суд бор. Бинафша ранг мантия кийган судьялар савлат тўкиб ҳукм чиқарадилар. Ўтган асрда то судьялар ўз улушни олмагунча қассоблар бирор фунт ҳам гўшт сотолмасдилар.

Беҳисоб сектант ибодатхоналари расмий черков билан рақобатда. Шундай ибодатхоналардан қай бирига кирманг, бирор деҳқон йиғилганларга несториячилик¹ ҳақида гапираётганини, Исонинг онаси билан илоҳий она орасида билинар-билинмас фарқ борлиги тўғрисида ёки ота худонинг қудратли — қодир экани, унинг ўғли эса қодирликнинг бир тимсолигина экани ҳақида гап сотаётгани устидан чиқиб қоласиз; хуллас, Абеляр бидъати². Бу ерда қайсар ирландиялик католиклар кўп, шунинг учун ҳам бунақа мунозаралар кўпинча муштлашишлар билан тугайди.

Якшанба куни ҳеч ким ишламаслиги керак. Якшанба кунлари ҳар нарса қилсангиз ҳам майли, фақат ичмасангиз бас. Агар ичкингиз келиб қолса, пиво ва олма виноси сотувчи гай-стритлик эътиборли жаноб Амос Шикнинг ўзини ҳам дарғазаб қилишингиз мумкин. Якшанбанинг қонуни: ашула айт, лекин ичишдан қайт. Ибодат қила турибгина «худо» дейишинг мумкин. Умуман худони «раҳмон» дейишади. Word⁴ сўзи good³ сўзи билан алмаштирилади. Пансион ўқитувчиси ёшгина француз жувон қўлидан тушиб кетган қайчини ердан ола туриб: «Вой худойим-э!» деганида «худонинг номини беҳуда тилга олгани учун» уни пансиондан ҳайдаб юбо-

¹ Несториячилик — V асрда яшаган Константинополь патриархи Нестория номи билан боғлиқ диний оқим. Баъзи шарқ мамлакатларида христианлар орасида тарқалиб, мўғуллар истилосидан кейин барҳам еган.

² Абеляр — (1079—1142) — француз философи, динни ақл ва фанга мослаб ривожлантириш тарафдор бўлган, бу иш учун даҳрий сифатида таъқиб остига олинган.

³ Худо (инглизча).

⁴ Марҳаматли (инглизча).

ришган. Бу ўлкада инжил эмас, ҳамон таврот ҳукмронлик қилади.

Шаҳарда театр ҳам бор. Шаҳар чеккасидаги хилват кўчалардан бирида оддийгина бир эшик бор, ундан аллақандай даҳлизга кирилади, бу — театрнинг йўлагидир. Архитектура жиҳатдан бу театр кўпроқ саройга ўхшайди. Турма театр биноси қаршисида. Шимолдаги Касл Карей (аслида буни Карей Касл дейиш керак эди) тепалигида ноёб расмлар коллекцияси бор, бу расмларнинг кўпчилигини машҳур испан рассомлари ишлаганлар. Агар ана шу коллекция жамиятники бўлганида, чинакам музей бўларди. Баъзи оқсуяк зодагонлар хонадонларнинг тош печкаларидаги ажойиб кошнлар кўзни қувонтиради. Бу кошнларнинг нусхаси подшо Пётрнинг Саардамдаги уйи тош печкасини безатишда ишлатилган кошнлардан олиб қолинган. Бу хонадонларда деворлар португалча *azulejos* деб аталадиган чинни билан қопланган; бу нафис чинни маҳсулотлар қадимий санъат маҳсули бўлиб, доктор Лассалга ўхшаган кишилар, Премьер фабрикаси каби фабрикалар ва кулолчилик наққоши Дейк ҳамда Деверс сингариларнинг шарофати билан кейинги пайтларда қайта тикланган ва тақомиллаштирилган.

Жерсейнинг д'Антен тош йўлига ўхшаш кўчаси Қизилшўрва кўчаси деб аталади. Гернсейнинг Сен-Жермен сингари шаҳар атрофлари¹ Роэ деб номланади. Бу ерларда ниҳоятда чиройли кўчалар кўп, атроф кўм-кўк боғ, уйлар ям-яшил дарахтлар орасида. Сен-Пьер портида қанча том бўлса, шунча дарахт ҳам бор; уйлардан кўра қуш уялари кўпроқ, кўчалардаги олаговурдан қушларнинг чагиллаши баландроқ. Шаҳар атрофи бўлган Роэдаги уйлар Лондон зодагонлари яшайдиган кварталлар сингари жозибадор, ҳамма ёқ оппоқ, озода.

Жарликдан кесиб ўтиб, Миль-стрит кўчасига чиқинг, икки баланд иморат орасидаги ковакка ўхшаб кўзга ташланиб турган йўлакка қайрилиниг-да, поялари омонат тор ва узундан-узун эгри-бугри зинапоядан кўтарилниг — чинакам бадавийлар қишлоғига бориб қолгандай бўласиз: хароб кулбалар, ўнқир-чўнқир тор кўчалар, куйган чордоқлар, нураган деворлар, супурги ўт босиб

¹ д'Антен тош йўли — Парижнинг бой буржуа райони. Сен-Жермен шаҳар атрофи — аристократлар яшайдиган район.

кетган деразасиз, эшиксиз, ташландиқ уйлар, кўчага туртиб чиққан тўсинлар, деворлар, уйлар йўлга қулаб тушган; унда-бунда одам яшайдиган кулбалар, яланғоч болалар, рангида қони йўқ аёллар; Заачага¹ келиб қолдимми, деб ўйлашингиз мумкин.

Сен-Пьер портида соатсозни — соатчи деб, даллони — савдочи, буёқчи-наққошни — сураткаш, сувоқчини — замаскачи, қадоқни кесиб ташловчи жарроқни — қадоқчи, ошпазни — таомпаз деб аташади; эшикни тиқиллатишмайди, эшикка «уришади». Пескот деган бир хоним ўзини «божхона вакили ва кема таъминотчиси» деб юришади. Бир сартарош ўз сартарошхонасида Веллингтоннинг² ўлими ҳақида гапириб: «Солдатликнинг каттақони вафот этди», — деган.

Аёллар дўкон ва бозорлардан сотиб олган майда-чуйда нарсаларни фойдасига сотиш учун уйма-уй юришади; буни «атторлик» деб аташади. Атторлар жуда камбағал, кўп машаққат билан озгина чойчақа топадилар. Улардан бири: «Хўп юмадим келди-да: бир ҳафта ичида қора кунимга атаб етти су орттирдим», деган экан. Менинг бир ошнам шунақа атторлардан бирига беш франк инъом қилганда, у: «Ташаккур сизга, тақсир, мана энди кўтарасизга мол харид қила оламан», деган.

Май ойида портга яхталар кела бошлайди; портда кемалар кўпайиб қолади; уларнинг деярли ҳаммаси шхуналардек ускуналанган, баъзиларида буғ машиналари ҳам бор. Баъзи мулкдорлар яхтага ойига юз минг франклар пул харжлашади.

Крикет ўйини борган сари авж олиб, бокс ҳеч кимни қизиқтирмай қўйяпти. Ҳушёрлаштириш жамиятлари кенг тарқалган, шуни ҳам айтиш керакки, бу жуда фойдали иш. Бу жамиятлар турли маросимлар уюштиряпти, масонлик тантаналари уюштириб, туғ кўтариб юришибди, бу ҳатто қовоқхоналарнинг эгаларини ҳам ийдиряпти. Қовоқхоначи аёллар ароқхўрларга ўзлари хизмат қиладилар-у, яна: «Бир стакан ютинг, шу бас. Ҳадеб шишага ёпишаверманглар», — деб қўйишади.

Ороликлар хушбичим, соғлом ва самимий халқ. Шаҳар турмаси кўпинча ҳувиллаб ётади. Рождествода

¹ Заача — Жазоирнинг Бискра шаҳри яқинидаги воҳа.

² Веллингтон — Герцог, Ватерлоо жангида (1815) инглиз қўшинларининг бош қўмондони. Реакцион спёсий арбоб. 1852 йилда ўлган.

турма нозирни агар турмада маҳбуслар бўлса, улар учун оилачасига байрам уюштиради.

Маҳаллий архитекторларнинг диди ўзгармас; Сен-Пьер порти аҳолиси қироличага, тавротга содиқ; шаҳардаги ҳамма деразалар пастга тушириб очиладиган; ёз кунларида эркаклар яп-яланғоч чўмилишади, ички кийимда чўмилиш уят ҳисобланади.

Бу ерлик аёллар болаларни дид билан кийинтирадилар, болаларнинг ажойиб жажжи камзулчаларидан чиройлироқ нарса йўқ. Кўчаларда болалар ёлғиз юраверинишади. Каттароқлари кичкиналарининг қўлидан ушлаб юради.

Гернсейликлар модада паришликларга тақлид қилдилар. Лекин бутунлай эмас. Баъзан Англия билан қардошлик тўқ қизил ва оч кўк рангга ихлосмандликда кўринади. Шундай бўлса ҳам қизил ва тўқ кўк рангга ёқтирмайдиган бир тикувчи аёлнинг гернсейлик мода ишқибозларидан бирига: «Гунафша ранг маъқул, аёлларга шу ярашади», деб гапини маъқуллаётганини эшитиб қолдик.

Гернсейлик кемасоз усталар жуда машҳур; жемасозлик корхоналарида ремонт қилинадиган елканли кемаларнинг сон-саногини йўқ. Кемаларни сурнай чалиб қуруқликка чиқаришади. «Баъзи ишчиларга қараганда сурнайчидан манфаат кўпроқ», дейишади усталар.

Дьеппага ўхшаш Сен-Пьер портининг ҳам ўз Поллеси, Лондонга ўхшаш ўз Стренди¹ бор. Оқсуяк киши бу ерда папка кўтариб ёки қоғоз қўлтиқлаб кўчага чиқмайди, лекин сават кўтариб ҳар шанба бозорга бориб келади. Йўл-йўлакай Сен-Пьер портига ташриф буюрган бир подшо шарафига минора барпо этилган. Кишилар шаҳар чегарасига дафн этилади. Мактаб кўчасининг ҳар иккала томони ҳам қабристон. 1610 йилнинг февралда қўйилган қабр тоши қабристон иҳотасининг бир қисми бўлиб қолган.

Зумрад гул пушталари бўлган, кўркам дарахтларга кўмилган Иврез хиёбони Париждаги Елисей майдонининг энг манзарали жойларидан қолтирмайди, бу

¹ Полле — Дьеппа шаҳрининг балиқчилар яшайдиган райони; гаваннинг нариёгида бўлиб, шаҳарнинг маркази билан осма кўприк орқали боғланган. Стренд — Лондоннинг бир квартали бўлиб, XIX асрда қурилган, театрлари, магазинлари, дангиллама уйлари кўп.

ерда денгиз хиёбон кўркига кўрк қўшиб туради. «Аркада» магазинининг чиройли безатилган витриналаридан биридаги: «Бу ерда 6-артиллерия полкига манзур бўладиган атирлар сотилади» деган реклама диққатингизни тортади.

Шаҳар кўчаларида шволи бочкалар ёки тошкўмир ортилган аравалар у ёқдан-бу ёққа ўтиб туради. У ер-бу ерда қўйидагича эълонларга кўзингиз тушади: «Бу ерда зотдор буқа бор, вақтинча фойдаланиш учун берилади». «Бу ерда латта-путта, қўрғошин, шиша, суяк энг қиммат нархларда қабул қилинади». «Бу ерда энг яхши картошка сотилади». «Бу ерда нўхат учун тирговучлар, бир неча тонна сули сомони, меҳмонхоналар учун инглизча эшик ускуналарининг тўла комплекти, шунингдек бақувват қарағай ёғочлари бор». «Хузур-ҳаловатим. Сен-Жак» фермасига мурожаат қилинг. «Тоза сомон, юзлаб сариқ сабзи, яхшигина француз клизма найчалари сотилади. Сент-Андре ёнидаги тегирмонга учранг». «Бу ерда балиқ тозалаш, чиқиндилар ташлаш ман қилинади». «Соғин эшак сотилади» ва шу қабилар.

IX

ЖЕРСЕЙ, ОРИНЬИ, СЕРК

Ла-Манш ороллари Франциянинг денгиз қаърига тортган бир бўлаги-ю, лекин кейинчалик Англияники бўлиб қолган. Шунинг учун ҳам орол аҳолисининг қайси миллатга мансублигини айтиш қийин. Жерсейликлар ва гернсейликлар ўз-ўзидан инглиз бўлиб қолганлар, лекин аслида барибир француздирлар. Улар инглиз бўлганларини пайқаганларида бундан афсусланган ҳам бўлардилар: ахир улар француз тилида гаплашадилар-ку.

Архипелаг тўрт оролдан иборат бўлиб, иккитаси йирик — Жерсей. Гернсей ва иккитаси кичкина — Ориньи, Серк. Ортаҳ, Каскэ, Эрм, Жет-У каби бошқа майда оролчаларни ҳисобламаса ҳам бўлади. Бу қадимий Галлиянинг аҳолиси ороллар ва сув ости қояларининг номлари охирига у товушини қўшиб гапирди: Ориньи яқинида — Бюр-У, Серк яқинида — Брек-У, Гернсей яқинида — Ли-У, Жет-У, Жерсей яқинида — Экре-У, Гранвилли яқинида Пир-У, бундан ташқари Уг буруни, Уг, Олма Уг ва Умэ деган кўрфазлар бор. Шузей ороли, Шуас сув ости қояси ҳам бор ва ҳоказолар. Қадимий

тилдан сақланиб қолган һоу ўзаги кўп сўзларда учрайди: һоуе—тўлқин, һиде—қийқириш, һиге—чўчқанинг боши, һоуигуе—голланд елканли кемаси; һоуеге—дор остидаги кунданинг қадимий номи, һоуих — тоғолча дарахти, һо-ирегон — наҳанг, һурлемент — ўкириш, һулотте, чоуетте— бойқуш, япалоққуш (чоуап — шуан сўзи ҳам шундан) ва бошқалар; бу товуш ниҳоясизликни ифодалайдиган яна икки сўзда ҳам бор: unda ва unde¹. Бу товуш шубҳани ифодаловчи икки сўзда ҳам бор: *ои* ва *ой*².

Серк — Ориньининг ярмига тенг, Ориньи — Гернсей-нинг тўртдан бирига, Гернсей Жерсейнинг учдан икки қисмига тенг. Жерсей ороли эса майдон жиҳатдан Лондонга тенг. Франция эгаллаган майдонга Жерсей каби ороллардан икки минг етти юзтаси бемалол жойлашади. Билимдон, тажрибақор агроном Шарасеннинг ҳисобича, агар Франциядаги ҳамма шудгор қилинадиган ерлар Жерсейдагидек ишлов берилса, икки юз етмиш миллион кишини, бутун Европани боқиши мумкин эди. Тўрт оролнинг энг кичиги бўлган Серк уларнинг ҳаммасидан ҳам кўркемроқ. Энг каттаси ва энг жозибалиси Жерсейдир. Табиати кескин ва хушманзара Гернсей эса уларнинг иккаласига ҳам ўхшайди. Серкда кумуш кони бор. Унда кумуш ҳаддан ташқари кам бўлгани учун ташлаб қўйилган. Жерсейда эллик минг, Гернсейда ўттиз минг, Ориньида тўрт минг беш юз, Серкда олти юз, Ли-У да бир киши яшайди. Оролдан оролга, Ориньидан Гернсейга, Гернсейдан Жерсейга — катта бир қадам ташласанг ўтиб оласан дейдилар. Гернсей билан Эрм ўртасидаги бўғозни «Кичик кўча», Эрм билан Серк ўртасидаги бўғозни эса «Катта кўча» деб атайдилар, қитъанинг оролларга яқин ери Франциядаги Фламанвиль бурунидир. Шербургда отилган тўп Гернсейда, Гернсейдаги момақалдироқ гулдураши Шербургда эшитилади.

Юқорида айтиб ўтганимиздек Ла-Манш архипелагида момақалдироқлар анча ваҳимали бўлади. Архипелагни шамоллар ватани деса бўлади. Ороллар орасидаги ҳар бир бўғоз босқонга ўхшаб туради. Табиатнинг бу қонуни қуруқликдагиларнинг бахти, денгиздагиларнинг эса шўри. Шамол ҳар хил ругубатларни кўтариб олиб кетади-ю, кемаларга ҳалокат келтиради. Бу қонун бошқа

¹ Unda — тўлқинлар; unde — қаердан (*лотинча*).

² Ои — ёки; ой — қаерда (*французча*).

архипелаглардагидек норманд оролларида ҳам ҳукмрон. Гернсей билан Жерсейга вабо касали салгина тарқалди. Лекин ўрта асрларда Гернсейда ўлат касали жуда тарқалиб кетганки, маразни куйдириб йўқотиш учун судьялар бутун архивларини ёқишга мажбур бўлганлар.

Бу оролларни Францияда «инглиз ороллари», Англияда эса уларни «норманд ороллари» деб аташади. Ла-Манш оролларининг ўз пули бор — фақат мис тангалар зарб қилинади. Кутансан Жерсейга борадиган қадимий Рим йўли ҳали ҳам бор.

Илгарироқ айтганимиздек, 709 йилда океан Жерсейни Франция тупроғидан ажратиб олган. Тўлқинлар черковларнинг ўн икки қавми яшаган ерни ютиб юборганлар. Ҳозир Нормандияда истиқомат қилаётган дворян оилалари ўзларини ҳамон аждодлари яшаган ўша муқаддас мулкларнинг сеньори деб биладилар, аммо бу «муқаддас мулклар» аллақачон денгиз қаърига кетган; муқаддас мулкларнинг тақдири кўпинча шунақа бўлади.

Х

ТАРИХ. РИВОЯТЛАР. ДИН

Гернсейда азалдан яшаб келган олти қавмнинг ҳаммаси ҳам бир сеньорга — 1047 йилда Дюна яқинидаги жангда иштирок этган Котантен виконти Неелга тобе эди. Дюмаренинг айтишича, ўша вақтларда Ла-Манш оролларида вулқон бўлган. Жерсейдаги бошқа ўн икки қавмнинг пайдо бўлиш тарихи Кутан бош ибодатхонасининг Қора китобида ёзилган. Брикбек сеньори Гернсей барони унвонига эга эди. Ориньи Генрих Мастернинг мулки ҳисобланарди. Жерсей икки фотиҳнинг — Цезарь билан Роллоннинг зулмини татиган.¹

«Аро» нидоси шу иккинчи фотиҳ номидан (оҳ, Роллон!) қолгандир, агар бу сўз саксонча нагап — «қичқирмоқ» сўзидан келиб чиқмаган бўлса; «аро» нидосини

¹ Галлиянинг Рим императори Юлий Цезарь (эрамиздан олдинги 100—44 йиллар) томонидан босиб олиниши кўзда тутилди. Ушанда Цезарь ашаддий шафқатсизлик қилган, Галлия бойликларини римликларга топширган. Роллон — норманд феодал, IX асрнинг охириларида француз шаҳарларига, вилоятларига ҳужум қилган. У ҳақда кўп афсоналар тарқалган.

даъвогар йўлда тиз чўкиб, уч марта такрорлайди, атрофдагилар то адолат ўрнатилмагунча ишларини тўхтатадилар.

Нормандияликларнинг герцоги Роллонга қадар архипелагда Бретань қироли Соломон ҳукмронлик қилган. Шунинг учун ҳам Жерсейда Нормандиянинг, Гернсейда эса Бретаннинг таъсири бор. У ернинг табиати тарихни ифодалаб туради: Жерсейда ўтлоқлар кўп, Гернсейда — қоялар; Жерсей ям-яшил, Гернсей қаҳрли.

Дворянлар архипелагни мудофаа қилганлар. Ориньда Эссек графининг мулкларидан Эссек қўрғонининг вайронлари қолган. Жерсейда — Монтогрёйль қўрғони, Гернсейда — Корнэ қўрғони сақланиб қолган. Корнэ қўрғони Хольм деган, яъни Шлем деган қоя устида қурилган. Ороллари ҳақида кўпдан-кўп мажозий ривоятлар тарқалган: Каскэ — Каскалар. Корнэ пикардиялик фотиҳ Эсташ¹ томонидан, Монтогрёйль эса Дюгесклен² томонидан босиб олинган эди. Қалъалар, худди аёлларга ўхшаб, агар мағлубиятга учратганлар машҳур кишилар бўлса, улар билан фахрланишни яхши кўрадилар.

Ун бешинчи асрда Рим папаларидан бири Жерсей билан Гернсейни бетараф ўлкалар, деб эълон қилган. Лекин бунда у албатта диний ҳаракатни эмас, урушмасликни кўзда тутган. Жерсейда Пьер Морис, Гернсейда Никола Бобуэн тарғиб қилган кальвинизм³ Нормандия архипелагида умуман 1563 йилда пайдо бўлган. Бу ерда у Лютер таълимоти⁴ сингари ривожланди, лекин энди униси ҳам, буниси ҳам методик таълимот томони-

¹ Эсташ (лақаби Монах) — Ла-Маншда XIII аср бошларида машҳур бўлган денгиз қароқчиси.

² Дюгесклен — Француз қироли Карл V (XIV аср) давридаги армия бошлиғи; юз йиллик урушнинг бошларида инглизлар билан бўлган муваффақиятли жангларга раҳбарлик қилган.

³ Кальвинизм — протестантликнинг марказий Женевада бўлган оқимларидан бири, асосчиси Жан Кальвин (1509—1564) бўлган.

⁴ Мартин Лютер (1483—1546) — немис монахи, диний протестантизмнинг асосчиси. Унинг «95 тезиси» католик черковининг доғмаларига қарши бўлиб, Германияда феодалларга қарши ҳаракатнинг байроғига айланган эди. Бу ҳаракат XVI аср шароитида динни реформа қилишга қаратилганди. Лекин у князларга, помешчикларга, руҳонийларга қарши деҳқонлар урушига айланиб кетгач, Лютернинг ўзи халқ оmmasига хиёнат қилиб, халқнинг душманлари томонига оғиб кетди.

дан сиқиб чиқарилмоқда. Бу таълимот протестантлик бўлиб, Англиянинг келажаги уники бўлади.

Эътиборга сазовор нарсаларни муфассал баён этайлик: архипелагда черковлар сон-саноқсиз, ҳар қадамда эҳромлар. Шунинг ўзи ҳам католикларнинг ҳар қанча художўйлигидан ошиб тушади; Жерсей ёки Гернсейнинг бирор бурчагидаги ибодатхоналар Испанияда ёки Италия мамлакатларининг майдони шу оролларчалик келадиган ҳар қандай вилоятидаги ибодатхоналардан кўпроқ. Булар турли мазҳабларнинг — методистлар, методист-догматиклар, бирлашган методистлар, мустақил методистлар, баптистлар, пресвитерианчилар, милленарлар, квакерлар, таврот христианлари, плимут биродарлари, эркин эътиқодчилар ва бошқаларнинг ибодатхоналаридир. Англикан епископ черковлари ва Рим-католик черковлари ҳам бор. Жерсейда ҳатто мормон¹ ибодатхонаси ҳам бор. Уларнинг муқаддас китобларида иблис кичик ҳарф билан ёзилган; иблиснинг иблислигига яраша-да, баттар бўлсин.

Кези келганда иблислар ҳақида бир-икки оғиз сўзлайлик; бу ерда Вольтердан нафратланадилар. Вольтерни ҳам иблис ҳисоблайдилар. Вольтер тўғрисида оғиз очиш билан ҳар қанақа мунозара тўхтайдди, мормон англикан билан келиша қолади, ҳамма мазҳаблар ҳам Вольтерга нафрат билан қарайдилар. Умумий ғазаб бирдамлилиқ туғдиради. Вольтерни лаънатлаш — протестант мазҳабларининг айни муддаоси. Қизиғи шундаки, католиклар Вольтерни сўкишса, протестантлар лаънатлашади. Лаънатлашларда ҳам оҳангдошлиқ бор. Калас² ҳам, Сирвен³ ҳам, Вольтернинг драгонадларга⁴

¹ Мормонлар — 1830 йилда пайдо бўлган америка диний мазҳаби. Будда, мусулмон, христиан динларига асосланган; халқни кўпроқ эзish умидида ўйлаб топилган.

² Ж а к К а л а с — протестант чол, гўё католик динига ўтгани учун ўглини ўлдирди, деган тухмат билан 1762 йилда Парижда чархпалакка тортиб азоблаб ўлдирилган. Бу воқеадан Вольтер диний мутаассибликни фoш қилишда фойдаланган. Уч йил курашиб, у Каласни ўлимидан кейин оқлаб чиқишга муваффақ бўлган, бу билан унинг оиласини лаънатдан қутқазган.

³ С и р в е н — диний мутаассиблик қурбонларидан бири; Каласнинг ишнини бир ёқлик қилганидан кейин Вольтер унга ҳам ёрдам берган.

⁴ Д р а г о н а д л а р — XVII асрнинг охирларида француз қироли Людовик XIV томонидан француз протестантларини мажбуран католик динига ўтказиш учун юборилган жазо отрядлари.

қарши ёзган таъсирли, мазмундор мисралари ҳам ҳеч қанақа роль ўйнамай қўйди. Аслида у ақидапарастликка қарши чиққанди. У асосан протестантларни ҳимоя қилганди, аммо оқибатда протестантликни ҳақорат қилган бўлиб чиқди. Изчил протестантлар унга кўрнамаклик қилдилар. Қулларнинг бирида Сент-Эльеда биров қурбонлик йиғишга даъват этиб, нутқ сўзламоқчи бўлган. Агар Вольтернинг номи тилга олинса, қурбонлик йиғиш барбод бўлажаги ҳақида уни олдиндан огоҳлантириб қўйганлар. Утмишнинг товуши пасаймагунча Вольтерни рад этаверишади. Унинг тўғрисида нималар дейишмаяпти! Унинг генийлигини, истеъдодини, ундаги ақл-заковатни тан олгилари келмаяпти. Қаригаи чоғида уни ҳақорат қилишди, ўлганидан кейин ҳам тинч қўймай, сўкканлари-сўккан. У ҳаяжонли мунозаралар сабабчиси. Унинг шуҳратининг боиси ҳам шунда. Ахир Вольтер тўғрисида ҳаяжонсиз, совуққонлик билан гапириб бўлармиди? Агар биров ўз замондошларидан буюкроқ бўлса, агар у тараққиёт тимсоли бўлса, унинг танқидга эмас, нафратга учраши табиий.

XI

УТМИШДАГИ ҚАРОҚЧИЛАР ВА АВЛИЕЛАР

Циклад ороллари доира шаклида: Ла-Манш архипелагидаги ороллар эса учбурчакка ўхшайди. Норманд ороллари харитасига нигоҳ ташларкансан — харитада эса қушлар учадиган баландликдан инсон кўзига кўринадиганлар тасвирланган — денгиз ичида учбурчак намоен бўлади; учбурчакнинг шимолӣ бурчаги — Оринь ороли, ғарбий бурчаги — Гернсей, Жерсей жануби. Ана шу уч оролнинг ҳар бирини, она товуқ атрофидаги жўжалардек, оролчалар ўраб олган. Оринь атрофида Бюр-У, Ортаҳ ва Каскэ; Гернсей атрофида — Эрм, Жет-У ва Ли-У; Жерсей Франция томонга қараб Сент-Обен кўрфазида ёйсимон чўзилган, зангори осмонга туташ кўм-кўк сув сатҳида Греле ва Менкье ороллари тўдаси икки тўп асаларидек кўринади. Архипелагнинг марказида Гернсей билан Жерсей орасида Серк ороли алоқачига ўхшаб ётади, унинг ёнида — Берк-У ва Эчки ороллари. Циклад оролларини Норманд ороллари билан

таққослаш Тиклаш даврида Экштейнга¹ эргашиб де Местринг² мухлислари бўлиб қолган мистик-мифологик таълимот тарафдорларини шубҳасиз қувонтирган бўларди; бунда улар символик бир фикр топган бўлардилар: Эллин архипелаги донра шаклида; Ла-Манш архипелаги эса уч бурчакка ўхшайди: илжиқ, маккор, қиргоқлари кўзга яққол ташланиб туради; унисда ҳамма нарса хушёр бўлишга ундайди; шунинг учун ҳам униси Греция, буниси Нормандия.

Қачонлардир, қадим замонларда Ла-Манш ороллари ваҳший ороллар бўлган. Ҳозир суяклари Мулен-Гиньон яқинидан топилаётган дастлабки ороликлар пастки жағи ривожланмаган ибтидоий одамлар наслдан пайдо бўлган бўлсалар ҳам эҳтимол. Улар ярим йил балиқ ва чиганоқлар билан, ярим йил денгиз туҳфалари билан озиқланганлар. Қиргоқларни талон-торож қилганлар, уларнинг ҳаёт манбаи фақат шулар бўлган. Улар йилда фақат икки фасл бор деб билганлар: «балиқ ови фасли» ва «кемалар ҳалокатга учрайдиган фасл». Шунга ўхшаш гренландияликлар ёзни «кийик ови пайти» деб, қишни эса «тюлень ови пайти» деб аташади. Кейинчалик Нормандия деб ном олган бу оролларда чакамуғ бутазорлари, чапгалзорлар, йиртқичларнинг уялари, қароқчиларнинг масканлари сон-саноксиз эди. Қадимги солномачи ороликлардан бири у ерларни «Қаламушлар ва қароқчилар ўлкаси» деб жуда тўғри ёзган. Рим ҳукмронлиги бошланди, лекин римликлар адлу инсофни амалга ошириш йўлида жуда кам иш қилди, денгиз қароқчиларини бутга парчинлаб қўйиб, барибир «Фуриналия» — қароқчилар байраминини нишонлайверишди. Бу байрам бизда баъзи қишлоқларда 25 июлда, шаҳарларда — йил бўйи байрам қилинади.

Жерсей, Серк ва Гернсейни бир вақтлар Анж, Сарж ва Бисарж деб атаганлар. Оринини Реданэ дейишган, эҳтимол Танэ деб аталгандир. Ривоятларга кўра Қаламушлар оролида, *insula ratorum* эркак қуёнлар билан урғочи каламушларнинг чатишувидан денгиз чўчқаси,

¹ Фердинанд Экштейн — барон, ашаддий реакционер. Тиклаш даврида қирол ҳокимиятига ўта тарафдор бўлган газеталарда ишлаган.

² Жозеф де Местр — француз ёзувчиси, XIX аср бошларида Францияда феодал реакциясининг бош идеологларидан бири.

„Turkey солу“¹ пайдо бўлган. Лафонтенни² тилни мукамал билмасликда айблаган шаливуалик аббат Фюретьернинг гапига қараганда французлар ўз қирғоқлари яқинидаги Ориньи оролини узоқ вақтларгача билмаганлар. Тўғри, Ориньининг Нормандия тарихида туган ўрни айтарли эмас. Лекин Рабле Норманд архипелагини билган, у Эрм ва Серк ороллари тилга олади, Серкни Сер деб атайди. У: «Сизларни ишонтираманки, бу жойлар Бретан билан Англия ўртасидаги Сер ва Эрм оролларига ўхшаш, лекин у ороллари мен бир вақтлар кўрганман...» деб ёзади (1558 йил нашри, Лион, 423-бет).

Каскэ ороллари кемалар ҳалокатга учрайдиган хосиятсиз жой ҳисобланади. Икки юз йиллар муқаддам инглизлар денгиз остидан тўплар олиб чиққанлар. Шу тўплардан бири устрицалар ва чиганоқлар билан қопланган ҳолда Валонь музейида сақланмоқда. Эрм — буге-тос, саҳро. Бу ерда Авлиё Сансоннинг дўсти бўлган авлиё Тугдуаль умрини Серк оролида яшаган авлиё Маглуардек тоат-ибодат билан ўтказган. Серсоя бу оролларда яшаган зоҳидлар тўғрисидаги ривоятлар кенг тарқалган. Элье Жерсейда, Маркуф эса Қальвадосда тоат-ибодат қилган. Уша замонларда Ангулем ғорларида мўъжиза кўрсатган дарвеш Эпархий кейинчалик авлиё Сибард деб танилган, тарки дунё қилган Кресцентий Трев ўрмонларининг жиши ўтиб бўлмас қалин жойларида яшаб, роса беш йил пайт пойлаб Диана эҳромини вайрон қилган. Серкда авлиё Маглуарнинг қароргоҳи „lopad naotk“ бор, шу ерда у барча авлиёлар кунига атаб диний оятларни тўқиган, буни кейинроқ Сантейл, „Coelo quos eadem gloria consecrat“³ қилиб қайта ишлаган. У ибодатига икки марта халақит берган саксларнинг қароқчи кемаларига шу ердан туриб тош отган. Уша пайтларда кельтлар жамоасининг кациги амваридур ҳам кўнгина ваҳималар туғдириб турган. Баъзан Маглуар Герисейга сузиб бориб, пайғамбар деб ном чиқарган Герисей мактиёрни Ниву билан суҳбатлашиб турган. Кунларнинг бирида Маглуар бир мўъжиза кўрсатиб, ба-лиқ емасликка қасам ичган. Ҳатто итлар ҳам пок юрсин,

¹ Турк қуёни (инглизча).

² Антуан Фюретьер — XVII асрда яшаган француз ёзувчиси ва филолог. У масалчи Лафонтен билан француз тилининг баъзи масалалари ҳақида мунозара қилган.

³ Уша сўзларни худога бағишлаган. (Лотинча).

уларнинг кирдикори монахларда гуноҳга сабаб бўлади-
ган хаёллар туғдиради деб, у Серк оролидаги ҳамма
қанжиқларни ҳайдаттирган; бу қонун ҳали ҳам ўз ку-
чида. Умуман авлиё Маглуар архипелакка кўп хизмат
кўрсатган. У Жерсейга борган, Митра¹ шарафига бўла-
диган байрамда турли ҳайвонларнинг терисини ёпиниш-
ни одат қилиб олган маҳаллий халқни бу ярамас одатдан
кечишга, инсофга чақирган. Хуллас, авлиё Маглуар кўп
куч сарф этиб бу ёмён одатни йўқоттирган. Унинг хоки
Кал Карлнинг² вассали бўлган Номиноз ҳукмронлиги
йилларида Леон-де-Динан монастирининг монахлари
томонидан ўғирланган. Бу фактлари «Авлиё Маркульф-
нинг ҳаёти» ва аббат Триган черковининг тарихида бол-
ландистлар³ тасдиқлайдилар. Мартин Турскийнинг дўсти
Виктрис Руанскийнинг Серкда ўз гори бўлган; ўн би-
ринчи асрда шу оролга Монтебург аббатлиги қарам
бўлган. Ҳозирда Серк собиқ қирқ ижарачининг доимий
мулки бўлиб қолган.

ХИ

МАҲАЛЛИЙ ФАЗИЛАТЛАР

Ҳар бир оролнинг ўз пули, ўз лаҳжаси, ўз ҳокими, ўз
таассуби бор. Жерсейликлар француз заминдор-бойла-
ридан кўрқишади: бутун оролни сотиб олса нима бўла-
ди, деб ўйлашади-да! Жерсейда чет элликларга ер сотиш
ман қилинган. Герсейда эса мумкин. Лекин Жер-
сейда диний маросим ва расм-русумларга Гернсейдаги-
чалик риоя қилинмайди, якшанба кунлари жерсейлик-
лар, гернсейликларга қараганда анча эркин бўладилар.
Сен-Пьер портида тавротга Сент-Эльега нисбатан кўп-
роқ риоя қилинади. Гернсейда ер сотиб олиш мушкул ва
қалтис иш, айниқса чет элликлар учун хатарли: харидор
йигирма йил мобайнида сотувчининг молиявий, моддий
аҳволдан хабардор бўлиши, ер сотган кишининг аҳволи
савдо-сотик амалга оширилган пайтдагидан ёмонлаш-
маслигига ғамхўрлик қилиб туриши керак.

¹ М и т р а (тўғрироғи М и ф р а) — қадимий Эрон илоҳи,
унга сўғинганлар ҳайвон териси ёпинган.

² К а л К а р л — Каролинглар династиясига мансуб бўлган
франк қироли (823—877).

³ Б о л л а н д и с т л а р — авлиёларнинг ҳаёти тўғрисида
асар ёзиш билан шуғулланган монахлар.

Пул ва ўлчов системасида катта тафовутлар, чалкашликлар бор. Шиллинг — қадимий француз аскалени ёки шелен — Англияда йигирма беш су, Жерсейда йигирма олти су, Гернсейда йигирма тўрт су туради. «Қироличанинг¹ ўлчов ва тарози палатаси» ҳам чалкашликлардан иборат: Гернсей фунти Жерсейникидан фарқ қилади, Жерсейники — Англияникидан. Гернсейда дала квадрат рут билан ўлчанади, рутлар эса перш билан ўлчанади. Жерсейда ўлчовлар бошқача. Гернсейда фақат француз пули муомалада-ю, ammo номлари инглизча. Франкни «ўн пенс» деб ҳисоблашади. Нотекислик архипелагда шу даражага бориб етганки, беш эркакка олти аёл тўғри келади.

Гернсейнинг номи кўн, баъзи номлари жуда қадимий; олимлар уни «Гранозия» деб атайдди, фуқаро «Кичик Англия» деб юритадди. Ростдан ҳам бу оролнинг шакли Англияга ўхшаб кетади; Серк Ирландиянинг шарқий томонига сал ўхшайди. Гернсей сувларида чиганоқли жониворларнинг икки юзга яқин тури, булут деб аталувчи жониворларнинг қирқ хили ҳаёт кечиради. Бир маҳаллар Гернсейни римликлар Сатурнга², кельтлар эса Гвинга³ бахшида этганлар; булардан орол ҳеч қанақа манфаат кўргани йўқ, Гвин ҳам, Сатурн ҳам болаларнинг кушандаси бўлган. Оролда 1331 йилги қадимий француз қонунномасига амал қилинади, уни бу ерда «Суд ёрлиги» деб аташади; Жерсейда эса Нормандия қонунларидан уч-тўрт бобга амал қилинади: улардан мерос, уй-жой, ер масалалари билан шуғулланувчи суд, жиноий ишларни кўрувчи «Катель» деб аталадиган суд, қарз-қурзларни кўрадиган суд — бу суд савдо трибунали ҳам; «Шанбаллик суди» — бу меҳнат йўли билан жиноятчини ахлоқ тузатиш полиция судидир. Гернсей четга сирка, уй ҳайвонлари ва мевалар чиқаради; айниқса ўзини кўпроқ сотади, бозори чаққон: гипс ва гранитдан катта даромд олади. Гернсейда ҳеч ким турмайдиган уч юзга бўш уй бор. Нега дерсиз? Бу саволга, гарчи баъзи уйлар ҳақида бўлса ҳамки, китобнинг кейинги

¹ Гюго Гернсейда яшаган пайтларда Англиянинг қироличаси Виктория (1819—1901) эди.

² С а т у р н — қадимий италянларнинг деҳқончилик илоҳиси.

³ Г в и н — қадимги кельтлар худоси; унга қурбонлик қилиб турганлар.

бобларидан бирида жавоб берилади. Асримизнинг бошлариди Жерсейга келган руслар¹ ўзларидан яхшигина эсадилик қолдирганлар: Норманд оти билан Дон отини урчитишдан Жерсей оти пайдо бўлганки, бу от ҳам чопқир, ҳам юк кўтаришга чидамли. Бу от Танкредни² бемалол кўтара олиши, Мазепа³ни кўтариб шамолдек югуриши мумкин.

Ўн еттинчи асрда Гернсей билан Корнэ қалъаси ўртасида граждандар уруши бўлган, Корнэ қалъаси Стюартлар⁴ томонида, Гернсей эса Кромвель⁵ тарафдори эди. Тасаввур қилиб кўринг. Париждаги Сен-Луи ороли тўсатдан Орд қирғоғига қарши уруш эълон қилиб қолса-я! Жерсейда икки партия бор: Атиргул партияси ва Лавра партияси — қисқартирилгани виглар ва торилар⁶. Ижтимоий тўсиқлар, яқкалик, иерархия, табақалар — Сирли Нормандия деб жуда ўринли аталган, Архипелаг аҳолисининг дидига жуда мос. Гернсейликлар оролни шунчалар яхши кўришадикки, оролчаларни ҳатто ўзаро тақсимлаб ҳам олишган; бу ижтимоий тузумнинг кичкинагина чўққисида олтмиш оила, sixty туради; бу «олтмиш» бошқалардан ажралиб алоҳида яшайди; сал қуйи поғонани қирқ оила, бошқа бир группа forty ни ташкил этадики, бу группага мансуб кишилар ҳам фуқаролардан кўринмас деворлар билан ажралганлар; атрофда эса оддий халқ. Ҳокимият бир вақтда ҳам маҳаллий оқсуяклар, ҳам инглизлар қўлида бўлиб, ўн қавми ўн руҳоний, йигирма коннетабль, бир юз олтмиш старшина, прокурор ва назорат палатаси билан биргаликда қироллик суди, «штатлар» деб аталувчи парламент, ўн икки

¹ Жерсейга келган руслар... — 1812 йилги Ватан урушида Наполеонни Россиядан қувгач, 1814 йилда Европага борган рус қўшинлари кўзда тутилса керак.

² Танкред — рицарь. Биринчи салб юришининг иштирокчиси. XVI аср охирида яшаган итальян шоири Тассонинг «Иерусалимнинг озод қилиниши» поэмасининг қаҳрамони.

³ Мазепа — бу ерда Гюго Байрон поэмаси қаҳрамонини кўзда тутди: ёш Мазепа рашк қурбони бўлади, уни отнинг сағрисига боғлаб, саҳрода чоптириб, қийнаганлар.

^{4—5} XVIII аср ўрталарида Англияда буржуа революцияси бўлди. Қирол Карл I Стюартнинг боши кесилган (1649), Кромвель бошчилигида Республика ҳукумати тuzилганди. 1660 йилда Стюартлар ҳокимияти яна тикланган, Карл II тахтга чиққан.

⁶ Виглар ва торилар — Англияда сиёсий партиялар: XIX асрда торилар (консерваторлар партияси) йирик ер эгаларига таянарди: виглар (либераллар партияси) — саноат эгаларига, кейин йирик банк эгаларига таянган.

судья, қадимий хартияларнинг тили билан айтганда *bal-nivus et coronator*, яъни «бальнф» деб аталадиган бальн томонидан идора қилинади. Бу ерда Нормандия қонунчилиги ҳукмрон. Прокурор қиролнинг олий фармони билан, бальн ёрлиқ билан тайинланади: бу инглизларга хос бир сифат. Дунёвий ишлар билан шуғулланувчи бальндан ташқари диний ишларни бошқарувчи декан, ҳарбий ишларни бошқарувчи губернатор ҳам бор. Бошқа мансаблар «Оролдаги аслзодалар рўйхати»да муфассал баён этилган.

ХIII

АРХИПЕЛАГДА ЦИВИЛИЗАЦИЯ МЕВАЛАРИ

Жерсей тутган мавқеи жиҳатидан Англиянинг еттинчи порти ҳисобланади. 1845 йилда Ла-Манш архипелагида умумий ҳажми қирқ икки минг тонна юк сиғадиган тўрт юз қирқ кема бор эди; ҳар йили турли мамлакатларнинг бир минг икки юз олтмиш беш кемаси, шу жумладан бир юз қирқ икки пароход олтмиш минг тонна юкни бошқа жойлардан ташиб келтирар, эллик тўрт минг тонна юкни бошқа мамлакатларга олиб кетарди. Сўнгги йигирма йил ичида бу рақамлар уч ҳиссадан ортиқроқ кўпайди.

Қогоз пул оролларда кенг қўлланилади, бунинг манфаати катта. Жерсейда истаган киши банка билетлари чиқара олади. Агар банка билетларини пул билан бепўхтов алмаштириш имконияти бўлса, унда янги банка очилади. Архипелаг банка билети фунт стерлинг билан баҳоланади. Англо-нормандияликлар процентлик банка билетининг афзаллигини фаҳмлаган кунда, бу билет, албатта, уларнинг таомилига кириб, Европа учун хаёл бўлган нарсалар Нормандия оролларида амалга оша бошлайди. Ер юзининг бу бурчагида ажойиб молиявий тўнтариш юз беради.

Соғлом ақл, фаросат, абжирлик — жерсейликларнинг характерли сифатларидирки, бу билан улар энг яхши французлардан қолишмайдилар. Гернсейликлар ҳам зийраклик ва бамаънилик жиҳатидан қолишмайдилар-у, лекин улар тепса-тебранмаслардир.

Яшашга қобил ва мардона бу халқ бир оз маърифатли; бу ерларда инглиз ва француз тилларида бир неча газета чиқади: Жерсейда олтита, Гернсейда тўртта кат-

та форматда газета босилиб туради. Инглизларнинг табиати шунақа. Инсон қадами етмаган оролни тасаввур этиб кўринг; бу оролга келиб қолган Робинзон эртасигаёқ ношир бўлиб олади-ю. Жума эса унинг газетхонига айланади.

Ниҳоят эълонларга келсак, улар сон-саноқсиз, ҳамма ёққа ёпиштиришгани-ёпиштиришган. Очиқ майдонлардаги ранг-баранг катта-кичик афишалар, катта-катта ҳарфлар, ҳар турли ёзувлар, турли-туман суратлар кўзингизни қамаштиради. Гернсейдаги уйларнинг деворларида тасвирланган қўлига қўнғироқ тутган, бўйи олти фут келадиган баҳайбат киши диққатингизни тортади: у одамларнинг эътиборини эълонларга жалб қилиб, бонг уряпти. Ҳозир Гернсейда рекламалар Франциядагидан ҳам кўпроқ.

Матбуот сўзи — ҳаётнинг, ақлий ҳаётнинг манбаи, у кутилмаган оқибатларга олиб келади: китоб ёки газета ўқиш одамларни тенглаштиради, яхши фазилатлар бахш этади. Баъзан Сент-Элье йўлида ёки Сен-Пьер портига кетатуриб йўлдошнинг билан суҳбатлашиб қоласан; озодагина кийинган, сюртугининг тугмалари қадалган, кўйлагининг ёқаси оппоқ; у сен билан Джон Браун¹ ҳақида, Гарibaldi ҳақида суҳбатлашади. Ким бўлди бу? Рухониймикин? Йўқ, чўпон. Ҳозирги ёзувчилардан бири Жерсейга бориб, боққоллик дўконига² кирса, дўкон ёнида яхшигина жиҳозланган меҳмонхона ҳам бор, тепасига Гомернинг бюсти қўйилган катта жавонда яхши муқовали қилиб босилган ўз асарлари турганини кўради.

XIV

БОШҚА ХУСУСИЯТЛАР

Ла-Манш ороллари бир-бири билан оға-инидек, лекин сал-пал ҳазиллашиб ҳам туришади. Орини ороли Гернсейга бўйсунди; бу Оринини хуноб ҳам қилади: у бальини ўзига оғдириб, Гернсейни тобе қилиб олгиси келади. Гернсей эса бундан заррача хафа бўлмади, култили ашула билан жавоб қайтаради:

¹ Д ж о н Б р а у н — негрларнинг озодлиги учун курашган; 1859 йилда қатл этилган. Гўго вақтли матбуотда уни кўп ҳимоя қилган эди.

² Ш а р л ь . А с п л е , Б е р е с ф о р д-стритда. (Автор изоҳи).

Шьер, яшрин, яшрин, Жан,
Гернсейдан шапалоқ ейсан.

Оролликлар — денгиз фарзандларидир, уларнинг ҳазили баъзан аччиқ бўлади, лекин ҳақорат даражасига етмайди; уларни яқиндан билмаганлар қўпол деб ҳисоблайдилар ҳам. Гернсей билан Жерсей бир куни бир-бирига: «Сен эшаксан», «Сен қўл бақассан» деганмиш; бу бекор гап, Норманд архипелагида бунақа гаплар бўлмайди. Вадий билан Трисотенга¹ бу ерларда кун йўқ.

Ориньн ҳам диққатга сазовор. Қаскэ ороллари учун Ориньн Лондон вазифасини ўтайди. Асли Қаскэ оролидан бўлган Угер маёғи қоровулининг қизи йигирмага тўлганида Ориньн оролига боради. Шаҳарга хос шовқин-сурондан безиб, қояларга, ўз уйига тезроқ кетгиси келади. У отни кўриб: «Эҳ-ҳа, ит ҳам шунақа баҳайбат бўладими!» деган. Яхшиямки бу ерда ҳўкизларни кўрмагани.

Норманд оролларида кишилар эрта қарийдилар — бу жисмонан эмас, албатта, одатга кўра. Масалан, йўл-йўлакай тўқнашиб қолган манави икки кишининг ўзаро суҳбатини олиб қаранг: «Бу ердан ҳар куни ўтиб турадиган чол ўлипти-я». — «Неча ёшдайди?» — «Ўттиз олтини урган эди».

Норманд оролларининг аёлларини таънаомузми ёхуд мақтабми, ҳайтовур ройишоиз, қўпол дейишади. Бир уйда яшайдиган икки хизматкор аёл ҳеч қачон чиқишолган эмас. Бир-бирига сира ён бермайди. Шунинг учун ҳам хўжаликларда тартибсизлик, қут-барака, файз йўқ. Хизматкор аёллар тарчи кўнгилларида адоват, ғаразлари бўлмаса ҳам, барибир, хўжайинларига яхши ғамхўрлик қилмайдилар. Шўрлик хўжайин қўлидан желганча ўзига-ўзи хизмат қилади. 1852 йилги давлат тўнтаришидан кейин Жерсейга келиб қолган бир Француз оиласи² Сен-Бреладада туғилиб-ўсган бир ошпаз аёл билан Булей бэйлик оқсоч аёлни хизматга олган. Декабрь кунларидан бирида уй эгаси тонг-

¹ Вадий билан Трисотен — Мольернинг «Олима-лар» комедиясининг қаҳрамонлари.

² Гюго ўзини ва ўз оиласини кўзда тутди. 1852 йилда Францияда қуввинга учрагач, у Бельгияга кетган, у ерда ҳам реакция таъқибига учрагач, олдин Жерсейга, кейин Гернсейга кўчганди. У бу оролда узоқ яшади (1870 йилгача).

да уйғониб қараса, катта жүча томондаги эшик лагг очиқ, хизматкорларидан ном-нишон йўқ. Улар жанжаллашиб қолиб, кечаси иккаласи ҳам қўлига тушганини олиб, икки томонга жүнаган. Бири иккинчисига: «Сенга ўхшаган ароқхўр тентак билан бирга туrolмайман»,— деса, иккинчиси: «Сенга ўхшаган ўғри билан бир ерда яшай олмайман»,— деган.

«Ўн бармоқнинг орасидан кузат» дейилади қадимий мақаллий бир маталда. Нима дегани бу? Қарол ёки оқ-соч ёлласанг, уларнинг иккаласини ҳам ўн бармоқ орасидан кузатиб юр дегани. Бу зикна хўжайинларнинг азалдан хизматкорларга нисбатан бўлган ишончсизлик оқибатида туғилган маслаҳатидир. Дидронинг ҳикоя қилмишича, у Голландияда яшаганида уйининг деразасига ойна солдирмоқчи бўлган. Бирданига бешта уста келган: бири ойна, иккинчиси замазка, учинчиси пақирчада сув, тўртинчиси журакча, бешинчиси лапта билан келган. Бешаласи икки кун роса уриниб деразага ойна солганлар.

Бу лапашанглик, ишёқмаслик ўрта асрлардан қолган мерос. Уни крепостной ҳуқуқсизлик, эрксизлик туғдирган; ҳамма халқларда бўлган бу ярамас одат бизнинг давримизда тараққиёт таъсири остида секин-аста йўқолиб боряпти, Ла-Манш оролларида эса айниқса тезроқ йўқоляпти. Оролларда номусни, ҳалолликни меҳнатсиз тасаввур этиб бўлмайди.

Архипелагда ўтмиш сарқитлари сақланиб қолган. Масалан: «Сент-Ўэн қавмида, Мальзар жанобларининг уйида, 1854 йил, 22 майда душанба кuni туш маҳалида ўтган лен суди мажлисининг протоколи. Сенешал раислик қилди, унинг ўнг ёнига прево, чап ёнига суд ижрочиси ўтирди. Морвилнинг сеньори ва бошқа жўпгина мулкларнинг эгаси бўлган олижаноб кавалер суд мажлисида ҳозир бўлди. Сенешал превога мурожаат қилиб: «Худого қасам ичиб, Морвиль ерлари лен судининг превоси вазифасини ҳалоллик билан бажаражагингизга ва сеньорнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишингизга қасамёд қилинг»,— деди. Шундан кейин прево Морвиль сеньорига таъзим қилиб: «Қасам ичаман»,— деди».

Туб нормандияликлар бизга нисбатан сал бошқачароқ гапирадилар. Масалан, улар қавм демай, «қавим» дейишади. «Оёғимни оғриқ босди», дейишади; «Аҳволингиз қалай?» деб сўрасангиз, уларнинг жавоби: «Туп-

роқдан ташқари, ғимиллаб юрибман», «Ўрта-миёна». Ҳасрат чекапман дейиш ўрнига «ғам ютяпман»; ёмон ҳид келяпти демай — «ёмон анқияпти», зиёни тегяпти ўрнига — «зиёндор»; уйни тартибга келтириб, идиш-товоқларни ювишни — «саранжом қилиш» дейилади. Жомашов ёки тоғорани — «ваза»; маст кишини «серкайф» дейишади; явиб кетишни — «нам бўлиш»; хафақонликни — «ғам ютиш»; қиз болани — «шумтака»; фартуқни — «парда»; дастурхонни — «столпўш»; жўйлакни — «либос»; чўнтакни — «халтача»; сандиқни — «қути»; бир бош карамни — «бир калла карам»; шкафни — «кийимдон»; тобутни — «ажалдон», совгани — «тортиқ»; тош йўлни — «равон йўл»; ниқобни — «сохта юз»; дорини — «тугмача» дейишади. «Тез» ўрнига — «зумда», бозорда нарса кам бўлса, «баллиқ билан сабзавот камоб», дейишади. Судланиш, уй қуриш, саёҳат қилиш, яхши яшаш, меҳмон кутиш, зиёфат беришни — «пул йўқотиш» (Бельгия билан француз Голландиясида «исрофгарчилик») дейишади. «Олижаноб» сўзи маҳаллий шевада энг кўп ишлатиладиган сўз. Ҳар бир бажарилган ишда «олижаноблик» бўлади. Ошпаз аёл бозордан «қўй гўштининг олижаноб тўшидан» олиб келади. Яхши боқилган ўрдак — «олижаноб ўрдак», семиз гоз — «олижаноб гоз» дейилади. Судларнинг ҳам ўз дидларига мос лаҳжаси бор. Суд делоси — арзнома, қонун лойиҳасини идорада «тузлаб қўйишади». Қизини узатган ота у ҳақда энди қайғурмаса ҳам бўлади, чунки у энди «эрининг паноҳида».

Нормандлар одатича, турмушга чиқмай ҳомиладор бўлиб қолган аёл боланинг отаси номини халқ олдида айтиши шарт. Шундай ҳоллар ҳам бўладики, аёл айёрлик қилиб, тузукроқ одамнинг номини тилга олади. Бу одатнинг кўнгилсиз томонлари ҳам бор.

Архипелагнинг кексалари француз тилида гапирганлари учун ўзларини айбдор санамайдилар.

Бундан ўн беш йил муқаддам Жерсейга кўпгина французлар кўчиб келгандилар (уларнинг ўз ватанларини ташлаб, бу ерга кўчиб келиш сабабини ороликлар тушунолмагандилар. Биз бу ҳақда илгарироқ ҳам айтиб ўтган эдик. Баъзилар уларни «исёнчи жаноблар» дейишарди). Муҳожирлардан бирининг олдига бу ўлкаларга бир вақтлар келиб қолган эльзаслик жекса бир француз тили ўқитувчиси хотини билан бирга борган. Ўқитувчи норманд-француз лаҳжаси, яъни Ла-Манш лаҳжаси тўғ-

риснда хуноб бўлиб гапирган: «Буларни французчага ўргатиш қийин. Буларнинг ўз лахтчаси бор».

— Лахтчаси?

— Ҳа, маҳаллий лахтчалари бор.

— Э, лаҳжаси денг.

— Ҳа-да. Лахтчаси.

Тил ўқитувчиси маҳаллий «лахтчани» танқид қила-верган. Шунда хотини унга бир нима деган, у хотинига қараб: «Оилавий томошани бозорга солманг», деб ўн-қирган.

XV

ЎТМИШ ВА УНИНГ ҚОЛДИҚЛАРИ. УРФ-ОДАТЛАР. ҚОНУН ВА ТАОМИЛЛАР

Шуни ҳам айтиш керакки, ҳозир ҳар бир Нормандия оролида кўплаб мактаблар ва коллеж бор, французлардан, гернсейликлардан, жерсейликлардан ажойиб ўқитувчилар ҳам бор.

Эльзаслик ўқитувчи танқид қилган маҳаллий лаҳжа — диққатга сазовор бўлган чинакам пухта тил. Бу лаҳжа мукамал, ҳайрон қолдирарли даражада бой, ўзига хос ажойиб хусусиятларга эга, у француз тили дарёсига бир жилга бўлиб қўшилади. Бу ерда тилшунослар ҳам бор, улардан бири тавротни Гернсей лаҳжасига таржима қилган Метивьедир, аббат Элисагарей испанбаск тили мутахассиси бўлганидек, у ҳам кельт-норманд тили мутахассиси.

Гернсей оролидаги саккизинчи асрда қурилган ибодатхона ҳанузгача сақланиб қолган, унинг томи тошдан. Қабристон дарвозаси олдида эса олтинчи асрда ишланган галлар ўрнатган ҳайкал қад кўтариб турибди. Булар ноёб ёдгорликлардир. Яна бир ноёб авлод борки, у ҳам бўлса герцог Роллоннинг авлоди, муносиб жентельмен ҳамда архипелагининг ювош фуқаросидир. У илтифот билан қиролича Викторияни жияним деб ҳисоблайди.

Унинг Роллон авлодиданлиги исботланган, дейишади, бунинг ҳеч қандай ажабланидиган ери ҳам йўқ.

Оролларда яшовчи авлодлар ўз гербларини қадрлайдилар. Қунларнинг бирида М. деган хоним Д. хонимнинг авлодига таъна қилиб: «Улар бизларнинг гербариймизни ўзлариники қилиб олиб, ўз мақбараларини безаганлар», деганини эшитгандик.

Деҳқонлар ҳам ўз ота-боболари билан фахрланадилар, «менинг аждодларим» дейдилар.

Нилуфар — оролликларнинг энг севикли гули. Францияда нима модадан чиқса, Англия уни жирканмай қабул қилиб олаверади. Францияда эътибордан қолган нилуфар архипелагнинг деярли ҳамма гулзориди бор.

Нотенг никоҳлар ҳақидаги ғийбатлар жонга тегади. Қаердалигини аниқ айтолмайман-у, ҳар ҳолда, Ориньяда бўлса керак, қадимий винофурушлар уруғининг бир меросхўри насл-насаби бетайин бир шапка тикувчининг қизига уйланибди; бу ҳаммани ғазаблантирибди, оролда ҳамма авлод-аждодига иснод келтирган бу ярамас ўғилни лаънатлабди. Ҳурмат-эътиборли бир хоним эса: «Бу ота-оналарнинг шўри эмасми?»— дейди. Пфальц маликасининг жияни Тенгри шаҳзодасига турмушга чиққанида «Монморанси деган бир тағипастни ўзингга тенг билдинг», деб қилган таънаси бунинг олдида ҳеч гап бўлмай қолади.

Бирор аёл билан қўлтиқлашиб юрганингизни кўриб қолишса, бутун оролга улар бирга юрибди, деган гап тарқалади. Янги келинчак никоҳдан кейин бир ҳафта давомида кўчага чиқмайди, чиққанда ҳам фақат черковгагина боради. Хуллас, уйда қамалиб ётиб, асал ойини ўтказишади. Умуман, уялсалар ҳам арзийди. Никоҳ расм-русумлари бу ерда унчалик серҳашам бўлмайди, кўпинча ҳеч ким билмай ҳам қолади. Каэнь Жерсей оролида бир жампир билан унинг қирқларга бориб қолган қизи ўртасидаги гачини эшитган экан: «Стивенсга тега қолсанг бўлмайдимми?» «Нима, унга яна қайтадан эрга тегайми?»—«Бу нима деганинг?»—«Ахир, никоҳ ўқитиб, турмуш қурганимизга тўрт ой бўлди-ку».

Гернсей суди 1863 йили бир қиз «отасининг гапига кирмагани учун» уни бир ярим ой турмага қамашга ҳукм қилган.

XVI

ОРОЛЛАРНИНГ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР РУИХАТНИНГ ДАВОМИ

Ла-Манш оролларида ҳозирча фақат иккита: Гернсейда «шаҳзода куёв»нинг, Жерсейда эса «Олтин қирол»нинг ҳайкали бор, холос. Шунақа ном беришган-у, лекин аслида улар жимнинг ҳайкали эканини ҳеч ким

билмайди. У Сент-Эльенинг Бош майдонига ўрнатилган. Номини ҳеч ким билмаса ҳамки, ҳар ҳолда ҳайкалда, деб маҳаллий аҳоли у билан фахрланади, балки бирор машҳур одам шарафига ўрнатилгандир! Ер юзида ҳайкалчалик секин ё тез барпо бўладиган нарса йўқ. Ё эмандек секин ўсади, ё кўзиқориндек тез. Англияда ҳамон Шекспирнинг ҳайкали йўқ, Италияда эса Беккариага¹ ҳайкал ҳанузгача ўрнатилмаган. Лекин Дюпен² жапонларининг Францияда тез орада ўзига ҳайкал ўрнатилишига ишончи комил. Ватан шуҳратини оширган кишиларнинг турли маросимларига эътибор билан қаралади. Лондонда, масалан, одамлар ҳаяжон билан қайғуриб уч мотам маросимини — Веллингтон, Пальмерстон³ ва боксчи Том Сайерс билан видолашиш маросимини ўтказишди.

Жерсейда «Осилганлар тоғи» бор, Гернсейда бунақа тоғ йўқ. Бундан олтиш йил муқаддам отол тортмасидан ўн икки су ўғирлаган бир жимса осиб ўлдирилганди; тўғри, ўша пайтларда Англияда пирожка ўғирлаган ўн уч яшар болани осиб ўлдиришган, Францияда эса айбсиз Лезюркнинг бошини жодида⁴ қирқишганди. Қатл этишнинг ана шундай усуллари бор!

Ҳозир Жерсей Лондондан илғорроқ, бу ерда ҳозир осиб ўлдиришлар йўқ. Ўлим жазоси расмий эълон қилинмай туриб, ўз-ўзидан йўқолган.

Турмаларда маҳбусларнинг бирор нарса ўқишлари устидан назорат кучли. Маҳбусга фақат тавротнигина

¹ Чезаре Беккариа (1738—1794)—итальян адиби, жамоат арбоби. Француз маърифатпарварлари ғоясини тарғиб қилган. «Жиноят ва жазолар хусусида» деган китобида ўлим жазосига қарши чиққан.

² А н д р е-М а р и Д ю п е н — Француз сиёсий арбоби, сиёсатда хамелеонлиги билан машҳур. 1848 йилда у ўзини республикачи деб эълон қилиб, 1851 йилнинг 2 декабрида контрреволюцион тўнтарилиш пайтида сотқинлик қилди. Бу хизмати эвазига Наполеон III нинг марҳаматига сазовор бўлган.

³ Г е н р и П а л ь м е р с т о н (1784—1865)—инглиз реакцион сиёсий арбоби. Умрининг сўнгги ўн йилида Англия бош министри бўлган. Инглиз ишчилар синфининг ва барча мамлакатларда революцион ҳаракатининг ашаддий душмани.

⁴ Францияда эса айбсиз Лезюркнинг бошини жодида қирқишганди...— 1796 йилда француз Лезюрк қотиллик ва ўғрилиқда нотўғри, янглиш айбланиб, қатл этилганди. Кейинчалик ҳақиқий айбдорлар топилган, лекин онласи унинг оқланишини талаб қилиб ярим асрдан кўпроқ овора бўлган. 1865—1866 йилларда бу масала матбуотда муҳокама қилинган.

ўқишга рухсат этилади. 1830 йилда Беас фамилияли бир француз осиб ўлдиришга ҳукм қилинган, унга Вольтер трагедиясини ўқишга рухсат этганлар. Ҳозир буни бе-маънилик ҳисоблаб, йўл қўйишмайди. Энг сўнгги ўлим жазосидан олдингиси Гернсейда Беасга берилган. Тап-нерга — энг сўнгги ўлим жазоси насиб бўлган, бундан кейин ҳеч ким ўлимга ҳукм этилмаган.

1825 йилгача гернсейлик балъи¹ ҳар йили Эдуард III давридагидек² ўттиз турк ливри олиб келган, бу эллик франкка тенг. Ҳозир балъи уч юз фунт стерлинг олади. Жерсейда қироллик судини «томошахона» дейдилар. Судда қатнашган хотинни эса «артист» деб аташади. Гернсейда қамчи билан савалаш жазоси бор; Жерсейда маҳбусни темир қафасга қамашади. Авлиёларнинг қудрати устидан кулиб юришади-ю, лекин Карл II нинг³ эски этигини муқаддас деб билишади. Бу этик Сент-Уэн қалъасида сақланыпти. Бу ерда солиқ даромаддан ўн процент миқдоридан олинади. Шаҳар кезиб, бунақа солиқ омборларини кўриш мумкин. Гўшт солиғи йўқотилганга ўхшайди, лекин товуқ солиғи бор. Шу мисраларни ёзаётган киши ҳам инглиз қироличасига ҳар йили иккита товуқ бериб туради.

Солиқларнинг миқдори ғалати тартибда белгиланади: солиқ тўловчининг бутун бойлигидан — ҳозир қўлида боридан ҳам, қўлига кириши эҳтимоли бўлган маблағлар ҳисобидан ҳам олинади. Бу тартиб бой кишиларни оролдан бездиради. Масалан, Ротшильд жаноблари ўзининг Гернсейдаги йиғирма минг франкка солиб олган яхшигина ҳовлисида турса, ҳар йили бир миллион беш юз минг франк солиқ тўлашга тўғри келарди. Шуни ҳам айтиш керакки, агар у ҳар йили оролда фақат беш ой турса мутлақо солиқ тўламаса ҳам бўлади. Аммо олти ой турса, тўламай иложи йўқ.

Оролларда йил бўйи баҳор. Албатта, қиш ҳам бўлади, ёз ҳам, лекин эви билан: Сенегал жазирамаси ҳам,

¹ Балъи — баъзи маъмурий ҳуқуқларга эга бўлган суд амалдори.

² Эдуард III (1327—1377) — Франция билан юз йиллик урушни бошлаган инглиз қирол.

³ Карл II Стюарт — буржуа революциясида қатл этилган инглиз қирол Карл I нинг ўғли; 1651 йилда ўзини қирол деб эълон қилди, Кромвеллнинг республикачи қўшнлари томонидан зарбага учраб, Францияга қочди. 1660 йилдагина қайта тахтга чиқди.

Сибирь изғирини ҳам бўлмайди бу ерларда. Ла-Манш ороллари Англия учун Йер¹ оролларининг ўрнини босади. Альбионнинг ўлкаси заиф фарзандларини тузатиш учун шу ёққа юборишади. Гернсей қавмлари, масалан, Мартен қавми «Кичик Ницци» деб ном чиқарган. Жерсейдаги Во, Гернсейдаги Тальбо водийлари олдида Тампэ ҳам, Жемнос ҳам, Валь Сюзон ҳам ип эшолмайди. Оролларнинг жанубий ёни бағирларида кезаркансан, оламда Нормандия архипелагидан яшилроқ, кўркемроқ ва иқлим яхши жой бўлмаса керак деб ўйлайсан киши. Бу ерда ҳамма нарса сипо одамлар учун яратилгандек. Бу кичик оролчаларнинг ўз «улкан киборлар олами» бор. Французча гаплашишадиган, аммо салонларда қўйидагича иборалар қулоққа чалиниб қолади. «Улар шляпачаларига атиргул қадаб олишибди». Умуман бу маҳмадонагарчилик, ўз-ўзига бино қўйиш.

Жерсей генерал Дондан хурсанд, Гернсей эса генерал Дойлдан. Уларнинг иккаласи ҳам оролларда асрнинг бошларида генерал бўлганлар. Жерсейда Дон-стрит бор, Гернсейда — Дойль-род. Бундан ташқари, гернсейликлар ўз генераллари шарафига денгиз устида чўққайиб турадиган, ҳатто Каскэ оролларида ҳам кўринадиган улкан ёдгорлик ўрнатганлар, жерсейликлар эса сеvimли генералга қадимий соғонани ҳадя этганлар. Бу соғона Сейнт-Эльсга яқин тепаликда, ҳозирги Регент кўрғони ўрнида эди. Генерал Дон бу тортиқни олишни лозим кўргач, соғонанинг тошларини олиб, қирғоққа элтишга, кемага солиб олиб кетишга фармойиш берган. Бу ёдгорлик эса Ла-Манш оролларидаги яккаю ягона мўъжиза — бутун архипелагга бирдан-бир доира соғона эди, у Тубал-Каин² ҳақида хотираларни сақлаган киммерийлар давридан қолган³; бу халқ ҳам Пробишер ҳақида эсдаликларни унутмаган эскимосларга ўхшарди; бу соғона миясининг ҳажми ҳозирги замон одамининг мияси билан солиштирилганда ўн уч билан ўн саккиз

¹ Ерта Ер денгизда, Франция қирғоқларига яқин беш оролча.

² Тавротдаги афсонага кўра, энг қадимий—биринчи темирчи.

³ Киммерийлар — Керчь бўғози яқинида яшаган қадимий халқ. Бу халқ эрамыздан олдинги VIII—VII асрларда Ассирияга ва юнонларга қарши урушган. Гомернинг «Одиссея»сида киммерийлар афсонавий халқ сифатида акс эттирилган.

ўртасидаги тафовутчалик бўлган кельтларни ҳам кўрган; бу тошлар ажойиб ёғоч минораларни ҳам кўрган, бу минораларнинг асослари археологик қазишлар пайтида чиқяпти, бу бизни дю Канж бўйича domjio, Барлейкур бўйича эса domi-junctae¹ сўзлари этимологияси ўртасида бизни иккилантиради; у чақмоқ тошдан қилинган чўқморларни, қадимий кельт коҳинларининг ойболталарини кўрган; тол новдаларидан тўқилган Тетатес²-нинг баҳайбат тасвирини кўрган; бу соғона Рям деворларидан ҳам қадимийроқ; у тарихнинг тўрт минг йилини бошдан кечирган; оёдин кечаларда денгизчилар олисолислардан Жерсейнинг баланд қоялар билан қопланган қирғоғидаги бу улкан тош гултожни кўрардилар. Эндиликда эса Йоркширнинг хилват бурчагида парчаланган ҳолда хор бўлиб ётибди.

XVII

ЗАРУРАТ

Архипелагда тўнғичлик ҳуқуқи³, ундан бир улуш олинган солиқ ҳамон бор; ўлка қавмларга бўлинган, сеньорларнинг ҳуқуқи сақланган, сеньор леннинг ва қўрғоннинг хўжайини ҳисобланади, ҳамон «аро» нидосига сажда қилишади; «Суд мажлиси одатдаги дуодаи кейин очилиб, суд маслаҳатчилари иштирокида дворян Никола билан Мелеш сеньори Годфрей ўртасида «аро» нидосига доир иш кўрилди» (Жерсей, 1864 йил). Тур ливри муомалада, бировни мулкка меросхўр қилиш, меросдан маҳрум этиш, лендан маҳрум этиш, лен тобелиги, гаровга қўйилган уруғ мулкчини пул тўлаб қайтариб олиш ҳуқуқлари амалда; хуллас, қадимий одатлар йўқолмаган; бу ерда одамлар бир-бирини «тақсирим» деб улуғлайди; бальилар, сенешаллар бор, юзбоши, йигирмабоши, оқсоқоллар бор. Сент-Соверда йигирмадан бир улуш солиғи, Сент-Уэнда эса мева солиғи олинади. Ҳар йили коннетабллар қавмларни айланиб чиқиб, қишлоқлараро қуриладиган йўллар ўрнини белгилайдилар.

¹ Бу сўзлар латинча Domus-junctae — ёндош, қўшни уй — сўзларининг бузиб талаффуз этилгани; Французча donjon — қалъанинг бош минораси.

² Т е т а т е с — қадимий галларнинг илоҳи. Қурбонлик келтириб туришган.

³ Тугилиш жиҳатдан ака-укалар ўртасида катталик ҳуқуқи.

Уларга «қўлида қироллик ёрлиғи» бўлган виконт бошчилик қилади. Туш маҳалигача бир соат ибодат пайти белгиланган. Рождество, пасха, Иван ва Микоил кунлари— солиқ ва қарзларни тўлашда асосий муддатлар қилиб белгиланган. Силжимай турадиган мулклар сотилмайди, «топширилади». Суд мажлислари бўлаётган залларда қуйидагича диалогларни эшитиш мумкин: «Судья, лев ва ер-мулк суди ишни кўрмоқчи бўлган вақт-соат етдим, суд ишни шу ерда кўрадимиз?»—«Ҳа». «Омин».—«Омин».

Қонунда «Мабодо мужик ўзига берилган улуш ернинг сеньор хусусий мулкнинг бевосита бир қисми эканини инкор этадиган бўлса» бундай ҳолларда қандай чора қўллаш кераклиги қайд этилган. «Сеньор тасодифий даромадлардан ҳақман, ҳатто янги келин билан кўевдан ҳам солиқ олишга ҳақи бор». Агар бирор мулкнинг қонуний эгаси бўлмаса, то эгаси чиққунча муҳофазакор сифатида унга сеньор эгалик қилиб туради. Судга исбот қилиб берадиган гувоҳлар, шоҳидлар ва қўш шохидлар чақирилиб турилади, мунозаралар қилинади, тортишувлар бўлади, мулклар топширилиб турилади, солиқдан озод мулклар бор, вакант епископликлардан қироллик даромад қилиб туради.

Чинакам ўрта аср-ку дерсиз: йўқ, чинакам эркинлик бу. Кўчиб келинг, яшанг, у ёқ-бу ёғини кўринг. Истаган орингизга бораверинг, истаганингизни қилаверинг, ким бўлгингиз келса, бўлаверинг. Ҳатто исмингизни сурштиришга ҳам ҳеч кимнинг ҳадди йўқ. Диндормисиз? Уз динингизда ибодат қилаверинг. Маслагингизнинг туғи борми? Баландроқ кўтаринг уни. Қаерда кўтарай дейсизми? Кўчанинг қоқ ўртасида. Оқми у? Майли. Кўкми? Жуда соз. Қизилми? Қизил — яхши ранг. Хукмронларнинг ҳокимиятини фош этмоқчимисиз? Кўчанинг хуш келган жойида гапираверинг. Очиқдан-очиқ бирор жамият тузмоқчимисиз? Марҳамат. Жамиятда қанча киши бўлсин. дейсизми? Истаганингизча бўлаверсин. Қатнашувчилар миқдори чекланмаганми, дейсизми? Сира чекланмаган. Халқни тўпламоқчимисиз? Майли! Қаерда дейсизми? Майдонга тўплай қолинг. Қироллик ҳокимиятига қарши чиқсам ҳам майлими, дейсизми? Билганингизни қилинг. Эълон ёпиштирсам бўладими, дейсизми? Истаган деворга ёпиштираверинг. Истаганингизча ўйланг, гапиринг, ёзинг, нашр этинг, нутқ сўзланг — ихтиё-

рингиз. Ҳамма гапни эшитавериш ва ҳамма нарсани ўқийвериш — демак ҳар қанақа гапни гапириш ва ҳар нарсани ёзиш демакдир. Хоҳласангиз ношир бўлинг; хоҳласангиз ваъзгўйлик қилинг. Қўлингиздан келса, бош руҳоний бўлинг. Папа ҳам бўлишингиз мумкин. Бирор янги дин ўйлаб топинг. Истасангиз худо ихтиро қилингда, унинг пайғамбари бўлинг. Ҳеч ким таажжубланмайди ҳам. Зарур бўлса, полисменлар сизга кўмаклашади. Ҳеч қандай эътироз бўлмайди. Ҳар соҳада эркинлик — ажойиб роҳат нарса! Кишилар суд ҳукмини ҳам муҳокама қилаверадилар. Улар руҳонийни тергаб, судьяларни суд қилишади. Газеталарда: «Кеча суд нотўғри ҳукм чиқарди» деган гапларни ўқиш мумкин. Судлар ҳам хато қилиши мумкин-да. Бу ерда ҳамма нарса ҳақида — инсоний қонунлар ҳақида ҳам, илоҳий ихтиролар ҳақида ҳам мунозара қилиш мумкин. Ҳар ким ўзига хон, ўзига бек. Кишилар қонун бўйича эмас, урф-одатга кўра ўзига ўзи хўжайин. Ўзига-ўзи хўжайин бўлиш ҳуқуқи шунчалик барқарорки, одамлар бунга ювникиб кетган, шусиз ҳаётни тасаввур қилолмайдилар. Бу ҳуқуқ ҳамма учун бирдек; у ҳаводай зарур, лекин худди ҳаводек сезилмайди, кўзга кўринмайди. Шу билан бир пайтда, қонун-қоидалардан четга чиқмайдилар. Бу ерликларнинг шуҳрат-парастликлари тутиб, садоқатли фуқаро бўлишга интиладилар. Аммо ҳозирги кунда умуман ўн тўққизинчи аср ҳукмронлик қилмоқда, бошқармоқда-ку. У ўрта асрлардан омон қолган ҳар дарвоза, ҳар эшик, ҳар дарчага бошини суқмай иложи йўқ. Қадимий Норманд қонунчилигининг баъзи жойларига эркинлик нури тушган, барча эски бинолар унинг нурини эймоқда. Утмишнинг сарқитлари бунчалик тез барҳам ейдиган бошқа бирор ўлкани топиш қийин. Архипелагда эски урф-одатларга амал қилинади; маърифат ва саноат бу урф-одатларни замонавийлаштирган. Халқнинг эркин нафаси ғафлату жаҳолат ботқоғига ботиб қолишдан асрайди. Аммо бу мелешлик бирор сеньорнинг ривож топишига асло халақит бермайди. Феодал тузум қоғозда, амалда эса республика оролларида ана шунақа антиқа ишлар кўп.

Бу эркинликнинг бирдан-бир нуқсони бор, бу ҳақда илгарироқ гапириб ўтгандик. Англияда мустабидлик мавжуд. Ана шу Англия мустабидлиги — қарздор Дон

Жуаннинг адаши — Якшанбадир¹. Инглизлар „Time is money“² деган мақолни яратган халқ; мустабид Якшанба меҳнат ҳафтасини олти кунлик қилиб қўйиб, инглизлар капиталининг еттинчи қисмини тортиб олган. Бунга қаршилик қилишнинг сира иложи йўқ. Урф-одатларга, таомилга сингиб кетган бу Якшанба, ҳар қандай қонундан кучли. Англия қироли Якшанбанинг меросхўр шахзода-си — ҳафсаласизликдир. Якшанбанинг қўлидан келадиган иш—зериктириш. У устахоналарни, лабораторияларни, кутубхоналарни, музейларни, театрларни, ҳатто боғу ўрмонларни бекитиб қўйишига сал қолади. Лекин, шуни ҳам такрор қайд қилайликки, инглизларнинг якшанбаси Жерсейни Герпсейчалик эзолмайди. Агар Герпсейда қаҳвахона бекаси бўлган француз аёл якшанба кунини бирор йўловчига бир стакан пиво қўйиб берса, икки ҳафта турмада ётиб чиқади. Агар бирор сиёсий бадарга қилинган кимса хотини билан болаларини боқиш дардида якшанба кунини этикдўзлик қилгиси келиб қолса, деразаларни бекитиб олиб ишлаши керак: болғача овози эшитилиб қолса, уни штраф қилишади. Париждан яқиндагина желган бир рассом якшанба кунини йўл чеккасида туриб, дарахтнинг расмини чиза бошлаган; юзбоши унинг ишлаганини кўриб қолиб, тезда бу «бемаъниликни» тўхта-тишни буюрган, раҳм қилиб «катакка» тикмаган. Саутгемптонлик сартарош якшанба кунини бир йўловчининг сочини олиб, уч фунт стерлинг штраф тўлаган. Ахир, якшанба кунини худонинг ўзи ҳам ишламай дам олади-да.

Аmmo ҳафтанинг олти кунини ўз эрки билан ўтказадиган халқ барибир бахтиёр. Бу ерда якшанба — қуллик дегани, лекин ҳафтанинг етти кунини якшанбадан иборат бўлган миллатлар ҳам бор-ку.

Эртами, кечми бу кишанлар барҳам ейти. Албатта, ортодоксаль кайфият яшовчан бўлади. Албатта, масалан, епископ Коленсога қарши қўзғалган³ иш бунга равшан мисол бўла олади. Лекин шуни ҳам бир ўйлаб кўриники, қуёшда ҳаёт бор деб айтишга журъат этолган

¹ Мольернинг «Дон Жуан» комедиясида судхўр Диманш (французчасига — якшанба) образи бор. У нодон ва кўрқоқ буржуа. Дон Жуан унга қарзини бермай, усталик билан ҳайдаб юборади.

² В а қ т — пул. (Инглизча).

³ 1862—1865 йилларда Лондонда епископ ва миссионер Жон Коленсога қарши черков томонидан қўзғалган иш судда кўрилган. Коленсо беш томлик асар нашр этган, бунда «муқаддас китоблар»га шак келтирилгани учун иши судда кўрилган.

Элиот суд қилинган замонлардан буён Англия эркинлик сари кўп илгарилаб кетди.

Ниҳоят хурофотларнинг ҳам барҳам топадиган фурсати келади. Бу соатлар монархия қуёши ботадиган пайтдир. Мана, худди шу соатлар етиб келди.

Нормандия архипелагида цивилизация ривожланиб бормоқда, уни тўхтатиб бўлмайди; цивилизация ўзига хос хусусиятларга эга, у кишиларнинг илтифотли ва матонатли бўлишларига асло халақит бермайди. Ўн еттинчи асрда унинг оқибатида Англия революцияси, ўн тўққизинчи асрда эса француз революцияси бўлди. Бу икки мустақиллик шамоли ҳамма ёқни ларзага келтирди.

Умуман, архипелаг — эркин ўлка. Бу денгиз билан шамолнинг сирли ҳаракатида ҳам кўринади.

XVIII

БОШПАНА

Бир маҳаллар ҳаддан ташқари ваҳимали бўлган Ла-Манш ороллари сал ювошроқ бўлиб қолдилар. Уша пайтлар хавфли бўлган сув ости қоялари ҳозир одамларга бошпана; офатлар ўлкаси эса жон сақлайдиган жойга айланган. Ҳалокатдан қочганлар шу қирғоқларга келадилар. Бировлар бўронлар вақтидаги ҳалокатдан омон қолиб, бировлар давлат тўнтаришларидан қочиб, шу ерга келадилар. Бу одамларни, у денгизчими, қувғин қилинган кишими, уларга турли денгиз тўлқинларининг кўпиклари сачрайвериб, совуқдан қалтиратган, энди эса бу қирғоқларда улар ёнма-ён ётиб олиб, қуёш тигида ором топмоқда. Бечора, ёлғиз, номаълум, ватанидан ажралиб қолган ёш Шатобриан¹ қадимий Гернсей қирғоқларида тош устида ўтирганида ёши қайтган бир хотин ундан: «Азизим, бирор нарсага эҳтиёжингиз борми?» деб сўраган экан. Қувғинга учраган француз Нормандия оролларида ўз она тилисини эшитиб, қанчалик ҳузур қилади. Бу тилда халқимизнинг бутун маданияти, вилоятларимизнинг лаҳжалари, портларимиздаги нидолар, кўчаларимизда ва далаларимизда жуйланадиган кўшиқлар мужассамланган. *Reminiscitur Argos*². Людовик XIV дав-

¹ Француз реакцион романтик ёзувчиси — виконт де Шатобриан XVIII аср охиридаги буржуа революцияси даврида, бошқа аристократларга ўхшаб, мулкидан ажраган, чет элга кетган; 1793 йилда Англияга бориб жойлашган.

² Аргос эсга тушиб кетади (лотинча).

рида қадимий норманд халқига ўз она тилини жуда яхши билган чинакам французлардан анчагинаси келиб қўшилган, бу изсиз кетмаган; Нант фармонининг¹ бекор қилиниши архипелагда француз тилининг ривожига йўл очди. Франциядан кетмоқчи бўлган французлар бошқа жойлардан кўра Ла-Манш архипелагини афзалроқ билдилар; бу ерда қоялар орасида истаганларича хаёлга берилишлари мумкин; она тили уларни бу ёқларга ундайди; шунинг учун ҳам улар архипелагни танлайдилар. Кунларнинг бирида Карл X: «Айтгандай, сенга герцоглик унвони берганимни айтиш эсимдан чиқибди»,— деган Маркиз де Ривьер² Жерсей олма дарахтларига тикилиб, кўзига ёш олган, Сент-Эльедаги Пьер-родни Лондондаги Оксфорд-стритдан афзалроқ билган. Герцог Анвильский ҳам Пьер-родда яшаган. Кунларнинг бирида у Сент-Эльедан врач чақириб, ўз соғлиғи ва бир овчи итининг соғлиғи ҳақида маслаҳат сўраган, герцог жерсейлик врачдан итига дори ёзиб беришни илтимос қилган. Ит аслида касал эмас экан, герцог ҳазиллашган экан. Врач ҳам дори ёзиб берибди. Кейинги кун ита эса Герцог врачдан қуйидагича сўёт олибди:

«Икки маслаҳат учун қуйидагича ҳақ тўланиши керак:

1. Герцог жанобларига берилган маслаҳат учун — бир луидор.

2. Унинг итига берилган маслаҳат учун—ўн луидор».

Ла-Манш ороллари кишиларга гўё бошпана бўлиш учун яратилган. Тақдирнинг тақазоси билан кимлар бу ерларда бўлмаган дейсиз! Кромвелдан қочган Карл II-дан тортиб Лувель билан учрашиш насиб қилган герцог Беррийский³гача жуда кўпларни кўрган бу ороллар.

¹ 1538 йилги Нант олий фармонига кўра, қирол Генрих IV томонидан протестантлик (гугенотлик)ка руҳсат берилганди. 1685 йилда қирол Людовик XIV бу фармонни бекор қилди, бу тадбир гугенотларнинг оммавий равишда чет элларга кетишига сабаб бўлди.

² Маркиз де Ривьер—француз аристократи. XVIII аср охиридаги Француз буржуа революцияси даврида шахзода д'Артуа (бўлажак қирол Карл X) билан биргаликда Франциядан қочган; Бурбонларни тиклаш даврида герцоглик титули билан тақдирланган.

³ Герцог Беррийский—Карл X нинг ўғли, Бурбонлар унинг тахтга чиқишидан кўрқиб зорардилар; 1820 йилда ишчи Лувель томонидан ўлдирилган.

Брут ҳалокатга учратган Цезарь икки минг йил муқаддам бу жойларга бостириб кирган. Ўн еттинчи асрлардан бери бу ороллар бутун дунё билан қардошларча муносабатда, у ўзининг меҳмондўстлиги билан машҳур. Бу оролларда ҳам адолат, ҳам бошпана бор. Оролликлар монархизм тарафдори, лекин мағлубиятга учраган республиката ҳам ҳайрихоҳ, ўзлари протестант, лекин таъқиб остидаги католицизмни ҳам рад қилмайдилар. Илтифот юзасидан улар ҳам Вольтерни ёмон кўрадилар, бу ҳақда илгарироқ ҳам гапиргандик. Кўпчиликнинг, шу жумладан давлат черковининг фикрича, яқин кишининг душманидан нафратланиш айни пайтда уни яхши кўриш ҳамдир, шунинг учун ҳам католицизм Ла-Манш оролларида Вольтерни яхши кўришади деб ҳисоблайди.

Кема ҳалокатида омон қолган киши бу оролларга сузиб бориб, пешонасида нималар борлигини билмаган ҳолда, тақдирига тан беради. Баъзан ўзингдан ўзинг дилинг қоронғи бўлиб кетади, кимсасиз бу жойларда ҳаво ҳам сени эса бошлаётгандай туюлади, бирдан енгил шабада эсади-да, руҳинг кўтарилиб кетади. Нима бу? Сўзми, товушми, хўрсинишми — тушунолмайсан. Шунинг ўзи кифоя. Ана шу «ҳеч нарса»нинг қудратини қай биримиз тушунмаймиз ахир!

Яқинда Гернсейга кўчиб келган бир француз бундан ўн-ўн икки йил илгари ғарбий қирғоқда қумликлар бўйлаб ёлғиз дайдиған; таъби хира, хафа бўлган; у ватанини қўмсаб-соғиниб хаёл сурган. Парижда сайр қиласан, Гернсейда — дайдийсан киши. Орол унинг кўзига ёвуз бўлиб кўринган. Туман қалин, қирғоқда тўлқинлар шовиллаб, денгиз қоялар устига кўпиклар сачратиб турган, осмон қоп-қора булут билан қопланган экан. Ҳолбуки бу баҳор пайти, денгизда эса баҳорнинг бошқа номи бор; «Кеча-кундуз барабар пайт» дейилади. Бу пайтда майн шамоллар эмас, довул ҳукмронлик қилади; май кунларида шамол таъсири билан ҳосил бўлган кучли тўлқинлар Қорнэ қалъасининг энг юқори еридаги сигнал мачтасидан йигирма фут юқори жўтарилгани маълум. Қувғин қилинган француз ўзини худди Англияда юргандек ҳис этган: инглизчани эса мутлақо билмас экан; орол бурунининг учидаги ярим вайрона минорада эски Англия байроғи ҳилпираб туради. Яқинроқдаги икки-уч кулба, қумликлар, тақир ерлар, тиканаклар билан сунурги гуллар ўсган майдонлар кўзга ташланиб туради;

у ер-бу ерда кенг амбразурали батареялар қорайиб кўринади; инсон қўли билан жесилган тошлар денгиз ялаган қояларга ўхшаб маъюслик бағишлайди. Француз ўз ватанини қаттиқ соғиниб қолганини ҳис этади. Атрофга қулоқ солади, назар ташлайди — ёруғликдан нишон йўқ; қорабузовлар ризқ излашар, осмонда булутлар бетиним югуришарди; уфқ қўрғошин ранг булут билан қопланган; осмонни қоплаб олган чексиз қорамтир булут пардасидан руҳий тушқунлик ёғилиб турарди: таъб хира бўлмай илож йўқ; умид учқуни ҳам йўқ, биронта таниш ҳам; француз хаёлга берилган, юраги тобора сиқиларди. Шунда у бошини кўтариб қаради, кулбанинг дарчасидан унинг қулоғига янгроқ, ёқимли товуш чалинди; бу боланинг овози эди, у французчалаб қуйидагича куйларди:

Далага чиқ, ўрмонга кел,
Висол дамига шошил!

ХІХ

Архипелагда кўп нарса Францияни эслатади. Менинг ошнам якшанба куни кўркама Серк оролида сайр қилиб юриб, қадимий гугенотлар гимнини эшитиб қолган — бу гимни қайсидир ферманинг ҳовлисида бир гуруҳ диндорлар кальвинчиларга хос қаҳр билан тантанали равишда куйлашмоқда эди:

Жаҳондаги турли динлар
Бекордир, бекор, бекор.
Фақат Исо чин пайғамбар,
Одамзодга ёр, ёр, ёр.

Ана шу гимни куйлаб жишилар Севеннада ўлимга юзма-юз борганларини¹ эсласанг, юрагинг эзилиб кетади. Гимндаги сўзларнинг маъносига эътибор қилсанг, беихтиёр кулгинг қистайди, аслида эса, фожиалар билан тўлиб-тошган одамлар бу гимндан куладилар. Ҳолбуки йиғлашлари керак. Қирқ француз академигидан бири бўлган Боссюз² уни тингларкан: «Ўлдир! Ўлдир!» — деб

¹ Франциянинг жанубидаги Севенна тоғларида гугенот дехқонларнинг қирол Людовик XIV га ва дворянларга қарши исёни кўзда тутилади. Бу исён «Солиқлар йўқотилсин, виждон эркинлиги берилсин» шиори остида давом этди. Бир неча йилдан кейингина кўп қийинчиликлар билан бу исён бостирилганди.

² Ж а к - Б е н и н ь Б о с с ю з (1627—1704) — Француз епископи, черков ёзувчиси, ваъзхон; гугенотларнинг ашаддий душмани, француз мустабидчилигининг идеологларидан.

қичқирган. Умуман, дин қанақа бўлишидан қатъи назар, замирида золимлик бўлган мутаассибликдан иборатми, ёинки қувғин остига олинганми,— гимннинг шакли роль ўйнамайди. Фанатиклар шиддатли, ҳукмрон гимнга мурожаат қиладиларки, бу гимн уларнинг аъзойи баданларини қамраб олиб, сирли янграйди.

Динга муккасидан кетганларнинг ижод этгани шеърийатми, прозами, ишқилиб, ҳатто улар кулги қистатадиган бўлсалар ҳамки, диний мутаассиблик уларга кўтаринкилик бахш этади, поэзияга ҳам, прозага ҳам диний қувват беради. У бемаъни сўзларга машаққат ва матонат самараси бўлган улуғвор маъно бахш этади. Етишмайдиган бадийликни ҳиссиёт билан тўлғизади. Жафо тортган киши ҳақида ҳикоя ярамас бўлса бўлавермайдими, жафокашнинг ўзи фидойи-ку, ахир!

XX

НОМО ЕДАХ¹

Вақт ўтган сари оролларнинг қирғоқлари ўз қиёфасини ўзгартгани-ўзгартган. Орол — океаннинг ижоди. Материя доимий, лекин унинг шакли доимий эмас. Улим ҳамма нарсани, ҳатто табиатнинг ўзи яратган ёдгорликларни ҳам, ҳатто гранитни ҳам емиради. Ҳамма нарса, ҳатто формасиз нарсалар ҳам ўз шаклини ўзгартириб туради. Барча нарсалар сингари, денгиз яратган нарсалар ҳам емирилади.

Денгиз ўзи барпо қилади, ўзи вайрон қилади.

Бир ярим минг йил мобайнида фақат Эльба қуйиладиган жой билан Рейн қуйиладиган жой орасидаги йиғирма уч оролчадан еттитачаси чуқиб кетди. Уларни ҳозир денгиз остидан ҳам қидириб тополмайсиз. Ун учинчи асрда денгиз Зюдерзеени барпо қилди; ўн бешинчи асрда денгиз йиғирма икки қишлоқни фарқ этиб, Бьер-Бош кўрфазини ҳосил қилди; ўн олтинчи асрда денгиз Торумни ютди, тўсатдан Доларт бўғозини барпо қилди. Бундан юз йил муқаддам Нормандия соҳилида жар ёқасидаги янги Бурдо олдида денгиз остида қолиб кетган қадимий Бурдо ибодатхонасининг қўнғироқхонасини бе-малол кўрса бўларди. Экре-У да сув қайтган маҳалларда баъзан саккизинчи асрда сув остида қолган ўрмон да-

¹ И н с о н — емирувчи (лотинча).

рахтлари кўриниб турарди, дейишади. Бир маҳаллар Гернсей Эрмга деярли туташ бўлган, Эрм — Серкка, Серк — Жерсейга, Жерсей эса Францияга. Франция билан Жерсей орасидаги бўғоздан болалар ҳам ўта олган. Епископ Кутанский Жерсейга ўтмоқчи бўлганида, унинг оёғи сувга ботмасин деб бўғозга шох ташлаганлар.

Денгиз ўзи бунёдга келтиради, ўзи ғарқ қилади, инсон денгизга барпо этишда эмас, емиришда ёрдам беради.

Вақт тишлари борлиқни бетиним кемиради, инсоннинг қўлидаги чўкичи ҳам тиним билмайди. Инсон кемирувчи. У ҳамма нарсани қайтадан тузатади, ҳамма нарсани ё яхшилади, ё баттарроқ емиради. Бу ерда бир нарсани бачканалаштирса, бошқа жойда бир нарсани кўркам қилади. Роланд ғори ҳақидаги афсона унчалик ҳам фантастик эмас, табиатнинг инсон қўли билан ярангани рости. Илоҳий ижодда инсон меҳнатининг изи бор. Яратилиб, гўё тузатилмаган нарсаларни ниҳоясига етказишни у ўз бурчи деб билади. У оламни инсоният манфаатларига мослаштиради. Унинг фаолияти шундан иборат. Унда етарли журъат бор, ҳатто буни унинг шаккоклиги дейиш мумкин. Бунақа ишларда унинг иштироки баъзан ҳақоратомуз бўлади. Ўзи ўлимга маҳкум этилган-у, қисқа умрининг асли маъноси аста-секин юз берадиган ўлимдан иборат-у, у мангуликнинг пайида. Инсон ўзгарувчан табиатнинг ҳамма кўринишларини, доимо бошқа стихия билан қўшилмоқчи бўлган стихияни, денгиз қудратини, ер остидаги чексиз кучларни жиловлаш пайида. Уларга инсон: «Жойингиздан қўзғалманг!» — дейди. Инсонга шу қўл желадимми, бас, бутун олам унга бўйсунуши шарт. Инсон оламнинг хўжайинида, ахир. Ҳамма нарсани ўзига ёқадиган қилмоқчи бўлади. Олам — бирламчи материя. Дунё, худонинг яратганлари — инсон учун бир воқелик, холос.

Инсонни ҳар тарафда тўсиқлар қамраб олган, лекин ҳеч нарса унга халақит беролмайди. Унинг жавоби битта: бир ҳамла билан барча тўсиқларни босиб-янчиб ўтади. Инсон уддалай олмайдиган нарса йўқ, ҳамма нарса ҳам инсон қаршисида доимо тиз чўқади.

Оламни сув босгандан кейин лойқалардан тошлар ҳосил бўлиб, чўққиларни мангу қорликлар қоплаган, бу геологик формация инсонга фақат бир девор бўлиб кўринади, холос. Одам уни тешиб ўтади-да, илгарилаб кетаверади. У географик бўйинларни узиб ташлайди, вул-

қонларни пармалайди, тошларни йўнади, тоғ жинсларини майдалайди, қояларни парча-парча қилади. Бир маҳалларда у Ксеркс¹ учун меҳнат қилган; энди ақли кириб, ўзи учун ишляпти. Ақлли бўлиб қолгани тараққиёт маҳсулидир. Инсон ишлаб ўзига уй қуради, унинг уйи эса ердир. У оламдаги нарсаларни жойидан қўзғатади, бир ердан иккинчи ерга суради, кўчиради, йўқ қилади, емиради, чиқариб ташлайди, бузади, жовлайди, қазийди, синдиради, портлатади, майдалайди, хуллас, ер юзидан бир нарсани йўқотиб, бошқасини қўпориб ташлаб, вайрон қилиш билан бирга, янгисини яратади. Ҳеч нарса олдида иккиланиб ўтирмайди: ер қатламининг қалинлиги ҳам, тоғ тизмалари ҳам, материянинг қудрати ҳам, табиатнинг улуғворлиги ҳам халақит беролмайди унга. Оламнинг ҳар қандай жойида қўлидан келганни қилмай қўймайди. Худо яратган нарсаларнинг бир қисмини ўзгартиш қўлимдан келади, деб қўлига болга олади-да, ҳужумга отланади. Келажак бир кунмас-бир кун Альпни ҳам парчалаб ташланган ҳолда кўрса ажаб эмас.

Улкан ер, бағрингда ўрмалаб юрган чумолингга бўйсунмай иложинг йўқ!

Бола ўз қўғирчоғини бузиб, унинг юрагини қидирганидек, инсон ҳам ернинг қалбини, юрагини излаётганга ўхшайди.

Лекин қудратимизни ҳаддан ортиқ мақташ тўғри эмас: инсоннинг қўлидан нима келса ҳам, оламнинг умумий қиёфасини ўзгартолмайди; фазо унга бўйин эгмайди. Бутун бир яхлитлик унга бўйсунмайди, қисмларгина бўйсунishi мумкин. Бундан буён ҳам шундай бўлиб қолади. Бутун олам тангрининг қўлида. Осмонда бизнинг иродамизга бўйсунмайдиган қонунлар ҳукмронлик қилади. Инсоннинг қўлидан келадиган ишлар ерда, холос. Инсон ер бетини яланғочлайди, ё кийинтиради, ўрмонларни кесиб, ерни либосидан маҳрум этади. Аммо ернинг ўзи ўқи атрофидан айланишини секинлатиш, қуёш атрофидан айланишини эса тезлатиш, ер ўз орбитасида ҳар куни босиб ўтадиган етти юз ўн саккиз минг милдан иборат йўлдан бирор қаричини камайтириш ёки унга қўшиш, кеча-кундуз тенглигини ўзгартиш, ёғаётган ёмғир-

¹ Ксеркс — Эрон шоҳи (эрадан олдинги 486—465 йиллар); бу ном асарда золимлик ва шафқатсизлик символли сифатида тилга олинади.

ни ёғдирмаслик кабилар инсоннинг қўлидан келмайди. Нимага қудратимиз етмаса, ўша нарса қудратлигиича қолаверади. Инсон об-ҳавони ўзгартириши мумкин, лекин йил фаслларини ўзгартолмайди. Ойни эклиптикадан четроқда ҳаракат қилдириб кўрсин-чи!

Хаёлпарастлар орасида машҳур кишилар ҳам бор, ер юзида абадий баҳор бўлишини таъминлаш ҳақида кўп хаёл суришган. Қиш билан ёз биз ҳозиргина тилга олган эклиптика бўйлаб ер шарининг қия ҳолатда айланиши оқибатида рўй беради. Ернинг ўқи агар тик қилинса фасллар барҳам ейиши мумкин. Ҳеч гап эмас бу! Қутбда туриб Ернинг марказига етадиган қилиб қоziқ қоқинг-да, унга занжир боғланг, сўнг фазонинг бирор ердан таянч нуқтаси топинг, ҳар бирида ўн миллиардтадан от бўлган ўн миллиард уюрни ўша ёққа жўнатинг; отлар занжирни тортади, шунда ернинг ўқи тўғри бўлади-қўяди, қарабсизки доимий баҳор. Бундан осон иш йўқ.

Лекин инсонга бошқача баҳор — жаннат жерак. Баҳор яхши, эркинлик ва адолат ундан минг карра аълороқ. Жаннат — хаёли-илоҳий нарса, у ҳаётий эмас.

Эркин ва одил бўлиш эса ўзимизга боғлиқ.

Жонимизнинг роҳати ўз жонимизда. Доимий баҳор ўз қалбимизда.

XXI

ТОШКЕСАРЛАР ҚУДРАТИ

Гернсей уч бурчак оролдир, Сицилия эса уч бурчак ороллар қироличаси ҳисобланади. У Нептун¹ники бўлган, учала буруннинг ҳар бири бир замонлар Нептун таёғидаги уч айридан бирига бағишланган эди. Учала бурунда биттадан эҳром бўлган: ўнг айри шарафига — Декстра, ўрта айри шарафига — Дубия, чапдагиси шарафига Синистра барпо этилган. Декстра дарёлар рамзи, Синистра — денгизлар, Дубия эса ёгин-сочин рамзи эди. Фиръавн² Псаметик Агривент подшоси Тразидеяга дўқ уриб, «Сицилияни доира қилиб қўяман» деган бўлса ҳамки, инсон уч бурчак оролни ўзгартириб доира шаклига келтиришга қодир эмас, учала бурчакдаги юксак қоялар то ўзларининг ҳосил бўлишига сабабчи бўлган сув — уларни босиб, емириб ташламагунча, қадларини

¹ Нептун—қадимги римликларда денгиз худоси. Узун соқолли, қўлига айри тутган тарзда тасаввур қилинади.

² Фиръавн — Қадимги Миср подшоҳларининг унвони.

кўтариб тураверадилар. Сицилиядаги Пелор буруни Италия томон, Пахинум буруни Греция, Лилибе буруни эса Африка томон қараган; худди шунингдек, Гернсейдаги Анкресса тумшуғи шимолда, Пленмон тумшуғи жануби-ғарбда, Жербур тумшуғи эса жануби-шарқда. Улар қандай турган бўлса, шундайинча қолаверадилар.

Шунда ҳам Гернсей барибир емирилиб кетмоқда. Гернсейнинг харсанг тошлари жуда яхши, сотиб олаверинг! Қирғоқ қояларининг бозори чаққон. Орол аҳолиси оролни майдалаб сотгани-сотган. Ажойиб Шайтонқояни яқинда бир неча фунт стерлингга сотиб юборишди; улкан тош кони бўлган Виль-Бодю камбағаллашса, ишни бошқа ёққа кўчиришади.

Англияда Гернсей тошига эҳтиёж катта. Фақат Темзада тўғон қуришнинг ўзигагина икки юз минг тонна тош керак. Содиқ фуқаролар шаҳзода Альберт бронза ҳайкалининг такурсиси сифатли Гернсей тошидан қилинмай, Чизеринг харсанг тошидан қилинганига афсусланадилар. Гернсей қирғоқларида чўқморлар тақирлагани-тақирлаган. Тўрт йил мобайнида Сен-Пьер портининг Фалю кўчасида турувчи аҳоли кўзи олдида улкан тоғлар ғойиб бўлди.

Европада бўлаётган воқеалар Америкада ҳам рўй берапти. Вальпараисо ўзининг кўрки ва шуҳрати бўлган жойни — Жаннат водийси деб аташга муяссар қилган тепаликларни майдалаб саноатчиларга сотишга ҳозирланапти.

Гернсейлик кекса ҳозир ўз оролининг қиёфасини таниёлмай қолгани мумкин. Унинг: «Менинг ватанимни алиштириб қўйибдилар», дейишга ҳақи бор. Веллингтон ўзининг иккинчи ватани бўлган Ватерлоо тўғрисида шундай деган эди. Бунга яна шуни ҳам қўшиш керакки, Гернсейда одамлар бир вақтлар французча сўзлашганлар, ҳозир инглизча гаплашадилар, бу ҳам бир бузилишдир.

1805 йилга қадар Гернсей икки оролга ажралиб турарди. Денгиз оқими бир ёғидан-иккинчи ёғига — Шарқий Кревель тепаликларидан ғарбдаги тизма қояларгача кесиб ўтарди. Бу оқим ғарбда Фреке ва Со-Рокье олдида денгиз билан қўшиларди, бундан ҳосил бўлган қўлтиқ қуруқликнинг анча ичкарисига кириб борар, булардан бири эса ҳатто Сальтернгача етиб қоларди; ана шу денгиз тармоғи Бре-дю-Валль деб аталган. Ўтган

асрда Сен-Сансонда океан кўчасининг ҳар иккала томонида кемалар турарди. Бу океан кўчаси унча кенг бўлмай, эгри-бугри эди. Гарлем қўлтиғини қуришиб, кўримсиз текисликка айлантирган голландияликларга ўхшаб гернсейликлар ҳам Бре-дю-Валлни қуришдилар, ҳозир бу ер майсазорга айланган. Океан кўчаси боши берк кўча бўлиб қолди; ана шу боши берк кўча Сен-Сансон портидир.

XXII

ОРОЛЛИКЛАРНИНГ КЎНГИЛЧАНЛИГИ

Нормандия архипелагини кўрсангиз унга шайдо бўлмай иложингиз йўқ, унда яшаганингиз — бу оролларга нисбатан ҳурматингиз ифодасидир.

Марҳаматли орол аҳолиси миқдор жиҳатдан кам, лекин қалби улкан. Бу халқнинг қалби — денгизнинг қалбидан сахий. Ла-Манш оролларининг аҳолиси ўзгача бир халқ. Улар «катта ер»га ўз устунликларини ҳис этган ҳолда мағрурона назар ташлайдилар, оролларга «шўр сувли кўлмакдаги уч-тўрт гултувак» деб қарайдиган инглизларга жерсейлик ва гернсейликлар бўш келмайдилар. «Биз нормандияликлармиз, биз Англиянинг истеълолчиларимиз» деб юришади. Бу қизиқ, лекин кишининг завқини ҳам келтирадиган бир ҳол.

Шундай кун келадики, Ла-Манш оролларига бориб-келиб туриш Парижда одат тусига киради, ороллар бойийди, улар бунга лойиқ. Шундан кейин ороллар кундан-кун гуллаб-яшнайдилар, чинакам тараққиёт йўлига кирадилар. Архипелагнинг ўзига хос жүрки — унинг гўзаллик касб этган иқлимию меҳнатсевар халқидир. Бу ер кема қуришга ва ремонт қилишга мос ажойиб бир жойдир. Нормандия архипелаги Циклада оролларига ўхшаган серқуёш эмас, аммо ундан ям-яшилроқ; у Оркада каби ям-яшил-у, бироқ ундан серқуёшроқ. Бу ерда Астипалей эҳроми йўқ, лекин кромлехлар бор; Фингал ғори¹ йўғ-у,

¹ Фингал ғори — Шотландия соҳилларига яқин, Гебрид оролларида бирида чиройли улкан ғор. Бу ғор ривоятларга кўра, девлар томонидан қадимий кельт халқ эпосининг қаҳрамони бўлган Фингал (ёки Финн) учун қазилган эмиш. Серк — Ла-Манш архипелагининг серқоя оролларида бири. Бу ерда Гюго 1859 йилда келган. «Денгиз захматнашлари» шу ерда ёзила бошланганди. Бу ерда Гюго контрабандачилар яшаган ғорни, саккизоёқни кўрган, «жишлар яшайдиган уй» ҳақидаги афсонани эшитган.

лекин Серж бор. Уэ тегирмони Трепордан қолишмайди, Азет соҳиллари Трувиль соҳилларидан кам эмас. Племон эса Этретдан қолишмайди. Кўркам ўлка, халқи самимий, тарихи ажойиб. Қаҳрли қирғоқларда улуғворлик бор. Архипелагининг ўз авлиёси бор — Элье, ўз шоири бор — Роберт Уэйс, ўз қаҳрамони бор — Пирсон. Англиянинг кўзга кўринган кўппина генераллари ва адмираллари архипелагда туғилганлар. Камбағал балиқчилар ҳаддан ташқари сахий. Сув тошқинида жафо тортган лионликларга, очарчиликдан қийналаётган манчестерликларга ёрдам уюштирилганда аҳоли сонига нисбатан герсейликлар билан гернсейликлар Франция билан Англияга қараганда кўпроқ ёрдам бердилар¹.

Қадимда контрабандачи бўлган ороликлар турли хавф-хатарларга таваяқал билан қарашга ўрганиб қолганлар. Улар ер юзининг ҳамма жойига бориб, асаларилардек ин қўяверадилар. Ҳозир Нормандия архипелагининг мустамлакалари бир маҳаллардаги грек архипелагининг мустамлакаларига ўхшаб кетади. Архипелаг бу билан фахрланади. Австралияда, Калифорнияда, Цейлонда гернсейликлар билан жерсейликларни учратиш мумкин. Шимолий Америкада Янги Жерсей пайдо бўлди, Огайода эса Янги Гернсей. Булар англо-нормандлар, улар ўз мазҳаблари доирасида чекланган бўлсалар ҳамки, тараққиёт сари бетўхтов интилаётирлар. Улар хурофотга берилган, лекин соғлом ақл эгасидирлар. Ахир французлар ҳам бир пайтлар қароқчилар бўлганлар-ку! Инглизлар эса бир вақтлар одамхўр бўлмаганмилар? Камтарроқ бўлайлик, баданини татуировка қилган аждодларимизни эслайлик.


Бир маҳаллар талончилик авжига чиққан жойларда ҳозир савдо-сотиқ авжида. Ажойиб ўзгариш. Асрлар меҳнатининг маҳсули, албатта инсон меҳнатининг ҳам натижаси бу. Жажжигина архипелаг оламга намуна бўлди. Оз сонли, кичик-кичик бу халқлар цивилизация самараларини фахрланиб эътироф этишади. Ҳурматлайлик, ардоқлайлик бу халқларни. Бунақа жажжи ўлкалар буюк инсон маданиятининг тараққиёт даврларини кич-

¹ 1856 йилда рўй берган сув тошқинида жафо тортган французлар учун уюштирилган ёрдамда тўпланган маблағларни солиштириб кўринг: Франция ҳар жон бошига *ўттиз сантиметрдан* тўплаган, Англия *ўн сантиметрдан*, Гернсейда эса *ўттиз саккиз сантиметрдан* пул йиғилган. (Автор изоҳи).

райтиб, лекин тугал жүрсатадиган күзгучаларга ўхшайдилар. Бир пайтлар қароқчилар маскани бўлган Жерсей, Гернсей, Ориньи ҳозир устахоналарга айланган. Бир вақтлар сув ости тошлари тўлиб-тошган жойлар ҳозир ажойиб гаванлардир.

Жоҳил денгиз бўйи халқларининг цивилизация қуёши нуридан эмиб, аста-секин тараққий эта боришини кузатиш ҳар нарсадан ҳам мароқлидир. Зулмат кишиси зулматдан юз ўгириб, тонгни қаршиляпти. Бундан улуғворроқ, бундан ҳаяжонлироқ нарса бормикин! Уфғри меҳнаткашга айланган; ваҳший киши гражданин бўлиб қолган; бўри инсон бўлган. Ёки у илгариги жасурликларидан маҳрум бўлиб қолдимикин? Йўқ. Эндиги кунда жасорат уни ёруғликка бошляпти. Ҳозирги софдил ва иноқ бўлган қирғоқ савдо кемачилиги билан ўтмишдаги „Homo hominī monstrum“¹шиорини байроқ қилиб кўтариб олган қароқчилар кемаларини бир-бирига солиштириб бўладими? Эски ғовлар кўприк бўлиб хизмат қила бошлади. Тўсқинлик ёрдамга айланди. Қароқчилар лоцманлар бўлиб қолдилар. Бу одамлар ҳар қачонгидан кўра уддабуронроқ, жасурроқ. Бу ўлка ҳамон хатарли, хавфли саргузаштлар ўлкаси ҳисобланади, лекин ҳозир софдиллик, инсоф бор. Тубанлик, жоҳиллик маскани бўлган бу ўлканинг ҳозирги парвози кишини ҳайрон қолдиради. Тухумга ёпишган ахлат инда қолиб кетган, юксак парвозга унинг таъсири тегмаганини кўриб турибмиз. Нормандия архипелагининг қароқчиликдан иборат ўтмиши тушдек бўлиб қолди. Кўзни қувонтирадиган сокин елканларга, қат-қат қутурган тўлқинлар оша сув ости қоялари ва хатарли жойлардан дарак бериб, кемаларга йўл кўрсатиб турувчи электр маяклари ва қабарик ойнали фонарларга қараркансан, цивилизация самараларидан қаноат ҳосил қиласан, хурсанд бўласан киши, ўтмишни, океаннинг қаҳрли тўлқинлари орасида омонат кемаларни компасиз, эпчиллик билан яширин бошқарган дарғазаб қароқчиларни, у ер-бу ерда эски манқаллар хира ёритган бурунларнинг тик қирғоқларини, бепоён кенгликлардан эсан қудратли шамолда алангаси темир панжара ичида қалтираб, олислардан милтиллаб кўринган йўл кўрсаткичларни беихтиёр эслайсан киши.

¹ Инсон инсонга бўри (лотинча).



БИРИНЧИ
ҚИСМ

СЪЕР
КЛЮБЕН

Биринчи китоб

ЁМОН ФИКРНИНГ ТУҒИЛИШИ

I

ОҚ ҚОҒОЗГА ВИТИЛГАН ГАПЛАР

182... йилдаги рождество байрамининг арафа куни Гернсейда эса қоладиган бўлди. Уша куни қор ёғди. Умуман совуқ келган қиш ла-маншликлар хотирида узоқ сақланиб қолади, қор ёғиши эса бу ерларда катта воқеа.

Уша рождество куни эрталаб денгиз ёқалаб Сен-Пьер портидан Валлга бориладиган йўл оппоқ қор билан қопланганди. Қор ярим кечадан тонг олгунча роса ёғди. Қуёш чиқиб, соат тўққизлар бўлиб қолган бўлса ҳамки, йўлда ҳеч ким жўринмасди, англикан¹ларнинг черковга, методистларнинг ўз ибодатхоналарига боришларига ҳали вақт эрта эди. Черковдан методистлар ибодатхонасигача борадиган йўлда бор-йўғи уч йўловчи — ўғил бола, эркак ва бир аёл кетиб боришарди.

Учаласи ҳам бир-биридан узоқда борар, уларнинг бир-бирига мутлақо алоқаси йўққа ўхшарди. Бўй-бастидан саккиз ёшларда бўлган бола юришдан тўхтаб, қорни томоша қила бошлади. Эркак киши эса аёлнинг ортида, ундан юз қадамча берида борарди. Улар Сен-Сансон томонга кетмоқда эдилар. Бу эркак ишчими, матросми, бундан қатъи назар, анча ёш эди. У иш кийимида — эғнидаги қалин мовут жигар ранг курткаси, дагал матодан тикилган шими бугун байрам бўлишига қарамай, черковга кетмаётганлигидан гувоҳлик бериб турарди. Бесўнақай ковушининг қўпол михлар билан

¹ Протестант динининг Англияда тарқалган мазҳабига мансуб диндорлар.

қоңилган тагчарми қорда қолдираётган из одам оёғининг изидан кўра кўпроқ турма қулфининг изига ўхшаб кетарди. Аёл эса черковга борадиганларга ўхшаб башанг кийиниб олган эди; унинг эғнида қора шойидан тикилган иссиққина кенг пелерина¹, унинг остидан оқ аралаш пушти ранг нафис йўл-йўл поплин кўйлак кийиб олгани ҳам кўриниб турарди. Агар пайпоғи қизил бўлмаганида уни паришлик деб ўйлаш мумкин эди. У чаққон-чаққон юриб борар, унинг енгил-енгил қадам ташлаб боришидан ҳам, ҳали ҳаёт оғирлигини тотимаган, ёшгина қизлигини пайқаш мумкин эди. Энди вояга етган, болалиги билан хайрлашиб, аёллик остонасига қадам қўя бошлаган қизларгина шундай латофат билан қадам ташлай оладилар. Эркак унга эътибор бермай борарди.

Бир тўп ям-яшил эман тагидаги нашазор яқинидаги «Қуйи уйлар» деб аталадиган жойга етган қиз тўсатдан орқасига ўгирилиб қаради, қизнинг бу ҳаракати эркакнинг диққатини тортди—у қизга қаради. Қиз эркакка юзланиб тўхтади, сўнг энгашиб бармоғи билан қорга алланима деб ёзди. Кейин у қоматини ростлаб, шахдам-шахдам қадам ташлаб кетаверди, нарироққа бориб яна орқасига ўгирилиб, бир жилмайди-да, чапдаги Льер қалъасига олиб борадиган, икки ёни иҳоталанган сўқмоққа бурилиб, кўздан ғойиб бўлди. Қиз иккинчи марта қайрилиб қараганда йигит унинг оролдаги энг кўркам қизлардан бири бўлган Дерюшетта эканини билганди.

Йигит қизга етиб олишни хаёлига ҳам келтирмади, фақат бир неча дақиқадан кейин нашазор ёнидаги эманлар олдига бориб етди. Кўздан ғойиб бўлиб қолган қизни аллақачон унутганди у, агар шу фурсатда денгизда дельфин шалоплаб шўнғиганида ёки тоғчумчуқ бирор бутадан пириллаб учиб қолганида, йигит роҳатланиб уларни томоша қилиб, йўлида давом этаверган бўларди. Лекин ҳеч нарса унинг диққатини тортмагани учун ерга қараб борарди. Тўсатдан қиз бир зум тўхталган жойга кўзи тушиб қолди. Қорда қизнинг излари, излар ёнида эса қўл билан чизиб: «Жильят» деб ёзилганди.

Бу йигитнинг номи эди.

Йигитни Жильят деб атардилар.

¹ Пелерина — елкага ташлаб юриладиган устки кийим.



Йигит ўз номига, қизнинг изларига, қорга тикилганича узоқ ўйланиб қолди, ниҳоят аллақандай хаёллар билан яна йўлга равона бўлди.

II

„ЧЕККАДАГИ УЙ“

Жильят Сен-Сансон черковига қарашли қавмда яшарди. Уни ёқтирмасдилар. Бунинг сабаблари бор эди.

Биринчидан, уни жин-ажиналар билан алоқаси бор деб ҳисоблардилар. Жерсей билан Гернсейнинг хилват бурчакларида ҳам, гавжум кўчаларида ҳам, қишлоқлардагина эмас, шаҳарларда ҳам баъзан эшиги миҳлаб ташланган уйга дуч келиб қолишингиз мумкин; эшик олдини ёввойи тоғолчалар қоплаб юлган; пастки қават деразаларига қоқилган тахталар ярага малҳам қўйиб, устидан пала-партиш ёпиштириб ташланган латтачаларга ўхшайди; юқори қаватнинг деразалари ёпиғ-у, лекин айни вақтда уларни очиқ деса ҳам бўлади: рамалар зичлаб бекитилган, ойналари синиб кетган. Ҳовли ва гулзорни супурги ўтлар босган, деворлар нураган; боғни қичитқи ўтлар, маймунжон кабилар босиб кетган; гоҳо қўнғизу капалаклар диққатингни тортиб қолади. Мўриллар ёрилиб-чатнаб кетган, томлар чўккан, хоналарнинг ташландиқлиги кўчадан кўришиб туради, тўсинлари чириган, тошлари эса моғорлаб кетган. Деворга ёпиштирилган гулқоғозлар кўпчиб кетган. Қадимда мода бўлган нақшвон гулқоғозлар, Империя эмблемалари, Директория замонидаги ярим ой гул қилиб тикилган газлама жилдлар, Людвик XIII даврида расм бўлган нақшли жимжимадор устун ва устунчалар кўзга ташланади. Уй ичини пашшалар илиниб ётган ўргимчак тўри босиб кетган — бу уларга халақит берадиган одам йўқлигини кўрсатиб туради. Баъзи токчаларда синган кўзача кўринади. «Жин-ажиналарга макон бўлган» уйларнинг афт-ангори шунақа бўлади. Бунақа уйларга кечаси шайтон келиб турармиш.

Уйлар ҳам одамлар сингари ўлиши мумкин. Бидъат ўлдиради уйни. Шунда одамни ваҳима босади. Бунақа ўлик уйлар Ла-Манш оролларида озмунча эмас.

Қишлоқилар ва дентиз соҳилларида яшовчилар иблисдан қўрқадилар. Ла-Манш архипелатининг ва Фран-

ция денгиз қиргоқларининг аҳолиси иблисни яхши биледи. Дунёнинг ҳамма жойида иблиснинг ноиблари бор. Бельфагор дўзахдан Францияга юборилган. Уджин Италияга, Белиал Туркияга, Тамуз Испанияга, Мартинэ Швейцарияга, Маммон эса Англияга юборилгани ҳаммага маълум. Иблислардан император йўқ дейсизми? Бор, мана биттаси — Цезарь. Бутун сарой унинг ҳузур-ҳаловати учун хизмат қилади: Дагон — бош ноивой; Сукор Бенот — ҳарам оғаси; Асмодей — хазиначи; Кобал — театр директори, Верделе эса маросимлар бошлиғи; Ниббас — қизиқчи. Вампиризм бўйича мутахассис ҳамда демонограф олим бўлган Вьерус жаноблари эса Ниббасни «атоқли ҳажв устаси» ҳисоблайди.

Ла-Манш балиқчилари денгизга балиқ овига чиқаётганларида шайтон васвасаси остида эҳтиёт чораларини кўришади. Орини билан Каскэ оралигида, очиқ денгиздаги Ортаҳ деб аталадиган улкан супасимон қояда авлиё Маклу яшайди деб ўйлардилар, кекса денгизчилар унинг китоб ўқиб ўтирганини ўз кўзимиз билан кўп кўрганмиз, дейишарди. Шунинг учун ҳам денгизчилар Ортаҳ қояси ёнидан ўтиб кетаётганларида тиз чўкишарди. Бу бир афсона эканлиги маълум бўлгунча шу ҳол давом этди. Ортаҳ қоясида авлиё эмас, иблис яшаётганини билиб қолишди. Жохмус лақабли бу иблис бир неча аср мобайнида авлиё Маклу қиёфасида юрган экан. Бу борада черков ҳам кўпинча ноқулай аҳволда қолади. Рагюэль, Орибель ва Тобиэль деган иблислар 745 йилгача авлиёлар жумласига жиритилиб келинди, папа Захарий уларни авлиёлар сафидан ўчириб ташламагунча уларни авлиё деб юришди. Бу иш яхши-ю, лекин бунақа тадбирни қўллашдан аввал шайтону иблисларни яшилаб билиб олишга тўғри келади.

Кексаларнинг узоқ ўтмишга доир ҳикояларига қараганда, Нормандия архипелагининг католиклари бир маҳаллар, албатта, ўз хоҳишларига қарамай гугенотларга қараганда иблис билан яқинроқ алоқада бўлганлар. Нега дейсизми? Рост, жуда ҳам аниғини билмаймиз. Шуниси аниқки, иблис гугенотларга жуда алам қилдирган. Католиклар иблисга ёқиб қолганлар, буни шундан ҳам билиш мумкинки, у протестант динидан кўра католик динини афзалроқ билармиш. У кечалари католикларга марҳаматини кўрсатган: эр қаттиқ ухлаб, хотин

мудрай бошлаган маҳалларда иблис католикларнинг тўшакларида ҳозир бўлган. Кўп бало шунинг оқибатидан келиб чиққан. Патульенинг¹ тахминича, Вольтер ана шундай пайтда пайдо бўлган. Бу аниқ ҳақиқат. Бунақа ҳоллар бизга маълум, улар шайтонларнинг афсуни ҳақидаги китобларда «Тунларда шайтон васвасаси ва иблиснинг уруғи хусусида» деган бобда баён этилган. Иблис айниқса Сент-Эльеда ўтган асрнинг охирларида бемалол яйраб юрган, революция ҳам шунинг оқибатида рўй берган. Революциянинг оқибатлари сонсаноксиздир. Бўлганича бўлаверсин, лекин иблис қоронғида, мудраб ётган пайтларда келиши мумкин деган гаплар кўпгина пок аёлларнинг таъбини хира қилган. Вольтерга ўхшаган бирор фарзандни бино қилиб қўйиш яхши эмас-да. Бу гаплардан ваҳимага тушган бир аёл руҳонийга мурожаат қилиб, ўшандай пайтларда иблисдан қутулиб қолишнинг иложи йўқми, деб сўраган. «Қўйнингиздаги кишининг кимлигига шубҳаланадиган бўлсангиз пешонасини силаб кўринг,— деб жавоб қайтарган руҳоний.— Агар бошида шохи бўлса, иблислигининг белгиси шу...» «Нима?» деб сўраган аёл қайтариб.

Жильятнинг уйи илгари жинхоналиги маълум эди, энди унинг уйида жин бор-йўқлигини ҳеч ким билмасди. Шунинг учун ҳам Жильятдан шубҳаланиб юришарди. Ахир, жинхонага бирор жодугар кириб қолгудек бўлса, иблис уйнинг ишончли киши қўлига тушганини билиб, уни жодугарга бемалол бўшатиб беради, у қақирган пайтлардагина ҳозир бўлади.

Жильятнинг уйини «Чеккадаги уй» деб атардилар. У буруннинг энг учида — қоялар устида, Уэм-Паради кўрфазининг ёнгинасида, кемалар тўхтайдиган жой олдига қурилган эди. Бу ерда денгиз жуда чуқур эди. Уй сув бўйида ёлғиз ўзи шўппайиб турар, унинг ёнида боғ барпо этиш учун етарли ери ҳам бор эди. Баъзан, сув кўп кўтарилган маҳалларда бу ерни сув босарди. Сен-Сансон порти билан Уэм-Паради кўрфази ўртасида балад тепалик бўлиб, печакгулларга бурканган миноралар қорайиб кўринарди... бу ер Валль, ёинки Архан-

¹ Луи Патулье — француз монахи, иезуит, маърифатпарварларнинг ашаддий душмани. Айниқса Вольтерга қарши кураш олиб борган.

гел құрғони эди, у Сен-Сансон томонидан «Чеккадаги уй»ни пана қилиб турарди.

Гернсейда жодугарлар беҳисоб. Баъзи қавмларда улар ўз ишларини бемалол қилиб юрибдилар, ўн тўққизинчи аср уларга сира халал бераётгани йўқ. Қилмишлари нуқул жиноят. Олтин эритишади, ярим кечада ўт юлиб юришади, бировларнинг молига кинна киргизишади. Касаллар дардига шифо излаб келганда, беморнинг «заҳар суви»дан бир шишача келтиринг дейдиларда, желтиришса, касали оғир, деб ваҳима туғдирадилар. 1856 йилнинг мартада шунақа жодугарлардан бири беморнинг «заҳар суви»дан етгита жин топибди. Жодугарлардан қўрқадилар, қўрққанларича ҳам бор: улардан бири яқинда бир булкачи нонвойни печкаси билан бирга қўшиб сеҳрлаб кетибди. Бошқа биттаси нуқул ичида ҳеч нарсаси йўқ, бўм-бўш конвертларни авайлаб елимлаб, ёпиштириб ётади. Яна бошқа бири «Б» ҳарфи ёзилган учта шишани токчада ардоқлаб асрайди. Бу даҳшатли фактлар тасдиқланган. Баъзи жодугарлар тузук, икки-уч гинегга ҳамма дардингизни ўз танасига олиб, каравотга ётиб олади-да, оҳ-вой қилаверади. Унинг оҳ-воҳига қараб: «Қаранг, ҳамма дардимни ўзига олди-я», деб ўйлайсиз, ростдан ҳам дардингиз енгиллашгандай бўлади. Баъзи жодугарлар сизни рўмол билан ўраб ташлаб, касалдан халос қилгандай бўлади. Даволаш воситалари шундай соддаки, таажжубланиб ёқангизни ушлайсиз, унга қадар бу воситадан ҳеч ким фойдаланмаганидан таажжубланасиз. Утган асрда Гернсей қироллик судининг фармойиши билан қуруқ шохдан гулхан қалаб, жодугарларни тириклай қуйдирганлар. Ҳозир эса уларни икки ойга турмага қамайдилар, бир ой нон-сув билан боқиб, бир ой ёлғиз камерага қамаб қўядилар — жазо чоралари ҳар хил бўлсин учун шундай қиладилар. *Amant alterna catena*¹.

Гернсейда охири марта жодугарларни 1747 йилда куйдирганлар. Шаҳарнинг Бордаж чорраҳаси жазо майдони эди. 1565 йилдан 1700 йилгача бу ерда ўн бир жодугар қуйдирилган. Улар ўз айбларига иқрор бўлганлар. Қийноққа чидам беролмасдан улар бунга мажбур бўлардилар. Бордаж чорраҳаси жамият билан динга анчамунча бошқа хизматлар ҳам қилган. Даҳрийларни ҳам

¹ Истибдод хилма-хилликни хуш кўради (лотинча).

шу ерда куйдирганлар. Марня Тюдор¹ замонида бу ерда бошқа гугенотлар қаторида бир онани икки қизи билан бирга куйдиришган; унинг исми Перотина Маси бўлган. Қизлардан бири ҳомиладор экан, гулхан алангасида туғиб қўйган. Хабарда: «Қорни ёрилиб кетди» дейишган. Бола тирик туғилган; шўрлик чақалоқ думалаб-думалаб гулхандан четга чиқиб қолган. Гуз исмли бир киши болани кўтариб олган. Раҳмдил католик ҳисобланган балъи Элье Гослен болани яна оловга ташлаттирган.

III

„УЙЛАНСАНГ, ХОТИНИНГГА БЕРАРСАН“

Жильятга қайтайлик. Бу ердагиларнинг ҳикоясига қараганда, революциядан кейин Гернсөйга бир аёл боласи билан кўчиб желган. У ё инглиз бўлган, ё француз. Гернсөйликлар ўз талаффузлари ва қишлоқча имлоларига мослаб унинг фамилиясини Жильят деб атаёт бошлаганлар. Аёл боласи билан бирга турар, болани бировлар аёлнинг жияни, бировлар — ўғли, баъзилар — невараси, айримлар бутунлай бегона бола, унинг ҳеч кими эмас, дейишарди. Аёл бадавлат эмас, лекин тирикчилиги бир нав ўтиб турарди. У Сержантэда майсазор, Рокен яқинидаги Рок-Креспелда экиладиган ер сотиб олган. У пайтларда «Чеккадаги уй» ажинахона эди. Уттиз йил мобайнида ҳеч ким турмаганидан вайрон бўла бошлаганди. Уй олдидаги боққа тез-тез сув тошиб турар, ҳосил унча яхши бўлмасди. Тунги шовқин ва милтиллаб турадиган ўтдан ҳам ваҳималироқлари бўларди: кечқурун тош печка устига жун ип, пилтакач игна ва бир товоқ шўрва қўйиб кетиб, эрталаб келиб қарасангиз, шўрва ичилган, товоқ яланган, ёнида бир жуфт қўлқоп тўқиб қўйилган бўларди. Уй жин-ажиналари билан қўшиб бир неча фунт стерлингга савдо қилинди. Келгинди аёл уни, албатта, шайтоннинг васвасаси билан сотиб олди. Балки арзонлиги учун олгандир.

Сотиб олганидан сўнг орадан кўп ўтмай боласи билан кўчиб кириб ҳам олди. Шундан кейин уй тинчиб қолди. «Эгаси уйига мос тушди» деган гап тарқал-

¹ Марня Тюдор — Англия қиролчаси (1553—1558). Унинг ҳукмронлиги йилларида католик реакцияси авж олган, протестантлар репрессия қилинган.

ди. Жин-ажиналар барҳам еди. Тонгда увиллайдиган товушлар ҳам йўқолди, кечқурунлари фақат уй эгасининг ўзи ёққан шамчиरोқ ёғдусигина кўринадиган бўлиб қолди. Гернсейликлар алвастининг шамчироғи билан ажинанинг машъаласи бир гўр эмасми ахир, деган фикрда эдилар.

Аёл бу ерга кўчиб келганидан кейин бир парча еридан даромад қилиб, кун кўра бошлади. Унинг қаймоқдек сут берадиган яхшигина сигири ҳам бор эди. Ерга оқ ловия, карам ва «олтин томчи» навли картошка экарди. У ҳам бошқалар сингари «пастернакни бочкалаб, пиёзни юзталаб, ловияни пақирлаб» сотарди. Аёлнинг ўзи бозорга бормас, нарсаларини Сен-Сансон бозоридаги Гильбер Фальюга ишонаверарди. Фальюнинг ёзиб қўйган рўйхатига қараганда, кунларнинг бирида у «уч ойлик» деб аталадиган эртапишар картошкани пақирлаб сотиб берган.

Уйнинг у ер-бу ерларини тузатишди, сувашди; фақат кучли жала пайтларидагина хоналардан чакка ўтарди. Уй бир қаватли, чордоғи бор эди. Уй учхонадан иборат бўлиб, улардан иккитаси ётоқхона, бири овқатхона. Тор зинапоядан чордоққа чиқиларди. Аёл рўзғор ишлари билан шуғулланар, болага савод ўргатарди. Черковга бормагани учун ҳамма уни француз ҳисобларди; чўқинмаслик ҳазил гап эмас-да, ахир.

Хуллас, уларнинг кимлигини ҳеч ким билмасди.

Аёл, афтидан, французга ўхшарди. Вулқон тошларни улоқтиради, революция — одамларни; ҳатто оилаларни олис-олисларга улоқтириб ташлайди, шунда бегона жойларга бориб яшашга тўғри келади, таниш-билишлар билан алоқа узилиб қолади; одамлар ёт ўлкаларда томдан тараша тушгандай пайдо бўлиб қоладилар, бировлар Англияда, бировлар Германияда, бировлар Америкада. Булар ерлик аҳолини таажжубда қолдиради. Бегоналар қаёқлардан пайдо бўлишади? Аллақаёқларда, олисларда алангаланган вулқон улоқтирган уларни. Улар метеоритлар, тақдирнинг тақазоси билан улоқтирилган, адаштирилган мавжудотлардир, уларни муҳожирлар дейишади, қочоқлар, саргузашт қидирувчилар, сайёҳлар дейишади. Агар жетмай, шу жойда туриб қолсалар, уларга кўникадилар, кетсалар — хайрихоҳлик билдирадилар, холос. Баъзан бунақа одамларнинг, айтиқса аёлларнинг, ҳеч кимга зиёни тегмайди, ҳар ҳол-

да, улар ғазабларини ҳам, нафратларини ҳам яширмайдилар; улар бу ерга ўз хоҳишларига зид ҳолда камондан отилган ўқдек желиб қолганлар, бунга ўзлари ҳам ҳайрон. Имкони бор жойда томир ёядилар. Улар ҳеч кимга ёмонлик қилмаганлар, нима гап рўй берганини ўзлари ҳали ҳам тушунолмайдилар. Мина портлаб, бир тутам ўтни осмонга итқитганини ўз кўзим билан кўрганман. Ҳар қандай портлашдан кучлироқ бўлган француз революцияси эса синдирилган парчаларни жуда олисларга улоқтириб ташлади.

Гернсейликлар «Жильят хола» деб атаган аёл ҳам худди шунақа бир тутам ўтдек улоқтириб ташланган бўлса керак.

Аёл қартая берди, бола улғаяверди: улар ҳеч кимга қўшилмасдилар, ҳамма улардан чўчирди. Улар бир-бировларига овунчоқ эдилар. «Боласи бор она бўрига яна нима керак?»— деган гап теварак-атрофдаги одамлардан чиққан бўлиб, уларнинг она-болага илтифотини ифодаларди. Бола ўсиб ўспирин, кейин йигит бўлди, ана шу пайтларда кампир қазо қилди, ахир, ҳаёт дарахти бир кунмас-бир кун қуриб, хокка айланмай иложи йўқда. Кампирдан Жильятга мерос бўлиб Сержантэдаги ўтлоқ, Рок-Креспеладаги экинзор, «Чеккадаги уй», яна расмий хатда баён этилгандек, «пайпоққа солиб қўйилган юз гиней олтин» ҳам қолди. Уй тузуккина жиҳозланган эди: иккита эман сандиқ, иккита каравот, олтита стул, стол, зарур рўзгор буюмлари, тоқчада бир неча китоб бўлиб, бурчакда эса оддийгина сандиқча ҳам бор эди, кампирдан қолган нарсалар рўйхатига тиркаш учун очиб қарагандилар, қўнғир чарм билан қопланиб, гулмих қоқилган бу қутичадан кийим-кечак, тўғрироғи, узатиладиган қизнинг сепи чиқди: кўйлақлар, ҳарир матодан тикилган юбкалар, ипак кўйлақликлар, марҳуманинг қўли билан ёзилган: «Уйлансанг, хотинингга берарсан» деган хат бор экан.

Кампирнинг ўлими Жильят учун ниҳоятда оғир кулфат бўлди. У азалдан одамови эди, энди эса баттарроқ ёввойилашди. Олам унинг кўзига ҳувиллаб қолгандай туюлди. Илгарилари икковлари танҳо яшасалар, бир-бировлари билан овунсалар, энди у ёлғизлик балосига гирифтор бўлди. Чидаб бўлмайдиган аҳволга тушиб қолди. Ёлғиз кишининг қўли ишга ҳам бормади. Бу — умидсизлик сари қўйилган биринчи қадам. Бошга туш-

ганни кўз кўради. Ҳаётга кўникмай иложинг йўқ, ҳаётни кўрасан, ўлимни ҳам кўрасан, кўникасан киши. Лекин бу кўникиш тинкани қуритади.

Жильят ёш эди, қалбидаги жароҳат аста-секин бита борди. Ешлик ҳар қандай касални енгади. Унинг ғусса тоши аста-секин эзилиб, табиат билан қўшила борди. Йигитни одамлардан узоқлаштириб, табиатнинг жонсиз кўринишлари сари ундади, шундай қилиб, ёлғизликка кўникиб қолди.

IV

А Д О В А Т

Юқорида айтганимиздек, қавм аҳли Жильятни ёқтирмасди. Унга адоват билан қарашлари ҳам табиий эди. Бунинг сабаблари кўп. Биринчи сабаби — у яшаётган уй; кейин — Жильятнинг насаби. Марҳума ким эди ўзи? Бола унинг қўлига қандай тушиб қолган? Маҳаллий аҳоли келгиндиларни яқиндан билмагунча, ёмон кўради. Жильят унчалик бадавлат бўлмаса ҳам ишламасдан кун кўриши мумкин, шунга қарамай, нега усталарга ўхшаб кийиниб юради? Кейин кеча-кундуз тенглашган пайтлардаги денгиз инжиқликларини енгиб, полизни ҳосил берадиган қилолгани, картошкадан тузуккина ҳосил олгани-чи. Уйининг тоқчаларидаги қалин-қалин китобларни мутолаа қилиб юргани нимаси?

Бошқа сабаблар ҳам кўп.

Нега ҳеч кимга қўшилмайди, одамлардан қочади? «Чеккадаги уй» худди юқумли касалликлар уйига ўхшайди: гўё Жильят касали юқмасин деб одамлардан ажратиб қўйилган; одамлар унинг ёлғиз юришидан тааж-жубланардилар-у, ўзлари уни ёлғиз қолдирардилар-да, тагин уни айблардилар.

Жильят черковга қатнамайди. Кечалари уйдан чиқиб аллақайларга борарди. Жодугарлар билан гаплашиб юрарди. Кунларнинг бирида уни майсазорда ташвишли қиёфада ўтирганини кўриб қолдилар. Анкресдаги мақбара ёнида, у ер-бу ерда учрайдиган сеҳрли тошлар атрофида санқиб юради. Куйловчи қояга таъзим қилиб турганини ҳам кўрганлар. У болалар олиб келган қушларнинг ҳаммасини сотиб олади-да, кейин учуриб юборади. У ерлик аҳоли билан одоб сақлаган ҳолда муомала қилар, лекин ҳеч кимга рўбарў келмасликка инти-

лар, мабодо биров рўпарасидан чиқиб қолса, бошқа томонга бурилиб кетаверарди. Тез-тез денгизга балиқ овига бориб, кўплаб балиқ тутиб келарди. Якшанба кунлари ҳам боғида тинмай меҳнат қиларди. Гернсей орқали ўтган шотландиялик солдатлардан кўшнай сотиб олиб, оқшом пайтлари соҳилдаги қоялар орасида уни чалиб юрарди. Ҳаракатлари уруф сепаетган одамнинг юришига ўхшайди. Бу ўлкадагилар галати Жильятдан нима яхшилиқ кутсин?

Марҳумадан қолган китобларни ўқиб юришидан одамлар шубҳаланарди. Сен-Сансон қавмининг руҳонийси Жакмен Эрод жаноблари марҳума дафн этиладиган кунни уйга кирганда, токчадаги китобларнинг жилдидан қуйидагиларни ўқиган эди: «Богбон лугати», Вольтернинг «Кандид»и, Тиссонинг¹ «Одамлар соғлиқ тўғрисида нималарни билишлари керак» деган китоби. Сен-Сансонда яшаган бир муҳожир француз дворян: «Бу малика Ламбалнинг кесилган бошини кўтариб юрган ўша Тиссо бўлса керак»,— деганди.

Руҳоний ота китоблардан бирининг ваҳимали номини ҳам кўриб қолганди: „De thubarfaro“².

Ахир, сарлавҳасига қараганда бу китоб лотинча ёзилган, агар Жильят ўқий олмаса, уни асраб юрармиди? Бу китобларни ўқимаганда ҳам, асраб юришининг ўзи жиноят ҳисобланади. Испан инквизицияси бу масалани муҳокама қилган, ёмон китоблиги аниқ.

Аслини олганда, бу доктор Тиленжиуснинг сурги дорилар бўйича текширишлари бўлиб, 1679 йилда Германияда босилиб чиққан эди.

Жильят жодугарлик, фол очиш билан шуғулланса ҳам ажаб эмас, балки «меҳригиёҳ» ҳам тайёрлар. Уйда турли хил шишачалар беҳисоб-ку, ахир. Нега кечқурунлари, баъзан ярим кечага қадар қиргоқдаги қоялар

¹ Бир хил фамилиядаги икки киши чалғитиляпти. Симон-Андре Тиссо (1728—1797)—врач, медицинага доир кўпгина китоблар автори. Пьер-Франсуа Тиссо (1768—1854)— Биринчи француз буржуа революцияси давридаги сиёсий арбоб, якобинчилар билан алоқада бўлган; термидор тўнтаришидан кейин сиёсат олаmidан юз ўгириб, адабий иш билан шуғулланган. *Малика Ламболь*-Людовик XVI нинг хотини қиролича Мария-Антуанеттанинг ҳузурида хизматда бўлган; контрреволюцион ишларда иштирок этган, 1792 йил сентябрида революция душманлари қаторида ўлдирилганди.

² «Ич сурадиган дорилар» (лотинча).

орасида ўтираркин? Албатта, денгиз қирғоқларида қоронғиликда дайдиб юрадиган ярамас одамлар билан гаплашиш учундир-да.

Кунларнинг бирида у тортваллик бир жодугарнинг араваси лойга ботиб қолганда ёрдам берган. Бу жодугар кампирнинг номи Жинни Гаи эди.

Оролда аҳоли рўйхатга олинганда, у ўз касби ҳақида: «Балиқ овида балиқчиман», деб жавоб қайтарган. Уйлаб кўринг: бу қандай жавоб?

Камбағаллик билан бойлик—нисбий тушунча. Жильятнинг бир парча ери, уйи бор эди. Бу ҳеч нарсаси йўқ кишиларга нисбатан бой ҳисобланарди. Кунларнинг бирида бой бўлса шайтонга ҳам тегишдан қайтмайдиган аёллардан бири таннозлик билан Жильятнинг юнглини билмоқчи бўлиб, ундан: «Ҳеч уйланиш ниятингиз борми?»—деб сўраган. Шунда Жильят: «Куйловчи қоя эрга текканда уйланаман»,—деб дангал жавоб қайтарган.

Лемезюрье де Фри жанобларининг қўрғони ёнидаги нашазорда турган баҳайбат харсанг тошни «Куйловчи қоя» деб атардилар. Бу тош жуда ажойиб эди. Бу тошнинг бир балоси бор, дейишарди. Баъзан унинг устида хўроз қичқириб қолади — мундоқ қарасангиз хўроз туғул ҳеч вақо йўқ. Бу бежиз эмас. Қоя тошни нашазорга жинлар олиб бориб ташлаганлар.

Кечаси шамол туриб, момақалдироқ гумбурлаб, яшин чақнаганда булутлар орасида учиб юрадиганлар жинлар, алвастилар бўлади. Катта қумтепа ёнида яшайдиган аёл ўшалар билан алоқа қилиб юради. Бир куни кечқурун, жин-алвастилар чорраҳага йиғилган пайтда, у қаёққа бурилишини билмай турган аравакашга: «Анавилардан сўранг, ўшалар билишади», деган. Бу аёлнинг алвастилиги шундан кейин ҳаммага аён бўлган.

Адолатли ва олим киши бўлган қирол Иаков I шунақа аёлларни тириклайин қозонга ташлаб, қайнаттириб олиб, таъмини татиркан-да: «Бу ростдан ҳам жодугар экан», ёинки: «Йўқ, бу жодугар эмас экан»,—деб билиб бераркан.

Афсуски, ҳозирги қиролларнинг бунақа қобилиятлари йўқ.

Жильятни ҳам жодугар ҳисоблашларига асос бор эди. Бир куни ярим кечада, момақалдироқ гумбурлаб турган маҳалда Жильят қайиқда ёлғиз ўзи Мудроқ қоя-

га яқинлашган. Бунни кўрганлар унинг аллакимлар билан қуйидагича гаплашганини ҳам эшитганлар:

— Йўл очиқми?

Қоянинг тепасидан биров:

— Юравер! Қўрқма!— деб қичқирган.

Қояда ҳеч ким йўқ эди-ю, лекин аллакимнинг унга жавоби аниқ эшитилганди.

Яна бир гал, қоронғи тунда, момақалди роқ бўлиб турган пайтда, Катио-Рок яқинида, жума жунлари алвастилар, жин-ажиналар йиғилиб базм қурадиган жой бўлган қўш қатор тизма қоялар орасида Жильятнинг қуйидаги ваҳимали суҳбатини ҳам эшитганлар:

— Везен Броварнинг аҳволи қалай? (Бровар яқинги-нада томдан йиқилиб тушган ғишт терувчи).

— Тузатишди.

— Жин ургур, йиқилиб тушган жойи бу ердан ҳам баланд эди-я. Оёғи ҳам синмабди-да, қизиг-а.

— Утган ҳафта роса балиқ тутдик-да!

— Ҳозиргидан тузук эди.

— Нимасини айтасан! Бозорда ҳозир балиқ дорига ҳам топилмайди.

— Роса шамол бўляпти-да.

— Тўр ташлашга қийналяпмиз.

— Ҳа, айтганча, Катерина хола соғ-саломат юрибдиларми?

— Бало ҳам урмайди уни.

Ана шу Катерина деганлари ҳам алвастилардан эди.

Жильятнинг жодугарлик билан шуғулланиши, хуллас, ҳар қадамда сезилиб турар, бунга ҳеч ким шубҳа қилмасди.

Унинг экинларига кружка билан сув қуюётганини тез-тез кўрардилар. Ерга сув сепиш иблиснинг бир қилиғи-да.

Сен-Сансон йўлидаги биринчи сонли қўриқчи минораси қаршисида зинапояга ўхшатиб устма-уст қўйилган учта тош бэр. Ҳозир бу тошларнинг тепасида ҳеч нарса йўқ, бир вақтлар бутми ённки дорми турарди. Ҳосиятсиз тошлар улар.

Бамаъни ҳамда ишончли одамларнинг таъкидлашича, шу тошлар ёнида Жильят бақа билан гаплашган. Тўғри, Гернсейда бақа йўқ, фақат сувилон учрайди, бақа эса Жерсейда бўлади. Ана ўша бақа фақат Жильят

билан гаплашиш учунгина Гернсейга келган-да, албатта. Иккаласи мириқиб суҳбатлашибди.

Бу воқеаларни кўрганлар бор, ўша тошлар ҳали ҳам ўз жойида турибди, бу ҳам бир асосдир. Ишонмаганлар бориб кўришлари мумкин. Ўша тошларга яқин жойда пештоқига: «Тирик ҳамда сўйилган мол, эски асбоб-ускуна, темир-терсак, суяк, латта-путта харид қиламан, сотаман ҳам; нақд тўлайман, харидорлар хизматига тайёрман», деган лавҳа илинган уй ҳам бор.

Тошлар билан уй борлигига инсофсиз одамларгина шубҳа билан қарашлари мумкин. Юқоридаги ҳолатлар Жильят шаънига ёмон таъсир кўрсатдилар.

Денгиз руҳлари қироли — Ла-Манш учун бир даҳшат эканлигини фақат нодонларгина билмасликлари мумкин. Денгиз руҳлари қироли денгизларда мавжуд бўлган жамийки даҳшатнинг тимсоли. Унга кўзи тушганларнинг кemasи бир Микоил кунидан янагисигача албатта ҳалокатга йўлиқади. У митти, чунки ўзи шунақа бўлади, ҳеч нарсага қулоқ солмайди, қирол бўлганидан кейин шунақа бўлади-да. Денгизда ҳалок бўлганларнинг номларини, уларнинг жасадлари қаердалигини яхши билади у. Океандаги қабристонларнинг ҳаммасини беш қўлдай билади. Жағи кенг, пешонаси тор, бадбашара, қорни ногорадек, юзлари ажир-бужур, кўкимтир, боши қовоқдек; оёқлари калта, қўллари эса узун, товонида сузгичи бор, бармоқлари калта-калта бўлиб, узун тирноқли; қиролнинг қиёфаси мана шунақа. Бармоқлари пардали, сузгичлари тирноқли. Боши одамларникига ўхшаган баҳайбат балиқни кўз олдингизга келтириб кўринг. Ундан қутулиш учун ё дуойибад қилиш керак, ё тўлқинлар орасидан уни ушлаб олиш керак. То иккаласидан бирини қилмагунингизча, ундан кўргиликни кўраверасиз. Унга дуч келган киши бир балога гирифторм бўлмай иложи йўқ. Тўлқин зинапоялари узра сузиб юрган қат-қат туман орасида аллақандай шарпа кўзга чалинади—у жонли нарса: тор пешонали; пучуқбурун, супрақулоқ, кенг жағли, яшил сийрак тишлари тиржайиб тургандек, қошлари ўртадан ўткир бурчак ҳосил қилган, кўзлари шокосадай, ваҳимали. Сал яшин чақнаса у қизариб, кучли яшин чақнаганда эса ранги ўчиб, мурдадек оқариб кўринади. Патак соқоли ўн тўртта чиғаноқ билан безалган елка-ю, кўкрагига тушиб туради. Фаҳмига етадиганлар бу чиғаноқларнинг сеҳрли

эканини яхши биладилар. Денгиз руҳлари қиролини денгиз кучли тўлқинлангандагина жўриш мумкин. У бўронларда бемалол рақс тушадиган бадбашара масхарабоздир. Қалин туман орасида, кучли довул пайтида, жала қуйиб турганида кўринаверади. Қорнига жўзинг тушса, кўнглинг озади. Тангачалар билан қопланган парда унинг биқинларини камзулдек бекитиб туради. Қутурган тўлқинлар ўркачига миниб олиб чайқалиб-силкиниб сузаверади, тўлқинлар эса шамол таъсирида борган сари кўпроқ кучаяверадилар, дурадгорнинг рандаси остидан бетиним чиқаётган пайрахалардек кўпаяверадилар. Даҳшатли, бадбашара қирол кўпиклар орасида сузаркан, олисларда чайқалиб келаётган бирорта ҳалокатга учраган кемага жўзи тушиб қолса, рангпар юзларига қон югуради, оғзи-қулоғига етиб тиржайди-да, қутуриб рақсга туша кетади. Машъум учрашув бу! Жильят Сен-Сансон аҳолисининг диққатини жалб қилиб юрган маҳалларда, денгиз руҳлари қиролини яқиндагина кўрган одамлар унинг кўкрагидаги чиғаноқлардан биттаси камайиб қолибди деган гап тарқатдилар. Ун учта қолибдиймиш. Бу янада хавфлироқ. Ун тўртинчиси қани? Бировга бермаганмикин? Ҳеч ким бу саволга аниқ жавоб беролмасди-ю, лекин тахмин қилишарди. Инкор этиб бўлмайдиган яна бир гап бор: Саксон арпан ер ҳисобидан солиқ тўлаб турадиган эътиборли одам бўлган годенлик Люпен-Мабье жаноблари Жильятнинг қўлида ғалати чиғаноқ кўрибди. Жаноб Люпен-Мабье бу гапнинг ҳақлигига қасам ичишга ҳам тайёр эди.

Деҳқонларнинг икковлашиб, ўзаро қуйидагича суҳбатлашаётганларини тез-тез учратиш мумкин эди:

— Кўшни, бузоғим чакана эмас-а?

— Менимча, жудаям семиз.

— Рост, гапинг тўғри.

— Гўшtidан ёғи кўп-а.

— Жин урсин! Шунақага ўхшайди.

— Жильятнинг кўзи тегиб, шунақа бўлдимикин-а?

Жильят ғаллакорнинг даласи, боғбоннинг боғи олдидан ўта туриб, ғалати гапларни айтарди:

— Шайтоннинг сувлиғи гуллабди, кузги сулини ўраверсангизлар ҳам бўлади.

(«Шайтоннинг сувлиғи» деб скабиозани¹ айтишади.)

¹ Скабиоза — гули саватга ўхшайдиган кўп йиллик ўт.

— Мажнунтол кўкарибди, энди совуқдан қўрқмасанг ҳам бўлади.

— Ёзги қуёш туриши палласи¹ етдимми, демак, қушқўнмас гуллайди.

— Июнда ёмғир ёғмаса, ғаллага ёмон. Қоракуя жўп бўлади.

— Гилос думбул бўлиб етилиб қолганда ой тўла бўлса, хатар бор деб билавер.

— Янги ой туғилгандан кейин олтинчи куни об-ҳаво тўртинчи ва бешинчи кундагидек бўлиб, ўзгармай турса, ой бошидаги ўн икки куннинг тўққиз куни, ойнинг охиридаги ўн икки куннинг ўн бир куни ҳам об-ҳаво худди шунақа бўлади.

— Жанжаллашиб, чиқишолмай юрган қўшнингдан эҳтиёт бўл, фириб бериб қўймасин: чўчқанга қайноқ сут берса — ўлади; сигирингнинг тишини порей² билан ишқаласа, хўракдан қолади.

— Балиқ уруғлаётганда безгакдан эҳтиёт бўл.

— Бақалар юра бошлаши билан, қовун экавер.

— Қурбақаўт гуллади дегунча арпа экишга бошла.

— Арғувон гуллаши билан, пичан ўрсанг бўлади.

— Бақатерак кучала чиқарганда парникларни оч.

— Тамаки гуллаганда иссиқхонангни бекит.

Шуниси қизиққи, унинг бунақа маслаҳатлари амалда ҳамма вақт исботланарди.

Бир июнь кечаси Жильят Деми-де-Фонтенель яқинидаги қумтепада қўшнай чалиб ўтирганда тўрга битта ҳам балиқ тушмади.

Бир куни кечаси сув қайтган вақтда «Чеккадаги уй» ёнида қирғоқ бўйлаб кетаётган тўсин ортилган бир арава ағдарилиб кетди. Бу Жильятни қўрқитиб юборди шекилли, аравани турғазиб, юкени ортиб берди.

Қўшниларида бирининг қизи битлаб кетганида, Жильят Сен-Пьер портига бориб, аллақанақа мой келтирибди-да, уни қизнинг бошига сурибди; шундан кейин бит барҳам ебди; бундан кўриниб турибдики, бу битларни унинг ўзи тарқатган.

Дуо ўқиб бировни битлатиб юбориш мумкинлиги ҳаммага маълум.

¹ Ёзги қуёш туриши палласи — 22 июнь; қуёш экваторнинг жанубидаги энг узоқ нуқтадан ўтадиган кун; шу куни кундузи узоқ, кечаси қисқа бўлади.

² П о р е й — сербарг пиёз.

Жильят қудуқларни қузатиб юради, дейишади. Кўзи тегадиган одамлар бу ишни қилиши яхши эмас, ҳақиқатан ҳам Сен-Пьер порти яқинидаги Аркюлонда қудуқлардан бирининг суви бузилиб қолди. Шунда қудуқнинг эгаси Жильятга бир стакан сув тутқазиб: «Бунга бир қара-чи»,— деди.

Жильят: «Суви ифлос. Бузилган»,— деб жавоб берди. Ундан шубҳаланган хотин: «Тузатиб бер менга»,— деб илтмос қилди. Шунда Жильят ҳовлида оғилхона борми, обреза ҳам бордир, ўшандан оқаётган шалтоқ қудуқ яқинидан ўтмайдами, деб суриштирди. Шубҳаларни тўғри чиқди. У оғилхонага бориб, обреза тозалади, бошқа ёққа оқадиган қилди, шундан кейин қудуқнинг суви ҳам ўз-ўзидан тоза бўлиб қолди. Нима десангиз денг-у, қудуқнинг суви ўзидан-ўзи бузилганди, ўзидан-ўзи тuzалди-қолди. Бу бежиз эмас, деб ҳисобладилар, Жильятнинг ўзи суви бузган экан, деган фикрга келдилар.

Жильят Жерсейга борганида, биров унинг Сен-Клеман деган жойнинг Аллер кўчасида тўхтаганини кўриб қолибди. Аллер сўзи нариги дунёдан келган, деган маънони беради.

Қишлоқларда одамлар ҳақидаги маълумотларни йиғадилар; кейин шу маълумотларни бир-бирига солиштириб қарайдилар; кейин жамоатчиликнинг фикри билан бир хулосага келинади.

Кунларнинг бирида Жильятнинг бурни қонаганини кўриб қолиб, бунга алоҳида эътибор берганлар. Кўпни кўрган бир жаҳонгашта денгизчи тунгус жодугарларини ҳамма вақт бурни қонаб юради, деб гапириб қолди. Кимнинг бурни қонаса, билки, бир гапи бор. Мулоҳаза юритиб иш қиладиган одамлар шундан Жильятнинг ҳам жодугар эканлигига яна бир қарра ишондилар.

Авлиё Микоил куни арафасида Жильятнинг Видкленга бориладиган катта йўл ёқасидаги Урио канопзорлари яқинида ўтлоқда турганини кўрганлар. У ҳуштак чалган, ўша заҳотиёқ бир қузғун, кейин бир зағизғон учиб желган. Буни муътабар бир кимса, кейинроқ «Қироллик ерларини рўйхатга олиш» ишониб топширилган ўн икки кишидан бири ўз кўзи билан кўрган.

Пасхадан уч ҳафта илгари субҳидамда қалдирғочлар Жильятни: «Жильят! Жильят!»—деб чақирганини ўз қу-

лоқлари билан эшитган бир нечта амеллик кампирлар ҳам топилди.

Буларнинг устига, у одамларга яхшилик қилиб юрадиган одам ҳам эмасди.

Бир куни биров ўз эшагини ҳар қанча калтаклама-син, у жойидан қимир этмасди. Бечора эгаси унинг биқинига бир неча марта тепганди, эшак ағдарилиб тушди. Жильят эшакни жойидан турғазига уриниб кўрди, лекин бўлмади — эшак жон берди. Шунда у эшакнинг эгасини бир тарсаки урди.

Бир тал бола дарахтдан зағчанинг жиш болаларини этагига солиб тушганини Жильят жўриб қолди. Шунда у дарғазаб бўлиб, боланинг қўлидан зағчаларни олди-да, кушчаларни инига чиқариб қўйди.

Ўткинчилар бу ишнинг чаккилигини уқтиришганда, у болаларининг аламида дарахт тепасида қағиллашиб учган, болалари инига қўйилгач, тинчланган зағчаларни ишора қилиб кўрсатди. Жильят қушларни ҳимоя қилиб юрарди, бу одати ҳам унинг афсунгарлигидан нишона.

Соҳил қояларидаги чайка ва ҳар хил қушларнинг инларини ковлаб юриш болаларнинг эрмаги. Улар уйлари-га чўнтақларини, этақларини тўлдириб ҳаво ранг, сарик, яшил, оқ тухумлар билан қайтадилар; тухумларнинг пўчоғидан печкаларни безашда фойдаланадилар. Қушларнинг инлари қоя тошларнинг тик ёнбағирларида бўлар, баъзан болалар у ердан тухум оламан деб йиқилиб тушиб, нобуд бўлардилар. Ахир, денгиз қушларининг тухуми пўчоғидан ясаладиган турли хил безаклар гўзал бўларди-да! Жильят шунга ҳам халақит берарди. Жильят бунақа хатарли жойларга болаларнинг чиқиб юрмаслиги учун ўша жойларга қушлар қўрқадиган қўриқчилар осиб қўярди.

Булар ҳаммининг Жильятга адоват билан қарашига сабаб бўлганди.

V

ЖИЛЬЯТНИНГ БОШҚА ШУБҲАЛИ СИФАТЛАРИ

Жильят тўғрисида ҳар ким ҳар хил фикрда эди.

Кўпчилик уни нишонаси бор, жин урган деб ўйлар, Баъзилар эса уни иблисдан бўлган бола деб ҳисоблардилар.

Агар бирор аёл еттита ўғил туғса, еттинчиси нишонли — иблисвачча бўлади. Устма-уст туғилган қизларгина эмас, ўғил болалар ҳам иснод келтиради.

Нишонли ўғилнинг—иблисваччанинг баданида нилуфарга ўхшаган туғма доғи бўлади, шунинг учун ҳам бунақалар ширинча касалини даволашда Франция қиролларидан қолншмайдилар. Бунақалар Франциянинг ҳамма ерида бор, айниқса Орлеанэда сероб. Гатинэнинг ҳар қишлоғи ўз иблисваччасига эга.

Иблисвачча беморнинг жароҳатига пуфласа, ённки ўзининг туғма холини беморга силатса, бемор ўша заҳотиёқ тузалиб кетади. Айниқса пасхадан олдинги жума оқшомида кўп беморлар тузаладилар. Ўн йил муқаддам Гатинэ вилоятида, Ормда хушрўй Иблисвачча деб аталадиган бир киши ширинча билан оғриганларни даволаб шухрат қозонган. Бутун Босс вилояти бўйича у маслаҳатбоши бўлган; унинг асли исми Фулон бўлиб, бочкасоз ҳамда уста экан, от-араваси ҳам бор экан. Унинг бу сеҳргарлигини тўхтатиш учун полицияга мурожаат қилишга тўғри келган. Унинг кўкрагида туғма доғи бор экан. Бошқа иблисваччаларнинг эса турли жойларида туғма доғлари бор.

Жерсейда, Ориньда, Гернсейда ҳам иблисваччалар бор. Франциянинг Нормандия герцоглигига ҳақманд эканлиги бунга сабабчи бўлса ажаб эмас. Бўлмаса, бу ёқларда нилуфар нима қилади?

Ла-Манш оролларида ширинча касали кўп, шунинг учун ҳам иблисваччаларга эҳтиёж катта.

Жильягни чўмилаётганда кўрган бир неча киши унинг ҳам баданида нилуфарга ўхшаган туғма доғи бор деб ишонтнрарди одамларни. Жильятдан буни сўраганларида, саволга жавоб бериш ўрнига қаҳқаҳа уриб кулган. У ҳам баъзан бошқалардек куларди. Шундан бери унинг чўмилганини ҳеч ким кўрмабди; у энг хавфли ҳамда хилват жойларда кечалари ойдиндагина чўмиларкан. Бир ўйлаб кўринг, шунинг ўзи ҳам шубҳали эмасми, ахир?

Албатта, Жильятни иблис авлодидан деб ўйловчи кишилар янглишган эдилар. Улар иблисваччалар фақат Германиядагина бўлишини билишлари керак эди. Валлда ва Сен-Сансонда ярим аср муқаддам жаҳолат ҳукмрон эди. Гернсейда иблис боласи борлиги уйдурма гап эди. Лекин, бу тап-сўзлардан қатъи назар, ундан

чўчиганлари учун ҳам одамлар Жильятдан маслаҳат сўрардилар. Деҳқонлар қўрқа-писа дардларига даво сўраб унга мурожаат қилардилар. Одатда бунақа қўрқинч остида ишонч яшириниб ётган, деҳқон врачга қанчалик шубҳа билан қараса, шунчалик тез шифо топади. Жильятга марҳум кампирдан ҳар хил дори-дармонлар мерос бўлиб қолганди; у касалларни даволарди-ю, лекин эвазига пул олмасди. Тирноқнинг ости йиринглайдиган касални гиёҳ билан тузатарди; шишаларининг биридаги доридан ичириб безгакни даволарди. Сен-Сансонда «жимёгар» деб аталган кимса будори хин дарахти пўстлоғидан қайнатиб тайёрланган бўлса керак деб тахмин қилган. Ҳатто Жильятга адоват билан қарайдиганлар ҳам унинг дорилари фойдали, дейишар, унинг касаллар билан самимий муносабатда бўлишига ишонч билан қарардилар; лекин у иблисвачча сифатида ҳеч кимни даволамас, агар бирор бемор унинг туғма доғини сийпашга интилса, жаҳли чиқиб кетарди. Муъжиза билан даволашдан бош тортарди, мана шуниси кулгили эди. Аввало жодугар бўлма, жодугар бўлганингдан кейин эса ҳеч тортинмай жодугарлигинини қилавер-да, нима қипти!

Хуллас, ҳамма Жильятга адоват билан қарарди, фақат бир-икки киши булардан мустасно. Кло-ландеслик сьер Ландуа Сен-Пьер портининг қавмида мирза бўлиб ишлар, туғилиш, никоҳ ва ўлимларни рўйхатга олинандиган дафтарларни бошқарар, асрарди. Мирза Ландуа 1485 йилда осиб ўлдирилган Британ хазиначиси Пьер Ланденинг авлодиданман, деб фахрланиб юрарди.

Кунларнинг бирида сьер Ландуа денгизда сузиб қирғоқдан анча узоққа бориб қолди, ҳолдан кетиб чўка бошлади. Шунда Жильят ўзини шартта сувга отди-да, сузиб бориб, қийнала-қийнала, бир амаллаб уни қирғоққа олиб чиқди. Шундан кейин Ландуа Жильятни ҳурмат қиладиган бўлиб қолганди. Бунини эшитиб ҳайрон бўлганларга: «Нима десангиз денг-у, менга ёмонлик қилмаган, аксинча, яхшилиқ қилган одамни ёмонлай олмайман», дерди у. Мирза Жильят билан дўстлашишдан ҳам қайтмасди. Хурофотга ишонмайдиган сьер Ландуа жодугарликка ҳам ишонмасди, жин-ажинадан қўрқадиганлардан кулиб юрарди. Унинг қайини бўлиб, бўш пайтларида кўнгили ёзиш учун балиқ овларди, умрида сира плоҳий нарсани кўрмаганди. Фақат бир куни кечаси оқ кийинган бир аёл ўзини сувга ташлаганини кўриб қолганди,

эхтимол, унинг кўзига шундай бўлиб кўрингандир. Тортваллик жодугар Ган жинни унга жипп-ажиналардан сақланиш учун тақиб юриладиган тумор берганди; у аввал бу туморни эрмак учун олиб юрди, лекин барибир бўйнига тақиб олди, ўзини ҳатто хатарсиз ҳис этадиган ҳам бўлиб қолди.

Жильятнинг ароқ ичмаслигини, тамаки чекмаслигини, ҳаром-ҳаришга юрмаслигини — умуман унинг яхши фазилатларини эътироф этадиганлар, сьер Ландуадан ибрат олиб уни ҳатто мақтайдиганлар ҳам кўпайиб қолди.

Бироқ бунақа фазилатлари унинг эл ичида машҳур бўлган бошқа сифатлари олдида ҳеч гап эмасди.

Одамлар Жильятга адоват билан қарардилар.

Ҳар ҳолда, унинг иблисвачча сифатида одамларга кўпроқ фойдаси тегиши мумкин эди-да. Бир кун, пасхадан олдинги жума оқшомида ярим кечаси, иблисваччаларнинг эми ҳеч зое кетмайдиган маҳалда оролдаги ҳамма ширинча билан оғриганлар тасодифанми, ёнқи ҳаммаси келишиб олибми, унинг уйига тўдалашиб кириб келдилар. Ундан даволашни илтижо қилдилар. Шунда жаҳли чиқиб, уларнинг илтижоларини қатъиян рад қилди. Бу билан ўзининг шафқатсизлигини исботлади.

VI

ГОЛЛАНД ҚАЙИҒИ

Жильят шунақа эди.

Қизлар уни хунук ҳисоблардилар.

Лекин у унчалик хунук эмасди. Келишгангина йигит эди. Унинг қиёфасида нимадир антик даврда яшаган ваҳшийларни эслатарди. Ухлаб ётганида Троян¹ тош устунларида тасвирланган ҳайкалларга ўхшаб кетарди. Кичик, чиройлигина қулоқлари нозик эшита олиш қобилиятидан, қошлари ўртасидаги тик ажини унинг довиюрак ва тутган еридан кесадиганлигидан дарак бериб турарди. Лабларининг икки бурчи осилган, бу аллақандай алам оқибати; кенг пешонаси тиниқ, чиройли кўзлари қатъият билан жиддий тикилар, тўлқинларда мавжланаётган нур таъсирида кўзини тез-тез юмишга ўр-

¹ Римда император Троян ўрнаттирган юксак колонналар. Бу колонналарда Дакия жанглари (101 ва 105 йиллар) ақс эттирилганди. Шу жангдан кейин Дакия Римнинг мустамлакаси бўлиб қолган эди.

ганиб қолган барча балиқчилар сингари унинг ҳам тез-тез мишжа қоқиб турадиган одати бор. Болалардек яйраб кулар, тишлари дурдек ярқирарди. Бадани негрларникига ўхшаб қорайган. Бутун умрини океанга бағишлаган бўлиб, бўронлар, машаққатли тунлар унга ўз таъсирини кўрсатган: шунинг учун ҳам унга ўттиз эмас, қирқ беш ёш берардилар. Шамол билан денгиз унинг юзига беўхшов ниқоб кийдиришганди.

Уни Жильят жолугар дердилар.

Ҳиндлар: «Куиларнинг бирида Барахман Куч-қувватдан: «Сендан ким кучлироқ?»— деб сўрабди. Шунда Куч-қувват: «Абжирлик» деб жавоб қайтарибди,— дейишади. Хитойларда: «Шер агар маймун бўлганида нималар қилмасди!» деган гап бор. Жильят шер ҳам эмас, маймун ҳам; лекин унинг бутун юриш-туриши, иши хитойларнинг юқоридаги гапи билан ҳинд масалини эслатиб туради. Ажойиб эпчиллиги, абжирлиги туфайли ўрта бўйи, ўртача кучига қарамай, паҳлавонлардек юк кўтара олар, ақлга сизмайдиган ишларни қилишга қодир эди.

Чинакам гимнастикачи эди у; чап қўли ҳам худди ўнг қўлидек уқувли эди.

Овга чиқмас, лекин балиқ тутишни севарди. Қушларга раҳми келарди-ю, балиққа раҳми келмасди. Гунг махлуқларнинг бошига битган бало эди у! У жуда яхши суза оларди.

Ёлғизлик киши фикрini чуқурлаштиради, ё нодонлаштиради. Жильятда иккала ҳолат ҳам бор эди. Баъзан паришонхотир бўлиб қолар, авзойидан ақлдан озгандек кўринарди. Баъзан эса қарашлари кишини ҳайрон қолдирадиган даражада маънодор бўларди. Қадимги Халдияда шунақалар бўлган; баъзан бирор подачининг онгини қоплаб олган нодонлик тумани тарқайдида, унда авлиёнинг ақл-фаросати муҳайё бўлади-қолади.

Умуман олганда Жильят саводли оддийгина бир одам эди. Ёлғиз яшайдиган оддий одамларнинг ички дунёси мураккаб бўлади. Ёлғизлик изтиробга солади. Жильятнинг ақлини қамраган туманлик икки нарсадан, иккиси ҳам туманлиг-у, лекин хилма-хил бўлган нарсадан ташкил топганди. Жильятнинг ўзида жаҳолат ва ожизлик, атрофида — сир ва чексизлик мавжи.

Жильят қоялар орасида кезар, тик тепаликларга чиқар, об-ҳаво қандай бўлишидан қатъи назар, кеча-

кундуз архипелаг сувларида бемалол сузар, дуч келган ҳар қанақа қайиқни бошқара биларди. У қайиқлардан бирор маънафатни кўзлаб эмас, ажойиб денгизчиларга хос иштиёқ ва эрмак учунгина фойдаланарди.

Жильят туғма лоцман¹ эди. Денгиз тубининг ҳамма сирларини яхши биладиган денгизчигина чинакам лоцман бўла олади. Тўлқин—сиртқи тўсқинлик ҳисобланади, лекин денгиз туби рельефига қараб у мураккаблаша боради. Жильят Нормандия архипелаги сувларининг саёз жойларидан, денгиз ости қояларидан сузиб бораркан, гўё унинг миясига денгиз харитаси чизилганга ўхшарди. У денгизнинг ҳамма сир-асрорини яхши билар, ҳеч нарсадан қўрқмасди.

Жильят бакенларни уларда дам оладиган қушлардан ҳам яхшироқ биларди. У туман пайтларида ҳам тўрт катта бакен — Кре, Алиганда, Трема, Сардретталарнинг кўз илғамас белгиларини аниқ ажрата оларди. У бир қарашдаёқ Анфредаги тухумсимон учли устунни, Русседаги уч айрили найзани, Корбетдаги оқ шарни, Лонг-Пьердаги қора шарни пайқай оларди.

Денгиз ишларига у ўзининг моҳирлигини, айниқса Гернсейда ўтказилган «кемалар пойгаси» деб аталадиган денгиз мусобақаси пайтида намоён қилди. Вазифа шундан иборат эди: ҳеч кимнинг ёрдамисиз Сен-Сансондан тўрт елканли қайиқни Гернсейдан бир миля наридаги Эрм оролига олиб бориш, Эрмдан яна Сен-Сансонга қайтиб келиш керак.

Ҳар қандай балиқчи ҳам тўрт елканли қайиқни бемалол идора эта олади. Бу — биринчи қарашда тажрибали балиқчига унча қийин иш эмасдек кўринар, лекин қийинлиги шундан иборатки, кема эски бўлиб, ости ясси, қорни кенг, Роттердам услубида қурилган бунақа кемаларни денгизчилар ўтган асрда «Голланд қайиғи» деб атардилар.

Ҳозир ҳам қадимий таги ясси, қориндор, ўнг ва сўл бортларида икки ёғоч қаноти бор голланд кемаларидан намуналарни денгизда учратиш мумкин. Улар шамолга қараб навбат билан туширилади, бу кеманинг таг тўсини ўрнини босади. Иккинчидан, Эрмдан қайтиш осон эмас, чунки бўш бориб, тош юклаб қайтилади. Мусобақада

¹ Лоцман — денгиз ёки дарё кемаларига йўл кўрсатувчи мутахассис.

ютган кишига шу голланд қайиғининг ўзи мукофотга берилди. Илгарилари бу қайиқ лоцманга хизмат қиларди; ундан йигирма йил фойдаланган лоцман Ла-Маншнинг энг уста денгизчиси саналарди. Унинг вафотидан кейин қайиқни эплаб бошқарадиган одам қолмади, шунинг учун ҳам уни пойгада мукофот сифатида топширишга қарор қилгандилар. Қайиқ палубасиз бўлса ҳам кўпгина афзалликлари бор эди, уста денгизчига бўйсунарди. Мачта қайиқнинг тумшук қисмида бўлиб, елканларнинг тортиш кучини оширарди. Яна бир фазилати шу эдики, мачта қайиқдаги юкка ҳеч халақит бермасди. Қайиқнинг ости мустаҳкам, оғир, лекин кўп юк сиғадиган, очиқ денгизда бемалол сузса бўлаверадиган эди; нимасини айтасиз — ажойиб қайиқ! Унга эга бўлиш учун мусобақалашинишга арзирди. Мусобақа шартини оғир, лекин мукофоти чакки эмас. Оролда машҳур бўлган етти-саккиз забардаст балиқчи ҳозир бўлишди. Улар навбатма-навбат ўз кучларини синаб кўрдилар; бирортаси ҳам Эрмгача боролмади. Серк билан Брек-У ороллари ўртасида тез оқадиган оқимдан қаттиқ бўронда кесиб ўтиб шуҳрат қозонган биров мусобақадорларнинг энг кучлиси эди. Бу ерда эса у терга ботиб, қайиқни қайтариб олиб келаркан: «Ақлга сиғмайдиган иш!» — деб қўйди. Шундан кейин қайиққа Жильят сакраб чиқди; эшакни қўлига олиб, денгизга йўлланди. Жильят елканнинг пастки бурчаклари боғланадиган арқонларни боғламай, қўлида маҳкам тутиб, елканни бемалол идора этишга ишончи комил бўлган ҳолда, чап қўли билан қайиқнинг руль ричагидаги ушлади. Учу чорак соатда Эрмга етиб борди. Яна уч соатдан кейин эса, жанубдан кучли шамол эсаётганига қарамай, тош юкланган қайиқ Сен-Сансонга келиб етди. Жильят шўхлиги тутиб Эрмдан кичкина бронза тўпни ҳам юклаб олиб келди. Гай Фокс¹ вафот этганига қувонч аломати сифатида ҳар йили бешинчи ноябрда шу тўндан ўқ отишарди.

¹ Гай Фокс — Англияда уюштирилган «порохли фитна»нинг (1605) ташкилотчиларидан бири. Католиклар таъқиб остига олинган, норозилик сифатида уюштирилган. Фитначилар Лондондаги парламент биноси подвалига порох тўлатилган бочкаларни яширганлар, Иаков I ва лордларни ҳалокатга учратиш ниятида бўлганлар. Аmmo фитна фош этилган. Гай Фокс ва унинг шериклари қатл этилган.

Йўл-йўлакай шунини ҳам айтиб ўтайликки, Гай Фоксники юз олтмиш йил бундан муқаддам ўлган (эсдан чиқмаган бу қувончли воқеани қаранг).

Ортиқча юк юклаб ўзини бекорга чарчатган бўлса ҳам, ишқилиб, Жильят Сен-Сансонга етиб келди.

Буни кўрган Месс Летьерининг қувончи ичига сиймай, Жильятга: «Балли!» дея қўл чўзди.

Месс Летьерини кейинроқ таништирамиз.

Қайиқ Жильятга мукофотга берилди.

Бу воқеа ҳам Жильятга одамларнинг муносабатини ўзгартмади.

Кимдир биров, таажжубланидиган ери йўқ, у қизил дарахт бутогини ирим қилиб, қайиқнинг тагига ташлаганди, дебди. Лекин буни ким исботлай оларди?

Уша кундан бошлаб Жильят қайиқдан ажралмайдиган бўлиб қолди. Қайиқда у балиқ овлашга борарди. Қайиқни «Чеккадаги уй»нинг ёнгинасида, кичик қўлтиқчада сақларди. Кечқурун балиқ тўрини елкасига ташлаб боғи орқали юрар, тош иҳотадан сакраб ўтиб, қоя устидан чопиб бориб, қайиққа сакрарди-да, денгизга йўл оларди.

Жильят кўп балиқ тутарди, одамлар ҳамма вақт унинг қайиғи остида қизил дарахтнинг бутоғи бор дейишарди. Ҳеч ким уни ўз кўзи билан кўрмаган бўлса ҳам бу гапга ишонаверардилар.

Ортиқча балиқни ҳам ҳеч қачон сотмасди, бошқаларга улашиб берарди.

Қамбағаллар ундан балиқни олардилар-у, лекин барибир қизил дарахтнинг бутоғи туфайли унга ёмон кўз билан қарардилар. Бунақа қилиши яхши эмас-да. Денгизни авраб бўларканми!

Жильят фақат балиқчигина эмасди. У туғма лаёқати ва иштиёқи билан уч-тўрт ҳунарни: шурадгорликни, темирчиликни, аравасозликни, ёғоч уйларнинг ёриқларини бекитишни, ҳатто қисман механикликни ҳам яхши биларди. Филдиракларни ҳеч ким унчалик тузатолмасди. Балиқ тутишда ишлатиладиган асбобларни у ўз қўли билан ясарди. Қайиғининг биттагина лангари бўлиб иккинчисини «Чеккадаги уй»даги устахонасида, ўз қўли билан ясади. Яхшигина лангар чиқди; лангарнинг асоси жуда мустаҳкам бўлди, арқони ҳам қулай қилинди.

Сабр-матонат билан қайиғининг занглаб кетган ҳамма миҳларини алмаштирди, тешикларини бекитиб чиқди.

Шундай қилиб, қайиқ денгизда сузишга илгаригидан кўра қобилроқ бўлди, Жильят аҳён-аҳёнда Шузей ёки Каскэ сингари бўм-бўш оролчаларга боришни ўзинга одат қилиб олди, бу оролларда ойлаб ғойиб бўладиган бўлиб қолди. Одамлар: «Жильят кўринмай қолди», дейишарди-ю, лекин бундан ҳеч ким ташвишга тушмасди.

VII

ЖИНЛАР МАКОНИДА — СОҲИБ КАРОМАТ

Жильят ўтажетган хаёлпараст эди. Довюраклиги шу ваздан, шу ваздан журъатсиз ҳам эди. Олам тўғрисида унинг ўз тасаввурлари бор эди.

У қорахаёлдир, балки келгусини олдиндан кўрадиган қобилият бордир. Қорахаёл касали, айтайлик, қирол Генрих IV га қандай ёпишган бўлса, олдий бир одамга, масалан, Мартин деган бир деҳқонга ҳам шундай ёпишаверади-да. Баъзан ақл бовар қилмайдиган нарсалар инсон ақлига путур етказди. Хаёлини чирмаб олган зулмат қўққисдан тарқалади-да, кўринмай турган нарсалар намоён бўлади, кейин зулмат яна ўз ўрнини эгаллайди. Шунақа пайтларда бировлар бошқа шаклга кириб ҳам кўринаверадилар: туякаш Муҳаммад бўлиб кўринади, чўпон қиз Жанна д'Арк қиёфасида намоён бўлади. Ёлғизлик шунақа гангитади, довдиратади кишини.

Жильят олий ақл эгаси ҳам эмасди, жоҳил ҳам эмасди. Мулоҳазали бир ғиғит эди, холос.

Табиатга у бошқаларга нисбатан ўзгача кўз билан қарарди.

Тоза ва тиниқ денгиз сувда аллақанақа турли шакллардаги медузалар оиласига мансуб бўлган, сувдан олинганда юмшоқ биллурга ўхшаб қоладиган, ўз муқитида эса яна аслига қайтиб, деярли кўз илғамайдиган бўлиб қоладиган баҳайбат ва ғалати ҳайвонларни кўраркан, мулоҳаза юритиб, бунақа тиниқ ҳайвонлар сувда яшаркан, бошқалари ҳавода — осмонда ҳам яшай олишлари мумкин-ку, ахир, деб ўйларди. Қушлар ҳамма вақт ҳам осмонда учиб юришмайди, сувда ҳам, қуруқликда ҳам яшайдилар. Жильят осмон ҳам бўш эмас деб ўйларди. У: «Денгизда жониворлар беҳисоб-у, нега атмосфера бўш қолавераркан? Ҳаво рангида бўлган мавжудотлар бизнинг кўзимизга балки кўринмас; уларнинг

Йўқлигини ким исботлабди? Балки денгизнинг ўз балиқлари бўлганидек, осмоннинг ҳам ўз балиқлари бордир? Ҳам бизга, ҳам балиқларга ғамхўрлик қилиб худо осмон балиқларини тиниқ қилиб яратгандир; бу балиқлар ўз таналаридан нурни ўтказишлари туфайли соялари бўлмаса ажаб эмас. Шў сабабдан биз уларни кўрмаймиз, тутолмаймиз ҳам», деб ўйларди. Агар кўл сувини насос ёрдами билан чиқариб бўлганидай осмонни ҳам ҳаводан бўшатининг иложи бўлганида, кўп ажойиб-ғаройиб жониворларни тутиш мумкин бўларди, деб ўйларди. У яна: «Ушанда кўп нарсалар аниқланарди»,— деб қўшиб қўярди.

Бу пайтда ўй-фикрлар чалкашиб кетади, мияни туманлик қоплайди. Уйқуга ундайди. Рангсиз, тиниқ мавжудотлар яшайдиган ҳаво сирли оламнинг бошидирки, унда эҳтимоллик оламга дарвоза очилади. У ёқда эса бошқа мавжудотлар бор, бошқа кўринишлар бор. У ёқда ғайри-табиий ҳеч нарса йўқ, ниҳоясиз табиатнинг сирли давоми у. Жильят ўз фаоллиги билан жуда зийрак кузатувчи эди. Ҳатто тушни ҳам мушоҳида қилиб, текшириб юрарди у. Туш ҳам ақлдан ташқари ҳисобланадиган эҳтимоллик олами билан бизни яқинлаштиради. Туш кўришининг ўзи ғалати бир олам. Туннинг ўзи бир олам, ўн беш мил баландликка эга бўлган атмосфера инсон организмни кун бўйи эзади, кечга бориб ҳориб-чарчаган инсон йиқилади, уйқуга кетади; унинг кўзлари юмуқ, мудроқ босган мия эса бошқа бир оламни кўра бошлайди, уйқудаги инсон кўзи ўнгида у иамоён бўлади. Номаълум оламнинг кўринишлари ухлаётган кишига у алоқадор бўлгани учун ҳам тиниқ осмон туби унга яқинлашгандек бўлади; осмондаги кўринмас мавжудотлар бизга, ерда яшаётганларга қизиқсиниб тикилаётгандай бўлади; кечалари аллақандай соялар атрофимизда ўйноқлайди, алланималарни кўрамиз, улар дам пайдо бўлади, дам яна йўқолади, ўзимиз ҳам ана шу сирли оламда ўша ғалати кучлар, шарпалар билан бирга юрганга ўхшаймиз, уйқу билан ҳушёрлик чегарасида ётганлар — уйқудагиларга ажойиб махлуқлар, қизиқ ўсимликлар, ваҳимали нарсалар, руҳлар, ғаройиб қиёфалар, жодугарлар, кўп бошли аждарлар, кўланкалар, қоронғи осмонда ой нури — хуллас ҳар турли нарсалар кўриниш берадики, булар ҳаммаси тун ажойиботининг хилма-хил сирларидир, булар ҳаммаси осмонда мавжуд бўлган мавжу-

дотларнинг кўринишидир, тушуниб бўлмайдиган бу нарсаларнинг тушда муҳайё бўлиши биздан олис бўлган мавжудотнинг бизга яқинлашувидир. Туш — туннинг кўзгусидир.

Жильят шундай фикрда эди.

VIII

ГИЛЬД-ХОЛЬМ-УР КРЕСЛОСИ

Ҳозир Умэ кўрфазида Жильятнинг уйи, боги, у қайиғини сақлайдиган қўлтиқчани топиб бўлмайдн. «Чеккадаги уй» ҳозир йўқ. Гранитфурушлар уй турган ярим оролни чўкичлар билан парчалаб, бирин-кетин ташиб кетишган. У ҳозир пойтахтда бирор дарё қирғоғини безаб тургандир, черков ёки саройга ҳашам бўлгандир. Сув ости қояларининг сув бетига чиқиб турган қирралари ҳам аллақачонлар Лондонга ташиб кетилган.

Денгизга туташ, шамол ялайвериб эгри-бугри қилиб юборган қоялар жажжи тизма тоғларга ўхшайди; маҳаллий халқ уларни «банкалар» деб атайдн. Уларнинг қиёфалари хилма-хил. Юқоридан қараганда бири умуртқа суягига ўхшайди, баъзилари балиқнинг скелетини, бошқа бири лапанглаб сувга тушиб кетаётган тимсоҳни эслатади.

«Чеккадаги уй» турган жойнинг чеккаси катта қоя бўлиб, Умэда яшайдиган балиқчилар уни Ҳўкиз шохи деб атардилар. Бу қоя пирамидага ўхшар, гарчи кичик бўлса ҳамки, Жерсей чўққисини эслатиб турарди. Сув кўпайган пайтларда у оролдан ажралиб қоларди. Сув камайганда бўйин орқали унга ўтилса бўларди. Ҳўкиз шохида диққатни тортадиган нарса — қояда креслога ўхшаб туртиб чиққан жой бўлиб, у тўлқинлар билан шамолларнинг маҳсули эди. Бу кресло хосиятсиз эди. Бундан денгизнинг бутун кўрки яхши кўриниб турар, гернсейликлар айтгандек «томошани севадиганлар» бу жойдан кетолмас, нимадир уларни тутиб турарди; бу жойдан олис-олислар кишини мафтун этиб кўзга ташланарди. Кресло кенг; у равоқда тургандай; равоққа чиқиш осон, қояда равоқ ҳосил қилган денгиз тошлардан зинапоя ҳам ҳозирлаб қўйган; беҳад чуқурликлар ўзига чорлаб туради, ундан эҳтиёт бўлмоқ лозим; қоя чорлайди, одамлар унга кўтариладилар; унинг усти ясси; ўтирғичи тўлқинларнинг ялашидан ҳосил бўлган текис тошдан

пборат бўлиб тирсак қўйиладиган жойлари ҳам атайин ясалгандай; орқа суянчиги — гранит девор, бошни орқага ташлаб ўтиришга қулай; унга чиққанлар ҳамма нарсани унутиб қўймай иложлари йўқ; денгиз кўз ўнгингизда яққол намоён бўлади, кемаларнинг олислардан яқинлашаётгани, қаёққадир жетаётгани, Каскэ оролидан ўтган елканли кеманинг уфқда гоиниб бўлиши кўзга ташланиб туради. Одамлар тикилиб завқланади, кайф қилишади; тўлқинлар ва шабада дилни қитқилайди. Кайеннада катта кўршапалаклар ини бор, бу кўршапалаклар зулмат ичида қанот қоқадн; шамол ҳам кўз илғамайдиган кўршапалакларга ўхшайди, ё ҳалокатга учратади ёки беҳуш қилади. Денгизга мафгун бўлиб, шамолнинг аста шивирлашига қулоқ бериб, ўзингни унутиб қўясан. Кўркем манзаралардан баҳра олиб мишжаларингни юмдингни — тамом, ҳузур қилиб уйқуга кетасан. Уйқудан кўзингни очсанг, қарабсангни, кечикиб қолибсан: сув кўтарилибди, қоянинг чор атрофи сув.

Ҳалокат ваҳимаси босади.

Ҳужум қилаётган денгизнинг даҳшати зўр.

Дастлаб сув секин-секин кўтарила боради, кейинроқ шиддатли тус олади. Мана, сув қоя атрофида тўлқинланиб кўпирмоқда. Бундай пайтларда қуруқликка сузиб чиқа олиш ҳаммага ҳам муяссар бўлавермайди. Ҳатто энг уста сузувчилар ҳам «Чеккадаги уй» ёнидаги Ҳўкиз шоҳида фарқ бўлганлар.

Баъзи жойларда, баъзан денгизга маҳлиё бўлиш — чиройли хотиннинг мафгуни бўлиб қолишдек жонга офат бўлади.

Қадимий гернсейликлар тўлқинлар креслога ўхшатиб йўнган қояни Гильд-Хольм-Ур креслоси ёки *Кидормюр* деб атаганлар. Бу кельтча сўз дейишади, лекин кельт тили мутахассислари ҳам буни тушунмайдилар, аммо француз тили мутахассислари билишади. Qui — dort — meurt — ухладинг — ўлдинг. Деҳқонлар шундай изоҳлашади.

1819 йилда, агар янглишмасам, «Арморикен» журна-лида муҳтарам кельтолог Атенас жаноблари эса Гильд-Хольм-Урни «Ўткинчи қушлар қўнарғаси», деб изоҳлайди. Ишқилиб, бу икки изоҳдан бири; кимга қайсиси маъқул бўлса, ўшани таплайверади.

Орини оролида ҳам Монах креслоси деб аталадиган шунақа бир жой бор; креслога чиқинш йўли жуда қулай.

Гўё денгизнинг ўзи гамхўрлик қилиб, оёгингиз тагига скамейка қўйиб қўйганга ўхшайди.

Сув кўтарилши ниҳоясига етганда Гильд-Хольм-Ур креслоси сув остида қолиб бутунлай кўздан йўқолади.

Бу кресло «Чеккадаги уй»нинг ёнгинасида эди. Жильят унинг кирдикорларини яхши биларди. У ерга дам олиб келиш учун тез-тез бориб турарди. Балки мушоҳида юритиш учун борар. Йўқ. Биз уни юқорида хаёлпараст дегандик. Аммо сув уни ҳеч қачон ғафлатда қолдира олмаган.

Иккинчи китоб
МЕСС ЛЕТЬЕРИ

I

ЖУШҚИН ҲАЕТ ВА ХОТИРЖАМ КУНГИЛ

Сен-Сансонда машҳур бўлган месс Летьери тажрибакор денгизчи эди. Унинг қўлидан келмайдиган иш йўқ. У юнга, елкан устаси, марс майдончасида кузатувчи, руль бошқарувчи, боцман-мат, боцман, лоцман, капитан бўлиб ишлаган. Ҳозир у кема хўжайини. Денгизни у билмай, ким билсин. Кема ҳалокатга учраётган пайтларида одамларни қутқара туриб, қўрқиш нималигини сира билмаган у. Ҳаво ёмон бўлган пайтларда қумлоқ қирғоқларда кезиб, денгизга кўз тикар: «Ана у ёқда нима гап? Биров бахтсизликка учраганга ўхшайди», — деб ёрдамга шошиларди. Ҳалокатга учраган қайиқ веймутлик балиқчининг қайиғими, Ориньи оролидан денгизга чиққан елканли кемами, курселлик бирор кимсанинг қайиғими ёки бирор лорднинг яхтасими, эгаси французми, инглизми, камбағалми, бойми, ишқилиб, ҳатто иблис бўлса ҳам унга барибир, Летьери қайиғига сакраб чиқарди-да, икки-уч довуражни ёнига олиб, баъзан якка ўзи бўлса ҳам, ёрдамга отланарди; қайнаб кўпираётган тўлқинларни кесиб, гоҳ кўтарилиб, гоҳ пастга тушиб, фалокат юз берган жойга шошиларди. Қаттиқ жалада ҳам, яшин чақнаганда ҳам, дўл ёққанда ҳам, кучли шамолда ҳам, Летьери тўлқинлар орасида чайқалиб, олис-олисларда ҳалокатга учраганларга ёрдам қўлини чўзиш учун шошиларди. У ҳатто, кун бўйи уларни ва юкларни қутқазиб билан овора бўларди. Кечқурун уйига қайтгач пайпоқ тўқишга киришарди.

Эллик йил умри — ўн ёшидан олтмиш ёшига қадар, шу тарзда ўтди. Олтмиш ёшида Варкленнинг темирчиҳо-

пасидаги сандонни энди бир қўли билан кўтаролмаслигини пайқади, бу сандон уч юз фунт келарди. Летьери бод касалига мубтало бўлиб қолди. Денгиздан воз кечишга тўғри келди. У қаҳрамонлик ёшидан ўтиб, кексалikka қадам қўйганди. У энди оддийгина бир чол бўлиб қолганди.

Бод билан бирга бошига давлат қуши қўнганди. Бу меҳнат мөвалари бир-бири билан иноқ. Бойиб улгурмасиданоқ қарабсанки, кексалик ҳам келиб қолибди. Ҳаёт шунақа.

Одамлар эса: «Яйраб яшайдиган пайт келади»,— деб юрадилар.

Гернсейга ўхшаган оролларда ҳамма вақт ер ҳайдаб омон кетидан юриб ёки оламини кезиб умр ўтказган кишилар яшайди. Бу икки тоифа ҳам қўшчилардир, бировлари ерни ҳайдаган бўлсалар, иккинчилари — денгизни. Месс Летьери иккинчи тоифага мансуб. Лекин у деҳқончиликни ҳам билади. Бутун умри меҳнат билан ўтган-да. У бутун қитъани кезиб чиққан, у Рошфорда, кейинроқ Сетта кемасозлик корхоналарида дурадгорлик қилган. Ҳозиргина биз уни бутун дунёни кезиб чиққан киши дебимиз; Летьери дурадгор устанинг шогирди бўлиб Францияни кезиб чиққан. Франш-Конта туз конларида ишлаган. У ўз умрини саргузашт қидирувчиларга ўхшаб ўтказган. Францияда у ўқишга, мушоҳида юритишга, умид қилишга ўрганган. У дунёнинг аччиқ-чучугини татиغان, ўз виждонини омон сақлаган. У қалби билан денгизчи эди. Сув унинг ўз мулки эди. У: «Балиқларим сероб», дерди. Икки-уч йилни мустасно қилганда, бутун умрини океанга бағишлаганди, ўзи айтгандай «умрни сувга сарфлаганди». У улуғ денгизларда, Атлантик ва Тинч океанларида сузган, лекин ҳамма сувлардан Ламанши афзал биларди. У фахр билан: «Чинакам ваҳимали денгиз шу!»— дерди. У шу ерда туғилган, шу ерда ўлиш ниятида. Олам бўйлаб икки марта айланиб чиққач, Гернсейга қайтган, ниҳоят шу ерда турғун бўлиб қолганди. Энди у баъзан Гранвиль билан Сен-Малоганин саёҳат қилиб турарди.

Месс Летьери ҳам гернсейлик, ҳам нормандиялик, ҳам англиз, ҳам француз эди. Унинг тўртта ватани бор деса ҳам бўлади, лекин унга асосий ватан океан бўлди. Умр бўйи, қаерга бормасин у норманд балиқчиларининг урф-одатига содиқ қолди.

Унинг бу сифати китоб варақлаб, ором олишига, файласуфлар ва шоирлар билан танишишига, турли тилларда гап сотишига халақит бермади.

II

ЛЕТЬЕРИНИНГ ИШҚИ

Жилъят одамови эди. Летъери ҳам одамови эди-ю, лекин у сал бошқачароқ.

Летъери ўзининг нозик, ўткир диди билан фарқ қиларди. Бу ёввойини аёлларнинг қўли қизиқтирарди. Ёшлигида, ҳатто вояга етган ўспиринлик пайтларида ярим юнга, ярим матрос бўлган Летъери балъи Сюффреннинг: «Яхшигина қиз экан-у, лекин, жин урсин, қўллари беўхшовроқ экан-да!» деганини эшитиб қолганди. Адмирал бирон сўз айтдим, қандай шароитда бўлишидан қатъи назар буйруқдир. Итоат қилиш ҳақидаги кўрсатма бошлиқни хато қилмайдиган, янглишмас киши қилиб кўрсатади. Балъи Сюффреннинг ҳалиги гапи Летъерини аёлларнинг оқ қўлларига эътибор билан қарайдиган қилиб қўйди. Унинг ўз қўллари эса куракдек, гишт ранг бўлиб, оғирлиги гурзидек, майинлиги амбурдек эди. Бир мушт уриб чағиртошни майдалаб юборарди.

Истамадим, дидига мосини тополмадим, ишқилиб, у уйланмади. Балки бирор герцогинянинг қўлини умид қилиб умрини ўтказгандир. Портбайль балиқчи аёллари орасида қўли чиройлисини топиб бўлмасди.

Айтишларича, Рошфорда, Шарантеда у дидига ёқадиган қўллари оппоққина бир гўзал қизни учратган экан. Лекин у фиқ-фасодчи, тиндалоғич қиз экан. Унинг бежирим тирноқлари жераж пайтда наштарга ҳам айланар, ҳеч нарсадан қўрқмас экан. Қизнинг чиройли тирноқлари Летъерини мафтун қилибди, лекин бир кунмас бир кун бошимга бало бўлади бу деб ташвишга тушиб қолибди-да, ундан узоқлашишни маъқул кўрибди.

Ориньда бир қиз унга ёқиб қолди. Уйланмоқчи бўлиб турганди: «Табриклаймиз, яхшигина таппичи. қаллиқ топибсиз», деб қолишди. У бу гапни очиқроқ айтишларини сўради. Ориньда таппи ёпишнинг махсус усули бор. Улар таппини «зоғора» дейишади. Ориньда йигитлар қаллиқ танлаганларида қизларнинг таппи ёпиш санъати-га қарайдилар. Лекин ўз қаллиғининг бу қобилияти Летъерининг таъбини хира қилди—ундан ҳам воз кечди.

Умуман, муҳаббат ҳақида, муҳаббат саргузаштлари ҳақида унинг деҳқонларга хос галати фалсафаси, ҳамма вақт севган ва севги ипларидан доим халос бўлган матросларга хос ўз қараши бор эди. Ёшлик пайтимда «котильонлар»га ўлгудек ишқибоз эдим, деб мақтанарди. «Котильон»ни «юбка» деб аташади, «юбка» албатта «хотин» дегани.

Нормандия архипелагининг денгизчилари қўнол, тарбия кўрмаган бўлса ҳам, идрокли бўладилар. Ҳаммалари саводли, ўқишни яхши кўрадилар. Якшанба кунлари саккиз яшар юнга болаларнинг тўп-тўп арқонлар устига ўтириб олиб житоб ўқиётганини кўрасиз. Нормандия денгизчилари ҳазилкашликлари билан, сўзамолликлари билан ном чиқарганлар. Довюрак лоцман Керипель, масалан, Генрих II ни тасодифан найза санчиб ўлдириб қўйган, кейин Жерсейга келиб яширинган Монгомери¹ тўғрисида: «Калласиз калласи пучни ўлдириб қўйибди», деган. Сен-бреладалик капитан Тузо эса: «ўлганларидан кейин поплар — попок, яъни тўтига, цезарлар — цесарок, яъни тустовуққа айланади», деган.

III

ҚАДИМИЙ ДЕНГИЗЧИЛАР ТИЛИ

Нормандия архипелагининг денгизчилари қадимий галлар авлодидандир. Ороллар ҳозир бутунлай инглизлашиб кетяпти, лекин бу ерларда қадимий анъаналар узоқ сақланиб келяпти. Серк деҳқони Людовик XIV даври тилида гапиради.

Бундан қирқ йил муқаддам Жерсей ва Ориньи матрослари классик денгиз диалектида сўзлашардилар. Улар билан гаплашаётган киши ўзини ўн еттинчи аср денгизчилари орасида ҳис қиларди.

Бир пайтлар адмирал Хидди ваҳимага солган Жан-Барнинг² карнайидан янграган қадимий денгиз ясама тилини ўрганмоқчи бўлган тилшунос шу ерга келиши

¹ Монгомери — француз дворяни. Француз қироли Генрих II ни рицарлар турнирида бехосдан кўзидан яралантириб қўйган. 1559.

² Жан Бар (1650—1702)— балиқчининг ўғли, денгизчи. Ижтимоий чиққиши туфайли офицерлик унвони ололмай, денгиз қароқчиси бўлган, жасурлиги билан шухрат қозонган. Англия билан урушда француз қироли Людовик XIV уни эскадра командири қилиб тайинлаган.

керак. Аждодларимизнинг ҳозирги тараққиёт тақозоси билан истеъмолдан чиқиб кетган денгизча сўзлари Гернсейда йигирманчи йилларда ҳам ишлатиларди. Ёндан шамол эсаётганда яхши суза оладиган кемаларни ўша пайтларда «яхши асбоб» деб атардилар; «лангар-сизлаш» — «лангар ташлаш» маъносини англатарди; ўзидан ўзи шамолга қараб ўгириладиган кемани «ранк» дейишар, ўнг лангарни «плехт», чап лангарни «дагликс» деб аташарди. «Кема ўтиб кетди» дейиш ўрнига: «Елкан пилдираб кетди» дердилар; «тишлат» деганлари — «лангар ташлаб тўхтат» маъносини билдирарди. «Мютам» деганлари кемадаги ифлосликни, тартибсизликни англатарди. Ҳозир бунақа гапирмайдилар. Елканли кемада дам у ёнга, дам бу ёнга бурилиб шамолга қарши юрдик маъносини ифодалаш учун «шамол кесдик» дердилар. Ҳозир: «Бурундан айланиб ўт» дейдилар, илгари: «бурундан айлан», деганлар.

Ҳозир «галфвинд»¹ дейдилар, у пайтларда «кўнда-ланг ел» дердилар; «вахта» дейдилар, илгари «навбатчи қоровул» деганлар; «Шамолга олиб чиқиш» дейдилар, «еллатиш» деганлар; «Топенант»ни «тобенант», «крамбол»ни «Крамбола» деб талаффуз қилардилар; «жимирлаб турибди» демай, «титраяпти», «сув остидаги тош» дейиш ўрнига «ост тош» дердилар.

Ўша пайтларда Жерсей лоцманининг гапини тингласа «Анго²нинг ҳам кўнгли юмшаган бўларди. Ҳамма жойда елкан «ҳилпилласа», Ла-Манш оролларида «жилва қилади», ҳамма жойда тўлқинлар кўпикланадилар; Ла-Маншда эса «марваридлар ҳосил қиладилар» ва ҳоказо.

Лекин баъзи фармойишлар ҳамон қадимийча: «Чапга бур!» «Ўнгга бур!» дейиш ўрнига: «Рулни чапга ташла!» «Рулни ўнгга ташла!» дейишади. Ҳар бир орол матросларининг ўзларига хос лаҳжалари ҳам бор. Сен-Малода «топтимберс» деб аталадиган нарсани — Сент Эльеда «эшак қулоқ» деб аташади. Месс Летъери герцог

¹ Г а л ф в и н д — кема сузиб бораётганда унинг йўлига тикка уриладиган шамол.

² Ж а н А н г о (1551 йилда ўлган) — қуролфуруш бой савдогар. Дъеппада яшаган, ўз ҳисобидан Португалияга қарши денгиз походи уюштирган. Инглиз кемаларига қарши ҳам урушган, бунинг эвазига қирол Франциск I уни шаҳар ҳокими қилиб тайинлаган.

Вивонокийга ўхшаб, палубанинг букик линиясини «буклама», кема ёриқ-тешикларини бекитувчининг болгачасини «муштум» деб атарди. Рюинтерни тор-мор қилган Дюкен, Васнерни тор-мор қилган Дюге-Труэн, 1681 йилда галера¹ни кундуз куни лангар ташлатиб, Жазонрни ўққа тутган Турвиль ана шу лаҳжада гаплашганлар. Ҳозир бу тилда ҳеч ким сўзлашмайди. Бизнинг давримизда денгиз лаҳжаси бошқача. Дюпере Сюффреннинг тилига тушунмаган бўларди.

Денгиз сигналлари ҳам жуда ўзгариб кетди; Лабурдоне² яшаган замондаги тўрт рангли — қизил, оқ, кўк ва сариқ рангли фонарлар энди йўқ, ҳозир сигнал берадиган ўн саккиз байроқ иккиталаб, учталаб, тўртталаб, ҳилпираб олисларга сузадиган кемаларнинг ўзаро алоқа боғлаши учун хизмат қилади, етмиш минг сўз бирикмасини ифодалайди, янглиштирмайди, фонарлар тушунтиролмайдиган гапларни тушунтиради.

IV

ИШҚИ ИНСОННИНГ БИР ЗАИФ ТОМОНИ

Месс Летьерининг қалби кафтда тургандек оппа-ойдин эди; юраги улкан, кафти кенг: ўзига хос ажойиб сифати — ишонувчанлиги — унинг нуқсони ҳисобланарди. Бирор мажбурият олса, буни қунт билан адо этарди: «Худо ҳақи сўз бераман», дерди-ю, мажбуриятини ҳалоллик билан ниҳоясига етказарди. Худога ишонарди, унинг эътиқоди шу билан чегараланган эди. Одоб юзасидангина черковга борарди. Денгизда у иримчи эди.

Аммо об-ҳавонинг ҳар қанақа ёмонлиги иродасини буколмасди — уни йўлдан қайтаролмасди, хоҳишига қарши ҳар қанақа эътирозга тоқатсиз эди. Ҳаётда ҳеч кимга бўш келмаганидек, океанга ҳам бўш келмасди у: итоаткорликни талаб қиларди; гўё денгиз ҳам унга бўйсунishi шарт эди. Летьери айтганидан сира қайтмайдиган одам эди: қўшниси ўчакишиб ундан барака топмаганидек, тик тўлқинлар ҳам уни чўчитолмасди. Унинг сўзи — қонун, истагининг амалга ошиши шарт. Ҳеч қа-

¹ Дюкен, Дюге-Труэн, Турвиль, Лабурдоне — XVII ва XVIII аср бошларида яшаган француз денгизчилари. Улар инглиз, голланд флотлари ва денгиз қароқчилари билан жангларда шуҳрат қозонганлар.

² Виктор-Ги Дюпере (1775—1846) — адмирал; де Сен-Тропес Пьер-Андре Сюффрен (1726—1788) — иккаласи ҳам Франциянинг машҳур денгизчилари.

нақа қаршилик, ҳеч қанақа бўрон уни ўз муддаосидан воз кечтиролмасди. Инсон лаҳжасида ҳам, табиат даҳшатларида ҳам «йўқ» деган сўзни тан олмасди у. Айтгани—айтган, дегани—деган. Унинг вужуди эътирозга эътироз билан тўлиб-тошганди. Ҳаётда ўжарлиги, океанда жасурлиги худди мана шундан.

Ўзи ҳузур қилиб балиқ шўрва пиширар, меъёрида қалампир, туз, илдизли кўкатлардан солар, овқат пишириш унга таяёр овқатни еишдан кўпроқ роҳат бағишларди. Сюртукда бёўшшов, матрос курткасида таниб бўлмайдиган қиёфага кириб қолган одамни тасаввур этиб кўринг, шамол сочларини түзғитганда у Жан Барга, шляпа кийганида эса Жокрисга¹ ўхшаб кетарди; шаҳарда қовушмайдиган, денгизда шиддатли, жасур қиёфага кирарди у; бақувват юк ташувчини — ҳатто камдан-кам рўй берадиган ашаддий дарғазаб пайтларда ҳам сўкинмайдиган, ёқимли, майини, рупор² орқали гапирганда эса момақалдироқдек гулдираб эшитиладиган одамни кўз олдингизга келтиринг; «Энциклопедия» ўқиётган деҳқонни, революция гувоҳи бўлган гернсейликни, кўп нарсадан хабардор жоҳилни, жуда муқкасидан кетган—ўтакетган художўй бўлмаса ҳамки, хурофотга ишонадиган, Бибимарямдан кўра алвастига кўпроқ ишончи бўлган одамни тасаввур этиб кўринг; Полифемнинг³ кучини, Колумбнинг продасини, бесубут одамдаги мантиқни, қиёфаси ҳам буқадек, ҳам болаларга хос аллақандай аломатлари бўлган, бурни кўтарилган, серажин, бирорта ҳам тиши тушмаган, луижлари сергўшт, қирқ йил мобайнида оламдаги хилма-хил шамоллар ва денгиз тўлқинларининг ҳаловатини татиغان, бадани денгиз қояларининг рангига ўхшаб шамол ва офтобда қорайган бир кишини, биз тавсиф этган ана шу кескин қиёфасини самимий ва меҳрибон қарашлари ёритиб турадиган кимсани тасаввур этсангиз, месс Летьерини кўргандек бўласиз.

Летьери икки нарсага қаттиқ меҳр қўйган эди: бири — Дюранда, иккинчиси — Дерюшетта.

¹ Ж о к р и с — Қадимий француз фольклорида соддадил киши образи, ҳаммага ишонавереди, атрофидагилар уни калана қиладилар, аҳмоқ қиладилар.

² Р у п о р — овозни кучайтириб берадиган карнай.

³ П о л и ф е м — қадимги юнон мифологиясида пешонасида битта кўзи бўлган бəҳайбаг дев; Гомернинг «Одиссея» асарининг персонажларидан.

Учинчи китоб

ДИОРАНДА ВА ДЕРЮШЕТТА

I

ТУТИҚУШ БИЛАН ТУТУН

Инсоннинг қиёфаси алдамчи бир нарса. Қиёфамиз ички дунёмизни яширади. Ичимизда мавжуд бўлган нур ёки зулматни бекитиб туради у. Мазмунимиз — жонимизда. Умуман чеҳрамиз ниқоб. Чинакам инсон ана шу ниқобнинг ичида бўлади. Тан деб аталадиган нарса ичида чинакам бирор инсон топилиб қолса, бу фавқулодда катта бир воқеадир. Одамзод кишининг қиёфасига қараб, унинг чинакам қиёфасини пайқай олмай, нуқул янглишгани-янглишган. Баъзи қизларнинг чинакам қиёфасини кўрсак, уларнинг бир қушдек гап ажанини билган бўлардик.

Қиз қиёфасидаги тўтиқуш қандай гўзал! Фараз қилинганки, у сизнинг уйингизда яшайди. Унинг оти Дерюшетта. Беҳад чиройли! Унга: «Салом, эй гўзал қушча!» — дегинг келади. Қапотлари кўринмайди-ю, бижирлаб чулдираётганини эшитасан. Унинг чуғур-чуғури ашула бўлиб киради қулоққа. У гапираётганда ундан ўзингни устун ҳис этасан; куйлаётганида эса унинг устунлигини ҳис қиласан. Унинг қўшиғида аллақандай сەҳр бор; қиз қиёфасидаги фаришта у. Қиз хотин бўлганида фариштаси учиб кетади; болали бўлганида эса фариштаси яна қайтиб келади. Қиз хотин бўлса ҳамки, то она бўлмагунча болалигича қолаверади. Қиз жажжи қизалоқлигида қандай бўлса, шундайлигига қайтади. Унга қараб: «Учиб кетмаяпти, қандай яхши қуш!» дейсан киши. Қўлга ўрғатилган чиройли қушча уйда шохдан-шоҳга учади, уйдан-уйга ўтади, гоҳ яқинингда, гоҳ узоқроқда сакраб-сакраб

юради, гоҳ гоїиб бўлади, гоҳ пайдо бўлиб қолади — панини — сочини тарайди, ёқимли юриши, майин товуши аллалайди кишини; кийимларининг майин шилдираши ҳам ёқимтой. Нималарнидир сўрайди, жавоб қайтара-сан; сўрайсан — билбулигўёдек чулдираб жавоб қайта-ради. У билан гаплашмайсан, гап сотасан. Гап сотиш эса дам олишдир. Аллақандай илоҳийлик бор унда. У ёрқин бир фикр бўлиб сизнинг қора фикрларингиз билан қўшилишиб кетади.

Унинг ҳавойилиги, шитоби, беқарорлиги, тутқич бермаслиги мафтун этади, агар истаса кўзга кўринмай учиб кетиши ҳам мумкинлигини, аммо раҳмдиллигидан бундай қилмаётганини пайқаб, ундан мишнатдорлигингизни изҳор қилгингиз келади. Ҳаётда гўзалликка эҳтиёж зўр. Мафтун этишдан кўра муҳимроқ бурч бўлмаса керак. Қушларсиз ўрмон завқ-шавқсиз бўларди. Завқ бағиш-лаш, бахт ҳадя қилиш, зулматда нур таратиш, зарҳал бўлиб ярқираш, чирой бўлиш, назокатлилиқ, ёқимтой-лик — яхшилиқдир, саховатлилиқдир. Менингча, гўзал-ликдан олинадиган манфаат унинг гўзаллигидир. Гўзал қиз ҳаммани мафтун қила оладиган сеҳрли кучга эга бўлади; баъзан буни гўзалнинг ўзи пайқамай-ди, бундай пайтда эса унинг мафтун қилиш қудрати яна-да зиёдроқ бўлади; унинг висоли дилингизни равшан қилади, сиз томон қўйган пойқадами қалбингизни исита-ди; яқинингиздан ўтиб кетса ҳам — мамнунсиз; бирзум тўхтайди — ўзингизни бахтиёр ҳис этасиз: уни кўриш — ҳаёт лаззати; гўзал қиз — инсон қиёфасидаги тонг нури; унинг вазифаси — яшаш, муҳайёлик, шунинг ўзи кифоя; унинг висоли уйингизни бу дунёнинг жаннатига айланти-ради, қувонч бахш этади, лекин буларни ўзи сезмайди. Унинг кулгиси ҳар кимни қайғу юкидан халос этади — нега кулишини ким билибди дейсиз; бунга қўшилмасизми-қўшилмайсизми, барибир, унда нафис бир гўзаллик бор. Дерюшетта шунақа куларди. Эътироф этайлик: Дерю-шеттанинг ўзи шунақа кулгининг тимсоли эди. Кўнгли-мизни чеҳрамыздан ҳам яхшироқ ифода этадиган нарса бор — бу юзимиздаги ифода; юзимиздаги ифодалар ичида кўнглимизни очиқ кўрсатадиган нарса — кулги-миздир. Кулаётган пайтида чинакам Дерюшетта намоён бўларди.

Гернсёйликлар ва жерсёйликлар киши қалбини мафтун қилишга қобил халқ. Аёллар, хусусан қизлар, табии

латофаги, гўзаллиги билан кўзга ташланади. Саксонияликларнинг оқлиги нормандияликларга хос ранги тозаллик билан уйғунлашган. Юзлари қирмизи, кўзлари кўк. Лекин кўзлари чақнамайди. Инглизча тарбия кўзларидаги ўтни сўндирган. Парижлик аёлларга хос нигоҳи бўлганида бу кўркем кўзлар янада жозибалироқ бўлган бўларди. Ҳайриятки, Париж ороликларга ҳали ўз таъсирини ўтказолганича йўқ. Дерюшетта парижлик ҳам эмасди, гернсейлик ҳам. У Сен-Пьер портида туғилган, месс Летъери уни тарбиялаганди. Летъери уни кишини маҳлиё қила оладиган бир дилбар қилиб етиштириш ниятида эди, шундай қила олди.

Дерюшеттанинг бепарво нигоҳида ҳеч қанақа маънони ифодаламайдиган соф шўхлик бор эди. «Муҳаббат» сўзи нималигини билмаган ҳолда у кишини ўзига маҳлиё қилиб қўярди. Эрга тегиш қанақа бўлиши унинг хаёлига келмаганди ҳали. Кунларнинг бирида Сен-Сансонда ўрнашиб қолган машҳур бир муҳожир чол унинг тўғрисида: «Улгудек танноз экан бу қиз»,— деганди.

Дерюшеттанинг қўллари оламда тенги йўқ даражада чиройли, оёқлари ҳам шунақа эди. Унинг бутун қиёфасида самимийлик ва мулойимлик гавдаланиб турарди; ота-онаси, оиласи ҳам, бойлиги ҳам — месс Летъери эди, меҳнати — тўкин-сочинликда яйраб яшаш, таланти — бир неча ашула, маълумоти — гўзаллиги, ақли — бегуноҳлиги, қалби — гафлат уйқусидан иборат эди; гоҳ икки ирқдан туғилган боладай ёқимтой, гоҳ енгилтак ва ўйноқи, гоҳ болалардек қувноқ ва шўх, гоҳ ўйчан ва хафагазак; герисейлик сатанг қизларга тақлид қилиб чиройли ранг-баранг кийинар, гул қадалган шляпа йил бўйи бошидан тушмасди; сочлари қўнғир, пешонаси ярқироқ, бўйни кишининг завқини келтирадиган бежирим, ёзда сал сепкил тушадиган бадани сутдек олпоқ, дўмбоққина оличадек таранг лабларида жозибали ва киши ақлини олувчи кулги. Хуллас, Дерюшетта шунақа қиз эди.

Баъзан оқшом чоғлари, денгизга тун чўка бошлаб, борлиқни зулмат чулғаб, даҳшатли тус олаётган тўлқинлар орасида Сен-Сансон гаванига қараб нимадир балойи-қазодек тебраниб, девлардек ҳуштак чалиб, бўкириб, вулқондан олов чиқаётгандек мўрисида тутун бурқсатиб, атрофга ўт пуркаб шаҳар сари илгарилаб келаварарди. Дюранда ана шунақа эди.

УТОПИЯНИНГ ТАРИХИ

Ла-Манш сувларида 182... йилда буғ билан юради-ган кеманинг пайдо бўлишини янгиликкина эмас, бир мўъжиза деб ҳисоблагандилар. Нормандия ороллари аҳолиси узоқ вақтларгача ҳангу манг бўлиб қолди. Ҳозир эса ўн-ўн иккита пароход турли томонларга сузиб ўтаётган бўлса ҳам уларга ҳеч ким қайрилиб қараб ўтирмайдн; тутуннинг рангига қараб пароходда қанақа кўмир ёқиляётганини ажратиб бера оладиган кишининггина диққатини бир нафасгагина тортиши мумкин улар. Истаганча сузаверишсин. Сузиб келишса — саломлашамиз, сузиб кетишса — оқ йўл тилаймиз.

Асримизнинг биринчи чорагида одамлар пароходларга бошқача кўз билан қарагандилар; айниқса Ла-Манш халқи тутун бурқсатиб сузиб бораётган машиналарга катта шубҳа билан қарардилар. Архипелагнинг сипо кишилари муқаддас китобларнинг ўғитларига зид равишда пароходларга руҳсат бергани учун Англия қироличасини сўкардилар. Илгари католик, кейин кальвинчи бўлган, лекин ҳамма вақт хурофотчилнгича қолган кишиларга пароход сувдаги дўзах бўлиб кўринганди. Дин ваъзхонларидан бири: «Одамзоднинг сувни олов билан ишлашга мажбур қилаётгани қандоғ бўлди? Ахир худо сув билан оловни бир-биридан ажратган-ку. Бу олов билан нафас оладиган баҳайбат темир махлуқ Левиафанга¹ ўхшамайдими? Хаосга² томон бормаяпмизмикин?» деган. Тараққиёт ютуқлари кўп марта хаосга томон чекиниш деб қаралди.

Наполеон Фанлар академиясидан буғ билан юради-ган кема ҳақида сўраганда: «Бемаъни нарса, қўпол янгилишиш, бўлмайдиган гап», деб жавоб бергандилар; Сен-Сансон балиқчиларини кечириш мумкин, чунки улар Париж олимлари билан бир савияда эдилар; дин соҳасида Гернсей сингари кичик бир орол Америкага ўхшаган йирик материк билан маърифатда тенгдош бўлиши мумкин эмас албатта. 1807 йилда Уатт машинаси ўрна-

¹ Левиафан — тавротдаги афсонага кўра денгизда яшайдиган афсонавий махлуқ.

² Хаос — қадимги грек мифологияси ва философиясида — туман ва қоронғилик билан тўлган тубсиз чуқурлик, гўё дунё барпо бўлишига қадар давом этган эмиш.

тилган Фультоннинг Англиядан юборилган биринчи пароходи экипажидан ташқари бортида икки пассажир — француз Андре Мишо ва яна аллаким билан биргаликда Нью-Йоркдан Албанияга борди, унга Ливингстон¹ бошчилик қилди. Кема ўн еттинчи августда манзилга етди. Методистлар шу муносабат билан дод-фарёд кўтардилар, барча протестант черковларида руҳонийлар буг машинасини лаънатладилар. Америкада пароходни охир замон махлуқига ўхшатадилар, Европада эса пароход Муқаддас тарихдаги махлуққа ўхшатилади. Фарқи шу, холос.

Олимлар пароход ҳақидаги фикрларни амалга ошириб бўлмайдиган бўлмагур гап деб рад қилдилар; руҳонийлар эса ўз навбатида, уни нопок нарса ҳисоблашди. Фан рад қилди, черков лаънатлади. Фультонни Люциферга ўхшатдилар. Оддий халқ — деҳқонлар ва денгизчилар эса янгилекдан гангиган ҳолда қораловчиларнинг фикрига қўшилмай иложлари йўқ эди. Мана черковнинг фикри: «Сув билан оловни худо бир-бировидан ажратган. Худо нимани ажратган бўлса, қўшмаслик керак; худо нимани қўшган бўлса, уни ажратишга уринмаслик керак». Оддий фуқаро эса: «Қарагани қўрқасан киши», — деган фикрда эди.

Уша замонларда Герисей билан Сен-Мало ўртасида қатнаб турадиган пароходнинг хўжайини бўлиш, бу ишга журъат этиш учун Летьерининг қалби сингари улкан қалбга эга бўлиш керак эди. Эркин фикрли дойурак денгизчи бўлган Летьеригина бу ишни қила олиши ва ўз муддаосини амалга ошириши мумкин эди. Унинг жисмидаги француз шундай фикрга келганди; унинг жисмидаги инглиз бу фикрни амалга оширганди.

Қандай қилиб? Ҳозир шу ҳақда ҳикоя қиламиз.

III

РАНТЕН

Биз ҳикоя қилаётган воқеалар рўй бермасдан қирқ йилча муқаддам Париж атрофида, Шер хандақ билан Томб-Иссуар орасида, шаҳар девори тагида кишида шубҳа тугдирадиган бир кулба пайдо бўлди. Уй четда —

¹ Давид Ливингстон (1813—1873) — атоқли инглиз сайёҳи, Африкани текширган.

хилватда бўлиб, қароқчиларга мажон бўлиб хизмат қила бошлади. Унда хотини ва ўғли билан, аслида ўғри, бир вақтлар Шатледа¹ прокурор котиби, ҳозир эса ашаддий талончи бўлган бир кимса яшарди. У судда айбдорлар курсисидан ўтирган. Бу Рантенлар оиласи эди. Уйдаги қизил дарахтдан қилинган пастаккина жавонда ёзувли икки чинни пиёла кўзга ташланарди; булардан бирида ҳал билан: «Дўстлигимиздан ёдгорлик», иккинчисида «Ҳурматим нишонаси» деган ёзув бор эди. Бола ана шу қашшоқ кулбада ўсди, жиноятлар ичида суяги қотди. Ярим буржуадан чиққан ота-онаси уни саводга ўргатди, «тарбиялади». Озғин, юпунгина кийинган она ўғлига паришонхотирлик билан «билим берар», уни ҳижжалаб ўқишга ўргатар, кўпинча ўғриликда эрига ёрдам бериш учун, ёинки кўчага чиқиб дуч келган кишига ўз номусини сотиш учун ўғлини «тарбиялаш»ни йиғиштириб қўйишга мажбур бўларди. Очиқ қолган алифбе столда ётар, унинг ёнида бола хаёлга ботиб ўтирарди.

Эр-хотин Рантенлар жиноят устида қўлга тушиб, турма зулматида гойиб бўлдилар. Ўғил ҳам аллақасқларга кетди.

Летьери дайдиб юраркан, кунларнинг бирида ўзига ўхшаш саргузаштни яхши кўрадиган бировга дуч келиб қолди, уни қора бир иш қучоғидан тортиб олиб, ёрдам берди, унга раҳм қилиб, уни ёқтириб Гернсейга олиб келди, кема ҳайдашга қобилияти борлигини пайқаб, ўзига шогирд қилиб олди. Бу ўша Рантенларнинг боласи эди, кап-катта одам бўлиб қолганди.

Летьерига ўхшаб Рантеннинг ҳам бўйни йўғон, елкалари худди фақат оғир юкларни кўтариш учун яратилгандай женг, бақувват, сонлари Геркулес Фарнезскийникидек² эди. Иккаласининг ҳам қадам ташлаши, туришлари бир хил, фақат Рантен сал новчароқ эди. Уларнинг пристада ёнма-ён кетаётганларини кўрганлар: «Булар ака-укалар бўлса керак», деб ўйларди. Лекин юзлари бир-бирига мутлақо ўхшамасди. Летьерининг бутун борлиғи қиёфасида намоён, Рантен эса писмиқ; Рантеп

¹ Ш а т л е — Париждаги бир қадимий қалъа. Жиноят суди шу ерда жойлашганди; бу қалъа 1802 йилда бузилган.

² Г е р к у л е с Ф а р н е з с к и й — япон мифологиясидаги Геркулес (Геракл)нинг мармар ҳайкали. 1540 йилда Римда ер қазилганда топилган.

пишиқ эди. У найза санчиш санъатини эгаллаган, йигирма қадам наридаги шамнинг ёлқинини нишонга олиб ўқ тегиза оладиган, муштлашишга уста, «Генриада»¹дан шеърларни ифодали ўқий олар, гармонь чалишни билар, тушларнинг таъбирини айтиб берарди. У Тренейлнинг² «Сен-Дени мақбаралари»ни ёддан биларди. «Португалияликлар денгиздан наридаги деб атайдиган Калькутта ҳокими» билан оға-инилигини айтиб кўп мақтанарди. Рантеннинг хотира дафтари бўлиб, унда ҳар нарса ёзилган бўларди. Масалан: «Лионнинг Сен-Жозеф турмаси камерасининг девори ёриғида эгов яшириб қўйилган», деган ёзувни ҳам ўқишингиз мумкин. Рантен доноларча секин гапирар, ўзини муқаддас Людовик ордени кавалерининг ўғлиман, деб танитарди. Кийимлари хилма-хил. Номус масаласига келганда у гап кўтара олмас, яккама-якка олишаверар, ўлдираверарди ҳам. Унинг нигоҳида алланимаси биландир қўшмачи кампирга ўхшаб кетадиган аломатлар бор эди.

Рантеннинг бутун борлиғи кучлилик ниқоби остига яширинган айёрлик тимсолидан иборат эди.

Қаердадир ярмаркада куч синайдиган қўнғироққа усталик билан мушт уриб, Летъерининг эътиборини ўзига тортганди.

Рантеннинг саргузаштларидан гернсейликлар мутлақо беҳабар эдилар. У кўпни кўрган одам эди. Агар инсон боласининг кечмишларидан тўн бичиладиган бўлса, Рантеннинг кечмишларидан бичилган тўн турли-туман қуроқлардан иборат бўларди. У кўпни кўрган, дунёнинг паст-баландини яхши билган киши эди. У оламни кўп марта кезганди. Қилмаган ҳунари қолмаган: Мадагаскарда ошпазлик қилган, Суматрада паррандачилик билан шуғулланган, Гонолулуда генерал бўлган, Галапагос оролларида диний журнал ходими бўлиб ишлаган, Оом-

¹«Генриада» — Вольтернинг поэмаси. Автор миллий-қаҳрамонлик, тарихий эпос яратиш йўлида бу асарда муваффақият қозонмаган. Поэманинг воқеалари Францияда диний урушлар даврида бўлади. (XVI аср охирлари, бу урушлар Генрих IV даврида тугаган).

² Жозеф Тренейль — унча машҳур бўлмаган Француз шоири, Наполеон I ни ва Бурбонларни галма-гал мақтаган. «Сен-Дени мақбаралари» поэмасида (1806) XVIII аср охирларида буржуа революциялари даврида қиролларнинг мазорлари аҳволини қайғуриб акс эттирган.

ровутда шоир, Гаитида масон¹ бўлган. Масонлик ролини бажарган ҳолда у Катта Гоавада қабр устида нутқ сўзлаган, унинг қуруқ, баландпарвоз бу нутқи маҳаллий газеталарда ҳам босилган: «...Азиз жон, алвидо! Сен шу дақиқаларда ложувард осмонда парвоз этиб юрибсан. У ерда кичик гоавалик саховатлик аббат Леандра Крамо билан учрашгандирсан... Ун йил мобайнида жафо тартиб меҳнат қилдинг, Бузоқ кўрфазда черков бунёд этдинг. Бу саховатингдан уни хабардор қил. Башорат қила олган иборатли масон, алвидо!» Масонлик ниқоби унга католицизм ниқобидан ҳам фойдалана олишга монелик қилолмасди. Биринчи ниқоби уни «тараққийпарварлар» олдидан эътиборли қилиб кўрсатса, иккинчиси «тартиб» тарафдорлари олдидан иззат-эътиборини оширарди. Рантен қора танлиларни ёмон кўрарди, шунинг учун ўзини тоза қон оқ танли деб танитар, лекин Сулукка² эътиқоди зўр эди. Бордода 1815 йилда Рантен яшил билакбоғ³ тақиб юрган. Уша пайтларда шляпасига катта оқ жиға тақиб, ўзининг роялизм маслагига ҳам мансуб одамлигини кўрсатиб юрарди. Бутун умри давомида гоҳ ғойиб бўлиши, гоҳ пайдо бўлиши, гоҳ дом-дараксиз кетиши, гоҳ яна тўсатдан қасқдандир пайдо бўлиб қолиши билан фарқ қилиб турарди. У кўпни кўрган, илоннинг ёгини ялаган бир аблаҳ эди. Туркчани биларди. «Гильотинада қатл этилган» дейиш ўрнига «сажда қилдиришган» дерди. Триполида бир котибнинг бандиси бўлиб, калтак ейвериб, туркчани ўрганиб қолганди; ўшанда унинг вазифаси оқшомлари мачитма-мачит бориб, мўминларга суякка ёки тахтачага ёзилган қуръон оятларини ўқиб беришдан иборат эди. Ўзи ҳам тузукки-на мусулмон бўлиб қолганди.

Ҳар қандай қабилликка тайёр, ҳар қандай разилликни тап тортмай қилаверадиган одам эди Рантен.

Қаҳқаҳа уриб, айни пайтда қовоғини ҳам уйиб тура

¹ Масонлик оқимининг тарафдори; масонлик XVIII асрда пайдо бўлиб, ишчиларнинг революцион ҳаракатига қарши курашган ва ўз олдига «ахлоқни камолотга етказиш»ни мақсад қилиб қўйган мистик характердаги диний-фалсафий оқим.

² Су л у к — н е г р. Гаити республикасининг президенти. 1848 йилда у ўзини Фаустин I номи билан император деб эълон қилган. 1859 йили республика яна тикланган.

³ Я ш и л б и л а к б о г — Наполеонга қарши курашиш мақсадида 1815 йилда Бордога аскар туширган герцог Ангулемский аскарларининг белгиси.

оларди. «Сиссатда бировларнинг таъсирига берилмайдиганларни ҳурмат қиламан», «Одобли одамларни қадрлайман», дерди у. Яхши улфат, дилгир киши дердилар уни. Аслда эса гапи афтига мос бўлмасди. Бурун ковакларни отникидек, кўзларининг чеккаси серажин, ифлос ниятлари шу ажин қатларида бекиниб ётгандек. Хунук башараси бутун борлигини, қиёфасини ифодалаб тургандек. Одамнинг юзидаги бу хил туташ ажинларни одатда «ғоз оёғи» дейдилар. Лекин Рантеннинг юзидаги ажинлар кўпроқ калхатнинг оёғини эслатарди. Унинг боши ясси, пешонаси тор ва эндор, қулоқлари супрадек, сержун, гўё: «Бу уяда ётган йиртқичга гапира кўрманг — балога қоласиз», деб тургандай эди.

Рантен тўсатдан ғойиб бўлди. Унинг қаёққа кетганини Гернсейда ҳеч ким билмасди.

Летьери ўз шериги бўлган Рантеннинг компания кассасини шипшийда қилиб уриб қочиб кетганини биллиб қолди.

Кассада, албатта, Рантеннинг пули ҳам бор эди. Ўзиникидан ташқари Летьерининг жамғарган эллик минг франкини ҳам олиб қочганди у.

Летьери кема қуриб, сувда сузиб, қирқ йил пешона тери тўкиб, ҳалол ишлаб, юз минг франк пул йиғиб қўйганди. Рантен уни жамғармасининг ярмисидан маҳрум қилди-қўйди.

Лекин Летьери беҳуда қайгуриб ўтирмади, умидсизликка тушмади, ўзини овутадиган, фойда ҳам берадиган бир ишни бошлади ташвишига тушди. Мустаҳкам иродали одамларнинг мулкни ўғирлаш мумкин, лекин уларни мардликдан маҳрум қилиб бўлмайди. Худди шу вақтларда одамлар пароход тўғрисида кўп гапирадиган бўлиб қолгандилар. Летьери кўп гап-сўзларга, мунозараларга сабаб бўлаётган Фультон машинасини бир синаб кўришга қарор қилди. Нормандия архипелаги билан Франция ўртасида пароход қатнаб турадиган қилишга бел боғлади. Бир таваккал қилиб кўрмоқчи, қолган-қутган сармойасини шу йўлга тикмоқчи бўлди. Рантен ғойиб бўлганидан кейин орадан ярим йил ҳам ўтмаёқ, Ла-Маншда пайдо бўлган биринчи пароход мўрисида тутун бурқса-тиб, Сен-Сансон портидан денгизга чиқди.

Одамлар ваҳимага тушиб, нафратланиб «Летьерининг жин кемаси» деб атаган бу пароход Гернсей билан Сен-Мало ўртасида мунтазам қатнай бошлади.

УТОПИЯ ТАРИХИНИНГ ДАВОМИ

Дастлабки пайтларда Летьерининг ишини ҳамма нафрат билан кузатди, шундай бўлиши табиий эди. Гернсей оролидан Франция қирғоқларига қатнайдиган кемаларнинг хўжайинлари роса дод-вой қилишди, пароход муқаддас китобларга шак келтиради, бизга ҳам қарши қаратилган деб айюҳаннос солишди. Баъзи ибодатхоналарда пароходни муртад деб эълон қилдилар. Элиу деган бир руҳоний пароходни «худодан юз ўгирган одамнинг иши» деди. Худо елкали кемаларнигина манзур билган дердилар. Пароходда келтирилган хўкизлар одамларга шайтон бўлиб кўринарди. Хуллас, бу адоват-норозилик анча вақт давом этди. Лекин пароходда келтирилган хўкизларнинг шайтон эмаслиги, тўшти сөмиз ва яхшилиги маълум бўлиб, хўкизларнинг бозори чаққон бўлиб қолди; елкали кемаларга нисбатан пароходда сузиш хатарсизроқ экан; вақт ҳам тежаларкан; йўл харажати ҳам камроқ бўларкан; пароход аниқ бир вақтда портдан жўнаб, аниқ вақтда келадиган бўлиб қолди; энди Гернсейда тутилган ортиқча балиқларни Француз бозорларига ҳидлантирмай олиб бориб сотиш имконияти туғилди; Гернсей мойи «Жин кема» да елкали кемалардагига қараганда тозароқ, тузукроқ ва тезроқ келтириларкан, шунинг учун ҳам Динанда, Сен-Бриекда, ҳатто Реннада унга талаб кучайди; «Летьерининг Жин кемаси» шарофати билан сафарлар бехатарроқ, қатнаш вақтлари аниқ бўлиб қолди, қатнов кўпайди, савдосотиқ авж олди, бозорлар кенгайди, хуллас одамлар пароходдан кўпроқ манфаатдор бўлиб қолдилар, унга кўникдилар. Дадилроқ кишилар уни ҳатто мақтай бошладилар. Мирзабоши Ландуа пароход жуда ҳам маъқул бир нарсалигини эътироф этди. Унинг бу баҳоси холис фикр эди, аслида у Летьерни ёмон кўрарди. Бунга сабаб, биринчидан, Летьери месс Летьери эди, Ландуа эса съер Ландуа; иккинчидан, Ландуа Сен-Пьер портида мирзабоши бўлиб ишласа ҳам, ўзи Сен-Сансон қавмидан чиққанди, бир қавмдан чиққан икки киши — у билан Летьеригина хурфотга ишонмасдилар. Дунё қараши бир хилдаги икки киши бир-бирини кўролмаслигини одамлар биладилар.

Шунга қарамай, съер Ландуа софдил одам бўлиб

чиқди, пароходга инсоф билан тўғри баҳо берди. Бошқалар ҳам унинг фикрига қўшилдилар. Ҳақиқат энгди; ҳақиқат денгиз суви кўтарилишидек рад этиб бўлмайдиган нарса-да; шундай қилиб, пароход одамларнинг фаровонлигига хизмат қилиб, обрўси кундан-кун ошди, муқаррар муваффақият шунга олиб келдики, бир-икки бетамиздан ташқари ҳаммага «Летьерининг» Жин кемаси» ёқиб қолди. Лекин, шуни ҳам айтмайликки, ўша пароходни одамлар ҳозир кўрганларида ундан кулган бўлардилар: бундан қирқ йил муқаддам яратилгани учун ҳам у жуда содда эди. Уша пайтларда эса одамлар уни мўъжиза ҳисоблагандилар, ҳолбуки қойил қоладиган ери йўқ, бугунги кўз билан қаралса, жўнгина бир нарса.

Буғ билан ишлайдиган, Дени Папен 1707 йили Фульдда сувга туширган парракли кемани ҳозирги улкан океан пароходлари жуда ортда қолдириб илгарилаб кетдилар. Бўйи икки юз фут, эни эллик фут, грот-рейи юз ўн беш фут келадиган, сувга ботган қисми уч минг тонна сувни сиқиб чиқарадиган, бир минг кишини, юз йигирма тўлни, ўн минг тўп ўқини, бир юз олтмиш сочма зарядни кўтариб сузиб, жанг маҳалларида бир йўла уч минг уч юз фунт темирни отиб турадиган, беш минг олти юз квадрат метрлик елканни шамолга ёядиган уч палубали «Монтебелло» кемаси ўқ ёйлар, тош болталар, чўқморлар ортилган, Фленсбург шаҳри ратушаси олдига қўйилган кемани, яъни Вестер-Сатрупда денгиз лойқаси остидан топилган, иккинчи асрларда қурилган Дания кемасини жуда ҳам ортда қолдириб кетган.

Папеннинг биринчи кемаси билан Фультоннинг биринчи кемаси орасида 1707 йилдан 1807 йилга қадар бўлган роппа-роса юз йиллик тарих бор. Бўлажак пароходларнинг бу икки хомаки нусхасига нисбатан «Летьерининг юк кемаси» анча тузук эди, лекин барибир у ҳам бир хомаки нусха эди. Шунга қарамай, у санъат намунаси эди. Фаннинг ҳар бир куртаги ўз келажигига оға, шунинг учун ҳам унга ё ривожланаётган эмпирон, ё ниш отаётган новдага қаралган кўз билан қаралади.

V

«ШАЙТОН ТОҒОРА»

«Летьерининг юк кемаси» елканлари кемасозлик қонуни-қондаларига пухта риоя қилинмаган ҳолда ўрнатилганди; кеманинг камчилиги фақат шугина эмасди; буғ

двигателига елканлар фақат ёрдамчи бир восита холос. Умуман парракли кемаларда елканнинг роли кам. «Юк кема» бесўнақай, бўйи қисқа, допрасимон бўлиб, тоғорани эслатиб турарди. Тумшуғи ва қуйруқ қисмлари сувни кесадиган даражада ўткир учли қилиб ишланмаганди; кемасоз унинг енгилроқ бўлишига ҳам эришолмаганди: «Юк кема» кўзга ташланиб турган нуқсонлари билан бирга, Голландия кемаларига хос кўпгина афзалликларга ҳам эга эди. Кемада узунасига чайқалиш унча сезилмас, лекин ён атрофга чайқалиш кучли бўларди. Кема паррагининг қопқоғи баланд, пароходнинг узунаси энига номутаносиб эди. Машинанинг ҳаддан ташқари оғирлиги пароходни вазминлаштирган, кўпроқ юк ортиш учун бортларни баландроқ қилишга сабаб бўлган; бу нуқсон оғир катта замбараклари бўлган кемаларда ҳам учраб туради, одатда тўплардан отиш қулай бўлиши ва кеманинг сузиш қобилиятини яхшилаш учун оддий кемаларнинг бортларини кесадилар; кеманинг бўйи қанча қисқа бўлса, сузиб бораётганида унинг бурлиб қайтиши шунча осон бўлади, лекин «Летьерининг юк кемаси» оғир бўлгани сабабли бўйи қисқа кемалардаги бу фазилатдан маҳрум эди; унинг бесўнақай кенглиги тез сузишига имкон бермасди, чунки кеманинг сувга ботган қисми қанча кенг бўлса, сув шунча кўп қаршилик кўрсатади. Кеманинг форштевени вертикал эди, буни ҳозирги пайтларда хато ҳисобламайдилар, лекин ўша пайтларда форштевени қирқ беш градус қилиб эгардилар; кема корпусининг четлари яхши ишланган, лекин бўйи қисқа, таги деярли допрасимонлиги туфайли кема сузаётган маҳалда кесиб, икки ёнга сиқиб чиқарадиган сув миқдори бир хил бўлавермас, оқибатда ёмон об-ҳаво шаронтида кема гоҳ тумшуғи билан, гоҳ қуйруғи билан сувга шўнғирди; кеманинг оғирлик маркази ҳам ҳамма вақт бир хил бўлмас, машина оғирлиги туфайли, кемага юкланган юклар ўз ўрнига қўйилмасди; елкан иш бермагани сабабли, бутун умид буғда эди; елканга таянилса кучли шамолда кеманинг оғиб кетиш хавфи бўларди; бейдевинда сузаётганда бирдан-бир чора грота-шкотни бўшатиш; галсени кеманинг бурнига суриб, кема қуйруғидаги елкан сифатида таъсир кўрсатмаслиги учун гротнинг ҳолатини ўзгартишга тўғри келарди. Бу — оғир маневр. Ҳозирги кемаларда мавжуд бўлган штурваль ўрнига румпель билан башқариларди. Эскича усулдаги

бу руль транец устидан ўтказилган горизонталь тўсни орқали ахтерштевенга уланган тутқич-дастак ёрдами билан бошқариларди. Бортларга иккита қайиқ осилган; пароходда тўртта лангар бор: катта лангар, асосий лангар, иккита кичик лангар. Ҳар тўртталаси ҳам занжирда, улар кеманинг қуйруғидаги катта ва кеманинг тумшугидаги кичик чиғирлар ёрдамида тушириларди. У маҳалларда дастакли брашпиль йўқ эди, чиғирлар қўл кучи билан нотекис ишлардилар. Чап ва ўнг бортларида икки лангари бўлган кема уч лангар ташлаб туролмайдн, айниқса шамол ўз йўлини ўзгартган маҳалларда кемадагиларга қийин бўлади. Шундай вақтларда иккинчи лангар иш беради. Лангарларнинг пўкаклари одатдагидек, буйрепларни сувга ботқизмай, сув бетида қалқиб туради. Пароходда катта қайиқ ҳам бор эди, у мушкул дақиқаларда жонга оро кирар, катта лангарни сувдан тортиб олишда ҳам у иш беради. Кемадаги янгилик шундан иборат эдики, айрим арқонлар ўрнига занжир тортилган, лекин бунинг ҳам аҳамияти камроқ эди. Мачта ва рейлар, гарчи улар пароходда иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлсалар ҳамки, беками-кўст эдилар; кеманинг ускуналари (асоси) мустаҳкам, лекин болта билан ишланганди; пароходни елканли кемадек бежаб ўтиришнинг ҳожати йўқ. Пароход соатига икки лье масофани босарди. Кема дрейфга яхши тушарди. «Летъернинг юк кемаси» умуман сувда яхши турар, лекин кеманинг бурни учли бўлмагани учун тўлқинларни яхши кесолмас, кўриниши ҳам, сувда сузиши ҳам айтарли чиройли эмасди. Хавф-хатарда, бўрон пайтида ёки сув ости қояларига дуч келинганда уни бошқариш машаққат бўлиб қолиши сезилиб турарди. Кема омонат қурилганга ўхшаб ёғирлар, тўлқинлар оша сузиб бораркан, янги тагчарм сингари ёғирчилларди.

Пароход одатдаги юк кемалари сингари фақат юк ташишгагина мўлжаллаб қурилган, ҳарбий мақсадларга хизмат қилолмасди. Унга йўловчи камдан-кам олинарди. Ҳайвонларни ташиш кўп қийинчиликлар туғдирар, махсус мосланмалардан фойдаланишга тўғри келарди. У маҳалларда ҳўкизлар кеманинг тагхонасида ташилар, бу эса кўп қийинчиликлар туғдирарди. Ҳозир ҳўкизларни палубага жойлаштиришади. «Шайтон тогора»нинг паррак қопшоқлари — қанотлари оққа, корпуси сув ботиш чизигига қадар қизилга, бошқа қисмлари қорага

бўялганди: буни бизнинг давримизда дидсизлик ҳисоблайдилар.

Пароход сувга юксизлигида етти фут, юк ортилганда ўн тўрт фут ботарди. Пароходнинг машинаси кучли: уч тоннага бир от кучи тўғри келар, бу эса шатакчи пароходга тенглашиб қолади. Парраklar оғирлик марказидан сал олдинроқда, мақсадга мувофиқ ўрнатилганди. Хавфсизроқ бўлсин деб бош шатун цилиндрга яқин ўрнатилган, балансир¹ нинг тебраниш маркази ўртадан четга кўчирилганди. Кейинчалик шатунсиз ишлайдиган, дам берадиган цилиндрлар ихтиро этилди, лекин «Летьерининг юк кемаси» замонида цилиндр ёнидаги шатун техниканинг сўнгги ютуғи ҳисобланарди. Буғ қозон хонахона қилиб бўлинган, денгиз сувидан тортадиган насослар билан ускуналанганди. Парраklари катта бўлиб, қувватни тежар, лекин денгиз тўлқинланганда бу афзаллик нуқсонга айланар, мўрининг узунлиги тутуннинг яхши тортилишига имкон берарди-ю, бироқ шамол пайтларида бу афзаллик ҳам нуқсонга айланарди. Пухта ишланган паррак ёғочдан ясалган кураклардан, темир илгак, чўян гупчақлардан иборат бўлиб, бўлак-бўлак бўлиб ажратиладиган қилиб ясалган эди. Учта курак доим сувга ботиб турар, улар олти марта айланганда кеманинг узунлигига тенг масофа сузиб ўтиларди. Бу парраklarнинг нуқсони эди. Бундан ташқари, кривошиплар жуда ҳам узун, цилиндрдаги буғ тақсимловчи золотник эса кўп ишқаланарди. Лекин ўша замонларда бу машина энг такомиллашган механизм ҳисобланарди.

Машина Францияда, Берсидаги темир маҳсулотлар ишлаб чиқарадиган катта заводда тайёрланганди. Уни қисман Летьерининг ўзи ихтиро қилганди; Летьерининг лойиҳаси бўйича уни ишлаган механик вафот этган, шундай қилиб, бу машина бирдан-бир нусха бўлиб қолганди. Лойиҳачиси тирик эди-ю, конструктори ўлганди.

Машинага қирқ минг франк сарфланганди.

Летьери «юк кемаси»ни катта эллингда² ўз қўли билан қурди. Бу эллинг Сен-Пьер порти билан Сен-Сансон срасидаги биринчи қўриқчи минора яқинида. Ёғочни Бремендан олиб келди. Моҳир кемасоз бўлган Летьери

¹ Б а л а н с и р — буғ машинада куч ўтказадиган икки слкалли пишанг.

² Кема корпуси қуриладиган жой.

бу кемани қуришда айниқса меҳр билан ишлади, пароходнинг қопламасида бутун санъатини намойиш қилди: ёриқ-тирқишларни смолага нисбатан сифатлироқ бўлган сарангуста — ҳинд елими билан бекитди. Ватерлиниядан қуйидаги қопламани миҳ қоқиб, мустаҳкамлади. Кеманинг сув остида қоладиган қисмини қоплашда махсус қотишмадан фойдаланди. Хошия-ю қопламалар кеманинг сузишига салбий таъсир этмаслигининг олдини олиб, махоус мосламалар қилди, бушпритни узайтирди. Ниҳоят кема сувга туширилган кунни у енгил нафас олиб: «Хуллас, яхши бўлди, энди тинчидим», — деб қўйди. Ростдан ҳам «юк кемаси» ҳар кимни ҳам қувонтирадиган даражада яхши бўлганди.

Тасодифанми, атайинми, «юк кемаси» 14 июлда сувга туширилди. Шу кунни Летьери кемада икки қанот орасида туриб, денгизга нигоҳ ташларкан: «Сенга ҳам навбат келди! Парижликлар Бастилияни олган бўлсалар, биз сени бўйсундирамиз!» — деди.

«Летьерининг юк кемаси» Гернсей билан Сен-Мало срасида ҳафтада бир қатнайидиган бўлди. Кема сешанба кунни эрталаб жўнаб кетар, жума кунни кечқурун, шанба бозори арафасида қайтарди. Бу кема архипелагдаги кемалар орасида энг йириги эди, ўз ҳажмига мос юк ташир, унинг бир қатнаши оддий елканли кемаларнинг тўрт қатнаганидан кўпроқ фойда берарди. Хуллас, кема катта фойда бера бошлади. Ҳар бир кеманинг шуҳрати унга ортиладиган юк миқдорига ва юк қанақа юкланишига боғлиқ бўлади. Летьери юклагга жуда уста эди. Пароходда нуқул ўзи ишлади, ниҳоят мадори кетганига кўзи етиб, бир матросни шогирдликка олди, билганини унга ўргатди. Орадан икки йил ўтмаёқ, пароход йилига етти юз эллик фунт стерлинг, яъни ўн саккиз минг франк фойда бера бошлади. Гернсей фунт стерлинги йигирма тўрт франкка, Англия фунт стерлинги йигирма беш франкка, Жерсейники эса йигирма олти франкка тенг. Бундан банклар манфаатдор.

VI

ЛЕТЬЕРИНИНГ ШУҲРАТИ

Иш юришиб кетди. Месс Летьери ўзининг «Летьери жаноблари» деб улуғланадиган кунни яқинлигини сезиб юрарди. Гернсейда «жаноб» бўлиш осон эмас. Бу дара-

жага етиш учун бир қанча поғоналарни босиб ўтишга тўғри келади. Биринчи поғонада биров, масалан Пьер деб аталса, иккинчи поғонада қўшни Пьер, учинчисида Пьер амаки, тўртинчисида сьер Пьер, бешинчисида месс Пьер, сўнгги поғонадагина Пьер жаноблари бўлиши мумкин.

Бу поғона ердан кўккача кўтарилади. Англиянинг бутун оқсуяк зодагонлари ана шу поғоналарга жойлашиб олган. «Жаноб»ликка эришгандан кейин ҳам янги поғоналар бошланади: жаноб (жентельмен)дан юқорироқда эсквайр (дворян), ундан юқорироқда шевалье (сэр), кейин баронет (авлоддан-авлодга мерос қоладиган сэрлик унвони), кейин лорд (Шотландияда лэрд), ундан кейин барон, виконт, граф (Англияда «эрл», Норвегияда «йорл»), кейин маркиз, герцог, Англия пэри, шаҳзода, энг ниҳоясида эса қиролнинг ўзи. Даражалар зинапояси оддий одамлардан буржуазияга, буржуазиядан баронликка, баронликдан пэрлика, пэрликдан эса қирол тахтига олиб чиқади.

Месс Летьерининг омади келди; буғ машина, «Шайтон тоғора» туфайли у жамиятдан ўзига муносиб ўрин эгаллади, салмоқли одам бўлиб қолди. «Юк кемаси»ни қуриш учун у Бременидан, Сен-Малодан анчагина қарздор бўлиб қолганди, қарзларини ҳам ҳар йили тўлаб турди.

У ҳатто дастлабки кунлардаёқ Сен-Сансон гаванига кираверишдаги янги, чиройли фиштин уйни қарз-қурз қилиб сотиб олди. Бу уйнинг бир томони денгизга тақалган, бир томони эса боғ бўлиб, деворига: «Довюраклар қароргоҳи», деб ёзиб қўйилганди. «Довюраклар қароргоҳи» денгиз қирғоғида қад кўтарган бўлиб, уйнинг шимол томондаги деразасидан денгиз, жануб томондаги деразасидан турли-туман гулларга гарқ бўлган боғ кўзга ташланиб турарди; шундай қилиб, бир ёқда ваҳимали бўронлар гўлғуласи, иккинчи томондан муаттар гулларнинг хушбўй иси уйга кириб турарди. Улар бу уйда истиқомат қилувчи икки одам — месс Летьери билан мисси Дерюшетта учун мослаб яратилгандай эди.

«Довюраклар қароргоҳи» Сен-Сансонда жуда машҳур бўлиб қолди. Месс Летьерининг шуҳрати ёйилди. Унинг саховатли одамлиги, фидойи ва довюраклиги, кўп одамларни ҳалокат қучоғидан қутқазиб қолганлиги, энг муҳими — кейинги пайтлардаги муваффақияти, булар-

дан ташқари, Сен-Сансон портини яхши кўргани унинг шуҳратини янада оширганди: пароход Сен-Сансондан жўнар, яна шу ерга қайтарди. «Шайтон тоғора»нинг муҳим нарсалигига ишонч ҳосил қилинган, месс Летьерини Гернсейнинг пойтахти Сен-Пьер портига таклиф қилдилар, лекин у Сен-Пьер шаҳрида яшашни ўзига эп кўрмади, ўз она шаҳрини тарк қилишни истамади. «Бу шаҳардан мен денгизга чиқдим», дерди у. Бу нарса унинг ҳамшаҳарлари орасида эътиборини ошириб, шуҳратининг ёйилишига сабаб бўлди. Уй эгаси бўлиб, солиқ тўлаб тургани учун у, Гернсейда айтганларидек, «чинакам, туб шаҳарлик» бўлиб қолди. Шундай қилиб, фақир бир матрос, Гернсейдаги олти поғонали ижтимоий зинапоянинг бешикчи погонасига чиқиб олди: у «месс» Летьери бўлиб олди; у «жаноблик»ка етаёзди, балки пешонасида ундан ҳам балаandroқ кўтарилиш бордир? Ким билади дейсиз, бир кунмас бир кун гернсейликлар ҳеч кимнинг тушига ҳам кирмаган, ҳатто қулоқ эшитмаган бир воқеанинг гувоҳи бўларлар: Гернсей альманахида «Дворянлик ва аслзодалар» рўйхатида эсквайр Летьери деган дабдабали ёзувни ўқиб қоларлар.

Лекин месс Летьери қуруқ дабдабаларга ишқибоз эмасди, одамларга фойдаси текканидан қувонарди, ҳар қанақа шон-шуҳратдан одамларга тегаётган манфаатим афзалроқ деб биларди у. Унинг икки заиф томони, икки нарсага ишқибозлиги бор эди: бири Дюранда, иккинчиси Дерюшетта.

Летьери гўё денгизда қимор ўйнади-ю, ютди.

Тўлқинлар оша сузаётган Дюранда унинг ютуғи бўлди.

VII

ҲАММАНИНГ ОТАХОНИ, ҲАММАНИНГ ҚАДРДОНИ

Летьери пароходни бунёд этиб, унга: «Дюранда» деб ном қўйди. Бундан буён биз ҳам пароходни Дюранда деб атайверамиз, имлога нарво қилмай қўяқолайлик, бу номни қўштирноқлар орасига олиб ўтирмайлик, чунки Дюранда Летьерига туғишгандек азиз эди.

Дюранда билан Дерюшетта бир ном. Дерюшетта Дюранданинг эркалатиб айтиладиган номи. Бу ном Франциянинг ғарбида жуда ҳам кўп учрайди.

Қишлоқ аҳолиси болаларига кўпинча турлича муқад-

дас исмлар қўйишади: Лиз, Лизетта, Лиза, Элиза, Изабелла, Лизбет, Бетси — аслида буларнинг ҳаммаси бир ном: Элизабетта. Шунга ўхшаш, Магу, Маклу, Мало, Маглуарлар ҳам бир авлиё бўлган бўлса керак.

Авлиё Дюранда — Ангулем билан Шарантанинг ҳомийси. Чиндан ҳам авлиёмикин у? Бу унга эътиқод қўйганларнинг иши, ишқилиб, унинг шарафига ибодатхона қурилган.

Летьери ёшлигида, ҳали матрос бўлиб ишлаб юрган пайтларида Рошфорга борган, у ерда оёқлари келишгангина бир жонон авлиё билан танишганди. Унинг исми Дюранда эди, бу исми Летьери унутолмади, ўзига беҳад қадрдон бўлганларга у шу номни қўйди: пароходини Дюранда, қизни Дерюшетта деб атади.

У кемага ота, қизга амаки эди.

Дерюшетта Летьерининг марҳум акасининг қизи эди. Қиз етимча бўлиб, ёлғиз қолгач, Летьери унга ҳам оталик, ҳам оналик қилди. Уни қиз қилиб олди.

Дерюшетта, айтганимиздек, Сен-Пьер портида турилганди.

Қавмнинг «Метрика» китобида бу нарса қайд қилинган.

У пайтларда Летьери камбағал бўлиб, унинг жияни жуда ёш эди, шунинг учун ҳам «Дерюшетта» деган ном ҳеч кимнинг диққатини тортмаганди. Қизча вояга етиб, унинг амакиси эса кема хўжайини сифатида шуҳрат қозонгач, «Дерюшетта» номи қулоққа ёмон эшитила бошлади. «Бу қанақа ном бўлди», деб сўрашарди Летьеридан. «Қанақа ном бўларди, бир ном-да», деб жавоб қайтарарди Летьери. Унга қизнинг исмини ўзгартишни маслаҳат бердилар, Летьери бунақа гапларга қулоқ солмади. Кунларнинг бирида бадавлат бир марҳум темирчининг аслзодалар авлодидан бўлган хотини Летьерига мурожаат қилиб: «Мен жиянингизни Нанси деб атайман»,— деди. Шунда Летьери: «Нега Лон-ле-Сонье¹ деб атайқолмаяпсиз?»— деб сўради. Лекин чиройли хоним кейинги кун унга: «Бизларга Дерюшетта деган исм ёқмайди, қизингизга яхши исм топдим, уни энди Луиза деб атаймиз»,— деди. «Рост, яхши ном топиб келибсиз,— деди хонимга Летьери.— Лекин йигитлар исмига қараб келин танламайдилар, уларни кўпроқ сеп

¹ Лон-ле-Сонье ва Нанси — француз шаҳарлари.

қизиқтиради». Хуллас, Дерюшетта номи ўзгармай қолди.

Бу гаплардан сиз Летъери жиянини узатмоқчи эмас экан, деган хулосага келган бўлсангиз, янглишасиз. Летъери жиянини ўзига ёққан кишига беришни бажону дил истарди. Куёвининг меҳнаткаш, қадоқ қўлли бўлишини, хотинини ишлатмай, ардоқлашини хоҳларди. Летъери Дерюшеттани эрка ўстирган, қўллари хунук бўлиб қолади деб совуқ сувга урдирмаганди. Қизнинг музыка ўқитувчиси, фортепианоси, бир қанча китоби, игна-иплар солинган саватчаси бор эди. Қашта тикиб, кейин китоб ўқир, кейин музыка билан шуғулланарди. Месс Летъери ҳам шуни истарди. У қиздан нафосатли бўлишини талаб қиларди. У қизни меҳнаткаш қилиб эмас, гулдек кўркам қилиб ўстирди. Денгизчиларнинг дидини биладиганлар бу гапдан таажжубланмайдилар. Қўполлар гўзалликка интиладилар. Амакисининг орзумидлари амалга ошиши учун жияни бадавлат бўлиши керак эди. Летъери шунга муяссар бўлди. Унинг улкан денгиз машинаси ана шу мақсадга хизмат қилмоқда эди. У Дюрандани Дерюшетта учун муносиб сеп ҳозирлаб қўйишга мажбур қилаётганди.

VIII

«ЕҚИМТОЙ ДАНДИ» ҚУШИҒИ

«Довюралар қароргоҳи»даги икки деразали энг яхши хона Дерюшеттаники бўлиб, қизил дарахтдан қилинган мебеллар, пашшахона тутилган чиройли каравот билан жиҳозланганди. Бу хонадан боғ, Валль қалъаси ва баланд тепалик кўриниб турарди. Ана шу тепаликнинг нариги томонида «Чеккадаги уй» жойлашганди.

Хонада Дерюшеттанинг фортепианоси ва ноталари бор эди. Дерюшетта ўзининг севимли қўшиқларини, хусусан «Ёқимтой Данди» деган шотланд куйини куйлагиси келганида ана шу фортепианони чаларди; куйда қуёш ботаётган пайт ғуссаси ва ашулада эса тонг наспининг шавқи ифодаланар, одамлар: «Мисс Дерюшетта куйлаяпти»,— дейишар, тепалик ёнидан ўтиб кетаётганлар боғ девори олдида тўхтаб, ёқимли овоз билан маъюс куйга қулоқ солардилар.

Дерюшетта хонадонга файз, завқ-шавқ бахши этарди. Бу хонадоннинг доимий баҳори эди у. Дерюшетта чи-

ройли, ёқимтойгина қиз эди. Дерюшетта Летьерининг дўстлари бўлган кекса лоцманларга солдатлар ва матрослар қўшиғидаги «гўзалларнинг гўзали» бўлган маликани эслатиб турарди. Месс Летьери унинг тўғрисида гапираркан: «Сочлари лангар арқонига ўхшайди»,— дерди.

Дерюшетта болалигида ҳам хушрўйи эди. Ёшлигида буриининг кичиклигидан кўнгли тўлмасди, лекин у вояга етгач, бу жажжи бурунлари унга бир ҳусн бўлди, рости, унинг бурни катта бўлмаганидек, кичик ҳам эмасди.

Дерюшетта Летьерини «ота» дерди.

Летьери жиянишининг боғ билан, уй-рўзгор ишлари билан шуғулланишини истамас, лекин ишлаб юрганини кўриб жеркигиси ҳам келмасди. У чиройли гулларга сув қуяр, парвариш қилар, Гернсейдаги об-ҳаво эса бу соҳада қизга кўмаклашарди. Кичкина полизда ҳам тартиб жойида эди; полизда редискадан кейин исмалоқ, исмалоқдан кейин нўхат етишарди; Дерюшетта голланд гулкарамини, Брюссель карамини қачон экишни биларди — бу карамлар июнда кўчат қилинарди, унинг полизида шолғом августда, сачратқи сентябрда, думалоқ пастернак кузда, рапункул эса қишда етишарди. Месс Летьери қизнинг полиз ишларига қараб юришига йўл қўяр, лекин қўлига белкуррак ёки хаскаш тутишига, айниқса қўлини тупроққа уришига мутлақо йўл қўймасди. У Дерюшетта учун гернсейлик Дус ва Грас исмли икки хизматкор аёлни ёллаганди. Иккала хизматкор ҳам уйда, ҳам боғда бетиним ишлар, лекин уларнинг қўллари бежирим бўлишига ҳеч ким ғамхўрлик қилмасди.

Летьерининг ўзи кичик бир хонада, тўғрироғи ҳужрачада турарди. Бу ҳужрадан гавань кўзга ташланиб турар, ҳужрага биринчи қаватдаги катта зал туташган, бу хонада катта эшик бўлиб, уйдаги ҳамма зиналар шу ерга келиб тақалган эди. Хонанинг жиҳозлари — осма каравот, хронометр ва трубка, стол ва стулдангина иборат эди. Хонанинг ёғоч шифти ва деворлари оқланган; эшикнинг ўнг томонида Ла-Манш денгизи харитаси осиглиқ турар, бу харитада: «В. Фэден, 5. Чаринг-Кросс, Жаноб олиёларининг картографи» деган ёзув бор эди. Эшикнинг чап ёнида деворга бир қоғоз чодра қоқилган, бу чодрада дунёдаги мамлакатларнинг ранг-баранг флот сигналлари ифодаланган, тўрт бурчида Франция.

Россия, Испания ва Америка Қўшма штатларининг, ўртада эса Англиянинг байроғи товланиб турарди.

Дус билан Грас соддадил, хушфеъл қизлар эдилар. Дус мулойим, чиройли, беозоргина, Грас ҳам хунук қизлардан эмасди, хуллас, исмлари жисмларига жуда мос эди¹. Дуснинг «ёқимтой» йиғити бор эди. Ла-Манш оролларида бу сўз кенг тарқалган. Қизлар Норманд архипелагидаги хизматкор аёлларга хос бўлган ҳафсализлик билан ишлардилар. Ноз-карашмали ва хушрўй бўлган Грас денгиз томонга хавотирланиб қараб-қараб қўярди. Бунинг сабаби унинг «ёқимтой» йиғитидан ташқари матрос эри ҳам бор экан, унинг беҳосдан келиб қолишидан қўрқаркан. Бунга аҳамият бермасак ҳам бўлади. Улар бундай пок, юксак ахлоқли онладан бошқа жойда хизмат қилганларида, Дус хизматкорлигича қолаверар, лекин Грас хўжайиннинг «яқинига» айланган бўларди. Улар орасидаги фарқ ҳам шу. Граснинг кўп шайтонликлари пок қиз бўлган Дерюшеттага таъсир қилмади. Умуман, хизматкорларнинг ишқий кирдикорлари сирлигича қолаверди. Месс Летъери ҳеч нарсани пайқамади, Дерюшеттага ҳам уларнинг касри тегмади.

Пастки қаватдаги зал тош печкали кенгинга хона бўлиб, стол ва скамейкалар қўйилган, ўтган асрда Францияда қувгин қилинган протестантлар яширин йиғин ўтказадиган жой эди. Қора дарахтдан рамка қилинган пергамент лавҳа тош девордаги бирдан-бир безак бўлиб, унда Мо шаҳри епископи Бенинь Боссюэнинг қаҳрамонликлари ёзилганди. Унинг қавмига мансуб бўлган бечоралар Нант олий фармони бекор қилинганидан кейин таъқибга учраб, Гернсейда яширинган, Мо епископининг қилган хизматларидан хотира сифатида пергаментни деворга осиб қўйган эдилар. Ундаги ёзувнинг ўчиб кетганига, бадхатлигига қарамай, қўйидагиларни ўқиш мумкин эди: «Мо епископи жаноблари қиролдан рухсат олгач, 1685 йилнинг 29 октябрида Морсеф билан Нантейлдаги эҳромлар бузиб ташланди»; «1686 йилнинг 2 августида Мо епископи жанобларининг фатвоси билан ота-бола Кошарлар қамоққа олинганди. Улар ўз мазҳабларидан қайтгач, зиндондан чиқарилди». «1699 йилнинг 28 октябрида Мо епископи жаноблари де Поншартрен жанобларидан илтимос қилиб, Шалапд ва Невиль

¹ Дус—мулойим, Грас—хушқад (французча).

уругидан бўлган реформист аёлларни Париждаги Янги католик аёллар ордени монастирига тутқунликка топширттирди»; «фиобленлик эр-хотин Бодуэнлар ярамас католиклар бўлганлари туфайли Мо епископи жаноблари қиролдан рухсат олиб, уларни 1703 йил, 7 июлда қамоққа олдириди».

Месс Летъерининг хонаси ёнидаги хужра бир маҳаллар гугенотлар кафедраси бўлганди. Панжара дарчали бу хужра «пароходчилик бюроси»га, яъни Дюранда идорасига айлантирилди. Идорани месс Летъерининг ўзи бошқарарди. Бир маҳаллар таврот турадиган эман курсини энди *кирим-чиқим* дафтари банд қилганди.

IX

РАНТЕННИНГ СИР-АСРОРИДАН ВОҚИФ БУЛГАН КИШИ

Месс Летъери куч-қуввати борида Дюрандани ҳам лоцман, ҳам капитан бўлиб бошқарди; илгарироқ айтганимиздек, куч-қувватдан қолгач, у ўз ўрнини боса оладиган одам излади. Софдиллиги билан шуҳрат қозongan, камгап сьер Клюбенни ўзига ўринбосар қилиб ташлади.

Клюбеннинг қиёфаси матросдан кўра нотариусга кўпроқ ўхшар, лекин амалда камдан-кам топиладиган қобил денгизчи эди. Ҳар дақиқада хавф-хатарга ҳушёр турарди у. Бақувват юк ташувчи, эҳтиёткор матрос, серҳафсала ва билимдон боцман, ҳормас-толмас дарга, уста лоцман, довьюрак капитан эди Клюбен. У жуда зийрак бўлиб, эҳтиёткорлик билан жасорат кўрсатар эди, унинг бу сифати денгизчига хос олижаноб фазилатдир. Хавф-хатарни олдиндан пайқай оларди, ҳеч қачон довдираб қолмасди. У хавф-хатарга юзма-юз келиб қолганда ҳам ўз тажрибасини ишга солиб, ҳар қандай тасодифдан фойдалана оладиган уста денгизчи эди. Фақат денгизгина инсонга бахш эта оладиган комил ишонч хусусиятига эга эди у. Буларга қўшимча сьер Клюбен уста сузувчи ҳам; тўлқинлар билан якка-ма-якка олишувда чиниққан, сувда ҳар қанча турса ҳам ҳолдан кетмайдиган, Гавр-де-Падан Жерсейгача, Колетни, Елизавета қўрғонини айланиб ўтиб, яна орқага қайтиб, икки соатда етиб келадиган одамлардан эди. Одамлар асли тортваллик бўлган Клюбеннинг тез-тез Гануа сув ости қоясидан Пленмон бурунигача бўлган

хатарли масофани сузиб ўтиб туришини ҳикоя қилардилар.

Сьер Клюбен Рантенни билганиданми ёки унинг ички дунёсини фаҳмлабми, ишқилиб, унинг ярамас одамлигини месс Летъерига бир неча марта айтганди; «Рантен сизнинг мол-мулкингизга хиёнат қилади»,—деганди, гапи тўғри чиқди, шундай қилиб, у Летъерининг ишончига сазовор ҳам бўлди. Унинг бир неча марта, арзиманган ишлар топшириб, ҳалоллигини синаганидан кейин Летъери ишини унга топшира қолди. «Виждонли кишига ишониш керак», дерди месс Летъери.

Х

ОЛИС САФАР ҲИКОЯЛАРИ

Месс Летъери мудом денгизчи кийимида юрар, лоцманлик камзулидан кўра матрослик кийимини маъқул кўрарди. Дерюшетта бундан норози бўлиб, бурнини жийирарди. Гўзал қизга афт-ангорини буриштириш ҳам ярашишини яхши биларсиз. Дерюшетта ярим ҳазил, ярим жаҳл арлаш: «Фу, дада, сиздан нуқул қорамой ҳиди желади-я!»—деб унинг елкасига астагина қоқиб кўярди.

Узоқ денгиз сафарларида жўп бўлган чол ғалати саргузаштларини ҳикоя қилиб беради. Мадагаскарда у учта пати бир уйнинг томини қоплайдиган қушни жўрган. Ҳиндистонда бўйи тўққиз фут келадиган отқулоқни учратган. Янги Голландияда курка билан ғозларни итга ҳам, қушга ҳам ўхшайдиган ғалати махлуқ боқиб юрганини кузатган. Филлар мазорини, Африкада бўйи етти футлик маймунларни томоша қилган, дунёда сон-саноксиз маймунларнинг қилиқларини жўрган. Бир кун Чилида бир мартишка боласини жўрсатиб, овчининг раҳмини желтирганини ўз кўзи билан жўрган. Калифорнияда бир чавандоз оти билан жовагига кириб юз эллик қадамча от йўрттирса бўладиган йиқилиб ётган баҳайбат бир дарахтни кўриб ҳайрон қолган. Мароккода у мозабитлар билан бискрилар бир-бирларини таёқ ва сим чивиклар билан дўппослашганини кўрган, мозабитлар бискриларни итлар деб оўккани, бискрилар эса мозабитларни кофирлар деб атагани бу жанжалга сабаб бўлган экан. Хитойда қароқчи Чан-тонг-кан-лар-Куани бир қишлоқнинг маъбудни ҳисобланган ҳайвонни

сўйгани учун қиймалаб ташлаганларини ўз кўзи билан кўрган. Тў-дан-мода куппа-кундуз жунни бозорда бир кампирни шер тишлаб олиб қочганини кўриб анграйиб қолган. Денгизчилар маъбудни Кван-нам шарафига ўтказилган байрамда Кантондан Сайгон ибодатхонасига олиб келинаётган аждарни кутуш тантанасида қатнашган. У Мои қабиласига бориб, буюк Кван-Сюни кўрган. Рио-де-Жанейрода бразилиялик аёллар кечалари сочига ялтирайдиган шарчалар қадалган ясама сочлар тақиб, ҳамма ёқни юлдузли осмондек чарақлатганларини томоша қилган. Уругвайда уни ваҳимали чумоллилар ташлаган, Парагвайда катталиги болаларнинг бошидай келадиган қанотли ўргимчаклар билан олишган, бу ўргимчаклар мўйли, узун оёқли бўлиб, одамга ҳужум қилганда канадай ёпишиб олиб, қонини сўрар, сўрган жойлари шишиб чиқиб, қаттиқ оғриркан. Токантен дарёсининг ирмоғи бўлган Аринно соҳилларида, шимоллий Диамантинанинг кўркам ўрмонларида ғалати бир халқни учратган, бу халқ оқ сочли, қизил кўзли бўлиб, ўрмонда яшаркан, кундузи ухлаб, кечалари ов қиларкан, уларнинг кўзлари кундузи ва оёқларида кўрмас, қоп-қоронғидагина яхши кўрар экан. Экспедиция билан Бейрутга яқин бир манзилга қўнганларида палаткадан ёмғир ўлчайдиган асбобни йўқотганлар, шунда одам қисфасига кирган бир жодугар фолбин фол очиб, жазавага тушиб шохдаги қўнғироғини жон-жаҳди билан чалганида сиртлон шу асбобни келтириб берган, асбобни унинг ўзи ўғирлаган экан.

Пароходнинг қўғирчоғи Дерюшеттани эсга тушириб турарди. Нормандия оролларида кема тумшугига ўрнатиладиган ёғоч ҳайкалчаларни «қўғирчоқ» дейдилар. Шунинг учун ҳам бу ўлкаларда «кемага тушдим» дейиш ўрнига «кема қўйруғи билан қўғирчоқ орасида турдим» деган ибора бор.

Дюранданинг қўғирчоғини месс Летьери жуда яхши кўрарди. Унинг буюртмаси билан дурадгор қўғирчоқни Дерюшеттага ўхшатиб йўнганди. Ҳайкалча дағал бўлиб, Дерюшеттага сал-пал ўхшаса ҳамки, у месс Летьерига маъқул тушганди.

Аслида беўхшов бўлган бу шакл Летьерининг ҳис-туйғуларини алдаганди. Бу ҳол эътиқодли одамларда ҳам бўлади. Летьери ҳайкалга эътиқод билан қараб, уни Дерюшеттага жуда ҳам ўхшатарди. Эътиқод шунчақ:

мантиқсиз нарсалар чин ҳақиқат бўлиб кўринади, оддий бутуни худо қилиб кўрсатаверади.

Ҳафтанинг икки кунини — сешанба билан жума месс Летъерига катта қувонч бахш этарди. Сешанбада Дюранда сафарга чиқар, жумада сафардан қайтиб келарди. Пароходни Летъери уйи деразасидан кузатиб, беҳад шодланарди. Унинг бу ҳолати Тарихи муқаддасдаги «хайрли иш қилганини ўз кўзи билан ҳам кўрди», деган сўзларни эслатарди.

Жума кунлари месс Летъерининг «Довюраклар қароргоҳи» деразаси олдида трубка чекиб ўтирганини кўрган кишилар: «Ҳа, пароход уфққа яқинлашиб қолибдида», деб қўярдилар. Трубка тутуни пароход мўрисининг тутуни яқинлашиб келаётганидан дарак берарди.

Дюранда гаванга киритилгач, «Довюраклар қароргоҳи» деразаси тагида, бинонинг пойдеворига туташ катта темир ҳалқага боғлаб қўйиларди. Тунда месс Летъери осма каравотида ётиб, бир томондаги девор ортида сеvimли Дюрандаси, иккинчи деворнинг ортида азиз Дерюшеттаси ҳордиқ чиқараётганини ўйлаб, ҳузур қилган ҳолда уйқуга кетарди.

Дюранда тўхтайдиган жойдан сал нарироқда порт занги бор эди. Бу жой «Довюраклар қароргоҳи»нинг остонасига туташиб келарди. Ҳозир ҳатто ўша қиргоқ ҳам, «Довюраклар қароргоҳи» ҳам, боғ ҳам, атрофига бута девор қилинган жўчалар ҳам, қўшни бинолар ҳам йўқ. Гернсей гранитига бўлган эҳтиёж уларнинг бариши ютиб юборди. Ҳозир уларнинг ўрнида чиқинди тошлар уюлиб ётибди.

XI

КУЁВ ХУСУСИДА БИР НЕЧА ОҒИЗ СЎЗ

Дерюшеттанинг бўйи етиб қолган, лекин эрга тегишни мутлақо хаёлига келтирмасди.

Летъери уни жуда ҳам эрка ўстирди, шунинг учун ҳам Дерюшетта тантиқ ва инжиқ бўлиб етишди. Бунақа тарбия тарбиячининг ўз бошига бир бало бўлиши турган гап.

Куёв танлаш масаласида Летъерининг ўзи ҳам инжиқлик қиларди: Дерюшеттанинг бўлажак эри Дюрандага ҳам эрлик қила олиши керак эди. Летъери иккала фарзандини ҳам бирданига кузатиш пайида эди. Бир фарзандига йўлдош бўлган кишининг иккинчисига

лоцман бўлишини истарди. Эр нима дегани? Кема капитанидир. Нега энди ҳам жуёвликка, ҳам пароходга хўжайинликка арзнийдиган куёв изламае экан? Оила ҳаётининг ҳам тошқинлари, пасайишлари бўлади. Қайиқни ҳайдашга қодир киши хотинни ҳам эплай олади. Ҳар иккаласи ҳам шамол билан ойга бўйин эгади. Сьер Клюбен месс Летъеридан бор-йўғи ўн беш ёш кичик бўлиб, Дюрандани вақтинча бошқариши мумкин эди, кемага эса ёш хўжайин, доимий командир, унинг шитирочисининг, ижодчисининг, асосчисининг чинакам меросхўри бўла оладиган одам керак эди. У одам месс Летъерига жуёвликка ҳам муносиб бўлиши керак. Икки куёв ўрнини босадиган бирон кимсани топиш керак. Летъери мана шу ҳақда ўйларди. У бўлажак куёвини тушларида кўриб чиқарди. Бақувват, қорачадан келган чиниққан, эпчил денгизчи унинг орзуси эди. Дерюшеттаниннг орзуси эса бошқача: унинг эри чиройли бўлса бас эди.

Амаки-жиян гўё шошилмасликка келишиб олганга ўхшардилар. Дерюшеттаниннг сепи кўнлигини, бадавлат меросхўрлигини эшитишгач, унинг қўлини сўрайдиганлар кўлайиб қолди. Лекин уларнинг орасида бирорта дидларига тўғри келадигани учрамасди, шунинг учун ҳам Летъери: «Қиз олтин, куёв мис, тенги эмас»,—деб совчиларни қайтараверди.

Шуниси қизиқки, Летъери оқсуякларни унча ёқтирмасди. Бу жиҳатдан у англизга ўхшамасди. У ҳатто жерсейлик Гандюэлга, серклик Бюнье-Николенга ҳам рад жавоби берди. Дерюшеттани бундай эътиборли оқсуякларга эрга бермаганига ишонинг ҳам келмайди. Баъзи бировларнинг оғзидан Летъери Ориньи оролидан яна бир эътиборли оиладан келган совчиларни қайтариб юборди, Эду уруғидан бўлган биров қизнинг қўлини сўраганда, пайсалга солди, деган миш-мишлар ҳам тарқалди. Бунга ҳам шубҳаланасан киши, ахир, Эду уруғи Эдуард Валининг авлоди-ку.

ХИ

ЛЕТЪЕРИ ХАРАКТЕРИДАГИ НУҚСОНЛАР

Месс Летъерининг катта бир нуқсони бор эди — у дин арбобларини, руҳонийларни ёмон кўрарди. Бир кунни китоб варақлаб ўтириб, Вольтернинг «Поплар мушук-

ка ўхшайди», деган иборасига кўзи тушиб қолди-да, китобни четга суриб қўйиб: «Поплар мушук бўладиган бўлса, мен итман»,—деб тўнғиллаб қўйди.

Ҳамма лютеран, кальвинчи, католик руҳонийларининг Летьерининг кемасига қарши жон-жаҳдлари билан курашганликларини эслайлик. Қомачиликда тўнтарини ясаб, Нормандия архипелагини тараққиёт сари судраш, Гернсей оролини янги ихтиронинг бешигига айлантириш — ахир шаккокликмасми! Ана шу сабабли руҳонийларнинг Летьерини кофир, шаккок деб лаънатлашларига сал қолганди. Шунинг ҳам унутмангки, у пайтлардаги руҳонийлар маҳаллий черковларда тараққиётга унчалик тўсқинлик қилмаётган ҳозирги руҳонийларга ўхшамасдилар. У руҳонийлар Летьерига тўсқинлик қилиш учун хилма-хил фитнес-фасодлар қилгандилар; диний маросимларда, ибодат пайтларида, ваъз-насиҳатларида Летьерига қарши роса гап юргиздилар. У черков аҳлининг нафратини қўзғатганидек, ўзи ҳам уларга нафрат билан қарарди. Руҳонийларнинг душманлиги унинг нафратини яна ҳам ошириб юборган эди.

Лекин Летьери азалдан руҳонийларга душман эди. Азалдан руҳонийлар билан ўзи айтганидек «ит-мушук» эди. Унинг бутун борлиги руҳонийларга нисбатан адоват билан тўлиб-тошганди. Руҳонийлар унга чанг солмоқчи бўлиб тирноқларини чархлаётганларини кўриб, у ҳам шайланиб тишларини қайраб турарди. Унинг ғазаби баъзан ўринсиз ҳам бўларди. Таг-тугини билмасдан ҳаммага ҳам душманлик билан қарайвериш тўғри эмас. Асоссиз адоват адолатсизликдир. У энг инсофли художўй руҳонийни ҳам ёмон кўрарди. Унинг назарида руҳонийнинг яхшиси бўлмайди. Ҳамма файласуфлар сингари, у ҳам бир оз эҳтиётсизроқ эди. Сабрлилар баъзан сабрсизлик қилиб қўядилар, оғир одамлар эса баъзан ғазаб алангасида ёнадилар. Лекин Летьери табиатан юмшоқлиги туфайли чинакам душманлик қилолмасди. Ҳужумдан кўра чекиниши кўпроқ бўларди. У черков аҳлидан ҳазар қилиб, улардан узоқроқ юрди. Уларнинг зиёнлари тегди, лекин Летьери уларга яхшилиқни раво кўрмади, адовати шу билан кифояланди. Руҳонийларнинг нафрати душманликка айланди. Летьери улардан жирканди, холос.

Гернсей кичкинагина орол бўлса ҳамки, икки мазҳаб аҳли бемалол жойлаша олди: католиклар ва протест-

антлар. Бир черковда икки мазҳаб асло мураса қила олмайди: ҳар мазҳабнинг ўз черкови, ўз ибодатгоҳи бор. Германияда, масалан, Гейдельбергда бунақа имконият йўқ. У ерда черковни иккига бўладилар: черковнинг бир қисми авлиё Петрники, иккинчи қисми Кальвинга ажратилган; муштлашишларнинг олдини олиш учун ўртага гов тутилади, черковдаги ҳамма нарса тенг бўлинган: католикларнинг меҳроби ҳам учта, гугенотларнинг меҳроби ҳам учта; бир пайтда ибодат қилинади, икки мазҳабдагиларга бир иўла қўнғироқ чалиб, ибодатга чорланади. Қўнғироқ ҳам худога, айни пайтда ҳам иблисга сажда қилишга одамларни чорлайди.

Немисларнинг совуққонлиги бунақа қўшничиликка имкон беради, лекин Гернсейда ҳар мазҳабнинг ўз ибодатхонаси, ўз жойи бор. Гернсейда ортодоксаль қавми ҳам, бидъатчилар ҳам бор. Хоҳлаганингизни танлашингиз мумкин. Месс Летьери буларнинг иккаласини ҳам маъқул кўрмаганди.

Моҳир матрос, ажойиб уста, файласуф, омадли меҳнаткаш, кўринишидан содда бўлган бу одам аслида унчалик анойи эмасди. Унинг ўз қарашлари, ўз фикрида қатъий турадиган ўжарлиги бор эди. Хуллас, попларни ёқтирмади-ёқтирмади-да. У Монлозьени ҳам лол қила олди.

Баъзан қалтис ҳазиллар қиларди. Унинг кулгили, қизик, мазмундор, ҳазиломуз гаплари бўларди. «Тавба қилиш» дейиш ўрнига «виждонни ювиб-тарамоқ», дерди. Месс Летьери доимий китобхон эмас, аҳён-аҳёнда ўқир, хат ёзганда орфографик хатолар билан ёзарди. Талаффузда ҳам камчиликлари кўп бўларди. Ватерлоо воқеасидан кейин Людовик XVIII Францияси билан Веллингтон Англияси ўртасида сулҳ тузилгач, месс Летьери: «Бурмон Францияни Англияга, Англияни эса Францияга сотди», деганди. Бир гал «папа» деб ёзиш ўрнига «баба» деб ёзганди. Жўрттага ёзмагандир, албатта. Летьерининг папа ҳокимиятига бўлган нафрати англичанларга бўлган нафратини камайтмасди. Уни ҳам протестант, ҳам католик руҳонийлари бараварига ёмон кўрардилар.

1 Француз-Доминик Монлозье — француз публицисти, муътадил либерал. Тиклаш даврида реакцион католик руҳонийларига ва оқ террорга қарши курашган.

Даҳрийлиги тутиб, черковнинг асосий ақидаларини очикдан-очик танқид қилаверарди. Кунларнинг бирида у ҳурматли ваъзхон Жакмен Эроднинг ваъзига тасодифан кириб қолди. Жакмен у дунёнинг жаҳаннам азоблари ҳақида, қийновлар, ўчмас оловда куйдириш, худонинг қаҳри, илоҳий қазаби ва қасоси кабилар тўғрисида муқаддас китоблардан далиллар келтириб таъсири ваъз ўқирди, шунда Летьери черковдан чиқа туриб, бировга: «Бу бетайин гапларга ишонмайман, мен худони шафқатли, раҳмдил деб биламан»,— деди.

У Франциядан даҳрийлик таъсирига берилиб қайтганди.

Летьери асли гернсейлик бўлса ҳамки, оролда уни «француз» деб атардилар. Эскиликни бузишга ундайдиган гоёларга шўнғиб кетганини ўзи ҳам эътироф этарди. Шу гоёлар таъсирида у пароходни бунёдга келтирди. У ўзи тўғрисида: «Мен саксон тўққизинчи йилнинг сутини ичганман»,— дерди. Гернсейда эса бу сутни нопок ҳисоблардилар.

Летьерининг соғлом фикрларга қарши чиққан пайтлари ҳам бўларди. Кичкина мамлакатда ўз урф-одатлариндан бош тортмасликка иложинг йўқ. Францияда «одоб сақлаш керак», Англияда «салобатли бўлиш керак», шундагина ишинг ўнғидан желиши мумкин. Яқшанба кунининг қодаларидан тортиб галстукни яхши боғлаб юришга қадар майда-чуйда қонун-қоидаларга тўла риоя қилиб юриш учун салобатли киши озмунча машаққатлар тортадими. «Шундай юрки, ҳеч ким сени бармоғини ўқталиб бировга «кўрсатмасин»,—деган даҳшатли бир қонун ҳам бор. Бармоқ нуқиб кўрсатишдими, демак сени муртод ҳисоблашгани шу бўлади. Кичкина шаҳарларда ғийбат кўп бўлади; майда-чуйда ғийбатлар оқибатида нафратга учраб қолш ҳеч гапмас. Энг матонатли кишилар ҳам ақли қисқалардан чўчийдилар. Ботир кишилар даҳшатли бўронлардан, довуллардан қўрқмайдилар-у, лекин Ғийбат деб ном олган хонимнинг вазоҳати олдида титраб-қалтирайдилар. Месс Летьери жуда ўжар одам эди. Ўжар бўлса ҳам бунга парво қилмасдан иложи йўқ. У гап-сўздан чўчиб, гарчи руҳонийларни ёмон кўрса ҳамки, унинг уй эшиги руҳонийлар учун очик бўларди. Ҳайитларда, руҳонийлар меҳмон қилинадиган кунларда у лютеран руҳонийсини ҳам, католик руҳонийсини ҳам яхши кутиб олаверарди.

Ахён-ахёнда у Дерюшеттани ҳам англиканлар черкови-га олиб борарди, Дерюшеттанинг ўзи эса черковга йилли-га тўрт марта — катта байрамлардагина борарди.

Мажбуран қилинган бу ишлар унинг юрагидати нафратини оширарди, холос. Оқибатда черков аҳлининг энсасини қотирадиган ишларни кўпроқ қиларди у. Кўнглида кири йўқ, беозоргина бу одам руҳонийларга нисбатангина шунақа эди. Уни юмшатиб бўлмасди, унинг табиати шунақа эди. Унинг ҳар қандай руҳоний-ни ҳам кўришга кўзи йўқ эди. Месс Летьерининг руҳонийларга нисбатан ҳурматсизлигида революцион алланима бор эди. Динларнинг ҳаммаси ҳам унга номаъқул эди. Динларнинг бир-биридан фарқини, дин арбоблари мартабаларининг бир-биридан фарқини билмас, тақводор билан ваъзхонни бир-биридан ажратолмасди. «Веслей ҳам бир, Лойола ҳам»¹, дерди. Хотини билан юрган руҳонийни кўрганда дарғазаб бўлиб: «уйланган поп», дерди. Уша пайтларда бу ибора Францияда ёмон маънони ифодаларди. Англияда сўнги марта бўлганимда лондонлик бир епископхонни учратгандим, деб ҳикоя қиларди у. Руҳонийларнинг уйланиши унинг энсасини қотирарди. «Юбкали юбкалини олиб нима қилади!»— дерди. Летьери ҳар қандай руҳонийни ҳезалак ҳисобларди. Ҳезалак қишиларни эса у: «Бу эр ҳам эмас, хотин ҳам эмас, поп», дерди. Турли дин руҳонийларини энг ярамас махлуқлар ҳисоблаб, улар тўғрисида ўша пайтларда одат бўлган юмшоқ гапларни уларга лойиқ кўрмасди. У Дерюшеттага: «Қимга тегсанг ҳам майли, лекин юбка киядиганга тега кўрма»,— дерди.

XIII

ГУЗАЛЛАР БЕПАРВО БУЛАДИ

Ҳар бир гап ҳам месс Летьерининг ёдидан чиқмас, Дерюшеттанинг эса хотиридан тез кўтариларди. Шу сифатлари билан амаки-жиян бир-биридан фарқ қилардилар.

¹ Веслей — XVIII асрда яшаган англиз епископи, унинг номи билан боғлиқ бўлган веслейчилар деган диний мазҳаб бор. И г н а т и й Л о й о л а — незунтлар орденини ташкил этган (1540) испан монахи.

Дерюшеттанинг тарбияси унда тарбиячидан қарздорлик ҳиссини уйғотмади, қиз ўз бурчига бепарво ўсди. Охирини ўйламасдан берилган енгил тарбия хунук оқибатларга олиб желади. Болани ёшлигидан эркалатиб, тантиқ қилиб ўстириш оқилона иш эмас-да.

Дерюшетта мен хурсанд бўлсам, ҳамма ҳам хурсанд деб биларди. Чунки у хурсанд бўлса, амакиси ҳам шод кўринарди. У ҳамма соҳада месс Летьерининг фикрига қўшиларди: йилга тўрт марта черковга борса бас, унинг художўйлиги шундан нарига ўтмасди. Ҳар байрамда уни ясанган-тусанган ҳолда кўриш мумкин. Турмушнинг пасти-баландини билмайди, бу билан иши ҳам йўқ. Юрагида муҳаббат уйғониб, бутун қалбини бировга бағишлайдиган кун яқинлашмоқда, лекин ҳозирча у бепарво.

У озгига келган қўшиқни айтар, бўлар-бўлмасни бидиллайверар, бугунни ўйлаб, эрта билан қизиқмас, қўлини совуқ сувга урмай, завқ-шавққа тўлиб, беташвиш ўйнаб юрарди. Бу юришлари устига яна инглизларга хос ахлоқий эркинликни ҳам қўшинг. Англияда болалар эркин ўйнаб-ўсадилар, қизлар ўз-ўзларига хўжайин, ўспиринлар ҳам беташвиш бўладилар. Одат ўзи шунақа. Кейинчалик эса бундай эркин, эрка қизлар хотин-чўрига айланадилар. Иккала сўзни ҳам яхши маънода тушунинг, эркин ўсишади, жейин эса бурчни ўташ керак, бурчнинг чўриси бўлмай илож йўқ, албатта.

Дерюшетта ҳар эрта тўшагидан тураркан, кечаги воқеаларни ҳеч қачон эсламасди. Агар ундан бир ҳафта олдин нималар билан шуғулланганини сўраб қолсалар, нима дейишини билмай, довдираб қолиши турган гап эди. Шунга қарамай, гоҳ-гоҳида қалбини сабабсиз аллақандай ғусса қамрарди, қувноқ, хушчақчақ ёшлигига ҳаётнинг ташвиши соя ташлагандай туюларди. Зангори осмонда ҳам парча-парча булутлар пайдо бўлиб қолади. Лекин бу булутлар тез ўтиб кетадилар. Қизнинг ғуссаси ҳам кулги билан тез алмашинар, нега ғусса босди-ю, нега қувониб кетди — буни Дерюшеттанинг ўзи ҳам билмай, ҳайрон бўларди. Ҳамма нарса ўйин унга. Уткинчиларга тегажаклик қилар, йигитларни масхараларди. Шайтонга дуч келиб қолганда ҳам у билан ҳазиллашиб, унинг ғашини келтирган бўларди. Дерюшетта жуда гўзал эди, нораства тўдакдек бөгуюноҳ бўлган

бу гўзал ўз ҳусни билан жишилар кўксига ханжар урарди. Мушук бола ўйнашиб туриб тирнаб олганидек, у бир кулгиси билан чоракни жароҳатлантирарди, жароҳатингиз қанча оғрса, аҳволингиз шунча мушкуллашади. У бунга парво ҳам қилмайди. Кечаги кун билан унинг иши йўқ, бугуннинг завқ-шавқи бас унга. Мана, ортиқча бахт нималарга олиб келади. Утган кунлар хотираси Дерюшеттанинг ёдидан қуёш нурида эриб кетган қордек тез ғойиб бўларди.

Тўртинчи китоб

Қ У Ш Н А Й

I

ТОНГ ШАФАҒИ ЕКИ ЕНҒИН ШУЪЛАЛАРИ

Ж ильят ҳеч қачон Дерюшетта билан гаплашмаган эди. У қизни тонг юлдузини кўргандек жуда олисдан кўрганди, холос.

Дерюшетта черков йўлида Жильятни кўриб, қорга унинг исмини ёзиб, йиғитни таажжубга солганида ўн олти ёшда эди. Ушандан бир кун олдин, кечқурун месс Летъери унга: «Болалигингни қўй, кап-катта қиз бўлиб қолдинг энди»,— деганди.

Ҳали жуда ёш қизнинг қорга нима фикрда «Жильят» деб ёзгани қоронғи эди.

Жильят аёлларга шисбатан қандай муносабатда эди? Унинг ўзи ҳам бу саволга аниқ жавоб қайтара олмасди. Бирор аёлга дуч желиб қолгудек бўлса ундан кўрқар, аёлини ҳам чўчитиб юборарди. Аёллар билан ноилжликдангина гаплашарди. Бирорта ҳам қишлоқи қиз уни ҳеч қачон «жонгинам» демаган. Йўлда кетаётиб олисда келаётган бирор аёлга кўзи тушиб қолгудек бўлса, шартта бурилиб, девордан ошиб ўтиб ўзини бирор боққа уриб кетар, ёниги буталар орасига кириб бекинарди. Жильят ҳатто кампирлардан ҳам қочарди. Умрида бир мартагина паришлик аёлга дуч келганди. Паришлик аёллар у пайтларда оролда камдан-кам меҳмон бўлардилар. Жильят аёлининг: «Таъбим хира бўлди, шляпамга ёмғир тегди, пушти ранг жуда позик бўлади-да, расво бўлади энди», деб зорланганини эшитганди. Жильят аллақайси китобда кечқурунлари кечки кийим кийиб ясанган «Шоссе д'Антенлик хоним» деб аталган аёлининг суратини кўриб қолиб, уни кесиб олди-да, ўзи учратган паришлик хоним хотирасига уни уйи деворига ёпиштириб қўйди.

Ёз оқшомларида Умэ-Паради кўрфази қирғоғидаги қоялар ортига бекиниб олиб, ич жўйлаклари билан чўмилаётган қишлоқи аёлларни томоша қиларди. Бир куни четан девор орқасида туриб, тортваллик жодугар хотиннинг пайпоғини кияётганини яхшилаб кузатганди. Афтидан, у ҳали хотинларни мутлақо билмасди.

Уша рождество ҳайити куни эрталаб — Дерюшетта унинг номини қорга ёзган куни Жильят кўчага нима мақсадда чиққанини ҳам унутиб, уйига қайтганди. Кечаси анча вақтгача ухлаёлмади. Нималар тўғрисида ўйламади дейсиз! Полизга қора редиска экса ёмон бўлмаслиги, кўргазма кўнгилдагидек яхши бўлгани, Серк оролидан жема қайтган-қайтмаганини билолмай қолгани, — унга бирор гап бўлмадимикин, — қуёнкарам гуллаганини кўргани, — бу пайтда камдан-кам гуллайди, — хуллас шунақалар унинг хаёлини банд қилганди. Марҳума кампир ўзининг кими бўлишини аниқ билмасди, у ҳар ҳолда онам бўлса керак деган хаёлга борди, фарзандларга хос меҳр билан марҳумани эслади. Шунда сандиқда турган бисот — марҳуманинг келинига атаб қолдирган нарсалари Жильятнинг эсига тушди. Шундан кейин у яна бошқа нарсалар ҳақида ўйлаб кетди: Жакмен Эрод яқин орада Сен-Пьер портининг декани — епископнинг ноибни қилиб тайинланади, Сен-Сансонда руҳоний ўрни бўшайди. Рождествонинг иккинчи куни ойнинг йигирма еттисига тўғри келади, сувнинг тўлиқ кўтарилиши соат уч-у йигирма бир минутда бошланади, денгиз сувининг ярим пасайиши соат ептию ўн беш минутда, тўла пасайиши эса соат тўққизу ўттиз уч минутда, ярим кўтарилиш эса ўн иккидан ўттиз тўққиз минут ўтганда бошланади. Кейин у қўшнаё сотган шотландияликнинг кийим-бошини кўз олдига келтирди, унинг қушқўнмас гули қистирилган шапкасини, қиличини, калта камзулини, юбкасини, эчки теридан қилинган сумкасини, тамакидонини, шотланд тошидан қилинган тугмаларини, чарм ва матодан бўлган иккита камарини, калта болтасини, ханжарини, қора дастаси иккита қизил тош билан безатилган пичоғини, солдатнинг яланғоч тиззасини, пайпоғини, ботинкасини ва унинг устидан кийиб олган катак-катак қўнжини кўз олдига келтирди. Буларни эсларкан Жильятнинг гоҳ ҳарорати ошар, гоҳ бадани жунжикиб кетарди. Ниҳоят уйқуга кетди. Уйқудан кеч турди, шу заҳотиёқ яна хаёлига Дерюшетта тушди.

Кейинги кеча ҳам шотландиялик солдат тушига кириб чиқди. Жильят мудраб ётиб, рождестводан кейин суд сессияси йигирма биринчи январда бўлишини хаёлига келтирди. Руҳоний чол Жакмен Эрод ҳам кўз ўнгидан кетмасди. Уйқудан туриб, Дерюшетта тўғрисида ўйлай бошлади, унга нафрати ортди; агар ёш бола бўлганимда унинг деразасини тошбўрон қилардим, деган фикр хаёлига келди.

Шунда, агар ёш бўлганимда онам ҳам ҳаёт бўларди, деган фикр унинг хўрлигини келтирди, ўпкаси тўлиб йиғлаб юборди.

Шузейгами, Менжъегами уч ой бош олиб кетмоқчи ҳам бўлди, лекин ҳеч қаяққа кетмади.

Шундан кейин у Сен-Пьер портидан Валлга бориладиган йўлдан сира юрмади.

«Жильят» деган исм ерга ўчмайдиган қилиб ёзилгандай, гўё ҳамма унга тикилиб қараётгандай туюлаверди унга.

II

НОМАЪЛУМЛИК САРИ

Лекин, шунга қарамай, Жильят ҳар куни «Довюраклар қароргоҳи»га бир назар ташлайдиган бўлиб қолди. Ҳар куни шу уй олдидан ўтар, бунга уни нима мажбур этаётганини ўзи ҳам яхши билмасди. Уйдан қайси томонга йўл олмасин, барибир, Дерюшеттанинг боғи ёнидан ўтадиган сўқмоқдан чиқиб қоларди. Бир куни шу сўқмоқдан ўтаётганида бир рев-резги сотувчи аёл «Довюраклар қароргоҳи»дан чиқа туриб, бошқасига: «Мисс Летъери брунколни яхши кўраркан»,— деганини эшитиб қолди.

Шундан кейин Жильят ўз полизига бир пушти брунколь экди. Брунколь — карамнинг бир нави бўлиб, мазаси сарсабилга¹ ўхшайди.

«Довюраклар қароргоҳи»нинг боғи атрофида тўсиқ пастаккина бўлиб, ундан осонгина сакраб ўтиш мумкин эди. Жильят бу фикрни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Уй олдидан ўта туриб хоналар ва боғ ичкарасидан чиқаётган товушларни эшитишга ҳеч қим монелик қилолмасди. Жильят қулоқ солмасди-ю, лекин гўнғир-гўнғир гаплар қулоғига чалиниб қоларди. Бир куни у хизматкор

¹ Сарсабил — кўп йиллик сабзавот ўсимлиги.

гёллар Дус билан Граснинг жанжаллашаётганларини эшитиб қолди. Улар уйни бошларига кўтариб жанжаллашмоқда эдилар. Бошқа бир гал ёқимтой бир товуш қулоғига чалинди, Дерюшеттанинг овозилигини пайқаб бу ердан тезроққина жўнаб қолди.

Уйдан эшитилган ёқимли овоз бир умр унинг ёдида қолди. Қулоғига чалинган бу сўзларни у ҳар қадамида такрорлаб юрарди: «Менга, марҳамат қилиб, супургини олиб берсангизлар» деган сўзлар эди у.

Вақт ўтган сари Жильят ҳам дадиллана борди. Девор остида у узоқ пойлаб ўтирадиган бўлиб қолди. Бир марта Дерюшетта фортепиано олдида ўзининг севимли кўшиги: «Ёқимтой Данди»ни куйламоқда эди. Бу овозни тинглаб тураркан, Жильятнинг ранги қув ўчди, лекин у ўзини дадил тутиб, бир амаллаб кўшиқни охиригача эшитди.

Кўклам желиб, Жильят бир кўришга муштоқ бўлган қизни уйдан эшикка ҳам чиқардилар. Қуларнинг бирида Дерюшетта сутчўп¹ суғораётганда Жильят унга тикилиб қолди. Энди Жильят қизнинг одат ва қилиқларини ўрганарди. У сайр қиладиган соатларни билиб, девор ортида унинг сайрга чиқишини кутиб турадиган бўлиб қолди.

Жильят ўзининг бу ердалигини сездирмасликка ҳаракат қиларди.

Шох-буталар гуллар билан қопланди, гуллар атрофида капалаклар парвоз қилиб, парвона бўла бошлади, Жильят эса ҳамон боғда яйраб юрган қизни эринмай кузатар, девор орқасида бир неча соатлар яшириниб, нафасини ичига ютганча кўзини қиздан узолмай турарди. Инсон боласи ҳар нарсага одатланади, кўникади.

Жильят ўз хилватгоҳида яшириниб, қизни кузатаркан, Дерюшеттанинг соя-салқин хиёбонда скамейкада месс Летьерн билан суҳбатлашаётганини аниқ кўриб турди. Ҳар бир сўз унинг қулоғига яққол эшитиларди.

Нақадар тубанликка тушди-я! Пойлаб, бировларнинг гапини ҳам тинглайдиган бўлиб қолди. Қаранг! Инсон қалби — энг ашаддий жосус.

Хиёбоннинг охирида, кўзга яққол ташланиб турадиган жойда яна бир скамейка турар, Дерюшетта ана шу скамейкада гоҳ-гоҳида дам олиб ўтирарди.

Жильят Дерюшеттанинг узиб, ҳидлаб юрадиган гул-

¹ Сутчўп — мураккаб гулдилар оиласига мансуб сариқ гулли ўсимлик, барглари овқатга солинади.

ларига қараб, қандай гуллар унга ёқишини билиб олди. Дерюшетта ҳаммадан кўпроқ печакгулни, чиннигулни, дукчўпни, ясминни яхши кўрарди, сеvimли гуллари орасида атиргул бешинчи ўринда турарди. Пиёзгулни ҳам ёқтирарди-ю, лекин ҳидламасди.

Жильят ана шу гулларнинг ҳидига қараб, Дерюшеттанинг дидини белгилади. Ҳар бир гулни қизнинг яхши бир сифати билан боғлаб тасаввур этди. Бироқ, Дерюшетта билан гаплашиш фикри тугилиши биланоқ баданини қалтироқ босарди.

Кўчама-кўча майда-чуйда сотиб юрадиган хушфеългина бир аттор кампир «Довюрраклар қароргоҳи» ёнидан ўтаркан. Жильятнинг пойлаб ўтирганини, бу хилват жойда йигитни нимадир қизиқтираётганини пайқаб қолди. Бу хонадонда қиз борлиги учун кампирнинг кўнглига балки бирор гап келгандир? Ёки у Жильятнинг қалбида пайдо бўлган меҳр ипи Дерюшетта билан боғлиқлигини сездимикин? Ёки бу камбағал кампир ўз ёшлигини, умр тонгидаги, ёшлигининг олтин дамларидаги ширин онларни хотирладими? Билмадик. Ишқилиб, бир гал Жильятнинг пойлаб ўтирганини кўриб қолиб, жилмайди, юзидан бирорта ҳам тиши йўқ бўлган бу кампир: «Юрак бағринг ўртаняптими дейман-а?»— деб гўлдираб қўйди.

Жильят кампирнинг гапини эшитди, у ўзидан ўзи сўраётгандай: «Ўртаняптими дейман-а эмиш... Кампир нима демоқчи бўлди бу билан?»— деб пичирлади. Бу савол кун бўйи хаёлини банд қилди, лекин у кампирнинг нима демоқчи бўлганини тушунолмади.

Куиларнинг бирида Жильят «Чеккадаги уй» деразасидан қараб хаёлга ботиб ўтирганида Умэ кўрфазига қишлоқ қизларидан беш-олтитаси чўмилгани келиб қолди. Жильятдан юз қадамча нарида улар ҳеч нарсадан уялмай-нетмай яланғоч бўлиб олиб чўмила бошладилар. Аёллар зоти унинг кўзларига беҳад хунук кўриниб кетди, деразасини шарақлатиб, жаҳл аралаш зарб билан бекитиб олди.

III

«ЁҚИМТОЙ ДАНДИ» ҚУШИҒИНИНГ АКС САДОСИ

Жильят бутун ёзни «Довюрраклар қароргоҳи» боғининг девори ортида, деворнинг бурчагида, қичитқи ўтлар, печакгул ва найзабарглар ўсиб ётган, ёввойи дарахтсимон гулхайрилар гуллаб, гранит парчалари ора-



сида дарахт ниҳоллари кўзга ташланиб турган хилват жойда боққа кўз тикиб ўтказди десак бўлади. У нуқул хаёл суриб ўтирарди. Жильятнинг беозорлигига кўниккан калтакесаклар ундан ҳайиқмай тошлар орасида ўзларини қуёшга товлаб ётишарди. Бутун ёз об-ҳаво ёқимли — юмшоқ бўлди. Жильят хаёл оғушида ўт устида қимирламай ўтирар, унинг боши узра эса оқ булутлар ҳорғин сузишарди. Борлиқни қушларнинг чуғур-чуғури қоплаган. Жильят қўлини пешонасига қўйиб: «Нима учун у менинг исмимни қорга ёздийкин?»— деб сўрарди ўз-ўзидан. Денгиз устида кучли шамол елиб-югурар, аҳён-аҳёнда бурғу овози янграб, тош кесилаётган жойда миша портлашидан йўловчиларни огоҳлантирарди. Сен-Сансон порти кўринмаса ҳамки, дарахтлар тепасидан портдаги кема мачталарининг учлари кўзга ташланиб турарди. Аҳён-аҳёнда чайкалар учиб ўтиб қолардилар. Жильят онасидан қизлар йигитларни жуда ҳам яхши кўриб қолишлари мумкинлигини эшитганди. У: «Ростдан ҳам Дерюшетта мени яхши кўриб қолганга ўхшайди», деб ўйларди. У қизни кўргиси келар, уни соғинарди. Ўзига ўзи: «Дерюшетта ҳам менинг тўғримда ўйлаб ўтиргандир»,— деб пичирлаб қўярди. Шунда тўсатдан Дерюшеттанинг бадавлатлиги, ўзининг эса камбағаллиги эсига тушди. Пароход ўйлаб топилган энг ярамас бир нарса деган фикр хаёлидан кечди. Бугун ойнанинг нечанчи кунлигини ўйлаб-ўйлаб ҳеч эслаёлмади. У девор ёриқлари орасида вижиллашиб юрган калта қанотли, қорни сариқ, тукли ариларга паришонхотир нигоҳ ташларди. Бир куни Дерюшетта уйқу олдидан деразасини бекитаркан, қоронғилик қаъридан бир куй қулоғига чалинди. Шунда қиз бутун вужуди билан қулоқ солди. Кимдир унинг севимли қўшиғи «Ёқимтой Данди»ни қўшнайда хиргойи қилаётганди. Қиз ҳайрон бўлиб қолди. Шундан кейин ҳар куни оқшомда худди шу куй эшитила бошлади. Лекин бу Дерюшеттани ранжитарди.

IV

Тун пайти ишқ қўшиғи ёқмайди шанғи чолга,
 Чолларга уйқу лозим. Йўқ тоқати висолга.
(Нашир этилмаган бир комедиядан).

Кўз очиб-юмгунча орадан тўрт йил ўтиб кетди.
 Дерюшетта йигирмага жирган бўлса ҳам, ҳануз эрга тегмаганди.

Аллаким: «Мияни банд қилиб турган фикр пармага ўхшайди: йил сайин чуқурлашаверади, бириччи йили ундан қутулмоқчи бўлсанг сочдан айрилсан, иккинчи йили теридан воз кечингга тўғри келади, учинчи йилига қолса бош суягинг тешилади, тўртинчи йили эса миянгнинг қатиги билан қўшиб чиқаришга мажбур бўласан»,—деган.

Жильят учун шунақа тўртинчи йил келганди.

У юрагидаги дардини Дерюшеттага изҳор қилолгани йўқ. Бу кўркем қиз унинг бутун борлигини қамраб олганди, у нуқул қиз ҳақида ўйларди.

Қунларнинг бирида тасодифан Сен-Сансон портига келиб қолган Жильят «Довюраклар қароргоҳи»нинг соҳил томонидаги эшиги олдида Дерюшеттанинг месс Летьери билан чақчақлашиб ўтирганни кўриб қолди-да, уларнинг яқинидан ўтди. Шунда Дерюшетта унга кулиб қарагандай бўлди. Бундай бўлиши эҳтимолдан холи эмасди.

Дерюшетта ҳар оқшомда қўшнаё товушини тингларди.

Қўшнаё товушини месс Летьери ҳам эшитарди. У қўшнаё Дерюшетта деразаси тагида чалинаётганини пайқаб қолди. Ёқимли чалинаётган куй уни сал жаҳлдан туширди. Бу парвоналик унинг табиатига мос эмасди. Дерюшеттани у хоҳлаган пайтида, ҳеч қанақа ошиқмаъшуқликсиз, музикасиз, тўғридан-тўғри эрга бериш ниятида эди. Месс Летьери тоқати тоқ бўлиб, қўшнаёчини кузатди, билсакки, бу Жильят экан. У чакка соқолини тутамлаб (дарғазаб бўлган пайтларида шундай қиларди): «Нима қилиб юрибди бу тентак? Дерюшеттани яхши кўриб қолганга ўхшайди! Овора бўлиб юрибсан, аҳмоқ. Дерюшетта жерак бўлса, менга гапирмайсанми, карнай-сурнайнинг нима кераги бор»,—деб тўнғиллади.

Мана, ниҳоят одамлар кўпдан гап-сўз қилиб кутиб юрган воқеа содир бўлди: муҳтарам Жакмен Эрод епископ Винчестерскийнинг ноибни, Гернсей оролининг декани, Сен-Пьер портининг руҳонийси қилиб тайинланди, ўринбосари желиши билан Сен-Сансондан Сен-Пьерга жўнайди, деган гап тарқалди.

Янги руҳонийни кутишаётганди. У руҳоний дворян, асли нормандиялик бўлиб, исми Жоэ Эбенезер Кодре эди, инглизча талаффузда уни Коудри деб аташарди.

Янги руҳонийнинг яхши-ёмон томонлари тўғрисида кўп миш-мишлар тарқалди. У ҳақда ҳар ким ўзича мулоҳаза юритарди. У камбағал ва ёш; ёш бўлса ҳам билимдон, камбағал бўлса ҳам келажаги порлоқ киши

дейшарди. Бадавлат одамлар ва уларнинг меросхўрлари орасида ўлим «омад» деб аталади. Бадавлат кексаўлими — меросхўрнинг омади. Жоэ-Эбенезер шунақа омадлилардан эди — у Сен-Азафлик кекса ва жуда ҳам бадавлат руҳонийнинг жияни ва меросхўри эди. Кекса руҳоний вафот этса ёш руҳонийнинг бахти очилади, у беҳисоб давлатнинг эгаси бўлиб қолади. Эбенезер Кодре жаноблари эътиборли авлоддан бўлиб, унинг ўзи ҳам юксак аслзодалар унвонига муносиб киши эди. Унинг маслаги тўғрисида турли-туман миш-мишлар бор эди. У англикан черковига мансуб бўлиб, епископ Тилотсоннинг таъсири билан айтганда, «ўзбошимча», яъни кишини хуноб қиладиган бир одам эди. Турлича урф-одатларни ёқтирмас, христиан черковидан кўра, қадимий динлардаги соддаликни афзалроқ кўрар, Одам Ато Момо Ҳавони танлаган, Иераполис епископи Фрументан бир қизни ўзига хотин қилмоқ учун уни ўғирлаб, қизнинг ота-оналарига: «Қизингизнинг хоҳиши шу, менинг ҳам хоҳишим шунақа; энди сизлар унинг ота-онаси эмассиз, мен Иераполис фариштасиман, у энди менинг хотиним. Бундан кейин отамиз — худо», — деган замонларни маъқул биларди. Миш-мишларга қараганда, Эбенезер Кодре жаноблари: «Ота-онанинг иккинчи даражали деб бил, биринчи даражада ўзинг билан хотининг; хотининг ҳам ота-онасини ташлаб сеникига келади», деган фикрда экан. Ота-оналар ҳукмронлигини чегаралаб, эр-хотиннинг иноқлигини қўллаб-қувватлаш, бу соҳада диннинг ҳам ёрдамини таъминлаш — протестантизмга хос хусусиятдир; Англияда шунақа, Америкада эса бундан ҳам баттарроқ.

V

МУВАФФАҚИЯТ ҲАСАДГА САБАБ БУЛАДИ

Кирим-чиқимлари месс Летъерининг ишончини оқлади. Дюранда унинг умидларини рўёбга чиқарди, месс Летъери қарзларидан қутулди. Бремен ва Сен-Малодан олган қарзларнию насяларини тўлади. Уни учун тўлайдиган ҳамма пулларни, солиқларни ҳам тўлади. Хуллас, ўзини ўнглаб олди, катта фойда келтирадиган манба — Дюранданинг ёлғиз хўжайини эди у. Дюранда ҳар йили нақд бир минг фунт стерлинг соф фойда берар, даромад борган сари кўпайиб бормоқда эди. Бутун бойликни унга Дюранда келтирмоқда эди. Дюранда бутун архипелагнинг бойлиги бўлиб қолганди. Хўкиз ташиш

асосий даромад манбаи бўлиб қолганди. Кемани мол ташишга мослаштириш учун шлупбалкалардан ва икки қайиқдан воз кечишга тўғри келди. Бу хатарли эди. Дюрандада биттагина кўп эшкакли қайиқ қолди. Битта бўлса ҳам, ҳар ҳолда ишончли эди.

Рантеннинг пул ўғирлаб қочганига ўн йил бўлди.

Одамлар Дюрандага ҳамон ишончсизлик билан қардилар; унинг муваффақиятини тасодиф ҳисоблардилар. Месс Летьерининг муваффақиятларини тан олгилари келмай, чолнинг бир омади келиб, шунақа бўлди-да, дердилар. Уайт оролида биров унга тақлид қилганди, иши ўнгидан келмади. Унинг акционерлари синдилар. Летьери совуққонлик билан: «Унинг машинаси ёмон эди, шу сабаб бўлди»,— деб қўйди. Бошқалар эса бош чайқардилар. Улар ҳар қандай янгиликни ишончсизлик билан қаршилардилар. Сал йўл қўйилган хато уларни хурсанд қиларди. Нормандия архипелагининг йирик банкачиларидан бири бўлган парижлик Жож жанобларидан пароходчилик билан шуғулланса бўлармикин, деб маслаҳат сўраганларида, у шартта тескари бурилиб: «Пуллингизни алмаштирмоқчимисиз? Пулни тутунга алмаштирмоқчимисиз?» деган гижиниб. Елканли кемаларнинг иши яхши эди, уларнинг эгаларидан ҳеч ким синмаганди. Шунинг учун ҳам елканли кема пайчилари беҳисоб топиларди. Одамлар елкан билан юрадиган кемаларни мақтар, пароходга ишонмас, Дюранданинг муваффақияти факт бўлса ҳамки, тан олинмасди. Жаҳолат, мутаассиблик ҳар қандай тараққиётга қарши чиқади, уни рад этади. Летьери ҳақида: «Иши яхши, лекин унинг ўзи ҳам бунақа ишни бошқа қилмайди, бир қилди-да, омади келиб»,— дердилар. Унинг иши одамларга намуна бўлиш, рағбатлантириш ўрнига, уларни чўчитарди, холос. Шундай қилиб, Дюрандага ўхшаган пароход қуришга ҳеч ким журъат қилолмади.

VI

КЕМАСИ ҲАЛОКАТГА УЧРАГАНЛАР, БАХТЛАРИ ЧОПИБ, ПОЧТА КЕМАСИГА ДУЧ КЕЛАДИЛАР

Кеча-кундуз тенглиги палласининг даҳшатлари Ла-Маншда илгаридан сезила бошлайди. Денгиз устида дайдиб юрган шамол қирғоқларга дуч келиб, қанот ёзолмай қутуради. Февраль ойидан бошлаб ғарбдан шамол эсиб, тўлқинларни чор атрофга ҳайдайди. Бу пайтларда

сафар хатарли бўлади; қирғоқлардаги одамлар сигнал
мачталаридан кўз узмайдилар; ҳамма денгиздаги кема-
лардан ташвишланади. Денгиз инсонга қарши гўё пис-
тирмаларидан фойдаланмоқчидай бўлади; ўзи кўринмай-
диган зафар қарнайларининг овози аллақачонлардан
янграб, бўлажак жангдан дарак бера бошлайди; алла-
кимлар қаҳр билан ҳансираётгандай бўлади, бир оздан
кейин шиддатли шамол қўзғалади; оламни қоронғилик
қоплаб олади. Бўрон булутлар орасидан қарнайини чал-
гани-чалган.

Шамол бир хатар бўлса, туман ундан ҳам ёмонроқ
хатардир.

Туман денгизда сузувчиларни азалдан ваҳимага со-
либ келади. Баъзан туман таркибида муз заррачалари
бўлади, шунақа пайтларда қуёш ва ой атрофида ҳалқа-
лар ҳосил бўлишини, ана шу заррачаларнинг киши кўзи-
га сохта қуёш ва ойлар бўлиб кўринишини Мариотт тав-
сиф этган. Момақалди роқ туманларининг состави хилма-
хил бўлади; турли хил оғирликдаги ҳар хил моддалар
сув бўғи билан аралашадилар ва қатламлар ҳосил қила-
ди. Катта қатламда йод моддаси бўлади,

буларни ва электр бети-
либ олсанг қайиғида
ларнинг сабабмалол ушлай
умкин. Колумбрини чўзди, шу
ма олови, Сен-урган тўлқинлар
увчи юлдузлар
кўринган иккөөқларидан тортқи-
зарни ҳайратда

ангали найзалари, ҳз?
тегизганда учқун сачқ.
ар «Сатурннинг ердаги чақ
лар ҳам шуларнинг маҳсулидир.

қаладиган доимий тумандан иборат бўлиб бир
кваторни белбоғдек ўраб олган. Гольфоядан
утбни илитиши лозим бўлганидек, Клауд-ма-
иқлимни совутиши керак. Клауд-ринг остид

бў-

1 Сенека Луций (I аср) — Рим философи ва ёзувчиси.
2 Кастор ва Поллукс — юлдузлар; Плутарх
(I ва II асрлар) — юнон тарихчиси, файласуфи.

3 Фриуль — Адриатик денгизи соҳилида, Триестга яқин
вилоят.

туман кемаларга ҳалокат келтирадиган хатардир. «От кенглиги» шу ерда: ўтмишда денгизда сузганлар шу ердан ўтаётганларида кемаларидаги отларини денгизга ташлаганлар: Бўрон пайтида кеманинг юкни енгиллатиш учун, тинч маҳалларда эса ичиладиган сувни тежаш учун шунга мажбур бўлганлар. Колумб: «Пастда сузиб юрувчи булут — ҳалокат демакдир», — деган. Халдлар астрономияга катта ҳисса қўшганларидек, этрусқлар об-ҳавони ўрганиш соҳасида кўп хизмат кўрсатганлар, уларнинг икки унвони: момақалди роқ билимдонни, булутларнинг билимдонни деган унвонлари бўлган; бировлари яшинни, баъзилари туманни кузатганлар. Тирликлар, финикияликлар, шунингдек бошқа денгизда сузувчи халқлар қадимий Ўртадаги денгиздан¹ ўтаётганларида об-ҳаво бўйича Тарквиния² мутахассисларидан маслаҳат олганлар. Бўроннинг пайдо бўлиш сабаблари туман билан боғлиқ, иккаласининг ҳам пайдо бўлиш сабаблари деярли бир хил. Океанда туманнинг уч макони бор: экватор ва иккала қутб; денгизчилар учаласини ҳам бир ном билан «шайтоннинг уяси» деб атайдилар.

Кеча-кундуз тенглашган маҳалларда денгиз ҳамма ишюйда ҳам, хусусан Ла-Маншда хатарли бўлади. Кутилди. Шунда ҳамма ёқ зулмат билан қопланади. Туман қуюқ топиларди. Ҳам, хавфли бўлади, денгизнинг чуқурлигини мақтар, пароҳага қараб билиб бўлмайди, туман халақит яти факт бўлса ҳаёз жойга ўтириб қолади, ёнги сув ости ассиблик ҳар қандай кетиши мумкин. Туманга дуч келин-этади. Летъери ҳақиқийга туширишга ё лангар ташлашга бунақа ишни бошқа қанда ҳам кемалар кўп ҳалокатга уч-либ», — дердилар. Уни-

рағбатлантириш ўрни-ар шамол туманни тарқатиб юбор-дай қилиб, Дюрмаси бўлган «Кашмир» Англиядан омон-ким журъат қил. У Сен-Пьер портига эрталаб кириб келди.

У пайтда Корнэ қўргонида янги куннинг тўнғич .рини замбаракдан ўқ отиб қаршилагандилар. Ос-ёришди. «Кашмир»ни ҳамма кутаётганди, у янги онийни олиб келиши керак эди, «Кашмир»га ҳалокат-

Кеч учраган бир кемадан бир қанча одамлар чиқазилган-Манш. Бу ҳақда миш-мишлар тарқалди.

1 Ўртадаги денгиз — Ўрта Ер денгизининг қадимий номи.

2 Тарквиния — Қадимий Этруриядаги шаҳар, кейинроқ римликлар вайрон қилган.

САИР ҚИЛИШНИ СЕВАДИГАН КИШИ, БАХТИГА, БАЛИҚЧИГА ДУЧ КЕЛАДИ

Ўша кеча шамол босилгач, Жильят балиқ овига отланди, қайиғини қирғоқ бўйида қолдирди.

Кундузи соат иккиларда, қуёш чарақлаб турган, денгиз суви энди кўтарила бошлаган маҳалда ортга қайтган Жильят «Чеккадаги уй» қўлтиғига Хўкиз шохи қояси олдидан ўтиб бораркан Гильд-Хольм-Ур креслосидаги бир сояга кўзи тушиб қолди, бу соя қоянинг сояси эмаслигини у яхши биларди. Қайиғини ўша томонга бурди, қараса, биров ўтирган экан. Сув борган сари кўтарилиб борар, қоя атрофида тўлқинлар ўйнардди; креслода ўтирган киши ҳалок бўлиши муқаррар эди. Жильят унга қўл силкитди. У эса пинағини ҳам бузмасди. Жильят унга яқинлашиб борди. У ухлаб ётган экан.

Номаълум киши қора кийинган эди. «Рухоний бўлса керак», деб ўйлади Жильят. У янада яқинроқ бориб, унинг ёшгина йигит эканини кўрди.

Йигитни танимади.

Бахтга, қоя бўртиб чиққан бўлиб, унинг таги чуқур эди; Жильят қайиғини унга томон бурди. Сувнинг бетиним кўтарилаётганидан фойдаланиб Жильят қайиғида туриб, ухлаб ётган йигитнинг оёқларини бемалол ушлай оларди. Жильят қаддини ростлаб, қўлларини чўзди, шу пайтда у сувга тушиб кетса борми, қутурган тўлқинлар қаърида фарқ бўлиши муқаррар эди.

Жильят ухлаб ётган йигитнинг оёқларидан тортқилади.

— Ҳа, тақсир, нима қилиб ётибсиз?

Йигит уйғониб:

— Томоша қиялпман,— деди.

Унинг бутунлай уйқуси қочиб, деди:

— Бу оролга ҳозиргина келгандим, у ёқ-бу ёқни бир кўргим келди, шу ерга желиб сал дам олдим, бу қоядан ҳамма ёқ яхши кўринаркан. Кечаси кемада ухлай олмагандим, бир оз пинакка кетибман.

— Ун минутдан кейин сув остида қолиб кетган бўлардингиз.

— Йўғ-э!

— Қайиққа сакранг.

Жильят қайиқни босиб, бир қўли билан қоядан уш-

ладн, иккинчи қўлини қора кийимли йигитга узатди, йигит эса оҳистагина қайиққа сакради. Йигит жуда ҳам хушрўй эди.

Жильят чаққон-чаққон эшкак эшмоқда; икки минутдан кейин қайиқ «Чеккадаги уй»га туташ қўлтиққа етиб келди.

Нотаниш йигит шляпа кийган ва оқ галстук таққанди. Унинг узун барли қора камзулининг тугмалари қадалган. Қора сочлари бежирим юзларига ярашиб турар, кўзлари ўйчан боқарди.

Қайиқ қирғоққа етди. Жильят қайиғини қирғоқдаги ҳалқага боғлаб, орқага ўтирилганди, шунда йигитнинг аёлларники сингари нозик қўлида олтин танга чўзиб турганига кўзи тушди.

Жильят пулни олмай, унинг қўлини оҳистагина қайтарди.

Иккаласи ҳам бир нафас жим турдилар. Кейин йигит гап бошлади:

— Сиз менинг ҳаётимни сақлаб қолдингиз.

— Эҳтимол,— деб жавоб қайтарди Жильят.

Қайиқни маҳкам боғлаб, икковлари ҳам қирғоққа чиқдилар.

Йигит яна гап бошлади:

— Сиз мени ўлимдан қутқаздингиз, тақсир.

— Нима бўпти?

Яна орага жимлик чўкди.

— Шу ерликмисиз?

— Йўқ,— деб жавоб қайтарди Жильят.

— Қайси қавмдансиз?

Жильят ўнг қўлини кўтариб осмонни кўрсатди-да:

— Ана ундан,— деб қўйди.

Шундан сўнг йигит хайрлашиб, йўлига равона бўлди.

У бир неча қадам босгач, тўхтаб чўнтагидан китоб чиқазди-да, орқасига қайтиб, уни Жильятга узатаркан:

— Ҳеч бўлмаса шу китобни олинг,— деди.

Жильят китобни олди.

У таврот эди.

Бир дақиқадан кейин у уйига кираверишдаги зинапоя устига чиқиб, қўлларини зинапоя панжарасига қўйганча йигитнинг орқасидан то у Сен-Сансонга бориладиган йўлдан бурилиб, кўздан ғойиб бўлгунча тикилиб турди.

Йигит ҳам, Гильд-Хольм-Ур креслоен ҳам аста-секин

Жильятнинг хотиридан кўтарилди; бошини ҳам қилиб, чуқур хаёлга ботди. Унинг хаёлини бутуллаш Дерюшетта банд қилиб олганди.

Чуқур хаёл дарёсига чўмиб турган Жильятни аллакимнинг товуши ўзига келтирди:

— Эй, Жильят!

Бу овоз унга таниш туюлди, бошини кўтарди.

— Нима гап, сьер Ландуа?

Ростдан ҳам у сьер Ландуа эди, у кичкинагина от қўшилган фаэтони билан «Чеккадаги уй»дан юз қадамча наридаги йўлдан ўтиб кетаётган экан. Жильятни чақирмоқчи бўлиб тўхтабди, афтидан аллақаяққа шошилаётгани сезилиб турарди.

— Янги гапни эшитдингизми, Жильят?!

— Қанақа гап?

— «Довюраклар қароргоҳи» ҳақидаги гапни.

— Нима бўлибди?

— Узоқдасиз, бу ердан туриб бақириб гапириб бўлармиди.

Жильятни титроқ босди.

— Дерюшатта хоним эрга тегаётгани йўқми?

— Йўқ. Лекин энди тегса ҳам ажаб эмас.

— Бу нима деганингиз?

— «Довюраклар қароргоҳи»га боринг, биласиз.

Шундай дея сьер Ландуа отга қамчи урди.

Бешинчи китоб

РЕВОЛЬВЕР

I

«ЖАН МЕҲМОНХОНАСИ»ДА СУҲБАТ

Съер Клюбен ҳар бир қулай фурсатдан фойдалана оларди.

У паст бўйли, сариқ юзли, буқадек бақувват одам эди. Денгиз шамоллари унинг юзини қорайтолмаган, шамдай тиниқ эди. Кўзлари мудом чақнаб турар, хотираси кучли эди. Бировни бир гал кўрса бас, ён дафтарга ёзиб олинган хотирадай эсда тутар, бир нигоҳи тушган нарса унинг ёдида чуқур из қолдирарди. Бир кўрган кишининг қиёфаси минг ўзгарса ҳам, у қариганда ҳам барибир таний оларди. Бу мустаҳкам хотирани чалғитиб бўлмасди. Съер Клюбен камгап, камтар, оғир-вазмин одам эди; у ҳеч қачон ортиқча ҳаракат қилмас, ўзини осойишта тутарди. Кўп одамлар уни калтафаҳм ҳисоблардилар, кўзлари атрофидаги ажинлари уни анқов қилиб кўрсатарди. Лекин, илгарироқ гапирганимиздек, ундан уста денгизчини топиб бўлмасди. Кучли шамол пайтларида елканларни бошқаришда, умуман кемани идора қилишда тенги йўқ киши эди у. Ундан софдилроқ, ундан художўйроқ одам йўқ, дердилар. Унга шубҳаланиб қараган одамнинг ўзи шубҳа остида қоларди. У Ребюше жанублари билан иноқ эди. Сен-Венсан кўчасида истиқомат қилувчи қуролсоз устанинг қўшниси, асли сен-малолик бўлган бу сарроф: «Мен Клюбенга дўконимни бемалол ишониб топширавераман»,— дерди. Съер Клюбен ёлғиз яшарди. Унинг хотини ҳам ўзига ўхшаган пок эди. Клюбен хоним эри сингари умр бўйи ҳалоллиги ва яхши фазилатлари билан шуҳрат қозонганди. Мабодо балъидек бир кимса унга хушомад қилгудай бўлса,

унинг устидан қиролга ҳам арз қилишдан қайтмас, ҳатто худо уни яхши кўриб қолганда ҳам руҳонийга шикоят қилган бўларди. Эр-хотин Клюбенларнинг ҳаёти ҳам то-тув, ҳам ҳалол яшаш намунаси эди. Клюбен хоним оқ-қуш бўлса, Клюбеннинг ўзи оқсусар эди. Агар Клюбен ана шу оқ танларда сал-пал доғ сезгудай бўлса, бунга мутлақо чидай олмаган бўларди. Башарти бировнинг тўғноғичини топиб олса, то эгасига еткизмагунча кўнгли тинчимасди. Бир қути гугурт топса, эгасини излаб, олиб бориб берарди. Кунларнинг бирида у Сен-Сервандаги қовоқхонага кириб, қовоқхоначига: «Уч йил илгари но-нушта қилгандим, ўшанда янглишиб, пулни ортиқ қай-тарган экансиз»,—деб, унинг олтмиш беш сантимини қайтариб берди. У лабларини мудом ишончсизлик билан қимтиб юрадиган ғоят софдил одам эди.

Кўринишидан ҳамма вақт аллақимни излаб юрган-дай эди. Кимни?—деб сўрарсиз. Албатта, ўғри-мутта-ҳамларни қидириб юрса керак, балки инсофсизларни излар.

Ҳар сешанба у Дюрандани Сен-Малога олиб кетарди. Сен-Малога сешанба кун кечқурун етиб борар, у ерда якки кун қолиб, кемага юк ортиб, жума кун эрталаб Гернсейга етиб келарди.

Уша пайтларда Сен-Мало кўрфазида келгиндилар учун «Жан меҳмонхонаси» деб аталадиган бир мусофир-хона бор эди.

Кейинчалик қирғоқда кўча қурилиши муносабати билан бу мусофирхона бузилиб кетди. Уша пайтларда ден-гиз шаҳарнинг Сен-Венсан ва Динан дарвозаларигача чўзилганди; сув қайтганда — Сен-Малодан Сен-Серван-га извошларда қатнардилар; фақат кўрфаздаги кемалар орасидан ўтишга, ташланган лангарларнинг арқонлари-га чалишмай ўтиш чорасини кўришга тўғри келарди. Сув бир кўтарилиб қайтгач, яна кўтарилгунча орадан ўтади-ган олти соат вақтдан фойдаланиб қолишга ҳаракат қи-лардилар. Илгарилари Сен-Мало соҳилларида соқчи ит-лар галалашиб санғиб юрардилар. Бу итлар 1770 йилда бир денгиз офицерини талашгач, уларни йўқотганлар. Ҳозир Катта ва Кичик Талар орасида тунда ит ақилла-ганини эшитмайсиз.

Сьер Клюбен «Жан меҳмонхонаси»га желиб тушарди. Дюранданинг Франциядаги идораси шу ерда эди.

Божхона чиновниклари ва соҳил соқчилари ҳам шу

ерда овқатланардилар. Уларга махсус стол ажратиб қўйилганди. Биниклик божхона чиновниклари Сен-Мало божхона чиновниклари билан шу ерда учрашар, бу уларнинг умумий ишига фойдали бўларди. Савдо кемаларининг капитанлари ҳам шу ерга келиб овқатланишар, улар учун ҳам махсус стол ажратиб қўйилганди.

Сьер Клюбен гоҳ у столдагилар билан, гоҳ бу столдагилар билан овқатланар, лекин кема хўжайинларидан кўра божхона чиновникларининг суҳбатига иштиёқмандроқ эди. Умуман уни ҳамма самимий кутиб оларди.

Мусофирхонанинг овқатлари мазали бўларди. Бошқа мамлакатлардан келган денгизчиларга ҳамма мамлакатларнинг ичимликларидан ёққанини танлашни тавсия қилардилар. Бильбаолик бирор олифта матрос бу ерда «элада» ичиши мумкин эди. Гринвичда бўладиган «стаут», Антверпенда учрайдиган жигар ранг «гез» ҳам бўларди бу ерда.

Баъзан олис сафарларнинг капитанлари қайиқчилар билан бир столда ўтириб олиб, жўрган-билганлари тўғрисида мириқиб суҳбатлашардилар: «Шакар қалай?»— «Оз-моз келиб турибди. Бомбейдан уч минг қоп, Сагуадан беш юз бочка келади деган миш-мишлар бор».— «Бугун-эрта кўрасизлар, ўнгла Вилел устидан галаба қозонадилар»— «Нил бўёғидан келиб туриптими?»— «Гватемаладан етти той желди, холос».— «Нанина-Жюли» рейдда турибди. У мачтали, жуда ҳам чиройли кема экан, Бретанидан».— «Ла-Платанинг икки шаҳри палағда тухум учун яна ғавго бошлабди-да». «Монтевидео семирса, Буэнос-Айрес озади».— «Осмон маликаси»дан Калаода браж қилинган молларни туширдик».— «Какаога талаб катта; Караж какаосининг қопи икки юз ўттиз тўртдан, Тринидад какаоси етмиш учдан кетяпти».— «Кўрик маҳалида Марс майдонида «Йўқолсин министрлар!»— деб қичқиришипти-я».— «Тузланган хом терининг нархи хўкизники бўлса етмиш франкдан, сигирники бўлса қирқ саккиз франкдан сотилаётганмиш».— «Болқондан ўтишиптими? Дибич¹ қасердайкин?».— «Сан-Францискода арпабодён арағи етишмаётганмиш. Планьоль зайтун ёғининг бозори касодроқ. Швейцария пишлогининг

¹ Гап 1828—1829 йилги рус-турк уруши ҳақида боряпти. Рус кўчинлари Дибич қўмондонлиги остида Болқондан ўтгандилар.

центнери эса ўттиз икки франкдан сотиляпти». «Лев Ун-иккинчи¹ ўлдими дейман?» ва ҳоказолар.

Шунақа гаплар. Ҳамма баланд товуш билан гаплашарди. Божхона чиновниклари билан соҳил соқчилари ўтирган столда одамлар секинроқ гаплашардилар.

Соҳил ва порт полицияси ўз сирларини бошқаларга билдиргиси келмасди, шунинг учун ҳам пичирлаб гаплашардилар.

Савдо кемалари капитанлари ўтирадиган столда олис сафарга қатновчи кекса капитан Жертре-Габуро жаноблари раислик қилаётганди. Жертре-Габуро жаноблари одам эмас, барометр эди. У денгизни шунчалик яхши билардики, об-ҳавони ҳам ҳеч янглишмай олдиндан айтиб бераверарди. Шамолга қулоқ солар, сув кўтарилиши ва қайтишининг томир тепишини ушлаб кўрар, булутга қараб, врачларга ўхшаб: «Қани, бир тилингни кўрсатчи»,—дерди. Булутнинг тили — яшин-да. У тўлқинларга, соҳил шабадаларига, бўронларга ҳам врачлик қиларди. Океан унинг пациенти эди. Врач касалхонани кезиб, беморларининг касалларидан бир-бир хабар олиб чиққанидек, у ҳам оламни кезиб чиққан, ҳамма жойнинг об-ҳавосини, иқлимни ўрганиб чиққанди. Фасллар патологиясини мукаммал билиб олганди у. У ҳатто: «1796 йилда бир гал барометрнинг кўрсаткичи бўрондан уч даража пастни кўрсатганди» каби фактларни айтарди. У туб маъноси билан денгизчи эди. Денгизга нисбатан муҳаббати қанча зўр бўлса, Англияга нисбатан қалбида шунчалик зўр нафрати бор эди. Заиф томонларини билиб олиш учун у инглиз флотини мукаммал ўрганганди. 1637 йилда ишланган «Соверен»нинг 1670 йилги «Қирол Вильям»дан ва 1755 йилги «Ғалаба»дан нималари билан фарқ қилишини айтиб бера оларди. Кемаларнинг сувдан ташқари қисмларини таққослаб, у инглиз кемаларининг палубасида миноралари ва мачталарда кузатувчи майдончаси йўқ, 1514 йилда қурилган «Катта Гарри»да шунақа майдонча бор эди, энди французлар кеманинг қасрини нишонга олади, деб афсусланарди. Флотига қараб миллатга баҳо берарди у; гапида галати иборалар, синоним сўзлар кўп бўларди. Англияни у «Маяк ва лоцманлар уюшмаси» деб, Шотландияни «Шимолий идора» деб, Ирландияни эса «Бортдаги бал-

¹ Лев Ун-иккинчи — Рим папаси (1823—1828).

ласт» деб атарди. Кўп нарсани биларди; у қўлланма, календарь сифатида иш берар, ўлчовлар, чегарадан ўтганда олинадиган бож-хирожларни пухта билиши билан справочник вазифасини ҳам ўтарди. Хусусан инглизлар оладиган бож-хирожларни яхши биларди. У: «Смолл-Рок маягига илгарилари фақат икки юз галлен мой сарфлангани, ҳозир бир ярим минг галлен мой ёқиладигани ҳақидаги фактларни ҳам биларди. Бир куни капитан сафар пайтида қаттиқ касал бўлиб қолди, бутун экипаж уни ўлади деб ўйлаб, унинг тўшаги ёнига желди, у эса бетоблигига қарамай, кема дурадгорига мурожаат қилиб, хириллаб-хириллаб кеманинг тузатиладиган жойларини қандай тузатиш кераклигини маслаҳат берди. Ана шунақа ўтқир одам эди у.

Стол атрофида ўтирганлар ўз ишлари тўғрисидагина гаплашардилар. Лекин февралнинг бошларида ҳаммаларини қизиқтирадиган бир гап бўлди. Уч мачтали «Тамолипас» кемаси ва унинг капитани Зуэла ҳамманинг диққатини тортди; бу кема Чилидан келганди, яна қайтиб кетиши керак эди. Савдо кемаларининг капитанларини бу кемага юкланган юк қизиқтирар, чиновникларни эса кеманинг қандай тезлик билан сузиши қизиқтирарди.

Капитан Зуэла Копнапода яшарди, у чилилик ё колумбиялик бўлса керак, гоҳ Боливар томонида, гоҳ Морилье¹ томонида туриб урушларда қатнашган, қайси томондан кўпроқ манфаатдор бўлса, ўша томонда жўринарди. У томонга ҳам, бу томонга ҳам хизмат қилиб, катта бойлик орттирганди. Зуэла Бурбонларнинг ашаддий тарафдори ва бонапартчи, либерал ва монархиячи, атеист ва католик эди. Манфаатпарастлар партиясини тузилганда, унга бажонидил аъзо бўлар эди. У аҳён-аҳёнда иш билан Францияга борар, миш-мишларга қараганда, ҳар қанақа қочоқларни ўз кемасига олаверар, уларнинг кимлиги билан қизиқмас, фақат кира ҳақини тўласа бас эди унга. Бу соҳада осонгина усулдан фойдаланарди у. Қочоқ уни қирғоқнинг бирор пастқам жойида кутиб турарди, жўнаш олдидан бирор қайиққа ўтқазиб

¹ С и м о н Б о л и в а р (1783—1830)— Жанубий Америкада Испания мустамлакаларининг мустақиллиги учун курашган. Боливия Республикаси (1825) унинг номига аталганди. П а б л о М о р и л ь о — испан генерали, Жанубий Америкага исённи бостириш учун юборилган; Боливарга қарши кескин курашган, ammo мағлубиятга учраган.

кемага келтирарди уни. Утган галги рейсда у Бертон иши¹ бўйича сиртдан жазоланган бир қочоқни олиб кетган, бу гал эса Бидасоадаги тўқнашувда² қатнашган бир неча кишини олиб кетиш ниятида экан, бу ҳақда полиция огоҳлантириб қўйилганлиги туфайли, уни пойлаб юришганди.

Уша даврларда қочоқлар кўп бўларди. Тиклаш реакция демакдир; революция муҳожирлик олиб келди, Тиклаш даври эса сургунларни. Бурбонлар ҳокимиятга қайтган дастлабки етти-саккиз йил саросимали йиллар бўлди: банкчилар, саноат эгалари, қоммерсантлар синиш ваҳимаси остида бўлдилар. Сиёсатда ҳам саросималик ҳукмронлик қилди. Лавалет қочди, Лефевр-Денуэт қочди, Делон қочди³. Фавқулодда судлар иш кўрди, бу камлик қилаётгандек Трестальон⁴ пайдо бўлиб қолди. Одамлар Сомюр кўприги, Реоль сайилгоҳи, Париж расадхонасининг деворлари, Авиньондаги Ториасс минораси каби қатлгоҳлардан нари қочишга, жон сақлаб қолишга уринарди. Бу ерлар реакция-символи сифатида

¹ Бертон иши — Жак-Батист Бертон — Наполеон генерали. Тиклаш даврида Сомюр шаҳрида «Эркинлик рицарлари» деган яширин жамиятга бошчилик қилган. Бу жамият Париж республикачилари билан алоқада бўлган. Жамият Бурбонлар сулоласига қарши кўзғолон уюштиришга уринган. Лекин провокаторлар томонидан ошкор этилиб, бошқа беш раҳбар билан биргаликда 1822 йилда қатл этилган.

² Бидасоадаги тўқнашув — 1823 йилда реакцион француз ҳукумати герцог Ангулемский бошчилигида Испания революциясини бостириш учун ҳарбий экспедиция юборган эди. Чегарадаги дарё Бидасоа соҳилларида бу қўшинлар Испанияга интервенция қилишга йўл қўймаган француз республикачилари гуруплари билан тўқнашганди.

³ Лавалет қочди, Лефевр — Денуэт қочди, Делон қочди. — Лавалет — граф, Наполеоннинг яқини, 1815 йилда Бурбонлар ҳукумати томонидан ўлимга ҳукм қилинганди, лекин қатл этиладиган кун арафасида уни кўриш учун ҳузурига келган хотинишнинг кийим-кечагини кийиб турмадан қочиб кетганди. Лефевр-Денуэт Шарль — Наполеон генерали; Людовик XVIII ҳукумати томонидан ўлимга ҳукм қилинган, Америкага қочиб, Франция мустамлакасига асос солган; 1822 йилда кема ҳалокатида ўлган. Делон (аниқроғи Друз д'Эрлон) — ўтмишда Наполеон генерали бўлган; Лефевр-Денуэт фитнасининг иштирокчиси сифатида 1815 йилда қамоққа олинган, Германияга қочган, сиртдан ўлимга ҳукм қилинганди.

⁴ Трестальон — Тиклаш даврининг дастлабки йилларида оқ террор пайтларида Франциянинг жанубида ваҳшийларча ўч олган тўдаларнинг бошлиқларидан бири.

тарихда қолди, ҳали ҳам қонли излар бор бу ерларда. Лондондаги Тистльвуд процесси ва унинг Франциядаги таъсири, Париждаги Трогов процесси ва унинг Бельгия, Швейцария, Италиядаги таъсири ваҳимаю саросимага тушишларни, қочишларни кўпайтирди, ўша пайтлардаги жамиятнинг муътабар доираларини ҳам ларзага келтирди, ички бузилишларга сабаб бўлди. Ҳар ким ўзи билан ўзи овора бўлиб қолди. Бирор сиёсий ишга аралашиниш — ҳалокатга олиб келарди. Судлар ҳукмрон доираларнинг манфаатини кўзлар. одамлар Техасга, Қояли тоғларга, Перуга, Мексикага қочардилар. Ҳозир рицарлар деб аталаётган «Луара қароқчилари»¹ ўша йилларда «Қочоқхона»лар ташкил этган эдилар. Беранженинг қўшиқларидан бирида: «Э ваҳшийлар, французлармиз биз, шуҳратли халқмиз, бизга раҳмингиз келсин»,— дейилади. Қутулишнинг бирдан-бир чораси ватанни ташлаб қочиш эди. Лекин қочиш осон иш эмас; қочиш машаққатли; қочоқ ўз йўлида кўпдан-кўп хавфхатарга дуч келади. Қочмоқ учун биров таниёлмайдиган даражада қиёфани ўзгартиш керак. Кўзга кўринган, ҳатто машҳур одамлар ҳам ўғриларга хос ҳийлалар ишлатишга, номуносиб ишлар қилишга мажбур бўлади. Кўпинча улар ўзларини сездириб қўядилар. Йўлдаги ёвлардан ўтишда улардаги одатлар, тўғрилиқ халақит берарди. Бунақа йўлларда генералга қараганда бирор ўғри ёки фирибгар кўпроқ ишончга сазовор бўлади. Афтибашарасини бўяб ўзгартишга мажбур бўлган бир беозор одамни, ўз товушини ўзгартиб гапиришга мажбур бўлиб турган ҳимматли бир одамни, юзига ниқоб кийишга мажбур бўлган шуҳратли бировни кўз олдингизга келтириб кўринг. Сохта паспортини кўрсатиб, афтидан ярамас бўлиб кўриниб турган ҳар бир одам ўз даврининг буюк кишиларидан бири бўлиб чиқиши мумкин эди. Шубҳали кўринган ҳар бир киши муттаҳам ҳам бўлиши мумкин, даврнинг қаҳрамони ҳам. Ўша давр шунақа эди. Тарих китобларида булар тўғрисида ёзилмайди, лекин санъаткор олдида даврни ҳаққоний ифодалаш

¹ Луара қароқчилари — Бурбонларнинг тарафдорлари томонидан Наполеон I армияси масхара қилиниб шунақа аталган; Ватерлоодаги мағлубиятдан (1815) кейин Наполеоннинг қўшинлари Луарага олиб борилиб, тарқатилиб юборилганди.

вазифаси туради. Софдил одамлар орасида энг тубан, ярамаслар кун кўриб кетаверадилар, улар шубҳа остига олинмайди ҳам. Қочишдан бошқа иложи бўлмаган аблаҳ таъқибга учраган олижаноб одамлар билан бир сафда қочар, баданига сингиб кетган найрангу сохталиги билан у кўзга чалинмасди, қутулиб қоларди. Одатда ниқоб остидаги софдиллик ўзини сездириб қўяди. Сохта пул ишлаган ярамас Конвент аъзосидан кўра эпчилроқ яширина оларди.

Лекин қочиш қанчалик қийин бўлмасин, муттаҳамлар, ярамаслар учун яхши имкониятлар топиладди. Париж ёки Лондондан қочган муттаҳам ваҳшийроқ мамлакатларда ўз юртида орттириб келган «маданияти» билан обрўли одам бўлиб қолар, амал ҳам орттирарди. Жиноят қилиб қочганлар денгизнинг нариги томонида осонгина биронта руҳоний бўлиб олардилар. Одамлар сеҳргарнинг бир имоси билан ғойиб бўлган бир буюм сингари тез ғойиб бўлиб, қочоқнинг ҳаётида эртатка ўшаган воқеалар содир бўларди. Европада синиб, қарзга ботиб қочган биров Мўғулистонда буюк вазир ёки Тасманияда қирол бўлиб шуҳрат қозониши мумкин эди.

Қочоқларга ёрдам бериш сердаромад касб бўлиб қолган, бу иш савдонинг бир тармоғига айланди. Биров Англияда яширинмоқчи бўлса контрабандачиларга муурожаат қиларди; Америкада яшринмоқчи бўлганлар Зуэлага ўшаган узоқ сафарга қатновчи қаллобларга муурожат қилардилар.

II

КЛЮБЕН АЛЛАКИМНИ КЎРИБ ҚОЛДИ

Зуэла «Жан-меҳмонхонаси»га аҳён-аҳёнда бир овқатлангани келарди. Сьер Клюбен уни танирди.

Клюбен ўзини ҳеч кимдан юқори тутмас, ҳамма билан ҳам гаплашиб кетаверар, ҳатто ўғрилардан ҳам танишлари бор эди. Уғрилар орасида дўстлари ҳам бўлар, кўча-кўйда улар билан саломлашаверар эди. У инглиз контрабандачилари билан инглизча, испанлар билан испанча гаплашарди. Унинг ўз қарашлари бор эди: «Ёмонликни билиб олиб, уни яхшиликка айлантиришга ҳаракат қил.— Урмон қоровули браконьер билан гаплашгани яхши.— Лоцман денгиз қароқчисини билиши керак, қароқчи ҳам сув ости қояларига ўшайди.—

Врач заҳарни тажрибадан ўтказиб синаганидек, мен ҳам ўғриларни синашим жерак»,— дерди у. Бу гапларга эътироз билдириб бўлмасди. Ҳамма унинг бу фикрларини маъқуллар, мақтарди. Кўнглида ёмон нияти йўқ эдида. Уни ким ҳам ёмонлай оларди? У нимаики қилса, нимани маъқул билса, «ўз хизматининг ривожини учун» зарурини қилади, деб ҳисоблардилар. Сьер Клюбен самимийлиги билан кўзга ташланиб турарди. Биллур истаса ҳам жисмида доғ ҳосил қилолмайди. Узоқ йиллар ҳалол ишлаган, виждон амри билан яшаган одамларгагина шунақа ишонч билан қараш мумкин. Клюбен нима қилса, нима деса, ҳаммаси, ҳатто баъзан бирор ёмонлик қилгудай бўлса ҳам унинг одатдаги хайрли ишларидан бири деб қараларди, ҳурматга сазовор бўлаверарди. Уни эҳтиёткор киши деб билардилар. Ҳар хил ярамас одамлар билан алоқа ҳар кимнинг ҳам обрўсини тўкиши, эътиборини камайтириши мумкин, лекин сьер Клюбеннинг софдиллигини яна бир марта таъкидлаётгандай бўлиб туюлаверарди. Унинг соддадиллиги ҳам, айёрлиги ҳам бор эди, буни ҳамма биларди.

«Тамолипас»га юк ортиш тугалланаётганди. Кема жўнаб кетишга тайёр, лангар кўтариш қолганди, холос.

Бир сафар Дюранда сешанба куни кечқурун Сен-Малога қоронғи тушмай кириб келди. Сьер Клюбен капитан кўприкчасида туриб қирғоққа нигоҳ ташларкан, Кичик қўлтиқ яқинида қоялар орасидаги қумлоқ жойда гаплашиб турган икки кишини кўриб қолди. Дурбинини билан қараб, бировини таниди. У капитан Зуэла эди. Иккинчиси ҳам унга танишдек кўринди.

Зуэла билан гаплашиб турган сочлари оқарган, шляпали, қора костюм кийган новча киши афтидан квакерга¹ ўхшарди. У ерга тикилганича турарди.

«Жан меҳмонхонаси»да сьер Клюбен «Тамолипас»нинг ўн кундан кейин йўлга чиқишини билиб олди.

Клюбеннинг яна алланималарни билиб олгани кейинчалик маълум бўлди.

Кечқурун Сен-Венсан кўчасидаги қурол-яроғ сотиладиган дўконга желиб, дўжондордан:

— Револьвер деган нарсадан хабарингиз борми?— деб сўради.

¹ Квакер — XVII асрда Англияда пайдо бўлган ва Шимолий Америкада тарқалган христиан мазҳабига мансуб киши.

— Албатта, америкаликлар ўйлаб топган! — деди дў-
кондор.

— Гаплашадиган тўппонча.

— Рост. Савол ҳам беради, жавоб ҳам қайтаради.

— Эътироз ҳам билдиради.

— Рост, Клюбен жаноблари. Барабани айланиб ту-
ради.

— Беш-олти ўқ өйди.

Дўкондор маъқуллаб, бош иргаб қўйди-да, тилини
такиллайтиб қойинлигини ифодалади.

— Яхши қурол, Клюбен жаноблари. Ҳаммага ёқиб
қолади у.

— Менга олтига ўқ сөйдиган револьвер керак.

— Йўқ эди, йўқ.

— Сизни ким қуролфуруш дейди?

— Бунақаси ҳозирча йўқ. Янги қурол-да. Францияда
фақат пистолет ишлаб чиқаришяпти.

— Агтанг!

— Бунақаси ҳали сотилмаяпти.

— Агтанг!

— Энг яхши пистолетларим бор.

— Менга револьвер керак.

— Яхши қурол. Озгина сабр қилинг, Клюбен жаноб-
лари...

— Хўш?

— Мундоқ ўйлаб қарасам, ҳозир Сен-Малодан бит-
тасини топишим мумкин экан.

— Револьверми?

— Ҳа.

— Сотиладиганми?

— Ҳа.

— Кимда бор?

— Ўзим биламан. Топаман.

— Қачон келай?

— Фурсатингиз бўлганда. Ажойиб қурол-да ўзиям.

— Қачон келай?

— Мен ваъда беряпманми — ишонаверинг, топиб бе-
раман?

— Қачон келай?

— Кейинги келишингизгача топиб қўяман.

— Бу ҳақда ҳеч кимга оғиз оча кўрманг,— деб огоҳ-
лангирди уни Клюбен.

КЛЮБЕН ОЛИБ КЕТГАН НАРСАСИНИ ҚАЙТАРИБ КЕЛТИРМАДИ

Сьер Клюбен Дюрандага юк ортиб бўлди, анчагина хўкиз билан бир неча йўловчини олди-да, Сен-Малодан Гернсейга одатдагича жума куни эрталаб йўлга чиқди.

Уша жума куни пароход очиқ денгизга чиқиб олгач, капитан кўприкчасидан тушди, ўз хонасига кириб, кийимларини, қотган нон, бир неча банка консерва, какао, хронометр, денгизни кузатадиган дурбинини, хуллас зарур нарсаларини саквояжига солди-да, жерак бўлиб қолганида уни елкага ташлаб юриш учун тизимча билан боғлаб, хонасидан чиқди. Пастки қаватга тушиб, илмоқли арқонни олиб чиқди. Бу арқон кеманинг ёриқларини бекитишда, қуруқликда эса ўғриларга иш берадиган арқон эди.

Клюбен Гернсейга етиб келгач, саквояжи билан арқонни олиб Тортвалга жўнади, у ерда икки кеча-кундуз бўлиб, қуруқ қайтди.

Шуни ҳам маълум қилайликки, биз бу китобда тавсиф этган Гернсейдан ҳозирги кунда ном-нишона қолмаган, унинг қадимий кўринишлари фақат қишлоқлардагина сақланиб қолган, шаҳарларда эса аҳвол мутлақо ўзгариб кетган. Жерсей ҳам шунақа. Сент-Элье ҳозир Дьеппдан қолишмайди; Сен-Пьер порти Лориандан кам эмас. Қирқ йил мобайнида тараққиёт ва ижодкор халқ Ла-Манш архипелагининг қиёфасини таниб бўлмайдиган даражада ўзгартириб юборди. Қоронғилиқ ҳукмрон бўлган жойлар нур билан чароғон ҳозир. Келинг, ҳикоямизни давом эттирайлик.

Уша пайтларда, биз учун ҳозир узоқ ўтмиш бўлиб қолган йилларда Ла-Маншда бож тўламасдан яширинча қилинадиган савдо авж олганди. Гернсейнинг ташландиқ қирғоқлари контрабандачиларга қулай эди. Уша йилларнинг гувоҳи бўлган одамлар бор, улар ярим аср муқаддам бу қирғоқларда сузган кемаларнинг ҳатто исмларигача айтиб беришлари мумкин. Ҳар ҳафтада Авлиёлар ёки Пленмон гаванида бир-икки кема бўлиб қоларди. Мунтазам қатнаб турарди бу кемалар. Серк қирғоқларида ҳали ҳам «Дўкон» деб аталадиган бир ғор бор. Шу ғорда контрабандачилар ўз молларини сотганлар. Бунақа ишлар авж олган маҳалларда улар-

нинг ўз тиллари ҳам бўлган, бу тил ҳозир унутилган. Левантин тили италян тилига яқин бўлганидек, бу тил испан тилига яқин эди.

Англия қирғоқларида ҳам, Франция қирғоқларида ҳам контрабандачилар қонуний очиқ савдогарлар билан яширин алоқа боғлагандилар. Катта пулдорларнинг уйларига ҳам бориб турарди бу контрабандачилар, фақат махфий эшиклардан қатнар, бутун саноатнинг ҳамма тармоқларида контрабандачилар томир ёйгандилар. Уларнинг касби савдогар эди-ю, аммо асли — контрабандачи; шунақа йўл билан бойгандилар. Сеген Бургенни шунақа қилиб бойиган деса, Бурген Сегенни шунақа дерди. Уларнинг гапини инобатга олиб ўтирмаймиз, балки бир-бирини ёмонлаб, ғийбат қилишгандир. Лекин шуниси аниқ: молиявий ишлар шу контрабандасиз битмасди, қонун ҳар қанча таъқиб қилса ҳам унинг қаршисида ожиз эди. Контрабандачилар «олий зотлар» билан ҳам алоқада эдилар. Ҳатто Мандрен¹ граф Шароле билан ёнма-ён ўтиришган, ўтирганда ҳам ўз уйидек, ҳеч тортинмай бу маконда суҳбатлашишган.

Кўриниб турибдики, контрабандачиларнинг турли табақалар орасида ҳамкорлари озмунча бўлмаган. Контрабандачиларга нисбатан «туя кўрдингми — йўқ» қабилда иш тутганлар, кўриб туриб, ўзларини кўрмасликка солганлар, уларни яширганлар. Мардлик контрабандачининг асосий сифати ҳисобланган. Сир сақлаёлмайдиган контрабандачи контрабандачи эмас. Махфий савдо сирлари диний сирлардек қаттиқ тутилари.

Контрабандачи сир сақлаш тўғрисида қасам ичар, бу сирни ҳар қандай шароитда ҳам гапира кўрмасди. Контрабандачиларнинг одати шунақа эди. Уаярзенлик бир судья Қуруж гаванда қўлга тушган бир контрабандачини суд қилиб роса қийнаган, айбдор ўзига пул берган шеригини кўпчилик олдида айтмаган, ҳар қанча азобга чидаган, ҳолбуки, унинг шериги ўша судьянинг ўзи экан. Хуллас, судья қонунни ҳимоя қиламан, деб қасам ичгани учун бурчини бажариб контрабандачини жазолаган, у

¹ Л у и М а н д р е н (XVIII а с р.) — француз қароқчиси, халқ афсоналарида бойлардан ва қирол амалдорларидан қасос олувчи киши сифатида акс эттирилган. Г р а ф Ш а р л ь Ш а р о л е — Людовик XV нинг сарой амалдори, ўтакетган бераҳмлиги билан шуҳрат қозонган; масалан, томга тунука ёпаётган ишчиларни эрмак қилиб отган, уларнинг ўқ тегиб, жон талвасасига тушишларини ҳузур қилиб томоша қилган.

эса сиримни ҳеч кимга айтмайман, деб қасам ичгани учун ўз қасамини бузмаган, ўз шеригининг номини айтмаган.

Уша йилларнинг энг машҳур контрабандачилари бўлган Бласко ва Бласкитолар Пленмонга келиб турганлар. Иккаласи адаш бўлган. Испанлар ва католиклар адашларни қариндош ҳисоблайдилар.

Контрабандачиларнинг қаердаликларини билиб туриб, улар билан учрашиш ва гаплашиш жуда ҳам осон, шу билан бир қаторда жуда ҳам мушкул иш ҳисобланарди. Улар билан учрашиш учун тун ваҳималаридан қўрқмай, Пленмонга бориш ва олдингизда кўндаланг бўлиб турган савдонинг сирли масалаларини билиш талаб қилинарди.

IV

ПЛЕНМОН

Тортвалга яқин бўлган Пленмон Гернсей уч бурчагининг учларидап бири. Буруннинг охири бўлган бу жойда баланд ям-яшил тепалик юксалиб туради.

Тепаликнинг усти бўм-бўш.

Тепанинг устида бор-йўғи биттагина уй борлигидан ҳам кўзга ҳамма ёқ бўм-бўш бўлиб кўринади.

Ана шу уйга тикилганингизда оламнинг бу бурчаклари жуда ҳам ваҳимали туюлади.

Бу уйга жин-ажиналар келиб туради дейдилар.

Бу гап тўғрими, йўқми, лекин кўринишининг ўзи ҳам одамни ваҳимага солади.

Гранитдан қилинган бу икки қаватли уй атрофларини ўт босган. Уй бузилмаган. Аксинча, одам турса арзийдиган яхшигина бир уй. Деворлари қалин, мустаҳкам, томи ҳам мустаҳкам. Деворидан на бирор тош, тоmidан на бирорта черепицаси тушиб кетган. Уйнинг гишт мўриси ҳам туппа-тузук. Уй денгизга тескари қилиб қурилган. Денгиз томондаги деворга яхшироқ нигоҳ ташласангиз, суваб ташланган дераза ўрнини пайқайсиз. Томида чордоқнинг учта туйнуги кўзга ташланади, биттаси шарққа қараган, иккитаси ғарбга, учаласи ҳам суваб бекитилган. Уйнинг қуруқликка қараган олд томонида эшик билан икки дераза бор. Пастки қаватдаги эшик билан икки дераза ҳам бекитиб ташланган. Юқори қаватдаги икки очик дераза пастдаги суваб ташланганларидан ҳам хунукроқ, уй ичи қоп-қоронғи, деразаларда на ойна бор,

на ром. Сўқир кўз косаларидек хунук кўринади. Уйни ташлаб кетганлар. Деразалардан уй ичида ҳеч нарса йўқлиги кўришиб турибди. Уй ичида на гул қоғоз, на ёғоч безак бор. Яхлит тошдан қилинган деразали мақбаранинг туйнуқларидан арвоҳлар қараб тургандек ваҳм босади кишини. Уйнинг денгиз томондаги пойдеворини ёмғир ювгани-ювган. Қичитқи ўтлар шамолда силжиниб, деворни чўқилашади. Теварак атрофда, ҳатто уфқда ҳам одам яшайдиган бирор уй кўзга чалинмайди. Бу ерда сукунат ҳукмрон. Лекин деворга қулоқ тутсангиз қўрқиб қанот қоқаётган қушларнинг патирлашига ўхшаш ғалати товуш қулоғингизга чалинади. Тош қалаб ташланган эшк тепасида тошга ўйиб ёзилган ЭЛМ — ПБИЛГ ҳарфларига ва 1780 йил деб ёзилган ёзувга кўзингиз тушади.

Кечалари ой ёғдуси тушади уйга.

Атрофда ниҳоясиз денгиз. Уй чиройли жойда, лекин хафагазак. Табиат кўрки сирли бўлиб кўринади. Нега бу уйда бирор оила турмайди? Уй яхши, атроф чиройли-ку, нега уй бўм-бўш ётибди? Уй атрофидаги ер экин экишга арзийдиган бўлса, нега у ташландиқ? Эгаси йўқ. Уйнинг эшиги ҳам бекитиб ташланганича ётибди. Нима бўлдикин бу ерда? Нега одамлар бу ердан нари қочадилар? Нима гап ўтдийки? Агар ҳеч гап бўлмаган бўлса, нега бу ерларда ҳеч ким йўқ? Орол уйқуга кетганда бу ерларга келадиганлар йўқмикин? Кўз олдингда беихтиёр ваҳима билан тўла туман ва бўронлар, шамол, йиртқич қушлар, ваҳший ҳайвонлар, алланамалар кўз олдингда гавдаланади, бу уйни бир эсласангиз. Қимларга қароргоҳ бўлиб хизмат қилаётганикин у? Кечалари даразасидан жала ёки дўл уриб тургани кўз ўнгинга келади. Яшин чақнаб, момақалдироқ гумбурлаган маҳалларда бу уйнинг ичи ёмғир суви билан тўлавериб, деворларини дабдала қилиб юборган. Хоналарида довул изғигани-изғиган. Бу ерда ё бирор жиноят содир бўлдимикин? Кечалари зулмат қаърига ташланадиган бу уй бировдан нажот кутаётгандек туюлади. Аламини ютиб, сукунат сақлаётганмикин? Ёки дод солаётганмикин? Ёлғизлик саҳросида унинг қучоғида биров бўлармикин? Ҳамма ёқ қуёш нурида чарақлаган туш маҳалларида ҳам ваҳимали бўлган бу уй кечалари зулмат қучоғида қандай даҳшатли бўларкин? Унга тикилиб, шу саволларга жавоб излайсан. Фантастик кўринишларнинг ҳам ўз мантиқи

бўлади, оқшомдан тонтгача бу уйда нима ишлар бўларкин? Бу кимсасиз тепалик бениҳоя оламнинг олис-олисларида кезиб юрадиган мавжудотларни ўз қучоғига чорламаётганмикин, уларнинг ерга тушишини, инсон кўзига бир кўриниш беришини истамаётганмикин? Балки сезилмас шарпалар қуюн шаклида бу уйга келиб кирар? Балки кўзга кўринмас кўланкалар макон қилиб олгандирлар бу уйни? Бир жумбоқ бу. Ваҳима бор бу тошларда. Хоналардаги зулмат фақат зулматгина эмас: сирли кўланка. Қуёш ботади, балиқчиларнинг қайиқлари овдан қайтадилар, қушлар инларига кирадилар, подачи қоялар оша эчкиларини уйига томон ҳайдайди, илонлар инларидан чиқиб, тошлар оралаб ризқ излашга киришадилар, юлдузлар чарақлайдилар, шимол шабадаси туради, оламни зулмат қоплаб олади, икки дераза эса ҳамон илгаридегидек зулматда. Шу билан улар фантазияга имкон яратганлар; ҳам донолик, ҳам нодонлик маҳсули бўлган халқ хурофоти тун зулмати қаърида бу уйни жин-ажиналар, алвастилар, арвоҳлар макони қилиб қўяди.

Уни «жин-ажиналар макони» дейишдими — тамом.

Хурофотчилар ўзларича йўйверадилар; соғлом фикрли одамлар ҳам ўзларича мулоҳаза юритишади, улар бу уйда ҳеч қанақа сир-синаот йўқ, дейишади. Илгарилари, революцион урушлар, Империя урушлари, контрабанда ривож топган пайтларда бу ер кузатиш пости бўлган. Уй шу мақсадда қурилган. Урушлар тугади, кузатиш пости ҳам барҳам еди. Лекин уйни бузмадилар, яна бирор кун керак бўлиб қолади деб ўйладилар. Ҳар ким, ҳар нарса кирмасин деган ниятда пастки қаватдаги деразалар билан эшикни бекитиб ташлашди, денгиз томондаги дераза ва туйнукларни суваб ташладилар, жануб ва шарқ шамолларидан сақлаш учун шундай қилишга тўғри келганди. Уй уч томондан денгиз билан ўралган, уч томонда ҳам дераза бор эди. Ҳаммасини суваб ташлашди.

Лекин жоҳил ва мутаассиб одамлар ўз гапларини таъкидлаганлари-таъкидлаган. Уларнинг фикрича, уй революция урушлари пайтларида қурилган эмас. Уй пештоқига 1780 йил деб ёзилган, демак у революциядан илгари қурилган. Мутлақо кузатиш жойи бўлмаган бу ер: ЭЛМ — ПБИЛГ эса икки фамилиянинг бош ҳарфларидир, одатга кўра янги рўзгор қурган келин-куёв учун

қурилган. Тураржой бўлган бу. Нега уни ташлаб кетмишсан? Пастки қаватдаги эшик билан деразаларни суваб ташлаганлар-у, нега иккинчи қаватдаги икки деразани очик қолдирганлар? Ё ҳаммасини бекитиш керак эди, ё ҳаммасини ҳам очик қолдириш керак эди. Дераза эшиклари қани? Ромлари қани? Деразаларнинг ойналари қани? Бир ёқдаги деразаларни нега бекитишган-у, бошқа томондагисини нега қолдиришган? Уйга жанубдан ёмғир кирмасин, дейишган бўлса, шимолдан ёмғир кирар-верса майли экан-да!

Жоҳиллар янглишадилар, соғлом фикрлилар ҳам ҳамма вақт тўла ҳақ бўлиб чиқавермайдилар. Хуллас, анигини ҳеч ким билмайди.

Фақат бир нарса аниқ: контрабандачилар бу уйдан баҳраманд эмиш деган миш-мишлар бежиз эмасди.

Қўрққанда ҳамма нарса ваҳимали бўлаверади. Шубҳасиз, бу ташландиқ уйда рўй берган баъзи ҳодисалар уйдурмаларга сабаб бўлган. Одамлар бу уйга яширинча келиб, кўп ўтмай, яна денгиздан жўнаб кетганлар, шубҳали шахслар эҳтиёткорлик билан ўз ишларини қилганлар, баъзилар, одамларни чўчитиш, хурофотга ишонтириш учун ҳам жўрттага бу уйга келиб-кетиб одамларда ваҳима туғдирганлар.

Уша пайтларда ҳар қанақа ишлар бўларди. Айниқса кичик мамлакатларда полиция ожиз бўларди, ҳозиргидек ҳушёр эмасди.

Бу уйдан одамлар ҳазар қилганлари учун ҳам контрабандачилар бу ерни қулай билиб, ундан фойдаланганлар. Улар бежавотир ишларини қилаверганлар. Божхона чиновникларига ёки полицияга жин-ажиналар устидан шикоят қилишармиди? Мутахассислар жинларга қарши дуо ўқирдилар, лекин маъмуриятга шикоят қилмасдилар. Улар алланималарни кўрадилар, кўзимга кўриняпти деб ўйлайдилар, қочадилар, лекин нимани кўрганларини ҳеч кимга айтмайдилар. Қўрққанлар билан қўрқитганлар орасида аҳду паймон бордай. Қўрққанлар қўрқитганлар олдида ўзларини гуноҳкор биладилар, жин-ажиналарнинг сиридан сал-пал огоҳ бўлдим, энди уларнинг қаҳрини келтирмай, тагин бирор балога гирифтор этмасин, деб ҳеч кимга оғиз очмайдилар. Хурофотчи одамлар умуман камгап бўладилар; қўрқиш оқибатида тил тутилади, ваҳима унга: «жим-м!» — деб тургандай, оғиз очтирмайди.

Китобхонга шуни ҳам эслатайликки, қадимда Гернсей деҳқонлари Исо туғилган кунни уй ҳайвонлари билдилар, ҳар йили ўша маҳалда улар оғилхоналарда саждага бош қўяди, бу пайтда оғилхоналарга кириш гуноҳ, деб ишонардилар.

Кексаларнинг ҳикояларига қараганда, қадим замонларда бидъатчи одамлар панжалари кесиб ташланган каламушларни, қаноти қирқилган кўршапалакларни, ҳайвонларнинг суякларини, бақаларни, нўхат пояларини ва шу жабиларни уй деворига осиб қўйганлар, кўзига бирор нарса кўринганлар, жин-ажиналарнинг, арвоҳларнинг ғазабини келтирмаслик учун шунақа иримлар қилганлар. Бу рост гап, уйларда бу ғалати қурбонликлардан қолган изларни ҳали ҳам кўриш мумкин. Жодугарларга, жинларга ҳатто энг қудратли одамлар ҳам ишонганлар. Цезарь Сагандан, Наполеон Ленорман хонимдан маслаҳат олиб турган. Ҳатто иблиснинг ўзидан гуноҳдан халос қилишни илтижо қиладиган одамлар ҳам бўлади. Иблиснинг кўзига бегуноҳ бўлиб кўринишга интиладилар. Иблисларга қурбонлик қилиш шундан келиб чиққан, жаҳолатнинг бир кўриниши бу. Ваҳима жоҳилларни қийнайди, уларни баттарроқ жоҳиллаштиради. Қўрққанга қўша кўринади, бидъатчи жоҳилликдан иборат урф-одатларни қилмай иложи йўқ.

Хуллас уйнинг номи ёмонга чиққан, бир-икки кишини мустасно қилсак, ҳеч ким унинг яқинига йўламасди. Ким ўзини ўзи жинга рўпара қилгиси келади? Шундан фойдаланиб, бу уйга эҳтиёжи бўлганлар арқон ёки нарвон ёрдами билан ичкари кириб олиб, бемалол ётавериши мумкин эди. Қирқ йил бундан муқаддам бир қочоқ бу уйда узоқ яширинган. Бировлар уни сиёсий киши эди деса, бошқалар савдогарлардан эди дейишарди. Ишқилиб, у балиқчилар кемасида Англияга кетгунича шу уйда яшириниб ётган экан. Англиядан эса Америкага кетган.

Шу уйдан бир милча нарида, жануби ғарб томонда Гануа сув ости қояси кўриниб туради.

Бу сув ости қояси жуда машҳур. Кўп зиён етган ундан. Уни энг ашаддий денгиз жаллоди деб билдилар. Кечалари сузган кўп кемаларнинг бошига етган у. У бехисоб кишиларга аэроиллик қилган.

1862 йилда бу ерга маяк ўрнатдилар.

Ҳозир Гануа сув ости қояси кемаларга йўл кўрсатиб

туради, ўтмишда эса йўлдан адаштирган; эндиликда ажалнинг қўлига машъала тутқазиб қўйишибди. Энди одамлар уфққа қараб, уни излайдилар, жонларини ҳалокатдан сақлаб қоладиган ва йўл кўрсатадиган бир халоскор деб биладилар, ҳолбуки ўтмишда ундан қочардилар, уни касофат бир жой дердилар. Ўтмишдаги қароқчи ҳозирги кунда тартиб сақловчига айланиб қолди.

Учта Гануа бор: Катта Гануа, Кичик Гануа, Чайка. Кичик Гануада ҳанузгача «қизил чироқ» нур сочиб турибди. Бу ерда сув ости ва сувдан чиқиб турган тизма қоялар кўп. Ҳаммасидан юксакроғи шу. Қалъага ўхшаб кўзга ташланади у: денгиз томонда ўн уч қоя бир отряддай кеккайган, шимол томонида сув остида ижкита қоя бор; жанубида учта қоя; нарироқда икки жойда саёзлик учрайди.

Пленмон тепалиги билан Гануа орасидаги бўғозда сузиш қийин, лекин, ҳар ҳолда сузса бўлади. Сьер Клюбен шу ўртада сузиб юрарди. У бу ерларни яхши биларди, ўрганганди: Думалоқ қояда, ундан сал нарида, чапга бурилиб Қизил қояда у нафасини ростлаб оларди.

V

ИН БУЗУВЧИЛАР

Сьер Клюбен Тортвалга борган ўша шанба куни камдан-кам одамга маълум бўлган, бироқ анчадан кейин ҳаммага ошкор бўлган бир воқеа рўй берди. Ваҳима туғдиргани учун ҳам кўп воқеалар ошкор бўлмай, кўрганларнинг ичида қолиб кетишини ҳикоя қилгандик.

Шанбадан якшанбага ўтар кечаси, уч бола Пленмон қирғоғидаги тик қояларда тирмашиб юришарди. Болалар уйларига, қишлоққа қайтмоқда эдилар. Улар қушларнинг инларини ковлаб-титкилаб, уларга озор бериб юрадиган болалардан эдилар. Кун бўйи денгиз қирғоғида санғиб юрдилар. Биз бу ҳақда айтиб ўтгандик, болалар ҳам, улар излайдиган қуш болалари ҳам Жильятни ташвишлантиришини ҳикоя қилгандек.

Ҳеч нарсани кўриб бўлмайдиган зимистон тун эди. Осмонни қора булут қоплаганди. Тортваль ибодатхонаси ҳозиргина соат учга қўнғироқ чалганди.

Болалар жуда бемаҳалда қайтдилар. Бунинг ҳеч ажабланидиган ери йўқ. Улар Пленмон тепалигига яқин қояларда балиқчиқуш тухумини қидиргандилар. Баҳор эрта келиб, қушлар эрта тухум қўя бошлагандилар. Болалар қушлар билан овора бўлиб қолиб, куннинг кеч

бўлганини сезмай қолдилар. Бу орада эса сув кўтарилиши бошланиб қолди, болалар қайиқларини қолдирган қўлтиққа қайтолмай, чўққилардан бирида сувнинг қайтишини кутиб ўтиришга мажбур бўлдилар. Шу сабабдан бемаҳалга қолиб кетдилар. Одатда оналар болаларидан ташвишланиб, хавотирланиб, уларнинг йўлига кўзлари тўрт бўлиб кутадилар-у, келганларидан кейин эса қувонч ёшлари дарров калтакка айланади, мушт бўлиб, болаларининг елкасига тушади. Болалар буни билар, шунинг учун ҳам уйларига шошилардилар. Лекин бугун эртароқ келишнинг ҳеч иложи бўлмади. Ҳар бола онаси дастлаб қучоқлаб ўпишини, кейин эса яхшилаб бир дўппослашини ҳам биларди.

Бу болалардан биттасигина беташвиш эди: у етим бола эди. Бу француз бола ота-онасиз ўсаётганди, у мана шунақа дақиқаларда ота-онаси йўқлигидан мамнун ҳам бўларди. У билан ҳеч кимнинг иши бўлмас, ҳеч ким хавотир ҳам олмасди. Қолган икки бола Гернсейнинг Тортваль қавмидан эди.

Уч бола қояларга тирмаша-тирмаша «жин-ажиналар келиб турадиган» уй олдига чиқиб олдилар.

Бирданига учаласини ҳам ваҳима босди, бунақа бемаҳалда ҳар қанақа одамни ҳам ваҳима босиши табиий эди.

Учаласининг ҳам бу ердан қочиб қолгиси келди, лекин ҳар учаласидаги болаларча синчковлик уларни тўхтаб, уйга мўралашга ундарди.

Бир зум тўхтаб турдилар.

Учаласи ҳам уйга тикилишарди.

Уй уларнинг кўзларига қоп-қоронғи, жуда ваҳимали бўлиб кўринди.

Уй олдидаги ялангликда ётган баҳайбат тошлар уларнинг кўзига аллақандай даҳшатли нарсалар бўлиб кўриниб кетди. Болалар дастлаб қочмоқчи, кейин эса яқинроққа бориб қарамоқчи бўлишди. Улар бу уйни кечаси кўрмагандилар. Бу ваҳимали уйни яқиндан кўргилари келди. Француз бола уларни, уйнинг яқинроғига бориб кўрамиз, деб ундади.

Маълумки, французлар ҳеч нарсага астойдил ишонмайдилар.

Хавф-хатарда ёнингда шерик бўлгани яхши; қўрққанда ҳам учаласи бирга қўрқар, бир-бирига далда беришарди.

Учаласининг ёшнни қўшганда ўттизга етмайдиган бу овчи болалар бирор сирдан огоҳ бўлгиси келдими, та-мом, уларни ҳеч нарса йўлдан тўхтата олмайди. Бирон қуш инига бурнини тикқан бола бошқасига мўраламай тура олармиди? Овга қизиққан бу болалар қушларнинг инини кўздан кечирдилар, энди жинлар инига бир қарасалар нима қипти? Қани, жинхонада нима борикин?

Қуш инларини ковлайверсанг, иблиснинг ҳам думини тутиб оласан. Ота-оналар қўрқитадиган нарсалардан қўрқиш керакми, керак эмасми — билиб оласан. Сеҳрли эртакларнинг мағзини бир чақиб кўриш керак. Қампирларнинг афсоналаридаги нарсаларни ўз кўзинг билан бир кўриб қўйганинг яхши-да.

Хуллас, бу фикрлар болаларни уйга яқинроқ боришга ундади. Улар уйга яқинлашдилар.

Бунинг устига, уларга етакчи бўлган бола довьюрак чиқиб қолди. Бу бола эрта вояга етган болалардан эди, устанинг шогирди бўлиб ишларди; у юмшоқ тўшакда ётиб кўрмаганди, молхонада сомон устида ётиб ухлар, ўз ризқини ўзи топар, дўриллаб гаплашар, дарахтларга ва деворларга тирмашиб чиқаверар, йўлдан ўта туриб уялмай-нетмай бировнинг олмасини узиб олаверар, ўзи эса ҳарбий кемаларни ремонт қиладиган қорхонада ишларди; тасодифий учрашувлар фарзанди бўлиб, ота-она меҳрини татимай, бировларнинг қўлида вояга етаётган бу боланинг Францияда туғилганини билишса ҳам Франциянинг қайси кўчасида туғилганини ҳеч ким билмас, беташвиш ва беғам бўлган бу бола дуч желган киши билан, агар унга паришлик биров дуч келиб қолганида ҳам ҳазиллашиб кетаверарди. У ҳозир балиқчилар қайиқларининг тешик-ёриқларини ямаб, кунига бир шиллингдан пул ишларди. Зерикканида ишни ташларди-да, қушларнинг инини ахтаришга кетарди. Бу француз бола шунақа эди.

Хувиллаб ётган бу хилватгоҳда аллақандай мудҳишлик ҳукмрон эди. Ҳамма ёқдан ваҳима босади кишини. Ясси тепаликнинг нишаби нарироқда тик кесиб денгизга тушади. Унинг тагида сокин, осойишта денгиз. Ҳаво жу-да дим. Шитир этган овоз эшитилмайди.

Болалар кичкина француз бошчилигида кўзларини уйдан узмай, аста-секин қадам ташлаб унга борган сари яқинлашиб бормоқдалар.

Болалардан бири кейинчалик ўз саргузаштлари ҳақи-

да ҳикоя қиларкан, шу пайтги ифодалаб, «уй мудраб ет-ганди», деганди.

Болалар уйга яқинлашган сари нафасларини ичларига ютиб, овоз чиқармай писиб боришарди.

Улар тепаликдан тирмашиб-тирмашиб денгизга ўтиладиган сўқмоққа чиқдилар, бир оз юриб уйнинг ёнгинасига бориб қолдилар, аммо уларга уйнинг фақат деразалари суваб ташланган жануб томонигина кўринарди; деразалари очиқ бўлган нариги томонига ўтишга юраклари дов бермади.

Қичкина француз уларни орқага қайтармади, «рулни чапга буриш керак, ҳамма нарса ўша томондан, деразалардан яхши кўринади»,— деб команда берди.

Болалар «рулни чапга буриб», бинонинг олд томони-га ўтиб олдилар.

Уйда милтиллаган чироқ кўринарди.

Болалар шартта орқага қараб қочдилар.

Анча жойга қочиб борганларидан кейин француз бола орқасига қайрилиб қаради.

— Қизиқ-ку,— деди у,— чироқ ўчибди.

Ростдан ҳам уйдаги чироқ ўчганди. Ойсиз тун қўйнида уйнинг қора сояси кўзга ташланарди.

Болаларнинг юраклари дукиллаб уриб турса ҳамки, синчковликлари барибир яна устун чиқди. Улар янада уйга яқинроқ бордилар.

Бирдан деразаларда яна ёруғлик пайдо бўлди.

Француз бола турган жойида таққа тўхтаб қолди, унинг шериклари эса орқаларига қарамай қочдилар.

Француз бола уйдан кўз узмай бутун вужуди билан тикилиб турарди.

Чироқ ўчди, бир оздан кейин яна ёнди. Атроф жуда ваҳимали эди. Шабнам қўнган ўтлар деразадан тушган ёруғликда йилтирарди. Бирдан хона деворларида аллақандай даҳшатли кўланкалар ҳаракатга келиб, липиллай бошлади.

Иккала гернсейлик бола шериклари қочмаранини кўриб, қўрқа-писа бир-бирларининг пинжига кириб яна уй томон бордилар. Француз бола эса «Уйда арвоқ бор экан, биттасининг бурнини аниқ кўриб қолдим»,— деди. Икки гернсейлик бирдан боланинг орқа томонига яшириниб олиб, оёқларининг учида туриб унинг елкаси оша уйга қизиқсиниб тикила бошладилар.

Уй ҳам уларга тикилиб тургандай кўринди. Қоронғи-

лик ичида бир жуфт кўз ростдан ҳам уларга тикилиб тургандай эди. Бу икки дераза бўлиб, ичкарида хирагина ўт милтилларда, у бирдан ловиллагандай бўларди. Кейин яна хиралашарди. Одатда олов ёқилганда шунақа бўлади.

Одамнинг гавдасига ўхшаган бир нарса деразалардан бирини тўсди, унинг ичи кўринмай қолди. Биров деразадан уйга кирди шекилли.

Деразадан одатда ўғрилар ошиб тушади.

Ўт лов этиб бир кўтарилди-ю, яна ўчди, шу бўйича кейин сира ёнмади. Уй яна зулмат пардасига ўралиб олди. Қулоққа аллақандай товушлар чалина бошлади. Бу одамларнинг гўнғирлаган товуши эди. Ҳамма вақт шунақа: кўриниб турса овози эшитилмайди, овози эшитилса, ўзи кўринмайди.

Денгизда сукунат ҳукмронлик қилмоқда эди. Бу сув саҳроси устида қушларнинг ҳам қанот қоққан товуши эшитилмайди, бундай пайтларда қатто пашшанинг гўнғиллагани ҳам қулоққа чалиниши мумкин эди. Теварак-атроф шу даражада жимжит эдики, қатто уй ичидан чиқаётган товушни аниқроқ эшитса бўларди.

— Юринглар, яқинроқ бориб кўрамиз,— деди кичкин-на француз.

Шундай деди-ю, уй томон кетди. Унинг шериклари орқада қолишдан қўрқиб, беихтиёр унга эргашдилар.

Қандайдир сабаб билан бу ялангликка келтириб ташланган бир дарахт шохидан бойўғли лир этиб учиб чиқиб кетди, шохлар шитирлаб қолди. Бойўғлининг қанот қоқиши ҳам аллақандай ваҳимали бўлади. Бойўғли болаларнинг ёнгинасидан учиб ўтди, қоронғиликда унинг кўзлари ярқираб кўринди.

Француз боланинг орқасида турган болалар чўчиб кетишди.

— Илгари қаерда эдинг, ярамас. Сени тутишга вақтим йўқ. Ҳозир ичкарида бўлаётган ишларнинг ҳаммасини кўргим келяпти.

У яна олдинроққа юрди.

Унинг оғир ботинкалари остида эзилаётган ўтларнинг шатир-шутури ичкаридан эшитилаётган овоздан баланд эмасди; ичкаридан келаётган овоз гоҳ баландлар, гоҳ пасаяр, қизгин суҳбат бораётганга ўхшарди.

Француз бола бир оз қулоқ солиб туриб:

— Жин-ажиналарга асли аҳмоқ одамлар ишонади,— деб қўйди.

Ҳамроҳнинг дадиллиги хатарли соатларда бошқаларни руҳлантиради, унинг изидан юришга ундайди.

Жин-ажиналар макони бўлган бу уй борган сари кенгаётганга ўхшарди. Ваҳима босганда кўз алданади, ҳамма нарса қўш кўринаверади. Болалар қаршисида уй ростдан ҳам катталашиб бормоқда эди, ахир, улар уйга тобора яқинлашмоқда эдилар-да.

Уйдан чиқаётган товушлар тобора аниқроқ эшитила бошлади. Болалар қулоқларини динг қилдилар. Қўрққанда товуш ҳам баланд эшитилади. Уй ичидан говуруғувор товуш эшитиларди-ю, лекин тушуниб бўлмасди. Гоҳ-гоҳ айрим сўзларни англаб олиш мумкин эди. Болалар яна бир неча қадам олға юрдилар.

— Арвоҳлар гаплашишади, дейишади, лекин мен арвоҳларга мутлақо ишонмайман,— деб пичирлади француз бола.

Унинг шериклари бута орқасига яшириниб олиш ниятида ундан анча олисга кетиб қолгандилар, француз бола эса улардан узоқлашиб, ҳамон уйга томон яқинлашмоқда эди. Унинг орқасидан боришга ҳам, орқага қочишга ҳам юрак йўқ.

Хуллас, улар француз болага эргашдилар.

У шерикларига ўгирилиб:

— Жин-ажиналар ҳаммаси бўлмаган гап. Мана ҳозир кўрасизлар, уйда ҳеч нарса йўқ,— деди.

Уй эса тобора катталашиб бормоқда эди. Товушлар ҳам борган сари баландроқ эшитилаборди.

Болалар уйга етдилар. Улар кўрган ёруғлик чўнтак фонарининг ёғдуси экан.

Тортваллик болалардан бири тетикланиб:

— Бу ерда ҳеч қанақа арвоҳ-парвоҳ йўқ, алвастилар бўлса керак,— деди.

— Деразадан осилиб турган нарса нима?— деб сўради бошқаси.

— Арқонга ўхшайди.

— Илон-ку бу!

— Йўқ, бу бир осийнинг арқони,— деди билимдонлик билан француз бола.— Бу арқон омад келтиради, дейдилар, лекин мен ишонмайман.

У жуда дадил ҳаракат қиларди. Уч қадам қўйди-да, уй деворига ёндашди. Шериклари ҳам ундан қолишмади.

ликка ҳаракат қилдилар. Бирн унинг чап томонига, бошқаси ўнг томонига ўтди-да, уйдаги гўнғир-гўнғир овозга қулоқ солиб туришди. Уйдагилар испан тилида гаплашмоқда эдилар:

- Келишдикми?
- Келишдик.
- Бўлдими?
- Бўлди.
- Биров шу ерда кутиб туради. У Англияга Бласкито билан кета оладими?
- Пул тўлайдими?
- Тўлайди.
- Бласкито уни ўз қайиғига олади.
- Қаерданлигини суриштириб ўтирмайдими?
- Бизга дахли йўқ бунинг.
- Исмини ҳам сўрамайдими?
- Исми керак эмас унга, пули кўпроқ бўлса бас.
- Жуда соз. У уйда кутиб туради.
- Озиқ-овқатни мўлроқ ғамласин.
- Озиқ-овқат бор.
- Қани?
- Мен олиб келган саквояжда.
- Жуда соз.
- Уни шу ерда қолдирсак бўладими?
- Контрабандачилар тегмайдилар, улар ўғри эмас.
- Узингиз қачон жетасиз?
- Эртага эрталаб. Танишимиз тайёр бўлганда бизлар билан бирга жетади.
- У тайёр эмас ҳали.
- Ҳечқиси йўқ.
- Шундай қилиб, бу уйда неча кун кутиб туради у?
- Уч-тўрт кун. Балки бир оз камроқ, ёки сал кўпроқ кутиб туриши мумкин.
- Бласкитонинг келиши аниқми?
- Аниқ.
- Шу ерга, Пленмонга-я?
- Шу ерга, Пленмонга.
- Қачон?
- Келаси ҳафтага.
- Қайси кун?
- Жума, шанба ё якшанбада.
- Алдамасмикин?
- У менинг адашим.

- Ҳар қандай ҳавода ҳам келаверадимми?
- Келаверади. Ҳеч нарсадан қўрқмайди у. Менинг отим Бласко, уники Бласкито.
- Гернсейга келиши муқаррар экан-да?
- Муқаррар. Бир ой мен келаман, кейинги ой у, галма-гал қатнаймиз.
- Тушунарли.
- Кейинги шанбадан кейин, яъни бир ҳафтадан кейин, орадан беш кун ўтар-ўтмас Бласкито шу ерда бўлади.
- Борди-ю, денгизда бўрон бўлса-чи?
- Ёгингарчилик бўлса-чи, дейсизми?
- Ҳа.
- Сал тутилиб қолади, лекин барибир келади.
- Қаердан?
- Бильбаодан.
- Қаерга жўнайди ўзи?
- Портландга.
- Жуда соз.
- Ё Торбэйга жўнайди.
- Яна яхши.
- Танишингиз хотиржам бўлаверсин.
- Бласкито билдириб қўймасмикин?
- Қўрқоқлар сотқин бўладилар. Биз эса довюрак одамлармиз. Муз ёнмас, кемачи сотқинлик қилмас, деган гап бор.
- Гапимизни ҳеч ким эшитмаётганмикин?
- Гапимизни ҳеч ким эшитмайди ҳам, ўзимизни ҳеч ким кўрмайди ҳам. Қўрқинч бу жойни хилватгоҳга айлантирган.
- Биладан.
- Ким ҳам юрак ютиб гапимизни тинглай оларди?
- Рост.
- Эшитганларида ҳам ҳеч балога тушунолмайдилар. Уз тилимизда гаплашяпмиз, бу ерда ҳеч ким тушунмайди. Сиз эса ўз одамимизсиз.
- Мен сиз билан ваъдалашгани келгандим.
- Яхши қилибсиз.
- Энди кетсам ҳам бўлади.
- Майли.
- Агар йўловчи Бласкитодан Портланд ёки Торбэйга эмас, улардан ҳам оқсироққа олиб боришини илтимос қилиб қолса-чи?

— Ҳақиғи икки ҳисса ортиқроқ берса бас.
— Шунда Бласкито йўловчи нима деса қилавера-
дими?

— Қилаверади.

— Торбэйгача анча сузиладими?

— Шамолга боғлиқ.

— Саккиз соатларда етса бўладими?

— Олдинроқ ҳам етиш мумкин, кейинроқ ҳам.

— Бласкито йўловчининг ҳар қанақа гапига кўнаве-
ради ми?

— Агар денгиз Бласкитонинг гапига кирса, у ҳам йў-
ловчининг гапига киради.

— Ундан пул аяшмайди.

— Пул — пулдир, шамол эса шамол.

— Бу ҳақ гап.

— Инсон олтиннинг ёрдами билан қўлидан келгани-
ни қилади, худо эса шамолнинг ёрдами билан истагани-
ни қилади.

— Бласкито билан жўнайдиган киши жума кунини шу
ерга келади.

— Яхши.

— Бласкито қай вақтда келади?

— Кечаси. Кечаси келиб, кечаси кетамиз. Денгиз —
хотинимиз, қоронғи кеча — синглимиз бўлади, хотинимиз
бевафолик қилиб қўйиши мумкин, лекин синглимиз ҳеч
қачон бевафолик қилмайди бизга.

— Бўпти, гап битта. Хайр, йигитлар.

— Хайрли тун. Йўлга ароқ олмайсизми?

— Ташаккур.

— Тоза ароқ.

— Шундай қилиб, сўз бердингиз-а.

— «Чин сўз» — менинг лақабим.

— Хайр.

— Сиз жентльменсиз, мен эса рицарман.

Кўриниб турибдики, фақат иблисларгина шунақа ту-
шуниб бўлмайдиган қилиб гаплашишлари мумкин. Бо-
лалар бошқа қулоқ солиб ўтиришмади, қочишди, фран-
цуз бола эса ҳаммадан чаққонроқ қоча бошлади.

Кейинги ҳафтанинг сешанба кунини сьер Клюбен Дю-
рандани яна Сен-Малога олиб келди.

«Тамолипас» ҳамон рейдда турарди.

Сьер Клюбен трубка чекатуриб, «Жан меҳмонхона-
си» эгасидан сўради:

— Бу «Тамолипас» қачон йўлга чиқади?

— Индинга, пайшанбада, — деди меҳмонхона эгаси.

Уша оқшом сьер Клюбен қирғоқ соқчилари столида овқатланиб, ўз одатига хилоф равишда уйдан чиқиб кетди. Шунинг учун ҳам у Дюранданинг идорасида йўқ эди; у пароходга ҳам деярли юк қабул қилмади. Ўз ишига пухта бўлган бир одам учун бу ғайри табиий ҳол эди.

Сарроф ошнаси билан озгина суҳбатлашган бўлди.

У Ногет ибодатхонаси чироқларни ўчиришга занг чалгандан кейин орадан икки соат ўтгач қайтди. Одатда соат ўнда занг чалинади. Демак у ярим кечада келган экан.

VI

ЖАКРЕСАРДА

Қирқ йил илгари Сен-Малода Кутанше деган тор кўча бор эди. Бу кўча ҳозир йўқ, у шаҳарни қайта қуриш вақтида бузилиб жетган.

Уша пайтларда кўчанинг икки ёнида ёғоч уйлар саф тортгандилар. Кўча тор бўлгани устига ўртадан ариқча ҳам оқарди, йўловчилар ариқнинг икки лабига оёқ босиб, қийналиб, ўнг-сўлдаги уйларга туртиниб-суртиниб ўтардилар. Урта асрлардан қолган бу норманд иморатлари ҳам одамлар сингари қариган, қариб хунуклашиб қолганди; ҳар бир вайрона уй жодугар кампирни эслатарди. Чўккан пастки қават, туртиб чиқиб турган болохоналар, қийшайиб кетган айвончалар, уйларнинг занг босиб кетган темир безаклар қарти кетиб парти қолган шум кампирларнинг ияклари, лаблари, бурунлари, қошларига ўхшайди. Чордоқларнинг туйнуқлари эса кампирнинг хиралашиб кетган кўзига ўхшайди, улар ҳам эгри-бугри. Тўсин босиб, дарз кетган деворлар эса уларнинг ажин босган юзларига ўхшайди, икки томондаги уйлар пешоналарини бир-бирларига тираб пичирлашаётгандай, бировнинг ғийбатини қилиб тургандай. Меъморликнинг бу мискин намуналари ўтмишдан қолган қароқчиҳона, қиморхона, фаҳшхона деган номларни эслатарди кишига.

Бу кўчадаги энг катта, диққатни кўпроқ тортадиган уй Жакресарда деб аталарди.

Жакресарда уй-жойсиз кишилар макони эди. Ҳамма шаҳарларда, айниқса портларда инсонлик қиёфасини йў-

қотганлар анча-мунча бўлади. Уларнинг кимлигини судлар ҳам аниқлашга қийналадилар. Санғиб юрадиган текинхўрлар, қулай фурсатни кўзлаб юрадиган ўғрилар, ҳар хил фирибгарлар, жулдурвоқилар, дайдилар, ахлоқи тубан турли-туман одамлар, омадсиз майда ўғрилар (катталари ишини ўнглаб, сувдан қуруқ чиқиб юраверади), фоҳишалар, қашшоқ алдамчилар, оч-яланғочлар, пул кўрмаганлар, ишқилиб, ижтимоий кураш тўлқинлари оқимдан чеккага бир хасдек улоқтириб ташлаган, инсоний қиёфасидан маҳрум бўлиб қолганлар шу ерга йиғилардилар. Бу ердагилар ҳайвоний қиёфасидаги инсонлардир. Бу ер тирик жонлар ахлатхонаси эди. Полиция бунақа жойларга камдан-кам келади.

Бунақа фақшхоналарда ашаддий жиноятчилар, қотиллар, ўғрилар йўқ — булар жоҳиллик ва қашшоқлик қурбонлари, холос. Ичкилик оқибатидагина бу ердагилар бир-бирини ўлдириб қўйиши мумкин; бу ердаги ўғрилар ҳам майда ўғрилар, кисавурлар, холос. Бу ердагилар ўз қиёфалари билан кишининг раҳмини келтиради, нари борганда улардан хафа бўласан, лекин башараларига қараб туфургинг келадиган, ашаддий ғазаб кўзгатадиганлар эмас булар. Булар дайдилар, аммо зўравон йиртқичлар эмас. Лекин ҳаммаси ҳам бир хил эмас, уларга ишониб бўлади дейсизми? Улар орасида ашаддий йиртқичлари ҳам бўлади, баъзан шунақа тубанлар орасига ёвуз, аблаҳ кишилар ҳам адашиб-улоқиб келиб қоладилар. Бир кун полиция тузоқ ташлаб, Ласнерни¹ Эписьедан тутиб олган, Сен-Малода Жакресарда қанақа жой бўлса, Париждаги Эписье ҳам шунақа жой эди.

Бунақа жойларда катта жиноятчилар, баъзан тўғри ва ҳалол, лекин бадбахт одамлар ҳам учрайди. Лекин ҳаммаси ҳам тубанликка юз тутган. Тақдирнинг тақозоси билан софдил ва ҳалол одамлар ҳам бундай жойларга келиб қоларкан, бунинг сабаби бор — уларнинг шунақа тубанликка тушишларига йўл қўйилади, улар ҳимоя қилинмайди. Луврга кўр-кўрона сажда қилиб зиндондагилардан нафратланиш тўғри эмас. Жамоатчиликнинг ҳурматига ҳам, танбеҳига ҳам танқидий кўз билан қараш керак. Ҳар қанақа кутилмаган воқеалар бўлади. Фоҳишахонага фаришта, ахлатлар орасига гавҳар тушиб қолган бўлиши мумкин.

¹ Л а с н е р — жиноятчи, қотил, 1836 йилда Парижда кўп марта қилган қотилликларни учун қатл этилган.

Жакресарда уйдан кўра қўрага, ҳатто қудуққа кўпроқ ўхшарди. Кўча томонда ҳеч қанақа дераза йўқ. Уйнинг олд томонида баланд девор, унга пастажкина эшик ўрнатилган. Лўкидонни кўтариб туриб эшикни ичкарига итариб очиб ҳовлига чиқилади.

Ҳовлининг ўртасида гирдига тош терилган ўра бор — бу қудуқ. Ҳовли тор, қудуқ кенгроқ.

Чорбурчак ҳовлининг уч томони иморат. Кўча ёқда — девор; кўча эшикнинг қаршисида ҳам, икки ёнида ҳам қатор уйлар — турар жойлар.

Қош қорайганда бу ҳовлига таваккал қилиб кириб қолсангиз, оломон олаётган нафасга ўхшаган ғалати шов-шув қулоғингизга чалинади, агар ҳаво очиқ бўлса, ой-юлдузлар ёғдусида қўйидаги кўринишни томоша қилишингиз мумкин:

Ҳовли. Қудуқ. Кўча эшикнинг рўпарасида тўрт бурчак тақа шаклида айвон. Ходалардан қилинган шифт, унда бунда ғишт устунлар, ҳовлининг қоқ ўртасида қудуқ. Қудуқнинг атрофига тўшалган шохол устида йиртиқ тагчармлар, едирилиб қийшайиб кетган пошналар, чуриган эски ботинкалардан чиқиб турган бармоқлар, беҳисоб яланг оёқлар кўзингизга кўринади — улар эркаклар, аёллар, болаларнинг оёқлари. Ҳаммаси ухлаб ётибди.

Сал нариги айвонда қоронғилик қўйнида чўзилиб ётган кишиларнинг гавдалари, бошлари зўрға кўзга чалинади, ҳаммаси қаттиқ уйқуда. Эркаклар ва аёллар ёнма-ён қисилишиб ётишибди, кир ва жулдур кийимлар, ифлос баданлар. Истаган одам бу ерга келиб ухлаши мумкин. Ҳафтасига икки су тўласа бас. Ухлаётганларнинг оёқлари қудуқнинг гирдига тегиб турибди. Ёмғир ёққанда бу оёқлар ёмғирда қолаверади; қиш тунларида таналар қор билан қопланади.

Кимлар булар? Ҳеч ким билмайди. Улар бу ерга кечқурун келишар, эрталаб ҳаммаси ғойиб бўларди. Бу кўланкаларни ижтимоий тузумимиз яратган. Баъзилари бир кечата суқулиб кириб, ҳақ тўламай кетиб қолардилар. Баъзилари кун бўйи овқатланмасди. Тубанликнинг, ифлосликнинг, аламзадаликнинг ҳар қанақа кўринишлари бор бу ерда; ифлосликнинг умумий тўшағида умумий уйқу. Уларнинг тушлари ҳам ўзларига яраша ярамас бўлади: ифлослик қучоғида машаққатдан бўлак туш кўрмайдилар, бахт уларнинг тушига ҳам кирмайди. Ҳорғинлик, мадорсизлик, мастларнинг бадбўй ҳидлари,

оч-наҳор умидсиз санғийвериб гангиш, кўкарган қовоқлар, виждон азоби, чиппакка чиққан орзулар, тароқ кўрмаган паришон сочларга илашган ахлатлар, шишган қовоқлар, гуноҳга ботиб дуч келган билан ўпишиш ва ҳоказолар макони бу ер. Одамларни бу ерга қисмат, довдирашлар, гангишлар олиб келган, турмадан чиқиб, аллақайлардан қочиб келганлар, ҳодиса, тун уларни бу ерга ундаган. Тақдир ўз ахлат яшигини ҳар кун шу ерга бўшатиб туради. Ким истаса киради бу ерга, истаган одам ухлаб қолади, истаганини валдирайверади — халақит беришмайди. Ҳар бир келгинди бошқаларга қўшилиб кетади бу ерда, бошқалардек келиб ухлайди, ўзга илож йўқ. Улар ўлимга рози, ўлимни кутишдан бошқа чоралари йўқ.

Одамлар жон талвасасида кўз юмадилар, ҳар кеч шу аҳвол. Буларнинг ўзи қаёқлардан келган? Жамият қучоғидан суриб чиқарилган хўрланганлар, ҳаёт денгизидан итқитиб юборилган ифлос кўпиклар улар.

Ҳаммага ҳам похол етишавермасди. Ярим яланғоч танлар тош устида ётишга мажбур эди. Ҳолдан тойиб уйқуга бош қўйишар, аъзойи баданлари сирқираб оғриб уйқудан туришарди. Усти очиқ қудуқнинг чуқурлиги ўттиз фут келарди. Ҳовлидаги ёмғир сувлари, ифлосликлар тушиб турарди унга. Ёғоч пақир қудуқ тепасида турар, чанқаганлар сув олиб ичарди. Жонидан тўйганлар унга ўзини ташлардилар. Ифлослик қучоғида уйқу ўлим билан алмашинарди. 1819 йилда бу қудуқдан ўн тўрт яшар бир боланинг жасадини топгандилар.

Бу даргоҳнинг шинавандаларни «ўз одамлари»га ёмонликни раво кўрмас, «бегоналар»га кун бермасдилар.

Бу ердагилар бир-бирларини танирмикин? Йўқ. Сизгирлик билан бир-бирларининг кимлигини пайқаб оладилар.

Бу даргоҳга ёш, келишгангина, бошига лентали чепец кийган, ёғоч оёқли бир жувон хўжайинлик қиларди. У юз-кўзини аҳён-аҳёнда шу қудуқ сувига юварди.

Тонг отиши билан ҳовли бўшаб қоларди.

Ҳовли юзида хўроз ва товуқлар гўнг титиб юрардилар. Ҳовлида тепасига кўндаланг ёғоч ташланган икки устун бор эди. Бу шароитда у дорга ўхшаб турарди. Чўлоқ бека ёмғирда ивиган исқирт шоҳи кўйлагини шу ёғочга ёйиб қуритарди.

Айвоннинг устида болохона, унинг устида чордоқ бор эди, булар ҳам тўрт бурчак тақа шаклида эдилар. Айвоннинг томи тешилган бўлиб, бу ерга болохонага чиқиладиган нарвон ўрнатилганди. Нарвоннинг қирсиллайдиган омонат пояларидан чўлоқ бека зўрға чиқиб тушарди.

Бир неча кунга ёки бир ҳафтага ҳақ тўлаган кишилар пастда айвонда, донмий турувчилар болохонада тунардилар.

Болохонадаги дераза ромлари ойнасиз, эшик ёндорлари турибди-ю, эшикларнинг ўзи йўқ. Мўриси бор-у, печкаси йўқ эди. Хонадан хонага тўрт бурчак туйнуклар орқали ўтилар, ёки бузилган деворларнинг синчлари орасидан ўтаверардилар. Полда кўчиб тушган сувоқ парчалари сочилиб ётарди. Бу уйнинг қуламай қад кўтариб турганига ҳайрон бўларди киши. Кучли шамолларда қисирлаб турарди. Одамлар эскириб чириб кетган зинапоялардан зўрға қадам ташлардилар. Деворлар ёрилиб кетганди. Губка ўзига сувни қандай олса, бу уй ҳам қиш намини ўзига шундай тортар, лекин ўргимчакларнинг кўплиги бу уйнинг ҳали-вери қуламаслигидан дарак бериб турарди. Уй ичида ҳеч қандай жиҳоз йўқ эди. Бурчакларда икки-учта йиртиқ тўшак ётар, ичидаги сомонлари чиқиб турарди. У ер-бу ерда кружка ва сопол идишлар кўзга чалинарди. Уйдан анқиб турган қўланса ҳид кўнгилни оздирарди.

Болохона деразасидан ҳовли ахлат ташувчининг ахлат ортилган аравасига ўхшаб кўринар, ҳовлидаги одамларни занглаган, моғор босган бошқа нарсалардан фарқ қилиш амри маҳол эди. Ҳаммаси ҳам ҳар қанақа: одамлар ташлаган, ҳаёт улоқтирган чиқиндилар-да.

Жакресардада истиқомат қилувчилар орасида кўпдан бери яшаётган уч киши бор эди. Булар: кўмир ташувчи, латта-путта йиғувчи ва алхимик. Кўмир ташувчи билан латта-путта йиғувчи пастки қаватда иккита сомон тўлатилган тўшакни эгаллаб олгандилар. Ихтирочи кимёгар эса юқори қаватда истиқомат қиларди. Чўлоқ беканинг қаерда ётиб-туриши номаълум. Ихтирочи алхимик шоир ҳам эди. У энг тепада, черепица том остидаги чордоқда турар, бу ерда катта тош печка ва туйнук бўлиб, шамол дарадагидек эмин-эркин кезарди. Деразача ойнасиз бўлиб, алхимик ойна ўрнига бир парча тунука қоқиб қўйганди. Хуллас, туйнукдан қатра ёруглик кирмасди-ю,

лекин совуқ уриб турарди. Кўмир ташувчи ижара ҳақи-га аҳён-аҳёнда бир қоп кўмир келтириб берарди; латта-путта ташувчи ҳар ҳафта товуқларга дон келтириб берарди; алхимик ижара ҳақиға ҳеч нарса бермасди. У катта бойлик умидида яшар, печга уйнинг ёғочларидан олиб ёқарди. У деворлардаги панелларни бир-бир олиб ёқди. Гоҳ шифтдан, гоҳ томдан қўлига илинган ёғочларни печга тиқарди, бу ёғочларни ёқиб «олтин» тайёрлаш умидида алланималар солиб қозонини бетиним қайнатар, нималарнидир эритарди. Латта-путталар ташувчи ўзи ётадиган деворга икки қатор қилиб ижара ҳақиға тўлаганларини ёзиб қўйганди; бўр билан ёзилган бу қаторларнинг биттаси нуқул учлардан, иккинчиси бешлардан иборат эди. Бу—ғалланинг нархи, уч лиар ё беш сантим. Алхимикнинг «қозон»и синган бомба бўлиб, уни аллақаёқлардан топиб келган, унга тилла қайнатиш учун «қозон» мартабасини инъом этиб, ўз муроди йўлида уни бир қуролга айлантирганди. Алхимик баъзан пастга тушиб, гап сотарди. Қашшоқларга ғўдайиб нигоҳ ташларкан: «Бу халқ хурофотга берилган»,— дерди. У то фан оламида бир ажойиб янгилик очмагунимча ўлмайман, дерди, унинг устидан роса кулардилар, у эса атрофидагиларни жоҳиллар ҳисобларди. Алхимик шу мазмунда гаплар гапиргач, яна юқорига қўтарилиб кетарди. Унинг «ажойиб янгилиги» эса жўп ёқилғи талаб қиларди. У зинапоя панжараларини ҳам ёқиб тамом қилди. Бугун уй унинг «ажойиб янгилиги» йўлида кулга айланди. Уй бекасининг жиғи-бийрони чиқиб, бугун-эрта девордан бошқа нарса қолмайди, деб хуноб бўларди. Алхимик унга атаб шеърлар ёзиб, унинг кўнглини овларди. Жак-ресарда шунақа даргоҳ эди.

Бу ерда ўн икки яшар болами, ёки олтмишларга борган митти одамми, ишқилиб, шунақа бир киши хизматкорлик қилар, қўлидан супурги тушмасди.

Уйда доимий турувчилар ҳовлига кўча эшикдан кирарди, кўниб кетадиганлар эса дўкон орқали кирардилар.

Қанақа дўкон бу?

Кўча томондаги баланд деворда, кўча эшикдан ўнг ёқда тўрт бурчак бир туйнук бўлиб, у ҳам эшик, ҳам дераза хизматини ўтар, деразаси ойнали эди. Уйдаги бирдан-бир ойналик ром шу эди. Шу деразадан ичкарига кирилса, ҳужрача. Эшикнинг тепасига кўмир билан:

«Бу ерда антиқа моллар сотилади», деб ёзиб қўйилган. Уша пайтларда бунақа иборалар кўпчиликнинг диққатини тортарди. Уч қатор ойнавон тоқчаларда дастасиз чинни кўзачалар, йиртиқ, очилиб ёпилмайдиган хитой зонтиклари, синиқ ва дарз кетган мис ва сопол идишлар, мижиғланган эркак ва аёл шляпалари, икки-уч чиганоқ, суяк ва мис тугмалар, Мария-Антуанеттанинг сурати солинган тамакидон, Буабертраннинг «Алгебра» китоби, бу ҳам титилиб кетган. Дўкондаги антиқа нарсалар шулардан иборат эди. Ҳовлига шу дўкон орқали яширинча кириш мумкин эди. Дўконда стол ва табуретка турарди. Бу дўконнинг хўжайини ҳам ёғоч оёқли жувон эди.

VII

ТУНГИ ХАРИДОР ВА СИРЛИ СОТУВЧИ

Клубен сешанба кuni кечқурун «Жан меҳмонхонаси»га қайтмади, чоршанба кuni кечқурун ҳам келмади.

Шу кuni қош қорая бошлаган пайтда, Кутанше тор кўчасида икки эркак кўринди; улар Жакресарда олдида тўхтадилар. Улардан бири эшикни қоқди. Дўконнинг эшиги очилди. Улар ичкарига кирдилар. Чўлоқ жувон уларни жилмайиб кутиб олди, одатда у фақат энг азиз меҳмонларнигина шундай самимий кутиб оларди. Стол устида шам ёқиғлик турарди.

Келганлар ростдан ҳам ҳурматга лойиқ одамлар эдилар.

Эшикни тиқиллатган киши: «Салом, бека. Ваъдангизга вафо қиларсиз, деган умидда келдим»,— деди.

Чўлоқ жувон яна бир жилмайиб қўйди-да, қудуқли ҳовлига яширин эшикдан уларни бошлаб чиқиб кетди. Салдан кейин ўша эшик яна очилиб, бир эркак кириб келди. У бошига картуз, эгнига блуза кийганди: блузаси остига алланимани бекитиб олгани сезилиб турарди. Эркакнинг жийимларига сомон илашган, кўзларидан ҳали уйқу қочмаганди.

У яқинроқ келди. Учовлари ҳам бир-бирларига гапсўзсиз тикилиб қолдилар. Блузали эркак итоаткорона тикилар, лекин унинг айёрлиги сезилиб турарди. У:

— Сиз қуролфуруш бўлсангиз керак?— деб сўради.

Эшикни тиқиллатган киши жавоб қайтарди:

— Ҳа. Сиз, демак, парижлик экансиз-да?

— Ҳа. Лақабим Қизилбадан.

— Қани кўрсатинг.

— Мана кўринг.

Парижлик блузасининг остидан ўша пайтларда Европада ноёб қурол бўлган револьверни чиқарди.

Револьвер яп-янги, ярқираб турарди. Келганлар уни кўздан кечира бошладилар. Эшикни тиқиллатган одам бу қуролни биларкан шекилли, револьвер тепкисини кўтарди. У револьверни ёруққа орқасини ўгириб турган ҳамроҳига узатди, у бу атрофнинг одамига ўхшамасди.

Қуролфуруш баҳосини сўради:

— Қанча берайлик?

Блуза кийган киши жавоб қайтарди:

— Мен уни Америкадан олиб келдим. Ҳар хил ҳайвонларни, маймунларни, тўтиқушларни олиб келадиган аҳмоқлар ҳам бор. Мен эса шуни олиб келгандим, ажойиб қурол.

— Қанча берайлик?— деб саволини такрорлади қуролфуруш.

— Барабани айланиб турадиган тўппонча бу.

— Қанча берайлик?

— Пақ! Бир ўқ. Пақ! Иккинчи ўқ. Пақ!.. Ўқ ёгилаверади. Нима дейсизлар? Ажойиб қурол-да!

— Қанча берайлик?

— Олти ўқ ейди-я!

— Қанча берайлик деяпман?

— Ҳар ўқига бир луидордан, олти луидор берасизлар.

— Бешга розимисиз?

— Бўлмайди. Ҳар ўққа бир луидордан. Баҳоси шу.

— Бўладиганини гапиринг. Бешта, хайми!

— Мен сизлардан ортиқча сўраётганим йўқ. Молни яхшилаб кўринг, жаноб.

— Кўрдим.

— Барабани Талейран жанобларига ўхшаб чаққон ҳаракат қилади. Парракдек айланади-я. Эҳ, ажойиб машина-да!

— Кўриб турибман.

— Нили Испанияда қуйилган.

— Сездим.

— Пўлатдан қилинган. Уни биласизми, қанақа қилиб қуйишади: домнага ҳар қанақа темирларни қалайдилар. Занг босган михлар борми, тақа борми...

— Чалғи ўроқнинг дамини ҳам.

— Мен ҳам шунни айтмай деб турувдим, қуролфуруш жаноблари. Керагича қиздиришади, қарабсизки, ажойиб пўлат тайёр...

— Ериқ, эгри-бугри жойлар, коваклар ққлиши мумкин-ку.

— Албатта! Эгри-бугри жойларини эговлаб текислашади, лекин ковак-повакларини қиздириб болғалаб йўқотадилар. Болға билан уриб-уриб ўтга солиб тоблайдилар; шундан кейин қотишмани яна тоблайдилар, яхшилаб чиниқтиргандан кейин мойлаб, қиздириб, яна нима балолар қилиб, хуллас, нил қилиб тайёрлайдилар.

— Бунақа ишларга моҳирлигингиз сезилиб турибди!

— Ҳар қанақа иш қўлимдан келади.

— Нили кўкимтирроққа ўхшайди.

— Ҳамма гап шунда-да, қуролфуруш жаноблари. Ёғлиқ сурма ёрдамида шунақа қилинган.

— Хўш, шундай қилиб, беш луидор берарканмиз-да.

— Мен, тақсир, олти луидор олиш умидидаман, камии камлик қилади.

Қуролфуруш овозини пастлатди:

— Гапга қулоқ солинг, парижлик ошна. Омадингиз келиб турибди, хўп денг. Бунақа қурол билан қўлга тушсангиз, аҳволингиз ёмон бўлади.

— Гапингиз тўғри, буни тез пайқайдилар, бой одамларга ярашади бу,— деб уларнинг гапини тасдиқлади парижлик.

— Розимисиз бешга?

— Йўқ, олти беринг. Ҳар ўққа бир луидордан.

— Олти наполеондор берсам-чи?

— Олти луидор — бўлгани шу.

— Сиз, афтидан, бонапартчи эмассиз шекилли. Луини Наполеондан устун қўяяпсиз!

Лақаби Қизилбадан бўлган парижлик жилмайиб қўйди.

— Наполеон яхшироқ. Лекин Луи — фойдалироқ.

— Олти наполеондор бераман.

— Олти луидор. Мен учун бунинг йигирма тўрт франк тафовут бор...

— Келишолмас эканмиз-да.

— Майли, бу ўйинчоқ ўзимда қолақолади.

— Қолса қолақолсин!

— Арзонга сотиб жинни бўпманми! Янги ихтиро-ку бу!

— Хайр бўлмаса.

— Такомиллаштирилган тўппонча. Ҳиндларнинг чи-
зашиқлар қабиласи бунни «Нортей-у-Га» деб атайдди.

— Нақд беш луидор тилла билан тўлайман.

— «Нортей-у-Га» дегани — калта милтиқ дегани. Қўл
кишилар бунинг нималигини билмайди.

— Устига бир экю қўшсак розимисиз?

— Азизим, камига бўлмайди.

Орқасини ўгириб, гапга аралашмай, қўлида револь-
верни айлантириб турган киши қуролфурушнинг олдига
бориб, қулоғига шивирлади:

— Яхшимни ўзи?

— Жуда ҳам яхши.

— Бўлмаса олти луидор бераман.

Беш минутдан кейин Қизилбадан лақабли паришлик
олти луидор тиллани блузасининг яширин чўнтагига со-
либ қўйди, қуролфуруш билан биргаликда харидор ре-
вольверни шимининг чўнтагига солиб Кутанше тор кў-
часига чиқдилар.

VIII

НУҚТАЛАР

Эртасига, пайшанба куни, Сен-Малога яқин Деколле
буруни олдида, қирғоқ баланд, денгиз эса чуқур бўлган
жойда фожеали воқеа рўй берди.

Бу ерда, денгиз қоятошларни учли найза шаклида
емириб узун оролча ҳосил қилган. Қирғоқ билан бу
оролча орасида торгина бўғоз бор. Шу оролчага ўтиш
ушун унинг найза учига дуч келинади, ундан ўтиш ма-
шқатли.

Ана шу қоя тош устида кундузи соат тўртларда ка-
шошонли плаш кийган биров турарди. Плашининг ёни
да ўппайиб кўзга ташланар, бундан унинг қуроллангани-
ни билса бўларди. У турган тепалик устида турли хар-
ланг тошлар уюлиб ётарди. Лекин у тошлар орасидан
қўл топиб ўтса бўларди. Майса ўтлар билан қопланган
майдонлик ҳам денгизга тик қиялик билан туташади. Бу
қиялик денгиздан анча баланд бўлиб, ҳатто сув тошган
маҳалларда ҳам денгиз сатҳидан олтинш футча юқорида
турарди, бу майдонча атайин биров қилгандек текис. Фа-
қат чап томони бир юз емирила бошлаган, денгиз кеми-
либ, зинапоялар ҳосил қилганди. Бу табиий зинапоялар-

дан юриш қийин, ноқулай: юқорига тирмашиб чиқишга тўғри келади, пастга тушаётганда масхарабозга ўхшаб сакраб-сакраб тушилади. Бу зинапоялар тўғри денгизга олиб тушади. Сал оёқ тойиб жетса белни синдириш ҳеч гапмас. Лекин, ҳар ҳолда, пастга бир нав қилиб тушиб, қайиққа ўтириб олиш мумкин эди.

Шимолдан шамол эсди. Плашлик киши оёқларини кериб, чап қўли билан ўнг тирсагини тутиб, бир жўзини қисиб, дурбини билан уфққа боқди. У уфқдан кўз узмай жар тепасида тик тураверди. Тошқин борган сари кучаярди. Пастда тўлқинлар қояларга шиддат билан урила бошлади.

Ҳалиги одам очиқ денгиздаги кемани кузатишга киришди; бу кема шубҳали кўринди унга.

Бир соат муқаддам Сен-Мало портидан чиққан уч мачтали бу кема кутилмаганда Банкетье қоялари олдида тўхтади. Лекин негадир ундагилар лангар ташламадилар, жой чуқурлигидан лангар ташлашнинг иложи бўлмадими, ёки лангар кеманинг тумшуғи тагига тушишидан чўчишдими, хуллас, кемани дрейфга қўйдилар.

Плашидан қирғоқ қоровули эканлиги билиниб турган ҳалиги одам кеманинг ҳар бир ҳаракатини кузатиб турарди. Кема дрейфга қўйилди. Бу елканларнинг ҳолатидан билиниб турибди. Сув оқими уни соатига ярим льега яқин тезликда аста-секин оқизиб кетмоқда эди.

Ҳали қоронғилик чўкмаган, айниқса очиқ денгиз ва қояларнинг чўққилари ёп-ёруғ эди. Фақат қирғоқ қоронғилашиб қолганди.

Қирғоқ қоровули кемани кузатишга жуда ҳам берилиб кетганидан ён-атрофига қарамас, оёғи остидаги қоялар атрофида нималар содир бўлаётганини сезмасди. У қоя супачаси билан денгиз оралиғидаги зинапояга орақасини ўгирган ҳолда турарди. Зинапояда эса аллаким ғимирлаётганди. У дўнглик ортида писиб турар, афтидан бу ерга қоровулдан олдинроқ келиб яшириниб олганини билса бўларди. У дам-бадам дўнглик ортидан мўралаб, қирғоқ қоровулини кузатарди. Соябони сербар америкача шляпа кийган бу одам бундан ўн кун бурун Кичик бўғоз қоялари олдида капитан Зуэла билан гаплашиб турган киши эди.

Қоровул кемани синчиклаб кузатишда давом этаверди. Дурбинининг ойнасини енги билан артди-да, яна кўзига тутиб, кемага тўғрилади.

Кемадан бир қора нуқта ажралиб чиқди.

Денгизда чумолига ўхшаб кўринаётган бу қора нуқта қайиқ эди.

Қайиқ, афтидан, қирғоққа томон йўналди. Матрослар чаққонлик билан тез-тез эшкак эша бошладилар.

Қайиқнинг Деколле томон сузаётгани кўриниб турарди.

Қирғоқ қоровули бутун диққат-эътибори билан уларга тикилиб қолди. У қайиқдагиларнинг ҳар бир ҳаракатини назардан қочирмасди. Шу тарзда у супанинг энг четига бориб қолди.

Шу пайт унинг орқасида, табиий зинапоянинг энг тепасида худди ердан чиққандек тўсатдан новча квакер пайдо бўлиб қолди. Қоровул уни сезмади.

Квакер қўлларини мушт қилиб бир зум тараддудланиб турди-да, қоровулнинг елкасини мўлжалга олди.

Уларнинг ораси тўрт қадамча келарди. Зинапоядан кўтарилган одам бир қадам қўйди-ю, тўхтади, яна бир қадам қўйди, тагин тўхтади; тиқ этган шарпа чиқармай қадам ташлар, ҳатто оёғи остидаги ўтлар ҳам шитирламасди. Яна бир қадам ташлар-ташламас тўхтади, кейин кузатиш билан овора бўлиб турган қоровулнинг ёнгинасига бориб қолди, муштини вазминлик билан кўтариб, қоровулнинг елкасига кескин зарб билан туширди. Зарб жуда қаттиқ тушганидан қоровул ҳатто дод дейишга улгуролмай қолди. У денгизга муккаси билан қулади. Ботинкасининг таг чарми лип этиб кўринди-ю, сувга ташлаб юборилган тошдек денгизга чўкиб кетди. Денгиз уни ютиб юборганди.

Қорамтир сув бетида пайдо бўлган ҳалқа-ҳалқа гардишлар аста-секин ёйилиб кетди.

Қоя тепасидаги ўтлар устида қоровулнинг қўлидан тушган дурбингина қолганди.

Квакер пастга эгилиб ёйилиб кетаётган гардишларга бир зум тикилиб турди-да, кейин қоматини ростлаб, ғингиллаб аллақандай бир ашулани ҳиргойи қила бошлади:

Полициячи жаноб
Жон берди аранг.

У яна қайтадан эгилиб сувга тикилди. Сув бетига ҳеч нарса чиқмади, фақат қоровул чўккан жойда қизғиш доғ пайдо бўлди-да, у ҳам ёйилиб кетди. Қоровул йиқила туриб, сув остидаги тошга боши урилиб ёрилган бўл-

са керак, қизғиш доғга нигоҳ ташлай туриб, квакер ашу-
ласини давом эттирди:

Жон берса-да, постидан
Кетмади, қаранг...

Ашула бўлинди.

Унинг орқасидан бировнинг оҳиста айёрона товуши
эшитилди:

— Сиз экансиз-да, Рантен. Салом. Сиз ҳозир биров-
ни ўлдирдингиз.

Рантен орқасига ўгирилиб қараркан, ўзидан ўн беш
қадамча нарида икки қоя ўртасида револьвер ўқталиб
турган кишига кўзи тушди.

— Ҳа, шундай бўлди,— деб жавоб берди Рантен.—
Салом, сьер Клюбен.

Револьверли киши сесканиб кетди:

— Мени танидингизми?

— Сиз мени таниганда, мен сизни таний олмасми-
дим,— деди Рантен.

Эшкакнинг сувда чалаплаши қулоққа чалинди. Қир-
гоқ қоровули кузатиб турган қайиқ яқин келиб қолганди.

Сьер Клюбен пичирлагандай, секингина:

— Бирпасда-я,— деди.

— Нима тилайсиз мендан?— деб сўради Рантен.

— Шундай, ўзим. Сиз билан кўришмаганимизга роса
ўн йил бўлибди. Кўп ишлар қилганга ўхшайсиз. Аҳво-
лингиз қалай, тузукми?

— Дуруст,— деди Рантен.— Ўзингизнинг аҳволин-
гиз қалай?

— Жуда ҳам яхши,— деб жавоб қайтарди Клюбен.

Рантен сьер Клюбен томон юрди.

Шиқирлаган товуш эшитилди. Сьер Клюбен револь-
вернинг тепкисини кўтарганди.

— Рантен, орамиз ўн беш қадам. Бемалол отишим
мумкин. Турган ерингиздан қимирлай кўрманг.

— Шунақами ҳали! Нима жерак сизга ўзи?

— Мен сиз билан бир оз гаплашган келгандим.

Рантен қимир этмай турарди. Сьер Клюбен гапини
давом эттирди:

— Сиз ҳозиргина қиргоқ қоровулини ўлдирдингиз.

Рантен шляпасини сал кўтариб қўйиб:

— Бун ҳали айтгандингиз,— деди.

— Ҳали худди шундай демагандим. Ҳали: «Бировни
ўлдирдингиз», дегандим. Ҳозир эса: «Қиргоқ қоровулини

Ўлдирдингиз», дедим. Олти юз ўн тўққизинчи номерли қоровулни ўлдирдингиз. Каттагина оиланинг бошлиғи эди у. Хотини тул, беш боласи етим бўлиб қолди.

— Бўлиши мумкин,— дея эътироф этди Рантен.

Бир нафас жим тургач, Клюбен:

— Қирғоқ қоровуллари — ажойиб йигитлар, деярли ҳаммалари илгари денгизчи бўлганлар,— деб қўйди.

— Беш бола билан хотини қолишини илгаритдан билувдим.

Сьер Клюбен гапида давом этди:

— Топинг-чи, револьвер менга қанчага тушган?

— Яхши қурол,— деди Рантен.

— Сиз қанча берардингиз?

— Анча-мунча берардим.

— Менга бир юз қирқ тўрт франкка тушди.

— Кутанше тор кўчасидаги қурол дўконидан олган бўлсангиз керак,— деди Рантен.

Клюбен давом этди:

— Қоровул қичқиролмадиям. Бехосдан йиқилганда кишининг дами ичига тушиб кетади.

— Сьер Клюбен, бугун кечаси кучли шамол бўлади.

— Сирдан фақат мен хабардорман.

— Сиз одатдагича «Жан меҳмонхопаси»да тунай-сизми?

— Ҳа, у ер ёмон эмас.

— Ёдимда, у ерда ажойиб нордон карам ердим.

— Ҳўкиздек кучингиз борга ўхшайди, Рантен. Яғринларнингизни қаранг! Сиздан мушт ейишни орзу ҳам қилмайман. Мен жуда ҳам заиф бўлиб туғилганман, одам бўлишимга ҳатто умид ҳам қилмаганлар.

— Буни қаранг-а. Ҳозир жуда зўрсиз.

— Ҳа, мен ҳозир ҳам одатдагича «Жан меҳмонхонаси»да тунаб юрибман.

— Сьер Клюбен, сизни қандай таниганимни топинг-чи? Сиз мени таниганингиз учун мен ҳам сизни танидим. Клюбендан бошқа одам мени таний олмасди.

Шундай деб у олга бир қадам қўйди.

— Турган жойингизга қайтинг, Рантен.

— Қўлида бунақа ўйинчоғи бор одам ҳар кимни ҳам боладек бўйсундиради,— дея тўнғиллаб, яна жойига қайтди Рантен.

Сьер Клюбен гапида давом этди:

— Шароит бундай. Ўнг томонимизда, Сент-Энога

томонда, биздан уч юз қадам нарида олти юз ўн саккиз номерли қоровул бор, у ҳали ўз постида; чапимизда, Сен-Люнер томонда эса божхона пости бор. Етти қуролланган йигит бу ерга беш минутда етиб кела олади. Қояни ўраб олиш ҳеч гап эмас. Қочолмайсиз. Пастда эса қоровулнинг жасади ётибди.

Рантен ҳўмрайиб револьверга қараб қўйдн.

— Яхши эрмак, бу гапингиз ҳақ, Рантен. Фақат по-рох билан ўқланган бўлиши ҳам мумкин. Лекин буннинг фарқи йўқ. Бир ўқ узилиши билан ҳамма қоровуллар бу ерга югуриб келадилар. Аммо менинг олтига ўқим бор.

Бир меъёрда ишлаётган эшкакларнинг товуши янада яқинроқдан эшитила бошлади.

Новча Рантен паст бўйли Клюбенга ғалати нигоҳ ташлади. Клюбеннинг овози янада босиқроқ, янада му-гомбирона янгради:

— Сиз ҳозир бировни ўлдирганингизни билгач, қа-йиқда бу ёққа сузиб келаётганлар сизни қамоққа олиш-га ёрдамлашадилар. Сиз капитан Зуэлага кира ҳақи учун ўн минг франк ваъда қилгансиз. Лекин, Пленмон контрабандачилари сиздан камроқ ҳақ оладилар, бил-мабсиз, рост, улар сизни фақат Англиягагина олиб бо-риб қўядилар, бундан ташқари, сиз Гернсейда кўринол-майсиз, таниб қолишлари мумкин. Хўш, шундай қилиб, бир ўқ узсам, шу заҳотиёқ сизни қамоққа олишади. Сиз капитан Зуэлага ўн минг франк тўлашингиз лозим. Беш мингини закалат бериб қўйгансиз. Сиз қамаласиз, Зуэла закалатни олиб кетаверади, шунақа гаплар, Ран-тен. Сиз ўзингизни жуда ўзгартиб юборибсиз. Шляпа, эгнингиздаги ажойиб костюм ва анави қўнж ҳам қиё-фангизни бутунлай ўзгартиб юборибди. Кўзойнак ҳам тақсангиз бўларкан. Чекка соқол қўйганингиз яхши бў-либди.

Рантен гижиняптими, жилмаяптими, билиб бўлмас-ди. Клюбен гапини давом эттирди:

— Рантен, эгнингиздаги американча шимнинг чўнтаж-лари икки қатдан. Биттасида соатингиз бор. Соат ўзин-гизда қолаверсин.

— Ташаккур, сьер Клюбен.

— Бошқа чўнтакда эса пружина ёрдами билан очи-либ-ёпиладиган тунука қутича бор. Қадимий матрос та-макидони бу. Уни чўнтагингиздан олиб, менга иргитинг.

— Талончилик бу!

— Ердэмга одам чақира қолинг, ихтиёрингиз.

Клюбен кўзларини Рантенга қадади.

— Қулоқ солинг, месс Клюбен...— деди Рантен, қўлини кўтарганча бир қадам олға босиб.

«Месс» сўзини хушомад билан айтди у.

— Жойингиздан қўзғалманг, Рантен.

— Месс Клюбен, келинг, келишайлик. Ярмини сиз олинг.

Клюбен қўлларини чалкаштирди, лекин револьвер ҳамон Рантенга ўқталганди.

— Мени ким деб ўйлаяпсиз, Рантен? Мен софдил одамман.

Сал сукунатдан сўнг:

— Ҳаммасини менга берасиз,— деб қўшиб қўйди.

Рантен гижиниб: «Оббо муттаҳам-э»,— деб пичирлади.

Клюбеннинг кўзлари чақнаб кетди. Овози кескин жанглади:

— Янглишяпсиз. Муттаҳам, ўғри деб сизни айтадилар, мен ўғирланган нарсани эгасига қайтариб олиб бориб бермоқчиман. Гапимга қулоқ солинг, Рантен. Бундан ўн йил муқаддам, бир куни кечаси кассадан ўзингизга тегишли эллик минг франкни олатуриб, шеригингизнинг ҳам эллик минг франкни қўшиб олиб, Гернсейдан қочиб қолгансиз. Шеригингиз месс Летъери софдил одам, унинг пули ўн йил ичида процентлари билан саксон минг олти юз олтимиш олти франк олтимиш олти сантимга етди. Кеча сиз саррофнинг олдида бордингиз. унинг номини ҳам айта қолай: Ребюше, Сен-Венсан кўчасидаги уйда истиқомат қилади. Сиз унга етмиш олти минг франк француз банк билети бердингиз, у сизга ҳар бири минг фунт стерлинг бўлган уч инглиз банкноти берди, бунга қўшимча яна озгина майда-чуйдаси ҳам бор. Банкнотларни тунука қутичага, тунука қутичани эса ўнг чўнтагингизга яширдингиз. Уч минг фунт стерлинг етмиш беш минг франкка тенг. Месс Летъери номидан ҳозирча бу пулларни мен олиб тураман. Эртага Гернсейга бораман, шунда пулини эгасига топшираман. Рантен, анави дрейфда турган кема — «Тамолипас». Бугун кечаси нарсаларингизни кема экипажининг буюмларига қўшиб унга жўнатгансиз. Франциядан кетмоқчисиз. Сизнинг ўз планларингиз бор. Арекипага жўнамоқчисиз. Сизни олиб кетгани қайиқ юборишган. Уни кутиб туриб-

сиз. Уша қайиқ эшкакларининг товуши эшитилипти. Сизни тутиб қолиш ёки қўйиб юбориш менинг ихтиёримда. Гап тамом. Қутини ташланг менга.

Рантен чўнтак тугмасини ечиб, қутичани олди-да, уни Клюбен томон ирғитди. Қутича Клюбеннинг оёғи остига бориб тушди.

Клюбен бошини тик тутган ҳолда тиззасини букди, қўлидаги револьвери нилини Рантенга ўқталганча, ундан кўз узмай туриб чап қули билан ердан қутичани олди.

Шундан кейин у:

— Қани энди, биродар, тескари ўгирилиниг, — деб буйруқ берди.

Рантен ўгирилди.

Сьер Клюбен револьверни қўлтиғига тиқиб, қутининг пружинасини босиб очди.

Қутида тўртта банкнот бор эди: учтаси минг фундан, биттаси ўн фунтлик эди.

Клюбен учта ҳар бири минг фунтлик билетни қутига қайтиб солди-да, қопқоғини бекитиб, чўнтагига жойлаб қўйди.

Кейин ердан битта тош олиб ўн фунтлик билетни унга ўраб, Рантенга буюрди:

— Ўгирилиниг.

Рантен ўгирилди.

Сьер Клюбен гапини давом эттирди:

— Ҳали айтганимдек, уч минг фунт меники. Манави ўн фунт сизнинг ҳақингиз.

У тошга ўралган пулни Рантен томонга отди.

Рантен тош ўралган пулни денгизга тепиб юборди.

— Ихтиёрингиз. Жуда бойвачча бўлиб кетганга ўхшайсиз. Ташвишланмасам ҳам бўларкан, — деди Клюбен, хотиржамлик билан.

Сухбат пайтида қулоққа чалиниб турган эшкак овози тинди. Бу қайиқнинг қоя остига желиб тўхтаганидан дарак берарди.

— Қайиқ келди. Ўтириб кетаверишингиз мумкин, Рантен.

Рантен зинапоя томон бориб, пастга тушиб кета бошлади.

Клюбен оҳиста қадам ташлаб қоя қирғоғига борди, кейин бўйнини чўзиб пастни кузата бошлади.

Қайиқ қирғоқ қоровули чўкиб кетган жойга келиб тўхтади.

Тошлардан пастга томон сакраб тушаётган Рантеннинг орқасидан кузатиб турган Клюбен:

— Шўрлик олти юз ўн тўққизинчи номерли қоровул! Бу ерда бир ўзимман деб, Рантен эса иккаламиз деб ўйлаганди. Уч кишилигимизни фақат мен билардим.

Ерда ётган дурбинга кўзи тушиб, уни олди.

Пастда сув шалоппай бошлади. Рантен қайиққа сакраб чиқди, қайиқ очиқ денгизда сузиб жетди.

Қайиқ қирғоқдан сал узоқлашиши билан Рантен ўрnidан сапчиб турди; ғазаб ва аламдан башараси буришган ҳолда у Клюбенга мушт ўқталиб: «Сен иблиссан, аблаҳ!»— деб ўшқирди.

Бир неча дақиқадан кейин эса тобора узоқлашиб бораётган қайиқдан тўлқинларнинг шов-шуви орасидан Клюбенга жарангдор овоз янграб эшитилди:

— Сьер Клюбен, ҳалол одам бўлсангиз ҳам, барибир, бўлган воқеани Летьерига хат орқали маълум қиламан. Бу қайиқда «Тамолипас»да ишлайдиган гернсейлик Айе Тостевен ҳам бор, Зуэла бу ерга қайтиб келганда у Сен-Малога боради, месс Летьерига топшириш учун уч минг фунт стерлингни сизга берганимга гувоҳ бўлади.

Бу Рантеннинг овози эди.

Клюбен ҳар қанақа ишни ниҳоясига етказадиганлардан эди. У қирғоқ қоровули турган жойда, қоровулга ўхшаб, дурбинни қайиққа тутиб, унинг ҳаракатини кузатиб турган эди. У қайиқнинг тўлқинлар орасида гоҳ ғойиб бўлиб, гоҳ кўтарилиб кемага яқинлашганини кузатиб турди. У «Тамолипас» палубасига чиққан Рантеннинг новча қоматини ҳам аниқ кўрди.

Қайиқни кемага тортиб чиқазишди, «Тамолипас» елканларини ёйди. Қирғоқ томондан шамол эсарди, елканлар шамолда таранг тортилдилар; Клюбеннинг дурбини борган сари кичрайиб ғойиб бўлаётган «Тамолипас»га қаратилганди. Ярим соатдан кейин кема уфқда бир нуқтага айланди, ниҳоят оқшом осмони уфқда кўздан ғойиб бўлди.

IX

ДЕНГИЗДАН ХАТ КУТАДИГАНЛАР ЕКИ ШУ ХАТДАН ҚЎРҚАДИГАНЛАР УЧУН ФОЙДАЛИ МАЪЛУМОТЛАР

Уша оқшом сьер Клюбен жуда кеч қайтди.

Ичкилик хоналари сероб бўлган Динан портига бориб, сайр қилиши унинг кеч қайтиш сабабларидан бири

эди. У ўзини ҳеч ким танимайдиган қовоқхоналарнинг биридан коньяк олиб, курткасининг кенг чўнтагига солди-да, пароходни кўздан кечиргани жўнади; Дюранда эрталаб йўлга чиқиши лозим эди.

Сьер Клюбен «Жан меҳмонхонаси»га кирганда қуйи залда узоқ сафарга қатнайдиган кекса капитан Жертре-Габуро жаноблари пиво ичиб, трубка чекиб ўтирди.

Жертре-Габуро жаноблари бир қултум пиво ичиб, трубкасини торта туриб, сьер Клюбен билан саломлашди:

— Салом, капитан Клюбен.

— Хайрли кеч, капитан Жертре.

— «Тамолипас» ҳам жўнаб кетди.

— Жўнадими? Мен сезмай ҳам қолибман.

Капитан Жертре-Габуро чирт этиб туфуриб:

— Зуёла жўнади,— деди.

— Қачон?

— Бугун кечқурун.

— Қаёққа?

— Бирор гўрга-да.

— Шундайку-я, аммо қаёққалигини биларсиз?

— Арекипага

— Мен эшитмабман ҳам,— деди Клюбен.— Энди бирпас ёнбошласам.

У шамни ёқиб эшикка томон юрди-ю, яна орқасига қайтди.

— Капитан Жертре, Арекипада бўлганмисиз ҳеч?

— Бўлганман. Бир неча йил олдин.

— Йўл-йўлакай қайси портларда бўлгансиз?

— Ҳаммасида ҳам оз-оздан турганман. Лекин «Тамолипас» портларда тўхтамайди.

Капитан Жертре-Габуро трубкасининг кулини тақсимчага қоқди-да, гапини давом эттирди:

— Кардифга кетган «Троян оти» ва уч мачтали «Трантмузен» деган чиройли кемалар ҳақида эшитгандирсиз? Об-ҳаво ёмон эди, мен уларнинг йўлга чиқишига қаршилиқ қилгандим. Шикастланиб қайтишди. «Троян оти»га терпентин юкланган эди, кема тешилиб қолибди, насослар ёрдами билан сувни чиқариб туришган, лекин барибир, сув билан бирга юкни ҳам чиқариб ташлаганлар. Уч мачтали «Трантмузен» кемасининг эса шикаст-

ланмаган жойи қолмабди. Узбошимчалик шунақа бўлади!

Клюбен шамдонни стол устига қўйди, курткасининг ёқасидаги тўғноғичларни ечиб, яна сўради:

— Сиз ҳали «Тамолипас» ҳеч қайси портда тўхтамайди дедингизми?

— Ҳа. Тўппа-тўғри Чилига боради у.

— Демак, йўлда ундан хабар олишининг иложи йўқ экан-да.

— Нега, биринчидан, Европага келаётган кемаларга дуч келганида улар орқали хат-хабар юборишлари мумкин, капитан Клубен.

— Рост.

— Иккинчидан, денгизда почта қутиси бўлади, ундан фойдаланишади.

— Почта қутиси деганингиз нима?

— Ҳали буни билмайсизми, капитан Клубен?

— Йўқ.

— Магеллан бўғозида.

— Хўш?

— Қор, бетиним бўрон, қарши томондан эсадиган шамоллар, денгиз ҳам бу ерда жуда ўжар.

— Хўш?

— Масалан, сиз Монмут бурунидан айланиб ўтдингиз дейлик...

— Хўш, кейин?

— Кейин Валентен бурунидан ҳам ўтасиз.

— Ундан кейин?

— Ундан кейин Изидор бурунидан ўтасиз.

— Кейин?

— Кейин Анна бурунидан ўтилади.

— Майли. Лекин почта қутиси деганингиз нима ўзи?

— Мана энди почта қутисига ҳам етиб келдик. Унг томонда ҳам тоғ, чап томонда ҳам. Пингвинлар, бўрон қушлари макони бу ерлар. Ваҳимали жойлар. Қасам ичаманки, жаҳаннамнинг жаҳаннами бу ер. Гулдурашларни бир эшитсайдингиз! Бўрон устига бўрон! Бу ерда вин-транецни ҳушёрлик билан кузатиб туриш керак. У ерда елканларга пайдам бўлиб туриш лозим. Шамол кўз очтирмайди. Бир ҳафталаб дрейфда туришга тўғри келади. Яп-янги елканлар бурда-бурда бўлиб кетади. Роса ўйнатади бу ерлар! Довуллар шунақа кучли бўладики, уч мачтали кемаларни бургадек сакратади. Инглизлар-

нинг «Трюблю» кемасидан утлегарда ишловчи бир юнга-ни утлегарь билан қўшиб шамол учириб кетганини ўз кўзим билан кўрганман. Капалакдек учириб кетди-я! «Қайтиш» деган чиройли бир кеманинг боцманини шамол гирдикапалак қилиб учириб, чилпарчин қилганини кўрганман. Менинг ҳам жемам у ерда шикастланганди. Кемалар елканларини шамолга совға қилиб кетмай иложлари йўқ. Эллик тўпли баҳайбат кема саватга ўхшаб илма-тешик бўлиб кетади, кемага сув силжий бошлайди. Қирғоқлари ҳам худо урган. Қоялар найзадек. Яйдоқ портга борганингизда ёмғирдан қутулиб дўлга тутилгандай бўласиз. Бунақа тўлқинларни ҳеч қачон кўрмагандим, дўзахнинг ўзгинаси дейсиз. Шу ерда тўсатдан қизил бўёқ билан ёзилган икки сўз диққатингизни тортади: «Почта идораси».

— Бу билан нима демоқчисиз, капитан Жертре?

— Шунини айтмоқчиманки, капитан Клюбен, Анна бурунидан ўтгач, қоя устида бўйи юз фут келадиган бир устун бор. Уша устунга бочка осиб қўйилган. Ана шу бочка почта яшиги. Ҳамма мамлакатлар ундан фойдаланадилар. «Почта идораси» эмиш! Уйлаб топишганини қаранг! Почта идорасининг хизмати шунақа: бу ердан ўтиб кетаётган ҳар қандай кемадагилар қайиқда бирон кимсани бу ерга юборадилар, у бочкага хат ташлаб кетади. Атлантик океанидан ўтадиган кема Европага хат олиб боради, Тинч океандан қайтаётган жема эса Америкага хат олиб боради. Хуллас, ҳар бир кема ўз йўлига қараб тегишли хат-хабарларни олиб кетади. Мен сизнинг хатингизни олиб кетсам, сиз менинг хатимни олиб кетасиз. Кемалар гоҳ у ёққа, гоҳ бу ёққа қатнаб турадилар-да. Бочка устунга занжир билан боғлаб осиб қўйилган. Ёмғир қуйиб туради. Қор ҳамма ёқни кўмиб юборади. Дўл савалайди. Шунақа бир ярамас жой. «Тамолинпас» шу жойдан ўтади. Бочканинг қопқоғи жуда мустаҳкам, лекин қулф-калитсиз. Хуллас, шу жойдан дўстларга хат юборишлари мумкин.

— Қизиқ,— деб қўйди, ўйга ботган Клюбен.

Капитан Жертре-Габуро кружкадан бир қултум пиво ичди.

— Масалан, аблаҳ Зуэла менга хат ёзди дейлик. Ярамас ажи-бужи хатини ўша Магеллан бўғозидagi бочкага ташлайди. Тўрт ойдан кейин бу муттаҳамнинг хати ме-

нинг қўлимга тегди. Ҳа, айтгандек, наҳотки эртага йўлга чиқмоқчи бўлсангиз, капитан Клюбен?

Фикри-хаёли алланималар билан банд бўлган Клюбен унинг бу саволини эшитмади. Капитан Жертре саволини такрорлади.

— Ҳа, албатта, капитан Жертре. Ҳамма вақтдагидек эртага йўлга чиқишим керак. Эртага эрталаб жўнайман.

— Сизнинг ўрнингизда мен бўлганимда йўлга чиқмасдим. Итлардан ҳўл юнг иси келяпти, денгиз қушлари икки кечадан бери маяк атрофида парвона бўлиб қолишди. Бунинг хосияти ёмон. Ойбоши. Бу пайтда ҳаво нам бўлади. Бугун қарасам, далада йўнғичқа пояларининг қадди тикланибди, ёмғир чувалчанглари ер юзига чиқиб, пашшалар жуда чақадиган бўлиб, асаларилар инлари атрофида уймалашиб қолишди. Чумчуқлар бир-бирлари билан маслаҳатлашаётгандай чуғурлашиб ётибдилар. Қўнғироқ овози олислардан ҳам эшитиляпти. Бугун оқшом мен Сен-Люнер қўнғироғи овозини эшитдим. Осмонни булут қоплаган. Эртага қалин туман бўлади. Сузиш хатарли. Мен шахсан туманни қаттиқ бўрондан даҳшатлироқ деб биламан. У қандай ҳийла-макр ўйлаётганини билиб бўлмайди.

МАСТ ДОРҒА ВА ҲУШЕР КАПИТАН

I

ДУВР ҚОЯЛАРИ

Гернсейдан беш милча нарида, очик денгизда, Пленмон бурунининг қаршисида, Ла-Манш ороллари билан Сен-Мало ўртасида Дувр қоялари маржон сингари саф тортганлар. Хатарли жой бу ер.

Бу ердаги жўпгина сув ости ва тик қояларни Дувр ёки Довер қоялари деб атайдилар. Франциянинг шимолӣ соҳилида ҳам Дувр қояси бор. Ҳозир бу ерда маяк қуряптилар, у ҳам хатарли жой, лекин чинакам Дувр қояларига унинг ҳеч қандай дахли йўқ.

Француз тупроғининг Дувр қояларига энг яқин нуқтаси Бреан буруни ҳисобланади. Дувр қоялари Франция қирғоғига қараганда Нормандия оролларига яқинроқ жойлашган. Бу қоялардан Жерсейгача бўлган масофа шу оролнинг бир бурчагидан иккинчи бурчагигача бўлган ораликқа тенг келади. Агар, Жерсей оролини эшик табақалари сингари айлантириш мумкин бўлганда Дувр қоялари Сент-Катрин бурунига бориб тақаларди. Улар орасидаги масофа тўрт льедан ортиқроқ.

Цивилизация қанот ёйган бу ўлкаларда одам оёғи тегмаган ёввойи ороллар жуда оз қолган. Агода контрбандачиларни, Биникада божхона назоратчиларини, Бреада кельтларни, Канкалада устрица тутувчиларни, Сезамбра ва Цезарь оролида қуён овловчиларни, Брек-Уда денгиз қисқичбақаси йиғувчиларни, Менкьеда тўр билан, Экре-Уда матрап билан балиқ овловчиларни учратиш мумкин. Дувр қояларида эса ҳеч кимни учратолмайсиз.

Бу қоялар фақат денгиз қушлари маконидир.

Бу ерлар даҳшатли жойлар. Миш-мишларга қараганда, «Оқ кема» ҳалокатга учраган Каскэ ороллари, Қалвадосс саёзлиги, Уайт оролининг тоғ чўққилари, Болье соҳилларини хатарли жойларга айлантирган Ронес сув ости қоялари, Меркель бўғозига чиқувчи йўлни тўсиб, кемалар ботиб қолмаслиги учун белги қилиб йиғирма саженча наридан ўтиши лозимлигини кўрсатувчи қизил сузғичлар қўйилган Преель саёзлиги, Этаблю ва Плуа остоналари, Гернсейнинг жанубидаги икки қоя, Эски Андерло ва Кичик Андерло, Корбьер, Гануа; Яйдоқ орол (бу орол тўғрисида: «Яйдоқ оролдан ўтгунча ё сочинг оқаради, ё ўласан», деган гап бежиз айтилмаган), Сувга чўккан аёл қояси. Бу ва Фруки бўғозлари, Гернсей билан Жерсей орасидаги гирдоб, Менкье билан Шозей орасидаги Ардан, Булей-Бэй билан Барневиль орасидаги Терс от ва бошқалар касофат жойлар ҳисобланади, лекин уларнинг ҳеч бири бу жиҳатдан Дувр қояларига тенглаша олмайдилар.

Ғарбнинг Эгей денгизини ҳисобланган Ла-Манш денгизиде фақат Гернсей билан Серк оралиғидаги «Отче наш» сув ости қоя тошларигина аблаҳликда Дувр қояларига тенг кела оладилар. Лекин, ҳар ҳолда, «Отче наш» қояларидан туриб сигнал бериш мумкин, ҳалокатга учраган кема экипажи ёрдамдан умид қилса бўлади; бу ердан шимол томонда Ваҳший ёки Икар буруни, жануб томонда эса Йўғонбурун буруни яққол кўриниб туради. Дувр қояларидан эса ҳеч ерни кўриб бўлмайди, ҳеч қандай нажотдан умид йўқ.

Бўрон, сув, булут, бепоёнлик, кимсасизлик ҳукмрон бу ерларда. Йўлдан адашган кемаларгина Дувр қоялари томон келишлари мумкин. Бу жойлар — йиртқич харсанглар, чуқур гум, жарликлар макони. Шиддатли гирдобларга макон бу ерлар.

Атрофда бепоён, тубсиз денгиз. Йиртқичлар одамзоддан қочиб Дувр қоялари сингари жойларда изғийдилар. Бу қоялар сувга чўккан юлдузсимон маржонга ўхшайди. Бу ерлар сеҳрли сув ости қасридир. Бу ерларда ҳатто говвослар ҳам қийналади, ғорлар, турлитуман уялар, чорраҳа ғорлар уларни чалғитиб қўяди. Бир-бирларини еб кун кўрувчи денгиз махлуқлари жуда кўп учрайди бу ерларда. Денгиз қиоқичбақалари балиқларни ейдилар, ўзлари ҳам бошқа махлуқларга ем бў-

ладилар. Кўз илғамайдиган зулмат қаърида даҳшатли махлуқлар гужғон ўйнайди. Бу ҳайвонларнинг оғизлари, мўйловлари, қисқичлари, сузгичлари, патлари, бошлари, тангачалари, тирноқлари, панжалари дам пайдо бўлиб қолади, дам ғойиб бўлади. Ҳаммаси ўзи билан ўзи овора. Турли-туман денгиз махлуқлари уяси бу ер.

Ҳаддан зиёд жирканч махлуқлар оламидир бу ер.

Ғиж-ғиж қайнаган хилма-хил махлуқлар даргоҳини бир тасаввур қилиб қўринг.

Денгиз остини кузатиш тасаввурда ғойиботлар оламига кўз ташлаш билан баравардир. Денгиз тубида унинг бутун даҳшату ваҳималарини кўриш мумкин. Денгиз қаъри худди қоронғи тунга ўхшайди. Олам виждони у ерда ҳам ухлаб ётгандек, ўзини эркин тутган махлуқлар у ерда истаган жиноятларини бемалол қилаверадилар. Табиат хомаки яратган мавжудотлар у ерларда мудҳиш ва шавқсиз, энг ёвуз жин-ажиналар кўланкага ўхшаб тубсиз зулмат қаърида истаган қабиҳликларини қилаверадилар.

Бундан қирқ йил муқаддам ғалати шаклдаги икки юксак қоя олис-олислардан кўриниб, океан кемаларини Дувр қояларидан хабардор қилиб турарди. Бу тошлар икки шох сингари бир-бирига томон эгилган бўлиб, ўткир учлари бир-бирига тегай-тегай деб турарди. Улар сувга ботган филнинг сув бетига чиқиб турган тишларига ўхшаб кетарди. Лекин бу тишлар минорадек келар, агар ростдан ҳам улар фил тиши бўлганида, филнинг ўзи тоғдек баҳайбат бўлган бўларди. Ажойибот-ғаройиботлар оламининг бу икки табиий минораси орасида торгина бўғоз бўлиб, бу ерда тўлқинлар қутуриб ҳар томонга сапчирди. Эгри-бугри бу бўғоз кесик чизиқ шаклида бўлиб, баланд деворлар билан қуршалган эри-бугри тор кўчаларни эслатарди. Бу эгизак қоялар Катта Дувр ва Кичик Дувр деб аталарди. Бирининг баландлиги олтимиш фут, иккинчисининг баландлиги эса қирқ фут келарди. Бетиним кўпик сачратиб турган тўлқинлар ўз ишини қилди — аста-секин қирғоқни арралайверди, 1859 йилнинг 26 октябрида кеча-кундуз тенглашган паллада кўтарилган кучли бўрон бу қоялардан бирининг чўққисини қулатди. Омон қолган Кичик Дуврнинг ҳам чўққиси ҳозир емирилган.

Дувр қояларининг кўзга ташланиб турадиган чўққиларидан бири «Одам қоя» деб аталади. Бу қоя ҳозир

ҳам бор. Ҳтган асрда балиқчилар адашиб бу ерга келиб қолганларида қоя устида бир одамнинг жасадини, унинг ёнида эса бир тўда чиганоқни кўрганлар. Кемаси шу жойда халокатга учраган биров анча вақт қояда жон сақлаган, моллюскалар билан озиқланган, шу ерда ўлган. Шундан кейин бу қояни «Одам қояси» деб атаганлар.

Мунгли сув саҳроси. Ҳам тўпаланг, ҳам жимжитлик ҳукмрон бу ерда. Инсон фарзанди учун ёт бу жойлар. Бу ерда содир бўлаётган воқеаларни тушунолмайдн инсон боласи. Дувр қоялари сув сатҳидан мўралаб турадилар. Атрофда эса шўх, ўйноқни тўлқинлар дайдиганидайдиған.

II

КУТИЛМАГАНДА ТОПИЛГАН БИР ШИША КОНЬЯК

«Тамолипас» жўнаб кетгандан кейинги кун, жума кунн эрталаб Дюранда Гернсейга қараб йўл олди.

У Сен-Малодан соат тўққизда чиқди.

Ҳаво очиқ эди: кекса капитан Жертре-Габуро бир янглиш гапирди-да, деб ўйлаш мумкин эди.

Кемага Сен-Пьер портидаги дўконлар учун бир неча той Париж атторлик моллари, Гернсей касалхоналари учун уч яшик мол — бир яшик оддий совун, бир яшик шам, учинчи яшикда эса тагчарм учун француз чарми ва сифатли испан чармлари юкланганди. Пароход бир яшик чақмоқ қанд, уч яшик чойни қайтариб олиб кетаётганди — француз божхона амалдорлари буларни ўтказмагандилар. Сьер Клюбен бу гал қора молларни ҳам кам олганди, бир нечта ҳўкиз олганди, холос. Бунинг устига, юк кеманинг тагхонасига пала-партиш жойлаштирилганди.

Кемада ҳаммаси бўлиб олти йўловчи бор эди: бир гернсейлик, икки малоэнлик молжаллоб, «турист» — бу сўз ўша пайтлардаёқ истеъмолга кирабошлаганди, қиёфасидан коммивояжерлиги¹ сезилиб турган парижлик бир майда буржуа, тавротни тарғиб қилиб юрган бир америкалик сайёҳ бор эди.

Дюранданинг экипажи, капитан Клюбендан ташқари етти кишидан иборат эди: дорға, кўмпир ташувчи, дурад-

¹ Коммивояжер — бирор фирманинг молларидан нухса кўрсатиб, турли жойлардан заказ тўпловчи савдо ходими.

гор матрос, зарур бўлганда бошқа ишларни ҳам қила-верадиган бир ошпаз, икки кочегар ва бир юнга. Кочегарларнинг бири машинистлик ҳам қила оларди. Кочегар-машинист жасур ва эпчил негр бўлиб, Голландия мустамлакаларидан бири Суринам дарёси атрофидаги шакарқамиш плантацияларидан қочиб келган, исми Энбранкам эди. У машинани яхши билар, уни усталик билан бошқара оларди. Бу қора танли дастлаб одамлар кемага адоват билан қараган пайтларда кеманинг ёмон отлик бўлишига маълум даражада ўз ҳиссасини ҳам қўшганди.

Гернсейда туғилган, лекин ота-онаси контантенлик бўлган дорғанинг номи Тангруиль эди. У олий насабли одамлардан эди.

Ла-Манш архипелаги Англияга ўхшаб, иерархик¹ мамлакат. Му мамлакатда табақаланиш ҳали ҳам бор. Табақалар ҳақидаги тушунча ҳамма жойда ҳам бир хил — Ҳиндистонда ҳам, Германияда ҳам. Асл насаб қилч билан қўлга киритилади, лекин меҳнат уни йўқотади. Бекорчилик уни асраб қолиши мумкин. Бекор юриш — аслзодалиқдир; ишлаганлар иззат қилинмайди. Ҳунар кишининг эътиборини туширади. Бир маҳаллар Францияда фақат шиша ишлаб чиқарувчиларгина бу қондадан мустасно қилинарди. Шишалар камайиб кетса дворянларга қийин бўларди, шунинг учун ҳам шиша ишлаб чиқарадиган фабрика эгалари иззат қилинаверарди. Ла-Манш оролларида ҳам Улуғ Британиядаги сингари ким дворян бўлмоқчи бўлса даставвал бадавлат бўлиши керак. Ишчи одам жентльмен бўлолмайди. Олий насабдан бўлса ҳамки, ишлай бошласа, бу насабдан маҳрум бўлади. Рицарлар авлодига мансуб бўлиб, ўз шахсий байроғи бўлган матрос ҳам худди шундай-у насабсиз матрос ҳисобланади. Бундан ўттиз йил муқаддам Ориньда Горж насабидан бўлган бир кимсанинг денгиз қирғоғида оёқ яланг ўт юлиб юрганни кўриш мумкин эди. Агар Филипп-Август² унинг мулки-

¹ Иерархия — насабларга кўра, бевосита даражама-даража итоат қилиш, бўйсунуш тартиби, кичик насабдагилар олий насабдагиларга бўйсунди.

² Филипп-Август — Француз қироли (1180—1223), Франция ерларини бирлаштиришда катта роль ўйнаган; олдин Англия ҳукмронлигида бўлган Нормандияни ҳам Францияга қўшиб олганди.

ни мусодара қилмаганда, у шу мулкларнинг қонуний вориси бўлиб қолаверарди. Картре авлодидан бўлган бир киши Серкда аравакашлик қилиб юрибди. Жерсейнинг биринчи судьяси бўлган балъи Веллнинг эвараси де Велль хоним шу мисралар муаллифининг хизматкори эди. Жерсейда бир мевафуруш бор, Гернсейда бир этикдўз; иккаласининг ҳам фамилияси Грюши. Улар фамилиямиз асли Груши, Ватерлоо жангида қатнашган маршалнинг амакиваччалари бўламиз, дейишади. Қадимий черков китобида Тангревилларнинг дворянлиги қайд қилинган. Уларнинг Қуйи Сенада яшаган Танкарвиллар, ённки Монморансилар авлодига мансубликлари аниқ. Ун бешинчи асрда де Тангровилнинг қуролбардори бўлган Иоанн де Эрудвиль унинг совутлари ва бошқа темир ашқол-дошқолларини кўтариб юрган. 1371 йилнинг майида Бертран Дюгесклен Понторсонда ўтказган кўрикда «де Тангровиль жаноблари кичик рицарь вазифасини бажарган». Нормандия оролларида асилзодалар қашшоқлашсалар ўз насабларидан маҳрум қилинадилар. Фамилиялари ҳам ўзгартилади, масалан, Тангровиль Тангруйль бўлиб қолиши мумкин.

Дюранда дорғаси ҳам шундай кунларга қолган одамлардан эди.

Сен-Пьер портининг Бордаж майдонида Энгруйль фамилияли бир темир-терсак сотувчи яшайди. Унинг фамилияси аслида Энгровиль бўлса ажаб эмас. Людовик Семиз замонида Энгровиллар Валонь ўлпон суди округида уч қавмнинг хўжайини бўлганлар. Триган деган бир аббат «Нормандия черковлари тарихи»ни тузган. Бу солномачи Триган Диговиль мулкнинг руҳонийси бўлган. Мабодо Диговиль сеньори камбағаллашиб қолиб ишлашга мажбур бўлса, унда албатта Дигуиль бўлиб қолади-да.

Тангруйль, яъни Танкарвиль, эҳтимол у Монморансидир, хуллас дворянларнинг энг эски сифатларидан бирига эга эди-ю, аммо ичкиликсиз яшай олмасди.

Сьер Клюбен уни ишдан ҳайдаб юборишга йўл қўймас, месс Летъери олдида у учун бутун масъулиятни ўз устига оларди.

Дорға Тангруйль кечасию кундузи пароходни тарк этмасди.

Кема сўнгги сафарга чиқиш куни кечқурун Клюбен

унинг олдига кирганида у ўзининг осма каравотида ухлаб ётганди.

Тангруйль кечаси уйғонди. Унинг кечалари уйғониб кетадиган одати бор эди.

Бировнинг хизматидаги ҳар бир арақхўрнинг арақ яшириб қўядиган хилват бир жойи бўлади. У ўзининг бу хилват жойини «омбор» деб атарди. Тангруйльнинг «омбор»и тагхонанинг қўйи қисмида эди. Бу жойга ичкилик яширилгани ҳеч кимнинг хаёлига ҳам келмасди. Тангруйль бу жойни бошқа ҳеч ким билмайди деб ўйлар, бундан Клюбенининг хабари борлигини ҳатто тасаввур ҳам қилмасди. Ҳушёр одам бўлган Клубен бу жойни кузатиб юрарди. Ҳеч кимнинг кўзи тушмайдиган бу жойда ром билан ароқ турар, деярли ҳар кеч Тангруйль капитанга сездирмай, ўз маъшуқаси шиша ёнига шошиларди. Назорат кучли, бунинг устига, ичкиликнинг таги кам, шунинг учун ҳам у шошилиб, икки-уч қултум ичиш билан кифояланарди. Бу хилват жойда ичкилик қатра қолмаган пайтлар ҳам бўларди. Кема жўнаш арафасида Тангруйль бу хилват жойда кутилмаган бир шиша коньякни кўриб қолди. Бунга у дам қувонар, дам таажжубланарди. Осмондан тушдими бу? Қачон, қандай қилиб бу ичкиликни келтириб бекитиб қўйганини ҳеч эслай олмади. Мириқиб ичиб, шишани бир зумда бўшатди. Биров кўриб қолса, бундан маҳрум бўлиб қолмай, деб ҳаммасини ичиб бўшатди-да, шишани денгизга улоқтирди. Эрталаб, кема рулини тутиб турганида унинг сал гандираклаб турганини пайқаш мумкин эди.

Лекин у мастлигини сездирмай, кемани одатдагича яхши бошқариб борарди.

Капитан Клубен юқорида айтганимиздек, ўша кечаси «Жан меҳмонхонаси»га тунагани келди.

Клубен доим кўйлаги ичидан чарм камар тақиб юрар, бу камарда ҳар эҳтимолга қарши йнгирма гиней пул асрарди. Фақат кечаси ётаётганидагина бу камарни ечиб, боши остига қўярди. Камарга ўз қўли билан ўчмайдиган литография бўёғида «сьер Клубен» деб ёзиб қўйганди.

Дюранда жўнаш олдидан у етмиш беш минг франк пули бўлган темир қутичани ҳам чарм камарига яшириб, камарни кўйлаги остидан боғлаб қўйди.

УЗИЛИБ ҚОЛГАН СУҲБАТ

Кема йўлга чиқди. Йўловчилар саквояж ва чамадонларини скамейкаларнинг ости ва устига жойлаштирдилар-у, пароходни томоша қилишга чиқиб кетдилар. Бу одат бўлиб қолганди. Турист билан паришлик илгари пароходни кўрмагандилар, парракнинг айланишидан ҳосил бўлган кўпиклар уларни ҳайрон қолдирди. Мўридан чиқаётган тутунларни кўриб жуда ҳайратландилар. Улар пароходнинг ҳар бир ускунасини, ҳар бир қисмини кўздан кечирдилар, йўғон чўян ҳалқаларни, темир илгак, тутқич, болтларни кўрдилар, бу нарсалар уларга атайин занг билан ҳалланган ажойиб ўйинчоқлар бўлиб кўринди. Улар палубадаги занжирлар билан маҳкам боғлаб қўйилган сигнал тўпи атрофида парвона бўлиб қолишди. «Худди соқчи итга ўхшайди-я»,— деб қўйди турист. «Шамолламасин деб устига мойланган ёпқич ҳам ташлаб қўйибдилар»,— деди паришлик. Қирғоқ олисда қолди; йўловчилар Сен-Малонинг кўркини мақташга тушдилар; денгиздан қараганда ажойиб бўлиб кўринган манзара кишини алдайди, бир мил наридан Дюнкерк ҳам, Остенда ҳам бир хил кўринади, деди йўловчилардан бири. Дюнкеркни роса мақташди, улардан бу портнинг соқчи икки кемаси қизилга бўялгани ҳам, уларнинг «Рюитинген» ва «Мардик» деб аталиши ҳам қолмади.

Сен-Мало аста-аста кичраявериб, кўздан йўқолди.

Атрофда сокин денгиз, поёнсиз текислик. Пароходнинг сувда қолдираётган изи тик чизиқ кўпиклардан иборат сербар тасмадек кўзга ташланар, бир учи кўз илғамас олисларда қолиб, ёйилиб йўқолиб борарди.

Агар Франциядаги Сен-Мало билан Англиядаги Экзетер ўртасида тўғри чизиқ тортиладиган бўлса Гернсей шу чизиқнинг қоқ ўртасида бўларди. Денгиздаги тўғри чизиқ ҳамма вақт ҳам ҳақиқатан тўғри бўлавермайди. Елканли кемаларга нисбатангина пароходлар тўғри юра оладилар.

Денгиз билан шамол қўшилиб катта куч ҳосил қилади. Пароход бир неча машинанинг жамланишидан бунёдга келади. Табиат кучлари эса доимий ҳаракатдаги машинадир; буғ билан ишлайдиган машинанинг кучи чегараланган бўлади. Ана шу икки куч—табиат стихия-

си билан инсон тафаккурининг маҳсули ўзаро курашда. Бу кураш денгизда сузиш деб ном олган.

Механизмнинг кучи стихиянинг бениҳоя кучига қарши қўйилган. Лекин ана шу бениҳоя кучнинг ҳам ўз механизми бор. Стихия ҳам ижод билан машғул, у нималаргадир интилади. Мақсадсиз куч йўқ. Инсон ана шу кучларни кузатиши, уларнинг йўлларини билиб олиши керак.

Ана шу кучлар қонунияти кашф этилгунча кураш давом этади. Пароход бепоен денгиз сатҳининг ҳар бир қадамида инсон ғалабасидан дарак бериб наъра тортади. Кема буғ двигатели орқали инсон амрига бўйсундирилади. Буғ двигатели шамол ҳукмронлиги устидан инсон ҳукмронлигини кучайтиради.

Дюранда ҳеч қачон бугунгидек яхши сузмаганди. Жуда тинч ва осойишта сузиб бормоқда эди у.

Дюранда соат ўн бирларда шимоли-ғарбдан эсган шамол ёрдамида кўп буғ сарфламай, елканларини ёйиб Менкьега яқинлашди. Ҳаво ҳамон очиқ, осойишта эди. Лекин балиқчиларнинг қайиқлари қайта бошлагандилар.

Денгиздаги кемалар ҳам аста-секин қайтиб, денгиз бетида кема кўринмай қолди.

Дюранда бу сафар одатдаги йўлини ўзгартириб кетаётганди. Экипаж бунга парво қилмас, чунки капитанга зўр ишонч билан қарарди; лекин кема, афтидан, дорғанинг айби билан бўлса керак, Гернсейга эмас, Жерсейга томон бораётганга ўхшарди. Соат ўн иккиларда капитан кемани тўғри Гернсейга томон йўналтирди. Ҳеч гапмас, бир озгина вақт йўқотилибди, холос. Лекин кун қисқа бўлган пайтларда йўқотилган ҳар он ёмон оқибатларга олиб келиши мумкин. Қуёш ярқираб турарди, лекин бу қуёш февраль қуёши эди-да.

Тангруиль яхшигина кайф қилиб қолди. У зўрға оёқда турар, қўллари хоҳишига бўйсунмасди. Шунинг учун ҳам рулни гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга бурар, бу эса кеманинг бемалол сузишига халақит берарди.

Шамол ҳам тўхтади.

Гернсейлик йўловчи дурбини билан олисдаги туманни тез-тез кузатар, ғарб уфқида шамол бу туманни секин ҳайдамоқда, туман бир тутам оппоқ пахтадек бўлиб кўзга ташланаётганди.

Капитан Клюбен одатича жиддий, бугун фақат негандир сердиққатроқ кўринарди.

Дюранда палубасидагилар осойишта, ҳатто хушчақчақроқ эдилар. Кема сузиб бораётганда кўзни юмган ҳолда, бошқа йўловчиларнинг гапларига қулоқ солиб ҳам денгизнинг аҳволидан хабардор бўлиш мумкин. Йўловчиларнинг осойишта суҳбатлари океаннинг ҳам осойишталигидан дарак берарди.

Шундай маҳаллардагина қуйидагича суҳбат бўлиши мумкин эди-да:

— Тақсир, анави қизғиш-яшил пашшага қаранг.

— Денгизда адашиб қолиб, кемада дам олаётгандир-да.

— Пашшалар чарчамайдилар ҳисоби.

— Рост, ўзиям жуда енгил-да. Шамол билан учиб кетаверади.

— Бир марта бир унция¹ пашшани ўлчаб, кейин санаганларида олти минг икки юз олтимиш саккиз дона чиққан.

Дурбин кўтариб олган гернсейлик молжаллобнинг олдига келди, улар орасида тубандагича суҳбат бошланди:

— Қаранг, Обрак ҳўкизлари семиз, бақувват. Оёқлари калта-калта бўлгани туфайли имиллаб ишлайди. Жуни кўпинча қўнғир бўлади.

— Бу жиҳатдан Салер ҳўкизлари тузукроқ бўладилар.

— Мен, тақсир, умримда иккита ажойиб ҳўкиз кўрдим-да. Улардан биттаси кенг тўш, сағриси кенг, оёқлари калта-калта, сўргўшт, танаси йилтиллайди. Бунақа ҳўкизнинг териси тез шилинади. Иккинчисини яхши парвариш қилишнинг ажойиб маҳсули деса бўлади. Бақувват, бўйни йўғон, туси қўнғир ола, енгил қадам, сағриси паст.

— Бу ҳўкиз Котантен наслидан бўлса керак.

— Ҳа, лекин у Ангюс ва Суффольк зотларининг дурагайи.

— Тақсир, ишонасизми-ишонмайсизми, жанубда эшакларга конкурс ўтказиб туришади.

— Эшакларга?

¹ У н ц и я — 31,1 граммга тенг оғирлик ўлчови.

— Эшакларга. Энг хунук эшакларни у ерда чиройли ҳисоблашади.

— Хачир олиш учун моча эшаклар қанча хунук бўлса, шунча яхши.

— Рост. Масалан, Пуатвен байталини олинг. Қорни катта, оёқлари калтаси энг яхши байтал ҳисобланади.

— Ҳа. Энг яхшиси тўртта тирговуч қўйилган бочкага ўхшайди.

— Ҳайвонларнинг чиройи бошқа, одамларнинг чиройи бошқа.

— Айниқса аёлларнинг чиройи бошқача бўлади.

— Тўғри гап.

— Менга чиройли хотинлар кўпроқ ёқади.

— Менга дид билан кийинган хотинлар ёқади.

— Албатта, озодагина бўлса, қад-қомати ҳам келишган бўлса.

— Кейин ёшгина бўлса. Қиз бўлгандан кейин заргарнинг қўлидан ҳозиргина чиққан санамдек силлиққина бўлса-да.

— Гапимиз ҳўкизлар хусусида эди. Боя айтган ҳўкизларни Туар ярмаркасида кўрувдим.

— Э, Туар ярмаркасини биламан, ла-рошелилик Бонно, маранлик Багю деган ғаллафурушлар у ярмаркага боргандилар. Эшитгандирсиз?

Турист билан парижлик киши америкалик таврот тарғибчиси билан гаплашиб ўтиришарди. Уларнинг суҳбати мазмуни ҳам об-ҳавонинг бехатарлигидан далолат бериб турарди.

— Тақсир,— дерди турист,— ривож топган мамлакатлар кемаларининг ҳажмини биласизми? Франция кемалари бир йўла етти юз ўн олти минг тонна юк ташийди; Германия кемалари — бир миллион; Қўшма Штатларники — беш миллион; Англия кемалари беш миллион беш юз минг тонна. Кичик мамлакатларнинг кемаларини ҳам буларга қўшиб қаранг. Ҳаммаси: ўн икки миллион тўққиз юз тўрт минг тонна юк, бу юкни ер шарининг ҳамма бурчагидаги бир юз қирқ беш минг кемага тақсимлаб қаранг.

Америкалик унинг гапини чўрт кесиб:

— Тақсир, Англия эмас, Қўшма Штатларнинг кемалари беш миллион беш юз минг тонна юк ташийди,— деди.

— Ҳа-я,— деб унинг гапини маъқуллади турист.— Америкаликмисиз?

— Ҳа, тақсир.

— Унда гапингизга тамоман қўшиламан.

Орага жимлик чўкди. Америкалик миссионер таврот ҳақида гап очсаммикин, деган хаёлга борганди.

— Тақсир, сизларнинг юртларингизда машҳур кишиларга ҳар хил лақаблар қўйишадди деб эшитгандим. Машҳур Миссурий банкири Томас Бентонни «Кекса Ёмби» деб атармишсизлар, ростми шу?

— Захарий Тейлорни¹ ҳам «Кекса Зах» деб атаймиз.

— Генерал Гаррисонни «Кекса Тип», генерал Жексонни эса «Қари Ёнғоқ» дермишсизлар?

— Жексон ёнғоқдек қаттиқ, Гаррисон эса Типпека-неда қизил танлиларни тор-мор келтирган.

— Сизларда Византия одати бор экан-да.

— Йўқ, бу ўз одатимиз. Ван-Бьюренни «Тўмтоқ Жодугар» деб атаймиз; майда купюралик қоғоз пуллар чиқариш тўғрисида фармойиш берган Сьюардни «Майда Билль»² деб атаймиз; Иллинойс сенатори демократ Дугласни «Деввачча» деб атайдилар — унинг бўйи фақат тўрт фут, лекин гапга жуда ҳам чечан; Техасдан Мэнгача кезиб чиққанингизда ҳам Кесс деган номни ҳеч эшитмаслигингиз мумкин: уни «Мичиганлик Узуноёқ» деб атайдилар. Клэйнинг ҳам асл номини эшитмайсиз: уни «тегирмонлик Чўтир бола» деб юрадилар. Клэй — тегирмончининг ўғли.

— Менимча, уларни қисқароқ қилиб Клэй ва Кесс деб атаган маъқулроқ, — деди парижлик.

— Унда одатий анъана бузилади-да. Биз хазина котиби Кервенни «Аравакаш», Даниэль Вебстерни «Қора Дэн» деймиз. Винфильд Скоттнинг лақаби «Тезроқ бир тавоқ шўрва» деб атаймиз, чунки у Чиппевейда

Захарий Тейлор (1784—1850), Уильям Генри Гаррисон (1773—1841), Эндж Жексон (1767—1845) Мартин Вен-Бьюрен (1782—1862)—Америка генераллари; мексикаликлар ва ҳиндиларга қарши урушларнинг қатнашчилари. Улар Қўшма Штатларнинг президентлари ҳам бўлган.

Даниэль Бебстер (1782—1852)—сиёсий арбоб, АҚШ давлат секретари бўлиб хизмат қилган киши.

Винфильд Скотт (1786—1866)—Америка генерали, 1847 йилда Мексикага қарши уруш қатнашчиси.

² Билль — қонун лойиҳаси (Англия ва АҚШда).

инглизларнинг додини бериб, дарров овқатланишга ўтирган.

Уфқда кўзга ташланиб турган бир тутам туман борган сари катталашиб бормоқда эди. Энди у уфқнинг анчагина қисмини эгаллаганди. Худди булут сув бетида сузиб келаётганга ўхшар, шамол йўқ эди. Шабада ҳам тиниб қолди. Денгиз жуда осойишта. Туш маҳали бўлганча йўғ-у, лекин қуёш хиралашиб қолди. У ёғду сочиб турса ҳам қиздирмасди.

— Ҳаво ўзгараётганга ўхшайди,— деди турист.

— Ёмғир ёғадиганга ўхшайди,— деб қўйди парижлик.

— Еки туман бўлади,— деди америкалик.

— Италияда, тақсир, ёмғир энг кўп ёғадиган жой — Тольмецо, энг кам ёғадиган жой эса Мольфетта.

Туш пайтида ороликлар одатига кўра тушки овқатга занг урилди. Овқат егиси келганлар овқатланишга кетишди. Баъзилар овқатларини палубага олиб чиқиб овқатлана бошладилар. Қлюбен овқатланмади.

Овқат маҳалида ҳам суҳбат давом этаверди.

Сезгирлиги туфайли америкаликнинг таврот тарғибчиси эканлигини пайқаган гернсейлик унинг ёнига бориб ўтирди. Шунда америкалик ундан:

— Сиз бу денгизларни яхши билсангиз керак, а?— деб сўради.

— Албатта, мен шу ерликман-ку, ахир.

Малознликлардан бири:

— Мен ҳам шу ерликман,— деб гапга аралашди.

Гернсейлик бош ирғаб, унинг гапини маъқуллади, у эса яна гапини давом эттириб:

— Очиқ денгизга чиқиб олдик, Менкье ёнидан ўтганимизда туманга дуч келмаганимиз яхши бўлди,— деб қўйди.

Америкалик малознликка мурожаат қилиб:

— Соҳил аҳолисидан кўра оролда яшовчилар денгизни яхшироқ биладилар,— деди.

— Бу ҳақ гап. Лекин биз қуруқликда ҳам яшаймиз-у, денгизда ҳам.

— Бу Менкье қанақа жой ўзи?— деб сўради америкалик.

— Бир тўда хатарли тошлар макони,— деб жавоб берди. малознлик.

— Бизда Греле деган жой ҳам бор,— деди гернсейлик.

— Ҳа, жуда ҳам ярамас жой-да,— тасдиқлади малоэнлик.

— Шуас ҳам шунақа,— деб қўйди гернсейлик.

Малоэнлик қаҳқаҳа уриб деди:

— Ваҳшийларимиз ҳам бор, у ҳам шунақа.

— Монахларимиз ҳам,— деди гернсейлик.

— Урдак деган жойимиз ҳам шунақа,— деди малоэнлик.

— Тақсир, энди сиз ҳам гапиринг,— деди ҳурмат билан гернсейлик.

— Малоэнликлар ёш бола эмас!— деди малоэнлик.

— Шунча денгиз қоялари орасидан ўтишимиз керакми ҳали?— қизиқсиниб сўради турист.

— Йўқ. Улар жануброқда, жанубий-шарқда қолди.

— Греледа эллик еттита каттаю кичик қоя бор,— деди гернсейлик.

— Менкьеда эса қирқ саккизта,— деди малоэнлик.

Шу пайт малоэнлик билан гернсейлик ўртасида мунозара бошланиб кетди.

— Сен-малолик жаноб, сиз яна учта қояни санамаб-сиз.

— Ҳаммасини санаганман.

— Дерэдан Бош оролгача-я?

— Ҳа, албатта.

— Уйлар қоясини ҳам санаганмисиз?

— Менкье ўртасидаги еттита қоями? Ҳа.

— Қўриб турибман, қояларни яхши биларкансиз.

— Қояларни билмаган малоэнлик ҳам малоэнликми!

— Французнинг мулоҳазаларини эшитган сари эшитгинг келади.

Малоэнлик унга таъзим қилиб ташаккур билдирди-да:

— Ваҳшийлар қоялари уч қоядан иборат,— деди.

— Монахлар — иккита.

— Урдак — бир қоя.

— Тушунарли. Урдак бўлгандан кейин битта бўлади-да.

— Номидан билиб бўлмайди. Сюарда — битта, ҳолбуки у ерда тўртта қоя бор.

— Сюарда деб нимани айтасизлар ўзи?— деб сўради гернсейлик.

— Сизлар Шуас дейдиган нарсани биз Сюарда деб атаймиз.

- Шуас билан Ўрдак оралиғида сузиш машаққат.
- Ҳа, фақат қушларгина бу оралиқдан учиб ўта оладилар.
- Балиқлар ҳам.
- Балиқларга ҳам қийин. Бўрон пайтида тўлқинлар уларни қояларга обориб уради.
- Менкбеда саёз жой борми?
- Уйлар атрофидагина учрайди.
- Жерсейдан кўриниб турадиган саккиз қоями?
- Тўғрироғи, Азет соҳилидан кўриниб туради, қоялар саккизта эмас, еттита.
- Сув қайтганда Менкбеда сайр қилса ҳам бўлади.
- Албатта, саёз жойлар бор.
- Дируйл-чи?
- Дируиль Менкбега сира ўхшамайдиган жой.
- Мен у ернинг ҳам хатарли жой эканлигини айт-япман.
- Дируйлнинг Гранвилга қараган томонлари анча хатарли.
- Сиз сен-малоликларнинг ҳам бизларга ўхшаб бу сувларда сузишни яхши кўришингиз сезилиб турибди.
- Тўғри гап,— деди малоэнлик,— фақат фарқимиз шуки, бизлар «одатланиб қолганмиз», деймиз, сизлар эса: «маъқул тушиб қолган» дейсизлар.
- Сизлар ажойиб денгизчисизлар.
- Мен молжаллоблик қиламан.
- Сен-малолик машҳур денгизчининг номи нима эди, эсимдан чиқибди? .
- Сюркуф¹.
- Бошқаси?
- Дюге-Труэн².
- Парижлик коммивояжер гапга аралашди:
- Дюге-Труэн дейсизми? Инглизларнинг қўлига тушиб қолган йнгитми? У жуда жасур ва хушмуомала йнгит эди. Уни ёшгина бир инглиз қизи яхши кўриб қолган, ўша қиз уни турмадан ҳам чиқариб олган.
- Худди шу пайт:
- Фирт маст экансан-ку!—деган қичқариқ эшитилди.

¹ Робер Сюркуф (1773—1827)— француз денгиз қароқчиси, узоқ йиллар мобайнида инглиз савдо флотига таҳдид қилиб турган.

² Реме Дюге-Труэн (1673—1736)— денгиз офицери, асли сен-малолик. Людовик XIV даврида шуҳрат қозонган.

КАПИТАН КЛЮБЕННИНГ БАРЧА СИФАТЛАРИ ОШКОР БУЛАДИГАН БОБ

Йўловчилар ўгирилиб қарадилар.

Капитан дорғага қичқирарди.

Сьер Клюбен ҳеч кимни сенсирамасди. У ҳозир Танг-руйлга сенсираб қичқирар экан, демак у дарғазаб, ёки ўзини дарғазабликка соляпти.

Уз вақтида қўзғалган ғазаб масъулиятга ундайди ёки бошқанинг ҳам ғазабини келтиради.

Клюбен икки қанот ўртасидаги капитан кўприкча-сида турган ҳолда Тангруйлга ўқрайиб турарди. «Ароқхўр! Ароқхўр!» деб такрорларди гижиниб. Дорға хо-муш бўлиб бошини ҳам қилди.

Туман эса ёйилиб бормоқда. У уфқнинг деярли яр-мини қамраб олди. У ҳамма томондан ёпирилиб келар-ди, ахир туман ёғ доғидек ёйилади-да. Туман сездир-масдан аста-секин бостириб келмоқда эди. Шамол уни секин, шовқинсиз сураётганди. Океан устини қоплаёт-ган туман шимоли-ғарбдан келар, пароход эса унга томон бормоқда эди. Гўё олдинда тик қоя турганга; денгиз бетидея девор ҳосил бўлганга ўхшарди. Бу де-ворга бориб тақалган сувнинг чегараси яққол кўзга ташланиб турар, ундан у ёғи эса туман ортида ғойиб бўларди.

Пароходдан ярим мил нарироқ туман девори билан қопланганди. Агар шамол бошқа томонга қараб эсгудай бўлса, кема туманга дуч келмаслиги мумкин эди, лекин қани энди шамол шу заҳотиёқ йўлини ўзгарта қолса. Йўловчилар кўз ўнгида бу масофа борган сари қисқа-риб бормоқда: Дюранда олға сузаяпти, туман ҳам бос-тириб келяпти. Туман пароходга томон, пароход эса туманга томон илғариқлаб боряпти.

Клюбен ўтхонага кўмир ташлаб, шарққа томон бу-рилишга команда берди. Анча вақт туман деворига нисбатан ёнлама сузилди, аммо туман яқинлашаверди. Кемага ҳамон қуёш нури тушиб турарди.

Оқибати бирор негликка олиб бормайдиган бу ма-неврларга ҳам вақт ортиқча сарфланди. Февраль куни қисқа, қоронғилик тез тушади.

Гернсейлик туманни диққат билан кузатарди. У ма-лоэнликка қараб:

— Туманни қаранг-а,— деди.

— Денгизда бўладиган офатларнинг энг ярамаси бу,— деб қўйди малоэнликлардан бири.

Бошқа биров:

— Таъбни хира қиладиган бўлди-да,— деб қўшиб қўйди.

Гернсейлик Клюбеннинг олдига бориб:

— Капитан Клюбен, туманда қолмасак деб қўрқяпман,— деди.

— Мен Сен-Малода қолиш ниятида эдим, йўлдан қолмасликни маслаҳат беришди,— деди Клюбен.

— Ким шунақа маслаҳат берди?

— Тажрибали денгизчилар.

— Демак, бугун йўлга чиқишингизга асос бор эканда, лекин, ким билади, эртага бўрон бўлиши ҳам мумкин. Ўзи шунақа пайт, ҳавога ишониб бўлмайди.

Орадан бир неча дақиқа ўтгач, Дюранда қуюқ туман орасида қолиб кетди.

Ғалати ҳолат рўй берди: кема тумшуғидагилар қуйруқ томондагиларни кўролмай қолди, қуйруқ томондагилар эса тумшуқдагиларни. Пароходнинг қоқ ўртасидан кул ранг нам парда билан бўлиб қўйганга ўхшарди.

Салдан кейин эса пароходни бутунлай туман қоплаб олди. Қуёш тўлин ойдек бўлиб кўрина бошлади. Ҳамма совуқдан титрашга тушди. Йўловчилар пальтолларини, матрослар — курткаларини кийиб олдилар. Денгиздан аллақандай совуқ ваҳима эсиб турарди. Бу чуқур сукунат пардасига қандайдир даҳшат бурканиб ётгандек эди. Ҳаммани аллақандай ғусса қамраб олганди. Пароходни қоплаган қўрғошин ранг зулмат қора мўри ва қора тутун билан олишарди.

Энди шарққа томон боришдан фойда йўқ эди. Капитан кемани яна Гернсей томонга буриб, тезликни оширтирди.

Гернсейлик буғ қозони тепасида сандироқлаб юриб негр Энбранкамнинг ўт ёқувчи дўсти билан қилаётган суҳбатини эшитиб қолди. У ҳушёр тортиб қулоқ солди. Негр:

— Эрталаб қуёш чиқиб турган маҳалда имилладиг-у, энди туманда буғни кўпайтириб, росаям тез юраяпмиз,— деди.

Гернсейлик юқорига, капитаннинг олдига чиқиб, ундан сўради:

— Капитан Клюбен, ҳадиксирашнинг ҳожати йўқ-ку, нега мунча тез кетяпмиз?

— Бошқа илож йўқ, тақсир! Арақхўр дорғанинг айби билан йўқотилган вақтнинг ўрнини босиш керак.

— Гапингиз тўғри, капитан Клюбен.

— Манзилга тезроқ етиб олишга шошяпман,— деди Клюбен.— Туман устига, тун ҳам тушиб қолади.

Гернсейлик малоэнликларнинг олдига борди-да:

— Капитанимиз ишнинг кўзини биладиган одам,— деб қўйди.

Гоҳ-гоҳ тароқ билан таралгандек туман толалари пайдо бўлар ва қуёш юзини бутунлай тўсиб қўярди. Кейин улар бир оз тарқагач яна, қуёш оғир касалдан тургандек, хиралашган, сўлғин чехрасни кўрсатарди. Аҳён-аҳёнда осмон парчаси кўриниб қоларди, у ҳам театр декорацияларида рассом томонидан чизиб тасвирланган осмон сингари фэйзсиз кўзга ташланарди.

Дюранда эҳтиётдан лангар ташлаб турган елканли кема ёнидан ўтиб кетди. Бу кема Гернсей оролидан бўлиб, «Шильтиль» деб аталарди. Кеманинг капитани Дюранданинг тезлигига диққат қилди, чунки Дюранданинг одатдаги йўлидан адашганлигини пайқаганди. Анчагина ғарбга ўтиб кетибди. Туман ичида пароходнинг ҳаддан ташқари тезлик билан кетаётгани эса уни таажубга солди.

Соат иккиларга бориб туман шунчалик қуюқлашдики, капитан Клюбен дорғанинг олдига боришга мажбур бўлиб қолди. Қуёш бутунлай кўринмай қолди; туман ютди уни. Оқ парда Дюрандани бутунлай қоплаб олди. У хира ойдинлик қаърида сузиб бормоқда эди. Осмон ҳам кўринмасди, денгиз ҳам.

Шамол бутунлай тинди.

Ҳатто парракларнинг қопқоқлари орасидаги кўприкча ҳалқасига терпентин солиб осиб қўйилган пақир ҳам қимири этмасди.

Йўловчилар жимиб қолдилар.

Фақат паришлик ўзича Беранженинг ашуласини ҳамон гинғиллаб хиргойи қилмоқда эди:

Бир кун уйғониб худо...

Малоэнликлардан бири унга мурожаат қилди:

— Тақсир, сиз паришликмисиз дейман?

— Ҳа, тақсир.

Паришлик яна хиргойи қила бошлади:

— Нима гап у ёқда?

Ерда бир гап бор...

— Парижда, тақсир, бесаранжомлик.

— Демак, денгиздагидек, қуруқликда ҳам нотинчлик денг.

— Ҳа, бу туман ишни чатоқ қиляпти.

— Бирор бахтсизлик рўй бермаса гўрга эди.

— Нега бунча бахтсизлик? Нега шунақайкин?— кунинди парижлик.— Қимга зарур бу? Масалан, Одеонда рўй берган ёнғинни¹ олайлик. Қанчадан-қанча оила хонавайрон бўлди! Адолатданми бу? Мен, тақсир, сизнинг диний қарашларингиздан хабарсизман, лекин бу ишларга шахсан мен қўшилмайман.

— Мен ҳам,— деди малоэнлик.

— Планетамиздаги ишларнинг ҳаммаси чалкашлигу тартибсизликдан иборат. Худойи таоло ҳеч нарсага аҳамият бермаётганга ўхшайди,— деди парижлик.

Малоэнлик бу гапнинг мағзини чақмоқчидек, гардашнинг қашиди.

Парижликнинг оғзи тинмасди:

— Худойи таолло жойидан жилган. Уни ўз жойида ўтиришга мажбур қиладиган бир декрет чиқариш керак. У чорбоғида дам олиб ётибди, биз билан иши йўқ. Шунинг учун ҳам ҳамма ёқ алғов-далғов. Кўриниб турибдики, азизим, бандаларини бошқарини худонинг ҳам жонига теккан, у дам олиб ётибди, ўрнига чумчуқ қанотли нонбини қолдирган. Семинаристлардан бўлган бу чумчуқ қанот нодон фаришта унинг ишларини эплай олармиди.

Капитан Клюбен суҳбатлашаётганлар ёнига келиб, парижликнинг елкасига қўлини қўйди-да:

— Бас! Ўйлаб гапиринг, тақсир. Денгизда турибмиз,— деди.

Шундан кейин ҳеч ким ҳеч нарса демади. Ҳамманинг дами ичига тушиб кетди.

Орадан беш минутча ўтгандан сўнг бу гапни эшитган гернсейлик малоэнликка қараб:

— Капитанимиз художўй ҳам экан,— деб пичирлади.

Ёмғир ёрмаётган бўлса ҳам ҳамма жикқа ҳўл бўл-

¹ 1818 йилда Париждаги Одеон театрида бўлган ёнғин кўзда тутилади; бу ёнғинда театр биносидан ташқари қўшни бинолар ҳам куйган.

ганди. Пароходнинг қаёққа кетаётганини ҳеч ким билмас, ҳамма паришон эди. Туман денгизда осойишталик барпо қилади; тўлқинларни босиб текислайди, шамолни гиппа бўғади. Бу осойишталик қучоғида Дюранда нолиш қилиб, бесаранжом нафас олаётганга ўхшарди.

Қарши томондан бирорта ҳам кема дуч келмади. Туман босмаган жойлардан—Гернсейданми, Сен-Малоданми келаётган кемадагилар бари бир Дюрандани кўролмасдилар, кеманинг тутуни эса олис-олислардан қаралганда худди осмондаги оқ кометага ўхшаб кўринган бўларди.

Тўсатдан Клюбеннинг:

— Аблаҳ! Қаёққа бурдинг? Нима қиляпсан ўзи? Ҳалок қилмоқчимисан бизларни? Сени каторгага йўқотиш керак! Йўқол, ароқхўр!—деб бақирган товуши эшитилиб қолди.

Клюбен румпелни ўз қўлига олди.

Шарманда бўлган дорға кема тумшуғига яширинди.

— Энди нажот топдик,— деди гернсейлик.

Дюранда яна тезлик билан суза кетди.

Соат учларга борганда туманнинг қуйи қатлами кўтарилди, денгиз бир оз ёришди.

— Бунинг бир хатари бор,— деди гернсейлик.

Чунки туманни ё қуёш ҳайдаши мумкин, ё шамол. Қуёш ҳайдаса тузук-ку, лекин шамол ҳайдамасин-да. Бу маҳалда қуёшдан нажот кутиб бўлмасди. Февралда қуёш соат учлардаёқ кам таъсир бўлиб қолади. Қун оққандан кейинги шамол айниқса изғиринли ва хатарли бўлади. Кўпинча у довулдан дарак беради.

Умуман, шабада турган бўлса ҳам, ҳали у сезилганча йўқ эди.

Клюбен компасдан кўз узмай, румпелни тутган ҳолда кемани ўзи бошқариб борар, йўловчилар унинг гижиниб, хуноб бўлиб:

— Вақт ғанимат, бу арақхўрнинг касофати билан жуда кечикиб қолдик,— деганини эшитдилар.

Унинг қиёфасидан ҳеч нарсани англаб бўлмасди.

Туман пардаси остидаги денгиз энди тўлғона бошлаганди. Тўлқинлар югурар, сув бетиде пушталар ҳосил бўларди. Тўлқинларда шуълалар ўйнай бошласа денгизчилар бундан бетоқатланадилар. Бу шамол туманни парчалаганлигидан дарак беради. Туман кўтарилиб, кейин баттарроқ қуюқлашди. Баъзан жуда ҳам қоронғи

бўлиб қоларди. Пароход қуюқ туман ичида қолганди. Тумандан иборат даҳшатли доира қисқарар, гоҳ осмоннинг бир бурдасини кўрсатиб, яна қисқичдек бекиларди.

Гернсейлик кўлида дурбини билан пароходнинг тумшуғида соқчидек қаққайиб турарди.

Атроф бир ёришиб, зум ўтмай яна ҳамма ёқни қоронғилик қоплаб олди.

Гернсейликни ваҳима босиб, капитанга қичқирди:

— Капитан Клюбен!

— Нима гап?

— Биз тўппа-тўғри Гануага қараб боряпмиз-ку!

— Янглишяпсиз,— деди бепарволик билан Клюбен.

— Мен бунга аминман,— дея ўз гапини маъқуллади гернсейлик.

— Бундай бўлиши мумкинмас.

— Ҳозиргина уфқда қояни кўриб қолдим.

— Қаёқда?

— Ана у ёқда.

— У томонда денгиздан бошқа нарса йўқ.

Клюбен мутлақо парво қилмаган ҳолда, йўловчи ваҳима билан кўрсатган томонга қараб кемани ҳайдай-верди.

Гернсейлик яна дурбинини тутди.

Бир минутдан кейин яна у югуриб келди.

— Капитан!

— Яна нима гап?

— Кемани бошқа ёққа буринг.

— Нега?

— Гапимга ишонинг, капитан, баланд қояни кўрдим, жуда ҳам яқин қолди. Бу Катта Гануа.

— Қалинроқ туман қоя бўлиб кўринган кўзингизга.

— Йўқ, унинг Катта Гануалиги аниқ. Худо ҳақи, кемани тез буринг!

Клюбен рулни бурди.

V

КЛЮБЕН ҲАММАНИ ҲАЙРАТДА ҚОЛДИРДИ

Қарсиллаган товуш эшитилди. Очик денгизда шиддат билан сузиб кетаётган кема сув ости қояларига урилганда жуда ҳам мунгли, ғалати товуш чиқаради. Дюранда таққа тўхтаб қолди.

Зарбдан баъзи йўловчилар қалқиб палубага йиқилиб тушдилар.

Гернсейлик қўлларини чўзган ҳолда:

— Гануанинг худди ўзи. Мен айтдим-ку!— деб қичқириб юборди.

Палубадан:

— Ҳалок бўлдик!— деган чинқириқлар эшитилди.

Клюбеннинг кескин ва салмоқдор овози янгради:

— Тинчланинглар! Ҳеч ким ҳалок бўлгани йўқ!

Ўтхонадан Энбранкамнинг белгача яланғоч, қора гавдаси чиқиб келди.

Негр хотиржамлик билан Клубенга қараб:

— Капитан, ўтхонага сув кираяпти. Машинани сув босади ҳозир,— деди.

Жуда ваҳимали дақиқалар эди.

Дюрандининг қояга бориб шиддат билан урилиши ўз-ўзини ўлдиришга ўхшарди. Атайин қилинганда ҳам бундан баттароқ бўлши мумкин эмасди. Дюранда қояга ҳужум қилиб, гўё уни эзиб ташламоқчидек, тўппа-тўғри бориб урилганди. Қоянинг ўткир учи кемага худди миҳ сингари ботганди. Кема қопламаси бир квадрат сажень тешилган, форштевени синган, уч қисми пачақланиб кетганди. Синган корпусдан денгиз суви кираётганди. Улим келтириши муқаррар бўлган жароҳат эди бу. Зарб шиддатли бўлганидан рулнинг арқони узилган, осилиб турган руль қаттиқ силкиниб турарди. Кеманинг атрофи қоялар билан ўралган бўлиб, қуюқ, қора тумандан бошқа нарса кўринмасди. Узун февраль туңи бошланганди.

Дюранда денгизга тумшуғи билан чўккан, у ҳўкиз сузиб қорни ёрилган отга ўхшарди.

Ҳа, Дюранда ўлганди.

Сув кўтарилиши бошланаётгани сезилиб турарди.

Тангруйлнинг кайфи тарқаб кетди: ҳалокат пайтида ҳар қанақа мастнинг ҳам кайфи тарқайди; у югуриб қуйи палубага тушиб кетди, яна юқорига чиқаркан:

— Капитан, тағхонага сув кираяпти! Ун минутдан кейин тўлади,— деб қичқирарди.

Йўловчилар ваҳима остида палубада у ёқдан-бу ёққа югуришар, қўлларини қўлларига ишқашар, бортдан пастга эгилиб қарашар, хуллас, ҳалокат пайтида рўй берадиган бесаранжомлик билан гангиб қолгандилар. Турист эса ҳушидан кетиб қолганди.

Клубен қўл кўтариб ишора қилиши билан ҳамма унга умидли тикилиб, жимиб қолди. У Энбранкамдан:

— Машина яна қанча вақт ишлай олади?— деб сўради.

— Беш-олти минут.

Клюбен шундан кейин герисейликка мурожаат қилди:

— Мен рулдайдим. Сиз қояни кўриб қолдингиз. Биз қоялардан қайбирига урилдик?

— Чайкага. Еруғликда қараб ҳозир яхши биллиб олдим.

— Агар Чайкага урилган бўлсак, демак Катта Гануа ўнг томонда, Кичик Гануа чап томонда, хуллас, қирғоққача бир мил масофа қолибди-да,— деди Клюбен.

Экипаж ва йўловчилар Клюбеннинг сўзини эътибор билан тингладилар, ваҳимадан титраб, ундан кўзларини узмай турдилар.

Кеманинг юкини енгиллатишга уриниш ўринсиз, ҳатто бунинг мутлақо иложи ҳам йўқ эди. Юкларни денгизга улоқтириш учун люкларни очиш лозим, бу эса кираётган сувнинг миқдорини кўпайтиради. Лангар ташлаш ҳам фойдасиз, усиз ҳам кема михлангандек турибди. Бундай бўлмаганда ҳам, қояли жойда лангар маҳкам ўрнашмас, лангарнинг занжири штокка илиниб қолиш хавфи ҳам бор эди. Кеманинг машинаси шикастланмаган, ўтхонага сув киргунча ишлаши мумкин; буф билан парракларни чаққон ишлатиб, кемани орқага тислатиш ва қоядан чиқариб олиш мумкин эди. Лекин бунда кема қоядан ажралиб чиқарди-ю, денгизга ботиб кетарди. Қоянинг ўткир учи кемага санчилиб, сув киритмай турганди. Тешикдан шиддат билан кираётган сувни насос ёрдами билан чиқариб ташлаб бўлмасди. Юракка санчилган ханжарни тортиб олган киши ярадорнинг шу заҳотиёқ жон беришига сабаб бўлади. Қоядан ажралиш — ҳалокат эди.

Тағхонадаги ҳўкизларнинг маъраётганлари эшитилиб турарди, шўрлик ҳўкизлар сувга ғарқ бўла бошлагандилар.

— Қайиқни туширинглар!— деб команда берди Клюбен.

Энбранкам билан Тангруиль қайиқни еча бошладилар. Бошқалар эса таёқдек қотиб туришарди.

— Ёрдам беринглар!— деб қичқирди Клюбен.

Ҳамма бирдан бу фармойишга итоат қилишди.

Клюбен ҳозирги замон денгизчилари яхши тушунмайдиган тилда команда бериб турди. У жуда хотиржам эди:

— Чиғирлат.— Чиғирнинг занжири ўралиб қолди, қаранглар!— Секин тушир.— Бирданига.— Тумшуғи билан тушмасин.— Чиғирни тўхтат.— Еч!..

Хуллас қайиқ сувга туширилди.

Шу пайт Дюранданинг парраклари тўхтади, тутун ҳам чиқмай қолди, ўтхонага сув кирганди.

Йўловчилар арқонларга осилиб ўзларини пастга ташладилар, Энбранкам ҳушидан кетиб қолган турнишни қайиққа олиб тушиб, ўзи яна пароходга кўтарилди.

Йўловчилардан кейин матрослар тушишди, юнга оёқ остида қолиб кетди.

Энбранкам матросларнинг йўлини тўсиб:

— Олдин болани тушириш керак-ку!— деб қичқирди-да, бақувват қора қўллари билан ён-атрофдагиларни итариб, болани қайиқда турган гернсейликка тутқизди.

Юнга қутқазилгандан кейингина, Энбранкам ўзини четга олиб, йўл берди ва бошқаларга:

— Энди сизлар тушсангизлар бўлади,— деди.

Клюбен ўз каютасига бориб, кема журналини ва турли асбобларни боғлади. Компасни ҳам олди. Қоғоз ва асбобларни у Энбранкамга, компасни эса Тангруйлга топшириб, команда берди:

— Қайиққа тушинглар!

Негр билан дорга қайиққа тушди. Қайиқ тўлганди. Унинг четлари сувга тегай-тегай деб турарди.

— Жўнанглар!— деб буйруқ берди Клюбен.

— Сиз-чи, капитан?— деб қичқирди қайиқдагилар.

— Мен қоламан.

Ҳалокатга учраган маҳалларда мулоҳаза қилиб ўтиришга, айниқса ялиниб ўтиришга фурсат бўлмайди. Лекин хотиржам, ҳар ҳолда хатарсиз бўлган қайиқдагилар ўзлари учун эмас, капитан учун қайғурдилар:

— Бирга қайтамиз, капитан!

— Мен қоламан.

Денгизни яхши билган гернсейлик:

— Капитан, гапга жиринг. Кема Гануага санчилган. Бу ердан Пленмонгача бир мил. Қайиқ билан биз фақат Рокенга боришимиз мумкин, Рокен бу ердан икки мил нарида. Ҳамма ёқда сув ости қоялари, туман. Рокенга икки соатдагина етиб бора оламиз. Жуда ҳам бемаҳал бўлиб қолади. Сув кўтарилади, шамол кучаяди. Бўрон бўлади. Биз сизни олиб кетгани бажонидил қайтишни нистаймиз-у, лекин кучли бўрон туриб қолса,



бунинг иложи бўлмайди. Бу ерда қолсангиз ҳалок бўласиз. Юринг, яхшиси бирга кетайлик,— деди.

Парижлик ҳам гапга аралашди:

— Қайиқ лиқ тўлган, ҳатто бирорта ҳам одам ортиқчалик қилади. Лекин қайиқда ўн уч киши эканмиз, бу соннинг хосияти ёмон, ортиқча бўлса ҳамки, яна бир одамни олишимиз керак. Бирга кетайлик, капитан.

— Бу иш менинг айбим билан бўлди, сизнинг айбингиз йўқ. Сизнинг қолаётганингиз адолатдан эмас,— деди Тангруиль.

— Мен қоламан,— деди Клюбен.—Кечаси пароходни бўрон тилка-пора қилиб ташлайди. Мен уни тарк қилолмайман. Кема ҳалокатга учраганда, капитан ўлиши керак. Менинг тўғримда: «У ўз бурчини бажарди»,— дейдилар, шу бас менга. Тангруиль, мен сизни кечираман.

Кейин қўлларини чалкаштириб:

— Командамни эшитинглар. Жўнанглар!— деб қичқирди у.

Қайиқ қўзғалди. Энбранкам рулни тутди. Қўли эшкак билан банд бўлмаганларнинг ҳаммаси қўлларини капитанга силкиб, ҳамма бир овоздан: «Капитан Клюбенга ура!»— деб қичқирди.

— Ҳар қанча мақтовга муносиб одам экан,— деб қўйди турист.

— Бу ўлкадаги энг софдил одам ўша,— деди гернсейлик.

Тангруиль кўзига ёш олиб:

— Мен у билан бирга қолардим-у, лекин юрагим ҳеч бетламади,— деди.

Қайиқ туман ичига кириб, ғойиб бўлди.

Ҳеч нарса кўринмай қолди.

Эшкак товушлари аста-секин пасая бориб, кейин эшитилмай қолди.

Клюбен ёлғиз қолди.

VI

ТУБСИЗ ЧУҚУРЛИК ЕРИГАНДА

Булутлар билан чулғанган қоя устида, тўлқинлари пишқираётган денгиз ўртасида, бутун жонли зотдан, одамлардан олисда, тобора кўтарилаётган сув ва қоронғилашиб бораётган тун қучоғида танҳо қолган Клюбен бу ҳолатидан ич-ичидан шодланарди.

У ўз муродига етган эди.

Унинг орзуси рўёбга чиққанди. Тақдир узоқ кутдирган совғасини унинг қўлига ниҳоят тутқизди.

Одамлар уни танҳоликда қолдириб кетишди — бу унинг учун қутулиш эди. У Гануада, қуруқликдан бир миль олисда турибди, ёнида эса етмиш беш минг франк пули бор. Бунақа фойдали кема ҳалокати ҳеч қачон бўлмаган. Ҳар бир ҳаракатни, ҳар бир дақиқани ҳисобга олган ҳолда у ўз муддаосини амалга оширди. Клубен йигитлик чоғлариданоқ фақат бир нарса ҳақида ўйларди: ҳаётий қимор ўйинида виждонни тикиш керак, виждонли ва инсофли бўлиб кўриниш керак, шундан кейин фурсат пойлаб, энг фойдали усулдан фойдаланиб, қулай пайтда бир ҳаракат билан банкани қўлга киритиб, ҳаммани аҳмоқ қилиб, секингина кўздан ғойиб бўлиш керак. Бошқалар йигирма марталаб овора бўлиб, машаққат билан қўлга киритадиган ютуқларни Клубен бир галда енгил ҳаракат билан қўлга киритишни, бошқалар дор остига бориш хавфи билан қиладиган ишни у осонгина қўлга киритиш умиди билан яшарди. Рантен унга зулматдаги нур бўлиб кўринди. Дарров режа тузди: Рантени пулни беришга мажбур қилиш керак, пулни олгач, ғойиб бўлиш зарур, бошқалар эса уни ҳалок бўлди деб ўйласинлар. Рантенинг уни фош этмоқчи бўлиб уриниши ҳам оқибатсиз бўлиб қолади; буни амалга ошириш учун Дюрандани чўктириб юбориш керак эди. Дюрандининг ҳалокати мақсадни амалга ошириш учун бир зарурат бўлиб қолди. Одамлар орасида яхши от қолдириб, ғойиб бўлиш унинг муддаоси, умрининг мазмуни эди. Мажақланган кема устида ўша кеча Клубенни кўрган киши уни беҳад шод ўйин тушаётган шайтонга ўхшатган бўларди.

Клубен ана шундай бир дақиқалик кайф учун яшаганди шу чоққача.

У бутун борлиги билан: «Ниятимга етдим»,— деб тургандек эди. Юз-кўзи муддаосига етган қароқчининг қиёфасига кирди — юзида қўрқинчли осойишталик, кўзларида қувонч учқуни порлади. Унинг қиёфаси қалбидаги ёнғиннинг шуълаларини намоён этарди.

Инсоннинг ички дунёси ташқи дунёси билан боғлиқ. Фикр яшинга ўхшайди: муваффақият дақиқаларида омадни етиштирган хаёл булутларини ёриб, қувонч учқуни порлайди; разиллик панжасига тушган ўлжа—бахт

айниқса бошқача шуъла таратади; тантана қилган разил фикр юзни ёритади; макрли ғийбатлар, мунофиқона ишлар, амалга ошган разилона мақсадлар кишиларнинг юзларида билинар-билинемас равшанлик ҳосил қилади, бу ёруғлик гоҳ пайдо бўлади, гоҳ ғойиб бўлади. Улар момақалдироқли, булутли осмонда чақнаган яшинга ўхшайдилар. Туман ва зулмат пардасига чулганган қора виждон ҳосил қилади уларни.

Клюбеннинг кўзлари ҳам шунақа чақнаётганди.

Унинг кўзида чақнаётган ўт ерда ва осмонда кўринадиган чақинларга ўхшамасди.

Клюбеннинг ичидаги қувлик юзига урди.

Чексиз зулматга нигоҳ ташлаб турган Клубен ўзини қаққаҳадан тийиб туролмади.

Ниҳоят, у озод! Ниҳоят, у бой!

У излаган нарсасини топганди. Масала ҳал.

Клубен шошилмасди. Кўтарилиб бораётган сув кемани тутиб турибди, ҳозирча кеманинг ботиб кетиш хавфи йўқ, у қояга қаттиқ санчилган. Бундан ташқари, қайиқнинг узоқлашишини кутиб туриш ҳам керак, балки у фарқ ҳам бўлар.

Клубен қўлларини чалкаштириб, мажақланган кема палубасида турар, танҳолик кайфини сурарди.

Мунофиқлик бу одамни ўттиз йил ипсиз боғлаб қўйганди. У виждон ниқобини кийган аблаҳликнинг тимсоли эди. Лекин бу виждон билан ҳеч қачон чиқишолмасди у. Ҳамма вақт у қалби билан жинояткор эди; вояга етиб, ўзини бошқа қиёфага киритди. Қиёфасидан туппатузук одам-у, аслида эса иблис, қотил эди. Ширинсўз қароқчи эди у. Виждоннинг қули бўлиб қолганди; бегуноҳлик ғилофига кириб олганди у; қалби аблаҳнинг қалби-ю, елкасида фаришта қаноти бордай эди. Ҳамманинг ҳурматини қозонишдек оғир юкни минг машаққат билан кўтариб юрарди у. Виждонли киши ролини бажаришдек оғир иш йўқ. Тарозининг шайинини ҳамма вақт мувозанатда сақлаш, ёмонлик ҳақида ўйлаган ҳолда, «виждонан» гапириш — қанчалик оғир иш! Соддадил киши ниқоби остида жиноятчининг танасини яшириб юриш осон ишми? У шунақа эди, роса ўттиз йил шу қиёфада юрганди. Унинг қисмати шунақа қарама-қаршилиқдан иборат эди. Ўзини ўзи қўлга олиб, одамларга яхши кўриниб юрди, ниятлари эса ичи-этини тирнарди. Виждонлилик унинг нафасини бўғарди. Нафасини қисаётган бу

қўлни ғарчиллатиб чайнаб ташлагиси келарди-ю, аммо уни ноилож ўпишга мажбур бўларди.

Ёлғон гапириш — жафо тортиш. Мунофиқ кўпроқ жафо тортади: у ўз муваффақиятини узоқ кутади, демас, ўзини узоқ қийнайди. Бутун борлиғини намоён қилиб яшаш ўрнига сиқилиб бошқа бир қолипга кириш, ҳадеб алдаш, нуқул хомчўт қилиб юриш—қаттиқ жафо. Шум фикрни тушовлаб, бошқалар учун эзгулик бўлган ишлар қилиш, аблаҳ жонни бежирим қилиб кўрсатиш, мияни разиллик банд қилиб турганда меҳрибон бўлиб кўрнинишга уриниш, ўзингга меҳр билан қараб юрган кишиларни хароб қилиш ишқи билан яшаш, пойлаб-пусиб юриш, муддаонгни сездириб қўймаслик учун эҳтиёткор бўлиш, руҳий, ички хунук қиёфангни нуқул гўзал кўрсатишга ҳаракат қилиш, аблаҳликни фазилатга айлантириб юриш, ханжар билан қитиқлаш, заҳарни асал қилиш, ичингдаги гапни башараиғ аён қилиб қўймаслиги учун юзларингга олижаноблик ифодаси бериш, овозингдан, кўз қарашларингдан нуқул эҳтиёт бўлиб юриш — бундан машаққатлироқ, бундан уқубатлироқ нарса бормикин! Мунофиқ онгсиз равишда мунофиқликдан жиркана бошлайди. Нуқул икки юзламалик қилавериш жонга тегади. Маккорлик маккорнинг ўзида ҳам макрга нафрат туғдиради, макр шунақа бадҳазм нарса, ўз макрини ўзи ҳазм қилолмай қийналади. Буларнинг устига устак, мағрурлик ҳам бор. Шуниси қизиқки, мунофиқ ўзини ардоқлаб, ўзига-ўзи катта ҳурмат билан қарайди. Ман-манлик кўчасига киради. Қурт ҳам юрганга аждарга ўхшаб юради, аждардек бошини ғоз туттади. Сотқин—оёқ-қўли боғланган золим, унда фақат иккинчи даражали роль ўйнаш имкони бор, холос. Бу — катта аблаҳликлар қилишга қодир бўлган ҳеч нарсага арзимас бир тубанликдир. Мунофиқ бир вақтда ҳам дев, ҳам миттидир.

Қлюбен ўзини камситилган жабрдийда ҳисобларди. Нега у бой бўлиб туғилмади? У отасидан йилига юз минг франк фойда берадиган мерос олишни истарди. Бошқа нарса керак эмас унга. Нега унга мерос насиб қилмади? Бунга у айбдор эмас-ку, ахир. Уни ҳаётнинг ҳузур-ҳаловатидан маҳрум қилиб, меҳнат қилишга, тағин бунинг устига, алдашга, хиёнат қилишга, йўлдан озишга мажбур қилишди. Қайси гуноҳи учун уни доимий азобга гирифтор қилишди, алдашга, хушомад қилишга,

итоатгўйликка, мулозимат қилишга, одамларнинг меҳр-муҳаббатига сазовор бўлишга, кечаю кундуз ниқоб тутиб юришга мажбур қилдилар? Бошқа қиёфага кириш — зулмга чидам бериш демакдир. Кимни алдасанг, алданганга қалбингда нафрат уйғонади. Ниҳоят Клюбен қулай фурсатни топди. Клюбен шу азоблари учун ўч олди.

Клюбен кимдан ўч олди? Ҳаммадан, ҳаммаси учун. Летъери унга яхшилик қилди, холос, бу эса Клюбеннинг аламини зиёда қилди. Клюбен Летъеридан созлаб ўч олди.

Кимлар уни яхши одам ҳисоблаб юрган бўлса, уларнинг ҳаммасидан ўч олди. Бу ўйинда ютди у. Уни яхши одам ҳисоблаганлар душманига айландилар. Клюбен бундай одамларнинг асири бўлиб қолганди.

Клюбен эркинликка чиқди. Қочиб қутулди. Жамиятдан узоқда энди. Уни ўлдига чиқарадилар, унинг ҳаёти эса энди бошланади. Клюбен ҳақиқий башарасини очди. Бир зарба билан юзидаги ниқобни йиртиб ташлади. У, Клюбен, Рантени мурод остонасидан улоқтирди, Летъерини қашшоқлик масканига итқитди, инсоний адолатни зулмат қаърига ташлади, жамоатчилик фикрини чалкаштириб юборди, бутун инсониятни узоқлаштирди ўзидан. Дунёдан чеккага олди ўзини.

Худо билан иши йўқ, тўрт ҳарфдан иборат бўлган бу сўзга парво ҳам қилмайди.

Уни эса диндор одам ҳисоблардилар. Нима бўпти! Ҳар қандай мунофиқнинг тилсим сингари сирли йўллари бўлади, тўғрироғи, мунофиқнинг ўзи бир тилсимдир.

Клюбен ёлғиз қоларкан, ўзининг сирли тилсимини очди. Роса ёзилиб-яйради; ичидагилари сиртига чиқди.

Ўз жинояти самарасидан ҳузур қиларди у.

Разолат бутун борлиги билан унинг қиёфасида намоён бўлди. Клюбеннинг боши кўкка етганди. Шу дақиқада унинг ёнида Рантен бўлганда, у Клюбен олдида норасида гўдакдек бўлиб кўринган бўларди.

Ниқобдан қутуладиган кун ҳам келди-я! Ўзини енгил ҳис қилиб, кўнгли ниҳоят таскин топди. Ниқоб шунчалик жонига текканди. Одамларнинг ҳурматига у узоқ вақт тоқат қилиб келди, бу унда тобора сурбетликка томон интилишни кучайтирди. Мунофиқ разилликдан ҳузур қилади. Унинг туб моҳиятигача тушуниб етилма-

ган қора кўнгли жиноятга жазм этади. Сохта шуҳрат чучмал туюлади, иснодга ҳавас уйғотади. Одамларга ҳурматсизлик шунчалик зўрки, уларнинг нафратини туғдиришга хоҳиш ҳосил қилади. Муҳтарам зот бўлиб юравериш жонига тегади. Ахлоқсизликдан иборат ҳис-туйғулар мунофиқни ўзига жазм этади. Мунофиқ энг тубан ярамасликларга суқланиб қарайди. Мажбуран ерга қаратилганда ҳам кўзлар зимдан унга тикилмай туролмайди. Мария Алакок руҳида Мессалина яшайди. Қадьер билан лувьелик монах аёлни бир эслаб кўринг. Клюбен ҳам чодир ёпиниб юрганди. Ахлоқсизлик унинг айни муддаоси эди. Ўзини пулга сотиб, хўрланадиган хотинга у ҳавас билан қарарди; ўзини у шунақа сотқин хотиндан баттарроқ деб билар, бепуноҳлик жонига тегиб кетганди унинг. Ҳаёсизлик Тантали эди у. Мана, ниҳоят энди қоя устида танҳоликда у ўз аслига қайтди. Ҳеч нарсадан тортинмай-нетмай ўзининг аблаҳлигини ҳис этиб яйраш қандай роҳат! Клюбен шу дақиқаларда иблисга ўхшаб ёмонликнинг ҳузурини татиётганди; Клюбен уятсизлигидан роҳатланарди, инсон зоти йўқ бу ерда, уни ҳеч ким кўраётгани ҳам йўқ. Қувончи ичига сифмай: «Мен аблаҳман!» — деб бутун борлиғи билан кулди.

Инсон виждонида ҳеч қачон бунақа ҳис тантана қилмаган.

Мунофиқнинг қалбидан отилиб чиқаётган қувончни ҳатто вулқон билан ҳам тенглаштириб бўлмасди.

Клюбен ёнида ҳеч ким йўқлигидан мамнун эди, лекин биров бўлганда ҳам хафа бўлмасди. Гувоҳ бўлаётган кишида пайдо бўлган даҳшатли таажжуб ҳам уни яфратар, баҳраманд қиларди.

Агар у оламдаги ҳамма одамларга қараб: «Ҳаммаларингиз ҳам тентакларсиз!» — дея олса, ўзини янада бахтиёрроқ ҳис этган бўларди.

Елғизлик унинг тантанасини ҳам кучайтаётган, ҳам камайтаётганди.

У ўз шуҳратининг бирдан-бир гувоҳи бўлиб турганди-да.

Бадномлик устун остида туришнинг ҳам ўз кайфи бор. Ҳамма сенинг мунофиқлигингни томоша қилади.

Одамларнинг диққатини тортиб, қудратингни намоёйиш этасан. Қўл-оёғи кишанланган ҳолда дор остида турган маҳбус ҳам зўравон, ахир, у ҳаммани ўзига қа-

рашга мажбур этади. Жаллоднинг кундаси ҳам ўзига хос бир пьедестал. Ҳамманинг диққат марказида туришнинг ўзи катта муваффақият эмасми? Ҳаммани ўзингга тикилишга мажбур этиш ҳам устунликнинг бир кўриниши. Разиллик идеали бўлган одамларга уят катта шуҳратдир. Дор остида, жаллоднинг кундаси ёнида ҳаммадан юксакликда турасан. Қанақа жой бўлишидан қатъи назар, ишқилиб, юксаклик-да. Голиблардек қаддингни ғоз тутиб, кўкрак кериб тураверасан. Ҳамма кўз тикиб турган жаллоднинг кундаси ҳам тахтга ўхшайди.

Ҳамманинг кўзи қаршида туриш — ҳаммани маҳлиё қилиш демакдир.

Разиллар разилликдан ҳаловат топадилар. Римга ўт қўйиб, кулини кўкка совурган Нерон, фириб билан Пфальцни қўлга киритган Людовик XIV¹, Наполеонни аста-секин ҳалокатга маҳкум этган регент² Георг³, маданий дунё кўзи олдида Польшани бўққан Николай I кабилар Клюбен орзу қилган ҳаловатдан баҳраманд бўлгандирлар эҳтимол.

Фош бўлиш — инқироз, ўз-ўзини фош этиш ғалаба демакдир. Ошкор ва мағрурона сурбетликнинг лаззати, ашаддий уятсизликнинг, бутун мавжудотни ҳақоратловчи аблаҳликнинг тантанаси эди бу. Энг олий фароғат бу.

Бу фикрлар мунофиқликка қарама-қаршидек туюлади. Аслида бундай эмас. Мунофиқлик изчил бўлади. Гапи ширин-у, иши аччиқ бўлади. Эскобар⁴ маркиз де Саддан қолишмайди. Исботи — Леотад. Мунофиқ такомилига етган адоватдир, шунинг учун ҳам унда бузуқликнинг икки қутби мужассамдир. Бир томондан у, диний ваъзхон, иккинчи томондан, ахлоқсиз. У иблис сингари эркак ҳам, хотин ҳам. Мунофиқ — ёвуз ниятли

¹ Германиянинг Рейн бўйидаги области Пфальц 1685 йилдан бошлаб меросхўр князсиз қолгач, Людовик XIV ўзини меросхўр ҳисоблаган. Бу областга француз қўшинлари 1688—1689 йилларда бостириб кирганди.

² Р е г е н т — монархия давлатларида касал ёки ҳали вояга етмаган монарх ўрнида муваққат турган киши.

³ Г е о р г (кейинчалик қирол Георг IV) Англияда 1811 йилдан 1830 йилгача ҳукмронлик қилган. Унинг даврида Наполеон Эльба оролига, кейин Авлиё Елена оролига сургун қилинганди.

⁴ Э с к о б а р (1589—1669) — католик руҳонийларининг жиноятларини бекитишга уринган испан иезуити. Мольер билан Лафонтен уни масхаралаб асар ёзган. Л е о т а д — ўн беш ёшли хизматкор қизни ўлдиришда айбланган монах.

хунаса. Унинг замирида разолат ўз-ўзидан пайдо бўлади, ўз-ўзидан такомилга етади. Кўриниши ёқимли; ўнг-терс қилиб қарасангиз жирканчлигини кўрасиз.

Бир-бирига зид, хилма-хил фикрлар Клюбеннинг миясини ғовлатгандилар. Бу фикрлар моҳиятига тушунмас, лекин ҳузур қиларди.

Бу одамнинг фикрлари тун қаъридаги жаҳаннам шуъласи эди.

Хуллас, Клюбен анча вақт ўйга толиб ўтирди: ташлаган пўстига қараб турган илон сингари ўз ўтмишини эсларди у.

Одамлар уни софдил киши ҳисоблардилар, ўзи ҳам ўзининг софдиллигига ишониб юрарди.

У яна қаҳқаҳ уриб кулди.

Ҳамма уни ўлди деб ўйлайди, у эса тирик, бадавлат ҳам. Ҳамма уни ҳалок бўлган ҳисоблайди, у эса қутулган. Одамларни хўп боплаб аҳмоқ қилди-да.

Рантени ҳам аҳмоқ қилди. Клюбен уни нафрат билан жирканиб эслади. Бу нафрат тулкининг йўлбарсдан нафратланганига ўхшарди. Рантенинг муроди ҳосил бўлмади, Клюбеннинг муроди ҳосил бўлди. Рантен сажнадан шарманда қилиниб тушириб юборилди. Клюбен эса таптана билан тушади. У Рантенинг жиноятлари ҳосилини йиғиб олди, бахт Клюбенга кулиб боқди.

Клюбен келажакнинг мукамал режасини ҳали тузмаганди. Камаридаги тунука қутичада учта банк билети турибди, шунинг ўзи бас унга. Номини ўзгартиради. Олтмиш минг франк олти юз минг франкдан қимматроқ турадиган мамлакатлар бор дунёда. Ана шу мамлакатлардан бирига бориб, Рантен ўғридан тортиб олинган пул билан ҳузур-ҳаловатда яшаши мумкин. Ё савдо билан шуғулланади, катта корчалонлар сафига кириб, маблағни кўпайтириб, чинакам миллионер бўлиб олиш ҳам мумкин. Бу ҳам чакки эмас.

Мана, масалан, Коста-Рикада қаҳва савдоси эндигина кенгайиб борапти, қоп-қоп тилла топиш мумкин. Омон бўлсак, у ёғини ўйлаб кўрармиз.

Ҳозир бош қотириб ўтиришнинг пайти эмас. Ҳали олдинда бош қотириб кўрадиган вақт кўп. Энг қийин пайтлар ўтиб кетди. Рантендан пулни тортиб олиб, Дюранда билан бирга ғойиб бўлиш — қийин иш эди. Қолгани ҳеч гап эмас. Ҳеч қанақа ғов йўқ энди. Фавқулодда тўсиқлар бўлиши мумкин эмас. Қўрқадиган жойи

қолмади. Қирғоққа сузиб боради, кечаси Пленмонга бориб, қояга кўтарилади, «Жин-ажиналар уйи» олдига бориб, қоя ковагига яшириб қўйилган арқон ёрдами билан уйга чиқади; уйда қуруқ кийим ва озиқ-овқат солинган саквояжини топади; бир неча кун шу уйда туради; олган маълумотига қараганда, испан контрабандачилари бир ҳафта ўтар-ўтмас Пленмонга етиб желадилар, балки Бласкитонинг ўзи ҳам келиб қолар; бир неча гиней берса, уни Торбэйга эмас, Пасахес ёки Бильбаога элиб қўяди. Бласко билан гаплашганда, Торбэйга бораман, деганди уни чалғитиш учун. У ердан Вера-Крусга ёки янги Орлеанга жўнайди. Энди денгизга шўнғиш керак, қайиқ узоқлашиб кетди, бир соат сузиб бир милни кечиб ўтади, бу ҳеч гап эмас унга. Клюбен шу ҳақда ўйлаган заҳотиёқ туман ёришди — яшин чақнади.

Унинг кўзларига даҳшатли Дувр қоялари аниқ кўринди.

VII

КУТИЛМАГАН ДАҲШАТ

Клюбен бу қояларга кути ўчиб тикилди.

Ҳа, бу ўша даҳшатли, кимсасиз қоя эди.

Ваҳимали қиёфаси аниқ кўринди, Клюбен янглишгани йўқ. Унинг қаршисида ваҳимали эгизак Дувр қоялари чўзилиб ётарди, улар орасидаги тор йўлак қопқондек бўлиб кўринди. Океаннинг энг аблаҳ жойи эди бу ер.

Бу қоялар бир-биринга жуда яқин жойлашган. Разил туман буни шу пайтгача яшириб турганди.

Туман Клюбенни йўлдан янглиштирди. Ҳар қанча эҳтиёткорлик қилган бўлса ҳам бир маҳаллар икки сайёҳнинг бошига тушган маломат унинг ҳам бошига тушди: «Оқ» бурунини кашф этган Гонзалес, «Яшил» бурунини кашф этган Фернандесдек у ҳам янглишди. Туман йўлдан чалғитди уни. Ўз ниятини амалга оширишда туманни Клюбен энг яхши ёрдамчи деб билганди, лекин у хатар бўлиб чиқди. Клюбен ғарбга бурилиб янглишибди. Гануани кўряман, деган гернсейлик уни чалғитди, кемани қояга уришга мажбур этди, сув ости қоясининг чўққисига қаттиқ урилган Дюранда Дувр қояларидан сал берироқда эди, холос.

Икки юз сажан нарида куб шаклидаги баланд қоя чўққайиб турибди. Унинг ёнида, қуйида баланд-пастликлар кўзга ташланиб турибди, улардан тепага чиқса бўлади. Қоя чўққисидан текис майдонча борлигини пайқаш мумкин эди.

Бу қоя «Одам» қояси эди.

У Дувр қоялари оша чўққайиб турарди. Унинг текис чўққиси Дувр қояларининг чиқиб бўлмайдиган чўққиларидан баландда. Унинг текис майдончаси атрофлари худди бўғот қилингандек, биров атайин текислагандек. Бу энг ёмон жой. Очиқ денгиздан ўрмалаб борган тўлқинлар юксак ва баҳайбат бу дўзахи қалъа атрофларида қатқат бўлиб кўзга ташланадлар.

Борлиқни сукунат қамраб олди. Шамол ҳам тинчиди, тўлқинлар сусайиб, кичрайиб имирлай бошладилар. Осойишта бўлиб қолган денгиз тубида ҳаёт қайнаётгандек туюларди.

Клюбен Дувр қояларини олисдан кўп марта кўрган.

Шу қоянинг қаршисидан турганига ишончи комил эди унинг.

Ҳеч қанақа шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Қутилмаган, қўрқинчли ўзгариш: Гануа ўрнига Дувр-га келиб қолибди. Бир мил ўрнига беш мил. Беш мил масофани сузиб ўтиб бўлмайди, ахир! Кемаси ҳалокатга учраган одам учун Дувр қоялари муқаррар ўлимни кутиш демакдир.

Бошқа илож йўқ.

Клюбенни титроқ босди. Зулмат аждарининг оғзига ўзини ўзи ташлади-я. Ягона қароргоҳ «Одам» қояси бўлиши мумкин. Кечаси тўсатдан бўрон кўтарилса Дюрандадан кетган қайиқни фарқ қилиши ҳам мумкин. Дюрандининг ҳалокатга учрагани ҳақидаги хабар қиргоқдагиларга етмай қолиши ҳам мумкин. Клюбеннинг Дувр қоясида ёлғиз қолганини ҳеч ким билмайди. Клубен олдида бир нарса турибди: совуққа қотиб, очдан ўлиш. Етмиш беш минг франк унга бир бурда ноннинг ўрнини босолмайди. Ўзи қурган тузоққа ўзи илинибди. Барча режалари барбод бўлди энди. Ҳеч илож йўқ. Қутулиб бўлмайди. Ғалабаси ҳалокат бўлиб чиқди. Эркинлик ўрнига тутқунлик. Узоқ бахтли келажак ўрнига қисқа фурсатли ўлим талвасаси. Бир дақиқада ҳаммаси барбод бўлди. Жаннат деб умид қилиб тургани жаҳаннам экан.

Бу орада шамол ҳам турди. Бурдаланган, тилка-пора қилинган туманни шамол уфққа томон қува бошлади. Денгиз жамол кўрсатди.

Тагхонада ҳамон ҳўкизлар маърашар, у ерга ҳамон сув кираётганди.

Тун зулмати босмоқда, бўрон ҳам бўлиши мумкин.

Кўтарилаётган сув Дюрандани анча баландга кўтарганди, кема у ёқ-бу ёққа тебрана бошлади. Санчилган жойидан чиқиб кетиб, сувга фарқ бўладиган фурсат яқинлашмоқда эди.

Кема қояга санчилган пайтдагидан анча кеч бўлиб қолганига қарамай, ҳаво анча ёришиб қолди. Шамол ҳайдаган туман ўз зулмат чодрасини йиғаётганди. Фарбда мутлақо булут қолмади. Осмон ёришди. Сув бети ҳам оқариб кўрина бошлади.

Дюрандининг қўйруқ томони кўтарилганди. Клюбен ўша ёққа бориб, уфққа тикила бошлади. Ўз-ўзини умид билан алдаш — мунофиқларга хос хусусият. Мунофиқ ҳамма вақт пайт пойлайди. Мунофиқлик разилнинг умидидан бошқа нарса эмас; бу ўз-ўзини алдаш асосида ёмонликка айланган яхшилик ётади.

Шуниси қизиқки, мунофиқлар ишонувчан ҳам бўладилар.

Клубен диққат билан тикила бошлади.

Аҳволи ёмон бўлса ҳам, қора қалбининг таг-тагида аллақандай умид учқуни бор эди.

Клубен бу туман тарқагандан кейин дрейфда турган ёки лангар ташлаган бирор кема ўтиб қолар деган умидда эди.

Ростдан ҳам бир елкан кўриниб қолди.

Кема шарқдан ғарбга кетмоқда эди.

Кема яқинлашиб келарди, унинг ускуналари кўзга аниқ ташлана бошлади. Ярим соатдан кейин у Дувр қоялари олдига келиб қолади.

Клубен: «Қутулдим»,— деб ўйлади.

Бунақа дақиқаларда одам фақат жонини сақлаб қолиш тўғрисидагина ўйлайди.

Балки чет эл кемасидир. Борди-ю, бу кема контрабандачилар кемаси бўлиб, Пленмонга кетаётган бўлсачи? Бласкито уни ҳайдаб кетаётган бўлса-я? Шундай бўлса, жонигина эмас, бойлиги ҳам омон қолади. Дувр қоясидаги бу учрашув унинг ишини тезлаштиради, қандай бахтли тасодиф!

Унинг қора ниятли қалби муваффақиятга бўлган ишонч билан яна тўлди.

Аблаҳлар ҳамма вақт ишлари ўнгидан келишига ишондилар.

Энди фақат бир иш қолганди.

Дюранданинг қораси қоялар орасида кўринмай қолиши мумкин; яқиндан ўтиб кетадиган кемадагилар қоронғиликда уни пайқамай қолишлари мумкин.

Лекин қоянинг чўққисида одамнинг қорасини, айниқса осмон оқариб турган шу маҳалда у кемадагилар албатта кўрадилар. Унга қайиқ юборадилар.

«Одам» қояси икки юз сажен нарида эди, холос. У ёққа сузиб бориб, устига кўтарилишдан осон иш йўқ.

Бир дақиқа вақтни ҳам қўлдан бой бермаслик лозим.

Дюранданинг Клюбен турган худди шу жойидан сувга сакраш керак. Лот¹ ташлаб кўриб, денгиз чуқурлигига ишонч ҳосил қилди. Лотнинг ёрдами билан у сувнинг тинчлигини ҳам билиб олди.

Клюбен кийимларини ечиб, палубада қолдирди. Кемадагилар унга бошқа кийим беришар. Фақат чарм камаринигина ечмади.

Яланғоч бўлиб олгач, камарини тортқилаб қаттиқ боғлади, тунука қутичанинг тушиб кетмаслигига қаноат ҳосил қилгач, кўз қири билан сузиб борадиган томонни белгилаб олди-да, ўзини сувга отди.

У жуда баландликдан чуқур жойга калла ташлаган эди.

У сувнинг тубигача етди, юқорига кўтарилиш учун қояни тепиб сув бетига чиқишни мўлжаллади.

Шунда тўсатдан аллаким унинг оёқларига маҳкам ёпишганини сизди.

¹ Лот — денгиз чуқурлигини ўлчайдиган асбоб.

Еттинчи китоб

КИТОБДАН САВОЛ СУРАМАНГ

I

ЧУҚУРЛИК ТУБИДА МАРВАРИД

Съер Ландуанинг гапидан кейин Жильят Сен-Сансонга югуриб борди. Унинг юраги нотинч урарди. Нима бўлдийкин?

Сен-Сансон арининг уясига чўп суқилгандек ғувилларди. Ҳамма кўчада. Аёллар оҳ-воҳ қилишарди. Порт аҳолисидан бир неча киши қўлларини пахса қилиб бир-бировига гап маъқулларди; уларнинг атрофини одамлар ўраб олган. «Ёмон бахтсизлик бўлибди»,— деган гаплар қулоққа чалинарди. Аммо негадир кўпчилик жилмаярди.

Жильят ҳеч кимдан ҳеч нарса сўрамади. Унинг гап сўрайдиган одати йўқ эди. Бундан ташқари, унинг юрагига тушган ўт одамлардан бирор нарсани сўраб ўтиришга имкон бермади. Шахсан ўзи кўриб-билиб олиш учун «Довюрраклар қароргоҳи»га йўл олганди.

Қалбини ҳаяжон қоплаганидан уйга ҳам тортинмай-нетмай кириб борди.

Пастки қаватнинг қирғоқ томонидаги эшиги ланг очик турар, ҳамма уйга кираётганди. У ҳам кирди.

У остонада съер Ландуага дуч келиб қолди, у Жильятдан:

— Рўй берган воқеадан хабарингиз бўлса керак,— деб сўради.

— Йўқ,— деди Жильят.

— Бировнинг бошига тушган кулфат тўғрисида қаргага ўхшаб қағиллаб кўчада қичқириб гапиргим келмаганди.

— Нима гап ўзи?

— Дюранда ҳалокатга учрабди.

Зал одамга лиқ тўлганди.

Одамлар тўда-тўда бўлишиб, оғир касал ётган беморнинг тўшаги ёнида гаплашаётгандек, секин суҳбатлашишарди.

Бу ерда қўшнилар, йўловчилар, текин томошани яхши кўрадиган аҳнгоматалаб кишилар, бекорчилар эшик олдида уймалашишар, хонанинг ичида кўз ёши қилиб Дерюшетта, унинг ёнида эса месс Летьери турарди.

Чол деворга суянган; бошидаги матросча шапкаси қошигача сурилган; оқарган сочлари чаккаларига тушган. Ўзи жим турибди. Қўллари ҳаракатсиз, нафас оляптими-йўқми, биллиб бўлмасди. Деворга суяб қўйилган ёғочдек ҳаракатсиз қотиб турарди.

Ранг-рўйи бу дунёдан кўз юмган одамга ўхшарди. Дюрандасидан ажралиб қолган Летьери учун яшашнинг ҳам маънисини қолмагандек эди. Денгизда сузиб юрган жонидан маҳрум бўлиб қолганди у. Энди нима қилиши керак? Эрталаб тўшагидан туради, кечқурун яна ётади, энди Дюрандасини кутмайди, унинг жўнаб кетишини ва қайтиб келишини томоша қилолмайди. Қолган умрини бирор мақсадсиз қандай ўтказди энди? Еб-ичишдан бошқа нима қилиши керак? Меҳнатларининг самарасини қилиб ажойиб бир нарса яратилганди, тараққиёт воситасини унинг фидойилиги ва қатъий ҳаракатлари оқибатида рўёбга чиққанди. Энди тараққиёт йўқ, ажойиб ижодиёти барбод бўлди. Қолган бир неча йиллик умрини нимага сарфлаши мумкин? Умрининг маънисини тугади. Бу ёшда ҳаётни қайтадан бошлаб бўлмайди; бундан ташқари, хонавайрон бўлиб қолди у. Бахти қора бечора чол!

Месс Летьерининг ёнида унинг қўлларини қисмлаб Дерюшетта йиғлаб ўтирибди. Унинг нозик қўллари Летьерининг муштумини сиқимлагандилар. Қизнинг қўллари ҳаётдан умид билан қисилгандек, чолнинг муштумида эса умидсизлик ифодасини бордек эди. Месс Летьери Дерюшеттага бўйсуниб, муштумини лоқайдлик билан унинг ихтиёрига топширганди. У ҳеч нарсани сезмасди. Яшин урган одамдек унда сал ҳаёт асари сезиларди, холос.

Олдингиздан ногаҳон чиққан бало сизни бошқалардан ажратиб қўяди. Уйингизда ётасиз, атрофингиздаги одамларни кўрмайсиз, билмайсиз. Улар ёнингизда-ю, сиздан жуда ҳам олис, улар сизга ёт, уларнинг сизга

ҳаддилари сифмайди. Бахт билан бахтсизлик муроса қилолмайди; аҳволи мушкул киши бошқалардан ўзини четга тортади, уларнинг ёнгинасида турганини ҳам кўрмайди, ўзини ўзи билмай қолади; ўзининг тириклигини сезмай қолади; ҳамма нарса туш бўлиб кўринади, ўзини ҳам тушдагидек ҳис этади.

Месс Летьерининг нигоҳида шу ҳолат мавжуд эди.

Одамлар пичирлашиб гаплашар, янгиликни бир-бирларига гапирардилар. Уларнинг гап-сўзларидан тубандагиларни англаш мумкин эди:

Кеча кечқурун, қуёш ботишидан сал бурун туман ичида қолган Дюранда Дувр қояларига бориб урилган. Пароход экипажи ва ҳамма йўловчилар қайиққа тушиб қутулган, фақат кемани тарк этгиси келмаган капитангина ёлғиз қолган. Қайиқдагилар туманда йўлдан адашиб, ғарқ бўлаёзган, уларнинг бахтига, дуч келган «Кашмир» кемасидагилар уларни бортга олиб, Сен-Пьер портига олиб келганлар. Ҳамма фалокат дорға Тангруйлнинг айби билан рўй берган, уни ҳозир қамаб қўйибдилар. Клюбен олижаноблик намунасини кўрсатган.

Бу ерга келган кўпгина лоцманлар «Дувр қоялари» сўзини аллақандай қўрқинч аралаш ифодалардилар. Аллаким: «Қасофат жой», деб қўйди.

Стол устида компас, бир уюм дафтар ва китоблар ётарди; афтидан, булар Клюбеннинг Энбранкам билан Тангруйл орқали юборган Дюранданинг ҳужжатлари бўлса керак. Ўзини ҳалоқат қучоғида қолдириб, ҳозир кераксиз бўлса ҳамки, қоғозларгача қутқазиб бериб юборган одамнинг ажойиб фидоийлиги бу. Арзимаган бир нарса бўлса ҳамки бу олижанобликдан дарак беради; ажойиб фазилат.

Ҳамма Клюбенга офарин айтар, шу билан бирга, унинг саломат қолганлигидан умидвор эди. «Шильтиль» елканли кемаси «Кашмир»дан бир неча соат кейин келган, бу кема Дюранда сузган жойларда бир кеча-кундуз сузиб юрган, унинг капитани ҳозир шу ерда, одамлар орасида эди. Ҳамма унга қулоқ тиккапти.

Жилъят хонага кириб келган маҳалда месс Летьерига «Шильтиль» кемасининг капитани эндигина гап бошлаганди. Унинг ҳикояси рапорт тусида эди. Эрталабга яқин, бўрон тинган маҳалда эса бошлаган шабада молларнинг маъраган товушларини олиб келган. Денгиздан

эшитилаётган бу товушлар «Шильтиль» капитанини ҳайрон қолдирган; у кемани товуш келаётган томонга қараб бурган. Шунда Дувр қояларида у Дюрандани кўриб қолган. Денгиз анча тинчиб қолгани туфайли унга яқин боролган. Дюрандага қараб ким бор, деб қичқирган. Ҳўкизларнинг маърашидан бошқа товуш эшитилмаган. Капитан Дюрандада ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилган. Ҳалокатга учраган кема бўрон бўлишига қарамай, қилт этмай турган экан, агар Клюбен бирор ёққа кетиб қолмаганида бемалол унда тунаса бўларкан. Клюбен бўш келадиган одамлардан эмас. Дюрандада у йўқ, демак, қутулган. Гранвиль билан Сен-Малодан йўлга чиққан кўпгина кемалар, қайиқлар Дувр қоялари олдидан ўтиши аниқ. Шулардан бири Клюбенни кўриб қолиб қутқазиб олиб кетган бўлиши керак. Дюранданинг қайиғи лиқ тўлалиги туфайли унга ортиқча юк бўлишни Клюбен истамаган бўлса керак. Клюбен, қайиққа яна бир одам чиқса, у ботиб кетиши мумкин, деб ўйлаб, Дюрандада қолган; ўз бурчини бажарган капитан яқин орадан ўтган бирор кемадан фойдаланганлиги аниқ. Қаҳрамонлик кўрсатиш керак, аммо аҳмоқ бўлмаслик лозим. Клюбен бегуноҳ, ўзини ўзи ўлдириб ўтирармиди. Кеманинг ҳалокатига Клюбен эмас, Тангруиль сабабчи бўлган. Бу гаплар ҳаммани ҳам ишонтирадиган тўғри гаплар эди; ҳамма «Шильтиль» капитанининг гапларини маъқуллаб, Клюбеннинг келишини кутаётганди. Одамлар ҳатто уни бошларига кўтариб осмонга итқитиш ҳақида ҳам ўйлаб қўйдилар.

Хуллас, капитаннинг ҳикояси одамларда шу нарсага ишонч ҳосил қилдики, капитан омон қолган, Дюранда ҳалок бўлган.

Дюранданинг ҳалок бўлганига чидашдан бошқа илож қолмаганди. «Шильтиль» кемасининг капитани Дюранданинг бўронда дабдала бўлиб бузилиб кетганини ўз кўзи билан кўрган. Дюранда санчилиб қолган қоя ўз ўлжасини қўлдан чиқазгиси келмагандек, тун бўйи уни маҳкам тутиб турган. Лекин эрталаб яна денгиз қайнаб-кўпириб, қутурган тўлқинлар Дюрандани қоядан юлқиб олган, пароход палахмондан отилган тош сингари довулда қояларга қаттиқ урилган. Ҳамма ёқни қаттиқ қасур-қусурлаган товуш босиб кетган. Тўлқин улоқтирган Дюранда шундан кейин қоя орасига олдингидан ҳам мустаҳкамроқ ўрнашиб қолган. Минг афсуски, ҳа-

ли ҳам шамол ва тўлқинлар қаърида ўша жойда турибди.

«Шильтиль» экипажининг фикрича, Дюранданинг тўртдан уч қисми ишдан чиққан. Агар пароход санчилиб қолган қоя уни қаттиқ тутиб турмаганда кечаси бўронда бутунлай денгиз тубига чўкиб кетган бўларди. «Шильтиль» капитани дурбин билан яхшилаб кузатган. У кеманинг омон қолган ҳамма қисмларини денгизчиларга хос аниқлик билан тасвирлаб берди. Кеманинг ўнг биқини тешилган, мачталари синган, елканлари йиртилиб тилка-пора бўлган, барча вант-путенслар синиб тушган, каютанинг чироқ қўйиладиган люки шикастланган, юк кўтарадиган қурилма бутунлай учиб кетган, қолган-қутган қисминини сув хароб қилиши муқаррар эди. Бир неча кундан кейин ундан ному нишон қолмайди.

Лекин кеманинг юраги — машинаси мутлақо шикастланмаганди. Бу тасодиф эмас, сифати яхши бўлганлигидан эди, «Шильтиль» капитани унинг шикастланмаганига кафил бўлди. Пароходнинг мачталари ҳалокат пайтида чидамаган, лекин машина мўриси шикастланмаган. Капитан кўприкчасининг тутқичлари сал эгилган; паррак қопқоқлари пачақланган, лекин парракларга ҳеч нарса бўлмаган; машина бус-бутун эди. Гоҳ у одам, гоҳ бу одам билан гаплашиб турган ўт ёқувчи Энбранкам ҳам бу фикрни бошқаларга маъқуллар эди. Кўпгина оқ танлилардан фаросатлироқ бўлган бу негр машинани жуда яхши кўрарди. У қора қўлларини бир-бирига ишқаб: «Хўжайин, машина тирик! Машина тирик, хўжайин!»— дерди.

Ҳамма Клюбеннинг омон қолганига ишонч ҳосил қилгани туфайли энди нуқул машина тўғрисида гапира бошлаганди. Жопли бир нарсасдек ҳамманинг унга раҳми келаётганди. Унинг бузилмай қолгани ҳамманинг завқ-шавқига сабаб бўлаётганди. «Жуда бақувват экан-да!»— деди бир француз матрос; «Шўнақа зўр нарса ҳам бўларкан-да!»— деди гернсейлик балиқчи. «Икки-уч жойи сал қирилганини айтмаса, пишиқ экан-да»,— деб қўйди «Шильтиль» капитани.

Аста-секин ҳамманинг оғзида машина бўлиб қолди. Машинанинг дўст-душманлари икки томон бўлиб мунозара бошладилар. Дюранданинг мижозларини ўз елканли кемаларига яна оғдириб олиш ниятида бўлган елканли кемаларнинг эгалари ич-ичларидан хурсанд эдилар.

Олдин пичирлашиб гаплашаётганлар баланд овоз билан гапира бошладилар. Лекин юракларидагини очиқ-ойдин айтолмасдилар, андиша қилардилар. Баъзан жимиб қолишарди, Летьерининг жим ўтиргани уларни одоб сақлашга ундарди.

Ҳамманинг гап-сўзидан тубандаги хулосага келиш мумкин эди:

Энг муҳими — машина; янги кема қурса бўлади, лекин машина синганда янгисини қуриб бўлмасди. Янги пароход қуриш имкони йўқ — Летьерининг бунга пули йўқ эди. Машина конструкторининг аллақачон вафот этиб кетганлиги одамларнинг эсига тушди. Машина қирқ минг франкка тушганди. Бунақа ишга энди ҳеч ким бел боғламайди. Энди ҳамма, пароходлар ҳам елканли кемалар сингари ҳалокатга учрайвераркан, деган фикрга келганди; Дюранданинг бир бахтсизликка учрагани унинг олдинги барча хизматларию, афзалликларини чиппакка чиқарганди. Лекин омон-эсон қолган механизмининг бир неча кундан кейин бузилиб йўқолиб кетиши ҳаммани афсуслантирарди. Ҳозирча машина соғ қолган экан, кеманинг ҳалокати ҳам ҳеч гапмас. Машина нобуд бўлганда катта зиён бўларди. Машина қутқазилгудек бўлса, хонавайронликдан ҳам сақланиб қолиш мумкин.

Машинани қутқазиб мумкин, деб айтиш осон. Кимнинг қўлидан келади бу иш? Амалга ошадиган гапми ўзи бу? Уйлаш бошқа, амалга ошириш бошқа. Уйлаш осон, амалга ошириш қийин. Лекин Дувр қоялари орасида ётган Дюрандани қутқазиб олиш машаққатли иш бўлмаса керак. Қояларга Дюрандани қутқазиб олиш учун кема ва экипаж юбориб тўғрисида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Денгизда ҳозир бўронлар авжида; қутқазиб олиш учун борган кеманинг лангари дастлабки кучли тўлқинлардаёқ чиқиб кетиб, кема тошларга урилиши муқаррар. Яна бир кемани ҳалокатга маҳкум қилиб ўтиришининг нима ҳожати бор? У ердаги қоянинг «Одам» деб ном олинишига сабабчи бўлган, очликдан ўлган одам ҳам қоя тепасидан ўзига зўрға бир кишилик жой топган бўлса керак. Демак, машинани фақат бир кишигина элаши мумкин. Бир киши Дувр қояларига бориши, денгизда ёлғиз ўзигина бир неча ҳафта яшаб, озиқ-овқатсиз, денгиз қирғоғидан беш мил нарида, денгиз ўртасида, номаълум хавф-хатарларга кўкрак кериб, хатарлар рўй

бергудек бўлса, ҳеч кимдан мадад кутмаган ҳолда ишлаши, бир маҳаллар ҳалок бўлган кишининг қолдиқларидан бошқа инсон изини кўрмаган ҳолда, мададсиз, ҳимоясиз яккаю ёлғиз заҳмат чекиши керак. Машинани қандай қутқаза олади бир киши? У одам матросгина эмас, темирчи ҳам бўлиши керак. Қанчадан-қанча машаққатлар тортиши керак! Бу ишга бел боғлайдиган одамга қаҳрамон деган ном камлик қилади. У қаҳрамон эмас, жинни ҳам бўлиши керак. Бениҳоя қийин, гайринисоний куч, катта мардлик талаб қилинадиган ишларда мардлик билан бирга жиншилик ҳам талаб қилинади. Ахир, бир темир учун ўзини қурбон қилишга тайёр одамни жинни ҳисобламай бўладими? Йўқ, Дувр қояларига ҳеч ким ёлғиз бормади, боролмади ҳам. Кеманинг бошқа қисмларидан айрилгандек, машинадан ҳам айрилиб қолишдан бошқа илож йўқ. Бу ишнинг уддасидан чиқа оладиган одамни топиб бўлмайди. Қани бунақа одам?

Хонадагиларнинг ҳаммаси шу фикрда эди, уларнинг гап-сўзларининг мазмуни тахминан шунақа эди.

«Шильтиль» капитани одамларнинг мулоҳазаларига:

— Бўлмаган гап! Боришга юрак бетлайдиган, машинани олиб келадиган одам бу дунёда топилмайди!— деб жавоб қайтарди.

— Бу ишга менинг юрагим бетламагандан кейин бошқа ҳеч кимнинг юраги дов бермайди,— деди Энбранкам.

«Шильтиль» капитани бу ишни эплай оладиган одам йўқлигини ифодаламоқчи бўлгандек, қўл силтади-да:

— Юраги дов берадиган биров топилса...— деб қўйди.

Дерюшетта шунда бошини кўтарди.

— Мен ўша одамга тегардим,— деди у.

Орага сукунат чўкди.

Одамлар орасидан ранги бўздек оқариб кетган биров олдинга чиқди.

— Ўша одамга тегармидингиз, Дерюшетта хоним?— деб сўради у.

Бу Жильят эди.

Ҳама унга ўгирилиб қаради. Месс Летъери ўрнидан турди, унинг кўзларида аллақандай умид учқунин порлади.

У матросча шапкасини бошидан юлқиб олиб, шид-

дат билан ерга урди, унинг кўзлари олдинга қадалган, лекин ҳеч кимни кўрмади. У тантанали тарзда:

— Уша одамга тегади Дерюшетта. Худо ҳақи, қасам ичаман,— деди.

II

ГЕРНСЕЙНИНГ ҒАРБИЙ ҚИРҒОҒИДА ҲАММА ТААЖЖУБДА

Бугун кечаси соат ўнларда ой чиқиши керак эди. Ойдин кёла, об-ҳаво ҳам, денгиз ҳам балиқчилар учун қулай бўлишига қарамай, ҳеч кимнинг океанга чиққуси келмади. Бунга фақат бир нарса сабаб бўлганди: туш маҳалида хўроз қичқирганди.

Бемаҳалда хўроз қичқирдими — хосияти ёмон, ов кўнгилдагидек бўлмайди.

Лекин қоронғи тушиб қолган пайтда Онтолга қайтаётган бир балиқчи ҳайрон бўлиб қолди. Умэ-Паради қўлтиғи яқинида, денгизнинг саёз жойини кўрсатиб турадиган икки белгидан ташқари яна бир белгини кўриб қолди. Қанақа белги бу? Бу ерга уни қачон ўрнатдилар? Бу ерда саёз жойининг ўзи йўқ эди-ку? Балиқчида туғилган бу саволларга белгининг ўзи жавоб берди: у сузиб борар, балиқчи унинг белги эмас, балки мачта эканини пайқади. Бу эса балиқчини янада таажжубга солди. Қим бугун балиқ овларди? Қим ўзи бу? Нима қилиб юрибди?

Ун минутдан кейин мачтанинг ўзи онтоллик балиқчининг ёнига яқинлашди. Лекин балиқчи барибир кимнинг қайиғи эканини билолмади. Икки эшакнинг товушини эшитди, холос. Қайиқда фақат бир киши бўлса керак. Шимол томондан шамол эсаётганди; қайиқдаги киши, афтидан, Фонтенель буруни томонга кетаётганга ўхшарди. У ерда елкандан фойдаланса керак; у Анкрес ва Кревель тоғини айланиб ўтмоқчидир. Нима мақсадда шундай қилади?

Мачта кўздан йўқолди, балиқчи уйига қайтди.

Гернсейнинг ғарбий қирғоғида бир неча киши турли пайтларда, турли жойларда уни кўриб қолиб, ҳайрон бўлдилар.

Онтоллик балиқчи қайиғини қирғоққа чиқараётган

пайтда ярпм милча парида, олтинчи ва еттинчи соқчи миноралари олдидаги катта тош ёнида бир деҳқон аравада ўт олиб келаётганида биров елкан ёзиб очиқ денгизга жўнаганини кўриб қолди. Шимолий қоя билан Қумлоқ жой яқинида, кемалар қатнамайдиган, фақат бу ерларни жуда ҳам яхши биладиган кишиларгина кема ёки қайиқда суза оладиган жойда у қайиқ елкан ёзганди. Деҳқонни шу нарса таажжублантирганди, қайиқ қайиқдан кўра кўпроқ аравага ўхшарди.

Аравакаш деҳқон елканни кўрганидан кейин орадан ярим соат ўтгач, шаҳардан ишдан қайтаётган бир сувоқчи ҳам Пеле ботқоқлиги ёнидан ўтиб бораётганида қаршисида, Квенон, Русдемер, Грипдерус қоялари орасидан дадиллик билан сузиб бораётган бир қайиқни кўриб қолган. Тун жуда қоронғи, лекин денгиз бети ойдин эди,— кўпинча шунақа бўлади,— денгиздаги кемаларни бемалол кўрса бўларди. Уша куни эса денгизда биргина қайиқ сузиб борарди, холос.

Бир оздан кейин сал қуйироқда, Чанқоқ гавани билан Дўзах гавани орасидаги тор оролчада қисқичбақа тутаётган бир киши Қарға ботқоғи билан Мультрет орасида шиддат билан сузиб кетаётган қайиқни кўриб ҳайрон қолди. Қайиқдаги кишининг тажрибали лоцманлигига шубҳа йўқ, лекин унинг қанақа шошилиничи иши бор-у, бунақа хатарли жойларда нима қиларкин?

Катель ибодатхонаси соат еттига занг урганда Кобо қўлтигидаги қовоқхонанинг эгаси денгизга Грюнет билан Боғ ботқоғидан нарида, Сюзанна билан Грюннинг ёнгинасида елканга кўзи тушиб таажжубланди.

Кобо қўлтиғи яқинида, Умэ бурунининг хилват жойида ошиқ-маъшуқлар бир-бирдан ажралиб кетолмай турганди; қиз йигитга: «Ўзимга қолса, ёнингдан бир қадам ҳам жилмасдим, уйда қиладиган ишим бор», деб, иккаласи лабга-лаб қўйган маҳалда Меселет томонга сузиб кетаётган бир қайиқни кўриб, диққатлари бўлинди.

Пилэ тепалигида яшайдиган Пейр де Норжио жаноблари ўз боғининг ўғрилар тешган деворини кузатиб, етказилган зиёни ҳисоблаб турган маҳалда, кечқурун соат тўққизга яқин Крок-Пуандан айланиб ўтиб бораётган қайиққа кўзи тушиб қолди.

Бўрондан кейин, денгизда тўлқинлар тинчимаган бир маҳалда бунақа сафар хатарли бўлади. Агар дەرға бу

йўлларни ёддан билмаганда бир балога аллақачон грифтор бўларди. Соат тўққиз яримларда Эжерьеда тўрларини йиғиб олаётган бир балиқчининг кўзига Қаптар ва Шамол қоялари орасида қайиққа ўхшаган алланима чалинган. Қайиқ жуда ҳам хавфли жойда сузиб бораётганди. Бу жойларда тўсатдан шамол туриб, кемани ҳалокат таҳликасида қолдиради. Шунинг учун ҳам қояга Шамол деб ном берганлар.

Ой чиқиб, сув кўтарила бошлагач, Ли-У тор бўғозида сув сокинланиб қолгач, бу оролда ёлғиз яшайдиган қоровулни ваҳима босди: ой билан ўзининг орасида, денгизда қора бир нуқтага кўзи тушди. Бу қора секин-аста сузиб борар, олисдан бировга ўхшарди. Қирғоқ қоровули уни «Қора алвасти» деб ўйлади.

Бу ерларда «Оқ», «Кул ранг», «Қизил алвасти»лар бор эди. «Қора»си ҳам бор экан-да. Ойдин кечаларда бу алвастилар учрашиб турадилар, деган гап юрарди аҳоли орасида.

Албатта, қора нарса елкан бўлиши ҳам мумкин. Қайиқ қоялар орасидан кетаётгани туфайли қирғоқдан кўринмай, унинг елканигина кўринар, худди тошлар устидан биров сакраб-сакраб бораётганга ўхшарди. Қоровул, ёки бу қайиқмикин, деб ўйлади. Бунақа даҳшатли жойларда ким қайиқда юра оларди? Йўқ, унинг «Қора алвасти»лиги рост.

Ой Сен-Пьер-дю-Буа ибодатхонаси устига келганда, Рокен қўрғонининг сержанти кўтарма кўприкни кўтара туриб, қўлтиққа кириладиган жойда, Юқори Қанэдан сал нарироқда, Самбюль яқинида елканли қайиқни кўриб қолди. Қайиқ, афтидан, шимолдан жанубга кетаётганди.

Гернсейнинг жанубида, Пленмондан нарида, қирғоқлар жуда ҳам тик бўлган жойда чуқур гумлар ва қоя тошлар билан тўлиб-тошган бир қўлтиқ бор; унинг ичкарасида ғайри-табiiй бир пристань бор; оролда 1855 йилда яшаган бир француз, у шу мисраларни ёзаётган одам бўлса ҳам ажаб эмас,— буни «Тўртинчи қаватдаги пристань» деб атаганди; бу ном бошқаларга ҳам маъқул тушди, ҳозир уни шундай аташади. Ўша маҳалларда Тик жарлик деб аталган бу пристань денгиз сатҳидан қирқ фут баланд бўлиб, ярим табiiй, ярим сунъiiй бир ясси тоғдай эди; тепанинг устидан денгизга иккита бақувват эман тахта ёнма-ён туририлган, қайиқлар сувдан

юқорига шу тахталарнинг устидан занжир ва чигирлар ёрдамида сирғалтириб юқорига чиқарилади ва шу тарзда яна сувга туширилади. Одамлар учун нарвон бор. У пайтларда бу ер контрабандачиларга маъқул тушиб қолганди. Унга ҳар қандай одам чиқа олмас, бу эса контрабандачиларнинг айни муддаоси эди.

Соат ўн бирларда контрабандачилар моллари билан Тик жарлик тепасида йиғилиб туришди. Улар Қлюбеннинг умид қилган одамлари бўлса ҳам эҳтимол. Улар мишжа қоқмай диққат билан тикилишиб турардилар. Пленмон бурунининг қора кўланкалари ёнидан шитоб билан сузиб бораётган бир қайиқни пайқаб қолдилар. Бу уларни таажжублантирганди; шу маҳалда ой ёғду сочиб турарди. Контрабандачилар жонларини ҳовучлаб, ваҳима аралаш қайиқни кузатиб туришди, улар қирғоқ қоровулларидан бири айланиб юрмаганмикин, деб қўрққандилар. Лекин қайиқ Гануа қоясидан ўтди, салдан кейин эса уфқдан ошиб, денгизда кўздан йўқолди.

— Нима қилиб изғиб юрибди бу қайиқ,— деб ҳайрон бўлишди контрабандачилар.

Ўша куни кечқурун, қуёш ботгандан кейин, «Чеккадаги уй»нинг эшигини биров тикиллатди. Эшикни қоққан кимса жигар ранг қўйлак, сариқ пайпоқ кийган ўспирин эди, унинг черков аҳлига мансублигини пайқаш мумкин эди. Унинг эшиги тақа-тақ бекитилганди. Денгиз қирғоғида чиганоқлар териб санғиб юрган, қўлида фонарь тутган бир кампир у билан Жильятнинг уйи олдида тубандагича гаплашди:

- Нима ишинг бор, бола?
- Уй эгаси керак эди.
- Ҳеч ким йўқ уйда.
- Қаерда у?
- Ким билади!
- Эртага келармикин?
- Қим билади!
- Бирор ёққа кетдимикин?
- Ким билади!
- Буви, уникига янги руҳоний Эбенезер Қодре келмоқчи эди.
- Ким билади!
- Тақсирим «Чеккадаги уй»нинг эгаси эртага уйда бўлармикин, билиб кел, деб мени юборгандилар.
- Э, ким билади дейсан!

ТАВРОТДАН ТАШВИҚ

Кейинги кунлари месс Летьери уйқусини йўқотди, ҳеч нарса емади, ичмади. Дерюшеттанинг пешонасидан ўпиб, Клюбендан дарак йўқми, деб сўради, кейин Танг-руйлга ҳеч қанақа даъвоси йўқлиги ҳақида ариза ёзиб, уни озод қилишларини илтимос қилди.

Столга таянган ҳолда, ўтириб-ўтирмай, туриб-турмай, Дюранданинг идорасида бир кунни ўтказди, иш билан келганларнинг саволларига қисқа-қисқа жавоб қайтарди. Кўнгил сўраб келганларда сир-асрордан хабардор бўлиш истаги бўлади. Хуллас, синчков, ҳангома-талаб одамларнинг кўнгли тинчигач, «Довюраклар қароргоҳи» бўшаб қолди. Эшиклар бекилди; Летьери билан Дерюшетта уйда ёлғиз қолишди. Летьерининг кўзларида пайдо бўлган чақин ғойиб бўлди; яна, ҳалокат ҳақидаги хабар келган дастлабки пайтлардагидек, унинг қалбини ҳасрат қамраб олди.

Ташвишга тушиб қолган Дерюшетта шум хабар келган пайтларда месс Летьери тўқиб ўтирган пайпоқни Грас ва Дуснинг маслаҳати билан яна унинг олдига олиб бориб қўйди.

Месс Летьери заҳархандалик билан ишшайиб:

— Мени тентак ҳисоблаяпсизларми ҳали,— деди.

Чорак соатга чўзилган сукунатдан кейин эса:

— Ҳазил киши бахтиёр пайтларда ярашади,— деб қўйди.

Дерюшетта пайпоқларни, месс Летьери ҳаддан ташқари кўп тикилиб турган компас билан кема ҳужжатларини ҳам фурсатдан фойдаланиб унинг олдидан олиб чиқиб кетди.

Тушки овқатдан кейин, оқшомги чойдан сал илгарироқ эшик очилиб қора кийинган икки киши кириб келди, уларнинг бири ёш, иккинчиси кекса эди.

Ёш йигитнинг кимлигини китобхон ҳикоямиз баёнидан билиб олгандир. У ҳақда гапирганмиз.

Иккаласининг ҳам қиёфаси жиддий: қариянинг мартабаси жиддийликка ундаса, йигитнинг эса умуман табиати шунақа эди; бировларни мартаба жиддий қилади, бошқаларни эса фикр-ўй.

Уст-бошларидан уларнинг ҳар иккаласи ҳам руҳо-

ний, давлат черковининг ходимлари экани кўриниб турарди.

Йигитнинг қиёфаси билан нигоҳи, ички дунёси бирига мос эмаслиги сезилиб турарди. Унинг улуғворлик бахш этиб турган жиддийлиги эмас, ҳусни диққатни тортарди. У йиғирма беш ёшда бўлса ҳам кўринишидан ўн саккиздан ошмаган кўринарди. У оқ-сарикдан келган, икки бети қип-қизил, ранги тиниқ, кийган кийими хушбичим қад-қоматига жуда ярашиб турарди; юзлари ҳам, қўллари ҳам қизларникидек нозик; ўзини эркин тутар, бутун борлиғи кўркам бўлиб кўзга ташланар, лекин нигоҳи унинг жозибадорлигини камайтар, самимий серзавқ кулгисида болалик, гўдаклик намоён бўлиб турарди. Унда навқирон йигитнинг кўрки билан епископнинг савлати муҷассамланганди.

Қалин олтин ранг сочи кенг ва чиройли пешонасига ярашиб тушган, қошлари орасидаги билинар-билинимас ажин қанот қоқаётган фикрлари парвозидан дарак бериб турарди.

Биринчи қарашдаёқ қаршингизда бошқа ўртамиёна одамлардан фарқ қиладиган, хомхаёллардан донолик, ҳаёт тажрибаларидан илҳом қидирадиган, қалби покиза, беғуноҳ бир одам турибди, деган хулосага келасиз.

Беғубор ёшлик маънавий етуклик нуридан баҳраманд эди. Бу йигит кекса деканнинг ўғлига ўхшар, агар диққат билан унга тикилсангиз, у отасига жуда ўхшаркан, деган фикрга келасиз.

Унинг ҳамроҳи илоҳиёт доктори, папасиз, лекин деярли папизм черковининг тарафдорларидан бўлган Жакмен Эрод эди. Протестант динининг Англияда тарқалган мазҳаби у пайтларда кейинроқ пюзеизмда¹ мазмуни ифодаланган ғояларнинг таъсири остида эди. Доктор Жакмен Эрод Рим-католик динининг бошқача бир кўриниши бўлган мазҳаб тарафдори эди. У новча, расмиятпараст, такаббур одам эди. Ўзи унчалик маълумотли одам эмасди. Қамфаросат бўлганидан нуқул қоидаларга асосланарди. У манман, такаббурлиги билан бошқалардан ажралиб турарди. Жакмен Эроднинг бутун қиёфаси, хуллас, мартабасига жуда мос эди. Асли жойи

¹ П ю з е и з м — англиз черковида католицизмга яқин оқим.

Римда бўлиши керак эди: табиат унга прелатларга¹ хос қад-қомат ато қилган, папанинг ёнида бўладиган, унинг яқинлари билан юрса ярашадиган савлат берганди. Лекин, у тасодифан инглиз бўлиб туғилди, бу шарафли иш унга насиб қилмади. У фақат Сен-Пьер портининг руҳонийси, Гернсей оролининг декани, Винчестер епископининг ўринбосари мартабасигагина муяссар бўлди. Бу ҳам катта мартаба эди, обрўси зўр эди эл орасида. Ўзи ҳам, ҳар ҳолда, ёмон одам саналмасди.

Илоҳиёт олими сифатида уни ҳурмат қилишар, Кентербери архиепископининг бош консистория²сида унинг эътибори зўр эди.

У ўзини олим киши қилиб кўрсатар, кўзларини ўзбиларманларча, маънодор қисиб баланддан тикиларди; бурун катаклари сержун, тишлари олдинга туртиб турар, юқори лаби юпқа, пасткиси эса қалин; унинг бир неча дипломи бор эди, каттагина даромади, кичик баронлардан дўстлари кўп эди; епископнинг ишончини қозонган бу одамнинг чўнтагидан таврот аримасди.

Хаёл дарёсига ғарқ бўлиб ўтирган Летьери уйга руҳонийлар кириб келганини пайқагач, уларга қошларини билинар-билинимас чимириб қўйди, холос.

Жакмен Эрод жаноблари унга яқинлашиб, саломлашди, камтаринлик билан, лекин савлат тўкиб, ўз мартабасининг юқорилиги тўғрисида гапирди, урф-одатларга кўра, «шаҳарнинг эътиборли граждандарига», шу жумладан месс Летьерига ҳам, Сен-Сансоннинг янги руҳонийси Джоэ Эбенезер Кодрени таништириб юрганини айтди.

Дерюшетта секин-аста ўрнидан турди.

Ёш руҳоний унга таъзим қилди.

Месс Летьери Эбенезер Кодрегга нигоҳ ташларкан, хаёлидан: «Бу матросликка ярамайдиган одам»,— деган фикр ўтди.

Грас меҳмонларга стул келтириб қўйди. Иккаласи ҳам ўтиришди.

Доктор Эрод гапира бошлади. Фожеали воқеа ҳақида эшитганди у. У Летьерини юпатиш ва унга маслаҳатлар бериш умидида эди. Дюранданинг ҳалокати

¹ Прелат — католик черковида юқори мансабдаги руҳоний.

² Консистория — архиепископ ҳузурида маъмурий ва суд органи.

бахтсизлик, лекин шу билан бир қаторда, бахт ҳам. Унутиб қўймайлик: омад димоғимизни кўтариб юбормайдимми? Тақдирга тан бермоқ лозим. Рўй берган бахтсизликдан нолимаслик керак, бир томонлама қарамаслик керак. Худонинг қаҳри келади. Месс Летьери хонавайрон бўлса, нима бўпти? Бойлик — хатар. Бадавлат одамларнинг дўстлари ҳам садоқатли бўлмайдилар. Камбағалларнинг ҳам дўстлари кам бўлади. Камбағалликда ёлғиз қолади киши. Айтишларича, Дюранда йилига минг фунт стерлинг даромад келтирар экан. Бир фаросатли одам учун бу ортиқча. Шайтоннинг васвасасидан қочиб, олтиндан ҳазар қилган яхши. Хонавайрон бўлиб, ёлғиз қоларканмиз, шунга ҳам шукур қилиш керак. Ёлғизлик — хайрли, ёлғиз киши худонинг марҳаматига муяссар бўлади. Айя отаси Себеоннинг эшакларини боқиб юриб, саҳрода қайноқ булоқ топганди. Жафокаш Йов беҳад қашшоқлашиб, кейин яна бадавлат бўлиб қолганди. Тақдирни ким олдиндан кўра олади. Дюрандининг ҳалокати бадалига худо бошқа бирор нарса ато этиши ҳам мумкин. Сармояни нег ишларга атаганга нима етсин? Мана, масалан, Жакмен Эроднинг ўзи сармоясини Шеффильддаги бир яхши савдо корхонасига бериб қўйибди; агар месс Летьерининг жамғариб қўйган пули бўлса, бирор хайрли ишга сарфлагани яхши бўларди, худодан ўн чандон бўлиб қайтади. Польшадаги қўзғолонни бостириш учун подшога қурол билан ёрдам берган киши худо йўлига хайрли иш қилган бўлади. Сарфланган пул уч ҳисса фойдаси билан қайтиши мумкин.

«Подшо» сўзи қулоғига кирган Летьери сесканиб кетиб, доктор Эроднинг гапини бўлди:

— Мен подшодан безорман,— деди.

— Месс Летьери,— дея эътироз билдирди унга Эрод,— подшолар худонинг сояси ҳисобланади, қайсарларни иззат қил, депан гап бежиз айтилмаган. Подшолар қайсар бўлади.

Яна хаёлга чўмган Летьери:

— Қайсар-пайсарингиз билан ишим йўқ,— деб қўйди.

Жакмен Эрод жаноблари яна қайтадан панд-насиҳатга берилди. У Летьерини Шеффильддаги корчаллонларга қурол учун пул беришга мажбур этиб ўтирмади. Қайсарни тан олмаслик республикачи бўлиш демакдир. Республикачи бўлса, бўлақолсин. Шунақа бўладиган бўлса, месс Летьери республикага мурожаат қилиши

керак. Месс Летьери ўз бойлигини Англиядан кўра Қўш-
ма Штатларда тезроқ тиклаб олиши мумкин. Сармойеси-
ни ўн ҳисса кўпайтириб олмоқчи бўлса, йигирма минг-
дан ортиқ негр ишлаётган Техас плантациялари иши
билан шуғулланадиган компаниянинг акциясидан олсин.

Бу гапларга қулоқ бериб турган Летьери:

— Менга қуллик керак эмас,— деб қўйди.

— Қуллик худонинг хоҳиши,— деди Эрод.— Муқад-
дас китобларда ёзилганки, қул эгаси ўз қулини урса,
бунга жавобгар ҳисобланмайди, чунки қулни у сотиб
олган, нима қилса ҳам ҳаққи бор.

Эшик олдида турган Грас билан Дус Эрод жанобла-
рининг гапини катта эътибор билан тинглаб турардилар.

Эрод жаноблари гапни давом эттираверди. У ёмон
одам ҳисобланганини айтгандик, ҳозир ҳам месс
Летьерига насиҳат қилиш, ёрдам бериш ниятида эди,
ўзининг моддий ёрдамини ҳам аямаслигини айтди.

Агар месс Летьери тамоман хонавайрон бўлиб, рус-
ларга ёки америкаликларга мансуб бирор савдо-сотиқ
корхонасида ўз сармойисини айлантириб туриш имконига
эга бўлмаса, каттароқ маош оладиган бирор амални ола
қолсин. Амалдорлик яхши иш, агар Летьери истаса,
ҳурматли ота уни каттароқ бирор мансабга тавсия қила
олишини ҳам билдирди. Жерсейда депутат-виконт ўрни
бўш. Месс Летьери иззат-эътиборли одам, уни бу жойга
жойлаштириб қўйиш мумкин. Эътиборли мартаба бу:
месс Летьери қиролнинг вакили сифатида судларда,
ҳукмларни ижро этишда иштирок этади.

Летьери бу гапларни эшитиб, доктор Эродга ғазаб-
нок тикилди.

— Мен дорга осиладиганларни томоша қилишга иш-
қибоз одамлардан эмасман,— деди у.

Шунгача осойишта гапириб турган доктор Эроднинг
овози қаттиқроқ ва кескинроқ янгради:

— Месс Летьери, ўлим жазосини худонинг ўзи бу-
юрган. Худонинг ўзи бандасининг қўлига қилич бериб
қўйибди. Муқаддас китобларда: «Қонга қон, жонга
жон»,— дейилган.

Еш руҳоний Эбenezер стулини сездирмай секингина
Жакмен Эрод жанобларининг стули ёнига сурди-да, пи-
чирлаб, фақат угина эшитадиган қилиб:

— Бу одам гапирётган гаплар унинг қонига синг-
дирилган,— деди.

— Қим сингдирган? Нима сингдирган?— деб сўради доктор Жакмен Эрод ҳам секингина.

Эбенезер сал эшитарли қилиб:

— Ўз виждони билан сингиган,— деб қўйди.

Эрод жаноблари чўнтагини ковлаб, чарм муқовали қалин бир китобни чиқариб, столга қўяркан, баланд товуш билан:

— Мана бу — инсон виждони!— деди.

Бу китоб таврот эди.

Шундан кейин доктор Эрод сал юмшади. У фақат бир нарсани: ҳурматли месс Летъерига фойдаси тегишини истарди. Маслаҳат бериш руҳонийнинг ҳақи ва бурчи, месс Летъери эса ўз билганидан қолмаслиги ҳам мумкин — ўзининг иши-да.

Месс Летъери яна хаёлга берилиб кетди, яна қулоғига гап кирмай қўйди. Унинг ёнида ўтирган Дерюшетта ҳам хаёл суриб, ердан кўзини узмас, зерикарли суҳбатга ҳам аралашмаётганди; ҳамсуҳбатлардан бири камгап бўлса ёки гапиргиси келмаса, суҳбат ҳамма вақт шунақа жонсиз бўлади. Камгап суҳбатдош кишини хит қилиб юборади. Лекин, доктор Эрод бунга парво қилмаётганди.

Летъери гапларига жавоб қайтармасди, шунинг учун доктор Эрод мулоҳазага берилди. Одам одамга маслаҳат беради, лекин инсофга киритадигани — худо. Инсофга киритишда руҳонийнинг маслаҳатида гап катта. Маслаҳат билан кифояланавериш керак, дўқ қилиш хавfli. Нафанаилнинг панд-насиҳатларини менсимагани учун Сохоф ўн бир шайтонга учраган. Апостол Андрейни ўз уйдан ҳайдагани учун Тибурий мохов касалига гирифтор бўлган. Варисус, гарчи сеҳргар бўлса ҳам, апостол Павелнинг сўзларидан кулгани учун кўр бўлиб қолган. Валенциан Исонинг бўйи ўттиз саккиз мил, ўзи шайтон деганида бу тўғри гапга уни масхара қилганликлари учун Эльксай ва унинг сингиллари Марта билан Мартена ҳалигача дўзахда қийналиб ётибдилар. Юдиф ҳам деб аталган Оолибама маслаҳатларга қулоқ солган. Рувим билан Фениил ҳам панд-насиҳатларга қулоқ солганлар, уларнинг номлари ҳам бундан далолат бериб турибди: Рувим—«мушоҳада фарзанди», Фениил—«худонинг қиёфаси» маъносини ифодалайди.

Месс Летъери мушти билан столга уриб, қичқирди:

— Жин урсин, ўзим айбдорман!

— Нима демоқчисиз бу билан?— деб сўради ундан Жакмен Эрод жаноблари.

— Ҳзим айбдор эканимни айтмоқчиман.

— Айбдорман? Нимага айбдорсиз?

— Дюрандани жума кунлари қайтиб келишга мажбур этиб, унинг ҳалокатига ўзим сабабчи бўлдим.

Жакмен Эрод жаноблари Эбенезер жанобларининг қулоғига: «Хурофотчи экан!»— деб пичирлади.

Кейин у овозини баландлатиб, насиҳатомуз гап бошлади:

— Месс Летъери, жумага ишониш гўдаклик. Афсоналарга ишонавермаслик керак. Жума ҳам бошқа кунларга ўхшаган бир кун-да. Фақат у кўпинча бахтли кун бўлади. Мелендес жума куни муқаддас Августина шаҳрига асос қўйган; жума куни Генрих Еттинчи Джон Каботга¹ топшириқ берган; «Мейфлауэр»да² йўловчилар Тақдир қўлтиғига жума куни етиб келганлар; Вашингтон бир минг етти юз ўттиз иккинчи йилнинг йигирма иккинчи феввалида — жума куни туғилган; бир минг тўрт юз тўқсон иккинчи йилнинг ўн иккинчи октябрида — жума куни Христофор Колумб Американи очган.

Шундай деб, доктор Жакмен Эрод ўрнидан турди.

У билан бирга келган Эбенезер ҳам ўрнидан турди.

Руҳонийларнинг кетишга ҳозирланаётганларини кўрган Грас билан Дус эшикни ланг очдилар.

Месс Летъери ҳеч нимани эшитмас, ҳеч нарсани кўрмасди.

Жакмен Эрод жаноблари Эбенезер Кодре жанобларининг қулоғига: «У бизлар билан хайрлашмаяпти ҳам. Бу алами зўрлигидан эмас, ёввойилигидан. Жиннинини бўлиб қолганга ўхшайди»,— деди.

Деқан стол устидан тавротни олиб, учиб кетишга талпинаётган қушни қаттиқ тутгандек икки қўллаб маҳкам ушлади. Ҳамма унинг ҳолатига қараб қолди. Грас билан Дус бўйинларини чўзиб унга кўзларини қададилар.

¹ Джон Кабот (Джонни Кабото)— Венеция сайёҳи. Англияда хизмат қилган. 1497 йилда ўғли Себастиан билан биргаликда Ғарбдан Осиё қирғоқларига бориш пиятида денгиз саёҳатига жўнаган; Гренландия ва Америка қирғоқларига борган.

² Мейфлауэр — инглиз кемаси, 1620 йилда Америкага юз кишини олиб борган, булар Янги Англия колониясини асослантирганлар.

У ўз овозига салобатли оҳанг бериб деди:

— Месс Летъери! Бу муқаддас китобдан бирор саҳифани ўқиб бермай туриб, сиз билан хайрлашмаймиз. Оғир дамларда бу китоб бизга раҳнамолик қилади. Даҳрийлар Вергилий башоратини ўқийдилар, художўйлар эса тавротнинг самимийлигидан баҳраманд бўладилар. Таваккал қилиб очилган ҳар бети ажойиб маслаҳат беради. Айниқса қаттиқ хафа бўлган одамларга бу маслаҳат зарур. Муқаддас китоб хафақон кишининг кўнглини ёзади. Умидсизликка тушган одамларни кўрганда, таваккал қилиб бу китобнинг бир варағини очиб, ўқиб бериш керак. Бу бандасига ёқмаса ҳам худога ёқади. Бизга нима лозимлиги худонинг ўзига аён. Худонинг бизга кўринмайдиган бармоғи китоб бетидан бизга зарур жойни кўрсатиб туради. Таваккал қилиб очган шу саҳифа бизнинг қоронғи йўлимизни ёритади. Бошқа саҳифаларни излаб ўтирмаймиз, дуч келган мана шу саҳифани ўқиймиз. Худонинг муқаддас сўзлари бу. Китоб тақдиримиздан дарак беради. Унга қулоқ солиш олий бурчимиз. Сиз, месс Летъери, аламзадасиз, мана бу китоб сизни юпатади.

Жакмен Эрод жаноблари китобни очди, қўлларини унинг саҳифасига қўйиб, нафасини ростлаб олди-да, баланд овоз билан қироат қила бошлади:

«Бир куни Исҳоқ «Ҳар ерда ҳозир ва нозир, ҳамма нарсани кўрувчининг қудуғи» деб аталадиган бир қудуққа равона бўлди.

Ревекка Исҳоқни кўриб: «Менга қараб келаётган бу одам ким?»— деб сўради.

Исҳоқ уни чодирига олиб келиб, ўзига хотин қилиб олди, унга муҳаббат қўйди».

Эбенезер билан Дерюшетта шунда бир-бирларига қараб қўйдилар.



ИККИНЧИ
ҚИСМ

**ЖИЛЬЯТ
ЖОДУГАР**

Биринчи китоб

СУВ ОСТИ ҚОЯЛАРИ

I

БОРИШ ҲАМ, ҚАЙТИШ ҲАМ МАШАҚҚАТЛИ ЖОИ

Гернсей соҳилларининг турли жойларида кечқурун одамлар кўрган қайиқ Жильятники эди. У соҳилдаги қоялар орасидан сузиб боришни маъқул кўрган, бу йўл хатарли бўлса ҳам кўзланган ерга тўппа-тўғри олиб борадиган энг яқин йўл эди. У мўлжалга тезроқ етиб боришни ўйларди. Ҳалокатга учраган кема халоскорини кутиб турмайди, денгиз шундай бетоқат ва бесабр бир нарсаки, кечикилган ҳар бир дақиқада оғир мусибат рўй бериши мумкин. Жильят ҳалокат ёқасидаги машинани қутқариб қолишга ошиқарди.

Жильят йўлга чиқаркан, кишиларнинг эътиборини ўзига тортмасликка ҳаракат қилди. Унинг Гернсейдан кетиши у ердан қочиб кетаётганга ўхшарди. Гўё у одамлардан тезроқ яширинишга шошилаётгандай эди. У Сен-Сансон ва Сен-Пьер порти яқинидан сузиб ўтишга ботинолмай, шарқий соҳилдан тобора узоқлаша бориб, нариги томондаги кимсасиз қирғоқ бўйлаб сузиб кетди. Соҳилнинг денгизга туртиб кирган ерларидагина эшкак эшар: эшкакни сувга оҳиста ботириб, аста силтарди. — шу тарзда у қоронғилик қўйнида шарпа чиқармай сузиб борарди, бу ҳаракати билан қандайдир шубҳали бир ишга қадам қўйганга ўхшарди.

Ҳақиқатда эса у жонидан кечиб, мушкул, амалга ошириб бўлмайдиган бу ишга киришаркан, бирор рақибга йўлиқиб қолишдан ҳадиксирарди.

Тонг саҳарда денгизга тикилган киши кўз илғар-илғамас ерда жуда хатарли, кимсасиз, белоён ялангликда тобора оралиғи яқинлашиб бораётган икки қора нуқта-

ни кўриши мумкин эди, бу икки нуқтадан бири иккинчиси томон шитоб билан илгарилаб борарди. Мавжланиб турган бепоён денгиз қўйнида илгарилаб бораётган бу нуқта елканли қайиқ бўлиб, унда ёлғиз бир киши — Жильят ўтирганди. Фалапи шаклдаги катта иккинчи нуқта эса қимир этмай қорайиб турар, қутурган денгиз тўлқинлари бетиним унга уриларди. Чексиз денгиз бағрини йиртиб, кўкка бўй чўзган икки устун учини тўсинга ўхшаган бир нарса кўприкдай бир-бирига улаб турарди. Бу тўсиннинг ташқи кўринишига қараб, унинг нима мақсадда қўйилганини тушуниб бўлмас, аллақандай дарвозага ўхшарди, холос. Яп-яланғоқ океанда дарвоза нима қилади? Йўқ, дарвозага эмас, ўз ижодини бепоён бўшлиққа кўз-кўз қилиш иштиёқида бўлган уста меъмор томонидан чеки-чегараси йўқ денгиз бағрига қурилган тош кўшкка кўпроқ ўхшарди бу. Унинг бефайз манзараси ёришиб келаётган осмон қўйнида аниқ кўриниб турарди.

Шарқдан тонг отиб кела бошлади; уфқ оқарди, бундан денгиз янада қорамтироқ тусга кирди. Осмоннинг нариги чеккасида, ғарбда эса ой ботиб борарди.

Устунга ўхшаб кўзга чалинган нарса Дувр қоялари, уларнинг чўққисини, дарвоза ёндорларини туташтирган бесўнақай тўсиндек жўрингани эса Дюранда эди.

Ўз ўлжаси бўлган Дюрандани кўз-кўз қилиб, баланд кўтариб турган қоялар кишида ваҳима туғдирарди; кўпинча жонсиз буюмларда одамга нисбатан ғамгин такаббурлик ва душманларча кибр бордек туюлади. Гўё қоялар Жильятнинг йўлини тўсиб, уни олишувга чақираётгандек, уни ҳалок этиш учун пайт пойлаб тургандек эди.

Бу ажойиб манзара қанчадан-қанча такаббурлик, гердайиш касб этганди: мағлуб бўлган кемани осмону фалакда кўтариб турган қоялар ва ғолиб денгиз ўзини намоиш қилаётганди. Кечаги сув тошқинида денгиз тўлқинларида чўмилиб олган бу икки қоя терга ботган жангчиларни эслатади. Бўрон сусайиб, тўлқинлар билан ўйнашади; кўпиклардан жиға таққан тўлқинлар мавжланиб турган баъзи ерларда сув ости қоялари яшириниб ётади; бепоён денгизнинг олис-олисларидан асалариларнинг наъмасидек визиллаган товушлар эшитилиб туради. Текис денгиз сатҳида икки устун каби кўкка мағрурона бўй чўзган Дувр қояларидан ўзга нарса йўқ. Бу

қоялар ярим белгича йўсинлар билан қопланган. Уларнинг тик ён бағирлари қалқондек ярқирайди. Гўё янги жангга шай тургандек улар. Қояларнинг томир отиб сув ости тоғларига туташиб кетгани сезилиб турибди. Улар куч-қудратда тенгсиз баҳодирларга ўхшайди.

Одатда денгиз сездирмай, зимдан ҳамла қилади. У қилар ишини қилиб қўйиб, ўзини ҳеч нарса билмасликка солишни ёқтиради. Унинг тубсиз қаърида ҳамма нарса ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетади. Ҳа, ҳалокатга учрашнинг қандайдир ўзига хос, ҳеч ким тушунолмайдиган даҳшатли, қабих томонлари бор. Денгиз ҳам очикчасига, ҳам яшириқчасига ҳамла қилади; у сир бой бермасликка интилади, у ўз қилмишларини ошкор этишни ёмон кўради. У кемаларни ҳалокатга учратиб фарқ қилади-да, ўзининг бу ишини суваб-сийпаб бекитиб юборади; қурбонини ямлаб юбориб, хижолат тортгандек уялиб тураверади. Тўлқинлар эса риёкор, мунофиқ бўлади. У ўлжасини ҳалок қилади, талаб олган нарсаларини яширади, яна ҳеч нарса кўрмагандек тиржайиб тураверади. У оламни бошига кўтариб ўкиради-да, кейин яна оҳиста мавжланади.

Аммо ҳозир аҳвол тамоман бошқача эди. Дувр қоялари ҳалок бўлган Дюрандани денгиз устида голибона дабдаба билан баламд кўтариб турарди. Бепоен денгиз қаъридан кўк узра чўзилган баҳайбат қўллар фарқ бўлган кема жасадини бўронларга намойиш қилаётгандек эди. Қонхўр қотилларгина ана шундай мағрурланади, гердаяди.

Тагин бу манзарага тонг туғдирадиган ваҳима ҳам қўшилмоқда эди. Тонг замирида қандайдир сирли улугворлик бор, борлиқ тушдагидек гира-шира қиёфа касб этади, табиат тун уйқусидан бош кўтараётгандек, ҳамма нарса хаёлий қиёфада намоён бўлади. Иккала Дувр билан Дюранда бирлашиб, аллақандай уфққа битилган улкан Н ҳарфига ўхшаб кетарди.

Жильятнинг эғнида денгизчилар кўйлагин, жун фуфайка, тўқима калта камзул, дағал сертук матодан тикилган чўнтакли шим, ўша вақтларда денгизчилар киядиган ва «маҳбуслар қалпоғи» деб аталадиган қизил жун қалпоқ, оёғига пайпоқ, михлама кавуш кийиб олган эди.

У сув ости қояларини таниди, ўша ёққа сузиб кетди.

Дюранда чўкиб кетмабди, чўққилар устида осилиб қолибди.

Уни қутқаришнинг машаққатлиги кўзга яққол ташла-
ниб турарди.

Жильят сув қояларни ялаб турган жойга етганида
кун тамоман ёришиб кетган эди.

Денгиз, ҳали айтганимиздек, осойишта эди. Фақат
қоялар орасидагина сув тўлқинланиб шалопларди. Қоя-
лар оралиғи тор ёхуд кенглигидан қатъи назар, бундай
ерларда сув доим куйиб-пишиб кўпириб, тўлқинланиб
ётади.

Жильят Дувр қояларига эҳтиётлик билан яқинлашиб
борди.

У бир неча бор лот ташлаб сувнинг чуқурлигини ўл-
чади.

У қайиқдаги юкларини тушириши керак эди.

Денгизга тез-тез чиқиб турган Жильят керакли ан-
жомларни йўлга ҳозирлаб қўйишга одатланганди. Бу са-
фар ҳам у бир қоп қоқ нон, бир қоп сули уни, бир тўрва
қоқланган треска балиқ билан дудланган гўшт, бир кат-
та кўзада чучук сув, бир неча қалин жун кўйлак, қал-
поқли плаш, мойланган гетр¹лар, тунда устига ёпиб ётиш
учун битта пўстак солинган жимжимадор норманд сан-
дикчасини оливолган эди. У «Чеккадаги уй»ни ташлаб
йўлга чиқаркан, бу нарсалар билан бирга янги пиши-
рилган тегараж нон ҳам олиб, уларни шоша-пиша қайиқ-
қа ташиганди. У шошилиб темирчиликда ишлатадиган
болғаси, катта ва кичик болта, арра билан бир учига
темир илмоқ боғланган ва ушлаш қулай бўлсин деб ту-
гиб-тугиб қўйилган арқонидан бошқа асбоб олмаганди.
Бунақа нарвон-арқондан яхши фойдаланилса, чиқиб
бўлмас ўжар қоялар ҳам мулойим, бўйсунувчи бўлиб қо-
лади, тажрибали денгизчи ҳар қандай тик жарларга ҳам
туша олади. Серк оролида бунақа арқонлар Гослен га-
ванида яшайдиган балиқчиларга яхши иш беради.

Булардан ташқари, қайиқда тўр, қармоқлар ва ба-
лиқ овлайдиган бошқа асбоблар ҳам бор эди. Жильят
буларни одати бўйича, шунчаки оливолганди: сув ости
қояларига тўла бўлган, мабодо муддаоси амалга ошгу-
дай бўлса, шу мақсадда қисқагина вақт яшаши керак
бўлган бу ерда балиқ овида керак бўладиган асбоблар-
нинг асқотиши даргумон эди.

Жильят қояларга етганида сув қайтиши бошланган-

¹ Ҳўнж, ботинка устидан, тўпикдан тиззагача кийилади-
ган иссиқ оёқ кийим.

ди — бу аҳволнинг бирмунча яхшилигидан далолат берарди. Тўлқин шовиллаб орқага қайтмоқда, Кичик Дувр этакларида теп-текис, поғона-поғона токчалар очилиб қолди. Бу зинапоя баъзи ерда торайиб, баъзи ерларда кенгайиб яхлит харсанг девор бўйлаб юқорига пиллапоя каби кўтарилар, икки қоя орасида осилиб турган Дюранда ёнига етиб, ясси майдончага бориб тақаларди. Дюранда эса икки қоя орасида худди қисқичда қисилиб қолганга ўхшаб турарди.

Ана шу майдончада қайиқдан тушиш ва атрофни кўздан кечириш қулай эди. Жильят қайиқда олиб келган буюмларини вақтинча ўша ерга тушириши мумкин эди. Аммо бунинг учун шошилиш керак, чунки бу токчалар бир неча соатдан сўнг яна сув кўтарилса сув остида қолади.

Жильят қайиғини ўша силлиқ, ясси тош токчалар томон ҳайдади.

Бу тошларни қалин, жиққа ҳўл, сирғанчиқ йўсинлар қоплаган, сирғаниб кетиш хавфи бор эди. Шунинг учун Жильят кавушини ечиб, йўсинлар қоплаган тошга сакраб ўтди-да, қайиғини қоянинг туртиб чиққан жойига судради. Кейин у торгина тош майдончадан имкони борица ичкарироққа юрди, Дюранданинг тагига бориб тўхтаб, уни кўздан кечира бошлади.

Дюранда юқорига итқитилиб, сув юзасидан йипирма футча баландда икки қоя орасига осиб қўйилганга ўхшарди. Кемани бундай баландликка ҳаддан ташқари кучли тўлқинларгина итқита олади.

Тўлқинларнинг қутуриши денгизчиларни мутлақо ажаблантирмайди. Бунга қуйидаги мисол далил бўла олади: 1840 йилнинг 25 январида Сторс кўрфазида довул туриб, у икки мачтали бир елканли кемани саёзликда ўтириб қолган уч мачтали ҳарбий кема «Марна» устидан ошириб улоқтирган, уни тумшуғи билан қўш қояга кўтариб уриб, чилпарчин қилган эди.

Шуни ҳам айтиш керакки, Дувр қоялари орасида Дюранданинг ярмигина бутун қолган эди.

Довул пароходни тўлқинлар ҳамласидан юлиб олиб итқитганди. Осмон қуюни уни чирпирак қилиб айлантироқчи бўлган, сув бетида ўкирган довул уни ўз исканжасига олганди; ана шундай қилиб, шамолнинг икки панжаси пароходни тортиб-юлқилаб хас каби чўрт иккига бўлиб юборганди.



Қутурган тўлқини улоқтириб, икки қоя орасида дайди-ган даҳшатли довул итқитган пароходнинг механизми ва парраги жойлашган қуйруғи қўш қоя орасида қисилиб қолган эди. Довул жуда аниқ мўлжалга олганди: у гурзига айланиб, кемани Дувр қоялари орасига понадек қоқиб қўйганди. Пароходнинг тумшуғини эса сув ости қояларига уриб яксон қилгунича сув бетида ўйнатиб ро-са эрмак қилганди.

Пачақланган кема тағхонасидаги ҳўкизлар денгизга улоқтириб ташланган эди.

Кема тумшуғининг бир ёни кема асосининг чап биқинида омонат осилиб турар, уни болта билан бир зарбда-ёқ узиб юбориш мумкин эди.

Қоянинг эгри-бугри, тик ён бағирларида, бир-биридан олис-олисида ходалар, тахталар, елканнинг бурдалари, узиқ-юлиқ занжирлар, минг турли бўлтак-сўлтак нарса-лар сочилиб ётарди.

Жильят Дюрандани диққат билан кўздан кечирди. Кеманинг остки қисми тепада шифтдек осилиб турарди.

Кўз илғамас бепоен денгиз сезилар-сезилмас мавж-ланар, уфқ шаффофдек тиниқ. Қуёш ҳайбатли мовий қоя ортидан улугворлик билан сузиб чиққан эди.

Ҳалокатга учраган кемадан денгизга чак-чак сув томчиларди.

II

ҲАЛОКАТ НИҲОЯСИ

Дувр қоялари ташқи шўриниши ва баландлиги жиҳа-тидан бир-бирига асло ўхшамайди.

Кичик Дувр ўгкир чўққили, сал букчайганроқ бўлиб, тагидан то чўққисигача қизғиш тусли, аста-секин увала-ниб борувчи, торс-торс ёрилиб кетган говак жинслар би-лан қопланганди, қоя бетини узунасига ва кўндалангига кесиб ўтган бу ажинлар ўргимчак тўрини эслатарди. Ана шундай ёриқлардан бири кучли тўлқинлар ҳамласи-да шундай кенгайиб кетган эдики, у қоя ён бағрига ҳай-кал ўрнатиш учун атайлаб йўниб қилинган токчага ўх-шарди. Кичик Дувр ён бағридаги бодроқ сингари тур-тиб-туртиб чиққан тошлар думалоқ ва нафис эди, аммо бу майинлик унинг бадфеъллигини яширолмасди. Кичик Дуврнинг чўққиси худди мол шохининг ўзгинаси эди. Катта Дувр эса худди сайқаллангандай сип-силлиқ, ён

бағри түппа-түғри ва тип-тикка бўлиб, қўли гул меъморнинг ҳисоб-китобига амал қилиб, қора фил суягидан ясалгандек эди, унинг на бирон-бир ботиқ ва на туртиб чиққан жойи бор. Унинг тип-тикка ён бағирлари бутун оламдан норозидек хўмрайиб туради; каторгадан қочиб қутулмоқчи бўлган ҳеч қандай маҳбус бу ерга яширина олмайди, ҳатто қушлар ҳам бу жойга уя қуролмайди. Унинг чўққиси ҳам «Одам» қояси каби ясси, аммо у ерга инсон пойқадами етиши амримаҳол.

Кичик Дуврнинг чўққисига чиқиш мумкин-у, лекин у ерда бир нафас ҳам туриб бўлмайди; Катта Дувр чўққисига бемалол жойлашиш мумкин-у, аммо у ерга чиқиб бўлмайди.

Жильят қояларни бирма-бир назардан кечириб бўлиб, қайиғига қайтди, ўзининг кўч-кўронию лаш-лушларини сув бетига чиқиб турган энг катта тошга тушириб, бўғча-бўғча қилиб тугди, кейин уни брезентга ўраб-чирмади-да, арқон билан сириб боғлаб, қоя ён бағридаги сув етолмайдиган ковакка жойлаштирди, сўнг оёқ-қўллари билан бараварига қўлга илинган нарсага тармаша-тармаша, ён бағирликдан туртиб чиққан тошларнинг бирдан-иккинчисига ўтиб, юқори кўтарила бошлади, шу тарзда у Кичик Дуврдан юриб, осилиб турган Дюрандагача етиб борди. У палубага сакради.

Ҳалокатга учраган кеманинг ичи ҳам ҳаддан ташқари ачинарли аҳволда эди. Бу манзарадан Дюранданинг қандай даҳшатли ҳамлага йўлиққани яққол кўзга ташланиб турарди. Довулнинг киши қалбини музлатадиган ваҳшиёна ўзбошимчалиги уни шу аҳволга солган эди. Денгизда момақалди роқ денгиз қароқчиларининг шеригидай иш тутади. Кема ҳалокати эса ёвузликка ўхшайди. Булут, яшин, ёмғир, бўрон, тўлқин ва сув ости қоялари кишиларда ваҳима уйғотадиган тил бириктириб олган босқинчилар тўдасига ўхшайди.

Абжағи чиққан палубадан денгиз руҳларининг даргазаб одим шарпалари эшитилаётгандек. Ҳар тарафда, ҳар бир нарсада ҳаддан ортиқ ваҳшийликнинг қўли борлиги кўриниб туради. Кеманинг сеҳрли равишда эгилиб-букилиб жетган темир қисмлари бўроннинг қанчалик қутуриб қилган ҳамлаларидан далолат бериб турарди. Палуба сатҳи бор буюмларни уриб-янчиб, ҳар ёққа улоқтириб ташланган жиннихонани эслатарди.

Ҳеч қандай йиртқич ҳайвон ҳам ўз ўлжасини денгиз

каби бунчалик гажиб ташламайди. Сув ўлжасига чанг солади, шамол кемиради, тўлқин эса ямламай ютади; денгиз пўртанаси — унинг ялмоғиз жағларидир. Ана шу жағлар ўлжани гажиб, парча-парча қилиб ташлайди. Океаннинг зарбаси арслон панжасининг зарбасидан қолишмайди.

Дюрандининг чил-парчин бўлишининг ўзига хос томони унинг батамом емирилгани эди. Бу ҳалокат йўлтўсар қароқчининг ваҳшиёна ишидан фарқ қилмас, кўп ишлар атайлаб қилинганга ўхшайди. Кемадаги манзарага қараб туриб: қандай шафқатсизлик бу! — деб қичқиргинг келади. Кеманинг қопламалари биттама-битта усталик билан кўчириб олинган. Довул вайрон қилишга жуда уста. Бу емирувчи-ваҳшийнинг қўлидан келадигани тўғри келган нарсани бурда-бурда қилиб қиймалаш ва йўниб-йиртишдир. Унинг қилиш-қилмиши жаллодни йўлда қолдириб кетади. У ўз қурбонига ўлими олдидан азоб бераётганга, уни қийнаётганга ўхшайди. Гўё уни бировдан аламини оляпти, деб ўйлайсан; у бировни ваҳшиёна таҳқирлаётган, бировни мазах қилиб, хўрлаётгандек бўлади. У бирон нарсани хароб этаркан, уни тилка-пора қилмай қўймайди. У фарқ бўлаётган кемага азоб беради, ундан қасдини олади, уни эрмак қилади, бу эса унинг пасткашлиги, бачканалигидир.

Довул бизнинг кенглигимизда бўладиган камдан-кам ҳолдир, шунинг учун ҳам қанчалик тўсатдан, қутилмаганда довул туриб қолса, шунчалик хатарли бўлади у. Довул ўз йўлида бирорта қояга дуч келиб қолса, кучли гирват ҳосил бўлиши мумкин. Ана шундай гирват Дуврлар устида спиралдек буралиб-буралиб, бирдан қояларга урилиб, қуюнга айланган, ана шу йўл билан кема баланд итқитилиб, қоялар орасида қисилиб қолган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Довул учун кема сопқонга солиб отиладиган тошдай гап.

Дюранда гавдаси иккига бўлиб ташланган одамга ўхшарди; чавақланган қорнидан ичак-чавағи чиқиб ётгандек унинг бўлтак-сўлтак парчалари сочилиб ётарди. Кемадаги қолган-қутган арқончаларни шамол юлқилар; занжирлар у ёқдан-бу ёққа силкиниб шиқирлар; кеманинг узилиб кетган мускул ва асаб томирлари аянчли аҳволда осилиб ётарди. Синмай қолган нарса борки, бари торс-торс ажраб, ёрилиб кетган: кеманинг миҳлари ўйнаб ётган туб қисмининг бўлтаклари қашлагичга ўх-

шарди; жами нарса яксон бўлган эди; юк кўтарадиган ричаг нокарак бир темир парчасига, лот бир бўлак қўрғошинга, ингичкаю йўғон трос ва турли иплари чигал бир калавага айланганди: чор атрофда бемақсад вайронлик, кемадаги бор нарса узилган, бузилган, ўрнидан сурилган, ёрилган, ажраб кетган, ғажилган, қийшайиб-майишган, илма-тешик, хароб қилинганди; бундай даҳшатли бўлтак-сўлтак буюмлар уюми олдида киши ўзини йўқотиб қўяди, фикрлари чувалашиб кетади, қаёққа қараманг пала-партишлик, бетайинлик, тутуриқсизлик намён бўлиб турганди. Ҳамма нарса: тахта, темир парчалари, трослар, ходалар уюм-уюм бўлиб, кеманинг узилиб кетган ерига тўпланиб илиниб қолган, сал туртки бўлса, денгизга тушиб кетиши ҳеч гап эмасди. Бу азамат кеманинг мустаҳкам танасидан Дувр қоялари орасига аранг илиниб турган қуйруғигина омон қолган эди; илма-тешик бўлиб кетганидан кеманинг ички қисми қорайиб кўри-ниб турарди.

Пастда тўлқинлар кеманинг бу аянчли қолдиғига уфуриб, уни мазах қилардилар.

III

БУС-БУТУҢ-У, АММО ХАВФ ОСТИДА

Жильят кеманинг ярми қолган деб ўйламаганди. «Шильтиль» капитани бу энг оғир ҳалокат ҳақида гапирганида Дюранданинг иккига бўлиниб кетгани тўғрисида оғиз очмаганди. Эҳтимол «Шильтиль» кемасининг капитанига «даҳшатли қарсиллаган товуш» эшитилган дақиқада кўпириб, қутуриб рақс тушаётган тўлқинларнинг қалин пардаси ортида бу иш рўй бериб, у кўролмай қолгандир. Унинг кемасини кучли лўртана Дюрандадан олисларга суриб жетгандир. Қуюн Дюранданинг белини синдирганини кўролмай қолгандир. Кейинроқ ҳалок бўлган кемани кўргани яқинлашганларида Дюранданинг тумшугига жўзи тушган-у, қоялар орасига бориб тушган қуйруқ қисмини кўрмагандир.

Дюранданинг чўрт узилиб кетганини ҳисобламаганда, «Шильтиль» кемасининг капитани сўзлаб берган тафсилотнинг ипидан игнасигача тўғри эди. Кеманинг корпуси ҳалокатга учраган эди-ю, аммо машинасига зарар етмаганди.

Бундай ҳоллар ёнғин вақтида ҳам, ҳалокат вақтларида ҳам кўп учраб туради. Фалокат маҳалларида ақлга сиғмайдиган воқеалар рўй беради.

Чўрт узилиб кетган мачталар ағанабди-ю, пароходнинг мўриси ҳатто қийшаймабди ҳам; катта чўян плита машинани турткилардан асраб қолган, жема устидаги қоплама тахталар чий парданинг чўплари каби тўзиб-тарқалиб кетибди-ю, кеманинг икки парраги бутун қолгани кўзга ташланиб турибди. Уларнинг бир нечта кураги тушганди, холос.

Машинадан ташқари, катта чиғир ҳам омон қолганди. Унинг занжири ҳам турибди, чиғир ўзининг дуб рамасида мустаҳкам турар, палуба узунасига чўрт бўлиниб кетмаса, ҳали ишга яраши мумкин эди. Кеманинг сатҳи эгилиб-букилиб кетган. У ишдан чиқиб, лиқиллаб қолганди. Лекин Дувр қоялари орасида маҳкам қисилиб қолган кема танасининг қуйруқ қисми, юқорида айтганимиздек, сиртдан қараганда ҳали мустаҳкамга ўхшарди.

Кеманинг машинаси худди ҳазил-мазах қилиб омон қолдирилганга ўхшар эди. Ўзининг айёрлиги, риёкорлиги билан кўзга чалинмас кучлар баъзан инсондан аччиқ кулаётгандек бўлади. Манави ишни кўринг, машина омон қолдирилган-у, аммо ҳалокатга маҳкум этилганди. Океан уни бекорчиликда эрмак қилиб емирмоқ учун сақлаб қолибди. Бу иш мушук-сичқон ўйинига ўхшайди.

Машина аста-секин емирилишга, узоқ вақт тўлқинларнинг овунчоғи, эрмаги бўлишга, кундан-кунга кичрая боришга ва ниҳоят бутунлай парчаланиб кетишга маҳкум этилганди. Нима қилиш керак? Машинанинг турли қисмлари ва парракдан ташкил топган бу оғир, айна вақтда жуда мўрт, ўз оғирлиги билан шу ердан жилмасликка ҳукм этилган, бўшлиқда емирувчи кучлар ихтиёрига бериб қўйилган, бўрон ва тўлқинларга тухфа этилган, шафқатсиз ҳалокат ҳукмига топширилган бу бир уюм юкни қутқазиб бўлармикин? Бу ҳақда ўйлашнинг ўзи ҳам телбалик-ку.

Дюранда Дувр қояларига асира бўлиб қолганди.

Уни қандай қилиб пастга тушириб бўлади?

Уни қандай қутқариш мумкин?

Жонли инсонни фалокат қучоғидан қочириб юбориш қанчалик мушкул, шундай бўлгандан кейин, жонсиз, оғир юк бўлган машинани асирликдан қутқазिशнинг иложи бормикин?!

ТЕВАРАК-АТРОФ БИЛАН ТАНИШИШ

Жильят шошилиш қилинадиган ишлар ташвишига кўмилди. Даставвал қайиғини қўядиган жой ва ўзи учун бошпана топиши керак эди.

Дюранда чап биқинига оғиб қолган, шунинг учун ҳам унинг ўнг паррағи қопламаси чапдагига қараганда хийла баландроқ кўтарилиб турарди.

Жильят ўнг қопламага чиқди. Уша ердан дара ичка-рисиди сувдан туртиб чиқиб турган қатор тизилиб кетган қояларга кўзи тушди, гарчи дара илон изи бўлиб буралиб-буралиб кетган бўлса ҳам, Дувр қояларининг қандай ўрнашгани билан танишиш, уни назардан ўтказиш мумкин эди.

Жильят ишни ана шундан бошлади.

Юқорида эслатиб ўтганимиздек, Дувр қоялари сув остидаги икки қатор тизма қоялар орасидаги камбаргина бўғозга кираверишда минора каби қад кўтариб турарди. Худди болта билан чопиб қурилганга ўхшайдиган бунақа йўлаклар денгизда кўп учрайди.

Бу илон изи дара сув қайтганда ҳам қуримайди. Тўлқинлар бетиним қайнаб-кўпириб унинг бу эшигидан кириб, наригисидан чиқиб туради. Бу ерда шароитнинг қулай ёки ноқулай бўлиши ҳаво оқимига боғлиқ, тўсатдан бўрон кўтарилиб тўлқинларни бир-бирига уриб айқаш-уйқаш қилиб юборади, уларни жиловлаб қўяди, кўпинча тўлқинларни қутуртириб юборади: денгиз бировларнинг ўзига қаршилиқ кўрсатишини ёқтирмайди, ғазабга минади, қутуриб кетади, талвасага тушиб ўзини ҳар томонга отади, терлаб-кўпиради.

Дувр қоялари орасига кириб қолган довул ҳам қафасга тушиб қолгандек сиқилади, дарғазаб бўлади. Унинг мускуллари ҳаракатланади, даҳшатли уфуриши минг бора ошади, қояларнинг биқинини тешиб юборгудек бўлади. Ана шунда ҳар томонга ўз найзасини санчади, борлиқни емиради, янчади.

Икки томондаги Дувр тизма қоялари бир қанча ерга-ча денгизда жин кўча каби тор йўлак ҳосил қилиб бориб, аста-секин зинапоя каби сув остига кира боради. Бу даранинг нариги бошида, Дувр қояларига қараганда ҳам пастроқ, ҳам торроқ яна бир дарвоза — даранинг шарқий дарвозаси бор экан. Чамаси, ҳар иккала тизма

қоя ҳам сув ости бўйлаб бориб қарама-қарши томонда чорқирра минора каби кўкка бўй чўзиб турган «Одам» қоясига туташган кўринади.

Сув қайтган, Жильят атрофни кўздан кечираётган айни шу пайтда, бу икки қатор сув ости қоялари аниқ-равшан кўриниб турарди: ҳозир сув бетига чиқиб қолган бу қоялар бир-бирига мингашиб уланиб кетганди.

Катта-кичик Дувр қояларидан бошланган бутун сув ости ясси тоғлари кунботарда жойлашган «Одам» қояси билан тугарди.

Дувр қояларидан бошланиб «Одам» қояси билан тугаган бу сув ости тизма қояларига тепадан қарасангиз буралиб-буралиб кетган тасбеҳ дейсиз.

Умуман олганда, Дувр қоялари тубсиз океан ости тизма тоғларининг чўққисидан бошқа нарса эмасди, гўё океан ости тоғи сув чокини сўкиб, кўк бағрига икки баҳайбат тош пона қоққанга ўхшарди. Хуллас, бу қоялар бепоён денгизнинг паҳлавон фарзанди, унинг бетиним меҳнати маҳсулидир. Довул ва тўлқинлар бу қояларни кемирмоқдалар. Қояларнинг чўққилари сув бетига чиқиб туради, сув остида яшириниб ётган қисми ҳаддан зиёд баҳайбат бўлиши керак. Довул Дюрандани ана шу тоғ тизмаларининг молнинг шохига ўхшаган икки чўққиси орасига қадаган эди. Бу икки тенг ва текис чўққи— дара ажойиб геометрик иншоотга ўхшар, у бир он ҳам тинмай қулқуллаб қайнаб турган сувнинг, тиниб-тинчимас ўркач-ўркач тўлқинларнинг меҳнати самараси эди.

Тор даранинг икки томонида қоялар текис саф тортган, уларнинг оралиғи Дюранданинг эни билан барабар эди. Кема парраklarининг қанотлари қояларга илиниб қолганди. Дюранда Кичик Дуврнинг ўйдим-чуқур ва гўё Катта Дуврдан нари қочаётгандек эгилган ерига келиб қолмаганида, у ерда илиниб қололмас, даранинг ҳар қандай бошқа ерига бориб тушганида тилка-пора бўлиши муқаррар эди.

Қалашиб кетган қоялар орасидан, даранинг ичкари томонидан қўрқинчли алланарсанинг шарпаси сезилиб турарди. Океан деб аталмиш бепоён сув саҳроларини текшира бошланса, шу дамгача номаълум бўлган денгиз сирлари очила боради. Бу сирлар киши ақли бовар қилмайдиган ваҳшиёна ишлар бўлиб туюлади. Тепадан, абжағи чиққан кемадан туриб дара тубига нигоҳ ташлаган Жильятни ваҳм босди. Кўпинча океаннинг қояли ҳал-

қумларида ҳалокат тимсоли гавдаланиб туради. Дув қоялари бўғзида эса бу тимсол янада даҳшатли манзара кашф этганди. Тик қояларнинг ҳар ер-ҳар ерида тош бетида қизарган занг лахта-лахта қонни эслатарди, гўё ер остида қирпичоқ бўлган-у, одамлар қони ер бетига сизиб чиққанга ўхшарди. Бу қоялар негача зиндонни эслатарди. Денгиз чодрасини йиртиб чиққан бу сув ости қояларини пўпанак бошган, ранги ола-байроқ, баъзи ерлари кишини ваҳимага солувчи қизғиш, баъзи ерлари оғули яшил ўсимликлар билан, баъзи жойлари эса қонли тўқнашув ва қирғинни эслатувчи алвон ранг хол-хол доғлар билан қопланган эди. Бу даҳшатли манзарадан кўз ўнгингизда беихтиёр зиндоннинг қийновхонаси гавдаланарди. Бутун атроф рўй берган қотилликдан дарак бераётгандай, тик қояларда ўлим талвасаси ифодаланиб турарди. Баъзи жойларда ҳозиргина қирғин бўлгандек, жиққа ҳўл деворларга қўл теккизсанг, бармоғинг қонга булганадигандай туюлади. Икки қатор бўлиб саф торган қоялар этагида худди денгизнинг ичак-чавоғи ағдариб ташлангандай паст-баланд, дум-думалоқ баҳайбат харсанг тошлар сочилиб ётар — уларнинг бир хиллари қип-қизил, яна бир хиллари қоп-қора, бошқалари бинафша рангда; бу тошларни янгигина юлиб олинган ўпка ёки ирий бошлаган жигар дейсиз. Гўё бу ерда баҳайбат девлар чавақлаб ташланган. Уларнинг қони тизиллаб отилиб, тошларга сачраганга ўхшайди.

Бунақа манзаралар сув ости горларида тез-тез учраб туради.

V

СТИХИЯНИНГ МАҲФИИ ҲАМКОРЛИГИ

Тақдирнинг тақозоси билан океан сув ости қояларига келиб қолиб, вақтинча у ерда истиқомат қилмоқчи бўлган сайёҳ бу қояларнинг қандай тузилганидан хабардор бўлиши лозим. Баъзи сув ости қоялари пирамида шаклида, чўққилари сув бетига чиқиб туради; улкан тош гулчамбарларга ўхшаган болдоқсимон сув ости қоялари ҳам бўлади; сув ости йўлаги деб аталадиган қоялар ҳам учраб туради. Булардан энг хавфлиси ана шу сув ости йўлакларидир. Бундай қоялар орасидаги тор йўлаклар деворларига тўлқин ўкириб урилгани, ўзини ҳар томонга ташлаб, қутуриб оққани учунгина хавфли эмас. Бу жойларда елиб-югурган шамол икки саф бўлиб тизилган

қояларга келиб урилиб, тор йўлакларда довул ва қуюн бўлиб, хатарли кучга айланади. Бу йўлакка кираверишда икки баҳайбат устун каби кўкка бўй чўзиб турган қоялар Вольта асбобига ўхшайди.

Сув ости йўлаги бирор томонга чўзилган бўлади. Бунинг аҳамияти бор. Бу ҳол сув ва ҳаво оқимининг йўналишига таъсир кўрсатади-да! Қоялар исқанжасидаги сув ости йўлаги тўлқинга ҳамда шамолга ўзининг тузилишига қараб таъсир кўрсатади. Бу нарса унинг гальваниклиги, яъни бир-бирига қарама-қарши турган икки вертикал текисликнинг магнитланиш даражасининг турлилиги ҳамда бир-бирига қарама-қарши ҳаракат қилаётган икки улкан кучнинг акс таъсири натижасида вужудга келар эҳтимол.

Бунақа сув ости қоялари довул вақтида талвасага тушиб қолган табиий кучларнинг бирини ўз домига тортади-да, усталик билан бу даҳшатли пўртананинг қаҳрини келтириб, газаб отига миндиради. Бу қояларда бўрон айниқса қаҳрли бўлади.

Шуни ёдда тутиш керакки, шамол тушуниб бўлмай-диган, мураккаб бир нарса. Биз уни бир хилдаги, бир-бирдан фарқ қилмайдиган табиий бир ҳол деб қарашга кўникиб қолганмиз; йўқ, бу мутлақо нотўғри. Шамол биргина динамик куч бўлиб қолмай, у кимёвий куч ҳамдир, аниқроқ қараганимизда эса кимёвийгина эмас, у магнит хоссасига ҳам эга бўлган кучдир. У тушуниб бўлмайдиган бир нарса. Осмон қанчалик электр қувватига эга бўлса, шамол ҳам шунчалик электр қувватига эга. Баъзи шамоллар шимол ёғдуси маҳалларида бўладилар. Игольний саёзликларида тўлқинларни юз футлаб баландликка итқитадиган бўрон Дюмон-Дюрвилни ҳайратда қолдирган эди. «Кема кимга бўйсунини билмай қолган эди»,— деганди у. Жанубдан бўрон турадиган паллада денгиз шундай қутуриб, шишиб-кўпчиб, тўлқинлар устига тўлқинлар айқошиб кетадики, океан дўзахга айланиб қолади. Буни кўрган ҳар қандай ваҳший ҳам унга қайта бор кўзи тушмаслик учун жуфтаниш ростлаб, кетига қарамай қочади. Шимол бўронлари сал бошқачароқ: улар ўз муз игналарини санчади, кишининг нафасини қайтаради, эскимосларнинг чаналарини қорга ағдариб-тўнтариб ташлайди. Булардан ташқари, иссиқ шамоллар ҳам бўлади, бундай шамол Африкада самум, Хитойда тайфун, Ҳиндистонда самизель деб аталади. Са-

мум, Тайфун, Самуэль доганда жин-ажинлар номини тилга олаётганга ўхшайсан киши. Бу қутурган бўронларнинг ўтли нафаси тоғ чўққиларини ҳам эритади: бир вақтлар довул Толукку вулқонини кўмиб юборганди. Алвон тусли булутларни олдига солиб қувиб юрган бундай иссиқ қора қуюн ҳақида қадимий ҳинд Муқаддас китобида: «Қора худо қизил сигирларни қувлаб юрибди»,—деб ёзилган. Юқорида айтилган ҳодисаларда мўжизали электр қуввати таъсири борлиги сезилиб турибди.

Шамол бир жумбоққа ўхшайди. Денгиз ҳам шунақа. Денгиз ҳам шамолга ўхшаган мураккаб бир нарса; у кўринадиган тўлқинлари остида кўзга кўринмайдиган бошқа кучдан иборат тўлқинларини яширади. Ҳар қандай бемаъниликларни у ўзида мужассамлаштирган. Оламда бетартиблик, ёвузлик, инсон ақли бовар қилмайдиган сирлар қоришмасидан иборат не-не нарсалар бор, ана шулар орасида бу жиҳатларни бир-биридан айириб бўлмайдиган энг мустақками; уларнинг ичида энг бепоёни океандир.

Осмон гумбази билан тутшиб кетган бениҳоя тартибсизликни бир кўз олдингизга келтириб кўринг-а. Океан ер шарининг сув ҳавзаси, унинг маҳсулдорлигини оширадиган хазина, унинг қиёфасини ўзгартадиган кучлар қайнаб, пишиб-етиладиган дош қозонидир. У олдин бойлик жамғаради, кейин аста-секин сарфлайди, аввал жамлайди, сўнг уруғ сочади; аввал борлиқни ўз қаърига ютади, кейин қайтадан яратади. Ер юзидаги оқар сувларнинг бари унга қуйилади, у эса бу сувларни кўз қорачиғидек асрайди. У музлаганда қаттиқ тўлқин бўлиб, мавжланганда суюқ, буғланганда газ шаклига киради. Материя сифатида у массаю куч сифатида мавҳум. У табиий ҳодисаларни бир-бирига тенглаштиради, уйғунлаштиради. У бепоён бўшлиқда оддий қиёфага киради. У домига тушган нарсаларни қориб-қориштиради, чайқатади, оқибатда зумраддек тиниқ тусга киради. Унга келиб тушган турли-тўман элементлар бирлашади, яхлитлашади. Унинг бир томчиси ҳам, барини олганда ҳам бир хил. У қанчалик қутуриб жўшмасин, ер шарининг мувозанат шайинидир. Қадимда Афлотун сув сатҳининг рақсини томоша қилган экан; ер шарининг қуёш теваригдан айланиб чиқишида океан ўзининг сув кўтарилиши ва қайтиши билан унинг мувозанатини сақлаб туради,

деган гап ҳам бор, бу қулоққа қаичалик ғалати эшитил-масин, ҳақиқатга яқин.

Океан деб аталган бу мўъжиза дошқозонида мўъжизалар яққол намоён бўлиб туради. Қуюн денгизни гирват қилиб кўкка кўтаради; момақалди роқ ҳам худди ана шундай насослик ролини ўйнайди; яшинни ҳаво ўз қаърига ютиб юборгандек, сув ҳам гирват қилиб ичига тортиб кетади; сузиб бораётган кема қалқиб-қалқиб боради, денгиз кўзга кўринмас қўллари билан уни турткилайди, шундан сўнг лангар занжирлари турган жойдан олтин-гугурт иси анқий бошлайди. Океан биқирлаб қайнашга ўтади. Бир вақтлар Рюитер бундай ҳолни: «Денгиз иблис қозонида қайнамоқда»,— деб таърифлаган эди. Йил фаслларининг элчиси бўлган самовий кучларнинг тенглашувидан дарак берувчи баъзи бир хил бўронлар палласида қутурган тўлқинлар қамалида қолган кемалар аллақандай ёғду сочаётганга ўхшайди, кема жиҳозлари ва елкан арқонларидан фосфор учқунланади, бундай пайтларда денгизчилар учиб бораётган ёнар қушчаларни ушламоқчи бўлиб қўл чўзадилар. Лиссабонда зилзила вақтида ер ёрилиб, ундан отилиб чиққан қайноқ ҳаво оқими денгиз тубидан баландлиги олтмиш фут келадиган тошни шаҳарга қараб итқитган. Океаннинг безовталаниши ер қатламларининг ҳаракатига ҳам боғлиқ.

Бу битмас-туганмас қувват манбалари турли фожиали ҳалокатларга сабабчи бўлади. 1864 йилнинг охирида, Малабар соҳилларидан юз мишча нарироқда Мальдив оролларида бири ғойиб бўлиб қолди. У ҳалокатга учраган кема каби сув остига ғарқ бўлганди. Эрталаб бу ердан овга чиқиб кетган балиқчилар кечқурун қайтиб келганларида оролдан ном-нишон ҳам қолмаган эди: улар сув остига чўкиб кетган ўз қишлоқларини аранг танидилар, бу сафар денгизда содир бўлган фалокатга қайиқлар гувоҳу уйлар ҳалокат қурбони бўлгандилар.

Табиати маданиятни иззат-ҳурматлайдигандай кўринган Европада бундай ҳодисалар камдан-кам рўй беради, бундай фалокатлар ақлга сиғмайдиган бир ҳол бўлиб туюлади. Шундай бўлса-да, Жерсей билан Гернсей қачонлардир Галлиянинг ажралмас бир қисми эди-ку; бу сатрлар битилаётган вақтда эса шиддатли бўрон ва довуллар инглиз-шотланд чегарасидаги соҳилда қад

кўтариб турган «Тўрт қоядан биринчиси»ни ер билан баб-баравар қилиб текислаб қўйган эди.

Бу битмас-туганмас, забардаст кучлар ҳеч қаерда шимолдаги Люзе-Фьорд деб аталган ажойиб бўғоздаги каби даҳшатли бўлолмайди. Люзе-Фьорд океанлардаги барча сув ости йўлаклари ичида энг хатарлиси ҳисобланади. Бу ниҳоясига етказиб қуриб битказилган сув ости йўлагининг мукаммал нусхасидир. Норвегия денгизи — даҳшатли Ставангер бўғозига яқин бир жой, эллик тўққизинчи кенгликда. Сув қорамтир, оғир чайқалиб туради. Ана шундай бепоён денгиз яланглигининг қоқ ўртасида икки қатор бўлиб саф тортган баланд қоялар орасидан узун, бефайз кўча чўзилган. Бу кўчанинг ҳеч кимга кераги йўқ, ундан ҳеч зоғ юрмайди; у ерга кириб қолган кема омон-эсон қутулиб чиқолмайди. Фалакнинг гардиши билан у ерга кириб қолган киши баландлиги уч минг фут келадиган қоя деворларни оралаб ўн мил масофага чўзилган сув ости йўлагини кўради. Бу дара ҳам ҳар қандай бошқа океан кўчалари сингари илон изи бўлиб буралиб-буралиб жетган. Бу сув ости йўлаклари ҳеч қачон тик бўлмайди, чунки уларни инжиқ, бетайин тўлқинлар бунёдга келтирадилар. Люзе-Фьордда сув сатҳи деярли ҳамма вақт осойишта, ҳаво очик, осмон тиниқ бўлади-ю, аммо бу ер жуда хатарли. Мана, шамол турди, у тепадан эсяптими дерсиз. Йўқ — тепадан эмас. Мана момақалди роқ гулдураяпти; у осмон гумбази остидан желяптими? Мутлақо бундай эмас. Шамол сув остида, момақалди роқ эса қоялар орасида вужудга келмоқда. Бирдан сув чайқала бошлайди. Осмон мусаффо-ю, минг ёки бир ярим минг фут баландликда, жанубий тик ён бағирликда момақалди роқ гулдураб қолади, чақин тўсатдан қояларга урилиб бўлақларга бўлиниб кетади-да, гўдақ ўйнаб ўгирган резинка ўйинчоқлардек сакраб ўйноқлай бошлайди; чақин дам қисқаради, дам узая болади; мана, у қарши томондаги қоя деворга урилди-ю, қоялар орасига яширинди; мана, у яна пайдо бўлиб қолди. Бу ҳол муттасил давом этаверади; кўп бошли афсонавий аждардек бошларини чиқаради, беҳисоб тиллари билан атрофни ялаб-юлқийди, кирпи тиканларидек найзаларини ҳурпайтади-да, дуч келган жойга санчиб, ғойиб бўлади, дам ўтмай яна пайдо бўлади-ю, яна йўқолади. Қушлар галаси бу ерлардан олис-олисларга қочадилар. Қаерда гулдураётгани номаълум мушакбозлик-

дан ажабланарлироқ нарса бўлмас. Бир қоя иккинчисига қарши жанг қилаётгандай. Бу сув ости қоялари бир-бирига ўзларининг чақин шамширларини санчадилар. Бу жангу жадалнинг одамларга дахли йўқ. Бу бепоён денгиз тубсизлигидан қад кўтариб чиққан икки қоянинг ўзаро адовати, душманлигидир.

Люзе-Фьордда шамол, сув буғлари, қоялар булут ўрнини босиб, момақалди роқ ҳосил бўлаверади, гулдураётган овоз эса вулқон оғзидан отилиб чиқаётганга ўхшайди. Бу ғалати бўғозни умуман олганда гальвани батареяси, икки саф бўлиб тизилиб кетган тизма қояларни эса унинг элементлари деса бўлади.

VI

ОҒИЛХОНА

Жильят сув ости қояларининг сирларини билар, улар билан ҳазиллашиб, улардан эҳтиёт бўлмаслик мудҳиш оқибатларга олиб келишини яхши фаҳмларди. Жильят, айтганимиздек, биринчи навбатда ўз қайиғи учун хавфсизроқ жой топиши керак эди.

Дувр қоялари ортида икки қатор бўлиб тизилган сув ости қоялари улкан қояларга, форларга, тор кўчаларга туташ эди.

Бу қояларнинг тагларини йўсинлар, устки қисмини эса қурбақа саллалари қоплаб олганди. Барча қояларнинг бир текисда йўсинлар билан қоплангани денгиз сувининг қаергача кўтарилишини кўрсатиб турарди.

Қояларнинг сув етолмайдиган, турли тусдаги қурбақа саллалари билан қопланган қисми олтин ва кумуш билан сайқаллангандек товланиб, жилоланади.

Қояларнинг баъзи ерлари мохов касалига йўлиққандай конусга ўхшаб ўйилиб-едирилиб кетган эди. Гўё қоялардаги бу яралар қора-қўтир бўлиб қотиб бораётганга ўхшайди.

Баъзи жойларда — қояларнинг ўйилиб кетган ковак ерларида тўлқин ва шамол ўйиб ташлаган қат-қат қумда қушқўнмаслар ўсиб ётибди.

Қояларнинг тўлқинлар етиб боролмайдиган пиллапоясимон поғона-поғона ерларида сув типратиканларининг уялари кўзга ташланиб туради. Игна тўнли, нима учундир оғзи «Арасту чароғи» деб аталган, жонли коп-

токдек гилдираб юрувчи кирпи нега моҳирлик билан қўйиб, бирма-бир пайвандланган ўн мингларча игнали қалқонига ўралиб олиб, тошни найза санчиб чўқилаб, ковлаб, ўрача қилиб тушиб ётаркин-а! Ахир уни «денгиз мевалари»нинг овчилари худди ана шу тош уяларидан ушлаб оладилар-ку! Қирпини тўрт бўладилар-да, уни денгиз моллюскаси қандай ейилса, ўшанақасига хомлиғича еяверадилар. Баъзилар унинг лаҳм гўшти селига нонни булғалаб оладилар, шунинг учун ҳам у «денгиз тухуми» деб аталади.

Энг чеккадаги, сув қайтганда юзага чиқиб қоладиган сув ости қояларининг чўққилари «Одам» қояси тагига туташиб, мўъжазгина бир қўлтиқча ҳосил қилган, атрофи деярли қоялар билан қуршалган эди. Қайиқни ўша ерга қўйса бўладиган кўринади. Жильят бу қўлтиқчани яхшилаб кўздан кечирди. У худди тақага ўхшарди, бир томони — энг мақбул шарқий шамоллар эсиб турадиган томонигина денгизга туташарди. Бу ерга сувни қамаб, устидан қулфлаб қўйгандай, у осойишта мудраётгандай эди. Бу жой Жильятга қулай кўринди, бундан қулайроқ ер йўқ эди.

Сув қайтган пайтдан фойдаланиб қолиш учун шошилиш лозим эди.

Ҳаво жуда ажойиб, илиқ. Инжиқ, бетайин денгиз мулойим жилмайиб турибди.

Жильят пастга тушиб, оёғидаги михлама кавушини ечди, кейин арқонни бўшатиб, қайиққа ўтирди-да, денгиз бўйлаб сузиб кетди. У қоя остида аста эшкак эшарди.

Жильят «Одам» қоясига етгач, қўлтиқчага кираве-ришни диққат билан кўздан кечири бошлади.

Чайқалиб турган тўлқинлар орасидан сувнинг камбаргина бир ери жимирлаб мавжланиб турганини денгизчиларга хос сезгирлик билан пайқади, бу ҳол шу ерда қўлтиқча ўтиладиган йўл борлигини англатарди.

Жильят сувнинг кўз илғамас даражада жимирлаб турган ерига бир нафасгина тикилиб турди-да, сўнг қайиқ ўта оладиган бир тор йўлакка бурилиш осонроқ бўлсин учун денгиз томон бир оз орқага сузиб, зудлик билан, эшкакни бир тортишда қайиқни қўлтиқчага олиб ўтди.

У бу ернинг чуқурлигини ўлчаб кўрди. Қайиғини қўйиши учун қўлтиқ ҳақиқатан ҳам жуда қулай жой экан.

Қайиң бу ерда ўша палладаги ҳар қандай хавфу хатардан холис бўлади.

Энг хавфли қоялар орасида ана шунақа тинч, хилват жойлар учраб туради. Бундай қўлтиқлар меҳмондўст бадавийлардек: улар ҳалол ва ишончли одамлар бўлади.

Жильят қайиғини, туби қояларга урилмасин деб авайлаб, «Одам» қояга тақаб олиб борди-да, иккала лангарини ташлади. Сўнг қўлларини кўксиди чамбар қилиб, ўз-ўзи билан маслаҳатлаша бошлади.

Қайиғига бошпана топди; бу масала ҳал бўлди; аммо яна бир муҳим масала кўндаланг турарди: ўзи қаерда истиқомат қилсайкин?

У мўлжаллаган икки жой бор: бири елканли қайиғидаги кичкинагина каюта, иккинчиси «Одам» қоя чўққисидидаги ясси майдонча, у ёққа осонгина чиқса бўлади. Сув қайтган маҳалда бу капалардан чиқиб, қоялардан қояларга сакраб Дувр қояларининг Дюранда илиниб қолган еригача оёғини ҳўл қилмай бориши мумкин. Аммо сув қайтиши узоққа бормайди, сув кўтарилиши вақтида у ё бошпанасидан, ё Дюрандадан бир одим ҳам силжиёлмай қолади, уларнинг оралиғи эса икки юз саржин келади. Қоялар орасидан сузиб бориш жуда оғир, салгина ҳаяжонланиладиган бўлса, иш тамом. Шунинг учун қайиқда яшашдан ҳам, «Одам» қоя чўққисига маскан қуришдан ҳам воз кечишга тўғри келди.

Дюрандага яқин атрофда ҳам қулайроқ жой йўқ. У ердаги кичик-кичик қоялар кунига икки бор сув кўтарилиши вақтида сув остида қолиб кетадилар. Каттароқ қояларнинг тепасига эса денгиз суви учқунлари муттасил сачраб туради. Бу кимга ёқарди.

Энди унинг бирдан-бир умиди ҳалокатга учраган кемада эди. Аммо у ерда истиқомат қилиб бўлармикин?

Жильят шундан умидвор бўлди.

VII

САИЕҲГА КАПА

Ярим соатдан кейин Жильят Дюрандага қайтиб келди, устки ва қуйи палубаларни айланиб чиқиб, кеманинг тағхонасига тушди, аввал кемани юзакигина кўздан кечирган бўлса, энди ҳар бир нарсага синчиклаб қаради.

У қайиқдаги бўхча-бўхча қилиб тугиб қўйилган озиқ-

овқат ва асбоб-анжомларни чигир ёрдамида палубага тортиб олди. Кеманинг чигири бутун эди. Уни айлантириш учун керак бўладиган дастаклар уюлиб ётарди.

Жильят уюлиб ётган бу бузуқ-синиқ нарсалар орасидан бир искана топиб, уни ўз асбобларига қўшиб қўйди.

Бундан ташқари, чўнтагида буклама пичоқчаси ҳам бор эди, кези келганда бу ҳам бирон кор-қолига яраб қолади.

Жильят кун бўйи Дюрандада ишлади, кемани тозалади, ортиқча нарсаларни улоқтириб ташлади, у ёқ-бу ёғини михлади.

Абжағи чиққан кема шамолда лопиллар, ҳар қадам босганда омон қолган усқуналари лиқилларди. Кеманинг қоялар орасида қисилиб турган қисмигина қимирламай, маҳкам турар, кема механизми ҳам худди шу ерга жойлашган эди.

Кемада истиқомат қилиш телбалик билан баб-баравар эди. Ўзи аранг турган кема қолдиги ортиқча юкни кўтаролмайди; бинобарин, унинг юкини камайтириш лозим. Жильят кечга яқин шундай қарорга келганди.

Кема харобасини ўлим тўшагида ётган бемордек жуда ҳам авайлаб парвариш қилиш керак эди. Қутурган бўроннинг шунчалик хўрлаб, юлиб-юлқигани ҳам етар унга.

Афоуски, Жильят кема харобасида ишлашга мажбур эди. У бажариши шарт бўлган ишлар кемани янада тўзитади, унинг ажалини янада тезлатади.

Булардан ташқари, тунда Жильят уйқуда ётганида бирон фалокат юз бергудай бўлса, у ҳам Дюранда билан бирга жаҳаннамга кетиши, қутулишга улгуролмаслиги аниқ эди. Бошқа бирон жойда истиқомат қилишдан бўлак илож йўқ эди, фақат кемага яқинроқ ерни топиш керак.

Аҳвол тобора оғирлаша борди.

Бу шароитда Жильят ўзига бошпанани қаердан топади?

У ўйга толди.

Дувр қояларининг биронтасидан бошпана излаши керак. Аммо қулайроқ жой топилармикин?

Катта Дувр тепасидаги ясси майдончада бир дўнглик кўзга ташланиб турарди.

Катта Дувр ва «Одам» қоялари қаби тепаси текис

баланд-баланд қоялар ясси чўққили тоғлардир. Бундай тоғлар қуруқликда ҳам, океанда ҳам кўп. Уларнинг баъзиларида, айниқса бепоён денгиз бағридагиларида кесишга мўлжаллаб қўйилган дарахтлардаги сингари белгилар бор. Болта билан чолиб атайлаб белгилаб қўйилганга ўхшайди.

Бундай емирилишларнинг бошиқа, янада жиддийроқ сабаблари бор. Бу қадимий қояларнинг баданида жароҳат кўплиги шундан. Бу баҳайбат қоялардан баъзиларининг боши танасидан жудо бўлган.

Баъзи ҳолларда танадап жудо бўлган бош пастга қуламай, кишини таиғ қолдириб, жароҳатланган қоя чўққисининг бирон ерига илиниб қолган, бунақа ажойиб-ғаройиб манзаралар тез-тез учраб туради. Гернсейдаги Шайтон қоя, Анвейлерс водийсидаги Ошхона қояси бундай ғалати геологик жумбоқнинг ажиб бир намунасидир.

Катта Дуврда ҳам худди ана шундай ҳол юз берган бўлса керак.

Башарти ясси майдончада кўзга ташланиб турган дўнглик қоянинг табиий туртиб чиққан ери бўлмаса, у ҳолда албатта емирилган чўққининг бир бўлаги бўлади.

Ана шу бўлакнинг бирон ўйилган ковак ери йўқмикин?

Биронта ковак бўлса бас — Жильят ундан ортигини орзу ҳам қилмас, хаёлига ҳам келтирмасди.

Майдончага қандай чиқса бўлади? Тип-тикка, яланғоч боладек сип-силлиқ, ярим белигача гўё совунлаб қўйилгандек сирганчиқ йўсинлар билан қопланган бу қоялардан тепага чиқиш ҳам машаққат.

Дюранда палубаси билан ясси майдонча ораси камида ўттиз фут келарди.

Жильят асбоб-уоқуналари солинган яшигидан учига чангак боғланган арқонни олди-да, белига боғлаб, Кичик Дувр ён бағрига тирмаша-тирмаша юқори кўтарила бошлади. У юқорига кўтарилган сари қоя тобора тиккая борди. Кавушини ечиш хаёлига келмабди, кавуш билан юқорига кўтарилиш янада оғир бўлди. У бир амаллаб Кичик Дувр чўққисига чиқиб олди-да, қадини ростлади. У ерда кафтдек ҳам текис жой йўқ, қилт этса пастга қулайди. Симёғоч ўрнатиш учун чиққан кишига бу ер кифоя қилиши мумкин эди, лекин Жильятга бу жой камлик қиларди.

Кичик Дувр, олисдан қараганда, Каттасига таъзим қилаётгандек эгилиб турарди; агар пастда бу икки қоянинг оралиғи йигирма футча бўлса, тепада сажкиз-ўн фут келар, ундан ортиқ эмасди.

Жильятга Кичик Дувр чўққисидан Катта Дувр тепадаги ясси майдонча аниқ кўринди.

Ясси майдонча Жильятнинг бошидан камида уч саржин баландда эди.

Жильят билан шу майдонча орасида тубсиз жарлик бор эди. Таъзим қилиб турган Кичик Дувр этаклари кўринмасди.

Жильят белидаги арқонни ечаркан, оралиқни кўзи билан чамалади-да, чангакни майдончага қараб улоқтирди.

Чангак қояни тирнаб, арқонни пастга тортиб тушиб кетди.

Жильят дўнгликдаги элас-элас кўзга ташланиб турган ёриқ-тирқишни мўлжалга олиб, арқонни янада баландроқ иргитди.

Бу гал чангак эпчиллик билан яхши мўлжал олиб иргитилганди, у алланимага қадалиб қолди.

Жильят арқонни тортди.

Қоянинг қирраси уваланиб, арқон ҳавода биланглади, чангак қоя бағрини қашлаганча яна пастга тушиб кетди.

У арқонни учинчи марта итқитди.

Чангак қаттиқ илиниб қолди.

Жильят арқонни бор кучи билан тортди. Чангак бу гал қояга маҳкам қадалган эди. Унинг қаерга илигани Жильятга кўринмасди.

Ўз ҳаётини ана шу кўзга кўринмас таянчга топширишдан ўзга чора қолмаган эди.

Жильят иккиланмади.

Бунга вақти ҳам йўқ. У энг қисқа йўлни танлаши лозим.

Бошқа падбиру чорани ўйлаш учун Дюрандага қайтиб тушишнинг ҳам шеърли иложи йўқ. Оёғи сал тойиб кетса тамом, пастга қулаши турган гап. Бу ёққа бир чиққан одам омон қайтиб тушолмайди.

Жильят абжир денгизчилардек аниқ ҳаракат қиларди. У ҳеч қачон куч-қувватини зое кетказмасди. У ўз кучини кўзлаган мақсадига мувофиқ сарфларди. Ана шу боисдан, гарчи унинг куч-қуввати бошқа одамлардан

кўп бўлмаса ҳам, баҳодирона мўъжизалар кўрсатарди; унинг билакларидаги мушакларининг ҳар қандай оддий кишиникидан ортиқ ери йўқ эди-ю, аммо юраги бошқача эди. Жисмоний кучи қалб қуввати билан қўшилиб-чатишиб кетган эди.

У жуда хатарли ишга бел боғлаганди.

Арқонга осилиб Катта Дуврга ўта олармикни? Ассний гап ана шунда.

Бурчини адо этиш ёки муҳаббат йўлида қаҳрамонлик кўрсатишга тайёр бўлган одам кўпинча азроилнинг ўзи қўш қўллаб рўпара қилган шунақа мушқулоғу муаммоларга йўлиқади.

«Шундай қилишга ботина оласанми?»— деб шпвирларди ажал қабристон сукунати орасидан.

Жильят чангак маҳкам қадалганини текшириб кўриш учун арқонни яна тортиб кўрди; чангак мустаҳкам қадалган эди.

Жильят дастрўмолини чап қўлига ўради, кейин ўнг қўли билан арқонни ушлаб, чап қўлини маҳкам мушти устига қўйди-да, арқон буралиб кетмасин деб чап оёғини олға чўзиб, ўнг оёғини қояга тираб туриб, Кичик Дувр чўққисидан Катта Дуврга сакради.

Жильят ҳар қанча эҳтиёт бўлмасин, барибир арқон буралиб кетиб, елкаси билан қояга бориб урилди-ю, яна орқага кетди. Муштлиари ҳам тошга урилди. Ураб олган дастрўмоли сирғалиб тушиб кетиб, қўллари шилинди, қонга беланди — яхшиямки синмади.

У кўзи тиниб, бир нафас қимир этмай осилиб турди, ақл-ҳушини йиғиб, арқонни маҳкам ушлади.

Жильят лапанглаб, уриниб-суриниб оёқлари билан арқонни қисиб олгунича орадан бир оз вақт ўтди, охири у бунга муваффақ бўлди.

Ниҳоят у ўзини бутунлай ўнглаб олди-да, оёқлари билан ҳам арқонни маҳкам қисиб, пастга қаради.

Арқоннинг узун-калталигидан хавотирланадиган жойин йўқ: илгарилари бу арқондан озмунча осилиб тушмаган, бундан ҳам баландроқлардан тушган. Ҳозир арқон Дюранда палубасига тегиб турибди.

Кемага тушиш мумкинлигига ишонч ҳосил қилгач, Жильят тепага осилиб чиқа бошлади.

Бир неча дақиқа уриниб у майдончага чиқиб олди.

Бу ерга ҳеч кимнинг пойқадами тегмаган, қушларгина учиб кела оларди. Ҳамма ёқда қушларнинг ахлати.

Майдонча нотўғри трапецияга ўхшарди — Катта Дувр деб аталган баҳайбат тош призманинг ўткир учи ана шу еридан синиб кетганди. Майдончанинг қоқ ўртаси ҳовузча бўлиб қолган, бу ёмғирнинг иши.

Жильятнинг тахмини тўғри бўлиб чиқди. Майдончанинг жанубий бурчида тошлар уюлиб ётибди — эҳтимол бу емирилган чўққиннинг қолдиқларидир. Мабодо бирор йиртқич бу майдончага чиқиб қолгудай бўлса, чағиртошлар орасида уясидагидек бемалол ётаверадди. Бу тошлар қалашиб ётибди; уларнинг орасида очилиб қолган жойлар қорайиб турибди. Бу ерда на бирон панароқ гор, на каттароқ ковак топилади, ҳамма ёқ илма-тешик, торс-торс ёрилган... Ана шу ёриқлардан бири Жильятга бошпана бўлиши мумкин эди.

Ковакнинг ҳамма ёғи майса ва мох билан қопланганди. Баландлиги кираверишда икки футча келар, ичкари кирган сари торайиб борарди. Худди тош тобутдек. Бу ётоқхонани ташкил этган баҳайбат тошлар жануби-ғарбдан бўрон аралаш урадиган жалалардан пана қилиб турарди-ю, шимолдан эсадиган шамолга очиқ эди.

Хуллас, Жильят излаганини топганди.

Унинг олдида кўндаланг турган икки муҳим масала ҳал бўлди: ўзига бошпана, қайиғига маскан топилди.

Бу ерга Дюранда ҳам яқин, шу сабабли бу бошпана ҳар жиҳатдан ҳам қулай жой эди.

Икки улкан тош орасига тушган чангак мустаҳкам қадалиб турарди. Жильят устига тош бостириб, уни янада мустаҳкамлаб қўйди. Фурсатни қўлдан бермай, энди Дюрандага тушса ҳам бўлади.

У энди ўз уйида.

Катта Дувр унга қапа, Дюранда эса устахона бўлади.

Кемага тушиб-чиқиш Жильят учун осон иш.

У арқонга осилиб шигиллаб Дюрандага тушди.

Ҳаво жуда ажойиб, ишнинг бошланиши ўнгидан келган, Жильят бундан мамнун эди; фақат қорни очиққанди.

Озиқ-овқат солинган тўрвасининг оғзини ечди, булма пичоғини очиб, дудланган мол гўштидан бир парчасини қирқди, бир бурда нонга қўшиб иштаҳа билан еди, утидан кўзадаги чучук сувдан бир қултум ичди.

Киши роса тер тўкиб ишлаб, тўйиб овқатланса, бундан ортиқроқ роҳат бўлмас.

Жильят овқатланиб бўлганда ҳали кун ёруғ эди. У бундан фойдаланиб, кемани бўшатишга киришди, бирор дақиқа бўлса ҳам вақтни бекор кетказиш, ишни кетга суриш мумкин эмасди.

Жильят қош қорайгунга қадар уюлиб ётган нарсаларни саралади. У ёғоч, тахта, темир-терсаж, елкан парчалари ва бошқа бирон нимага ярайдиган буюмларни бир чеккага ажратди, кейин кеманинг омон қолган қисмларини машина бўлимига ташиди, қолган жамики нокерак нарсаларни денгизга улоқтирди.

Чигир билан қайиқдан кемага чиқарилган буюмлар, гарчи орасида ҳеч ортиқчаси бўлмаса-да, палубада уюлиб ётарди. Уларни бирон ерга жойлаш керак эди. Жильят Кичик Дувр қоясининг ён бағридаги қўл узатса етгудек баландликдаги токчага ўшшаган бир жойни кўриб қолди. Қояларнинг ён бағрида бундай жовонлар кўплаб учраб туради-ю, аммо уларда эшик бўлмайди. Жильят, нарсаларининг бу ерга бемалол қўйсам бўлади, деган қарорга келди. У асбоб-ускуналари ва кийим-боши солинган икки яшик билан сўли уни ва қоқ нон солинган икки қопни токчанинг ичкарироғига жойлади-да, озиқ-овқат солинган тўрвасини токчанинг олдироғига қўйди; у токчанинг шундайгина оғзида турарди, чунки ичи банд бўлиб қолганди.

У, ҳар эҳтимолга қарши, кийим-боши солинган яшикдан пўстақ, қалпоқли плашини ҳамда ёғланган қўнжларини олди.

Шамолда лопилламасин деб арқоннинг учини Дюранда палубасининг тўсинларидан бирига маҳкам боғлаб қўйди.

Дюранданинг икки биқини қояларга тиралиб турганидан арқон боғлашга қулай эди.

Энди арқоннинг юқори қисмини нима қилиш керак? Пастки қисмини-ку, таранг қилиб боғлади, аммо юқориси қоянинг қирра ерига тегиб турар, у қиррага ишқала-навериб секин-аста қирқилиб кетиши мумкин.

Жильят керак бўлиб қолар деб ажратиб қўйган ўз буюмларини титкилаб, елкан парчаларини танлаб олди, бир бўлак эски арқон топиб, ундан узун-узун тизимча суғуриб олди-да, чўнтакларига солди.

Буни кўрган ҳар қандай уста денгизчи унинг фалокатнинг олдини олиш учун арқоннинг қоя қиррасига тегиб турган жойини ана шу елкан парчалари ва тизимча-

лар билан ўраб-чирмамоқчи эканини фаҳмлаган бўларди.

Керакли эски-тускиларни чўнтагига солгач, оёгига ёнланган кўнжларни кийди, плашини камзули устига ташлаб, шапкаси устидан қалпоғини кийди-да, пўстакни бўйнига ўради; кейин Катта Дуврга маҳкамланган арқонга осилиб, бепосн денгиз бағрида қад кериб турган бу баҳайбат минорага қарши ҳужум бошлади.

У қўллари шиллиниб кетганига қарамай, қоя тепасидаги ясси майдончага эпчиллик билан бир зумда чиқиб олди.

Шафақнинг сўнги шуълалари сўниб, денгиз устига оқшом чўкмоқда. Дувр қояларининг чўққиқларигина сал-пал ёришиб турарди.

Жильят сўниб бораётган ёруғликнинг сўнги қатраларидан фойдаланиб, арқоннинг қиррага тегиб турган ерини ўраб-чирмади. У арқонни елкан парчалари билан бир неча қават ўради, ҳар бир қаватини тизимча билан маҳкам боғлади. Арқон трагедиянинг бешинчи пардасида бўладиган ўлим олди қийноқ ва илтижоларига тайёргарлик кўриб, оёгига латта ўраётган актрисанинг тиззаларига ўхшаб қолди.

Бу ишни битиргунича чўккалаб ўтирган Жильят энди қаддини ростлади.

У елкан парчаларини арқон билан ўраб-чирмаркан, ҳавода кишининг гашига тегадиган ғалати овоз эшитди.

Баҳайбат бир кўршапалак қанот қоқиб оқшомги сукунатни бузаётганга ўхшарди.

Жильят кўкка тикилди.

Тепасида, тиниқ, тубсиз осмон гумбази остида қорамтир улкан бир ҳалқа чарх уриб доира ясарди.

Қадимий рассомлар яратган азиз-авлиёларнинг расмларида ана шундай ҳалқаларни кўрасиз. Лекин у расмларда бу ҳалқалар қоронғиликда ёндуланиб туради; бу ерда эса аксинча, тиниқ осмонда қорайиб кўринарди. Жуда ажиб бир манзара. Тун Катта Дуврга гулчамбар кийдираётганга ўхшарди.

Бу қорамтир ҳалқа дам Жильятга яқинлашар, дам ундан олислаб кетарди; у гоҳ тораяр, гоҳ кенгаярди.

Бу безовталаниб, талвасага тушиб қолган чайкалар, балиқчи қушлар, қорабузов ва ҳар турли денгиз қушлари ғалалари эди. Ҳақиқатда Катта Дувр уларнинг қароргоҳи, улар бу ерга тунагани учиб келгандилар.

Жильят эса уларнинг қўнаргаларини эгаллаган, паррандаларни ташвишга солиб, безовта қилиб қўйган эди.

Улар бу ерда ҳеч қачон инсон қорасини кўрмаган эдилар.

Паррандалар хийла вақтгача нима қилишларини билмай, чарх уриб айланиб турдилар.

Афтидан улар Жильятнинг бу ердан кетишини кутаётганга ўхшардилар.

Жильят эса хаёлга чўмиб, узоқ вақт уларга раҳми келиб кузатиб турди.

Ниҳоят чарх уриб турган паррандалар ҳалқаси узлиб, қушлар қатор тизилдилар-да, гуриллашиб тизма қояларнинг нариги учига — «Одам» қояга бориб қўна бошладилар.

Паррандалар у ерда мажлис қуриб, алланарсаларни муҳокама қилишди. Жильят эса ўзининг тош жапасига кириб чўзилди, бошига ёстиқ ўрнига катта бир тош қўйиб, чулдирашаётган қанотли нотиқларнинг товушига алламаҳалгача қулоқ солиб ётди.

Паррандалар чуғури тинди, ҳамма: қушлар — ўз қояларида, Жильят ҳам ўз қоясида уйқуга кетди.

VIII

ПАРРАИДАЛАРНИНГ БАҒРИ ТОШЛИГИ

Жильят яхши ухлади. Рост, совқотиб бир печа бор уйғониб кетди. У оёғини ичкарига узатиб, бошини ташқарига чиқариб ётган эди, ҳаттоки остидаги кураги ва биқинига ботиб, тинч ором олишига ҳалал бераётган тошларни ҳам териб ташламади. Дам-бадам кўзини очиб-очиб қўярди.

Ора-сира жуда олислардан қулоғига босиқ гумбурлаган овозлар чалинарди. Сув кўтарилишидан дарак бериб, замбарак каби гумбурлаб, Дувр қоялари орасидаги дара ва ёрларга отилиб кираётган баҳайбат тўлқинлар эди бу.

Жильят тушдаги каби ғайри-табiiй бир ғалати олам қуршовида эди; хаёлий муҳит қучоғида эди у. Тунда унинг атрофидаги нарсалар хаёлий нарсаларга ўхшар, у ажойибот-ғаройиботлар юртига бориб қолгандай сезарди ўзини. У: «Бу ажойиботларни тушимда кўраяпман», — деб ўйларди ўзича.

У яна уйқуга кетарди-ю, бирдан «Чеккадаги уй»га, «Довюрраклар қароргоҳи»га бориб қолар, гоҳ ўзини Сен-

Сансонда кўрарди; тўсатдан Дерюшетганинг қўшиғини эшитаётгандай, орзулари рўёбга чиққандай бўларди. Тушида у уйғоққа, ўнгида эса ухлаб ётганга ўхшарди.

Ҳақиқатан ҳам унинг ҳозирги ҳаёти тушдагидек эди.

Ярим кечаси кўкда алланарса гувиллай бошлади. Бу товуш Жильятнинг қулоғига уйқу аралаш чалинди. Шамол бўлса керак.

Бир оздан кейин у совқотганидан уйғониб кетиб, кўзларини катта-катта очди. Қоқ тепасида баҳайбат булутлар, кўкда баркашдек ой булутлараро салобат билан сузар, порлаб турган улкан бир юлдуз эса унга эргашиб борарди.

Жильятнинг мияси алағ-чалағ тушлардан говлаб кетганди, бу тунги сеҳрли манзара уни ўзининг сирли чодирини билан чулғаб олган эди.

Тонготарда у жуда совқотган бўлса-да, қотиб ухларди.

Бирдан юзига қуёшнинг илк нурлари тушиб, даҳшатли тушини бўлиб юборди. Жильятнинг ётоқхонаси кунчиқарга қараган эди. У ҳомуза тортиб, керишди-да, ётоғидан ташқари чиқди.

Уйқусираб, қаерда нима қилиб юрганини бир зум англамай турди.

Уйқуси тарқалгач: «Тезроқ нонушта қилиш керак!»— деб қўйди.

Ҳаво сокин, осмон мусаффо эди, тунги шамол кўк юзини ювиб-сидириб, булутларни қувиб юборган, салобат билан қуёш чиқиб келаётганди. Иккинчи ажойиб кун бошланган, Жильят ўзини жуда тетик ҳис қиларди.

Плаши билан оёғидаги қўнжларини ечди, уларни жунини ичига қилиб пўстакка ўради-да, ип билан боғлаб, ёмғир ёғиб қолса ивимасин деб эҳтиётдан ётоғининг ичкарироғига суриб қўйди.

Кейин тўшагини тузатди, тўғрироғи унинг «тўшак тузатиши» остидаги тошларни териб, улоқтиришдан иборат бўлди.

Ётоғини саришталаб бўлгач, арқонга осилиб Дюрандининг палубасига тушди, тез-тез юриб, кеча озик-овқат солинган саватини қўйган токча ёнига борди.

У ерда сават йўқ эди. Уни токча оғзига қўйган эди, тунги шамол учириб, денгизга тушириб юборгандир.

Ҳамлага тайёрланаётган фалокатларнинг дастлабки оғоҳлантириши эди бу.

Модомики шамол шу ердаги саватни излаб топибди-ми, бас, ҳақиқатан ҳам қаҳрланиб, газаб отига қамчи босган.

Бу Жильятга қарши кураш бошланганининг аломати эди, Жильят табний фалокатлар қарши ҳужумга ўтиб, ўт очганини тушунди.

Жильятнинг бисотида қоқ нон, сули унию кемаси ҳалокатга учраб, «Одам» қояда очидан ўлган киши каби чиганоқлар териб ейишга бўлган умиддан ўзга ҳеч вақохи қолмаган эди.

Балиқ овлашни хаёлига келтирмаса ҳам бўлади: балиқлар тўлқинларнинг чайқатишини ёқтирмайдилар, қоялардан нари қочадилар; сават қўйиш ёки энг пишиқ тўрларни ташлаш ҳам бефойда, чунки тўлқинда қояларга урилиб барибир тилка-пора бўлади.

Жильят бир неча денгиз шиллиғи билан нонушта қилди; қояга маҳкам ёпишган бу шиллиқларни кўчириб оламан деб пичоғини синдириб қўяёзди.

У ана шу жиндаккина овқатини танаввул қиларкан, денгиз томондан келаётган ғалати бир говурни эшитиб, ўша томонга ўгирилиб қаради.

Гала-гала чайка, балиқчи қушлар ва ҳар турли паррандалар гувиллаб бориб бир кичикроқ қояга қўнди; паррандалар қанотларини патирлатар, бир-бирини чўқи-лар, чуғурлашар, бир ерга гуж бўлиб алланарсани юлқишар, талон-торож қилишарди.

Бу талон-торож қилинаётган нарса Жильятнинг савати эди.

Шамол саватни учириб бориб бир тошга урган, сават тилка-пора бўлган эди. Ҳар томондан бу ерга паррандалар учиб келар, титилиб кетган бурда-бурда сур гўшт ва қоқланган балиқларни чўқиб олиб кетишарди. Жильят олисдан ҳаммасини кузатиб турди.

Энди Жильятга қарши паррандалар ҳам уруш очган эди. Жильят уларнинг қароргоҳини эгаллаб олган бўлса, қушлар бу қасосли дунёда унинг овқатини талон-торож қилардилар.

IX

ҚОЯЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

Кўз очиб-юмгунча бир ҳафта ўтиб кетди.

Ҳозир ёғингарчилик палласи бўлишига қарамай, негадир ёмғир ёғмасди; бундан Жильят хурсанд эди.

Сиртдан қараганда у бошлаган иш инсоннинг қўлидан келмайдиган, унинг куч-қудрати етмайдиган бир иш бўлиб кўринади. Муваффақиятга эришиш шунчалик дарғумон эдики, бунга урнишнинг ўзи телбаликка ўхшарди.

Бирор ишга киришадиган бўлсанг, унинг хатарли томонлари очила боради, қанчадан-қанча тўсиқларга йўлиқсан. Қўл урдингми, бу ишни охирига етказиш осон эмаслигига ишонсан. Ҳар қандай юмушга қўл урилганда дастлаб оғир бўлиб кўринади. Биз учрайдиган қийинчилик-тўсиқлар тиканли наъматакка ўхшайди.

Жильят дастлабки онларданоқ ана шундай тўсиқларга йўлиққан эди.

Ҳалокатга учраган Дюранданинг омон қолган машинаси қутқазилганга, уни ана шундай ёғингарчилик фаслдан, ана шундай хавфли жойдан зарар етказмай бутун олиб кетишга уриниб кўриш учун бутун бошли армия бўлиши керак. Жильят эса ёлғиз; бу ишни бажариш учун дурадгорлик ҳамда чилангарликда ишлатиладиган асбоб-ускуналар беками-кўст бўлиши керак, аммо Жильятнинг бисотида фақат арра, болта, исканаю тўқмоқдан бошқа нарса йўқ; бунинг учун қулай устахона ва тузукроқ бошпана бўлиши лозим, Жильятда эса ҳатто соябон ҳам йўқ; бунинг учун анча-мунча егулик овқат бўлиши керак, Жильятнинг бўлса ейишга қотган нони ҳам йўқ эди.

Башарти Жильятнинг дастлабки ҳафта ичи қояларда қилаётган ишига бирон кимсанинг кўзи тушиб қолгудай бўлса, унинг нима қилаётганини фаҳмлаёлмасди ҳам. Дюранда ҳам, Дувр қоялари ҳам Жильятнинг хаёлидан бутунлай кўтарилиб кетганга ўхшарди. Унинг фикри-хаёли қоя атрофидаги соғ қолган нарсаларда эди; гўё омон қолган буюмлар жинниси бўлиб қолганди у. Сув қайтганда у қоялардан-қояларга ўтиб кема ҳалокатга учрагандан буён тўлқинлар қояларга улоқтирган нарсаларни: елкан қолдиқларини, трос бўлақларини, темир-терсақ, тахта, хода, занжир ва ҳоказоларни йиғарди.

У қоялардаги ҳар бир ковакни, ёриқни, чуқурларни синчиклаб кўздан кечирарди. Афеуски улардан биронтаси бошпанага ярамасди, Катта Дувр чўққисидagi тош ётоқхонасида тун бўйи совуқдан жунжикиб чиқар, тузукроқ ётоқ топишни жону дилидан истарди.

Ана шунақа коваклардан ижкитасининг ичи анчагина

кенг бўлиб, ичкари кириб тикка туриш, ости ўйдим-чуқур, бир томонга нишаб бўлса-да, бемалол юриш мумкин эди. Сув энг баланд кўтарилганида ҳам тўлқинлар у ерга етиб боролмасди-ю, лекин чор атрофидан шамол ва ёмғир бемалол уриб турарди. Бу ковакларнинг ижкиси ҳам Кичик Дуврга жуда яқин ерда бўлиб, уларга истаган маҳалда чиқса бўларди. Жильят уларнинг бирини омборхона, иккинчисини устахона қилишга аҳд қилди.

У қўлига тушган елканни мақтага боғлайдиган ичгичка трос бўлаklarини йиғиб, тўплаган нарсаларини: темир-тероак, тахта, ёғочларни боғ-боғ қилиб, елкан лахтаklarини той-той қилиб боғлади. Кейин уларни сув кўтарилганида денгизга оқизиб кетмасин деб қоядан-қояга ўтиб омборхонага ташиди. Қоянинг бир еридаги чуқурдан стень-винтrep топиб, у билан сувда қалқиб юрган катта ходаларни тортиб олди. У сув ости қояларида сочилиб ётган занжир парчаларини ҳам тортиб чиқарди.

Жильят бу мушкул ишларни зўр сабот ва матонат билан бажарарди. У нимага қўл урса, нимани қилмоқчи бўлса, ҳаммасини бажаришга муваффақ бўларди. Ахир, тиришқоқ чумолиларга ҳар қандай оғир иш ҳам дош беролмайди-да!

Жильят шамол узиб-юлқиб, чор атрофга улоқтириб ташлаган нарсаларни бир ҳафта мобайнида ўз омборхонасига ташиди, уларни бир тартибга солиб, саранжомлаб қўйди.

У ҳар бир нарсани бир-бировига аралаштирмай, кеманинг эҳтиёт қисмларини тартиб билан териб қўйгандай, алоҳида-алоҳида ерга қўйди. Кема ҳалокатидан далолат берувчи ашёларни тўплаб, рўйхатдан ўтказиб, ҳар бирига ёрлик ёпиштириб қўйилганга ўхшарди. Бу ерга кирган киши оламда бор нарсалар сақланадиган омборхонага кириб қолгандай бўларди.

Бу ердаги буюмлар ёмғирда қолмасин деб омборхона устига илма-тешик бўлиб кетган уч бурчак елканни ёпиб, учларига тош бостириб қўйилган эди.

Дюрэнданинг тумшуқ томони жуда хароб бўлиб қолганига қарамай, Жильят уч чиғирли ҳар ижкала лангар кўтаргични ажратиб олди.

У кема тумшуғига ўрнатиладиган мақтани қидириб топди-да, унга ўралган тросни ечиб олишга роса уринди;

бу трослар чиғир ёрдами билан, бунинг устига қуруқ ҳа-
вода маҳкам қилиб ўраб-чирмаб ташланган эди. Жиль-
ят уни бир амаллаб ечди, бу ёғланмаган йўғон трос унга
жуда асқотиши мумкин.

У сув ости қоялари ёриғига кириб қолган кичик лан-
гарни ҳам тортиб олди, унга сув қайтгандан кейин кўзи
тушиб қолган эди.

Тангрўйлнинг остин-устун бўлиб ётган каютасидан
бир бўлак бўр топиб олди, бирон нарсага белги қўйиш
учун керак бўлар, деб уни ҳам эҳтиётлаб бекитиб қўйди.

Каютада ёнгина қарши ишлатиладиган қовға ва бир
нечта деярли бутун ёғоч пақирлар бор экан, булар ҳам
бирон жор-қолга яраб қолар.

Дюрандадаги қолган-қутган тошқўмирни ҳам омбор-
хонасига ташиди.

Бир ҳафта давомида сочилиб ётган нарсалар йиғиш-
тириб олиниб, қоялар тозаланди. Дюранда ҳам анча ен-
гиллашди. Кема харобасида унинг машинасигина қол-
ганди.

Кема тумшугининг омон қолган бир бўлак ёндорн
пароход асосига унча оғирлик қилмайди энди. У қоянинг
дўнг бир ерига тиралиб, осилиб турарди. У катта ва
оғир бўлганидан бу ёққа олиб келиши жуда мушкул
эди, бир амаллаб келтирилганида ҳам бутун омборхона-
ни эгалларди. У худди улкан солдай келарди. Жильят
уни ўрнидан ҳам қўзғатмади.

Жильят қанчалик иш билан банд бўлмасин, қалбида
яшириниб ётган сирли орзусини ёддан чиқармади: у
Дюранда тумшугидаги «қўғирчоқни» диққат билан, син-
чиклаб изларди. Тўлқинлар кўп нарсаларни, шулар қа-
тори «қўғирчоқни» ҳам жаҳаннамга олиб кетганди,
Жильят бу «қўғирчоқ» топилса, ҳатто икки қўлини
(улар ҳозир бунчалик зарур бўлмаганда) шартта кесиб
беришга ҳам рози эди.

Омборхонага жираверишда икки чош нарса: ёқиш
учун бир тўп ўтин, қайта тоблаш учун бир тўп темир-
терсак уюлиб ётарди.

Кун ёришар-ёришмас Жильят ҳаракатга тушарди. У,
тунда ухлаб дам олишини ҳисобга олмаганда, бир дақи-
қа ҳам тинмасди.

Қорабузовлар унинг қилаётган ишини томоша қила-
ётгандай тепасида чарх уриб айланишарди.

УСТАХОНА

Жильят омборхона ишларини битказиб, темирчилик устахонасини жиҳозлашга киришиб кетди.

Жильят танлаган иккинчи ковак чуқур, анча ичкарига кириб борадиган камбар йўлакка ўхшарди. Бу ерга ўзи жойлашмоқчи бўлди, лекин йўлакка тинмай шимол-шарқий томондан эсаётган кучли шамол бемалол уриб турарди. Шунинг учун ҳам Жильят бу фикридан қайтди. Бу ер худди кучли ҳаво оқими уфуриб турган темирчилик босқонини эслатарди. Буни кўрган Жильят шу ерда темирчилик устахонаси барпо қилмоқчи бўлди. Модомики, бу ғор бошпаналикка ярамас экан, устахона хизматини ўтасин-да. Йўлида учраган бундай тўсиқни бўйсундириш, ундан ўз мақсади йўлида фойдаланиш ғалаба сари қўйилган муҳим бир одимдир. Шамол Жильятнинг ашаддий душмани эди, у бўлса шамолни ўз шогирди, хизматкорига айлантиришга қарор қилди.

«Усти ялтироқ, ичи қалтироқ» деган мақол худди қоялар орасидаги ана шундай ғорларга мослаб айтилгандай. Сиртдан қараганда улардан ҳар қандай мақсадда фойдаланса бўладигандай кўринади-ю, амалда эса ҳеч нарсага ярамайдилар. Манави ҳовузчага ўхшаган жойни олайлик, у жуда ажойиб ванна бўлиши мумкин-у, аммо унинг тубидаги ёриқдан сув оқиб кетади; манави ер ҳар қандай хонадан қолишмайди, бироқ унинг усти очиқ, манави курсига ўхшайди-ю, лекин у совуқ тош, манави майса тўшалган ерни партўшак деса ҳам бўлади-ю, бироқ жиққа ҳўл.

Жильят жиҳозламоқчи бўлган бу темирчилик устахонасини она табиатнинг ўзи чала-чулпа бошлаб қўйгандек эди; аммо бу фикрни ниҳоясига етказиш, ғорни устахонага айлантириш жуда машаққатли, жуда мушкул иш эди. Ғорнинг тораёнб борган ичкари томонидаги ёриққа бориб туташган уч-тўртта воронкасимон ботиқ ер қўшилиб-улашиб улкан бир босқон бунёдга келган, у узунлиги ўн тўрт фут келадиган, ҳар уфурганида тўқсон саккиз куб дюйма ҳаво берадиган қадимий темирчилик босқонидан ҳам кучлироқ кўринади, бу босқон ўзгача, чунки довул-бўронларнинг куч-қудратини ўлчаб бўлмайди-ку.

Ҳамма гап ана шу беҳисоб, битмас-туганмас қувватда-да, бундай кучни эплаб бошқариб бўлармиди?

Горнинг икки камчилиги бор эди, икки томони очик, муттасил ғўриллаб шамол уриб турар, ёнларидан сув сизиб оқарди.

Бу денгиз тўлқинлари эмас, чашма эди.

Қутуриб ўзини ҳар томонга ураётган тўлқинлар қояларга ҳамла қилиб, юз футлаб баландликка отилар, бу гордан юқорироқдаги қоялар орасидаги ҳовузчаларга секин-аста денгиз суви тўлиб қоларди. Бу ҳовузчалар тўлиб-тошиб, тик ён бағирларда кенглиги бир дюймча келадиган, тўрт-беш саржин баландликдан шовиллаб тушадиган шалолачалар ҳосил бўларди. Бу сувларга ёмғир ҳам ўз ҳисасини қўшар, вақти-вақти билан лиқ-лиқ тўлиб турган ҳовузчалар устидан салобат билан сузиб ўтадиган булутлар силкиниши билан жала қуйиб берарди. Ҳовузчалардаги сув шўр, ичишга ярамас, эумраддек тиниқ бўларди. Шалолачалардан юмалаб, йўсинлардан томиб тушаётган сув гўё соч толаларидан томчилаб турганга ўхшарди.

Жильят ана шу сув ёрдами билан шамолни жиловламоқчи бўлди. У енгил-елпи рандаланган тахталардан тезда икки-учта нов ясаб, шамол урадиган ерга ўрнатдида, пастга кенг бочка қўйди. Юқоридан сизиб тушган сув новларда йиғилиб, ундан гор оғзини тўсиб қиялаб қўйилган иккинчи новга, ундан эса бочкага парда каби оқиб ўтарди. Ана шундай қилиб, гор оғзининг пастки бир бурчаги бўш қолиб, бу ердан шамол сиқилиб кирарди. Жильят шу тарзда босқон ҳозирлади — унинг темирчилик, механиклик ишлари билан шуғулланиб юргани шу ерда иш берди. Гарчи унинг бу иншооти ҳозирги гидравлик вентиляторларнинг ўрнини босолмаса-да, ҳар ҳолда, қадимий пиренейликларнинг дам берадиган асбобларидан тузукроқ эди.

Жильятнинг жавдар уни бор эди, у ана шу уни ҳамир қилиб, сирач тайёрлади; ёғланмаган қоқ арқонни чувиб, ингичка-ингичка толаларини суғуриб олди, кейин ана шу ҳамир, ингичка тола ва парча-пурча тахта бўлаклари билан гордаги ёриқ-тешикларни фақат биттасинигина қолдириб, бошқаларининг ҳаммасини бекитиб ташлади, Дюрандадан топиб олган сигнал бериладиган асбоб найчасининг бир бўлагини улаб, бояги очик қолган тешикни узайтирди. Бу найча Жильят темирчилик кўраси қилиб танлаган ясси тошга бориб тақаларди. Найни зарур бўлиб қолса, майда-майда қилиб кесиб қўйил-

ган арқон бұлақлари билан бемалол бекитиб қўйиши мумкин.

Кейин Жильят кўрага пайраха ва кўмир қалади, чақмоқ пўлатни қояга уриб учқун чиқариб, қўлидаги латтани тутатди-да, ўт ёқиб юборди.

Жильят босқонни текшириб кўрди, у жуда яхши ишларди.

У ҳаво, сув ва оловнинг ҳукмдори бўлган бир кўзли паҳлавонни — қайсар шамолни жиловлаб олган эди.

Ҳаво ҳукмдори шамолни мулойим қилиб қўйди, қоялар орасидаги темирчилик устахонасида босқон хизматини ўташга мажбур қилди. Сув ҳукмдори кичик-кичик шалолачаларни ҳаво уфуриб берадиган машинага айлантирди, ўт ҳукмдори эса сувга бўжиб ётган чақмоқ тошдан учган учқунни алангага айлантириб берди.

Форнинг тепаси деярли очиқ эди, тепага ўрлаётган тутун қоянинг туртиб чиққан дўнг жўйига урилиб, ҳамма ёқни қорақурум бостириб, бемалол ташқари чиқиб кетарди. Абадил-абадга тўлқин ҳамлаларига маҳкум этилган қоялар энди қорақурум қамалида қолдилар.

Жильят катталиги ва шакли қулай бир улкан чағиртошни ўзига сандон қилиб олди. Аммо бундай сандонга болға уриш хавотирли эди, чунки у майдаланиб кетиши мумкин эди. Тошнинг учи ўткир, юмалоқ, ёнига туртиб чиққан жойи сандоннинг конуссимон қисми хизматини ўташи мумкин эди-ю, пирамидасимон ўткир учли қирраси йўқ эди. Бу ибтидоий одамларнинг тош сандонига ўхшарди. Сандоннинг усти сув ювавериб сип-силлиқ, пўлатга ўхшаб мустаҳкам бўлиб қолганди.

Жильят сандон олиб келмаганига жуда ачинди. Дюрандани довул икки бўлиб ташлаганидан беҳабар эди-да. У дурадгорлик асбобларига, одатда кеманинг тумшугидаги тағхонада сақланидиган асбоб-ускуналарга ишонганди. Аммо келиб қараса, кеманинг худди ана шу тумшук томонини океан ютган экан.

Жильят қоялар ён бағридан топган иккала ковак ҳам бир-бирига жуда яқин эди.

Жильят кечқурунлари, ишини тугатгач, қоқ нонни сувга ботириб ер, денгиз кирписи ёки денгиз ёнбоғи билан овқатланарди. Бу қоялар орасида егулик бошқа ҳеч нарса йўқ эди. Кейин тунагани арқон нарвонига осилиб Катта Дувр чўққисидаги тош ётоғига кўтариларди.

Жильятнинг юраги аллақандай ёлғизлик ҳисси билан

қисила бошлади, у тушиб қолган муҳит ва машаққатли меҳнат бу ҳисни тобора зўрайтирарди. Ҳаддан ташқари оғир шароит кишини гангитиб қўяди. Ҳар куни эртадан-кечгача тинмай тер тўжиб, меҳнат қилаётганига қарамай, бу ерга қандай келиб қолганига, бундай мушкул ишга қўл урганига Жильятнинг ўзи ҳам ишонмасди. Киши чарчаганидан кейин, унинг танасини ер тортиб кетаётгандай туюлади; аммо ишлаётган устахонасининг антиқалиги Жильятни ўзига жалб этар, у аллақандай хаёлий ажойиб-ғаройиботлар оламига келиб қолгандай сезарди ўзини. Баъзан у булутларни болғалаётгандек бўлар, гоҳида эса қўлидаги асбоблар кўзига қурол бўлиб кўринарди. У гоҳ кўзга кўринмайдиган душманнинг ҳамласини қайтараётгандек, гоҳ ана шу ҳамланинг олдини олаётгандек бўларди. У арқон эшиб, елкан лахтагини пишитиб тизимча қиларкан, тахта ёки бирон ёғочга тирговуч қўйиб маҳкамларкан — худди жанговар қурол ясаётганга ўхшарди. Кема қолдиғини қутқариб қолиш йўлида қилаётган минглаб майда-чуйда ишлари илгаритдан ўйлаб қўйилган, очиқдан-очиқ кўриниб турган ҳужумнинг олдини олиб кўрилатган эҳтиёт чораларидек бўлиб туюларди. Жильят ўз фикр-туйғуларини сўз билан ифода этолмасди-ю, лекин буларни биларди, фаҳмларди. У назарида баъзангина ишчига ўхшаб кўринар, кўпинча ўзини жангчи ҳис қиларди.

У ваҳший ҳайвонларни қўлга ўргатувчига ўхшаб кетар ва буни ўзи ҳам фаҳмларди — унинг тушунчаси кутилмаганда шунчалик ўсган эди.

Қай томонга қарамасин, битмас-туганмас беҳуда ишлар кўндаланг бўлиб ётарди. Инсон қудратли кучлар бажарган чеки-чегараси йўқ, ақл бовар қилмайдиган ишларни кўриб гангиб қолади. У бу ишларнинг нима мақсадда қилинганини англашга интилади. Фазодаги абадий ҳаракат, тиниб-тинчимас тўлқинлар, аллақаяқларга ошиқиб бораётган булутлар, ақл етмайдиган шиддатли бўронлар — ҳамма табиий талвасалар бир жумбоқ. Нима учун океан ва денгизлар муттасил чайқалиб туради? Бўронлар қаердан бунёдга келади? Денгиз соҳилларига шиддат билан урилиб турган, уст-устига мингашиб, ўкириб, кўпикланаётган бу тўлқинлар қайдан пайдо бўлади? Бунақа шов-шув, тўс-тўполоннинг кимга кераги бор? Бундай саволлар денгиздаги сув кўтарилиши ва қайтиши каби сон-саноксиз. Жильят нима қилаётганини

биларди; аммо атрофидаги мавжудот, бепоен бўшлиқ ўзининг ана шу сирли жумбоқлари билан уни ҳаяжонлантирар, кўнглига қутқу соларди. Табиатнинг сеҳрли тузоғига илиниб қолган Жильят беихтиёр хаёлот денгизга фарқ бўларди: ўзи ҳам истамагани ҳолда қандайдир бир такаббурлик билан тасаввурида ўзи қилган ишни денгизнинг ажойиб, бироқ беҳуда ишларига чоғиштирарди. Шундай даҳшатли меҳнатсевар тўлқинлар кўз олдинда гувиллаб турса-ю, унинг сирларини билиб олишга уринмай, унга ошна бўлишга ҳаракат қилмай бўларканми? Бу тўлқинларнинг чайқалиб туриши, кўпириб, қайнаб-тошиб омонга отилиши ҳақида, қояларнинг аста-секин емирила бориши, ўкириб тўрт томондан уриб турган шамоллар ҳақида ақл етганча фикр юритмай бўларканми? Ана шу абадий ишлари, бу тубсиз бочка — океан, бу Данаидлар¹ — булутлар, бу мақсадсиз қилинган ишлар ҳақида ўйлаш, мулоҳаза юритишнинг ўзи қандай ваҳимали!

Мақсадсизми? Йўқ, асло бундай эмас. Бу ишларнинг нима мақсадга бўйсундирилгани ёлғиз сенгагина аён, эй Мавҳумият олами!

ХИ

КАШФИЕТ

Одамлар соҳилдаги сув ости қоялари томон сузанилар, аммо очиқ денгиздагиларига ҳеч қачон яқинлашмайдилар. Ишониб бўлмайди, чунки орол эмас-да. Бунақа қояларда на ейдиган овқат, на мевали дарахт, на ўтлоқ, на ўтлаб юрган пода, на ичиладиган чашма суви бор. Сув саҳролари бағридаги бу қоялар яланғоч бўладилар. Сув бетида тик қоялар қад кўтариб туради, сув остида ўткир чўққилар яшириниб ётади. Бу ерларда одам фақат ажалга дуч келади.

Қадимий денгизчилар тили билан «дарвешлар» деб аталадиган сув ости қоялари, юқорида айтиб ўтганимиздек, ғалати жойлардир. У ерларда денгиз ҳукмрон, истаганини қилаверади. Қуруқликдан келган меҳмонлар уни ҳеч қачон безовта қилмайди. Денгиз одамдан чўчийди, унга ишонмайди, сир-асрорини ундан яширади.

¹ Данаидлар — Миср подшоҳи Данайнинг эллик қизи. Улардан қирқ тўққизтаси никоҳ куни кечаси ўзлари севмаган эрларини ўлдирганлари учун нариги дунёда тубсиз бочкани сувга тўлатишга абадий маҳкум этилганлар.

Қоялар теварагида у ўзини бежавотир сезади: бундай жойларга инсон боласи қадам ранжида қилмайди. Бу ерларда тўлқинларнинг хиргойисини ҳеч ким бузолмайди. Денгиз қояларда меҳнат қилади, ковак-ёриқларни текислайди, чўққиларини қайрайди, янгилайди, уларга кўз-қулоқ бўлиб туради, парвариш қилади. Қояларни пармалайди, юмшоқ тошларни парчалайди, ювади, остидаги қаттиқ тошларни юзага чиқариб қўяди, ўзагини қолдириб, терисини шилиб олади, ҳамма ёқни алғовдалғов қилади, илма-тешик қилиб тацлайди, ёрилган ерларни янада кенгайтади, қоялар орасидан каналлар очади, қоя ён бағирларида ҳавзалар барпо этади, улкан-улкан тошларнинг ичнини ковлаб горлар, коваклар бунёдга келтиради, сиртига нақшлар ўяди. Сув ости тоғларида, ўзининг махфий ҳукмронлигида эса қасрлар, ҳашаматли кўшқу саройлар қуради; инсон кўрмаган ноёб, бироқ бадбўй, қабиҳ ўсимликлар—сузиб юрадиган ёпишувчи ва тишловчи ўтлар, илдиз отувчи махлуқлар ўстиради; ўзининг бу даҳшатли ғаройиботларини бепоён бағрида асраб-ардоқлайди. Қаср қаби савлат тўкиб турадиган қоялар яқинида ҳеч ким денгизга эътибор бериб разм солмайди, унга халал бермайди; бундай ерларда у ўзининг инсон ақли бовар қилмайдиган муқаддас сирларини истаганича намойиш қилади. У қилган ишларнинг оқибати кўзга яққол ташланиб туради, тубсиз денгиз тилсимотлар олами дейсиз у ерларни.

Қояли бурунлар, тиллар, табиий тўлқин қайтаргичлар, сув ости тошлари — буларнинг ҳаммаси, яна бир бор айтиб ўтамиз, ҳақиқий иншоотлардир. Ернинг геологик давр қатламлари океан даврий қатламлари олдида ҳеч гап эмас. Денгиз қўйнидаги қоялар тўлқинларга маскан, биқирлаб қайнаб турадиган кўпикларга тоқиравоқли кўшқ қилинган, бу қоялар бир меъморлик намунасидир, уларни кузатиб қўлингиздаги шу китоб муаллифи уни «табиатнинг санъати» деб атаганиди, бу санъатнинг ўзига хос монументалликдан иборат услуби бор. Тасодиф бу ишларни аллақандай бир мақсадни кўзлаб қилгандек туюлади. Бу иншоотлар турли манзаралар кашф этади. Бу иншоотлар гужғон ўйнаб ётган йилтироқ денгиз ҳайвонлари мамлакатидек айқаш-уйқаш, ҳашаматли черковдек улғувор, будда ибодатхонасидек нақшинкор, тоғ тизмаларидек ҳайбатли, қиммат баҳо тақинчоқлардек нафис, қабристондек ваҳималидир.

Ана шу сифатлар асалари уясидек каталакларда, қуюқ ўрмондаги каби ин-ғорларда, авахтага тушиб қолгандек алоҳида-алоҳида хоналарда, кўрсичқон уясидек ер ости коваклариди, жанг майдонидагидек пистирмаларда намоеън бўлиб туради. Бу ерда дарвоза бор-у, йўл бекик, баҳайбат устунлар қад кўтариб турибди-ю, тепаси чўрт узилиб кетган, миноралар ҳам бор, бироқ қийшайиб ётибди, кўприклар ҳам мавжуд-у, аммо бузилиб ётибди. Бино қатъий икки қисмга бўлинган: бу ёғи фақат паррандалар учун паногоҳ, манави ёғи эса биргина балиқлар учун қароргоҳ. Уларнинг биридан иккинчисига ўтиб бўлмайди. Бу хоналарнинг шакли, қиёфаси бир-бировига ўхшамайди, баъзи ерда меъморлик санъатига путур етган, у бир жойда уйғунлик қонун-қоидаларига мос келади, баъзан эса бу қоида мутлақо бузилган, мувозанат йўқолиб, ҳаммаси чаплашиб кетган; тошлар устига тошлар қалашган; бу тошларни Энкелад¹ терганми дейсиз. Бу аллақандай механика асосида яратилган, номаълум қоидалар асосида ижод қилинганга ўхшайди. Туртиб чиққан баҳайбат тошлар босиб қолай деб туради-ю, лекин босмайди. Бу баҳайбат бино қуламай, қаддини кўтариб турганига ҳайрон қоласан киши. Ҳамма ёғи қийшиқ-қинғир, деворлари ўйдим-чуқур, ҳамма ёқда осма арклар; бу пала-партиш, бесаранжомлик қонунига ақл етмай, лол қолади киши. Кўзга кўринмас буюк меъмор ҳеч қандай ҳисоб-китобни билмайди-ю, аммо нимаики бино қилса бахти чопади; у дуч келган томонга улоқтирган қоялар туташиб, ғалати бир бинони ташкил этади; бунда ҳеч қандай мантиқдан асар ҳам йўқ, аммо қандайдир мувозанат қудрати бор. Бунда мустаҳкамликдан кўра ортиқроқ бир нарса — абадийлик бор. Айни бир пайтда бу ердаги ҳамма нарса пала-партиш, тартибсиз ишлар мажмуидан иборат. Тўлқинлардаги ола-ғовур тошларга кўчгандек. Қоялар эса тошга айланиб қолган довулга ўхшайди. Оламда ҳеч нарса инсон ақлу заковатини манави ваҳший меъморликнинг доимо ёмирилиб, шу билан бирга абадий қотиб турадиган ижодидай ҳаяжонлантира олмаса керак. Бу ердаги ҳар бир нарса бир-бирини қувватлайди ва айни вақтда бир-бирига қарши жанг қилади. Ана шундай ўзаро курашлар оқибатида ҳақиқий

¹ Э н к е л а д — грек мифологиясидаги паҳлавонлардан бири. Уни Зевс қулатиб юборган тоғ босиб қолган экан.

бино қад кўтаради. Бу қирпичоқ душманлар — оқсан билан бўронларнинг ҳамкорлигидир.

Бу меъморларнинг кишини даҳшат исканжасига оладиган ишларидан бири — Дувр қояларидир.

Уни денгиз меҳр билан бунёдга желтирган, камолга етказган. Ҳазабнок тўлқинлар уни ялаб-юлқиб, чўқилаб ташлаган. У бадқовоқ, маккор, қабиҳ ва жирканчли; унинг ҳамма ёғи илма-тешник, остида ертўлалар беҳисоб.

Унинг танасини қон томирлари қаби ғор-коваклар ғалвир қилиб юборган, бу томирлар қоянинг мағиз-мағизигача шохлаб кетганлар. Ана шу қурдум томирларнинг оғзи сув қайтгандан кейин карракдек очилиб қолади. Бу ковакларга таваккал қилиб кирса бўлади.

Жильят кема машинасини қутқозиш ва ўз жонини сақлаб қолиш учун ҳар бир ғор-ковакни кўздан кечириб чиқишга мажбур эди. Бу ғорлар бир-биридан ваҳимали. Қаёққа қараманг, жанг изини кўраётгандек бўласиз. Денгиз ости ғорларининг асрий тош деворларидаги табиатнинг моҳир қўллари билан ўйилган нақш ҳамда даҳшатли расмларни ўз кўзи билан кўриш насиб бўлмаган кимса буни ҳатто тасаввур ҳам қилолмайди.

Бу ваҳимали ғорлар жуда маккор, у ерларда имирсилаш, қаяллаб қолиш мумкин эмас. Сув кўтарилган пайтда бу ғорлар сув остида қолиб кетадилар.

Бу ерларда эшакқурт ва майда денгиз жониворлари гужғон ўйнаб ётади.

Катта-катта думалоқ тошлар ғорлар ичида шифтгача қалашиб, йўлни тўсиб ётади. Бу тошларнинг айримлари бир неча тонна келади. Уларнинг ҳажми катта-кичик, ранги турли-туман: бир хиллари қонга белангандек қипқизил, баъзилари қояларни кемираётган кўкимтир кўрсичқонлардек ёпишқоқ, пахмоқ йўсинлардан тўн кийган.

Бир туркум ғорлар гумбазсимон тоқчаларга ўхшар, бошқалари алоқа йўлларидек қояларнинг ич-ичига кириб кетарди. Бу ғор-коваклар ер қаърининг тор жин кўчаларидир. Борган сайини торайиб борадиган ғор-ковакларга одам боласи киролмайди. Милтираб турган машъаланинг ёруғи чор атрофда чак-чак сув томчилаб турган зулмат қўйнига сингиб кетади.

Бир сафар Жильят у ёқ-бу ёқни кўздан кечириб юриб, ана шунақа ғорлардан бирига жириб қолди. Шу пайт сув қайтиши унга қўл келиб қолганди. Ажойиб кун,

ҳаво очиқ. Денгиздан кўнгилни тўқ тутса ҳам бўларди, у жуда осойишта, хатардан асорат йўқ эди.

Жильятни бу ишга ундаган икки сабаб борлигини юқорида баён этгандик: кема машинасини қутқариш учун пароходнинг бирон нарсага яроқли қисмларини топиши, тановул қилгани денгиз қисқичбақаси овлаши керак эди. Дувр қояларни атрофидаги чиганоқлар тугаб қолган эди.

Бу гор жуда тор бўлиб, ичкарига кириш амримаҳол бўлди. Горнинг энг ичкарисиди йилтиллаётган ёруғликни кўриб қолди Жильят. У бор кучини тўплаб гужанак бўлди-да, иложи борича ичкарироқ киришга ҳаракат қилди.

У, ўзи билмагани ҳолда, Клюбен пароходни олиб келиб урган қоя ичкарисига кириб қолган эди. Ҳозир Жильят сирти тик, яқинига йўлаб бўлмайдиган бу қоянинг чўққиси остиди турарди. Бу қоянинг ичи илма-тешик бўлиб, бир тарафда ҳовузлар, иккинчи томонда галерея-йўлаклар, Миср фиръавнларининг мақбараларига ўхшаган сағаналар. Бу қасрлардаги қўпоровчилик ишлари бошқа ердагиларига қараганда мураккаброқ кўринарди — чарчоқ нималигини билмайдиган тўлқинларнинг меҳнати самараси, тиниб-тинчимас океаннинг иши эди бу.

Ҳар тарафга шохлаб кетган бу сув ости гори, афтидан, бепоен денгиз билан бир неча ердан туташган бўлса керак, эҳтимол шохобчалардан айримларининг оғзи тўлқинлар етиб бора оладиган ердадир-у, бошқалари сув остидаги камардек кўзга кўринмай, денгиз тубига томон кириб кетгандир. Ана шу ердан сал нарироқда Клюбен ўзини денгизга отганди. Жильят бундан беҳабар эди, албатта.

Жильят мана шу эгасиз тимсоҳ уяси каби тор йўлаклардан энгашиб, эгилиб-букилиб, йиқилиб-туртиниб, эмаклаб, айланиб-буралиб, хуллас, ит азобида ичкарилаб борарди. Йўлак секин-аста женгая бориб хирагина ёруғлик йилт этди-ю, Жильят тўсатдан ажойиб бир улкан горга чиқиб қолди.

ХИ

СУВ ОСТИ ҚАСРИДА

Хира ёруғлик айни вақтида йилтираганди.

Яна бир қадам босганида Жильят, эҳтимол, тубспз гирдоб қаърига қулаган бўлармиди. Сув ости горликла-

рида сув шунақанги муздек бўладики, киши баданини бирдан чангак қилиб қўяди, энг уста, энг кучли сузувчилар ҳам қутулиб чиқолмайди.

Бунинг устига, атрофини ўраб турган бунақа тик, баланд қиргоққа илашиш, ундан юқорига чиқиш ажалнинг оғзидан бутун чиқиш билан баробар.

Жильят таққа тўхтади. У келаётган йўлак торая бо-риб, олди сип-силлиқ деворча билан тўсилган баланд болохонага ўхшаб чўрт кесилган экан. Жильят ана шу деворчага суяниб, атрофни кўздан кечирди.

У улкан ер ости саройига кириб қолган эди. Форнинг тепаси баҳайбат бир бош суяги қопқоғининг ички томонини эслатарди. Гўё бу бош суягининг ичи янгигина тозалангандай. Фор тепасидаги тошларнинг тўр каби тарам-тарам ингичка чизиқлари бош суяги қопқоғининг тишли чоки ва шохлаб кетган майда томирларига ўхшарди. Шифти тош, ости сув; тўрт тош девор қуршовида қолган сув живирлаб турган тошга ўхшарди. Форнинг ҳар томони мустаҳкам тош девор билан қуршалган. Деворларда на бирон ковак, на биронта ёриқ, на бирор туйнук, шифтида на тешик бор. Ёруғлик пастдан, сув остидан чиқмоқда. Бу аллақандай бир ғалати, хира шуъла эди.

Жильят қоп-қоронғи, зимистон йўлакдан келаркан, унинг кўз қорачиқлари кенгайиб кетганди, шунинг учун ҳам қоронғиликда ҳамма нарсани аниқ ажрата оларди.

У Жерсейдаги Пленмон ғорларини, Гернсейдаги Панжарали ғорни, Серк оролидаги Коппонни (контрабандачилар ўз молларини ўша ерга яшириб юрганлари учун уни шундай деб аташади) яхши билар, бу жойларда бир неча бор бўлганди; аммо у ғорларни Жильят ҳозир кўриб турган сув ости қасрига мутлақо тенглаштириб бўлмасди.

Унинг кўз ўнгида аркка ўхшаган аллақандай нарса сувга фарқ бўлиб бораётгандек эди. Тўлқинлар тарош-лаб бунёдга келтирган ўткир қуббали бу табиий арк икки қатор саф тортган қоп-қора ҳашаматли устунлар ўртасида товланиб турибди. Сув босган пешайвон орқали ғорга очиқ денгиздан ёруғлик тушиб турарди. Бу сеҳрли шуъла ана шу тубсиз ғорга дафн қилинган марҳум руҳига эҳсон этилган бахшишдир.

Хирагина ёғду таратаётган бу шуъла сув остида улкан елпигичдай ёйилиб кетар, қояларга акси тушиб, жинлоланарди. Қоронғилик кўксини найзадек тилиб ўтаётган

ёруғлик нурлари тошларга санчилиб гоҳ ярқираб, гоҳ сўнар, зулмат қўйнида йилтираб турган шиша парчаларига ўхшарди. Бу ғорда ёруғлик бор эди-ю, ammo унинг қанақа ёруғлик эканини ақл бовар қилолмасди. У ер юзасидаги ёруғликка ўхшамасди. Бу ерга кириб қолсангиз, бирорта бошқа сайёрага бориб қолгандай бўласиз. Бу шуъла худди топишмоқнинг ўзгинаси; гўё денгиз суви остидан шер бошли махлуқ кўзлари ёниб тикилиб турибди дейсиз. Бу ғорга тикилсангиз, баҳайбат бир махлуқнинг мурдаси ичига кириб олиб, унинг бошнини ички томондан томоша қилаётгандек бўласиз: шифт — махлуқнинг бош суягига, арк эса оғзига ўхшайди; фақат кўз косаларигина етишмайди, холос. Сув кўтарилишида тўлқинларни шимирадиган, сув қайтишда эса варақлатиб қайтариб чиқарадиган, жанубга томон лангиллаб очилиб турган оғиз ёруғликни ютиб, кулфату балоларни уфурарди. Баъзи оқил ва жоҳил, одил ва ёвуз одамлар ана шу домдан қолишмайдилар. Қуёш нури бу сув ости қасрининг шишадек кўм-кўк сувга ғарқ бўлган пешайвонидан сузиб ўтаркан. Альдебаран¹ нурига ўхшаб кўкимтир тус касб этарди. Ёруғлик нурини эмган сув эса бебаҳо зумрад эритмасига ўхшаб кетарди. Бутун қаср ўз бетига тавсиф-тасвирига тил лол қоладиган нафис бир яшил мовий ранг парда тортганди. Бош мия ярим шарларини эслатувчи, ғор гумбазидан туртиб чиққан асаб томирлари каби жимжимали, нақшинкор, силлиқ, юм-юмалоқ тошлар дуру жавоҳирлардай ярақларди. Жимирлаб, мавжланиб турган сувнинг акси гумбазга тушиб жилва қилар, дам йўқолиб кетар, дам яна пайдо бўлиб ўйноқлаб рақс қилар, тинмай олтин ҳалли гуллар чизиб, яна бузиб-чуватиб ташларди. Ана шуларнинг барида қандайдир бир шаффофлик, гўзаллик бор; ақл-идроқ, бу қандай ўлжа, деб савол беради—эҳтимол, бу табиатнинг ҳашаматли овунчоғи, балки ажойиб тузоғидир. Нақшинкор тош гумбазу ғадир-будур тош деворларда узун-узун, ингичка ўсимликлар осилиб турарди, уларнинг илдизлари тепада, қоя устидаги ўпқону ёриқларда тўпланиб қолган сувлардан нажот олса керак; бу аргимчоқ каби осилиб турган ўт пояларидан пастдаги гирдобга ипга тизилган марвариддек сув томчилари бир меъёрда чак-чак томарди. Бу ерга кириб қолган кишини аллақандай мўъ-

¹ Альдебаран — Савр буржидаги энг йирик юлдуз.

жизавий бир ҳис чулғаб олар, у тилсимли бир қасрга кириб қолгандек сезарди ўзини.

Бу ажал қасри эди, муқаррар ажал келтирадиган бир ғаройиб қаср эди.

ХIII

СУВ ОСТИ ҚАСРИНИНГ СИРЛАРИ

Ажойиб-ғаройиб бу жойнинг тавсифи инсон ақлини ҳайрон қолдиради. Океан қалбининг қандай тепаётгани унда кўзга яққол ташланиб туради. Тўлқинларнинг чайқалиши натижасида сув сатҳи гоҳ кўтарилар, гоҳ оҳиста қайтар — ғор нафас олаётганга ўхшарди. Бу улкан яшил диафрагма унсизгина кўтарилар ва пасаяр, худди сирли жондорнинг руҳи нафас олаётганга ўхшарди.

Сув кишини лол қолдирадиган даражада тиниқ: сув тубидаги пастлаб бораётган зинапойлар, қояларнинг туртиб чиққан пештоқлари равшан кўриниб турибди, тубига чуқурлаб борган сари янада зилол тус қуюқлаша боради. Қоп-қорайиб турган ерлари тубсиз гирдоблар бўлиши эҳтимолдан холи эмас.

Сув ости кўрфазининг икки ёнидаги элас-элас кўрииб турган пастки қоронғи гумбазчалар асосий ғордан пастроқда, икки биқинда кичик-кичик ғорчалар борлигидан далолат берар, бу ғорчаларга сув тўлиқ қайтган паллада кирса бўладиган кўринади.

Икки биқинга шохлаб кетган бу кичик-кичик ғорларнинг тепаси ишком каби гумбаз бўлиб, қутурган тўлқинлар ҳамласи остида ҳосил бўлган, эни бир неча фут келадиган қумлоқ саёзликлар бу эгри-бугри тор йўлақлар бўйлаб ичкарилаб бориб, кўздан йўқоларди.

У ер-бу ерда денгиз ўсимликлари сув остида шамолда ҳилпираётган соч толаларидек ғира-шира кўзга ташланиб турарди.

Ғори ўраб олган деворлар тепасидан пастигача, гумбаздан сув остида кўриниб турган еригача ажойиб, инсон кўзи илғамас, қадимий испан денгизчилари денгиз яйловлари деб атаган майсазорлар билан қопланган. Ғадир-будур тошларни кўкимтир-сарғиш йўсинлар гиламдек қоплаб олган. Туртиб-туртиб чиққан дўнг тошлардан балиқчилар учун барометрлик хизматини ўтайдиган бақатўнлар тарам-тарам осилиб турарди. Ғор бир меъёрда нафас оларкан, бу тарам-тарам ленталар оҳиста чайқалиб, ҳилпирарди.

Океан наққошлигининг ноёб кўринишлари: қубба учли дубулғалар, руҳонийлар кулохлари, мугиз учли минорачалар, турли-туман учар махлуқлар, алвон мезаналар ва ҳоказолар бу майсалар остида, айни пайтда, ўзларини кўз-кўз қиладилар. Қоялардаги тўп-тўп қурбақасаллар кулбачалардан ташкил топган қишлоқларни эслатар, бу қишлоқчаларнинг истиқомат қилувчилари кўчаларга ўз лаш-лушларини ёйиб қўйганга ўхшарди. Тўлқин пайтида бу ғорларга харсанг тошлар етиб келолмас, йўлни тўсиб қўёлмасди, шунинг учун ҳам бу ерларга чиганоқлар манзил қуриб олган эди. Ясанган-тусанган, тўралардек басавлат чиганоқлар қўпол, бесўнақай қора кучлар — чағиртошларга тўқнашиб қолишдан нари қочадилар. Сув остида у ер-бу ерда бу чиганоқлар сеҳрли ёғду сочиб милтиллайдилар; бундай жойларда ложувард денгиз суви ранг-баранг тусда товланади.

Ғорнинг сув кўтарилиб етадиган рахидан сал юқори-роқда бақатўнлардан тўқилган гиламга ажиб бир ўсимликдан жияк тутилган. Шохлаб, қўнғироқ-қўнғироқ бўлиб кетган, қорамтир бу ўсимлик оч зангори гуллар қадалган энли қора ҳошияга ўхшайди, сув остидаги гуллар яшил учқундай чақнайди. Бу ёқда гуллар оддий бир гул бўлса, сув остида улар дуру жавоҳирлардай жилоланади; тўлқин қутуриб ғорнинг гулларга бурканган пастки қисмини сув босади-да, қоялар жавоҳиротлар оламига айланиб қолади.

Ўпка чуқур нафас олиб кенгайганидек, ҳар сафар тўлқин уриб сув кўтарилганида сувга фарқ бўлган гуллар ранг-баранг тусда товланади, тўлқин орқага қайтиши билан яна сўнади: бу ғамгин манзара худди инсон тақдири-қисматига ўхшайди. Нафас олиш ҳаёт, нафас чиқариш эса ўлимдир.

Ғордаги мўъжизалардан бири қоянинг ўзи эди. Қоя бир ерда арк, иккинчи тарафда девор, яна бошқа жойда баҳайбат устун ёки кема тумшугига ўхшаб кетади — баъзи ерлари ваҳшатли, тап-тақир, баъзи жойлари эса табиатнинггина қўлидан келадиган нафис нақшлар билан бежалган. Совуқ тошларнинг дағаллиги билан аллақандай илоҳий бир нафосат чатишиб кетгандай. Қандай ажойиб меъмор бу денгиз!

Сув ости қасрининг бир томонидаги теп-текис тўрт бурчак девори сатҳидаги тўп-тўп майсалар атайлаб йўниб ишланган нақшлардек жўринади; меъморларнинг

бу тугадланмаган санъатига қараб Прометейнинг¹ Микельанжелога² қолдириб кетган ҳайкалининг хомаки ишини тасаввур этиш мумкин. Яна сал ишланса, улуғ меъмор бошлаган иш ниҳоясига етадигандек. Қоянинг бир хил жойлари олтин ва кумушдан ясалган сарацинлар³нинг нақшин қалқонини ёки Флоренция ҳовузига терилган қора мрамр тошларни эслатади. Бу ерда антиқа безак лавҳалар, масжид пештоқларидаги каби жимжимадор нақшлар, тошларга йўниб битилган қадимий ёзувларга ўхшаган тушуниб бўлмайдиган сирли ёзувлар ҳам бор. Бу ёзувлар тошни тирнаб битилганга ўхшарди. Ҳар томонга шохлаб кетган ўрмаловчи мўйловли ўсимликлар олтинсимон бақатўнларга чирмашиб кетиб, уларга исиргаю булоқилар таққанди. Фор худди Мавритания подшолигининг саройларидек безалган эди. Бу ерда табиатнинг қўли билан бунёдга желтирилган бу улуғвор меъморлик қасрида моҳир заргарнинг нафис санъати ваҳшийлик аломатлари билан уйғунлашиб кетган.

Форнинг бурчакларини пўпанаклар бахмалдек қоплаган. Тик тош деворлардаги қандайдир мўъжиза билан осилиб турган олачипор чирмовуқлар ажойиб безакларга ўхшар, қоялар ўткир дид билан безатилгандай, атайлаб ҳар томонга, аммо ўз ўрнига даста-даста гуллар сочилгандай. Хулласи калом, бу фор бор бисотини, ҳусни-жамолини кўз-кўз қиларди. Сув тубидан нур таратиб турган ғалати, жаннати ёруғлик, денгиз устидаги ним қоронғилик, соя ва ҳалиги сеҳрли ёғду бу жойнинг қаҳрини бир оз юмшатар, унга аллақандай шаффофлик ҳамда шунинг билан бирга, қандайдир бир дағаллик тусини бериб турарди. Ҳар бир мавжланиб келган тўлқин қабариқ призма ҳосил қилиб, ранго-ранг жилоланарди. Сув остидан ўтиб турган ёғду нурлари ана шу қабариқ призмадан синиб ўтарди; сув остида қуёш нури етти турли тусга кириб, титраб-қалтираб чайқаларди. Тонг пайтидаги мусаффо осмондек мовий тўлқинларга фарқ бўлган

¹ Прометей — грек мифологиясига кўра худога қарши курашиб, осмондан ўт ўгирлаб тушган паҳлавон. Бу гуноҳи учун уни Зевс Кавказ тоғига обориб боғлаб қўйишни буюрган, бу ерда Прометейнинг жигарини бургут чўқилаб турган.

² Микельанжело Буонаротти (1475—1564) — Италияда Уйғонинг даврида яшаб ижод этган ҳайкалтарош, рассом, архитектор ҳамда шоир.

³ Арабистоннинг қадимий кўчманчи халқи.

камалак йўли гўё тола-тола бўлиб парчаланиб кетаёт-
гандек кўринарди. Сувнинг баъзи жойига эса ой нури
тушиб тургандек. Бу ажойиб ғорда ўн саккиз минг олам-
нинг кўржу ҳашами мужассамлашган-у, ана шу зулмат
ва жаҳолат тухфасини ихлос билан бежаган эди. Бу сув
ости қасрининг сўлимлигидек кишини бунчалик ҳаяжон-
га соладиган, бунчалик сирли туюладиган нарса оламда
йўқ бўлса керак. Бу ер сеҳр-жодулар подшолиги эди.
Сеҳрли ўсимликлар қатлам-қатлам совуқ тошлар билан
қўшилиб, яхлит бир уйғунлик касб этарди. Табиат бун-
ёдга келтирган бу иттифоқ ўнгидан келган никоҳни эсла-
тади. Ўсимлик шохлари тошга чирмашиб олган эмас, бал-
ки уни ноз-карашма билан силаб-сийпаётганга ўхшайди.
Еввойи гуллар эркаланиб бадқовоқ қоя пинжигга тик-
ларди. Бу гуллар гўё баҳайбат тош устунлар тепасидаги
қошу пештоқ ҳамда устунлар остига қўйилган нафис
гулчамбарлар эди — бу гуллар бегемот оёқларини қи-
тиқлаётган фариштанинг нозик бармоқларига ўхшарди;
қоя ўз навбатида бу антиқа ўсимликларни маҳкам уш-
лаб тургандек, ўтлар эса қояни ваҳшиёна назокат билан
кучаётгандек эди.

Даҳшатли, кўрмсиз шаклларнинг бундай сирли би-
рикуви қандайдир бир шоҳона гўзаллик вужудга келти-
ради. Улуғворликда ҳар қандай улуғ ижодкор яратган
асардан заррача қолишмайдиган табиат бунёдга келтир-
ган бу иншоотларда аллақандай бир мукамаллик акс
этиб туради ва бизда ақл етмайдиган даражада таассу-
рот қолдиради. Бу иншоотлар инсон ақлу идрокини забт
этадиган бир тасодифдир; бу ишлар кишининг ақлига
сиғмайдиган бир нарса, ана шу ажойиботлар олами тў-
сатдан ўзининг нозик, айни вақтда даҳшатли томонлари-
ни намойиш қилади-ю, ўзига маҳлиё қилади-қўяди.

Бирон кимса воқиф бўлмаган бу ғор, агар шундай
таъриф қилиш жонз бўлса, нариги дунёдан нишонадир.
Бу ерда одамни ҳайратга соладиган жаминки ажойибот-
лар мужассамлашган эди. Бу даҳма аллақандай сеҳрли
ёғдуга фарқ бўлганди. Кўриб турган ана шу нарсалар-
нинг ҳақиқийлигига мутлақо ишонгинг келмайди. Гўё
кўз ўнгингда мавҳумот ўз муҳрини босган ҳаққоният
гавдаланаётгандай бўлади. Атрофдаги бутун нарсаларни
кўриш, сезиш, қўл билан тутиб пийпаслаш мумкин-у,
биноқ ишониш қийин эди.

Сув остида тушиб турган ёғду кундузги ёруғликми-

кин? Бу қоронғи гумбаз остида улкан жомда мавжланиб турган нарса сувмикин ўзи? Эҳтимол, кўкда сузиб юрган булутлар ғорга кириб қолиб, арк ва пешайвон тусига кириб олгандир? Бу тошларга инсон пойқадами текканмикин? Қим биладн дейсиз, балки бу тошлар оёқ босишингиз билан парча-парча бўлиб майдаланиб, кул ёки дуд бўлиб қолар. Қимматбаҳо луру гавҳардек жилоланиб турган анави чиганоқлар нега бунчалик ғужғон ўйнаб ётибдийкин? Бу жойдан ҳаёт, ер юзаси, одамлар олисдамикин? Бу зулмат қўйнида кишини оҳанрабодек мафтун қиладиган қанақанги сеҳрли кучлар, яшириниб ётибди? Ана шу сеҳрли, таъриф-тафсилоти йўқ жозибадан баданларинг жимирлаб кетади, сув тубидаги ўсимликлар эса бунинг кўзгудаги аксидек безовталаниб, оҳиста чайқалиб туради.

Ғорнинг тораявериб ҳашамдор арк остига бориб тақаладиган ерида, ибодатхонаникидек кўкимтир ёруғлик пардаси ортида аранг кўзга чалиниб турган, муқаддас жойнинг саждахонасига ўхшаб кетадиган ерида сув тубидан меҳробсимон тош супа туртиб чиқиб турарди. Тўрт тарафи сув. Гўё у ерда ўтирган маъбуда шу супадан ҳозиргина тушиб кетгандай. У ерга тикилганда бенихтиёр кўз ўнгингга абадий ўйга толиб, меҳробда қотиб турадиган, инсон қорасига кўзи тушиши билан ғойиб бўладиган фаришта гавдаланади. Бу сеҳрли ғорда ҳаёлингиздаги сўлим дилбар ҳақиқатан ҳам қаршингизда тургандек туюлади; ана, унинг хушбичим кифтларига шаффоф ёғду нур сочяпти, ана, унинг манглайи субҳидам шафағндай кўзни қамаштириб ярқираяпти, мана, унинг мафтун этувчи сўлим чеҳраси, дўмбоқ кўкраклари диркиллаб турибди, ана, унинг нозик покнза қўллари, паришон сочлари олтиндек товланяпти, ана унинг хипча бели шлоҳий парда ортидан кўриняпти, у сарв қомат, шахло кўз, ифбатли бир дилрабо. Бу ерда денгиз тўлқинлари орасидан чиқаётган Венерани, тубсиз бўшлиқ қаъридан келаётган Мома Ҳавони кўргандай бўласиз. Бу жойларни орзу-хаёлларсиз тасаввур ҳам қилиб бўлмайди. Кўк юлдузининг ердани тимсоли бўлган бу сўлим дилбар ҳозиргина меҳробдан тушиб кетгандек. Тош супача устида оппоқ харир кўйлак кийган бир фаришта муаллақ турганга, аста эсаётган шабада эса унинг роҳатбахш илиқ бўйини олиб келаётганга ўхшайди. Сув ости қасри сукунат қўйнида мудрар, дайди хаёл

эса гоҳ севги ҳароратига йўғрилган—ниҳоясига етган гўзаллик рамзи бўлган Амфитриданнинг, гоҳ Фетида ёки Диананинг суратини чизарди. У гарчи ғойиб бўлган бўлса-да, аммо унинг пурзиё бадани Зухро юлдузидек нур сочиб, форни ёритиб турибди. Кўзини қамаштирадиган ажойиб, тиниқ кўланка йўқолди; кўзга кўринмас аллақандай бир қиёфа шу дамда ғойиб бўлган эди-ю, аммо унинг шу ердалиги сезилиб турарди: атрофдаги ҳамма нарса ундан олган лаззатини яширолмай, ҳамон ҳаяжонланиб, титраб турарди. Маъбуданинг ўзи кўзга кўринмасди, бироқ у шу ерда бордек туюларди.

Форнинг бутун гўзаллиги ана шу маъбуда учун яратилгандай. Гўзаллик фариштаси, шамолу бўронлар ҳукмдори бўлган ана шу хаёлий лобарни, ана шу тўлқинлардан туғилган соҳибжамол маҳбубани, фақат ана шу нозанини деб бу сув ости қасри пинҳоний бир ерга, забардаст қоя қаърига бунёд қилингандай эди, маъбуданинг ҳашаматли саройидаги улуғвор осойишталикни ҳеч қандай паҳлавон ҳеч замон бузолмайди, унинг сеҳрли ним ранг ёғдусини ўчиролмайди.

Табиатнинг ҳийла-макрини олдиндан сеза олувчи Жильят ҳайрат ичра ўйга толганди.

Бир пайт Жильят қимматбаҳо тошлар эритмасидай жимирлаб турган тип-тиниқ сувда пайдо бўлган ғалати бир нарсани кўриб қолди. Чайқалиб турган тўлқинларда узун бир латтага ўхшаган нарса оқиб борарди. Бу латта оқиб борардигина эмас, шитоб билан сузиб борарди: у бирор мақсадда бўлса керак, қаернидир мўлжаллаб ошиқиб сузарди. Бу ғалати нарса қизиқчи-аскнябозларнинг шокилдали қалпоғини эслатарди, узун-узун, илвираб кетган шокилдалар сувда биланглаб борар, улар сув ўтмайдиган алланарса билан мойланганга ўхшарди. У ваҳимали, айни пайтда жирканч бир нарса эди. У афсонавий махлуққа ўхшар, тирик бир жондорми ё хаёлий шарпами, англаб бўлмасди. У сув ости қасрининг энг ичкарисига шитоб билан сузиб борди-да, ғойиб бўлди. Уни ўз қаърига ютган сув яна жимирлаб тураверди. Бу даҳшатли шарпа бир кўринди-ю, яна кўздан йўқолди.

Иккинчи китоб

ОҒИР МЕҲНАТ

I

МУҲТОЖ КИШИ ТАДБИРКОР БУЛАДИ

Сув ости қасри унга кириб қолган кишининг соғ-саломат чиқиб кетишига рўйхуш бермасди. Бу қасрга жириш осон эмас, қайтиб чиқиш эса ундан ҳам машаққатлироқ. Жильят бир амаллаб ғордан қайтиб чиқди-ю, қайтиб қадам босмади. У ердан излаган нарсасини топмади, шунчаки томоша қилиш учун эса бекорчи вақти йўқ эди.

Жильят ғордан қайтиб чиққани ҳамон ўз темирчилик устахонасида иш бошлаб юборди. Унга керак бўладиган асбоблар етарли бўлмагани учун уларни ўзи тайёрлай бошлади.

Ҳалокатга учраган кеманинг бўлтак-сўлтак тахта-ёғочлари ёқилғи, сув — ҳаракатлантирувчи куч, катта тош — сандон, шамол — босқон хизматини ўтай бошлади. Жильятдаги уқув — ишбилармонликка, ирода — куч-қувватга айланди.

Жильят бу машаққатли ишга жон-жаҳди билан киришиб кетди.

Ҳаво ҳам унга кулиб боққандек, мурувват кўрсатаётгандек эди. Кеча билан кундуз барабар, айти ёғингарчилик фасли бўлишига қарамай, ҳаво очиқ, қуруқ. Март ҳам етиб келди. Ҳаво ҳамон яхши эди. Кунлар узайиб борар, осмон эса янада мусаффо роқ, бепоён сув сатҳи аста чайқалар, туш пайтлари жуда осойишта, сокинлик — табиат бебошлигини йиғиштириб қўйганга ўхшарди. Қайноқ қуёш нури остида денгиз майин жилва қиларди. Аммо бу жилва айёр хотинларнинг тузоғидай

бир гап. Жилва қилиб кўнгилни овлайди-ю, бунинг орқасида хиёнати ҳам бўлади. Денгиз ҳам худди ана шу тоифадаги маккор аёлнинг ўзгинаси. Унинг бу жилваю жилмайишига ишона кўрманг!

Шамол оҳиста эсар, бу эса темирчилик босқонининг янада яхшироқ ишлашига қўл келарди. Шамол кучайса, Жильятга ёрдам беришдан кўра, ҳамма ёқнинг тўстўполонини чиқариб, ишига кўпроқ халал беради.

Жильят ўзи билан арра олиб келган эди; бу ерда эгов ясаб олди; арра билан ёғоч арраласа, эгов билан темир-терсакларни қирқарди. Бундан ташқари, у темирчининг эпг муҳим асбоби бўлган қисқич билан оташкурак ясади; буларнинг бири кафт бўлса, иккинчиси бармоқлар вазифасини бажарарди. Ана шу боисдан Жильят ўзига ёрдамчи асбобларни ясаб, катта меҳнат жанги олдидан мукамал қуроллана бошлади. Бир тахта тулука олиб, темирчилик кўраси устини соябонга ўхшатиб бекитди.

Жильят ўз олдида турган асосий ишлардан бирини бажаришга киришиб, чигирларни тузатди, қўш чигирларнинг қопқоғию ғалтакларини ростлади. Синган ёғочходаларнинг учини йўниб текислади; кеманинг тахтаёғочларини, юқорида айтиб ўтганимиздек, катта-кичиклиги, ишга яроқли-яроқсизлиги, сифатига қараб, алоҳида-алоҳида тахлаб қўйган эди: эман ёғочлари бир ёқда, қарағай бир томонда, тўппа-тўғри ёғочлар бир тарафдаю эгрилари бошқа ерда эди. Кези келганда булар бирон нарсага яраб қолади-да.

Чигирларга ўқ қилмоқчи бўлган киши керакли ёғоч ва хода тайёрлаши лозим: аммо бунинг ўзи етарли эмас, арқон ҳам керак. У елкан лахтакларини таранг қилиб тортиб қўйди-да, унинг ингичка канопларини суғура бошлади, кейин ана шу каноплардан тизимча йигириб, бир чеккага уйиб қўйган калта-култа арқонларини тизимча билан боғлаб-чандиб бир-бирига улади. Аммо бу арқонлар ташлаб қўйилса ишдан чиқади, чириб қолади. Уни мойлашга эса қорамой йўқ.

Арқонларни тайёр қилиб қўйиб, занжирларни улашга тушиб кетди.

Тош сандонда чаптастик билан анча бесўнақай бўлса ҳам пишиқ ҳалқалар ясаб, занжирларни бир-бирига улай бошлади.

Темирчилик иши ёлғиз кишига жуда қийинлик қилса

ҳамки, Жильят бунинг уддасидан чиқди. У сандонида энгил ишларнигина қила оларди; темир парчасини бир қўлидаги қисқич билан ушлаб туриб, иккинчи қўлидаги болға билан болғаларди.

У капитан кўприкчасидан олинган думалоқ симларни ярим метр-ярим метр қилиб қирқди, сўнг ҳар қайси-сининг бир учини найза қилиб, бошқа томонига қалпоқча ясаб, катта-катта миҳ тайёрлади. Одатда кўприк қуришда ишлатиладиган бундай миҳлар қояга жуда мустаҳкам қоқилади.

Бу машаққатли ишга Жильят нима учун қўл урди? Сабр қилсак, кейинроқ кўрармиз.

Асбобларни тинимсиз ишлатаркан, у болта билан аррасини бир неча бор чархлашга мажбур бўлди. Аррасини чархлаш учун махсус уч қиррали эгов ясади.

Жильят баъзан Дюрандинг чиғиридан фойдаланарди. Чиғирнинг илғаги синиб жетганидан, янгисини созлаб олди.

У қисқич, омбир ва исканасини ишга солиб парроҳод парракларини бузишга киришди, бу мақсадига эришди ҳам. Кема парраклари йиғма эди, бу китобхоннинг ёдида бўлса керак. Парраклар устидаги қопқоқ-қанотларни бузиб, ундан иккита яшик ясади. Паррак қисмларига номер қўйиб, уларни ана шу яшикларга жойлади. Кемадан топиб олиб, яшириб қўйган бир бўлак бўр шу ерда иш берди.

Жильят яшикларни Дюранда палубасининг ишончли ерига олиб бориб қўйди.

Тайёргарлик ишларини тугатган Жильят олдида энди энг асосий, оғир иш — машинани қутқариш вазифаси турар эди.

Парракларни бузиш, қисмларга ажратиш осон; бироқ машина тамомила бошқа нарса — уни қисмларга ажратиш осон эмас.

Жильят бу механизмни билмасди. Таваккал қилиб иш бошласа, машинани ишдан чиқариб қўйиши мумкин. Борди-ю, у машинани қисмларга ажратиб бузмоққа журъат этди дейлик, унда Жильятнинг қўлида, ғордаги темирчилик устахонасида, босқон ўрнида ғордан ўтиб турган шамолдан, сандон ўрнида тошдан фойдаланиб ясалган асбоблар эмас, мутлақо ўзгача асбоблар бўлиши лозим. Машинани қисмларга ажратаман деб бирон ерини синдириб қўйиш ҳам ҳеч гап эмас.

Шуида Жильят боши бориб деворга текканини, амалга ошириб бўлмайдиган бир мушкул ишга кўндаланг бўлганини фаҳмлади.

Энди нима қилсайкин?

II

ШЕКСПИР ЭСХИЛ¹ БИЛАН ҚАНДАЙ УЧРАШСИН?

Жильятнинг ўз режаси бор эди.

Ишқаланишнинг тўнғич қонунларини Амонтон, Лагир ва Кулон бирин-кетин кашф этган, илм-фан энди тетапоя қила бошлаган даврлардан анча бурун, сальбрилик бир дурадгор, ҳеч кимнинг маслаҳати ва кўмагисиз, ёшгина ўғли ёрдамида, ҳаддан ташқари жўн асбоблар билан Луара бўйидаги Шаритэ черкови минорасидаги катта соатни пастга тушириб, бир вақтнинг ўзида статика ва динамикага онд беш-олти мураккаб масалани бир йўла ҳал этган; ғалати, ғайри одатий бу усул билан кишни ҳайратда қолдириб, бирон тишини синдирмай, занжирини узмай, темир ва мисдан ясалган ҳашаматли соатни, гардишию миллари, кафгирию ҳар бири беш юз фут келадиган тошлари, бонг урадиган болгарарию жомларигача, ҳеч ерига зиён-заҳмат етказмай барча ашқол-дашқоллари билан бирга миноранинг учидан пастга туширганди, хуллас бу иш катта бир мўъжиза бўлганди. Бу воқеа рўй берган ўн олтинчи асрдан буён ҳали ҳеч ким бунақа мўъжиза кўрсата олгани йўқ. Утган шу давр ичида бунақа жасоратга биринчи бўлиб Жильят қадам қўйганди.

Жильят бажармоқчи бўлган иш эса ўша дурадгор қилган ишдан оғирроқ, ажойиброқ эди.

Дюранданинг механизми оғирлиги ва нозиклиги жиҳатидан Луара соҳилидаги Шаритэ черковининг соатидан қолишмас, икир-чикирлари, ташвиши ҳам ундан кам эмасди.

Урта аср қаҳрамони бўлган дурадгорнинг ёнида ҳар ҳолда бир кўмакчиси, ўғли бор эди; Жильятнинг ёнида ҳеч ким йўқ.

¹ Эсхил (эрамиздан ав. V аср) — грекларнинг қадимий улуғ трагик-драматурги.

Луара соҳилидаги Шаритэ черковига бир талай халойиқ тўпланган, Луарадаги Менгдан, Невердан ва ҳатто Орлеандан одамлар томоша қилгани келишганди. Бу одамлар керак бўлиб қолса ҳар дамда устага ёрдам беришга тайёр эдилар, ёрдам бермаганларида ҳам, ҳа деган туяга мадор деганларидек, унга далда бериб туришарди; Жильятнинг теварагида эса гувиллаган шамолу ўркакч-ўркакч тўлқинлардан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

Бир нарсани билмаган одамнинг ўша соҳага юраги бетламайди, жасорат билангина иш чиқариши мушкул. Зотан билимсиз кимса бирон ишга қўл урмоқчи ёки сафарга отланмоқчи бўлса, демакки унинг бирон ишонган нарсаси, ёхуд қўлида компаси бўлади. Баъзи ҳолларда олим кишидан кўра кўпроқ билимсиз, жоҳил одам шу компас билан, тусмоллаб қилинадиган ишга қаттиқроқ бел боғлайди.

Жоҳиллик, билимсизлик таваккал билан иш тутишга даъват этади. Билимсизлик — бу хаёлпарастлик демакдир, ҳар нарсани орзу қилиш, ҳар нарсани билишга қизиқиш эса улкан куч демакдир. Билим баъзан киши кўнглига гул-гула солади, кўпинча эса йўлдан тўхтатади. Башарти Васко да Гама олим одам бўлганида Бурь буруни яқинига йўламай, ортига қайтган бўлурди. Мабодо Христофор Колумб яхши космограф бўлганида, у ҳеч қачон Американи кашф этмаган бўлурди. Монблан чўққисига биринчи бўлиб чиққан кимса Бальма чўпон эди; олим Сосюр бўлса ундан кейин чиққан эди.

Бу мисолларни шунчаки йўл-йўлакай айтиб ўтдик, зотан бу табиий бир нарса бўлса-да, илм-фаннинг обрўйига путур етказмайди, чунончи билимсиз, нодон одам бирон янгиликни тасодифан очиши мумкин, аммо янгиликни фақат олимларгина интилиб кашф эта олади.

Жильятнинг қайиғи ҳамон «Одам» қояси тагидаги қўлтиқчада турар, бу ерда унга денгиз ҳамла қилолмасди. Жильятнинг ўз қайиғини бемалол бориб-келадиган бир жойга қўйгани китобхоннинг ёдида бўлса керак. У қўлтиқча бориб, қайиқнинг кенглигини бир неча жойдан, айниқса ўртасини синчиклаб ўлчаб кўрди. Сўнгра у Дюрандага қайтиб, кема машинасининг энини ўлчади. Унинг эни, кеманинг чархпалакларидан ташқари албатта, қайиқнинг ўрта қисми энидан икки футча энсиз экан. Демак, кема машинаси қайиқча бемалол сиғади.

Аммо машинани қайиқча қандай туширса бўлади?

ЖИЛЬЯТНИНГ МАҲОРАТИ ЛЕТЬЕРИ ИЖОДИГА ЕРДАМГА КЕЛДИ

Мабодо бирор балиқчи юрак югиб йилнинг шу фаслида Дувр қояларига келиб қолса, бу ерда ажойиб бир воқеанинг жонли гувоҳи бўларди.

У қуйидаги манзарани кўрарди: тўртта йўғон-йўғон эман хода бир хил узоқликда қояларга тўсин каби ташланган. Бу ходалар икки қояни бирлаштирувчи мустақкам қўприкнинг асосига ўхшарди. Бу ходаларнинг бир учи Кичик Дуврнинг соябон сингари туртиб чиққан ерларига тиралиб турарди; ходаларнинг иккинчи учи эса Катта Дуврнинг тик ён бағрига улкан болға билан понадек мустақкамлаб қоқилган, гўё бу тўсинларни тоғни урса талқон қиладиган бир паҳлавон хода устига чиқиб олиб, ўзининг баҳайбат гурзиси билан қоққанга ўхшайди. Ходалар икки Дувр оралиғидан сал узун бўлгани учун ҳам улар қояларга жуда мустақкам ўрнашган бўлиб, бир томонга сал нишаброқ эди. Ходалар Катта Дуврга қоқилган ерида ўткир бурчак, Кичик Дуврга қўйилган ерида эса ўтмас бурчак ҳосил бўлганди. Тўрттала хода ҳам Кичик Дувр томонга сал нишаб эди-ю, аммо бир камчилиги бор эди: ходалар бир текисда нишаб эмасди. Ана шу камчилиги бўлмаганда, уларни қўприк асоси дейиш мумкин эди. Жильят бу тўртта тўсиннинг ҳар бирига икки томонида галтакли трос боғлаб чиғир ясади; бунинг галати жойи шунда эдики, қўш галтакли чиғир ходаларнинг бир учига, оддий чиғирлар эса иккинчи учига боғланган эди. Бу ишлар олдиндан чамалаб, мўлжаллаб қўйилган хатарли, айни вақтда муҳим бир мақсадни амалга ошириш учун қилинган эди. Ходалар жуда бақувват, чиғир-арқонлар пишиқ кўриларди. Ходаларга боғланган, пастга осилиб турган арқонлар олисдан қараганда нигичка ипларга ўхшарди; ҳалокатга учраган Дюранда эса осмону фалакка ўрнатилган ходаларга ана шу ип ва чиғирлар билан осиб қўйилгандек эди.

Аммо кема ҳали бу ходаларга осилганича йўқ. Кема палубаси ходаларга тўғри қилиб саккиз еридан тешилган, бу тешикларнинг тўрттаси машинанинг чап ёнида, тўрттаси ўнг ёнида; кеманинг ости ҳам саккиз еридан тешилганди. Ходалардан пастга тортилган арқонлар палу-

банинг ўнг томонидаги тўрт тешикдан ўтказилиб, кеманинг остки қисми ва машина ости билан бориб, чап томондаги тешиклардан юқорига томон ўтказилиб, ходаларга боғлиқ тўртта ғалтакка ўралган эди. Юқорида арқонлар бир ерга тўплашиб, тугилганга ўхшарди ва бу чигирни бир қўл билан бошқариш мумкин эди. Арқонларнинг учи тугилган ер, илгак ва тешикларидан арқонлар ўтказилган уч кўзли ғалтак бу иншоотнинг охириги нуқта-си бўлиб, лозим бўлганда тормозлик вазифасини ўташи мумкин. Арқон ва ғалтакларни бундай бир-бирига боғлоқлиги, алоқадорлиги тўртала ғалтакнинг бир вақтнинг ўзида барабар ишлашига имкон беради; бу мослама тортиш кучи учун ҳақиқий жилов вазифасини ўтайди, уни кемани бошқарадиган, ҳаракат вақтида мувозанатни сақлаб турадиган руль деса бўларди. Бу мослама ҳозир ҳам қўлланиладиган Вестон кўрсатмасига ва Витрувийнинг¹ қадимий ғалтакли машинасига ўхшарди. Аллақачонлар оламдан ўтган Витрувий ҳақида, ҳали дунёга келмаган Вестон ҳақида ҳеч нарса эшитмаган, билмаган Жильят бу ишларни ўз ақли билан ўзи ўйлаб топган эди. Арқонларнинг узун-қисқалиги ходаларнинг нишаб жойлашганига боғлиқ бўлиб, уларнинг юқорида айтилган нуқсонига барҳам беради. Бу арқонларга ишониб бўлмас, чунки улар қорамой билан мойланмагани учун узилиб кетиши мумкин эди; занжирлар ишончлироқ, мустаҳкамроқ эди-ю, аммо уларнинг ғалтақларда айла-ниши, сирғалиши мушкул.

Бир қанча хатою нуқсонларга эга бўлишига қарамай, бу мослама, яъни кўтарма кишини жуда ҳайратда қолдирадиган бир нарса эди, у ёлғиз бир одамнинг қўли билан барпо этилганига ишонгинг келмасди.

Келинг, бу таъриф-тавсифларни қисқартайлик. Шу нарса ўз-ўзидан аёнки, биз билимдон, синчков жишиларга кўп нарсалардан хабар берадиган, бироқ тажрибасиз китобхонларнинг тушунчасини чалғитиб юборадиган озмунча аниқ тафсилотларни тушириб қолдирмадик.

Пароход мўрисининг учи ўртадаги икки ходанинг қоқ ўртасига тўғри келарди.

Жильят ўзи билмаган ҳолда, беихтиёр, бундан уч юз йил муқаддам сальбрилик уста ясаганидек, ишлатиш хатарли бўлган жўн ва соддагина механизм қурганди.

¹ В и т р у в и й (эраимздан ав. I аср) — римлик архитектор. «Меъморлик санъати ҳақида» деган асарнинг муаллифи.

Шуни айтиш керакки, бу механизмни шунча камчилигино нуқсонларининг катта-кичиклигига қарамай, ҳар ҳолда, ишлатса бўларди. Оқсаса ҳамки, ҳаракатлана олади, ишга ярайди-ку. Римнинг авлиё Петр майдонидаги ҳайкал статиканинг барча қонуи-қоидаларига қарама-қарши ўлароқ ўрнатилган-ку, ахир. Подшо Петрнинг араваси ҳар онда ағдарилиб кетадиганга ўхшаса-да, бемалол югурарди-ку. Марли қишлоғида ўрнатилган машина¹да озмунча нуқсон бормиди! Унинг ҳар бир қисми қандайдир мўъжиза билан сочилиб жетмай турарди. Шундай бўлишига қарамай, у Людовик XIV га бемалол сув етказиб берарди-ку, ахир!

Нима бўлса ҳам, Жильят ўзи яратган бу кўтарманинг яроқлилигига ишонарди. Унинг ўз муваффақиятига ишончи комил эди, шу туфайли бир сафар қайиғига борганида худди Дюрандадагидек мўрнини тортиб боғлаб қўйиш учун қайиғнинг икки биқинига иккитадан ҳалқа қоқди.

Жильят пухта ўйлаган, аниқ режа тузиб қўйган эди, албатта. У ҳар хил тасодифларга учраши мумкин эди, шунинг учун ҳар қандай фалокатнинг олдини олиб қўймоқчи бўлганди.

Жильят сиртдан қараганда бефойда, бекорчи нарсаларни қилаётгандек эди-ю, аммо аслини олганда, тадбиркорлик қилаётганди. Унинг бу тадбирлари, юқорида баён қилганимиздек, ҳар қандай томошабинни, ҳатто энг билимдон кишиларни ҳам таажжублантириши эҳтимолдан холи эмасди.

Мана, масалан, шуни олиб кўрайлик, Жильят ҳаётини қил устида қолдириб, ўзи ясаган саккиз ёки ўнта катта-катта михни Дуврлар орасидаги дарага кираверишда қояларга минг машаққат билан қоққанини ўз кўзи билан кўрган кимса буни нима учун қилаётганини мутлақо ақлига сирдиrolмаган, эҳтимол, умуман бу бемаъни иш кимга, нимага керак, деб сўраган бўларди ўз-ўзидан.

Башарти ана шу кимса Жильятнинг тилка-пора бўлган кеманинг тумшуқ қисмидан бир бўлагини ўлчаб кўрганини, панжарани кемага маҳкам боғлаб, кейин унинг

¹ Гидравлик машина, саводсиз, ўз-ўзидан механикликни ўрганиб олган Ренкен Свальмнинг лойиҳаси бўйича Версаль яқинидаги Марли қишлоғига ўрнатилган, бу машина Версаль боғига, у ердаги фонтанлар ва саройга сув чиқариб берган.

илиниб турган ерини болта билан қандай чопиб узганини ва сув қайтиш вақтидан фойдаланиб уни дарадан сургаб чиқаётганини жўрса ҳайратда қолган бўларди. Шунда Жильят бу тахтаю ходалардан ташкил топган, солга ўхшаган улкан, эни дарага кираверишдан ҳам энлироқ бўлган кема бўлагини жон-жаҳди билан сургаб бораркан, пастдан унга тўлқинлар кўмак берарди. Жильят пароход бўлагини бир амаллаб сургаб келиб, Кичик Дуврга қоқилган михларга арқон билан боғлади. Бу ишларга жонли гувоҳ бўлиб турган кимса, агар Жильят Дувр қоялари орасида эркинроқ ва бемалолроқ ҳаракат қилиш учун атрофни тозаламоқчи бўлса, нега кема бўлагини денгизга қулатиб юбормади, уни тўлқинлар олиб кетарди-ку, деб ўйлаган, Жильятнинг ишита тушунолмаган бўларди.

Аммо Жильятнинг ўз ўйлагани бор эди.

Жильят Дуврнинг пастига мих қоқар экан, қоядаги ҳар бир ёриқ, ҳар бир ковакдан фойдаланди, лозим бўлганида уларни кенгайтирди, аввал ёғоч поналарни бу ковакларга киргизиб, ана шу поналарнинг ўртасига мих қоқди. У даранинг нариги бошида, кунчиқар томонида ҳам худди шундай қилди: ҳар эҳтимолга қарши, керак бўлиб қолар деб, у ҳар бир ёриғу ковакка ёғоч пона тикди-ю, аммо мих қоқмади. Қўлида бор нарсалар камлик қилгани, етишмагани сабабли уларни тежаб-тергаб, жуда зарур ергагина ишлаётгани сезиларди. Етишмовчиликлари қийинчиликларни янада орттирарди.

Бир ишни саранжом қилиб улгурмасидан, иккинчиси кўндаланг бўлиб турарди. Жильят фурсатни қўлдан бермай, бир ишни тугатгани ҳамон бошқасига киришарди, шундай қилиб, у катта жангга мардона ҳозирланаётганди.

IV

ИШ УСТИДА

Бу ишларни бажараётган кишининг қиёфаси қўрқинчли тус олганди.

Турли-туман ишларни бажараман деб Жильят бор куч-қувватидан айрилиб бормоқда эди; сарф қилинган қувватни қайта тиклаши қийин эди.

У тузукроқ овқатланмаётганидан тинка-мадори қуриб, дармонсизланиб қолган, озиб-тўзиб, соч-соқоли

патила-патила бўлиб ўсиб кетганди. Бисотида биттагина бутун кўйлаги қолганди. У оёқ яланг юрарди: кавушининг бир пойини шамол учуриб, иккинчисини денгиз оқи-зиб кетган эди. Гурсиллатиб болға урганида тош сандондан учган парчалар билакларини елкаларини шилиб кетган, бу унинг баданига машаққатли меҳнат босган муҳр эди. Бу жароҳатлар унчалик оғир бўлмай, енгил-елпи тирналиб шилинган бўлса ҳамки, совуқ шамол билан шўр сув тегиб, ачишарди, қийнарди.

Жильятга чанқоқлик, очлик ва совуқ азоб берарди.

Чучук сув олиб келган мўндиси аллақачон бўшаб қолган эди. Жавдар унинг бир қисмини ширач қоришга ишлатган, бир қисмини аллақачон истеъмол қилиб тугатганди. Бисотида озгина қоқ нони қолган эди, холос.

У қоқ ноннинг қуруқ ўзини ғажирди: уни ивигани қатра сув йўқ эди.

Кундан-кунга куч-қуввати аста-секин камайиб, мадори тугаб борарди.

Бу даҳшатли баҳайбат қоялар Жильятнинг жонини сўриб олмоқда, ҳаётини сўлитмоқда эди.

Сув топиб ташналикни қондириш бир азоб, бирон нима топиб қорин тўйдириш ҳам бир машаққат, бунинг устига, на уйқусида ҳаловат бор.

У қўлига денгиз қисқичбақаси тушиб қолгандагина овқатланар, қоя чўққисиди уймалашиб қолган денгиз паррандаларига кўзи тушиб, ўша ерда сув борлигини пайқаганидагина чанқов босди қиларди, холос. У ўша ёққа чиқиб, бирон чуқурчага тўпланиб қолган чучук сувдан ичарди. Жильят паррандалардан кейин, баъзан эса улар билан биргалашиб сув ичарди, чунки чайка ва қорабузовлар унга ўрганиб қолишган, ёнларида пайдо бўлиб қолганида ҳам ундан чўчимасдилар. Жильят очлигига қарамай уларга тегмас, зиён етказмас эди. Унинг бу жониворларга аллақандай хурофий кўз билан қараш китобхоннинг ёдида бўлса керак. Қушлар ундан ҳеч қочмасдилар; унинг сочлари ўсиб кетган, соқол-мўйлови кўнғироқ-кўнғироқ бўлиб, қиёфаси тамоман ўзгариб кетган эди, бу ҳолати паррандаларга хотиржамлик бахш этар, қушлар уни инсон эмас, бир ҳайвон деб билардилар.

Шу тарзда паррандалар билан Жильят дўстлашди. Улар ана шу оғир кунларда бир-бировларига кўмаклашардилар. Жильят ҳали жавдар уни бор эканида ўзи

тайёрлаган нои увоқларини қушларга берад, улар эса ўз навбатида унга чучук сув бор ерни кўрсатардилар.

Жильят моллюскаларни хомлигича еяверарди, шунда ташналиги бир оз қонарди. Денгиз қисқичбақаларини эса қозон-товони бўлмагани сабабли, Фероз оролидаги ваҳшийларга ўхшаб, ўтда қиздирилган тошга ёниб ерди.

Ёнингарчилик ҳам бошланди. Кишининг жони-жонидан ўтиб кетадиган, баданга игна каби санчиладиган совуқ, майда ёмғир бетиним ёға бошлади; бу ёмғирда усти-боши шалаббо бўлиб юрарди у. Бу ёмғир ичарга бир томчи ҳам сув бермас, фақат сувга ташланган бўлка нондек ивитарди, холос.

Осмон Жильятга ёрдам беришга бахиллик қилар, унинг бошига жулфат ёғдиришда эса сахийлик кўрсатарди. Кеча-кундуз сурункасига бир ҳафтадан ортиқроқ ёмғир қуйди. Бу ёмғир тақдири азалнинг Жильят бошига солган қаҳрли маломати эди.

Жильят шунчалик ҳолдан тойган эдики, тунда ётоғига чиқиб олгани ҳамон уйқуга жетарди. Катта-катта денгиз чивинлари галаланиб келиб унга ёпириллар, юз-кўзини чаққани-чаққан эди. У ҳамма ёғи шишиб кетган ҳолда уйғонарди.

У туни билан иситмалаб чиқарди, гўё бу иситма баданидаги ҳароратини сақлаб тургандек; бироқ иситма кишининг тинка-мадорини қуришиб, уни ҳалок қиладиган бир кўмакчи. Жильят беихтиёр бу сўқир тошлар ёриқларидан ўсиб чиққан қурбақасалла ва бошқа ҳар турли тахир ўтларни чайнарди. Шуниси ҳам борки, у ўз касалига унчалик эътибор ҳам бермасди. Ишдан қолиб, соғлиғи тўғрисида бош қотиришга вақти ҳам йўқ эди. Дюрандининг машинаси бус-бутун эди, ана шунинг ўзи унга кифоя, бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ.

У тез-тез сувга тушар, яна қуруқликка чиқар, бажараётган иши уни шунга мажбур қиларди. Одамлар ўз уйида бир хонадан иккинчисига қандай кириб-чиқиб турсалар, у ҳам қуруқликдан сувга, сувдан қуруқликка худди ана шундай жўнгина тушиб-чиқиб турарди.

Усти-боши ҳамма вақт жиққа ҳўл, қуруққа чиқса ёмғирда, денгизга тушса шўр сувга бўкарди. Хулласи калом, Жильят сувда яшарди.

Бунақа ҳаётга кўникиш мумкин. Юпин жийинган қари-қартанглар, оналар, ярим яланғоч ўғил ва қиз болалар қиш бўйи, очиқ ҳавода, бетиним ёмғир, қор остида

Лондон кўчаларида сарсон-саргардон бўлиб юрадилар: бир-бирларининг биқинига қисилишиб кечаларни титраб-қақшаб ўтказадилар, кўз очиб дунёга келгандан қора ер қаърига киргунларича қуруқ кийим кўрмайдилар.

Суяк-суягинггача сув ўтиб, нвиб-бўкиб юрсанг-у, айна вақтда бир қултум сувга зор бўлсанг, ташналик ўтида ёнсанг, бундан ҳам ортиқ азоб борми?! Жильят киши қулоғи эшитмаган ана шундай азобларга бардош берди. Чанқовини босиш учун камзулининг жиққа ҳўл енгини шимиган пайтлари ҳам бўлди.

Жильят ўт ёқарди-ю, исинолмасди; чор тарафи очиқ ерда ёқилган ўтда исиниб бўлмайди: бир биқинингни аланга қиздирса, иккинчи биқинингни совуқ тешиб юборгудек бўлади.

Жильятнинг бир биқини жиқ-жиқ терга ботса, иккинчи биқини совқотиб, қалт-қалт титрарди.

Бутун борлиқ Жильятга дамини ичига ютиб, сужунат ичра шафқатсизларча қаршилик жўрсатарди. Жильят ўзини душман қароргоҳига кириб қолгандек ҳис этарди.

Атрофидаги жонсиз табиат қовоғини уйиб, мен ёрдам беролмайман деяётгандай совуқ тикиларди. Унинг безрайганча қотиб туриши эса машъум фалокатдан огоҳлантиришдек бир гап.

Жильят чек-чегарасиз адоват қуршовида қолган эди. У, юқорида айтганимиздек, бир томондан ўтда эти куяр даражада исинса, айна пайтда совқотиб қалтирар, сувга тушиб музларди. Ташналик азоб берса, шамол уст-бошини юлқиб пора-пора қилар, очлик эса ошқозонини тирнарди. Ана шундай қилиб, Жильят ўзига қарши бир ёқадан бош чиқариб шиддатли жангга отилган қора кучлар галаларининг ҳамласига бардош қилди. Сиртдан қараганда эътиборсиздек кўринган, аммо аслида тушуниб бўлмайдиган, ёвуз бир ният билан маккорона тил бириктирган сон-саноқсиз тўсиқлар тўрт томондан Жильятнинг устига бостириб келарди. У ана шу душманнинг бир қадам ҳам ортга чекинмай шафқатсизларча таъқиб этаётганини, бу таъқибдан асло қочиб қутулолмаслигини фаҳмлар, ҳис этарди. Табиат гўё тирик жондорга ўхшарди. Жильят унинг саркашлигини, ўзига бўлган нафратини, ҳар қадамда уни ҳалок этмоқчи, минг балога гирифтор қилмоқчи эканини сезиб турарди. Бу фалокатлардан қочиб, эсон-омон қутулиш унинг ўзига

боғлиқ эди, лекин у шу ерда қолди, табиатнинг ақл бо-вар қилолмайдиған адоватларига қарши курашди. Жильятни бу ердан қувиб юборолмаған қора кучлар уни қийноққа олиб, қаддини бука бошлади. Шундай қилаётган ким эди, ахир? Бу ғойибдан келған кучлар эди. Бу адоват кучлари оёғи остидаги заминни ларзага келтирар, нафас олгани қўймай бўғар, азоб берарди. Уни ис-канжата олаётган азоблар қисқичининг сирли бурови эса кун сайин қаттиқроқ қисилиб борарди.

Ана шу кўйи Жильят маккор ғаними билан яккама-якка олишаётганди.

Ўзаро тил бириктириб олған қора кучлар уни қуршаб олгандилар. Жильят бу кучлар уни ҳалок этишга аҳд қилғанларини, сурилиб бораётган музлик ўз йўлида уч-раған баҳайбат тошларни четга суриб ташлаганидек, уни улоқтиришга қарор қилғанларини, суиқасд уюштир-ғанларини фаҳмларди.

Суиқасдчилар зимдан ҳаракат қилиб, унинг уст-бо-шини узиб-юлқиб, аъзойи баданини тилиб-тирнаб, яра қилиб ташладилар, тинка-мадорини қуришиб, ҳолдан тойдирдилар, жанг бошланмай туриб уни сафдан чиқар-моқчи бўлдилар, лекин Жильят ишни сусайтирмади, ақалли нафасини ростлаш учун ҳам дам олмади; иши аста-секин униб, куч-қуввати эса тугаб борарди. Бунга кўзи тушған кимса, ваҳший табиат инсон ақли-закова-тидан даҳшатга келиб, уни ҳалок этиш пайига тушған, деб ўйлаши мумкин. Жильят ҳам таслим бўлмас, қулай пайт пойларди. Ваҳший табиат ўз ҳамласини унинг соғ-лиғини йўқотишдан бошлаган эди. Энди у қандай най-ранглар кўрсатаркин?

Бепоён денгизга тузоқ қўйған чағиртошлардан ибо-рат бу аждаҳо — икки қатор саф тортған Дувр қоялари ўзини ювошликка солиб Жильятга бағридан жой берди, ўрнашишга, шу ерда ишлашига ижозат берди, Жильятга марҳамат кўрсатған Дуврлар баҳайбат оғзини каррак-дек очиб турған аждаҳонинг жағларига ўхшарди.

Инсон учун саноқсиз тўсиқлар кони бўлған бениҳоя сув саҳролари, бепоён бўшлиқ, ўз навбати билан бирин-кетин содир бўлиб турған табиий ҳодисалар, даҳшатли сукунат, сув кўтарилиши ва қайтиши — бу ўзгармас, қатъий улуғвор бир қонун; сув ости қоялар — сув бағ-рини йиртиб чиққан қояларнинг порлаб турған юлдуз-ларни эслатувчи ҳар бир чўққиси атрофга тўлқинларни

йўллаб турувчи марказ; жонсиз табиатнинг бир жондорнинг жасоратига қарши махфиёна, унсиз тил бириктириб суиқасд уюштириши; уни қуршаб олган қиш, булутлар, денгиз — буларнинг ҳаммаси чор атрофдан Жильятга ҳамла қилар, аста-секин шамол исканжасини тобора қиса бориб, маҳбусни ташқи оламдан ажратиб турадиган зиндоннинг деворларидек, уни тириклар оламидан ажратиб бормоқда эди. Бутун борлиқ унга қарши; Жильятга кўмак берадиган, унинг ёнини оладиган ҳеч нарса, ҳеч кимса йўқ; ёлғиз, қаровсиз; тинка-мадори қуриган, озиб-тўзиб кетган, ҳолдан тойган, унутилган бир кимса эди у. Унинг бисотида қуп-қуруқ саватию синган, ўтмаслашиб қолган асбобларидан бошқа ҳеч вақоси қолмагани. Унинг бадани қақшаган, заҳил, аммо кўзлари ўт каби чақнаб турарди.

Бу мағрурона чақнаб турган ўт ирода тимсолидир. Инсоннинг кўзлари шундай яратилганки, улардан эгасининг хислат-фазилатлари, қадр-қиммати яққол кўриниб туради. Кўзларимизда, нигоҳимизда бизнинг қанчалик инсоний сифатларга эга эканлигимиз намоён бўлади. Биз ўзимизнинг кимлигимизни нигоҳимиздаги чақнаб турган ўт билан намоёиш қиламиз. Пасткаш, разил кишиларнинг кўзлари нурсиз бўлади, қалби пок, самимий кишиларнинг кўзларидаги ўт яшиндек порлаб туради. Агар киприклар орасида ўт чақнамаса, демак бу одамнинг миясида ҳеч қандай мақсад — ўй йўқ, унинг қалби бўш, тошбағир бўлади. Қимки севса, юрагида муҳаббат ўти чақнаб турса — унинг қалбида беҳисоб эҳтирос, орзу-истак чарх уради, кимники қалбида орзу-истаклари, эҳтироси бўлса, юз-кўзидан нур ёғади, нигоҳи ўт каби чақнайди. Жасорат киши нигоҳига ўт бағишлайди; бундай ажойиб ўт дадил фикрлар гулханини алангалатади.

Одамлар сабот-матонатли, олижаноб жондордир. Кимнинг ҳиссасига фақат жасурлик тушган бўлса, у сергайрат, кимнинг пешонасига биргина шон-шавкат, қахрамонлик битилган бўлса, у шашти тез, тажанг бўлади, кимгаки тақдир фақат мардлик эҳсон этган бўлса, у шуҳрат қозонади, холос; гайрат, тиришқоқлик билан ҳақиқатга эришган кимсагина буюк, олижаноб одам бўла олади. Инсон улғвор қалбининг бутун сир-асрори: *Persverando*¹ иборасида мужассамлашган, ўз ифода-

¹ Сабот-матонатли бўлмоқ (испанча).

сини топган. Ричагга гилдирак қанчалик зарур бўлса, мардлик, қаҳрамонлик учун сабот ва матонат шунчалик зарурдир; бу таянч нуқтасининг муттасил янгилиниши, ўзгариб туришининг манбаидир. Кўзланган мақсад хоҳерда бўлсин, хоҳ осмонда бўлсин, унга эришмоқ масаланинг моҳиятидир; кўзланган мақсад ерда бўлса инсон Колумбга, кўкда бўлса Исога ўхшаб қолади. Санам — бу умидсизликка, ножўя ишларга чорлайди; ўз виждони билан ҳисоблашмаслик, ўз эрк-иродасини букиш — бу дунёда азоб-уқубатларга кўниб, охиратда зафар топмоққа бўйин эгмоқ демакдир. Руҳий ва маънавий тушкунлик юксакларга парвоз этишни инкор этмайди. Тушкунликка учраган кимса яна қаддини ростлаши, юксакларга парвоз этиши мумкин. Уқувсиз, занф, қатъиятсиз кишилар ҳар қандай қийинчиликка учраганда осонгина чекинишга, таслим бўлишга тайёр, аммо матонатли, саботли кишилар ҳеч қачон бундай қилмайди. Улар мағлубиятдан кўра кўпроқ ғалабага ишонадилар. Авлиё Стефанга ҳар қанча оқилона далиллар келтириб, уни эҳтиёткорликка, тошбўронга учрамасликка даъват этиш фойдасиз. Эҳтиёткорлик ва тадбирлиликдан ҳазар қилиш, ундан нафратланиш азоб-уқубатларга йўлиққан мағлубларни зафарга олиб боради.

Жильят жонини жабборга бериб, қўлидан келмайдиган мушкул ишни бажаришга интилаётганга ўхшарди, у бу ютуқларга осонлик билан эришаётгани йўқ, ана шу арзимаган ишларни бажариш учун жуда кўп куч-қувватини сарфламоқда; уни юксакларга кўтараётган, унга қандайдир фожиали улуғворлик бахш этаётган нарса ҳам ана шу эди.

Ҳалоқатга учраган кема тепасига тўрт ходани ўрнатиш, кеманинг сақлаб қолиниши керак бўлган бўлагини қирқиб, қолган қисмидан ажратиб олиш, бу бўлакни юқоридаги ходаларга осилган кўтарма арқонларга маҳкамлаб боғлаш учун озмунча тайёргарлик жўрмади, озмунча тер тўкмади у, бунинг учун Жильят ҳазилакам изланмади, чағиртошларда озмунча кечани, ҳолдан тоғиб, тинка-мадори қуриб озмунча кундузларни азоб билан ўтказгани йўқ! Елғиз ўзи ишлаган кимса ана шунақа азоб-уқубатларга гирифторм бўлади. Машъум сабаб муқаррар шундай оқибатга олиб келади. Жильят бу азобларга рози бўлдигина эмас, балки уқубатларни ўз хоҳиши билан истади. У ёнига кўмакчи олишдан чўчиди,

чунки кўмакчи ҳар онда рақибга айланиб кетиши мумкин, шунинг учун ҳам Жильят ундан воз кечди. У, бу юмушларнинг бари оғирлигини: қулоқ эшитиб, кўз кўрмаган даражада оғир иш — кўтарма қуришни, унинг хавотирлигию хавф-хатарини, кети-охирини йўқ, янгидан-янги чиқиб келаётган юмушларнинг оғирлигини ўз устига олди; у ҳалокатга маҳкум этилган нарсани қутқазиб йўлида ўзини қурбон қилишга тайёр эди, бу йўлда очлик, иситма, муҳтожлик, ҳар қандай қийинчилик, ноумидлик ва ночорликни енгишга, бардош беришга тайёр эди. Худбинликнинг кишини танг қолдирадиган ажиб кўринишлари бу!

Жильят аллақандай ваҳимали пневматик қўнғироқ остида турганга ўхшарди. У аста-секин яшаш қобилиятини йўқота бормоқда. Лекин у буни деярли сезмасди.

Жисмоний ҳориш иродани буколмайди. Ишончу эътиқод — иккинчи даражали кучдир; биринчи ўринда ирода туради. Ирода қудрати олдида ишонч, эътиқод ҳеч гап эмас. Жильятнинг чидами-саботи унинг йўқолиб бораётган соғлигини тўлдирарди. Ўзбошимча табиат сиқуви остида унинг танаси кучсизлана, заифлаша борса ҳам, бироқ қалб ҳарорати, иродаси тобора кучая борарди.

Жильят энди чарчоқни ҳис этмас ёки, чамаси, ун тан олгиси келмас эди. Тана заифлигига бўш келмайдиган, унга бўйин эгмайдиган руҳий кўтаринкилик, ирода — зўр куч.

Жильят иши олға босаётганини кўриб турар, ундан бошқа нарсани хаёлига ҳам келтирмасди. Ўзи тушунмаган ҳолда у бахтсиз эди. Етай деб қолган мақсади бошқа ҳар қандай нарсани четга сиқиб чиқариб қўйган эди. У фақат биргина: олға! — деган фикрнигина ўйлаб, барча азоб-уқубатларга бардош берарди. Ўз ижоди бошини айлантириб қўйган эди. Ғалабага интилиш кишини сархуш қиладиган бир нарса. Руҳий кўтаринкилик кишини маст қилади. Бундай мастлик қаҳрамонлик демакдир.

Жильят океан Иови эди. Иов бўлганда ҳам, жангчи Иов, мусибат-фалокатларга қарши курашувчи Иов, ғолиб Иов эди, денгиз қисқичбақаси ва чиғаноқлар билан кун ўтказаётган бу бечора бир денгизчини Иов Прометей десак ҳам бўларди.

ЗУЛМАТДА

Баъзан Жильят кечалари уйғониб кетиб, қоп-қоронги зулматга тикиларди. У ўзининг аллақандай ғалати ҳаяжонланаётганини сезар, атрофини ўраб олган зулмат чодрига тикилиб қолар, вужудини нохушлик, ваҳима қамраб оларди. Тун зулмати унинг кўнглига ғашлик соларди.

Кўк гумбази қоп-қора; тубсиз, қуюқ зулмат; зулмат ичра хира нурлар милтиллайди; бу нурлар майдалашиб чанг, кукунга айланган. Эҳтимол, у ҳаёт уруғларидир? Балки хок ёки кулдир? Ҳеч нимани ўз нури билан ёритолмайдиган миллионларча шамлар, ўз сирларини махфий тутган, тубсиз, чегарасиз бўшлиқда милтиллаб турган нуқталар сочилиб кетган ўт учқунлари галасига ўхшар, улар сочилган, борган ерида қотиб қолгандек туюларди, тун қуюндек шижоатли ҳаракатда, сағанадек осойишта, ечими бепоён бўшлиққа уланиб кетган жумбоққа, зулмат қўйнига чўмган, гоҳ жамолини кўрсатувчи, гоҳ яширувчи бир топишмоққа ўхшайди бу тун. Буларнинг бари одамни эзади, исканжага олади.

Бу тунда жамики мавжуд бўлган сирлар: коинот сирлари билан тақдири азал, илоҳий сирлар қўшилиб-чатишиб кетган; буларни англамоққа инсон ақли-идроки ожиздир.

Зулмат одамлар қалбига турлича таъсир этади. Инсон тун қаршисида ўзининг ожизлигини, камолотга етмаганини сезади, фаҳмлайди. У зулматни кўриб, ўзининг қудратига ишончсизлик билан қарайди, ўзини кучсиз ҳис этади. Қоп-қоронги осмон гумбази остида у бир кўрдай. Инсон тун билан тўқнашганида умидсизликка тушади, унинг қаршисида тиз чўкади, ер ўпиб таъзим қилади, уясига биқиниб олади ёки қанот пайдо қилиб, қочмоққа юзланади. У доимо кўзга кўринмайдиган кучдан қочмоққа тайёр. Ўзи нима гап, бу нима ўзи?— деб сўрайди у ўз-ўзидан. У титраб-қақшайди, бошини ҳам қилади, эсанкираб қолади; баъзан эса хаёл уни ўша ёққа судрайди.

Ўша ёққа? Қаёққа ахир? У ёқда нима бор?

Чамаси, одамда қизиқиш, кириш маи қилинган, йўллари тўсиб, кўприклари бузиб ташланган оламга кириш иштиёқи туғилади. Бу поёнсиз оламнинг дарвозаси умр-

бод берк. Кириш ман этилган олам эса тубсиз бўшлиқ бўлиб, у одамни ўзи томон чорлайди. Инсон қадами етиб боролмаган ерларга нигоҳи етиб бора олади; нигоҳ ета олмаган жойга фикр-ўй бора олади. Инсон боласи, у қанчалар ожиз бўлмасин, барибир бунга дадил интилади. Инсон, ўз табиатига қараб, тун сирларини ё фаҳмлашга, тушунишга уринади, ёхуд ҳеч бўлмаганда уни мушоҳида қилади, кузатади. Баъзилар учун тун — тўсиқ бўлса, бошқалар учун бағри кенг бўшлиқ, эркинликдир. Умуман олганда тун зимистон бир томошахона. Киши ақли бовар қилмайдиган сеҳрли сирлар олами.

Тун қанчалик ойдин бўлмасин — барибир у қат-қат зулмат пардасига чулганган. Чексизлик айна вақтда ҳам қаршилиқ кўрсатади, ҳам бўйсунди, тажрибага қаршилиқ қилса, жумбоқларни ечишга имкон беради. Милтиллаб турган нуқталар қанчалик беҳисоб бўлса, зулмат шунчалик қуюқ кўринади. Кўк юзида сон-саноксиз юлдузлар ёқутдек порлайди, майда учқунлардек милтиллайди; улар инсон боласини даҳшатли олишувга чорлаётганга, қани, ёнимга етиб келиб, қўлларинг билан ушлаб кўрчи, деяётганга ўхшайди. Қонот яратган, ибтидосию интиҳоси йўқ бўшлиқнинг эни, бўйи ва чуқурлигини ўлчовчи мўъжизавий ўлчагичлар дейсиз буларни. Ана зиғирдеккина бир нуқта йилтираб турибди, унинг ёнида иккинчиси, учинчиси ва бошқалари тизидишган: улар кўзга аранг кўриниб турса-да, аслида жуда улкан, баҳайбат. Милтираб турган бу ёғду ҳар томонга майда учқунлар сачраб турган темирчи кўрасига ўхшайди, бу кўра — юлдуз, бу юлдуз — қуёш, қуёш — бир олам дмакдир, олам эса ҳеч нимага, бўшлиққа айланади. Чексизлик, мангулик олдида ҳар қандай миқдор ўзининг улканлигини, баҳайбатлигини йўқотади.

Бундай оламлар ҳақиқатан бор... Бунга ишонч ҳосил қилган одам «ҳеч нима» билан «бўлмаслик» иборалари орасидаги фарқни англайди.

Осмон тушуниб ҳам, тушунтириб ҳам бўлмайдиган мавҳум бир олам.

Осмон мўъжизаларини томоша қилиш, кузатишнинг гашти бўлади, унга боқиб ҳайратда қоласан, дилу баҳринг очилади.

Бирон нарсадан лаззатланиш, ҳаяжонланиш фақат инсонгагина хосдир; ҳайвонлар бу фазилатдан маҳрум.

Инсон ақлу заковати даҳшатли дамларда ўз почорлигини, ожизлигини, ўз куч-қудратини англай олади.

Тун зулмати бу бир бутун, яхлит, шу билан бирга мураккаб бир нарса; бу яхлитлик кишини ҳаяжонга солади, уни титроқ босади, бу яхлитлик, бирлик бизнинг ақлимизга чанг солиб, қаршилик кўрсатишга бўлган эрк-иродамизни кишанлаб қўяди. Унинг мураккаблиги эса кишини чўчитади, тўсатдан ҳужум қилинадигандек теварак-атрофга олазарак бўлиб қарашга мажбур этади. Одам таслим бўлади, аммо шунда ҳам ҳушёр тортиб, сергак туради. Тун зулмати ўз оғушида турли-туман ҳодисалар ва воқеаларни ардоқлайди, у маккор — шунинг учун ҳам инсон унга ишонмайди, у ҳар бир нарсадан хабардор — шунинг учун ҳам унга рўбарў келганда инсон бўйин эгади, қуллуқ қилади. Зулматнинг яхлитлиги, бир бутунлиги остида кўп маънолар яшириниб ётади. Бу сирли маънолар материяда ўз аксини топади, онгимизда гавдаланади. Ана шуларнинг бари сукут сақлайди, бу эса инсонни сергакликка даъват этади.

Тун — шу асар муаллифи юқорида қайд қилиб ўтгандек — биз бир зарраси бўлган оламнинг табиий ва қонуний бир ҳолати. Кундуз эса коинот қўйнида чақнаб ўчадиган юлдуз.

Коинотда содир бўладиган тунги мўъжизалар ҳеч қандай қаршиликсиз, хамирдан қил суғургандай силлиқ-қина рўй бермайди, олам машинасидаги ҳар қандай ишқаланиш, қаршилиқ ҳаётни жароҳатлайди, шикаст еткази. Шунинг учун ҳам коинот механизмидаги бундай қаршилиқ, ишқаланишни биз фалокат ва ёвузлик деймиз.

Зулмат ёвузлик, фалокат ва балоларни ўз чодрасига ўраб олганини сезамиз, бу гўзал ҳаёт тартиб-қоидаларининг пинҳоний раддиясидир, бу эзгу мақсадга бўйсунмайдиган далилларнинг шаккоклигидир. Фалокат ва ёвузлик минг турли қиёфага кириб, коинот, олам узвийлигига путур еткази, раҳна солади. Ёвузлик ва фалокат ҳар ерда, ҳар қадамда қаршилиқ қиёфасида йўлингизга кўндаланг бўлади. У — кема йўлини тўсиб чиқувчи довул; у — ўн саккиз минг оламнинг гуллаб-яшнаши, равнақиға тўсқинлик қилувчи, уни ўз домига тортувчи жаҳаннам. Яхшилик танҳо, ягона ва бир бутун бўлса, ёвузлик ҳар ерда ҳозир у нозирлиги билан ажралиб туради. Ёвузлик ва фалокат ягона маъниққа, мувофиқлик-

ка эга бўлган ҳаёт оқимини бузадн. У қушларни пашшаларни ютишга, кометани сайёрани емиришта мажбур этади. Фалокат ва ёвузлик—коинот чеҳрасидаги бир доғ.

Тун зулмати киши ақли-идрокини чалгитади, хиралаштиради. Зулмат чодрасига — тузоғига тушган одам ўзини ҳар ёққа уради, борган сайин ўралашиб-чирмашиб қолади. Оламда ҳеч нарса зулматнинг сирн-асрорини ўрганишдан кўра ортиқроқ толиқтира олмаса керак. Бу — тутқич бермас нарсани текшириш демакдир.

Зулматда ақл таяниб иш кўрадиган нарса бўлмайди. Зулмат қўйнида бир вақтнинг ўзида туғиладиган бир-бирига қарама-қарши чалкаш хулосалар, турли-туман шубҳа, гумонлар ичида қоласан киши; номаълум, тушуниб бўлмас кучлар тазйиқи остида муттасил парчаланиб турадиган оламлар кўпая боради; минералларни — йўқолиб жетмасликка, ўсимликларни — яшамоққа, фикр, тафаккурни — салмоқли, муҳим, муҳаббатни — ёрқин, ҳароратли бўлишга, тортиш кучини мойилликка мажбур этувчи ҳаёт қонунлари бир-бировига қўшилиб-қоришиб кетади; чексиз қоронғиликда тобора авж олиб, ривожланиб бораётган жумбоқли, мавҳум саволу масалалар кенг фронт бўйлаб ҳамла қилади, қуршовга олади; зулмат ичра кўзга кўринмас, ғойиботлар оламига дуч келинади; хулласи калом, туннинг қора чодрасига тикилиб чек-чегараси йўқ тумандек бўшлиқ — фазони, коинотни кўз билан эмас, ақл билан кўрасиз; ақл кўзгуси билан кўзга кўринмас нарсаларни фаҳмлайсиз. Зулмат шунақа. Пастда, зулмат гумбазининг остида инсон гимиллаб юради.

Одам алоҳида-алоҳида ҳодисаларнинг ҳаммасини билавермайди, аммо у миясига сиққан, ақли бовар қила оладиган яхлитликларни билади. Зулматдан жабр тортган холдейлик чўпонлар астрономия билан шуғулланганлар. Олам барпо бўлган даврдан буён турли-туман нарсалар ўз-ўзидан кашф этиб келинган; илм-фаннинг беихтиёр ўса бориши натижасида унинг оқаваси энг жоҳил киши онгига ҳам таъсир эта борган. Ҳар қандай қаландар ёки дарвиш ҳам табиат таъсири остида кўпинча, ҳатто буни ўзи фаҳмламагани ҳолда, ҳақиқий файласуф бўлиб қолиши мумкин.

Зулмат бўлинмас, яхлит нарсадир. Унинг бағрига умрбод ўзгармас, айни вақтда ўзгариб, тусланиб турадиган нарсалар маскан қурган. Унинг нимасидир ҳара-

катланади, бу эса қўрқинч уйғотади, хавотирлик қўзғатади. Бу ерда муқаддас ижод ўзининг барча босқичларини босиб ўтади. Яратувчилик ижод кучлари, тақдири азалу толе кучлари бу ерда бир ёқадан бош чиқариб, биргалашиб улуғвор бир иш устида заҳмат чекишади. Зулмат қўйнида даҳшатли, кишини чўчитадиған ҳаёт яшириниб ётади. У ерда ёритгичлар чексиз бўшлиқ узра сузиб юради, юлдузлар милтиллайди, тўда-тўда бўлиб сайёралар чарх уриб айланма, бурама йўллар орқали ҳаракатланади, буғланиш, қутбланиш, сайёраларнинг ўзаро тортишиши — буларнинг ҳаммаси табиат қонуни; бепоён зулмат қўйнида сайёралар бир-бирини ўзаро тортадилар, бир-биридан қочадилар, фазовий кучлар гоҳ камайиб, гоҳ ортади. Осмон жисмлари ҳаёт манбаидир, улар ташқи оламга нур сочадилар, зулматда фазо кўксиди янги пайдо бўлаётган осмон жисмларининг беҳисоб атомлари адашиб-улоқиб юради, улар қийшиқ-қинғир бурама излар қолдиради, у ерда туркум-туркум бўлиб бирлашишлар, ўзаро жанглар содир бўлади. У ёқда жисмлар қулоқ эшитмаган даражада сон-саноқсиз, бари муттасил ҳаракатда, улар ақл бовар қилолмайдиган улкан масофаларни бир зумда босиб ўтади, оламлар чексизлик, бўшлиқ сари шиддат билан интилади, қоронғилик гирдобиди мўъжизалар бир-бировини таъқиб этиб юради, буларни умрбод, абадил-абад тўхтамайдиган механизм дейсиз, ўз орбитаси бўйлаб ҳаракатланиб, айлана ҳосил қилиб бетўхтов сузиб юрган сайёралар эса унинг ғилдиракларига ўхшайди. Шуларни ўйларкан, олим фараз қилади, сирларини тушуниш ва ечишга интилади, жоҳил одам эса буларнинг фаҳмига етолмай бўйнини хам қилиб, бошини қашлайди, сарак-сарак қилади; буларнинг бари мавжудот, лекин тутқич бермайди, уларни қўл билан ушлаб, оғиз билан мазасини тотиб бўлмайди. Бунга имони комил бўлган инсон ўзини жуда заиф, ночор, ҳеч нарсага қўли етмайдиган ҳис этади. Унинг елкасидан зулмат аралаш аллақандай оғир юклар босиб турганга ўхшайди. У ҳеч нарсани англолмайди, бир нимани қўллари билан ушлолмайди. Ана шу сезилмас, кўзга кўринмас юк остида эзилади, мағлуб бўлади.

Қаёққа қараманг, атрофингизни тушуниб бўлмайдиган мавҳумотлар ўраб олган; аммо ақлга сиғмайдиган нарса ҳеч ерда йўқ.

Буларнинг бари худонинг барҳақлигидан далолат эмасмикин?

Инсон зулмат пардасига ўраб-чирмаб ташланган, у жаҳолат ботқоғига ботиб қолган. Аммо у кўради, эши-тади.

Ер курраси муттасил ҳаракатда, бетўхтов айланиб туради; ҳатто ўсимлик, гуллар бу абадий ҳаракатни ҳис этади, сезади: тун гўзали деб аталувчи гул кечаси соат ўн бирда, зарпечак эса эрталаб соат бешда барг ёзади. Кишини таажжубда қолдиради бу аниқлик!

Ёки бошқа бирор нарсани чуқурроқ, синчиклаб текшириб кўрайлик: масалан, бир томчи сувни — у ўзгача бир олам, бу оламда беҳисоб ҳужайралар ҳаракатда, микроскопда аранг кўринадиган жониворлар кишини ҳайратда қолдириб, бетўхтов кўпайиб туради, савлат тўкиб ўзларини намойиш қиладилар, бу ерда ҳам тинимсиз ҳаракатни кўрасиз; биргина диатомеянинг ўзи бир соат ичида кўпайиб бир мингу уч юз миллионга етади.

Бир оннинг ўзидаёқ қанчадан-қанча жумбоқ туғилди-я!

Бу жумбоқларни соддалаштириб, осонлаштириб бўлмайди.

Инсоннинг ишонмай, эътиқод қилмай иложи йўқ, у шунга маҳкум этилган. У мажбуран бирон нарсага ишонади, эътиқод қилади—оқибат шунақа. Лекин биргина ишонч-эътиқоднинг ўзи — хотиржамлик учун кифоя эмас. Ишонч, эътиқодни қандайдир бир шаклга солишга тўғри келади. Шундай қилиб, дин вужудга келади. Эътиқоднинг ноаниқлиги эса руҳий эзилишга, тушкунликка олиб боради.

Бизнинг ўй-мулоҳазаларимиз, иродаимиз, ички кечин-маларимиздан қатъи назар, зулматга тикилиш — бу шунчаки тикилишгина бўлиб қолмай, балки уни кузатиш, мушоҳада қилиш демакдир.

Рўй бериб турган бу ҳодисаларга нисбатан қандай муносабатда бўлмоқ керак? Уларнинг бевосита таъсири остида қандай яшамоқ лозим? Уларнинг зулмини барбод этиш қўлимиздан келмаса. Қандай қилиб биз, ҳаслан бўлса ҳам, ён-теварагимизда муаллақ сузиб юрган афсонавий, сеҳрли оламларни яқинроқдан кўра оламиз, улар билан тузукроқ таниша оламиз? Шунда бирваракайига қанчадан-қанча ноаниқ, мужмал янгиликлар очган бўлардик! Улар шунчалар беҳисобки, ҳар қайсисининг

маъно-мазмунини англаб ололмаймиз, бунга улгурол-маймиз, бизга чап бериб, ғойиб бўлиб қолади улар. Ўзининг мавжудлигидан дарак бераётган ҳақиқатнинг жарчиси, чопаридир бу! Зулмат — бу сукунат, аммо у сермазмун, чуқур маънога эга. Бу сукунат узра ўн саккиз минг оламга тенг таъсир кўрсатувчи куч — худо ўз улуғворлигини, қудратини намойиш қилади. Худо — чегараси йўқ, бепоён бир тушунчадир. У инсоннинг ўзида, унинг қалбида яшайди. Диний баҳс-мунозаралар, турли хулосалар, худога шак келтирадиган, уни инкор этадиган фикрлар уни камситолмайди, унга путур етказа олмай, четлаб ўтиб кетаверади. Поёнсиз зулмат ундан далолат беради, у ҳақда тушунчага эга бўласиз, уни тасаввур этасиз-у, бироқ изтироб чекканча, гангиганингизча қолаверасиз. Коинотнинг сеҳрли сирлари кўнглингизга даҳшат солади, ваҳима тугдиради. Бутун коинот, борлиқ поёнсиз бўшлиқ узра муаллақ сузиб юради, биронтаси қуламайди. Бу эса оламдаги жамики кучларнинг бирлигидан далолат беради. Осмон жисмлари, сайёралар бир он ҳам тўхтамай, узлуксиз ҳаракатланиб, бир жойдан бошқа ёққа кўчиб юраркан, бу ҳаракат даврида на тасодифий фалокат ва на хатарли тўқнашув содир бўлади. Инсон ҳам ана шу ҳақма вақт илгарилаб борадиган ҳаракатда иштирок этади, ўз бошига тушган, ўзи дучор бўлган фалокат ва ҳодисалар йиғиндисини у тақдир деб атайди. Тақдирнинг ибтидоси қаерда, қаердан бошланади у? Табиатнинг интиҳоси қайда, қаерда тугайди у? Ҳодиса билан вақт, мусибат ва фалокат билан ёмғир, саҳоват билан юлдузлар орасида қандай фарқ бор? Бир соат деганимиз — денгиз тўлқинларининг ўзгинаси эмасми, ахир? Буралган соат механизми одамдан сўраб-суриштириб ўтирмай ўз юришини давом эттираверади. Осмонда ҳам худди шундай-ку, сайёралар ғилдирак каби айланади, соат каффири каби ҳаракатланади, уларнинг ҳам мувозанатни сақлайдиган посонгилари бор. Инсон бундан ҳеч нима англолмайди, у ўзини бандидек ҳис этади. У зулмат ҳукмига бўйин эгади. Бундан қочиб қутулолмайди. У коинот механизми тишли ғилдирагининг ажралмас бир қисмидир, у номаълум, кўзга кўринмас яхлитликнинг ажралмас бир бўлагидир, у танасидаги аллақандай кучларнинг сиртқи оламдаги кўзга кўринмас кучлар билан бирлашиб кетганини ҳис этиб, сезиб туради. Бу ўлим аломати, ажалдан нишонадир. Қанча-

лар совуқ, қанчалар таажжуб бу! Чексизлик билан қўшилиб-чаттишиб кетиш, умр бəқийликка, — ким билади дəйсиз! — эҳтимол, мангуликка олиб борар; коинотнинг бу ажойиб ҳаёти оқимда сузиб, «мен»нинг мангу яшашини ҳис этиш кишини таажжублаптириб, шодлантirmайдим, ахир! Юлдузларга тикилиб: «Мен — одам, сизга ўхшаган абадийман!» — деб такрорлагинг, зулматга тикилиб туриб: «Мен — сен каби бепоёнман!» — дегинг келади қайта-қайта.

Ана шу поёнсиз бўшлиқ, чексизлик Тундир.

Бу бўшлиқ, қоп-қоронғи зулмат Жильятни эзар, унда ёлғизлик ҳиссини янада орттирарди.

Буни тушунардимми у? Йўқ.

Буни сезиб, ҳис этардимн? Ҳа.

Жильят ўткир ақл, улкан ва покиза қалб эгаси эди.

VI

ЖИЛЬЯТ ҚАЙИҒИНИ ЖАНГГА ҲОЗИРЛАЙДИ

Жильят бажармоқчи бўлган иш, яъни кема машинасини қутқариш, илгари айтиб ўтганимиздек, турмадан қочиш билан баробардир, бундай мушкул ишни амалга ошириш учун озмунча чидам, сабр-тоқат керакми. Бундан ташқари ижодкорлик, ихтирочиликни талаб этади бу иш. Бу истакни амалга ошириш учун мўъжизавий ихтиролар яратиш, ўлим азобига чидаш лозим. Фаришта Мекоил қўрғонига қамаб қўйилган Томас номли бир банди деворни тешиб, ундан чиққан тош ва тупроқни бир амаллаб похол тўшаги ичига яширган. 1820 йили Тюль турмасидаги маҳбуслардан бири бандиларни очик ҳавога олиб чиқиладиган ердаги томдан бир парча қўрғошинни кесиб олган. Уни қанақа пичоқ билан қирққан? — Ҳеч ким билмайди. Кейин у ўша қўрғошин парчасини эритган. Уни эритиш учун ўтни қаердан топган? — Бу ҳам номаълум. Эритилган қўрғошинни эса қолипга қуйган. Қанақанги қолипга денг — нон мағзидан ясалган қолипга. У қулф тешигидан бўлак нарсани кўрмаганига, унинг ички тузилишидан беҳабар бўлишига қарамай, ана ўша қолип ёрдамида қўрғошиндан калит ясаб, қулфни оча олган. Жильят ҳам худди ўшалардек қулоқ эшитмаган, ақл етмайдиган эпчиллик, моҳирлик истеъдодига эга эди. У лозим бўлса, Буарозэ тепалигига бемалол чиқиб, яна қайтиб туша оларди. У

ҳалокатга учраган кеманинг Тренкдек¹ асир, кема ма-
шинасининг Латюд²дек бандиси эди.

Денгиз мисли зиндонбон каби қўриқлар эди уни.

Ёмғир қанчалик ёқимсиз бўлмасин, қанчалик бевақт
ёғмасин, Жильят ундан фойдаланарди. У аста-секин
чучук сув йиға бошлади; уни ташналик ўртар, шунинг
учун ҳам кўзасини қандай тез тўлатган бўлса, деярли
ўшандай тез бўшатарди.

Мана, кўтилган кун ҳам етиб келди, бу кун ё апрел-
нинг охириг кун, ё майнинг биринчи кун эди, ҳозирлик
ишлари тугаб, ҳамма нарсга таппа-тахт бўлди.

Кеманинг машина жойлаштирилган қисми ҳар икки
томонидан тўрттадан саккизта арқон ўтказилиб, юқори-
даги тўртта ходага осиб қўйилган ромга ўхшарди. Ар-
қонлар ўтказилган кеманинг палубасидаги ва сувга бо-
тиб турадиган туб қисмидаги ўн олтига тешик ўзаро
тарновчалар билан бирлаштирилган эди. Кеманинг ички
қисмидаги қоплама арраланган, тахта-ёғочлар болта
билан чопилган, темирлари эса эгов билан едириб қир-
қилган, сувга ботиб турадиган сиртқи қопламаси эса
искана ёрдамида шилиб ташланган эди. Жильят кема-
нинг машина жойлаштирилган туб қисмини механизмга
асослик вазифасини ўташи учун тўрт бурчак қилиб ке-
сиб чиқди. Бу хавотирли беланчак биргина занжир би-
лан боғлаб қўйилган эди, уни бўшатиш учун занжир сал
эговланса бас. Ишни битириб, кўзланган мақсадга етай
деб турганда фурсатни қўлдан бермаслик, тезкорлик, шу
билан бирга эҳтиёткорлик даркор.

Сув қайтган, ишни бошлаш учун қулай фурсат ет-
ганди.

Жильят машинани пастга туширишга ҳалақит берма-
син деб, пароход парраklarининг ўқини бир амаллаб
бўшатиб, бу оғир нарсани машинанинг панжарасига
аранг тик қилиб маҳкамлаб боғлади.

Ишни ниҳоясига етказиш вақти келганди. Юқорида

¹ Барон Тренк (XVIII аср) — Пруссия қироли Фридрих II нинг буйруғига мувофиқ ёлғиз ўзи Магдебург қалъасида оёқ-
қўли кишанлоглиқ тўққиз йил ётган.

² Л а т ю д — Людовик XV нинг хуштори Помпадур хоним-
нинг хоҳишига кўра арзимаган бир ишни баҳона қилиб авах-
тага ташланган. Парижнинг турли турмаларида, асосан Басти-
лияда ўттиз беш йил қамалиб ётиб, 1784 йил революциясида
сал илгари бўшатишган.

айтганимиздек Жильят чарчоқни сезмас, аниқроғи уни тан олмас, писанд қилмасди, фақат асбоб-ускуналари ишдан чиқиб қолганди. Темирчилик устахонаси аста-секин пурдан кетиб бормоқда эди. Тош сандон бўлиниб кетган, босқон унга бўйсунмай қўйганди: у денгиз суви билан ишларди, шу боисдан тарновчалар, унинг ёриқ-тирқишлари чўкма туз билан қопланиб, тобора ишга яроқсиз бўлиб борарди.

Жильят «Одам» қояси остидаги қўлтиқчага бориб, қайиғини синчиклаб кўздан кечирди, ҳамма нарсанинг, шу қатори қайиқнинг икки биқинига қоқиб қўйган тургта ҳалқаси ҳам жой-жойида, бутун турганига ишонч ҳосил қилди, кейин лангарни кўтариб, қайиғини Дуврлар томон ҳайдади.

Қайиқ Дувр қоялари орасидаги тор оралиққа бемалол сиғарди. У ернинг чуқурлиги ва кенглиги кўнгилдагидек. Жильят бу ерга келган биринчи куниёқ қайиғини Дюрандинг остига бемалол олиб бориш мумкинлигини чамалаб қўйган эди. Шунга қарамай, бу юмуш жуда оғир бўлиб, заргарликдаги каби аниқлик талаб этарди. Жильят қайиғини Дуврлар оралиғига орқаси билан олиб кириши керак эди, бу эса ишни янада мушкуллаштиради, эҳтиёт чорасини кўришга мажбур этарди. Қайиғининг мачтаси бошқа анжомлари Дюрандадан олдинда, Дуврлар орасидаги дарага кираверидан ташқарида туриши зарур эди.

Қайиқни бундай хатарли жойга олиб бориш ҳатто Жильятдек эпчил денгизчига ҳам осон эмасди. Бу ерда «Одам» қояси остидаги қўлтиқчадагидек, қайиқни чаққонлик билан буришгина кифоя эмас, айтилиши вақтда ҳам эшкак эшиш, ҳам сувнинг чуқурлигини ўлчаш, ҳам рулни буриш, ҳам бир қоядан қочиб, иккинчисига яқинлашиш лозим бўларди. Жильят ана шуларнинг ҳаммасини бажаришга чорак соат вақт сарфласа ҳамки, мақсадига эришди.

Орадан ўн беш-йигирма минут ўтмасдан қайиқ Дюрандинг остида турарди. Унинг тумшук ҳамда қуйруқ томонидан икки лангар ташланган, қайиқ жиловланган отдай қимир этмай турарди. Катта лангар қайиқни кучли ва хавфли шамолдан, яъни ғарб шамолидан сақлайдиган қилиб ташланган эди. Кейин Жильят кема паррақларини қисмларга ажратиб жойлаб қўйган иккала яшиқни чиғирлар ёрдамида палубадан қайиғига

туширди. Яшиқлар қайиқда мувозанатни сақловчи юк ўрнини босди.

Жильят бу ишлардан қутулгач, кеманинг лангар кў-тарадиган чиғиридаги занжирга боғланган илгакка кўндаланг мачтанинг арқонини боғлаб қўйди. У чиғирларнинг бир меъёрда ишлашини таъминлаб туриши ва тор-моз вазифасини ўташи керак эди.

Қайиқнинг мавжуд нуқсонлари ҳам шу пайтда Жильятга иш берди: қайиқда палуба йўқ эди, шунинг учун ҳам юкни чуқурроққа, тўппа-тўғри қайиқ тубига мустаҳкам ўрнатиш мумкин; қайиқнинг нақ тумшугига ўрнатилган мачтаси юк ортишга қулайлик туғдирди, унинг калталиги эса Дюранданинг тубига тегиб қолмай бемалол сузиб кетишига имкон берарди; қайиқ ёғоч кавушга ўхшар, бу хилдаги қайиқлар эса бошқа шаклдаги қайиқларга қараганда пишиқроқ, денгизда сузиш учун ишончлироқ бўлади.

Жильятнинг кўзи тўсатдан мавжланиб бораётган денгизга тушиб қолди. У шамолнинг қай тарафдан эсаётганини билиш умидида атрофни назардан кечира бошлади.

VII

ХАВФ-ХАТАР ОСТИДА

Кеча-кундуз тенглашган маҳаллар одатига кўра шамол ғарбдан эса бошлади.

Эсаётган шамол Дувр қоялари оралигида сувнинг авзойига ўз таъсирини ўтказди. Тўлқинлар гоҳ кунчиқардан, гоҳ кунботардан, хуллас шамол қайси тарафдан қувса, ўша томондан дарага бостириб кирарди. Агар шамол шарқдан туриб, тўлқинлар ўша томондан ҳужумга ўтса, у вақтда денгиз хийла осойишта, мулойим, ювош бўлади; агар шамол ғарбдан эсса — денгиз ғазаб отига минади. Бунинг сабаби шундаки, шарқдан, қитъадан эсанг шамол кучсизроқ бўлади, ғарбдан, Атлантик океаннинг бепоён кенгликларидан эсадигани эса жуда кучли бўлади. Кунботардан турган енгил-елпи шабада ҳам катта хавф туғдиради. У поёнсиз денгиз ялангликлари ичкарисидан беҳисоб улкан тўлқинларни олдига солиб қувиб келади-да, ҳаммасини бирваракайига дарага ҳайдайди.

Тор дарага отилиб кирган оқим эса жуда даҳшатли бўлади. У тор йўлакка сиемоқчи бўлиб туртишиб-сури-

шиб ёпирилаётган оломонга ўхшайди; оломон бунақа тор йўлакка сиғиш учун куч ишлатиб, кўпроқ қисилади, тошқин сув эса қутуриб мавжланади. Кунботардан, майли, у қанчалик енгил, майин бўлмасин, шамол эсиб тураркан, Дувр қоялари кунига икки маротаба кучли ҳамлага дучор бўлади. Сув тобора тошиб кўтарилган сари қояларни қаттиқроқ исканжага ола бошлайди, қоялар эса таслим бўлмайди, қаршилиқ кўрсатади, дара ичкарига сувни истар-истамас, рўйхуш бермай киритади, куч билан ичкарига бостириб кирмоқчи бўлган тўлқинлар ўкириб сапчийди, гувиллайди, қутуриб кетиб, ғазаб отига қамчи босиб, океан кўчасининг деворларига бориб урилади. Шунинг учун ҳам Дувр қоялари кунботардан сал шамол турса, ажойиб манзара касб этади; қоялар атрофини ўраб турган сув осойишта жимирлаб тураверади-ю, дара ичи эса момақалдироқдек гумбурлаб, яшин чақнайди. Бу ғала-ғовур тўполон на бўрон, на довул; бу тўлқинларнинг ғалаёни, холос, лекин у ғоят даҳшатли бўлади. Шимол ва жанубдан эсадиган шамоллар қояларга келиб уриладилар-да, тор дарада тўлқинлар аста мавжланиб қўя қоладилар. Шу ерда озгина аниқлик киритиб ўтсак: қоялар орасидаги даранинг шарқий киравериши «Одам» қояга бориб тақалган эди; унга қарама-қарши томондаги киравериш, дарвоза жуда хавотирли бўлиб, икки Дувр орасидан ўтарди. Жильят ҳам, ҳалокатга учраган Дюранда ҳам ўша ғарбий дарвоза олдида эди. Жильятнинг қайиғи ҳам ўша ерда лангар ташлаган ҳолда турарди.

Ҳалокат хавфи бор эди. Ҳозир эсаётган ана шу кучсизгина шамол ҳам муқаррар ҳалокатга кифоя қиларди.

Орадан бир неча соат ўтар-ўтмас сув кўтарилиб, қоялар орасидаги дарага отилиб киради-ю, ҳамма ёқни алғов-далғов қилиб ташлайди. Мана, дастлабки тўлқинлар асов тойчоқдек кишнай бошлади. Қайнаб-кўпириб, қутуриб Атлантикадан чопор бўлиб келаётган ўркач-ўркач тўлқинларга эргашиб океаннинг бутун суви шу ёққа бостириб келишга ҳозир тургандек кўринарди. Ҳолбуки на бўрон, на пўртана ва на довулдан ном-нишон бор; шунчаки куч-қудрати ошиб-тошиб кетган баҳайбат тўлқинлар галаси ғолибона юриш қилиб келмоқда эди; Америка соҳилларидан бошланган тўлқин бир ҳамла билан икки минг лье масофани босиб ўтиб, Европа қирғоқларига етиб келиши мумкин. Борди-ю, бу

бахайбат тўлқинлар денгиз бағрини ёриб чиққан соқчилар минорасидек дарага жираверишда қаддини ғоз тутиб турган Дуврларга келиб урилса борми, қоялар қаршилигидан жўш уриб, шамол зарбидан қутуриб, янада шиддатли тус олади, йўлидаги тўсиқлардан ошиб ўтиб, қаҳр билан қайнаб-кўпириб шитоб билан дара ичкарисига отилиб киради-да, йўлида ғов бўлган Дюранда билан қайиққа дуч келиб, уларни тилка-пора қилиб ташлайди. Бундай фалокатнинг олдини олиш, тўлқинлар йўлини тўсиш керак эди. Жильят бунинг чорасини топди.

Кўтарилиб келаётган сувнинг бирдан дарага уриб кетишига йўл бермаслик лозим, тўлқинларнинг янада кучайишига ғов бўлмаган ҳолда, уларнинг ҳамласига қарши қақшатқич зарба бериб, қоялар оралиғини тўсиб қўйиш, аммо у ерга кириб-чиқишга имкон қолдириш, сув кўтарилишига тўсқинлик қилмаслик, шу билан бирга, унга бутунлай бўйин эгмаслик, кираверишда шитоб билан келаётган сувнинг шаштини қайтариш керак эди, чунки ҳамма хавф тўлқинларнинг зарб билан келиб урилишида эди-да, шу боисдан унинг кучини қирқиш, маккор, ёвуз, асов тўлқинларнинг жазавасини пасайтириб, ювош-мулойим қилиб жиловлаш зарур эди.

Оғзида арқон тишлаб, қўлига болға тутган Жильят тоғ эчкиси ёки маймунларга хос эпчиллик билан қоядан-қояга сакради, гоҳ ўзини сувга отиб, гоҳ бурунларни айланиб сузиб ўтди, қояга тирмашиб чиқиб, кеманинг омон қолган солга ўхшаш бўлаги осилиб турган жойга етиб борди. Кема бўлаги Кичик Дувр қоясининг этагига тақалиб турар, Жильят осилиб турган арқонни ечиб, бир учини сиртмоққа ўхшатиб тугди-да, қояга қоқиб қўйилган катта михга боғлади; сўнгра тахта солни шу арқонга боғлаб оқимнинг йўлига тўғоннинг қопқоғидек кўндаланг қилиб бурди-да, иккинчи томонини Катта Дуврга тақади; кейин Катта Дуврга ўтиб, тўсиқни худди Кичик Дуврга қилгани каби аввалдан қоқиб қўйилган ярим газлик михларга маҳкамлаб чандиди, шундай қилиб, у кеманинг бу улкан бўлагини дарага кираверишда икки қояга маҳкам ўрнатиб, занжирлар билан чандиб ташлади. Орадан бирор соат ўтар-ўтмас кўтарилиб келаётган сув тўлқинларининг йўлига ғов тутилган, қоялар оралиғидаги тор кўчага дарвоза қурилиб, бекитиб қўйилган эди.

Жильят кучайиб келаётган тўлқин ёрдамида, бу тахта ва ходалардан ташкил топган улкан, ҳаддан ташқари оғир қопқоқни акробатларча чаққонлик билан тиклади, агар у сувга ташланса ажойиб сол вазифасини ўташи мумкин эди, тикка ўрнатилгач тахта деворга ўхшаб қолди у. Бу иш образли қилиб айтганда, бостириб келаётган денгиз эс-ҳушини йиғиштириб олмасданоқ бажариб бўлинганди.

Мабодо бу ишларга Жан Барнинг кўзи тушиб қолгудек бўлса, у ҳар сафар ўз кемасини ҳалокатдан сақлаб қолганида денгиз тўлқинларига қараб: «Ҳа, инглиз, бурнингни тишлаб қолдинг-а!»—деган машҳур сўзларини айтган бўлармиди. Жан Бар океанни ҳақорат қилмоқчи бўлса, уни «инглиз» деб атарди.

Жильят дарани тўсгач, қайиғини эҳтиёт қилиш чорасини излади. У иккала лангарнинг арқонини қайиқ сув билан бирга бемалол кўтарила оладиган қилиб бўшатиб қўйди. Ҳар қандай фалокат Жильятни ғафлатда қолдиролмас, у тасодифларга олдиндан чора-тадбир ўйлаб, ҳозирлик кўрар эди; бунақа ишлардан хабари бор одам қайиқнинг қўйруғига мустаҳкамлаб ўрнатилган қўшқават чигирни кўрса, Жильятнинг қай даража тадбиркорлигига ишонч ҳосил қилган бўларди; бу икки чигирдан иккита трос ўтказилиб, уларнинг учи иккала лангар ҳалқасига чандиб боғланган эди.

Бу орада денгиз суви анча кўтарилиб қолди; у тобора кўтарилиб борар, бундай паллада, ҳатто ҳаво тинч бўлишига ҳам қарамай, тўлқинлар ғоятда зўр куч билан қояларга келиб урилаверади. Жильят олдиндан кутган ҳодиса рўй берди. Қутуриб бораётган тўлқинлар шитоб билан тўсиққа желиб урилиб, кўкка сапчир, пастга шовиллаб тушиб, бўшашибгина тўсиқ остидан дара ичкарсига ўтарди. Бепоён денгиз жазавага тушиб, ўзини ҳар ёққа отар, талпинарди-ю, дара ичкарасида эса оҳиста чайқалишдан нари ўтолмасди. Жильят очиқ денгизда Кавдия¹ дарасида рўй берган воқеага ўхшаш бир чора қўллаган эди. Сув кўтарилиши ва бебош тўлқинлар енгилган, таслим бўлишга мажбум этилганди.

¹ Кавдия дараси — Италиядаги тоғлар орасидан ўтадиган дара (Кавдия шаҳри яқинида), эраминдан аввалги 321 йилда самнитлар Рим қўшинларини шу ерда қамаб олиб, уларни таслим бўлишга мажбур этганлар.

АХВОЛ ЯНАДА МУШКУЛЛАШДИ

Хатарли дақиқа етиб келди.

Жильят машинани қайиққа тушириши керак эди.

У чап қўли тирсагини ўнг кафтига тираб, чап қўли кафти билан пешонасини ушлаганича бир сония хаёлга толди-да, кейин вайрон бўлган пароходга чиқди: Жильят унинг бир қисмини, машинасини асосидан ажратиб олиб, пастга, қайиққа тушириши керак эди, асоси эса турган жойида қолаверади.

У Дюоранданинг чап ва ўнг биқинидаги ланжарага тортиб маҳкамлаб қўйилган арқонларни пичоғи билан қирқди, мўрининг тўрт занжирини ҳам узди.

Узилган тўртта занжир мўри атрофида осилиб қолди.

Жильят Дюорандадан тушиб, зудлик билан юқоридаги ўзи ижод этган кўтармаси ёнига чиқди, ходаларни оёғи билан тепиб кўрди, у ёқ-бу ёғини синчиклаб кўздан кечирди, чиғирларни текширди, арқонларни ушлаб, уланган ерларини тортқилаб, улар мойланмаган бўлса ҳам, ҳали ивимаганига, ҳамма нарса жой-жойида эканига, ҳаммаси мустаҳкам эканлигига ишонч ҳосил қилгач, ходалардан пароход палубасига сакраб тушди-да. Дюоранданинг ҳалокатга маҳкум этилган, ўз-жойида қоладиган қисмига ўрнатилган чиғир олдига борди. Унинг бу ишларни бажариш жараёнидаги жанговар пости ўша ер эди.

Жильятнинг қалбида аллақандай ҳаяжон туғилди, эс-ҳушини жамлаб, юқоридаги ходаларга сўнги марта кўз ташлади, қўлига эговини олиб, юкларни кўтариб турган занжирни эговлай бошлади.

Денгиз тўлқинларининг шовиллашига эгов овози жўр бўлди.

Бутун ҳаракатни бир меъёрда ушлаб, тартибга солиб турадиган чиғирнинг кўндаланг мачтага боғланган занжири Жильятнинг ёнгинасида эди.

Бирдан шарақлаган овоз эшитилди. Яримдан ортиқроғи эговланган занжир узилиб кетди; бутун мослама лопиллаб кетди. Жильят тормоз занжирини аранг ушлаб қолди.

Узилиб кетган занжир лапанглаб бориб қояга урилди, юқорига илинган саккизта арқоннинг бари таранг тортилди, Дюоранданинг чопилган қисми асосидан аж-

ралди, кеманинг тагида арқонларга осилган машина-
нинг чўян тахтаси кўринди.

Жильят тормоз занжирини ўз вақтида ушлаб қол-
маганида бутун иш барбод бўларди. Унинг забардаст
қўллари қилт этмай, занжирни маҳкам тутиб турарди,
машина аста-секин пастга туша бошлаганди.

Жан Барнинг Франция адмиралига «сен»лаб гапи-
радиган, дюнкерлик қашшоқ балиқчи, ақлли, лекин ароқ-
хўр укаси паҳлавон Питер Бар Амблетез қўлтигида ҳа-
локатга учраган кўп эшкакли кема «Ланжерон»ни қут-
қазиб қолганида, бу баҳайбат кемани қутурган тўлқин-
лар ва қоялар орасидан олиб чиқиб кетиш учун унинг
елканини ёўлага ўхшатиб ўраб, денгиз қамиши билан
боғлаган, қамиш узилиб кетиб, елкан ёйилади-ю, уни
шамол уфуриб, кема ҳаракатга келади деган ўй билан
қилган, бу ишнинг оқибати ҳақиқатан ҳам шундай бў-
либ чиққан. У ўшанда қамишнинг нозиклигига ишонган-
дидек, Жильят ҳам Питер Бар каби занжирнинг узилиб
кетишига умид боғлаган эди; бу ерда ҳам худди ўшан-
дагидек таваккал қилинган жасоратнинг охири бахайр
бўлиб чиқди. Занжирининг бир учи Жильятнинг забар-
даст қўлида бўлган тормоз қилт этмай турар ва аъло
даражада ишларди. Шунинг ҳам эслатиб ўтайликки, бир
мақсадга қаратилган, бир ишни бажариши лозим бўл-
ган тарқоқ кучларни ўзига бўйсундириб, уларни бир
меъёردа тутиб туриши керак эди у. Бу тормоз елканни
бир меъёрдан ушлаб турадиган асбобга ўхшарди-ю, аммо
елкан ўрнига пастга тушаётган машинанинг мувозанат-
тини сақлаётганди.

Жильят ўз ихтиросининг юрак уришини текшираёт-
гандек бир қўлини чигирла қўйиб турарди.

Унинг ихтироси кутган натижани берди.

Машина Дюрандадан бутунлай ажралиб, қайиққа
томон пастлаб бораркан, қайиқ ҳам машинага қараб се-
кин-секин кўтарилмоқда эди. Ҳалокатга йўлиққан ке-
манинг бир бўлаги ва унинг халоскори бўлган қайиқ
бир-бирларига кўмак бериб, қучоқ очиб бир-бировини
қаршилаётганди.

Дувр қоялари оралигида кўлчиб-кўпириб баландлаб
келаётган сув ўзи билан қайиқни юқорига кўтарар, бор-
ган сайин қайиқ Дюрандага яқинлашарди. Денгиз
енгилди; у таслим бўлишга мажбур этилган, жиловлаб
олинганди, у энди Жильятга хизмат қилмоқда эди.

Океан Жильят барпо этган механизмнинг ажралмас бир қисмига айланган эди.

Авжга минаётган тўлқинлар қайиқни, гўё у биллурдан ясалгандек, авайлаб, секин-аста, чайқатмай тобора баландга кўтармоқда.

Жильят чиғир ёнида ҳайкалдек қотиб, ҳаракат кучларига ҳокимлик қиларкан, пастга тушиш тезлигини сув кўтарилишининг тезлигига мосларди.

Сув оҳиста мавжланар, чиғир бир текисда ишларди. Бу ҳол бўйсундирилган табиат кучларининг ажиб бир ҳамкорлиги эди. Тортиш қонуни бўйича машина пастга тортиларди — аини вақтда, сув кўтарилиши қайиқни юқорига кўтарарди. Сув кўтарилишига сабаб бўлган осмон жисмларининг тортиш кучи билан жисмларнинг оғирлигини юзага келтириб чиқарадиган сабаб, яъни ернинг тортиш кучи Жильятга кўмак бермоқчидай ўзаро тил бириктириб қўйганга ўхшарди. Бу кучлар сўзсиз бўйсунтиришганди унга: пассив кучлар инсон ақл-иродаси, заковати олдида бўйин эгиб, унинг ишчан шогирди, кўмакдошига айланган эдилар.

Қайиқ билан машинанинг оралиғи аста-секин қисқариб бормоқда.

Атрофда эса мудҳиш сокинлик; гўё бу ерда ҳеч зор йўқдек. Табиат кучларига фармойиш берилган-у, бу кучлар ана шу фармойишни адо этаётгандек туюларди кишига.

Сув кўтарилиши тўхташи биланоқ арқонлар ҳам тўхтаб қолди. Чиғирлар тўсатдан, лекин оҳиста тўхтади. Машина қўл билан келтириб қўйилгандек қайиқда ҳеч ёққа қийшаймай, тўппа-тўғри турарди. Машинанинг чўян асоси қайиқ тубига текис ўрнашганди.

Иш пировардига етганди.

Жильят атрофга аланглади.

Ҳаёт бу бечоранинг пешонасини ҳеч қачон силаган эмасди.

Жильят шу дамда бахтиёр эди, бу бахтиёрликдан аъзойи бадани бўшашиб кетди; у шу пайтгача руҳан изтироб чекмаганди, ҳозир бўлса ўз ғалабасидан шодланиб қалтираб кетди.

Жильят хароб бўлган Дюранда тагидаги қайиққа, ундаги машинага, бу ишни ўзи қилганига ишонмаётгандек, тикилиб қолди. Гўё у ўзидан бундай қаҳрамонлик, жасоратни кутмагандай маҳлиё бўлиб қолган эди.

У ўз қўллари билан мўъжиза яратди-ю, бу мўъжизани кўриб ҳайратда қолди.

Жильят тезда эс-ҳушини йиғди.

У ноз уйқудан энди уйғонган кишидек керишиб қўйди-да, қўлига аррани олиб, саккиз арқоннинг ҳаммасини қирқди, кейин сув кўтарилиши оқибатида Дюрандадан атиги ўн футча пастроқда турган қайиққа сакради, трослар орасидан тўрттасини сайлаб олди-да, уларни илгаритдан қайиқнинг икки биқинига мустаҳкам қилиб қоқилган ҳалқалардан ўтказиб, бундан бир соатча олдин пароход панжараларига тортилиб турган занжирларнинг тўрталовини энди қайиқнинг икки биқинидаги ана ўша ҳалқаларга боғлади.

Мўрини маҳкам боғлаб бўлгач, Жильят машина устидаги Дюрандининг палубасидан қирқиб олинган чорси бўлакни тортиб олди-да, тахта ва ёғочларни қояга улоқтириб ташлаб, қайиқни ортиқча юкдан халос этди. Қайиқнинг юкини енгиллатиш зарур эди.

Қайиқ оғир машинани бемалол кўтариб турарди. У сувга меъёридан ортиқча ботгани йўқ. Дюрандининг оғир машинаси, ҳар ҳолда, бир вақтлар қайиққа Эрм оролидан ортиб келинган тош билан тўпга қараганда енгилроқ эди.

Шундай қилиб, ҳамма иш тугади. Энди тор дарадан эсон-омон чиқиб олиш қолди, холос.

IX

БИР ДАҚИҚАЛИК ҒАЛАБА

Ҳали ҳамма иш тугамаган экан.

Дарага кираверишга кўндаланг қилиб қўйилган Дюрандининг улкан бўлагини олиб ташлаб, ўша заҳотиёқ қоялар орасидан чиқиб кетиш лозим эди. Денгизда ҳар бир дақиқа ғанимат. Енгил шабада эсар, сув сатҳи оҳиста мавжланиб турар; бу сўлим оқшом осойишта тун ваъда қилаётганди. Денгиз тинч, аммо сув сезиларли даражада қайта бошлади. Дарадан чиқиб кетиш учун бундан қулайроқ фурсат бўлмайди. Дувр қоялари орасидан қайтаётган сув Гернсей соҳилларидаги сув кўтарилишига уланиб кетиши мумкин. Бу орада қайиқ тонгтарда бемалол Сен-Сансонга етиб олади.

Шу пайт оёқ остидан кутилмаган фалокат чиқиб

қолди. Жильят ҳамма нарсани олдиндан эътиборга олиб қўя олмаган экан.

Машинани қутқазибди-ю, мўрини қутқазиб чорасини ўйламабди.

Сув қайиқни қоялар орасига қисилган кемага томон кўтара бориб, машинани пастга туширишдаги хавфни камайтириб, уни қутқазибни осонлаштирганди, лекин қайиқ кемага жуда яқинлаб бориб қолганидан, мўрининг тепаси абжағи чиққан пароходнинг тўртбурчак бўлиб очилиб турган тешигига кириб, қопқонга илиниб қолгандек, сиқилиб қолди.

Сув кўтарилиши Жильятга итоатгўйлик билан хизмат қиларкан, сездирмай унга қарши макр ҳозирламоқда эди, бўйин эгишга мажбур бўлган денгиз сени бир боппайманми, дегандек, кўнглига ғараз тугиб қўйганга ўшарди.

Тўғри, сув кўтарилиши ишлатган макрни унинг қайтиши йўққа чиқариши, ўзгартириб юбориши мумкин.

Баландлиги уч саржиндан ортиқроқ келадиган мўрининг сажкиз фут келадиган қисми Дюоранданинг ичкарасига кириб турарди, сув сатҳи эса ўн икки фут пасайиши керак; сув қайтиб қайиқ пасайганда мўри Дюорандадан тўрт фут чамаси пастга тушиб, қутулиб кетиши мумкин. Аммо мўрининг тутқиндан тўла озод бўлиши учун олти соат вақт керак. Олти соатдан сўнг эса ярим кеча бўлади. Бу сув ости қоялари орасидан куппа-кундуз куни зўрға ўтилади-ю, ярим кечада қандай ўтиб бўларди?

Истаса-истамаса эрталабгача кутишга тўғри келади. Ана шу олти соатни деб камида ўн икки соат вақти бекор кетади.

Бу ердан тезроқ чиқиб кетиши учун дара кираверишига кўндаланг қилиб қўйилган ғовни ҳозир олиб ташлашни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаса бўлади. Чунки у кейинги сув кўтарилиши вақтида кунига ярайди.

Жильят ноилож дам олишга мажбур бўлди.

Дувр қояларига келганидан бери у бир он ҳам бекор ўтирмаган эди, энди бўлса ҳеч ишсиз бекор ўтиради.

Бу ноилож дам олишга гўё ўзи айбдордек, жаҳли чиқар, хуноб бўларди. У ўзига-ўзи: «Бу ерда икки кўлимни бурнимга тиқиб, бекор ўтирганимни Дерюшетта кўриб қолгудек бўлса, менинг ҳақимда нима деб ўйлаган бўларди?»— дерди.

Нафсиламбрини олганда дам олиш, ҳар ҳолда, унга зарур ҳам эди.

Энди Жильят қайиқда тунаса бўлаверади, у шунга аҳд қилди.

Жильят Катта Дувр тепасига чиқиб, у ердаги пўстагини олиб тушди, бир нечта моллюска ва икки-учта денгиз каштани тутиб овқатланди, мўндиси тагида қолган озгина сувни шимириб ичди. Кейин пўстакка ўралиб, шапкасини пешонасига тушириб, машинанинг ёнгинасига пойлоқчи итдек гужанак бўлиб ётди-да, уйқуга кетди.

У жуда қаттиқ ухларди. Ҳамма ишини саранжом қилган кишигина шундай қаттиқ ухлай олади.

Х

ДЕНГИЗ ОГОҲЛАНТИРАДИ

Ярим тупда Жильят худди пружина итқитиб юборгандек қаттиқ бир зарбадан уйғониб кетди.

У кўзини очди.

Дувр қоялари, аланга шуъла сочаётгандек, ёришиб кетибди, қоп-қора қоялар аланга яллиғида йилтираётгандек эди.

Бу шуъла қаердан тушяптийкин?

Сувдан.

Денгизда аллақандай ажойиб-ғаройиб ҳодиса содир бўлмоқда эди.

Худди сувга ўт тушганга ўхшайди. Қаёққа қараманг, қоялар оралиғида, атрофда денгиз ловиллаб алангаларди. Бу аланга вулқон оғзидан чиқаётган ёхуд темирчи кўрасида ловиллаётган иссиқ алангага мутлақо ўхшамасди. У на чирсиллар, на иссиқ берар, на лола ранг ва на бирон товуш чиқарарди. Зангори шуълалар сув бетида йўл-йўл шолчадек товланарди. Теварак-атрофни қамраб олган ёғду денгиз узра қалқиб сузиб юрарди. Бу ёнғин эмас, унинг кўланкаси эди.

Қаердадир олисларда ёнаётган оловнинг ёрқин шафағи ер қаъридаги қабристонга шуъла сочаётганга ўхшарди.

Қоп-қоронғи зулматнинг ловиллаб алангаланишини бир кўз ўнгингизга келтириб кўринг-а!

Тун, ваҳимали қоп-қора тун баданни жунжиқтирадиган ўт учун ёқилғи вазифасини ўтаётгандек кўринади.

Фақат кўзи ожизларгагина ёруғлик шундай бўлиб туюлади. Ҳозир зулмат афсонавий ёғдунинг ажралмас, таркибий қисмига ўхшайди. Денгиз сайёҳларини хатардан огоҳлантирадиган, тасвирига тил лол қоладиган денгиз сувининг қоронғиликда йилтираши ла-маншлик денгизчиларга қадимдан таниш. Бу нурланиш Изиньидан сал нарида, Катта В. яқинида айниқса ҳайратда қолдиради кишини.

Бундай ёғдуда предметлар ўзларининг ҳақиқий кўринишини йўқотадилар. Бутун борлиқ ғалати бир шаффофлик, тиниқлик касб этади. Қояларнинг эса фақат шакли, кўринишигина қолади, холос. Лангар арқонлари ўтда тобланаётган темир чивиқларга ўхшаб оппоқ бўлиб кўринади.

Сувга ташланган балиқ тутадиган тўрлар чаплашиб кетган оловли ёзувдек товланади, эшкакнинг сув устидаги қисми қора дарахтдан қилингандек йилтираса, сув остидаги қисми кумушдан ясалгандек жилоланади. Эшкакдан томчилаётган сув томчилари денгизга ёғилаётган юлдузчаларга ўхшайди. Қайиқ ортида йилтироқ из қолдиради. Денгизчиларнинг шалаббо бўлиб ивиб кетган уст-бошлари ловиллаб ёнаётгандек туюлади. Мабодо қўлингни сувга ботириб олсанг, оловдан тўқилган қўлқоп кийгандек бўласан; аммо бу ўт ҳароратсиз, уни мутлақо сезмайсан. Билакларингдан елканггача ловиллаб турган жосовга ўхшайди. Тўлқинлар остига тикилсанг, аллақандай денгиз жониворлари аланга орасида сузиб юрганга ўхшайди. Кўпиклар атрофга чўғдек учқун сачратади. Денгиз қаърида илонга ўхшаб жилпанглаб сузиб юрган балиқлар кўз олдиндан чақнаб ўтади.

Ана шу ёғду Жильятнинг юмуқ қовоқларидан кўзига тушган ва уни уйғотиб юборганди.

У жуда вақтида уйғонган эди. Сув қайтиши тўхтаб, яна кўтарила бошлаган эди. Жильят мириқиб ухлаб ётаркан, машинанинг мўриси кема тешигидан анча пастга тушиб қолганди, энди эса у мўрини яна қайтадан домига тортишга ҳозир турарди. Мўри аста-секин эски жойига қараб кўтарилиб бормоқда эди. У бир фут кўтарилса бас, яна Дюранда қорнидаги қопқонга тушади.

Сувнинг бир фут кўтарилишига ярим соат кифоя. Мўри хавф остида бўлса ҳам, ҳар ҳолда, ҳозирча кема-

дан пастроқда эди; бундан фойдаланиб қолш учун Жильятнинг ихтиёрида ярим соатгина вақт қолганди.

У дик этиб ўрнидан турди.

Фурсатни қўлдан бериш мумкин эмасди, шунга қарамай, у йилтираб турланиб турган сувга тикилиб, бир неча дақиқа ўйланиб қолди.

Жильят денгиз сирларини ипидан-игнасигача биларди. Денгиз Жильятдан қанчалик аччиғланмасин, у билан қанчалик ёмон муносабатда бўлмасин, барибир улар азалдан дўст эдилар. Океан деб аталмиш сирлар олами нимаики каромат кўрсатса, Жильят буларнинг барини фаҳмлар, пайқай оларди. Зийраклик, синчковлик, хаёлпарастлик ва ёлғизлик уни об-ҳавони, табиий ҳодисаларни олдиндан пайқайдиган қилиб қўйганди.

Жильят лангарнинг арқонини бўшатди; кейин узун дастали илгакни қўлига олди-да, уни қояга тираб туриб, қайиқни дарадан чиқаверишга, тўсиқ томонга зарб билан итариб юборди, қайиқ Дюрандадан бир неча саржин нарига сурилиб кетди. Гернсейлик денгизчиларнинг тили билан айтганда қайиқнинг ҳаракати учун жой бемалол эди. Орадан ўн минут ўтмаёқ қайиқ пароход тагидан анчагина нарига сурилди. Мўрининг яна қопқонга тушиб қолишидан чўчишга ўрин қолмади. Майли, энди сув истаганича кўтарилаверсин.

Жильят йўлга тушишни ҳатто хаёлига ҳам келтирмаётган кўринади.

У жилоланиб турган денгизга тикилганича ҳар иккала лангарни кўтарди, аммо йўлга чиқиш ниятида эмас, балки дарадан чиқаверишга яқинроқ ерга қайтадан маҳкамлаб лангар ташлаш учун шундай қилди.

Шу вақтгача у ўз қайиғининг икки лангарини ишлатиб келган, Дюранданинг сув ости тошлари орасидан топиб олган кичик лангаридан ҳали фойдаланмаган эди. Пароход лангари бир тўп трос, қўш қаватли ғалтаклару лангар арқонлари билан бирга қайиқнинг бир чеккасида сувга ташлашга тайёр турарди. Жильят бир учи лангар ҳалқасига, иккинчи учи қайиқнинг лангар тортиб олинадиган туйнугига боғланган арқонни лангар тросига маҳкам чирмади-да, уни ҳам сувга ташлади. Шундай қилиб, у учта лангар ташлаб, қайиқни бежавотир ҳолатга келтириб қўйди. Бу ишларнинг бари Жильятнинг ғоятда ташвишланганини, янада ҳушёр тортгани ва янада эҳтиёткорлигини кўрсатарди. Унинг

бу ҳаракатига кўзи тушган ҳар қандай денгизчи ҳаво айниган маҳалда, шамол турган тарафдан хавфли тўлқинлар бўлиши олдидан шундай лангар ташлаш лозимлигини фаҳмлаган бўларди.

Жильят кўз узмай, диққат билан тикилаётган сув нурланиши, эҳтимол, бирон фалокат келтириши мумкин эди, бироқ айни пайтда у ёрдам бераётганди. Агар бу ҳодиса юз бермаганида Жильят ҳамон уйқу асири ва туннинг қурбони бўлиб ётаверарди. У Жильятни уйғотди, унинг йўлини ёритди.

Сув нурланиши қояларга хира ёғду сочарди. Жильятни ташвишга солиб қўйган бу ёғду хатарли жойларни ёритиб, қайиқнинг ҳаракатланишини осонлаштириб унга кўмак берарди. Энди у истаган маҳалида елканни кўтариши мумкин; кема машинаси ортилган қайиқ эгарланган отдек сафарга ҳозир турарди.

Аммо Гернсейга қайтиш Жильятнинг ёдидан кўтарилиб кетганга ўхшарди. Уч лангар ташлаб қайиқни маҳкамлаб қўйгач, у ўз омборхонасига бориб энг бақувват занжирни танлаб олиб келди-да, икки учини Дуврларга қоқилган михларга илди, ўртасини эса дара кираверишига кўндаланг қўйилган тўсиқнинг ички томонига чандиб боғлади. Тўсиқнинг сиртқи, денгиз томони эса илгари бошқа занжир билан қояларга тортиб қўйилган эди.

Жильят дарадан чиқиб кетиш йўлини очиш ўрнига, аксинча уни мустаҳкам бекитди.

Йилтираб нурланиб турган денгиз ҳануз атрофни ёритиб турар, лекин ёғду аста-секин хиралашиб борарди. Рост, шу пайт тонг ёриша бошлаган эди.

Жильят бирдан ҳушёр тортиб, сергакланиб қолди.

XI

ҚУЛОҒИ БОР ЭШИТАДИ

Жильятнинг қулоғига олислардан келаётган аллақандай ноаниқ, паст товушлар чалингандай бўлди.

Гоҳо-гоҳо денгиз қаъридан босиқ гувиллаган овоз эшитиларди.

Жильят бутун вужуди билан берилиб қулоқ солди. Олиодан эшитилаётган гувиллаш яна такрорланди. У бу товуш нималигини фаҳмлади шекилли, бош чайқаб қўйди.

Орадан бир неча дақиқа ўтар-ўтмас у даранинг шар-

қий томонига борди. Бу ер ҳеч нима билан тўсилмаган, очиқ эди. Бу ерда ҳам Жильят Дуврларда қилгани сингари «Одам» қояга бориб туташадиган тизма қояларга болға билан ярим газлик михлардан қоқди.

Мих қоқиладиган ерлар олдиндан чамалаб қўйилганди: қояларнинг ёриқ-ковакларига эман ўзагидан маҳкамлаб қоziқлар қоқилганди. Қояларнинг бу томони шамолда анчагина нураб қалган, торс-торс ёрилиб кетган, шунинг учун ҳам Жильят Дувр қояларидагига қараганда бу ерда кўпроқ мих қоқишга муваффақ бўлди.

Денгиз алангаси, гўё тепадан биров пуфлаб ўчиргандек, сўнди; унинг ўрнини дақиқа сайин оқариб келаётган тонгги қоронғилик эгаллади.

Михларни қоқиб бўлгач, Жильят аввал ходаларни, кейин арқон, сўнгра занжирларни ташиди, у ҳеч ёққа қарамай, ҳаялламай ходаларни кўндалангига устма-уст ўрнатди, уларни арқон билан чандиди; дара оғзини тўсиб, ҳозирги фаннимиз ҳам тан оладиган тўлқин қайтаргич деб аталмиш тўғон қурди.

Гернсейнинг Рокен ёки Франциянинг Бурдо деган жойларида қояларга қоқилган қоziқларнинг қандай иш беришини кўриш кимга насиб бўлган бўлса, бу оддийгина иншоот нималарга қодирлигини у яхши тушунади. Бунақа иншоотни Францияда «оқим қайтарувчи дамба» деб аташса, Англияда «дамба» деб қўя қолишади. Бундай тўлқин қайтаргичлар довул йўлига қўйилган ғовдир. Башарти денгиз билан беллашиб, журашарқансиз унинг кучини қирқиб, бўлиб юбора билиш ва ундан фойдаланиш лозим.

Бу орада чарақлаб қуёш ҳам чиқди, ҳаво очиқ. Осмон мусаффо, денгиз осойишта эди.

Жильят шошиларди. У сиртдан хотиржам кўринсада, шошилаётгани безовталанаётганини сездириб турарди.

У дев сакраш қилиб қоядан қояга ўтар, тўғондан омборхонага, омборхонадан тўғонга қатнарди. Бир нафас ҳам дам олмай, гоҳ тахталар, гоҳ кемага кўндаланг ташланадиган тўсинларни таширди. Кеманинг бузуқ-ёриқ, синиқлари ҳозир кунига яради. У олдиндан сезган фалокатлар яқинлашиб келмоқда эди.

Йўғон темир таёқ ходаларни суриш, айлантириш ва ўрнатишда унга анча иш берди.

Иш жуда тез унаётганидан, дамбани биров қураётгани йўғ-у, ўз-ўзидан кўтарилаётганга ўхшарди. Жанг вақтида кўчма кўприк қурувчиларнинг ишини кўрмаган киши Жильятнинг қандай тезлик билан ишлаётганини тасаввур ҳам этолмайди.

Дарага шарқий томондан киравериш ғарбдагига нисбатан торроқ эди — унинг эни бор-йўғи беш ёки олти фут келарди. Бу Жильятнинг ишини осонлаштирди. У беркитадиган жой унча катта бўлмагани учун тўғон қуриш унчалик қийин бўлмади, бунинг устига мустаҳкам чиқди. Ходаларни кўндалангига устма-уст қилиб ётқи-зишнинг ўзи кифоя, орқасига уларни суяб туриши учун қозиқ қоқмаса ҳам бўларди.

Тўлқин қайтарғичнинг дастлабки ходаларини маҳкамлаб ўрнатиб бўлгач, Жильят ходалар устига чиқиб, қулоқ солди. Гувиллаган товуш энди аниқроқ эшитиларди.

Жильят ишини давом эттираверди. У қураётган тўғонига Дюранданинг лангар кўтарадиган иккала калта гўласини тиргович қилди, кейин ходалару тирговичларни кўшиб, занжир билан боғлади.

Бу тўғон қозиқлари ўрнига хода, тол новдалари ўрнига занжирлардан тўқилган баҳайбат четан деворга ўхшарди. Гўё қурилмаган-у, тўқилган.

Жильят ишни пухта қилиб, зарур бўлган ерларга миҳ қоқиб, тўғонни мустаҳкамлади.

Ҳалокатга учраган кема харобасида йўғон симга ўхшаган думалоқ темир таёқчалар жуда кўп эди, Жильят ана шулардан кўпгина миҳ ясади. Иш орасида у қоқонни тамадди қилиб турарди. Ташналик азоб берар, ичиш учун сув қолмаган эди. Кеча кечқурун кечки овқатдан сўнг мўндисида қолган сувнинг сўнги қултумларини ичган эди.

Тўғонга яна тўрт-бешта хода ётқизиб, иккинчи бор устига чиқди-да, қулоқ солди. Олисдан келаётган гувиллаш тинганди, атроф сув қуйгандек жимжит.

Денгиз осойишта, улуғворлик касб этади; ҳозир ў бундай пайтларда вақти чоғ, беташвиш одамларнинг «ойнадек тиниқ», «кўлдек осойишта», «зилолдек беғубор», «гўдакдек мулоим», «қўзичоқдек беозор» каби мақтовларига лойиқ эди. Тип-тиниқ зангори осмон гумбази кўм-кўж зилол океан даштлари билан туташиб, уйғунлашиб кетган. Бу икки дўст — зумраду дур сингари

осмон билан океан бир-бирига суқланиб тикилишарди. Уларнинг иккиси ҳам бир-бирдан сўлим, бир-бирдан дилрабо эди. На кўкда қатра булут, на сувда тирноқча кўпик бор. Бу икки кўркам поёнсизликни томоша қилгани апрель қуёши ўз қароргоҳидан улугворлик билан чиқиб келмоқда. Бундан афзал, бундан гўзал ҳавони тасаввур қилиб бўлмасди.

Шу пайт узоқда, уфқда узун қора чизиқ пайдо бўлди: бу учиб бораётган қушлар галаси эди. Улар қуруқлик томон ўқдек учиб бормоқдалар; худди қочиб кетаётган қочқинларга ўхшайдилар.

Жильят яна ишга киришди.

У тўғонни қўлидан келганича, нотекис қоялар имкон берганича баланд кўтарди.

Тушга бориб офтоб одатдагидан ортиқроқ қиздираётгандек туюлди. Туш маҳали куннинг ҳал қилувчи пайтидир. Жильят ҳозиргина битказган мустаҳкам панжарасимон тўғони устида ғоз туриб олисларга тикилди.

Денгиз осойиштагина эмас, балки қимир этмай қотиб қолгандек. Елкан-пелкан кўринмайди. Осмон ҳамон мусаффо, лекни унинг зангори чеҳраси ўчиб, оқара бошлаган, деярли оқ тус олганди. Бу тус галати, тааж-жубли кўринарди. Кунботарда, уфқда аллақандай бир доғ қорайиб турар, бу доғдан ҳеч яхшилиқ жутиб бўлмасди. Доғ силжисмай турган бўлса-да, аста-секин катталашиб бормоқда эди. Сув ости қоялари атрофида денгиз жиғирлаб, оҳиста мавжлана бошлади.

Жильят тўлқин қайтарғич тўғонни қуриб жуда яхши иш қилибди: бўрон бошланмоқда эди.

Бепоён денгиз ва тубсиз осмон Жильятга қарши жанг қилишга аҳд этган эди.

Учинчи китоб

ЖАНГ

I

ИНТИҲОЛАР ТУТАШАДИ, ҚАРАМА-ҚАРШИЛИКЛАР БИРЛАШАДИ

Кеча-кундуз тенглашган палла охирларида турадиган бевақт бўрон жуда ҳам ёмон бўлади. Бундай пайтда океан даҳшатли тус олади, денгиз даштларининг ичкариларидан қутурган довуллар ҳамла қилади.

Йилнинг турли фаслларида, айниқса ойбоши ва ой тўлишган паллаларда кутилмаганда, океан бирдан сокин бўлиб қолади, ҳаракат тинади: денгиз мудраётганга ўхшайди, у ўзини ҳоргин сезади ва нафасини ростлаб, дам олаётгандек кўринади: уни ҳолдан тойган деб ўйлайсиз. Балиқчилар байроқчасидан тортиб то ҳарбийденгиз кемаларининг байроқларигача мачта ёнида бошини ҳам қилгандек ер тубан салқиб туради. Адмираллар, қироллару императорларнинг байроқларигача — ҳаммаси уйқуга бош қўйгандек туюлади.

Тўсатдан ана шу латта-путталарга жон жириб, аста ҳилпирай бошлайди.

Бундай маҳалда дарров: агар ҳаво булут бўлса — кўкда барра булутлар бор-йўқлигига, башарти қуёш ботаётган бўлса — шафақнинг лоладек қизарганлигига, мабодо кеч кириб, ой чиққан бўлса — унинг атрофида ёруғ доира ҳосил бўлганми-йўқлигига эътибор бериш зарур.

Бундай дақиқаларда кема капитани ёки эскадрилья кўмондонининг мабодо ким томонидан кашф этилган номаълум бўлган шишадан ясалган бўрон ўлчагичи бўлса ва бу асбобчадаги суюқликни микроскоп орқали текшириб, унинг сувда эритилган шакар каби қуйқалиги-

ни кўрса, у дарров жанубдан эсиши мумкин бўлган шамолга қарши, агар асбобчадаги суоқликдаги кристаллар қирққулоққа ёки арча баргларига ўхшаш шакл касб этса, шимолдан келадиган шамолга қарши зудлик билан чораи-тадбир қўллайди. Бундай пайтларда римликлар томониданми ёхуд арвоқлар томониданми устун каби қаққайиб турган ғалати бир тошни йўниб ишланган, Бретанияда менгир, Ирландияда круах деб аталадиган сирли қуёш соатига қараб иш тутадиган бретанлик ёки ирландиялик қашшоқ балиқчи ўз қайиғини эсон-омон қирғоққа олиб чиқишга ошиқади.

Осмон ва денгиз ҳамон осойишта. Нурафшон тонг отиб, атроф гул-гул очилган, борлиқ табасомга чўмган; бу манзара қуёшнинг риёкор, иккиюзламачи эканини дадил айтишга ботинолмаган қадимий валли, авлиёлар ҳамда шоирлар қалбига илоҳий кўрқинч, муқаддас илҳом бахш этган. Зотан қуёшни риёкор, алдамчи дейишга ким журъат эта олади? Кўзга чалинмас тасодифларнинг хира шарпаси маккор табиатнинг махфий пардасига чулғаниб олган, уни инсон кўра олмайди. Бу машъум шарпа ўз макрени яшириб, бетига ниқоб тортиган тубсиз денгиз қаърида ҳаммадан кўра хатарлироқ, айёрроқ бўлади.

Одамлар, ўлжа пойлаб тош остида писиб ётган илондек, деган иборани ишлатишади, аслида бу иборани: ўлжа пойлаб мусаффо осмон қўйнида писиб ётган бўрондек, деб ишлатилса кўп соз бўларди.

Бундай ҳолат соатлаб, ҳатто кунлаб давом этади. Кема капитанлари дурбинларини гоҳ у томонга, гоҳ бу томонга тўғрилайдилар, атрофни кузатадилар. Бундай кезларда кўпни кўрган денгизчиларнинг тоқатлари тоқ бўлади, рижинадилар.

Тўсатдан кучли, аммо ноаниқ шовқин кўтарилади. Осмонда ғалати гумбурлаган товушлар эшитила бошлайди.

Кўкка ҳар қанча тикилган билан ҳеч нарсани кўриб, англаб бўлмайди. Бепоён денгиз ялангликлари осойишта жимирлаб тураверади. Гумбурлаган товуш эса тобора зўрайиб, яқинлашиб келаверади. Гўё кўк гумбази устида биров юрибди дейсиз. Биров юрганида ҳам жуда даҳшатли, ҳаддан зиёд ҳайбатли бир кимса юрганга ўхшайди. Бу — шамол.

Шамол, яъни баҳайбат паҳлавонлар галаси, биз

уларни қуюн деб атаймиз. Қуюн эса зулмат фарзанди, балою офатдир.

Ҳиндистонда бўрону қуюнларни марут, Юнонистонда аквилон, Исроилда керубим деб атайдилар. Бу қуюнлар чексиз бўшлиқнинг кўзга кўринмас йиртқич қушлари, ўлжага ташланган шамол илоҳидир.

II

ДЕНГИЗ ШАМОЛИ

Қаердан пайдо бўлади бу шамол? Поёнсиз бўшлиқдан, чегарасиз кенгликлардан эсади у. Шамол қанот ёзиб, тубсиз бўшлиқнинг эни ва бўйини ўлчайди. У парвоз этаркан, ниҳоясиз ялангликларни истайди. Атлантик океани, Тинч океан — чексизликнинг кўз илғамас кенг ерлари унга жуда ёқиб тушади. У кўк юзига зулмат пардасини тортади. У галалашиб парвоз этади. Қуюнларнинг бирида капитан Паж сув кўтарилиши вақтида бараварига кўкка устундек туташиб кетган етти гирдоб — қуюнни кўрган экан. Денгиз узра улар кўнгиллари тусаганича шумлик қиладилар. Улар турли-туман фалокатлар ўйлаб чиқаради. Шамолларнинг қиладиган иши — ҳуда-беҳудага осойишта денгизни уфуриб, абадил-абадга тўлқинларни олдига солиб қувишдир. Шамолнинг нимага қодирлиги бир жумбоқ, истаги бир муаммо. Улар тубсиз бўшлиқнинг сирли шерларидир, Васко да Гама¹ уларнинг Эдипи² бўлган. На боши бор, на охири, абадий қайнаб жўш уриб турадиган бўшлиқ кўксида бўрону қуюнлар ўз қиёфаларини булут сифатида намойиш қиладилар. Бу кўкимтир булутларнинг денгиз уфқида сузиб юрганига кўзи тушган одам улар ортида шафқатсиз қора кучлар яширинганини сезади. Бу қора кучларни пўё инсон ақли-заковати безовта қилиб қўйган-у, улар инсонга қарши тиш қайраб, унинг пайига тушгандек. Ақл енгилмас бир нарса, лекин та-

¹ Васко да Гама (1469—1524)— Ҳиндистонга бориладиган сув йўлини очган португалиялик сайёҳ; унинг бу кашфиётидан сўнг Португалия ва Ғарбий Европадаги бошқа мамлакатларнинг Тинч океандаги ерларни ўз мустамлакаларига айлантириш мақсадида босқинчилик урушлари бошланиб кетган.

² Э д и п — қадимий юнон афсоналаридаги паҳлавон, шер бошли баҳайбат махлуқнинг берган топишмоғини ечиб, она шаҳри Фивани ҳалокатдан сақлаб қолган.

бий офатлар ҳам бўш келмайди. Ҳар ерда ҳозир у но- зир, бироқ тутқич бермас кучларни нима ҳам қила ола- сиз? Шамол ғир-ғир эсади, у дам ғазаб чўқморини қўлга олиб, йўлида учраган нарсаларни қўпоради, емиради, тилка-пора қилади, гоҳ шаштидан тушиб, майин эса бошлайди. Қуюн қутуриб ҳамма ёқни вайрон қилади, кейин ўзини ҳимоя қилишга ўтиб, ғойиб бўлади. Гир- добга дуч келиб қолган кимса, унинг чангалидан қан- дай қутулиб кетишини билолмай, тангиб қолади. Қуюн турли қиёфага кириб, ҳали у ёқдан, ҳали бу ёқдан ҳамла қилаверганидан, тутқич бермай чекиनावерганидан ғани- минни довдиратиб қўяди. У бир вақтнинг ўзиде ҳам ҳам- ла қилади, ҳам ўзини четга олади, бостириб келади-ю, тутқич бермайди. Шундай бўлгандан сўнг у билан қан- дай олишиб бўлади? Аргонавтлар¹ кемасининг Додон эманидан ясалган тумшуғи бир вақтнинг ўзиде ҳам ке- ма тумшуғи, ҳам дорға вазифасини ўтатган — у қуюнлар- га афсун ўқиб, уларни шаштидан қайтармоқчи бўлган. Улар бу ажойиб кема дорғасининг илтижоларини ино- батга олмай, унга ҳамла қилгандилар. Бўроннинг «Пин- та»га ҳамла қилишга ҳозир турганини кўрган Христо- фор Колумб палубага чиқиб, Иоанн инжилининг муқад- дима оятларидан ўқиб, уларга илтижо қилган, Сюркуф эса уларни болохонадор қилиб сўккан. «Энг ярамас аблаҳлар тўдаси!»—деб ҳақоратлаган. Непир² бўлса уларга қарата тўплардан ўт очган. Шамол офату фало- катларга гирифтор қилади.

Унинг офату фалокатлар оламига нисбатан муноса- бати қандай? Шафқатсизларча иш қилади у. Шамол макони шерлар уясидан ҳам кўрқинчлироқ, даҳшатли- роқ. Тубсиз денгиз қаърида қанчадан-қанча шамол қур- бонлари ётибди! Бўрон денгиз сувини ўркак-ўркак қи- либ шафқатсизларча қувади. У ҳеч нимани эшитмайди, кар ва гунг у, аммо унинг шовқини ҳамма вақт эшити- либ туради. Унинг қилаётган ишлари жиноятдан иборат. Унинг кимни ёинки нималарни тилка-пора қилиб, нима-

¹ Аргонавтлар — юнон афсоналарига кўра биринчи денгиз сайёҳлари. Улар Язон бошчилигида «Арго» номли ажойиб кемада олтин барра қидириш узоқдаги Колихиде (Кавказ) қирғоқларига борганлар. Ушунининг тумшуғи Додон эмани- дан қурилган бўлиб, қадимий юнонлар бу дарахтни муқаддас дарахт деб билганлар.

² Непир Чарльз (1786—1860)— инглиз денгиз офи- цери, кейинчалик у адмирал даражасига кўтарилган.

ларни сувга фарқ этиб, оппоқ кўпиклар остига гойиб-қилганини ким билади дейсиз? Қанчалаб кемаларни шафқатсизларча ҳалок этади у! Тақдири илоҳига шак келтириш, ҳурматсизлик бу! Баъзан эса бўрон ва довуллар оллоҳ таолони ҳақорат қилаётган, унинг бетига оёқ тираётгандек туюлади. Бу қора кучлар инсон текшириб улгурмаган, унинг қадами етмаган ерларнинг ҳокими мутлақадир. Венециялик денгизчилар шамол маконини даҳшат макони деб атаганлар.

Титраб-қақшаб турадиган бўшлиқ, чексизлик шамолларнинг ҳар қандай бебошлигига бардош беради. Бу бениҳоя бўшлиқлар бағрида таъриф ва тавсиф қилиб бўлмайдиган ҳодисалар рўй беради. Зулмат ичра чавандозлар от елдириб юргандек бўлади, осмон ўрмон каби шовиллаётгандек туюлади. Қоқ пешинда тўсатдан ҳамма ёқни қоронғилик қоплаб, зимистонга айланиб қолади; ярим кечада атроф кундузгидек ёришиб кетади—бу шимол ёғдусининг яллиғидир. Қуюн кетидан қуюн, гирдоб ортидан гирдоб елади, дам олдинга, дам орқага бир-бирларини қувалашади, гўё аллақандай даҳшатли табиий офатлар рақс тушяпти, йўлига тўғоноқ бўлган нарсани савалаяпти дейсиз. Шишиб-кўпчиб кетган булут тарсиккига бўлинади, унинг парча-пурча бўлақлари денгизга тўжилади. Булутлар ўт тушгандек алангаланаяди, гулдурайди, бир зум ёришиб, яна ўчади; чақмоқ чақиб яшин учади-да, булутлар ўчиб қолган писта кўмирдек қоп-қора тусга киради. Бир замон ёмғир қопчиги бўлган булутлар илма-тешик бўлиб йиртилади-ю, пастга туман бўлиб ёғилади. Кўкда бир кўра бор, у ёмғир пуркайди, пастда эса тўлқинлар гўё атрофга ўт уфуради. Ёмғир пардаси ортидан денгиз ялангликларининг бўшлиқлари кўзга элас-элас чалинади; туман қатламлари ортида ўз шаклини бетиним ўзгартиб турган афсонавий кўлагалар шўхлик қилиб, ўйинга тушади. Туташ булутлар танасини тубсиз ўпқонлар илма-тешик қилиб юборган. Кўкка ўрлаётган буғ буралиб бориб, булутларга устун бўлади, уст-устига мингашиб рақс тушаётган шўх тўлқинлар узра маст-аласт сув парилари қаддини тутолмай чайқалади; қаёққа қарама^{ни}н^и кўз илғаган ергача, майин, салобатли денгиз қатла^{ни}н^и турган жойида ўзини ҳар ёққа ютади, тинмай ҳаракат қилади; бутун борлиқ бетига мотамсаро қорамтир ниқоб тортган; бу ниқоб ортидан аламли нолаю фиғон эшитилади.

Бу мотамсаро зулмат олами қаърида иблислар тўдаси шақ-шақ қалтирайди. Вақти-вақти билан офату фалокат келтирадиган бу қора кучлар ақлдан озиб қутурдилар, ўзларини минг ёққа ташлайдилар, шунда тўлқинлар тошиб-тутақиб кўкка салчийдилар, оҳиста шовиллаган товушлар кучайиб, даҳшатли гулдуракка айланади. Атроф ларзага келади, бир-бирини қувалашган баҳайбат тўлқинлар уфққа туташиб кетади; денгиз бетиним чайқалади, еру кўкни бетўхтов гулдураклар босиб кетади; ора-сира кўп бошли аждаҳолар акса ураётгандек даҳшатли, ғалати товушлар эшитилади; ҳаво дам совиб кетади, дам исийди. Денгиз аллақандай фалокат яқинлашиб келаётгандай қўрқув ичра қалтирайди, фалокат яқинлашиб келаётганидан ҳамма ёққа жар солади, изтиробга тушади, ўтакаси ёрилган тўлқинларнинг ранги ўчади. Бирдан, ташналигини қондиргани денгизга ташланган йиртқичдек, довул океан кўксига шўнғийди, унга сингиб кетади; шунда ақл бовар қилмайдиган манзара намоён бўлади; денгиз суви шавжланиб, қайнаб-кўпириб кўзга кўринмас махлуқнинг чанқоқ оғзига кириб бораётгандек осмонга кўтарилади. Бу пайт кўкдаги булут пастга шўнғийди, кўпириб осмонга отилган сув пастга шўнғиган булутга, гўё икки чирпирак бўлиб айланиб турган конус ўткир учлари билан бири-бирига туташади, гўё икки тоғ—кўкка сапчиган кўпиклар тоғи ва пастга шўнғиган булут тоғи бир-бировидан бўса юлади; тўлқинлар ва зулмат бир-бировини маҳкам кучади, бағрига босади. Уюрма, тавротда зикр этилган устундек, кундузи қоп-қорайиб кўринса, тунда ёғду сочади. Уюрмага рўпара келганда момақалдиरोқнинг қўрқанидан дами ичига тушиб кетади.

Жазавага тушган бепоён денгизнинг беқиёс сози бор: қасирға, қуюн, довул момақалдироқ, пўртана, бўрон, уюрма — шамоллар созининг етти тори, денгиз қаърининг етти мақомидир. Осмон—поёнсиз кенглик, денгиз — қабарик, дўмбоқлик; аммо довул ғазаб билан уфура бошлади дегунча еру само алғов-далғов бўлади, осойишталик ўрнини тўс-тўполон эгаллайди.

Қора кучлар олами ана шундай даҳшатли.

Бўрону довуллар елиб-югуради, бўшлиқларда парвоз қилади, аста-секин шаштларидан тушиб, тинади, кейин уларга қайтадан жон битиб, қисти-бастига олиб елади, чувиллаб ҳуштак чалади, зўр бериб увиллайди,

қаққаға уради; жазавага тушган, қутурган бежилов бӯрон аччиғига чидаёлмай ўзини ҳар томонга отаётган тўлқинларнинг жиғига тегиб, терисига сиғмай семиради, яйрайди. Бу ваҳший овозлар бир-бирига уланиб кетади, осмон эса уларга жўр бўлади. Шамол бурғи чалгандек булутларга уфуради, булутлар эса ўз навбатида коинот карнайини тартади, буларга жамики чолғу асбобларидан тузилган чексизлик оркестри жўр бўлади. Бу даҳшатли машқни тинглаган кимса Пан¹нинг наърасини эшитаётгандек маҳлиё бўлиб қолади. Бу даҳшатли ўйинлар шамолларнинг эрмагидир. Уларнинг бу охиркети йўқ хурсандчилиги, шодиёналари мудҳиш оқибатлар келтиради. Бепоён денгиз кўксида сузиб бораётган ёлғиз кемаларни қуршаб оладилар, тузоққа туширадилар. Кечасию кундузи, ёзин-қишин, хоҳ тропикларда, хоҳ қутбларда, хуллас қаерда бўлмасин, шамоллар бетиним ўз бурғиларини жон-жаҳди билан чалиб, булут ва тўлқинларни ўз қанотига олиб, ваҳшиёна тарзда кема ювигача чиқадилар, уларни фарқ қиладилар. Уларнинг амрига гала-гала тозилари мунтазир туради. Улар ана шу тозиларини ишга солиб кўнгил очадилар, улар ўз тозилари бўлган тўлқинларга қояларни талатадилар. Улар булутларни гоҳ бир ерга тўплайдилар, гоҳ яна ҳар томонга тўзитиб юборадилар. Улар ўзларининг миллионлаб қўллари билан поёни йўқ, итоатгўй денгиз сувини ағдар-тўнтар қилиб чайқайдилар, қориштирадилар, чунки сув босиб ва қисиб бўлмайдиган бир нарса. Тепадан зўр куч билан босилганда сув ўзини четга олади, бўш жойга қараб оқади. Тўлқин ана шундай пайдо бўлади. Тўлқинлар эса сув эркинлигининг ёрқин тим-солидир.

III

ЖИЛЬЯТ ТИНГЛАГАН ШОВҚИННИНГ ТАВСИФИ

Кеча-кундуз тенглашган паллада шамол қутуриб, қуруқликка ҳамла қилади. Йилнинг бу фаслида тропика ва қутблардаги ҳаво мувозанати тарози палласидек бир томондан иккинчи томонга юғади, бепоён ҳаво океани ҳаракатга келиб, бир ярим шардан иккинчи ярим шар-

¹ Пан — антик афсоналарга кўра табиий офатлар худоси, у наъра тортганда ҳамма ёқни ваҳима босиб кетаркан.

га оқа бошлайди. Тарози ва Сув пурковчи юлдуз туркумлари бу табиий ҳодисалардан далолат беради.

Бу бўронлар фаслидир.

Денгиз сукут сақлайди, сабр қилиб пайт пойлайди.

Баъзан осмоннинг лаб-лунжи осилиб, тумшайиб қолади. У тундлашади, бетига ниқоб тутиб олади. Денгизчилар бу бадқовоқ, бетига хира парда тортган осмонга хавотирланиб қараб-қараб қўядилар.

Аммо осмоннинг чарақлаб, айёрона жулиб туриши ҳам хавфли. Кеча-кундуз тенглашган паллада чарақлаб ёришиб турган осмон ўз бағрида ўткир тирноқли момақалдироқларни ардоқлайди, уларни киши назаридан яширади. Шундай кунларда амстердамлик аёллар Йинглоқи хотинлар минорасига чиқиб олиб, кўкка термуладилар.

Зотан баҳорги ҳамда кузги довуллар сал кечиксалар, улар куч тўплаётган бўладилар. Улар йўлларида учраган нарсани тилка-пора қилиш, вайрон этишга сарфлаш учун маблағ жамғарадилар. Денгиз ҳамма вақт ўз қарзини узади, аммо унинг туҳфасидан ҳазар қилинг, эҳтиёт бўлинг. Бир вақтлар Анго «Денгиз қарзини ўз вақтида тўлаб туради, у жуда инсофли»,— деган эди.

Кутиш ҳаддан зиёд чўзилиб кетганида денгиз сабр косаси тўлиб, ўзининг тоқатсизланаётганини ўта осойишталиги билан сездириб қўяди. Денгизнинг тоқатсизланаётгани сувнинг нурланаётганида намоён бўлади, тўлқинлар нур таратади. Ҳаво электр қувватига тўяди, сув эса хира ёғду сочади. Денгизчилар ўзларини ҳорғин ҳис этадилар. Бундай дақиқалар айниқса броненосецлар учун хатарли: кеманинг металли асоси таъсири остида компас нотўғри ишлаши мумкин, бу эса ҳалокат демакдир. Атлантика океанида «Айова» номли пароход шу тарзда ҳалокатга учраган.

Бундай дақиқаларда ҳатто денгизда кўп сузган кишилар ҳам таажжубда қоладилар, бу манзара уларга ғалати бир жумбоқ бўлиб туюлади; бунақа пайтларда денгиз бўрондан чўчийди, айни вақтда уни қўмсайди деса ҳам бўлади. Баъзан икки жинснинг қовушиши, ўз эҳтиёжларига қарамай, худди ана шундай содир бўлади. Куйикиш палласида урғочи шер эркагидан ўзини олиб қочади. Денгиз ҳам севги ҳарорати билан ёнади, ўзини ҳар ёққа отади.

Даҳшатли тўй яқинлашиб келмоқда.

Бу тўй ҳам қадимий қиролларнинг тўйлари каби қатл қилиш билан нишонланади, офату фалокатлардан пояндоз тўшаб, ишратхонага ўтилади.

Мана, очиқ денгизнинг кўз илғамас ичкариликлари-дан, сув даштларининг симоб ранг уфқ билан тутшиб кетган ерларидан, чеки йўқ бўшлиқ қўйнидан бўрон от қўйиб келмоқда.

Эҳтиёт бўлинг, ўзингизни бардам тутинг: куну тун тенглик палласи ўз ҳукмронлигини бошлади.

Бўрон — бу зафарли исёндир. Қадимий афсоналарда ҳар ерда ҳозир нозир, беҳисоб табиат ҳодисалари билан чамбарчас боғланиб, чатишиб кетган ғалати кўлагашарпалар сайр қилиб юриши зикр этилади. Эол¹ Борей билан тил бириктиради. Табиий офат табиий фалокат билан дўст бўлиши лозим. Улар қиладиган ишларини ўзаро бўлишиб оладилар. Ахир тўлқинларни, булутларни, оқимларни ҳаракатга келтириш керак-да; ўз ҳомийлари бўлган зулмат — тунни ҳам бу ишларга тортмоқ зарур. Компасларнинг милини чалғитиш, сигнал чироқларини ўчириш, маякларни хиралаштириш, юлдузларни тўсиб қўйиш лозим. Денгиз ҳам бу исёнга қатнашиши, уларга шерик бўлиши керак. Ҳар вақт бўрондан олдин унинг шарпаси келади. Мана ҳозир ҳам уфқ ортида довулу бўронлар пичирлашиб ўзларининг дастлабки музокараларини бошладилар.

Жильят бутун вужуди билан зулмат қаъридан, қўрқувдан нафаси ичига тушиб кетган, осойишта жимирлаб турган денгиз узра олис-олислардан келаётган шовқинга қулоқ соларкан, ана шу даҳшатли пичирлашни эшитди. Уни фалокатдан огоҳлантираётган биринчи нарса сувнинг нурланиши бўлса, иккинчиси айтиб ўтганимиз аллақандай пичирлаган товуш эди.

Модомики Легион деб аталмиш жин-ажиналар дарҳақиқат мавжуд бўлса, эҳтимол, у бўроннинг ўзидир.

Шамол турли-туман, ҳар хил, ҳаво эса бир бутун яхлитдир. Шу боисдан ҳар қандай бўрон боши-кетги йўқ, аралаш-қуралаш бир нарса, ҳаво яхлитлигининг тақозоси бу.

Тубсиз бўшлиқдан бўрон туғилади, океандан эса қутурган тўлқинлар. Океан бор кучини тўплаб жангга ки-

¹ Эол — юнонлар мифологиясига кўра шамоллар ҳукмрони.

ради, унинг ҳар бир зарраси астойдил олишади. Тўлқинлар — бу кўкка сапчиётган тубсиз денгиздир. Шамол эса пастга ташланган тубсиз бўшлиқдир. Пўртанага йўлиқиш — бу икки куч, денгиз ва осмон исканжасида қолиш демакдир.

Денгиз сирларининг билимдони, клюнилик доно мунажжим Мессье¹: «Шамол ҳар ерда — ҳамма ёқдан эсди», — дерди доим. У ҳеч бир ернинг ўзига хос шамолни тан олмасди. Масалан, «Фақат Ўрта ер денгизининг ўзига хос бўлган ҳеч қанақа шамол ийўқ», — дерди у. Шамолнинг қаердан желаётганини айтиб бера оламан, деб уқтирарди. У, фалон куни, фалон соатда Констанца кўли устидан эсан, қадимда Лукреций² эслатиб ўтган шамол фалон куни Париж, яна фалон куни Адриатик денгизи атрофидаги қарағайзор узра эсиб ўтган; бир куни Циклад ороллари қуршовидаги сувларда бошланган шамол бу чиқиб бўлмас жойлардан ошиб ўтиб кетган, деб исбот қилмоқчи бўлганди у. Мессье буғланишнинг хусусиятларини таърифлайди. У Корсика билан Балеар ороллари ҳамда Мальта билан Тунис оралигидаги доимий қуюнларнинг у ерлардан нарига чиқиб кета олмаслиги ҳақидаги гапларга мутлақо қўшилмасди. У, шамол қафасга солиб қўйилган айиқ эмас, дерди. «Ҳар қандай ёмғирнинг манбаи — тропика, ҳар қандай чақиннинг онаси қутблардир», — деб уқтирарди у. Ҳақиқатан ҳам шамол ер ўқининг учлари деб саналган қутблар узра елиб ўтаркан, у ерда ҳосил бўлган электр қувватини шимади, экватор узра эсаркан, у ерда осмонга кўтарилаётган буғларни эмиб ўтади: у ер шарининг белбоғи минтақасидан биз томонларга ёғин-сочин, қутблардан эса электр қувватини олиб келади.

Шамол бормаган ер, у тумшуқ суқмаган қовак йўқ, у ҳар ерда ҳозир бўлаверади.

Аммо бу шамолнинг ўз йўли, минтақаси йўқ деган гап эмас. Мўътадил ҳаво оқими йўллари борлигини инкор этиб бўлмайди, буни фан исботлаган, шундай вақтлар келарки, биз юнончасига аэроскофлар деб атайдиган ҳаво кемалари асосий ҳаво оқими йўлларида қатнар. Фазода ҳаво оқими каналлари бунёдга келади —

¹ Мессье Шарль (1730—1817) — француз астрономи.

² Лукреций Тит (эрамиздан ав. I аср) — «Жисмлар табиати ҳақида» номли поэманинг муаллифи, римлик машҳур материалист-файласуф.

бунга ҳеч қандай шубҳа йўқ; самода ҳаво дарёлари, унинг ирмоқлари, турли оқимлари бор, лекин бу самовий дарёларнинг шохобча-ирмоқлари ердаги дарё ирмоқларидан бошқачароқ; у ердаги ирмоқлар дарёга келиб қуйилмайди, аксинча бу дарёлар ирмоқларга, ирмоқлар анҳору сойларга бўлиниб, таралиб, бирлашиш ўрнига шохлаб кетади. Ҳавонинг ана шу таралиб кетиши шамолларни бир-бирига туташтиради, атмосфера яхлитлигини сақлаб туради. Ўз жойини ўзгартирган молекула бошқасининг ўрнини эгаллайди, уни нари силжитади. Шамоллар бир вақтда ялписига ҳаракат қилади. Ана, шу бир йўла ялпи ҳаракатланиш ҳаво қатламини чокчокидан сўкиб, кўкка бўй чўзиб турган ер куррасидаги осмон ўпар тоғларга келиб урилиб, гирдоб бўлиб айланади, қуюн бўлиб қутуради, уларни ҳамла қилиб келаятган ҳаво оқимига қарши қайраб солади, беқиёс жангу жадал бошланади.

Бўрон — океан устидаги ҳаво океанининг чайқалишидир; сув океанини қучиб турган ҳаво океани бу тутқич бермас сувга тўё бутун оғирлигини ташлаб, беланчақда тебранаётгандек талтайиб ётиб олади.

Бўлинмас, яхлит нарсанинг йўлини ғов билан тўсиб, девор қуриб тўлқинни тўлқиндан ажратиб ташлаб бўлмайди. Шунинг учун ҳам Умид бурунида бошланган ўрқач-ўрқач тўлқинлар Ла-Манш ороллариғача етиб келади. Жаҳондаги бари денгизчилар, дунё денгиз кемачилиги ана шу ягона кўп бошли аждаҳога қарши курашиб келади, истаган денгизингиз бу ёвуз махлуқ танасининг бир аъзоси, унинг тўлқинлари эса аждаҳо гавдасини қоплаб олган тангачаларидир. Океан — бу Кэтодир¹. Ана шу махлуққа сон-саногии йўқ кучлар ҳамла қилади, унга қарши курашадилар.

IV

TURVA, TURMA²

Қомпас шамолнинг ўттиз икки йўналишини, яъни ўттиз икки тарафни кўрсатади; лекин бу тарафлар, ўз навбатида, чексиз бўлиши мумкин. Шамолнинг йўнали-

¹ Кэто — юнон мифологиясига кўра ёвуз ва маккор баҳайбат махлуқларнинг онаси, улар ўзларига қараган одамни тошга айлантириб қўяр эканлар.

² Оломон, сарбозлар (лотинча).

ши беҳисоб, манбаи чексизликдир. Бу йўналишларни ҳисоблаш зарур бўлса, ҳатто Гомер ҳам уддасидан чиқолмаган, ўзидан бунақа ишни соқит қилган бўлурди.

Қутбдан келган ҳаво оқими тропика оқимига — совуқ ҳаво жазирама иссиққа келиб урилади, натижада шамол тўлқинлари бошланади; бу ҳаво тўлқинлари тора кучайиб елиб-югуради, яна ирмоқларга бўлинади, қутуриб ҳар томонга оқади. Ер қуррасининг чор тарафига елиб-югурган шамол ҳаво денгизини ларзага келтиради.

Ньюфаундленд ерларини туман пардасига чулғаб ташлайдиган Гольфстрем шамоли; одамлар ҳеч қачон момақалдироқ овозини эшитмагани сабабли осмони соқов деб аталган Перу мамлакати шамоли; «йўл-йўл тумшуқли» Улуғ Пингвин яшайдиган янги Шотландия шамоли; Хитой денгизларига Ферродан эсадиган қуюнлар; кемаю қайиқларни шафқатсиз фарқ қиладиган Мозамбик шамоли; келаётганидан жом чалиб дарак бериладиган, электр қувватли Япония шамоли; Ошхона ва Иблис тоғлари дараларида маскан тутган, занжирини узиб чиқаётган итдек даҳшат билан отиладиган Африка шамоллари; тропика устида чарх уриб айланиб, фарбга томон эсадиган экватор шамоллари; вулқонлар оғзидан отилиб чиқадиган, нафасни қайтариб юборадиган даҳшатли шамоллар; ҳамма вақт шимол осмонида Ава вулқонига хос оч яшил-сарғимтир булутлар ҳосил қилиб турувчи ажойиб-ғаройиб шамоллар; йўлига «довул қафаслари» деб аталган қалъалардан тўсиқ қурилган Ява оролларида эсадиган муссон; ҳар томонга шохлаб кетадиган, инглизлар «бутазор» дейдиган шимол шамоллари; тўсатдан Малакка бўғозидан эсиб қоладиган, бир вақтлар Горсбург кузатган пўртаналар; жануби-фарбдан эсадиган, Чилида — памперо, Буэнос-Айресда ребохо дейиладиган, янгигина шилиб олинган хўкиз терисини ёпиниб, катта ўқ-ёйини тайёр тутган ҳолда тубсиз жарга тушиб чалқанчасига ётган ваҳшийдан кондорни¹ қутқариб қолмоқчидек, уни очик денгизга томон учуриб борадиган даҳшатли шамоллар; Лемерининг фикрича, булутларда чақинлар бунёдга келтирадиган кимёвий шамоллар; қўл-оёғи боғланган абадий музларни ол-

¹ К о н д о р — Жанубий Америкада яшайдиган, ўлимтирлар билан овқатланадиган катта йиртқич қуш.

дига солиб қувиб юрадиган қутб қор бўронлари; Нижний-Новгородгача етиб бориб, ёғочдан уч бурчак қилиб қурилган ярмарка томошахоналарини ағдар-тўн-тар қилиб ташлайдиган Бенгал кўрфазидан эсадиган шамоллар, азим тул дарахтларни ерга таъзим қилгудек эгиб-букиб юборадиган Кордильер тоғларидан уфурадиган шамоллар; баҳайбат дарахт барглари остига яширинган ёввойи асалари уяларини вайрон қилувчи, асал қидирувчилар изғиб юрадиган Австралия ороллари-дан эсадиган шамоллар; Шимолий Африка ва Жанубий Европада эсадиган гармселлар, сирокко, мистраль, урикан деб аталадиган дарё сувларини тошириб юборадиган, ёмғир, жазирама иссиқ олиб келадиган шамоллар; Генуя кўчаларини Бразилия яланглиklarининг чанг-тўзони билан тўлдириб юборадиган шамоллар; ер шарининг ўз ўқи атрофида айланиш ҳаракатига бўйсунадиган, унга қаршилик қиладиган, Эррер: «Ёмон шамол қуёш ҳаракатига қарши эсади», деганида кўзда тутган шамоллар; бири бунёдга келтирган нарсани иккинчиси емирадиган, ҳамма ёқни вайрон қиладиган ғазабнок шамоллар; Верагуа соҳилларида Хиристофор Колумб дуч келган, Антлантика океанидан Тинч океанга ўтиб бораётган Магелланнинг ҳаётини қирқ кун, 1520 йилнинг 21 октябридан 29 ноябригача таҳлика остида қолдирган, Филипп II нинг¹ кемаларига қарши эсиб, уларнинг мачталарини узиб юборган шамоллар юқорида зикр қилинган ҳаво океанининг ларзага келишидан туғилади. Уларнинг қора қилмишлари сон-саноксиз. Улар беҳисоб бақаю чигирткаларни осмонга чирпирақ қилиб олиб чиқади, океан узра булутдек ҳайдаб юради; ҳалокатга учраган кемаларни фарқ қиладди, уларнинг иши шу; улар кемалардаги юкларни турган жойидан суриб, кемаларни қийшайтириб юборади, булутларни қат-қат қилиб қалаштиради ёки паға-паға қилиб титиб юборади, ёмғир вақтида улар ялқовлашади, дўл аралаш уфуради, иситма, безгак рутубатларини ташмалайди, парвоз қила бориб олтингургуртли Қалабрия адирларининг тўзонларини осмонга кўтаради, Темир бу-

¹ Филипп II — Испания қироли (1556—1598), у 1588 йилда Англияга қарши курашмоқ учун Енги́лмас Армада деб аталувчи беҳисоб кемалар қурдириб, катта флот тузган, аммо бу флот денгиз жангида мағлубиятга учраган, кейин унинг қолган-қутганларини бўрон тўзитиб юборган.

рун чапгалзорларида изғиб юрган африка қоплонларининг жунни титкилайди, булутларни силкилаб, даҳшатли момақалдироқларни уйғотади, аллақаерлардан қора қорларни учириб келади. Булар шамол отли лашкарнинг содиқ сарбозларидир.

Жильят қутурган денгизнинг йўлини тўсиш учун тўгон қураarkan, ана шу чавандозлар лашкари отларининг олисдан желаётган дупурини эшитган эди.

Ҳозиргина биз «шамол» деган ибора ҳамма шамолларнинг мажмуи эканини айтиб ўтган эдик. Ана шу ёвуз кучлар галаси бостириб келмоқда эди.

Даҳшатли жанг майдонининг бир томонида — қора кучлар лашкари, иккинчи томонида Жильят турарди.

V.

ЖИЛЬЯТ ТАРАДДУДА

Қора кучлар қулай фурсатни кўзлаб, пайт пойларди.

Қайиқ «Одам» қояси тагидаги қўлтиқчада, кема машинаси Дюрандада маҳкам тураркан, Жильятни енгиш мушкул эди, чунки қайиқ бежавотир жойда, машина эса қоялар ҳимоясида турарди, машинани банди қилиб, аста-секин емирилишга, ҳалокатга маҳкум этган Дувр қоялари аслида уни фалокатлардан сақлаб турарди. Ҳарқалай Жильят у вақтда бир амаллаб мушкул аҳволдан қутулиб қетиши мумкин эди. Ҳар ҳолда, ҳалокатга маҳкум этилган машина унинг ҳаётига таҳдид қилмасди. Бирон фалокат юз берса у қайиғига тушиб, ҳаётини сақлаб қола оларди. Шундай экан, қора кучлар ўзгача мақд ишлатишга аҳд қилиб, унинг ўз қайиғини зиён-заҳмат етказиб бўлмайдиган бехатар жойдан олиб чиқишига, Дувр қоялари оралиғидаги дарага бемалол киритишига йўл қўйиб, Жильятнинг кема машинасини қутқизиш борасидаги мисли йўқ оғир ишларни батамом бажариб, уни Дюрандадан эсон-омон қайиққа туширишни тоқат билан кутдилар. Ёвуз қора кучлар ўлжани ана шу ерда ғиппа бўғиб, ўз домларига илинтирмоқчи эди.

Мана энди ҳаммалари — машина ҳам, қайиқ ҳам, Жильят ҳам қоялар орасидаги тор йўлакда жам бўлди, буларни тилка-пора қилиш, қайиқни қояга олиб бориб уриб, Жильят билан машинани денгиз қаърига фарқ қилиш учун биргина ҳамланнинг ўзи кифоя. Уларни бир

йўла, ҳаммасини бирга қўшиб лаҳзада жаҳаннамга ра-
вона қилса бўлади; бир зарба берилса улардан ному
нишон қолмайди.

Ҳозир Жильят тушиб қолган ҳолатдан кўра хатар-
лироқ вазият бўлмаса керак.

Гўё орзу дарёсида сузиб юрувчи хаёлпарастларнинг
уйдурмасича зулмат пардасига чулғаниб юрувчи баҳай-
бат махлуқ. Жильят олдига: «Ё шу ерда қол, ё жўна»,
деган икки масалани кўндаланг қилиб қўйгандай эди.

Ҳаммасини ташлаб, икки кўлини бурнига тикиб ке-
тавериш телбалик, қолиш эса даҳшатли эди.

VI

ЯККАМА-ЯККА ОЛИШУВ

Жильят Катта Дуврнинг тепасига чиқди. Унинг кўз
ўнгида бепоён денгиз намоён бўлди.

Кунботар тарафда ғалати бир ҳодиса рўй бермоқда
эди. У ёқда қалин бир девор қад кўтарганди. Уфқдан
уфққача қулоч ёзган баҳайбат булут девор бутун бор-
лиқни қамраб, тобора кўк гумбаз томон баландлаб, ол-
га бостириб желарди. Бу девор тип-тикка, сип-силлиқ,
на унда бирор ковагу ёриқ, на тепасида тирноқча кер-
тик ери бор, шайинга қараб қурилиб, газчўп билан
текисланган дейсиз. Бу девор гўё тошдан қурилганга
ўхшайди. Бу булут деворининг денгизга келиб туташ-
ган жануб томондаги ён бағри тип-тикка, шимол томо-
ни эса қиялаб бориб, сув сатҳига уланиб кетган эди. Бу
булут девори борган сари энига кенгайиб, баландлаб
борарди, тўсатдан теварак-атрофни ғира-шира қорон-
ғилик чулғаб олди. Ҳайбатли булут девор дақиқа сайин
илгарилаб, бостириб желаварди. У ҳамон бирдай теп-
текис, сип-силлиқ, унинг унсиз, салобат билан силжиб
келиши кўнгилга ваҳима соларди. Хиралашиб бораёт-
ган қуёш бу булут лашкарига нурсизгина ёғду сочиб
турарди. Булут осмон гумбазининг деярли ярмини қоп-
лаб олди, гўё ер ва кўк оралиғида зулмат тоғи қад кў-
тарган эди.

Куппа-кундузи оқшом чўкиб, атрофни зулмат қоплаб
олди.

Ҳаво ўчоқдаги кўр жаби қизиб кетди. Сирли булут
девори қатламлари ҳаммом буғхонасидек туман уфура
бошлади. Мовий осмон қорая бориб симоби тусга кир-

ди-ю, гўё кўкда осилиб турган улкан бир тоштахтага айланди-қолди. Пастда эса бошқа баҳайбат қорамтир тоштахта — хира тортган бепоён денгиз ястланиб ётарди. Денгиз узра на тик этган шабада, на қилт этган тўлқин ва на чурқ этган шовқин бор. Қаёққа қараманг— сокинлик, денгиз осойишта. Унинг бетида бирорта ҳам қайиқ ёки елкан кўринмайди, ҳатто паррандалар ҳам бирон фалокатни сезгандек яшириниб олишган. Чексизлик қаърида қандайдир даҳшатли хиёнат содир бўлаётгани сезилиб турарди.

Зулмат аста-секин қуюқлашиб борарди.

Дувр қоялари томон ҳамла қилиб, бостириб желаётган булут тоғлари ажал уруғини сочувчи, жангари, босқинчи қора кучлар эди. Бу булут тоғлари жуда маккор бўладилар. Қат-қат қора булутлар оломони орасидан аллақандай баҳайбат махлуқ жўмрайиб турганга ўхшайди. Бу ҳайбатли булут тоғларининг тобора бостириб келиши киши кўнглига даҳшат солади.

Булутларга диққат билан тикилиб турган Жильят: «Мен жуда ташнаман, сен менинг ташналигимни қондирасан!»— деб гўлдиради ғижиниб.

У кўзлари билан довулнинг қудратини ўлчамоқчидек, булутларга тикилганича бир нафас қимир этмай турди. Кейин камзули чўнтагидан шапкасини олиб кийди. Шу кунгача ўзига бошпана бўлиб келган ғордаги буюмларини олди-да, оёғига чарм кўнжлилигини кийиб, жанг олдидан совутини кияётган рицардек сув ўтмас плашини елкасига ташлади. Унинг кавушидан айрилгани эсингизда бўлса керак, шунинг учун у оёқ яланг юрарди, аммо оёқлари ёрилиб-тирналиб пишиб кетган эди.

Жильят ўзининг жанговар уст-бошини кийиб бўлгач, тўлқин тўсар тўғонга бир қараб қўйди-да, тезлик билан тугун-тугун арқонга осилиб Дувр тепасидан пастга тушди. Тошдан-тошга ўтиб, омборхонасига томон югурди. Бир неча дақиқадан сўнг у яна шитоб билан ишлай бошлади. У зарб билан кўтариб-ташлаётган болғанинг товуши ҳайбатли булут тоғларига бориб уриларди. Жильят яна нима қиляпти ўзи? У қолган-қутган мих, арқон ва ходалардан дарага шарқ томондан жираверишга, биринчи тўсиқдан ўн-ўн икки футча ичқарироққа иккинчи панжарасимон тўсиқ қурмоқда эди.

Теваракда ҳамон сокинлик ҳукмрон эди, қояларда бирон ўт ёки хас қилт этмай турарди.

Бирдан атроф янада қоронғилашиб кетди. Қуёш сўниб қолиб, унинг нурлари ўрнини хира ёруғлик олди. Жильят бошини кўтариб, кўкка қаради. Қуёш бетини булут қоплаганди.

Булут девор бутунлай ўзгарган эди, энди текис ва силлиқ эмас, у бутун кўк бетини қоплаб бораркан, паға-паға бўлиб, осмон гумбазининг очиқ қолган сўнгги қисмига ҳам ўз мудҳиш пардасини тутгани оҳишта сузиб борарди. Энди бу девор кўтарилиб келаётган бўрон таъсирида ернинг геологик қатламлари сингари қатлам-қатлам бўлиб қолганди. Булар жўш уриб желаётган ёмғир қатламлари ва дўл уюмлари эди. Кўкда чақин чақмаса ҳам, бутун борлиқни сеҳрли, ваҳима туғдирадиган аллақандай хира ёғду чулғаб олган, эҳтимол кўр-қув натижасида шундай кўринар. Оҳишта кўзғалиб келаётган момақалдиरोқнинг шарпаси эшитилаётгандай бўлди. Ҳамон атрофда изтиробли сукунат ҳукмрон. Нафаси ичига тушиб кетган Жильят тепасида улкан-улкан қоп-қора булут тоғларининг бир-бирови оғушига кириб, уларнинг тобора қуюқлашиб бораётганига тикилиб қолди. Кўк бетини қоплаб олган кул ранг туманнинг уфққа туташган этагига қорамтир хошия тутилганга ўхшайди; пастга осилиб турган кўм-кўк булут шокилдалари туман пардасига туташиб кетган. Бу манзара ҳаддан ташқари киши юрагини сиқар, кўнгилга ғашлик солар, хира, заҳил ранг касб этарди. Аллақайқдан пайдо бўлиб қолган камбаргина оппоқ булут пағалари қоп-қора, баланд, баҳайбат деворни шимолдан жануб томон тилиб ўтди. Унинг бир учи денгизга туташган эди. У ғалаёнга келаётган тўлқинлардан бўса олиб турган ерда зулмат қаъридан кўкка томон алвон ранг буғ миноралари ўрларди. Бу олисларга чўзилиб кетган оқ булутлар қатлами остида, жуда пастда кичик-кичик қора булут парчалари қаёққа боришларини билмай, бир-бировларига тўқнашиб, у ёқдан-бу ёққа елиб-югуришарди. Олисда пайдо бўлган улкан қора булут тоғи бир зумда ҳар томонга шохлаб, бостириб желаверди, теварак-атроф янада қоронғилашиб кетди. Жильятнинг ортида, шарқда ҳали булут қоплаб улгурмаган, аммо дақиқа сайин кичрайиб бораётган бир парчагина осмон қолганди, холос.

Ҳеч қандай шамолдан нишона йўқ, лекин шу пайт тўсатдан даҳшатли девор ортида баҳайбат бир қушнинг

патларини юлаётгандек, кўк юзида тутунсимон пару патлар тўзиб кетди. Денгиз узра бир теграси тўлқинларга, иккинчиси зулмат қаърига тутшиб кетган қоп-қора гумбаз муаллақ осилиб турарди. Аллақандай улкан, ғазабнок, даҳшатли фалокат бостириб келаётгани сезилиб турарди. Зулмат тобора қуюқлашиб борарди. Тўсатдан оламни ларзага келтириб момақалди роқ гулдуради. Бу даҳшатли гулдуракдан ҳатто Жильятнинг аъзойи бадани титраб кетди, гулдурак афсонавий бир манзара кашф этарди. Хаёлий кўлагалар олами бўлган зулмат ҳаққонийлигининг бу ҳақиқати жуда кўрқинчли эди. Гўё афсонавий девлар уясига кўкдан тоғдек жатта бир сандиқ ташлаб юборилгандек бўлди.

Оламни ларзага келтирган бу гулдурак вақтида чақмоқ, ҳатто учқун ҳам кўринмади — бу гўё чақинсиз қоп-қоронғи момақалди роқ эди. Яна атрофга сукунат чўкди. Қора кучлар ҳужум қилиш учун қулайроқ жойни кўзлаётгандек эди, нафасни ростлаш палласи бошланди. Бир оздан сўнг бирин-кетин беўхшов, даҳшатли, унсиз чақин чақди. Қизиқ, чақин чақди-ю, момақалди роқ гулдурамади. Ҳар чақин яллиғланганида бутун борлиқ чарақлаб ёришиб кетар, булут девор эса энди сеҳрли улкан ёрга айланиб қолган эди. Бу ёр қўйнида ҳашаматли саройлар, тоқи равоқлар, сўлим арklar кўзга ташланарди. У ерда аллакимларнинг соялари кўринарди. Ғалати махлуқларнинг баҳайбат бошлари, узун бўйинлари, устига кўшклар ортиб олган филлар кўз ўнгингизда пайдо бўларди-ю, шу ондаёқ яна ғойиб бўларди.

Бошига оппоқ буғдан тож кийиб олган дум-думалоқ, қоп-қора тик туман устуни сув остига ғарқ бўлган зарбардаст пароходнинг бурқсатиб тутун чиқариб турган мўрисига ўхшарди. Булутлар яхлит бир байроқдек ҳил-пирарди. Осмоннинг қоқ киндигида, сийраклашиб бо-раётган булут чодраси ортида электр учқунларини ўтказмайдиган ҳаракатсиз қалин туман қатлами — бўрон қорнида пайдо бўлган жирканч бола, қорайиб турарди.

Бирдан эсан енгил шамол Жильятнинг сочларини пахмайтириб ўтди. Йирик-йирик ёмғир томчилари атрофидаги қоялардан ўргимчак каби пастга ўрмалаб туша бошлади. Шу пайт яна момақалди роқ гумбурлаб, шамол кучайди.

Зулматнинг сабр косаси синганди; биринчи гулдурак



денгизни чайқатиб юборган бўлса, иккинчиси булут деворининг чокини сўкиб ташлади, ана шу ердан жала қуя бошлади. Булут деворда ҳосил бўлган, настига бўрон аралаш ёмғир уфураётган ёриқ баҳайбат бир махлуқнинг жағларини эслатарди.

Бу даҳшатли бир сония эди.

Кейин довул қутурди, кетма-кет чақин чақиб, момақалди роқ гулдурай бошлади, ғазабланган, қайнаб-қўпириб, булутларга сапчиётган тўлқинларнинг ноласи, оҳ-воҳи, кишнаши, бўроннинг ўзини ҳар ёққа отиб гувиллаши—ҳамма-ҳаммаси қўшилиб-чатишиб, бандиликдан озод бўлган ёвуз дев наъра тортаётгандек борлиқни шовқин-сурон босиб кетди.

Бўрон гувиллаб, ваҳший ҳайвондек увларди. Жала эса бутун борлиқни ўққа тутаётгандек бетиним саваларди.

Юк тўла қайиғи билан очиқ денгиз бағрида, маккор қоялар орасида қамалиб қолган Жильят каби бечора, бахтсиз бир кимса учун бундан кўра хатарлироқ дақиқа бўлмаса керак. Жильят мағлуб қилган сув кўтарилиши келтирадиган офат бўрон келтирадиган фалокатлар олдида ҳеч гап эмас.

Чор атрофдан денгиз қуршовида қолган Жильят бошига маломат тошлари ёғиладиган дамда, машъум фалокат олдидан ўз истеъдодини намойиш қилди. Душман қароргоҳидан таянч топа билди: у собиқ душмани Дувр қоялари билан ошно тутинди, қоялар бу даҳшатли бетма-бет олишувда унга кўмакдош бўлди. Жильят қояларни ўзига бўйсундирди, бу қабрни душман ҳамласига қарши қалъага айлантирди. У бу қўрқинчли денгиз қалъасида ёвга қарши ўт очгани шинаклар барпо этди. У қамалда қолганди, аммо тош деворли қалъада жон сақларди. У ўз паногоҳи бўлган қояларни ҳужумдан ҳимоя қилаётгандек бўронга қарши юзланди. У тўлқинлар йўлини тўсди, тўсиқлар қурди. Унинг қўлидан келадиган бирдан-бир чора ҳам шу эди, холос. Шояд бу тўсиқ ҳар қандай ҳокими мутлақдан қолишмайдиган океаннинг қаҳрли шаштини қайтарса. Унинг қайиғи шубҳасиз уч томонлама ҳимоя қилинганди.

Уч лангар ташлаб, қоялар орасида турган қайиқни қутқазилдан кўра тезроқ ғарқ қилишга ҳозир бўлган ваҳший қоялар — шимол томондан Кичик Дувр, жанубдан Катта Дувр қайиқни тўсиб, пана қилиб турарди. Кун-

ботар томонини эса ходаларни бир-бирига боғлаб, қояларга қоқилган михларга чандиб ташланган қопқоқ ҳимоя қиларди; бу қопқоқ ёвуз тўлқинларнинг шиддатли ҳамлаларига бардош берган, икки ёндори устун Дувр қоялари бўлган чин қалъа дарбозаси эди. Бу томондан сира чўчимаса ҳам бўлади. Хавф фақат кунчиқардан таҳлика қиларди.

Кунчиқар томонда биргина тўлқин қайтарғич тўғондан ўзга истехком йўқ. Бу тўғон эса сув пуркагичдек бир нарса. Ҳеч бўлмаганда ана шунақа тўсиқдан иккита бўлиши шарт. Жильят эса фақат битта тўғон қура олганди. У иккинчисини момақалди роқ авжига чиққан паллада қура бошлади.

Унинг бахтига шамол шимоли-ғарбдан эсарди. Баъзан денгиз хато қилиб қўяди. Шимоли-ғарбдан эсадиган бу шамол Дувр қояларига ҳамла қилиб ҳеч қачон зафар қозонолган эмас. У беҳисоб тўлқин лашкарини жангга бошлаб қояларга биқиндан ҳамла қиларкан, дарага на у бошидан, на бу бошидан кира олмас, океаннинг тор кўчасига бостириб кириш ўрнига қояларга урилар, нотўғри жанг қиларди.

Аммо шамол ўз йўлини доим ўзгартириб туради, шунинг учун у тўсатдан кутилмаган томондан бостириб келиб қолиши мумкин. Мабодо шамол Жильят иккинчи тўғонни қуриб улгурмасидан кунботар тарафдан ҳамла қилиб қолгундай бўлса, иш тамом, фалокатни қайтариб бўлмайди, бўрон қоялар орасидаги йўлакка бостириб киради, бу ердаги ҳамма нарса жаҳаннамга равона бўлади. Қишини гангитиб қўядиган гулдураш тобора кучайиб борарди. Бўрон зарба кетидан зарба берарди. Унинг қудрати ҳам, ожизлиги ҳам шунда эди. Бўрон орқа-олдига қарамай қутуриб ҳаракат қилади, шу боисдан инсон ақли ундан устун келади, одам ўзини ҳимоя қилади. Шунга қарамай нақадар қудратлидир бу бўрон! Шафқатсизликда тенги йўқ унинг. На тинимни, на танаффус қилишни, на ён беришни ва на нафасни ростлаб олишни билади у. Бу битмас-туганмас куч-қудратни беҳуда исроф қилиш замирида қандайдир бир тубанлик ётади. Атрофга назар ташласангиз, худди чексизликнинг баҳайбат ўпкаси нафас олаётгандек бўлиб туюлади.

Хуллас, ғалаёнга келиб, қайнаб-жўш ураётган бэрлиқ жон-жаҳди билан Дувр қояларига ташланаётганга ўхшарди. Теварак-атрофдан сон-саноқсиз инграш, нолаю

фиғонлар эшитиларди. Қимларнинг фарёди бу? Бу, фиғону фарёдлар қадимги одамларнинг кўнглига қутқу солган жин-ажиналарнинг ваҳимали нолаларини эслатарди. Баъзан аллақаерларда бу алвастилар шивирлашаётганга, амр бераётганга ўхшарди. Тўсатдан ҳайқириқ, овчиларнинг бурги чалган товушлари, ғалати от дупурлари, оламни ларзага келтирадиган, денгизчилар «денгиз чақиряпти» деб аташадиган наъра овозлари эшитилди. Бетўхтов, қутуриб эсаётган бўрон гувиллаб сувни гирдоб қилиб айлантирар, баҳайбат тўлқинлар кўзга кўринмас атлетикачилар шитоб билан улоқтирган улкан гардишдек чирпирак бўлиб айланар, қояларга кўпиклардан ўқ ёғиларди. Кўкдан шаррос жала қуймоқда, пастда эса денгиз кўкка қараб тупурмоқда. Ҳайбатли ўкирик янада кучайди. На оломон кўтарган ғала-ғовур, на ваҳший ҳайвонларнинг ўкириши океан лашкарларининг кўтарган бу шовқинига бас кела олади. Булутлар тўпга тутар, дўл сочма ўқлардек ёғилар, қутурган даҳшатли тўлқинлар ҳужумга ўтмоқда эди. Баъзи ерга қарасангиз осойишталик; бошқа томонга қарасангиз бўрон секундига йигирма саржин тезлик билан елиб-югурмоқда. Қаерига кўзингиз тушмасин, денгизнинг ранги ўчиб, оқариб кетган; ўн миль теварак-атрофда қайнаб-кўпириб мавжланарди. Ўт сочар дўзах дарвозалари очиб юборилганга ўхшайди. Булутлар бир-бирига пуркайди, лаққа чўғдек алвон тусли булутлар аланга сингари буралиб-буралиб, кўкка ўрлайди. Ҳаво денгизи узра сузиб юрган ғалати шакллар ўзаро тўқнашиб, мутлақо бошқа тусга кирадилар. Ҳамон шаррос сел қуяди. Самода тўпчилар вазоди бараварига гумбурлатиб тўп отади. Қоп-қора осмон гумбазининг қоқ ўртасида осилиб турган улкан бир тўрва тўнтарилиб, ундан қуюн, дўл, алвон ранг чўғлар, қизгиш-кўкимтир учқунлар сочилаётганга, зулмат, ёғду ва яшин таралаётганга ўхшайди. Ана шу йўл билан тубсиз денгиз чексиз самони олқишлайди, қутлайди.

Жильят ҳеч нимага эътибор бермай ишларди. Панжарасимон иккинчи тўсиқ ҳам аста-секин қад кўтармоқда. Момақалдиروқнинг ҳар бир гулдурашига у бир бора болға уриш билан жавоб қайтарарди. Оламни тўлдирган шовқин-сурон орасидан бир меъёрда урилаётган болға овози аниқ эшитиларди. Жильят бош яланг ишламоқда: шапқасини бўрон юлқиб кетган эди.

У, ҳарорати баланд бўлса керак, дам-бадам чанқар,

ботар томонини эса ходаларни бир-бирига боғлаб, қояларга қоқилган михларга чандиб ташланган қопқоқ ҳимоя қиларди; бу қопқоқ ёвуз тўлқинларнинг шиддатли ҳамлаларига бардош берган, икки ёндори устуни Дувр қоялари бўлган чин қалъа дарбозаси эди. Бу томондан сира чўчимаса ҳам бўлади. Хавф фақат кунчиқардан таҳлика қиларди.

Кунчиқар томонда биргина тўлқин қайтарғич тўғондан ўзга истеҳком йўқ. Бу тўғон эса сув пуркагичдек бир нарса. Ҳеч бўлмаганда ана шунақа тўсиқдан иккита бўлиши шарт. Жильят эса фақат битта тўғон қура олганди. У иккинчисини момақалди роқ авжига чиққан паллада қура бошлади.

Унинг бахтига шамол шимоли-ғарбдан эсарди. Баъзан денгиз хато қилиб қўяди. Шимоли-ғарбдан эсадиган бу шамол Дувр қояларига ҳамла қилиб ҳеч қачон зафар қозонолган эмас. У беҳисоб тўлқин лашкарини жангга бошлаб қояларга биқиндан ҳамла қиларкан, дарага на у бошидан, на бу бошидан кира олмас, океаннинг тор кўчасига бостириб кириш ўрнига қояларга урилар, но тўғри жанг қиларди.

Аммо шамол ўз йўлини доим ўзгартириб туради, шунинг учун у тўсатдан кутилмаган томондан бостириб келиб қолиши мумкин. Мабодо шамол Жильят иккинчи тўғонни қуриб улгурмасидан кунботар тарафдан ҳамла қилиб қолгундай бўлса, иш тамом, фалокатни қайтариб бўлмайди, бўрон қоялар орасидаги йўлакка бостириб киради, бу ердаги ҳамма нарса жаҳаннамга равона бўлади. Кишини гангитиб қўядиган гулдураш тобора кучайиб борарди. Бўрон зарба кетидан зарба берарди. Унинг қудрати ҳам, ожизлиги ҳам шунда эди. Бўрон орқа-олдига қарамай қутуриб ҳаракат қилади, шу боисдан инсон ақли ундан устун келади, одам ўзини ҳимоя қилади. Шунга қарамай нақадар қудратлидир бу бўрон! Шафқатсизликда тенги йўқ унинг. На тинимни, на танаффус қилишни, на ён беришни ва на нафасни ростлаб олишни билади у. Бу битмас-туганмас куч-қудратни беҳуда исроф қилиш замирида қандайдир бир тубанлик ётади. Атрофга назар ташласангиз, худди чексизликнинг баҳайбат ўпкаси нафас олаётгандек бўлиб туюлади.

Хуллас, ғалаёнга келиб, қайнаб-жўш ураётган бэрлик жон-жаҳди билан Дувр қояларига ташланаётганга ўхшарди. Теварак-атрофдан сон-саноқсиз инграш, нолаю

фиғонлар эшитиларди. Қимларнинг фарёди бу? Бу, фиғону фарёдлар қадимги одамларнинг кўнглига қутқу солган жин-ажиналарнинг ваҳимали нолаларини эслатарди. Баъзан аллақаерларда бу алвастилар шивирлашаётганга, амр бераётганга ўхшарди. Тўсатдан ҳайқириқ, овчиларнинг бурғи чалган товушлари, ғалати от дупурлари, оламини ларзага келтирадиган, денгизчилар «денгиз чақиряпти» деб аташадиган наъра овозлари эшитилди. Бетўхтов, қутуриб эсаётган бўрон гувиллаб сувни гирдоб қилиб айлантирар, баҳайбат тўлқинлар кўзга кўринмас атлетикачилар шитоб билан улоқтирган улкан гардишдек чирпирак бўлиб айланар, қояларга кўпиклардан ўқ ёғиларди. Кўкдан шаррос жала қуймоқда, пастда эса денгиз кўкка қараб тупурмоқда. Ҳайбатли ўкирик янада кучайди. На оломон кўтарган ғала-ғовур, на ваҳший ҳайвонларнинг ўкириши океан лашкарларининг кўтарган бу шовқинига бас кела олади. Булутлар тўпга тутар, дўл сочма ўқлардек ёғилар, қутурган даҳшатли тўлқинлар ҳужумга ўтмоқда эди. Баъзи ерга қарасангиз осойишталик; бошқа томонга қарасангиз бўрон секундига йигирма саржин тезлик билан елиб-югурмоқда. Қаерига кўзингиз тушмасин, денгизнинг ранги ўчиб, оқариб кетган; ўн миль теварак-атрофда қайнаб-кўпириб мавжланарди. Ўт сочар дўзах дарвозалари очиб юборилганга ўхшайди. Булутлар бир-бирига пуркайди, лаққа чўғдек алвон тусли булутлар аланга сингари буралиб-буралиб, кўкка ўрлайди. Ҳаво денгизи узра сузиб юрган ғалати шакллар ўзаро тўқнашиб, мутлақо бошқа тусга кирдилар. Ҳамон шаррос сел қуяди. Самода тўпчилар взводи бараварига гумбурлатиб тўп отади. Қоп-қора осмон гумбазининг қоқ ўртасида осилиб турган улкан бир тўрва тўнтарилиб, ундан қуюн, дўл, алвон ранг чўғлар, қизғиш-кўкимтир учқунлар сочилаётганга, зулмат, ёғду ва яшин таралаётганга ўхшайди. Ана шу йўл билан тубсиз денгиз чексиз самони олқишлайди, қутлайди.

Жильят ҳеч нимага эътибор бермай ишларди. Панжарасимон иккинчи тўсиқ ҳам аста-секин қад кўтармоқда. Момақалдиуроқнинг ҳар бир гулдурашига у бир бора болға уриш билан жавоб қайтарарди. Оламини тўлдирган шовқин-сурон орасидан бир меъёрда урилаётган болға овози аниқ эшитиларди. Жильят бош яланг ишламоқда: шапкасини бўрон юлқиб кетган эди.

У, ҳарорати баланд бўлса керак, дам-бадам чанқар,

атрофдаги қоя чуқурчаларига йиғилаётган ёмғир сувидан ҳовучлаб-ҳовучлаб ичарди. Ташналиги қонгач, бўроннинг нималар қилаётганига ақалли кўз қирини ҳам ташламай, яна ишга тутинарди.

Бундай пайтда беҳуда кетган бир дақиқа ҳамма ишни барбод этиши мумкин. Жильят мабодо бу иккинчи тўлқин қайтаргични битказа олмаса бошига қандай маломатлар тушишини яхши биларди. Бостириб келаётган азроилнинг бетига бир қиё боқиб қўйишнинг нима нафи бор?

Денгиз мисли дошқозондек биқирлаб қайнарди. Даҳшатли гулдурак, қарсиллаш эшитиларди. Баъзан яшин зинапоядан тушиб келаётгандек пастга қараб шўнғиб қолар, қояларнинг ўткир учли чўққиларида электр қуввати тинмай чарсилларди. Муштдек-муштдек дўл ёғарди. Жильят камзулининг қат-қат бўлиб йиғилиб қолган жойларини дақиқа сайин силкиб қоқиб турарди. Ҳатто чўнтақларигача дўлга тўлиб қоларди.

Довул энди кунботардан ҳамла қилиб, Дувр қоялари орасидаги тўсиққа келиб урила бошлади; бироқ Жильят тўсиқнинг ҳар қандай ҳамлага бардош беришига ишонарди, бу борада у ҳақ эди. Дюранданинг тумшуқ қисмининг бир бўлагидан барпо қилинган бу тўсиққа келиб урилган тўлқинлар шаштидан тушиб, орқага қайтарди; майинлик, эластиклик—бу, акс таъсир демакдир. Стивенсон ҳисоблари шуни кўрсатадики, эластиклик хусусиятга эга бўлган тўлқинни қайтариш учун зарур бўлган катталиқда, панжарасимон қилиб қурилиб, маълум бир усулда занжирлар билан маҳкамланган тўсиқ, ёғоч тўсиқ тош тўлқин қайтаргичга нисбатан чидамлироқ бўлади. Дувр қоялари оралиғига қурилган тўғон бу талабларга тамомила жавоб бера олади; бунинг устига тўғон шундай қурилган эдики, ғазаб билан келиб урилган тўлқин болғага айланиб, уни қояларга янада маҳкамроқ қоқарди; бу тўғонни бузиш учун эса қояни қўприш лозим эди. Дарҳақиқат пўртана бу тўсиқ оша қайиқни кўприклардан ўққа тутишдан нари ўтолмасди. Бу тарафдан ҳамла қилиб келаётган бўроннинг зафарли юриши тўсиққа келиб урилиб, кўпик сачратиш билан тугарди. Жильят бўроннинг бундай жазавага тушаётганига эътибор бермас, орқадан ҳужум қилаётган ғанимининг ожизона ғазабланиши уни заррача чўчитмасди.

Ҳар томонда кўпиклар бодроқдек сачрайди. Кўз ил-

ғамас олисларга чўзилиб кетган бепеён денгиз жўш уриб, мавжланиб, қояларни ювиб-тараб чўмилтиради, улар устига сон-саноқсиз лашкарлардек бостириб чиқади, беҳисоб ёриқ-коваклардан қоялар ичкарисига сизиб киради, сал очиқ огизга ўхшаган ёриқлардан яна сиртга оқиб чиқади, бетўхтов фонтан бўлиб отилади, зумраддек жилоланиб, булбулдек чулдураб, тағин денгизга қуйилади.

Мана, кунчиқар томонга қурилаётган қўшимча панжарасимон тўсиқ ҳам битай деб қолди. Яна бир неча арқон ва занжир билан боғланса бас, бу тўсиқ ҳам иш бера бошлайди.

Қўққисдан атроф ёришиб, ёмғир тўхтади, булутлар ҳаракатга келиб қолди. Шамол ўз йўлини ўзгартган эди, қоқ тепада аллақандай хира бир дераза ланг очиб юборилгандай бўлди, яшин ўчди, момақалди роқ тинди; бунга қараб, қора кучлар ҳужумни тўхтатди деса бўларди. Аммо бу — иккинчи ҳамланинг бошланиши эди.

Энди шамол жануби-ғарбдан эмас, шимоли-шарқдан эса бошлади.

Момақалди роқ янги довул лашкарлари билан бирликда жангни қайтадан бошлашга ҳозирлик кўрарди. Шиддатли шимол шамоли ҳужумга тайёрланарди. Бунақа қайтадан бўрон туриши денгизчилар тилида «контр-бўрон» дейилади. Жанубдан эсадиган шамол кўпроқ ёмғир келтиради, шимол шамоли эса кўпроқ чақин бошлаб келади.

Энди ҳужум шарқдан, мудофаа заиф томондан бошланганди.

Бу сафар Жильят ишини қўйиб, атрофни кузата бошлади.

У қоянинг битай деб қолган иккинчи тўсиқ устига туртиб чиққан ерига чиқди. Агар довул биринчи тўлқин қайтарғични суриб кетадиган бўлса, ҳали битиб улгурмаган иккинчисини қўпориб, Жильятга олиб келиб уриб, унинг абжағини чиқариб юборади. Жильят машинанинг, қайиғининг фарқ бўлганини, барча қилган меҳнатининг зое кетганини кўролмай, турган жойида тил тортмай ҳалок бўлади. Шундай бўлиши аниқ. Жильят бунақа ўлимга рози эди, тақдирга тан берарди. Қилган меҳнати зое кетганини, машинанинг фарқ бўлганини кўришдан кўра ўлимни, ундан олдинроқ ўлишни маъқул кўрарди. Жильят ёмғирда ивиб, чап кўзи қоғоғига ёлишиб

қолган сочларини чап қўли билан суриб қўйди, болғасини маҳкам сиқиб ушлаганича бошини ғоз тутиб, қаддини мағрурона ростлаб кута бошлади.

У кўп кутмади.

Гулдурак даҳшатли жанг бошланганидан дарак берди. Қоқ тепада оқариб турган осмон парчаси йўқолди, шаррос жала қуя бошлади, яна бутун борлиқни зулмат чулғаб олди, фақат бир зумлик машъала — чақмоқ атрофни ёритиб ўтарди. Даҳшатли ҳужум бошланган эди.

Кунчиқарда, «Одам» қояси ортида, кетма-кет чақин чақнар, баҳайбат тўлқинлар олға интиларди. Тўлқинлар тоғ баравар қилиб уюб ташланган шиша уюмига ўхшарди. Оч кўкимтир тўлқинлар осмонга сапчиб, денгиз сатҳини бир зум девор каби тўсиб турарди-да, тўлқин қайтарғичга келиб уриларди. Тўсиққа яқинлашган сари катталаша борарди; бу океан узра от қўйиб келаётган зулмат лашкарлари эди. Ҳамма ёқни титратиб, момақалди-роқ гумбурларди.

Мана, тўлқин «Одам» қоясига урилди, икки бўлиниб, яна нари кетди. Икки тўлқин яна бир-бирига урилиб сув тоғи ҳосил қилди, тўғонга отилди. Айланиб-буралиб келаётган бу тўлқин хари шаклига кирганди.

Ёнламасига келаётган тўлқин тўғонга келиб урилди, гувиллаган товуш эшитилди, ҳамма ёқни кўпик босди.

Денгиздан отилиб чиқадиган, баландлиги юз фут келадиган, масалан, Гернсейдаги Катта Андрело ҳамда Жерсейдаги Омбур қояларини кўмиб юборадиган оппоқ лаваларни кўрмаган киши бунини тасаввур қилолмайди. Мадагаскардаги Сен-Марида эса бундай кўпикли лавалар Тентенг буруни устидан ошиб ўтади.

Тўғон бостириб келган тўлқин остида бир неча дақиқа қолиб кетди. У ерда қутурган сувнинг лаҳаддан эсаётган шамолда ҳилпираб турган кафандек оқ кўпикларидан бўлак ҳеч нима кўринмас, денгизнинг ёвузлигини олқишлаб турган бўроннинг гувиллашию гулдуракдан бўлак товуш эшитилмасди.

Мана, кўпиклар ҳам ғойиб бўлди. Жильят ҳамон ўша ерда турибди.

Тўғон ёвуз кучлар ҳамласига дош берди. На бирорта занжир узилди, на бирорта мих ўрнидан силжиди. Тўғон синовдан ўтди, у четан девордек эластик, тош девордек

мустаҳкам эди. Унга урилган тўлқин тилка-пора бўлиб, атрофга сачради.

Тор дарада илон каби буралиб, қайнаб-кўпирган оқим қайиқ остига кириб йўқолди.

Денгиз тумшугига бурундиқ кийгазиб, уни жиловлаб олган Жильят бир зум ҳам дам олишни хаёлига келтирмасди. Унинг бахтига, шамол бирдан ўз йўлини ўзгартган эди. Энди тўлқинлар ғазаб билан забардаст қояларнинг биқишидан ҳамла қила бошладилар. Бу нафасни ростлаб олиш дақиқалари эди. Жильят бундан фойдаланиб, иккинчи панжарасимон тўғонни битказишга киришди.

Кун бўйи ишлади у. Пўртана эринмай, қояларга ҳар икки қанотдан мардонавор ҳужум қиларди. Булутларнинг ёмғир ва чақин тўрваси ҳали бўшамаган, ҳамон ёмғир савалаб, тинимсиз чақин чақарди. Бўрон кўк узра учиб юрган аждаҳодек гоҳ пастга шўнғир, гоҳ баландлаб кетарди.

Борлиқ зулмат ичида эди, тун кирганини ҳам билиб бўлмади.

Дам чақин чақиб, ҳамма ёқни ёритиб кўзни қамаштирар, дам атрофни қоронғилик қоплар, ёруғлик билан зулмат навбатма-навбат ўрин алмашарди. Мана, чақин чақиб атроф бир зум кундузидек ёришди, аллақандай шакллар кўзга ташланди, у ўчиб, яна қоронғи тун чўқди, зулмат қуюқлашди.

Мана, қутб шафағидек ол ранг нурлар атрофга хира ёғду таратиб, булут қатламларини ялаб ўтди. Бу ёғдуда ёмғир томчилари учқундек ялтиради.

Бундай ҳолатнинг такрорланиб туриши Жильятнинг ишлашига кўмак берарди. Ана шундай дақиқалардан бирида у чақинга қараб: «Қани, шам чироғингни бирпас тутиб тур-чи!»— деб гўлдираб қўйди.

Жильят милтиллаб турган хирагина ёғдудан фойдаланиб, иккинчи панжарасимон тўсиқни биринчисидан ҳам баландроқ кўтарди. Тўлқин қайтарғич деярли битган эди. Жильят унинг энг тепасига Дюранда таг тўсинини арқон билан маҳкамлаб чандиётган пайтида шамол унинг бетига урилди. Жильят бошини кўтариб, шу томонга қарашга мажбур бўлди. Шамол яна шимолишарқдан эса бошлаган эди. Энди даранинг шарқий дарвозасига қайтадан ҳужум бошланди. Жильят денгиз ялангликларига назар ташлади. Денгиз тўғонга қарши янги зарба ҳозирламоқда эди.

Мана, дастлабки оғир зарба, унинг кетидан иккинчиси келиб тушди, унинг кетидан бешинчиси, олтинчиси ва ҳоказо бетиним, пала-партиш зарбалар устма-уст келаверди; мана, ниҳоят энг сўнгги даҳшатли зарба ҳам берилди.

Бу сўнгги тўлқин илгаригиларининг ҳаммасидаги кучни ўзида мужассамлаштирган баҳайбат бир жондорга ўхшарди. Зумрад тусли бу махлуққа тикилиб, унинг жабра ва қанотларини тасаввур қилса бўларди. У тўғонга зарб билан урилиб абжағи чиқса ҳамки, қаҳ-қаҳ уриб куларди. Йиртқич, улкан бир тўлқин тўғонга урилди-да, қоя ва ходаларга ўзини уриб олиб, парча-парча бўлган аждаҳодек, томчиларга айланиб атрофга сочилди. У жон бераркан, қояга тиш-тирноғи билан ёпишиб, уни тишлаётгандек туюлди. Зарбадан қоя ларзага келиб, чайқалаётганга ўхшади. Ҳар зарбада борлиқни гувиллаган наъра босиб кетарди. Атрофдаги кўпиклар эса Левиафаннинг сўлакларига ўхшарди.

Кўпиклар ғойиб бўлгандан сўнг тўлқин етказган зарар яққол кўринди. Сўнгги ҳамла катта талафот келтирган эди. Бу сафар тўлқин қайтарғич хийла шикастланганди. Тўлқин биринчи тўсиқдан юлқиб олиб итқитиб юборган узун, оғир хода Жильят турган қоянинг туртиб чиққан ерига келиб тушганди. Бахтига, яхшиямки у ёққа қайтиб чиқмагани, йўқса турган жойида саранжом топиб, жаҳаннамга равона бўларди.

Улоқтирилган хода тасодифан бир нарсага тақалиб қолмаганида, сирғалиб келиб Жильятга зарб билан урилди. Бу тасодифнинг бошқа томондан ҳам Жильятга манфаати тегди.

Қоянинг ичкари ён бағрининг туртиб чиққан ерида атайлаб болта билан чопиб қилинган токчага ўхшаган ёриқ бор экан. Тўлқин итқитиб юборган ходанинг бир боши ўша ёриққа кириб қолибди. Хода зарб билан келиб урилганида у анча кенгайибди.

Буни кўрган Жильятнинг хаёлига бир фикр келди. У ходанинг иккинчи учидан пастга боса бошлади.

Қоя ёриғига кириб қолган хода чўзиб турилган баҳайбат қўлга ўхшарди. У қоянинг дара томондаги ён бағрига параллел турар, ёриқдан ташқари чиқиб турган қисмининг узунлиги ўн саккиз ёки йигирма дюймча келарди — бу эса Жильят ўйлаган фикрни амалга ошириш учун кифоя эди.

Жильят оёқларини, тиззаларини ва қўлларини қояга тираб, елкаси билан ходани кучининг борича итара бошлади. Ходанинг узунлиги жуда қўл келди. Қоя ажраб қолган бўлса ҳам, ишни охирига етказиш учун Жильят ходани ана шундай жон-жаҳди билан яна тўрт марта зўр беришга мажбур бўлди. Ёмбир билан тер унинг сочларини шалаббо қилганди. Тўртинчи гал у жуда қаттиқ кучанди. Қоя қарсиллаб кетди, ёриқ кенгайиб, қоянинг туртиб чиққан ери момақалдироқдек гумбурлаб қоялар орасидаги тор дарага қулади.

Қоянинг бу бўлаги яхлитлигича, сипмай-нетмай, деярли тирноқчаси ҳам учмай пастга қулади.

Хода ҳам пастга тушиб кетди; Жильятнинг ўзи ҳам пастга қулашига сал қолди.

Бу ер унчалик чуқур эмасди, тепадан тушган тошлар уни анча саёзлатиб қўйган эди. Ҳозир Жильят тепадан қулатган улкан тош қайнаб-кўпираётган сувга шалоплаб тушиб, тик қоялар орасига қолқоқдек қадалиб қолди, унинг зарбидан атрофга сачраган сув Жильят турган жойгача етиб борди. Шундай қилиб, даранинг бу ерида ҳозирги жунга қадар сақланиб қолган боши берк кўча ҳосил бўлди. Бу тош қопқоқ ортида сув ҳамма вақт осойишта чайқалиб туради.

Янги тўсиқ — Дувр қоялари орасига маҳкам ўрнатилган тўсиқ Дюранда бўлагига қараганда бир неча бор мустаҳкам эди.

Бу тўсиқ айни вақтида барпо этилганди.

Денгиз ҳамон зарба кетидан зарба берарди. Уз йўлида тўсиққа учраган тўлқин жазавага тушар, қутурарди. Биринчи тўсиқ аста-секин емирилиб борарди. Тўлқин қайтарғичининг биронта ерига озгина зиён етдими, тасом, бу фалокатга олиб боради. Озгина бузилган ёки емирилган жойининг тобора кенгая бориши муқаррар, зиён етган ерни тезлик билан тузатишнинг иложи бўлмайди, тузатмоқчи бўлган кимса қўпурган тўлқинларга ем бўлиши турган гап.

Чақин чақиб, атроф бир зум ёришди, шу пайт Жильят биринчи тўғонга қанчалик зиён етганини аниқ кўрди: тўғон ходалари улоқтириб ташланган, узилиб кетган арқон ва занжирлар шамолда тебраниб турар, тўғоннинг қоқ ўртаси ўпқондек очилиб қолганди. Иккинчи тўсиқ эса ҳали бус-бутун эди.

Жильят тепадан қулатган катта тош дарани мустаҳ-

кам бекитиб турарди-ю, ammo бир нуқсони бор — баландлиги жуда паст эди. Уст-устига зарба бераётган тўлқин уни емириб ташлай олмасди-ю, лекин устидан ошиб ўтиши мумкин эди.

Уни баландроқ кўтарини эса хаёлга келтирмаса ҳам бўлади. Чунки унинг устига катта-катта тошларни қўйиш лозим эди — йўқса, бошқа майда-чуйда нарсаларни уйгандан манфаат йўқ, тўлқин барибир улоқтириб ташлайди. Катта тошларни эса қандай кўчириб, уларни қандай кўтариб қўйиб бўлади? Бу тош тўсиқни ходалар билан баландроқ кўтарса бўлади, лекин қоядан тош кесиб, устига қўйишнинг иложи йўқ эди. Ахир, Жильят Энкелад эмас-ку.

Тош тўғоннинг пастлипи уни ташвишга солиб қўйди. Қўп ўтмай бу нуқсоннинг оқибати кўрина бошлади. Довулу тўлқин ҳануз тўғонга қилаётган ҳамласини бўшаштирмас, тиш-тирноғи билан унга ёпишиб олганди. Тўғон бу ҳамла остида елпиғичдек чайқалар, нола чекарди.

Мана бирдан қора кучлар чайқалиб турган тўсиқнинг битта ходасини юлқиб олиб, иккинчи тўсиқдан ошириб улоқтириб юборди, хода қоя узра ошиб ўтиб сувга кўндаланг бўлиб тушди, чайқалиб турган сув эса уни шу ондаёқ илон изи дара бўйлаб ичкарига оқизиб кетди. Бир зумда у юздан йўқолди. Бу хода қайиққа бориб урилиши мумкин эди. Жильятнинг бахтига, қутуриб эсаётган шамол атрофини қоялар қуршаб турган дарадаги сувга кўмак беролмасди. Ана шу боисдан ҳам бу ерда сув анчагина осойишта бўлиб, тўлқинлар бебошлик қилолмайди, шу сабабли ҳам зарба унча қаттиқ бўлмайди. Сирасини айтганда, ҳатто қайиғига зиён етганда ҳам, Жильятнинг бу ҳақда ўйлашга вақти йўқ эди; ҳозир бошқа яна бир хатар бостириб келмоқда, тобора қутуриб бораётган бўрон бор кучини тўплаб, ўз ҳамласини тўғоннинг ўпирилган ерига қаратган эди; энди машъум фалокат юз бериши муқаррар.

Чақин тиниб, атрофни ўраб олган зулмат пардаси янада қуюқлашди — қора кучлар бирлашди; булутлар билан ваҳший тўлқинлар энди тил бириктириб иш кўра бошлади; қўққисдан қаттиқ зарба берилди. Зарба кетидан қарсиллаган овоз эшитилди. Жильят олдинга сал энгашиб, тўғон томонга диққат билан тикилди. Биринчи панжарасимон тўсиқ қулаган эди. Ғарқ бўлган тўсиқ ходаларининг бошлари сувда қалқиб борарди. Денгиз би-

ринчи тўсиқни ўзига қалқону найза қилиб, иккинчи тўсиққа ташланган эди.

Жильят ҳозир авангардининг мағлуб бўлаётганини ўз кўзи билан кўриб турган лашкарбошига ўхшарди.

Иккинчи тўсиқ ҳамлага дош берди. У мустаҳкам эди-ю, бироқ тўлқинлар қўлида забардаст гурзи бўлиб қолган биринчи тўсиқ кетма-кет унга келиб урилар, яна орқага қайтарди. Жильят мустаҳкамроқ бўлсин деб боғлаб-чирмаб ташлаган арқону занжирлар ходаларнинг сочилиб кетишига қўймасди. Жильят ҳимоя учун барпо этган бу баҳайбат тўсиқ энди унинг ўзига қарши вайрон қилувчи кучларнинг даҳшатли қуролига, ҳимоя қалқонидан душман қўлидаги гурзига, унинг ўпирилган еридаги чиқиб турган ходаларнинг учи эса бу гурзининг ўткир тишларига айланган эди. Бўроннинг ихтиёрида бундан кўра вайрон қилувчи, бундан кўра даҳшатлироқ қурол бўлишини ҳатто тасаввур қилиш ҳам мумкин эмас.

Денгиз манжанаққа, тўғон эса ундан душманга отиладиган ўққа айланганди.

Зарба кетидан зарба келиб тушар, тушганда ҳам кишини тонг қолдирадиган даражада аниқ нишонга тегарди. Хаёлга чўмган Жильят тўсиқ ортида туриб, ҳазрати Азроилнинг дара дарвозасини тиқиллатаётганига қулоқ соларди.

У шу онда машина мўриси вайрон бўлган Дюрандага қисилиб қолмаганида эрталабоқ Гернсейга етиб олган, ҳозир эса қутқариб қолинган кема машинаси юкланган қайиғи қирғоқдаги кўрфазда осойишта чайқалиб турган бўлишини ўйларди.

У хавотирланаётган ҳол юз берди. Бўрон дарага ёриб кириб, бўғиқ улий бошлади. Тилка-пора бўлган тўғонларнинг бўлаклари тўлқинда чирпирак бўлиб дарага томон отилиб кирди-ю, тошқин орасидан туртиб чиққан тоғ чўққисидек йўлни тўсиб турган тош тўғонга келиб урилиб, тўхтади. Бу боя тўлқин отилиб кириб турган тўғоннинг галати бир шаклдаги бўлаги бўлиб, ҳамон бостириб келаётган тўлқинлар кучини бўлиб юборди. Тўлқинлар ҳамласига дош беролмай мағлуб бўлган тўсиқ мардона ҳалок бўлмоқда, аста-секин емирилмоқда эди. Денгиз уни бўлак-бўлак қилиб парчалаб ташлашга интилса, у ўз навбатида баҳайбат денгиз тўлқинларини пичоқ каби бир неча оқимга тилимларди. У улоқтириб ташланганига қарамай, ҳамон қаршилиқ кўрсатарди.

Емирилмас тош тўғон эса унга мадад бериб, кўмаклашарди. Юқорида айтиб ўтганимиздек, даранинг бу ери ниҳоятда тор эди; зафар тантанаси машқига рақс тушаётган пўртана ағдар-тўнтар бўлиб абжағи чиққан тўғонларнинг бўлтак-сўлтақларини шитоб билан жувиб шу томонга ҳайдаркан, ана шу бўлтак-сўлтақларни бу ерга уюб, мустаҳкам қўрғон барпо қиларди. Вайрон бўлган, емирилган хода ва тахталар энди бузук қалъага айланди. Тўлқинлар тўғондан нарига бир неча ходанигина улоқтира олди, холос. Бу ходалардан бири худди Жильятнинг ёнгинасидан ўтиб кетди, ҳатто у ходанинг шабадаси юзини елпиб ўтганини сезди.

Бўрон вақтида бир маромда ҳамла қилувчи ҳайбатли тўлқинлар бу тўсиқлардан ошиб ўтар, дарага отилиб кириб, унинг бурилиш ва туртиб чиққан ерларига урилар, дарадаги сувни чайқатиб юборарди. Денгиз борган сари жазавага туша бошлади. Қояларга урилиб, ундан бўса олаётган тўлқинлар тобора даҳшатли тус ола борди.

Дара орасида авжга миниб бораётган мавжнинг қайиқ турган ерга етиб бормаслиги учун унинг йўлини қандай тўсиб бўлади энди?

Дарадаги сувни ғалаёнга келтириш учун довулга яна бир озгина фурсат кифоя: бўрон бир-икки дафъа ҳамла қилса иш тамом — қайиқнинг абжағи чиқади, кема машинасини эса сув тубида кўрасиз.

Шу ҳақда ўйларкан, Жильятни ваҳима босиб, аъзойи бадани титраб кетди. Аммо у гангимади. Ҳеч нарса бу одамни гангита олмасди.

Энди довул мақсадига етганди, унинг ёвуз лашкарлари икки тизма қоялар орасидаги тор дарага ғазаб билан бостириб кирарди.

Тўсатдан Жильят турган жойдан сал нарироқда, орқада дара бўйлаб у шу маҳалгача эшитмаган даҳшатли қарсиллаш овози эшитилди. Бу овоз қайиқ турган томондан келганди. Жильят ўша ёққа югурди.

Дара илон изи бўлиб буралиб-буралиб кетганидан у турган ердан қайиқ кўринмасди. Энг сўнги бурилишга етиб борган Жильят тўхтаб, чақин чақишини кутди.

Мана, чақин чақиб, атрофни ёритди.

Дарага шарқдан ҳамла қилаётган тўлқинларга жавобан ғарбдан шиддатли шамол ҳужум қиларди. Бу — бостириб келаётган янги ҳалокатдан далолат берарди.

Қайиққа деярли знен етмаганди; у уч лангар ташлаганича, чайқалиб турарди-ю, аммо Дюранда таг қисмининг расвоси чиқиб кетганди.

Ҳалокатга учраган кеманинг қолдиғи бўрон учун нишон бўлиб қолган эди. Гўё кема харобаси кўксини зарбага қалқон қилиб ҳавода осилиб тургандек. Жильят машинани қайиққа тушириш учун кема асосини тешганида унинг дабдаласи чиқиб кетганди. Жильят таг тўсинни кесиб ташлаганди. Кема скелетининг умуртқа поғонаси синдирилган эди.

Палубанинг саҳни ярим очиқ китоб каби букилиб қолган. Кеманинг танаси ёрилиб, хода-тахталари синиб, бўлиниб кетган эди. Боя қутурган довулнинг гувиллаши орасидан Жильят эшитган даҳшатли қарсиллаш ана шунинг овози эди.

У яқинроқ бориб, кема қолдиғининг тамоман дабдала бўлганини кўрди.

Жильят тўрт бурчак қилиб очган тешик кема танасига берилган ўлим жароҳатига айланганди; ўша томондан уриб турган бўрон кема қолдиғини янада вайрон қилган эди. Кема узунасига ёрилиб, торс иккига бўлинган, унинг қайиққа яқин турган қисми танасидан ажраб қоялар орасига янада маҳкамроқ қирилган, ҳозир Жильят турган ерга қарама-қарши томондаги тумшук қисми эса пастга осилиб қолган эди. Кеманинг бу парчаланган қисмлари худди ошиқ-машуққа илиниб турган эшик табақасига ўхшаб лопиллаб турар, шамол бу эшикларни бетўхтов тарақа-туруқлатиб очиб-ёпарди.

Яхшиямки қайиқ кема остида эмасди. Қолган қисларининг бўронда лопиллашидан, Дувр қоялари орасида янада маҳкамроқ қисилиб қолган қисми ҳам ларзага кела бошлади. Ларзага келиб лопиллаш эса ҳалокат демакдир. Бўронда лопиллаб турган кема харобасининг пастга қулаши, ўзи билан бирга эса унинг деярли қайиққа тегай-тегай деб турган қисмини ҳам пастга олиб тушиб жетиши ҳеч гап эмас, қайиқ ҳам, машина ҳам унинг зарбидан фарқ бўлади.

Бу манзара Жильятнинг кўз ўнгида гавдаланди. Бу ҳалокатнинг ўзгинаси эди.

Бу фалокатнинг олдини қандай олиб бўларкин?

Жильят фалокат ва хатарни ўз манфаатига ишлата оладиган одамлар тоифасидан эди. У эс-ҳушини тўплаб,

бир неча дақиқа ўйга толди. Сўнгра болтасини олиб келгани омбулхона томон кетди.

Болтаси ўз вазифасини адо этиб бўлган, энди болтасинга навбат етганди.

Жильят кемага чиқиб, палубанинг муостаҳкамроқ ерига туриб олди-да, дара устига энгашиб, осилиб қолган кема қисмини ушлаб турган ходаларни чопиб, бошқа арқон, занжирларни уза бошлади.

Жильятнинг олдида турган галдаги вазифа кеманинг иккита бўлиниб кетган қисмларини бир-бировидан батамом ажратиб ташлаш, шамолда лопиллаб осилиб ётган қисмларини — бўроннинг улушини унга бериш, яъни денгизга қулатиб, хавфни камайтириш вазифаси турарди. Бу ишни бажариш унчалик оғир эмасди-ю, хавотирли эди. Кема танасининг шамолда лопиллаб турган қисми қояларга тиралиб қолган қисми билан атиги бир неча жойидангина илиниб турарди. Умуман олганда кема харобаси икки табақали эшикка, бу эшикнинг ярим очик табақаси шамолда иккинчисига келиб урилаётганга ўхшарди. Кема асосининг синган, эгилган, аммо ҳозирча бу оғир юкни кўтариб турган бир-иккита ходачалари эса ошиқ-машуқ хизматини ўтарди. Шиддатли бўронда улар ғажирлар, синган, лат еган жойлари тобора капталашиб борар, уни узиб юбориш учун болта шамолга сал ёрдам берса бас эди. Бу ҳол ишни хийла осонлаштириш билан бирга, хавфли ҳам эди. Жильят оёқ кўйиб турган кема харобаси пастга қулаб кетиши мумкин эди.

Довул қутуриб турибди. Дастлаб у қўрқинчли бўлса, энди даҳшатли тус ола бошлади. Денгиз талвасаси энди осмонга кўчганди. Шу дақиқатача содир бўлаётган ҳодисаларга кўкдаги булутлар ҳукмронлик қилаётганга, нимани истаса шуни бажараётганга ўхшарди. Қора кучларни ишга солаётган ҳам, денгизни ғалаёнга келтираётган ҳам шу булутлар эди-ю, аммо ўзларини аллақандай ёвузларча осойишта тутаётгандай кўринарди. Пастда денгиз қутуриб, талвасага тушиб, ўзини ҳар ёққа ташлаётган бўлса, кўкда ғазаб туғён урмоқда эди. Осмон нафас олиб уфурарди-ю, денгиз қайнаб-кўпирарди, холос. Бу бўроннинг ҳукмронлиги. Довул — бу ёвуз генийдир. Аммо у ўз қудрати, ўз даҳшатига ўзи маст бўлиб, қуюнга айланади, агрофга зулмат уфуради.

Баъзан бўрон кўзларига қон қуюлиб қутуради. Само

нима қилаётганини ўзи билмайди. Дуч келган томонга қараб чақин тўпларидан ўқ отади. Бундан ортиқ даҳшатли ҳол бўлмаса керак. Бундай дақиқалар энг ваҳимали, энг қўрқинчли дамлардир. Мана, қоялар төваригада ғалаён ғоят авжга минди. Ҳар қандай бўрону довуллар ўз нияти, кўзлаган мақсадини сир тутади, аммо бундай пайтларда эса ошқора иш кўради. Бу унинг энг ёмон, энг мудҳиш фазилатларидир. Айни ана шундай дамларда шамол, Томас Фуллернинг оўзи билан айтганда, «девона бўлади, жазаваси тутади», худди шундай пайтларда момақалди роқ тинимсиз, кўп қувват сарфлайди, бундай ҳолатни Пиддингтон «момақалди роқлар тизмаси» деб атаган. Худди ана шундай дақиқаларда аллақандай сабабларга кўра булутнинг қалин ерида содир бўлаётган тўполони кузатадиган туйнукчадек зангори тусли гардиш ҳосил бўлади; қадимда испан денгизчилари бу доирани «бўроннинг кўзи» деб атаганлар. Ана шу кўз Жильятга даргазаб қадалиб турарди.

Жильят ҳам булутга синчиклаб тикила бошлади. Ҳар болта урганидан сўнг у нафасини ростлаб, осмонга қараб кўярди. У ҳалокат ёқасида турганидан шундай қилаётгандир, эҳтимол, умидсизликка тушгандир? Йўқ, асло бундай эмас. Талвасага тушган океаннинг шиддатли ҳамласига қарши курашмоқ учун фақат мардлик ва жасоратнинг ўзигина кифоя қилмайди, эҳтиёткорлик ҳам зарур. Жильят абжағи чиққан пароход палубасининг бутун қолган тахталаригагина авайлаб оёқ босарди. Жильят бу хатарли ишни зўр эҳтиёткорлик билан бажарар, қора кучлар сингари у ҳам жазовага тушган, кучи ўн ҳисса ортганди. Ўз қаҳрамонлигидан ўзи маст эди. У ўзини унутиб қўйган, ҳар болта урганида қора кучларни яккама-якка олишувга чақираётгандек бўларди. Жильят бўронга панд бериб, уни мағлуб қилиб, ўша ерда ғалаба қозонганга ўхшарди. Бу дарҳақиқат фожиавий олишув эди. Битмас-туганмас қора кучлар бир томонда, тиним билмас, ҳоримас Жильят иккинчи томонда. Бу олишувда ким енгаркин? Даҳшатли булутлар чексизлик кўйида ётган ёвуз, маккор жинларни ишга солиб, ваҳима туғдирмоқ йўлида қўлидан нимаики келса барини қўллай бошлади; оламини ларзага келтириб чақин чақар, бетиним ёмғир денгизни тинмай савалаб, кўпиклантирар; беҳисоб бўрон руҳлари денгиз орқали тажовуз қилар, ўқдек учиб бораётган яшин бир зум

яллиғланиб, яна сўнар, борлиқни қамраб олган ваҳима-ли зулмат янада қуюқлашарди. Ҳамон этни жунжиқти-радиган жала қуйиб турар, бутун борлиқ қайнаб-тошар-ди: парчаланиб кетган, бўйнига дўл тўлатилган тўрва осган кул ранг булут тўдалари жини қўзиб қолган тел-балардек сандироқлаб юришарди; осмондан гўё қоқ-қу-руқ нўхатни ғалвирга солиб элаётгандек, шалдираган овоз кела бошлади; бир вақтлар Вольта кузатган қара-ма-қарши электр учқунлари қувлашмачоқ ўйнаб булут-дан-булутга кўчиб найза каби санчиледи; момақалдироқ бир он ҳам тинмай, чўзиқ гулдурад, булут бағрини ти-либ олға интилган яшин Жильятнинг ёнгинасидан сузиб ўтар, Жильят бепоён бўшлиқни ҳайратга солаётганга ўхшарди. У болтасини ушлаб олганича қадам босган са-ри лопиллаб турган Дюранда палубасида у ёқдан-бу ёққа бориб-келиб ёғоч чопар, алланарсаларни тешар, узар, йўнаркан, яшин унинг ранги ўчган, жиққа ҳўл бе-тини, паришон сочини, яланг оёқларини, эғнидаги тилка-пора бўлиб кетган уст-бошини, хулласи калом, гулду-рақлар оламига тушиб қолган қиёфасини ёритиб ўтарди.

Жазавага тушган табиат кучларига фақат чаққон-лик ва уддабурроликкина бас кела олиши мумкин. Жильятнинг эпчиллиги тантана қилганди. У кема харо-басининг осилиб қолган қисмини бир йўла пастга қулат-моқчи эди, шунинг учун ҳам уларни кўтариб турган ошиқ-машуқларни бутунлай узиб юбормай, илинтириб қўйди — энди бу бўлақлар қилт этса узилиб кетадиган бўлиб илиниб турарди. Жильят бир зум болтасини кўтар-ганича тек қолди. Иш тамом бўлганди, кеманинг осилиб қолган қисми яхлитлигича денгизга қулаганди.

Дюранда танасининг ярми Жильятнинг оёғи остида-ги иккинчи ярмининг тагига, Дувр қоялари орасидаги қўлтиққа бориб тушди. Жильят энгашиб қараб, унинг сув тубигача етмай, қоялар орасида тиккасига қисилиб қолганини кўрди. Атрофдаги тошларга сув сачради. Ке-манинг пастга қулаган бўлағи сув бетидан ўн икки футча баландга кўтарилиб турарди; палуба саҳни Дувр қояларига қадалиб, худди шарқ томондан тўсган улкан тош сингари, дарани девордек тўсиб қўйди, унинг икки ёнидан сув силқиб ўта оладиган жой қолганди; Жильят-нинг ҳамла қилиб келаётган бўроннинг йўлини тўсиш учун океаннинг бу кўчасига қурган бешинчи тўғони эди.

Ношуд бўрон ўз йўлига ўзи янги тўсиқ қурганди.

Жильятнинг бахтига, яхшиямки қоялар оралиғи тор экан, кема бўлаги сув тубигача етиб бормаи қисилиб қолди, бунинг оқибатида тўғон хийла баланд бўлди; бундан ташқари, унинг остидан озгина бўлса ҳам сув ўта оларди, бу эса тўлқиннинг кучини кесади. Нарига ўтадиган лаҳм бўлгач, говдан ошиб ўтишнинг нима ҳожати бор, дейдилар-ку, ахир. Кўчма тўлқин қайтарғичларнинг сирини ҳам ана шунда.

Энди булут ҳар қанча макр ишлатмасин, қайиқ билан машинадан хавотир олишга ҳожат қолмагани. Қайиқ атрофидаги сув энди қайнаб-кўпира олмайди. Ҳар икки томондан — кунботардан ҳам, кунчиқардан ҳам тўсиқлар билан ҳимоя қилинган қайиққа на қутурган тўлқинлар, на бўрон таҳдид қила оларди.

Бу фалокатни ҳам Жильят ўз халоскорига айлантирди. Булут ҳам унинг кўмакдошига айланди.

Бу ишни саранжом қилиб бўлган Жильят ёмғир суви йиғилган ҳалқобдан ҳовучлаб сув ичиб, ташналигини қондирди-да, булутга қараб: «Эҳ, сен йиғлоқи тентакни қара-ю!» — деб қўйди. Бу ибора дарғазаб табиий офатнинг, яъни қора кучларнинг ўз ақмоқлиги юзасидан хизматкорликка юз тутгани устидан ғолибнинг мазағи эди; Жильятнинг бутун қалби қадимий Гомер қаҳрамонларидек ўз душмани устидан кулиш, уни мазах қилиш иштиёқида ёнарди.

Жильят қайиққа тушиб, чақин чаққан маҳалда уни синчиқлаб кўздан кечирди. У қайиғига ўз вақтида ёрдамга қўл чўзган экан; чунки қайиғини бебош тўлқинлар роса чайқатиб тўнтараёзганди. Жильят қайиқни бирров кўздан кечираркан, унга ҳеч қандай зиён етмаганини кўрди. Атар керакли чора кўрмаганида, қайиғи янада кучлироқ тўлқинлар ҳамласига дучор бўларди. Мана энди сув анча тинчиб қолди, қайиқ ҳам илгариги ҳолатига келди, лангарлар жуда маҳкам экан, машинани тўрт томонга тортиб турган занжирлар эса уни бир энлик силжигани қўймасди.

Жильят қайиғини кўздан кечириб тураркан, аллақандай оппоқ бир нарса унинг ёнгинасидан йилт этиб учиб ўтди-ю, зулматда ғойиб бўлди. Бу чайка эди.

Довул вақтида бундай бўлиши хайрли бир ишдан далолат беради. Паррандалар уча бошладимини — бу момақалди роқ тугашининг белгиси.

Гулдуракнинг кучайиши ҳам яхшилиқнинг бир ало-

матидир. Бўроннинг ҳаддан ташқари қутуриши ўз кучини қирқади. Унинг сўнги зарбаси жуда шиддатли бўлишига қарамай умри қисқа бўлишини денгизчилар яхши биладилар. Осмонда яшинлар мушакбозлиги бўрон баъзининг тугаганидан дараж беради.

Қўққисдан ёмғир ҳам тинди, лекин ҳали момақалди-роқ булутлараро бўғиқ гулдурадди. Ерга зарб билан тушган тахтанинг тарақлагани таққа тингандай, у ҳам таққа тўхтади-қолди. Момақалди-роқ ҳам ҳолдан тойгага ўхшарди. Қўк бетини қоплаб олган булут парчаланиб кетди. Борлиқни чулғаб олган зулмат чодри орасидан тип-тиниқ осмон парчаси мўралади.

Жильят бу чароғонликдан таажжубланди.

Бўрон йипирма соатдан ортиқроқ давом этганди.

Бўрон ўз оёғи билан келиб, яна ўз оёғи билан кетганди. Зулмат таралиб, уфққа томон чекинди. Қўтарилиб бораётган туман чарх уриб, гирдоб бўлиб айланарди; булут лашкарлари ҳам ўнг қанотидан то сўл қанотигача бир текисда чекинарди; олис-олислардан чўзиқ, тобора пасайиб бораётган гувиллаш эшитиларди, ёмғир сўнги томчиларини ташлади; зулмат ҳам гулдуракларнинг акси садосига қўшилиб-чатишиб ғойиб бўлди.

Бир зумда осмон мусаффо бўлди-қолди.

Ана шундагина Жильят ўзининг қаттиқ чарчаганини пайқади. Уйқу ҳолдан тойган бу кимса устига йиртқич қушдек бостириб келди. Жильятнинг оёқлари чалишиб, кўзлари юмилди, жой-пой танлаб ўтирмай, ўзини таппа ташлаб, шу ондаёқ уйқуга кетди. Бир неча соат мурдадек қимир этмай, тошдек қотиб ухлади, уни атрофда ётган ёвоч-ходалардан ажратиб бўлмасди.

СУВ ОСТИ ҚОЯЛАРИНИНГ ХИЛВАТХОНАЛАРИ

I

ФАҚАТ ЖИЛЬЯТГИНА ОЧ ЭМАСДИ

Жильят уйқудан очиқиб уйғонди. Бўрон тинибди, лекин денгиз ҳамон чайқалиб турар, шу пайтда йўлга чиқишнинг иложи йўқ эди. Бунинг устига кеч кириб қолганди. Бундай оғир юк ортилган қайиқ бу ердан тонгда йўлга чиқса, Гёрнсейга ярим кечаси етиб боради.

Очиқиб турганига қарамай, у уйғониши билан жиққа ҳўл уст-бошини ечди, сал бўлса-да, исиниб олиш учун шундан бошқа иложи йўқ эди.

Момақалди роқ гулдураб турган паллада унинг кийимлари шалаббо бўлиб ивиган, челақлаб қуйган ёмғир эса кийимларидан шўр денгиз сувини ювиб юборганди, шунинг учун ҳам кўйлаги тез қуриши мумкин эди.

Жильят биргина чолворида қолди, унинг почасини ҳам тиззасигача ҳимариб олди.

У кўйлаги, камзули, плашини, пўстаги ҳамда қўнжини қурисин деб қояга ёйди, шамолда учиб кетмасин деб тош билан бостириб қўйди. Сўнгра бир оз тамадди қилиб олмоқчи бўлди.

Жильят доим чархлаб ўткир қилиб юрадиган пичоғини қўлига олиб, қояларга ёпишиб ётган, Уртаер денгизида яшовчи чиғаноқлар туркумига хос бўлган бир неча тоғ шиллиқларини кўчириб олди. Бундай шиллиқларни хомлиғича эса бўлади. Аммо бунчалик узоққа чўзилган оғир меҳнатдан кейин бу овқат урвоқ ҳам бўлмасди. Қоқ нони тугаганди. Чучук сув истаганча топилар, у ташналикни қондиришгина эмас, ҳатто чўмилишга ҳам етгудек мўл эди.

Жильят сув қайтишидан фойдаланиб, қоялар ораси-

дан денгиз қисқичбақаларини излай бошлади. Сув қайтиб, кўпгина саёз жойлар яланғочланиб қолган, бу ов ўнгидан келишидан далолат берарди.

Жильят бирор нарса тутиб пишириш ҳақида ўйла-мас, буни ҳатто хаёлига ҳам келтирмасди. Агар у ҳо-зироқ омборхонасига кирганида, у ердаги ёқилғиси — ўтини ҳам, писта кўмири ҳам ёмғирда шалаббо бўлиб ётганини, вўла устига ўт олдириш учун қўйган пилтаси-дан биронта ҳам қуруқ тола қолмаганини кўрарди. Жа-ла ҳамма ёқни ивитиб, ҳамма нарсани ювиб кетганди. Ўт ёқишнинг сира иложи қолмаганди.

Бунинг устига, босқон ҳам ишдан чиққанди; темирчи-лик кўраси устидаги мўриқони босиб тушган; бўрон унинг устахонасидаги ускуналарни талон-торож қилган-ди. Омон қолган асбоблар билан Жильят темирчилик эмас, дурадгорлик ишларини сал-сал бажара оларди, хо-лос. Аммо Жильятни ҳозир устахонаси қизиқтирмасди.

Фикри-зикри бирор егулик нарса топишда эди. У ҳо-зир дарасида эмас, ундан нарида, бундан икки ярим ой муқаддам Дюранда қояларга келиб урилган ерда сан-дироқлаб юарди.

Ов қилиш учун қояларнинг ички томони эмас, Жиль-ят танлаган четки томонлари қулай эди. Сув қайтган паллада қисқичбақалар тоза ҳаво олгани қирғоққа су-зиб чиқадилар. Улар офтоб нурида исинадилар. Бу бад-башара жониворлар жазирама иссиқни яхши кўради. Туш вақтида уларнинг сувдан чиқиб исинишлари киши-ни ҳайрон қолдиради, уларнинг тўда-тўда бўлиб, би-жиллаб ётганини кўрган кишининг кўнгли озади. Улар-нинг сувдан чиқиб, қоя этагидаги зинапояга ўхшаш дўнгчалардан лапанглаб, беўхшов судралиб юқорига кў-тарилаётганларини кўрган кимса, океанда ҳам ифлос, жирканч жониворлар бўларкан-да, деган хулосага ке-лади.

Жильят икки ойдан бери ана шу жирканч жонивор-ларни истеъмол қиларди.

Ҳавонинг бундай ажойиблигига қарамай, денгиз қис-қичбақалари яшириниб олгандилар. Қутурган бўрон бу дарвишсифат махлуқларни ўз хилватгоҳларига қувган, ҳали улар ўзларини ўнглаб олганларича йўқ эди. Букла-ма пичоғини маҳкам ушлаб олган Жильят йўсинлар орасида ора-чора учраб қолган чиғаноқларни шартта ушлаб, оғзига соларди.

Жильят сьер Клюбен ҳалок бўлган жойга жуда яқинлаб қолди.

Жильят энди денгиз кирписи ҳамда чиганоқлар билан қорнини тўйғазиб олмоқчи бўлиб турганида, тўсатдан оёғи остида сув гулқиллаб қолди. Жильятнинг яқинлашиб қолганидан ўтакаси ёрилаётган катта бир қисқичбақа жон ҳолатда ўзини сувга отганди. Қисқичбақа сувга бутунлай шўнғиб кетмай, юзуроқда сузиб борарди, Жильят уни кўздан қочирмай, сув ёқалаб орқасидан бо-раверди. Қисқичбақа эса илпарилаб бориб, бирдан го-йиб бўлиб қолди. Эҳтимол у ўзини қоя остидаги бирор-та ковакка ургандир.

Жильят қоянинг сув юзига туртиб чиққан жойини ушлаб, остига қаради. У ерда бир ёриқ жой бор эди, қисқичбақа шу ерга яширинган деб ўйлади.

Бу ер шунчаки бир чуқурча бўлиб қолмай, кичкинагина пешайвонга ўхшарди. Сув бу пешайвончага кириб турарди-ю, аммо у чуқур эмасди. Тубидаги улкан-улкан тошлар деярли кўриниб турарди. Бу тошлар оч яшил тусда бўлиб йўсинлар билан қопланган, бу уларни сув бетиним ювиб туришидан далолат берарди. Тепадан қаралганда бу тошлар яшил сочли бола бошига ўхшарди.

Жильят пичоғини тишлаб, оёқ-қўллари билан тошларга тармаша-тармаша қоянинг сув бетига туртиб чиққан ерига чиқди-да, сувга сакради. Сувнинг чуқурлиги елкасидан келаркан. У пешайвон остига томон юрди. Тош деворлари силлиқ, усти гумбазсимон бир йўлакка кириб қолди. Қисқичбақа кўринмасди. Жильят оёғи билан сув тубини пайпаслаб кўриб, ичкарига юрди, ичкари кирган сари қоронғилик қуюқлашарди. Ниҳоят ҳеч нимани кўролмай қолди.

Ун беш қадамча юргандан кейин тепадаги гумбаз тугаб, тор йўлақдан кенгина ҳамда сал ёруғроқ бир жойга чиқди; бундан ташқари у қоронғида юриб келаркан кўз қорачиқлари анча кенгайиб, қоронғиликка мосланганидан, энди атрофдаги нарсаларни аниқроқ кўрарди. Бирдан у ҳайратланганича тўхтаб қолди. Чунки бу бундан бир ой муқаддам киргани ўша таниш сув ости саройи эди.

Бу сафар ёрга денгиз томондан, ўша вақтда сув остига фарқ бўлиб турган арқдан кириб келганди. Баъзан сув кўп қайтганда у юзага чиқиб қоларкан.

Жильятнинг кўзи қоронғиликка анча кўникканди.

Энди унга атроф аниқ кўрина бошлади. У эсанкирас, довираб қолганди. Унинг кўз ўнгида ўша ҳашаматли зулмат саройи, ажойиб гумбаз, жимжимадор устунлар савлат тўкиб турар, лола ранг, қирмизи ёғду жиловлар, ранг-баранг ўсимликлар хилма-хил бўлиб товланарди, ичкарироқда ўша муқаддас сағана, меҳробга ўхшаган улкан тош ҳам азалий жойида турибди.

Жильят илгари кўрганларини ипидан-игнасиғача қайта тасаввур қилишга уринмаса ҳам, бироқ умумий манзара хотирасида сақланиб қолган экан, яна ўша манзара кўз ўнгида қайта намоён бўла бошлади.

У қарши томонда, деворнинг баланд ерида бу саройга биринчи марта жириб келган йўлакни таниди, ҳозир Жильят турган ердан у ёққа асло чиқиб бўлмайдигандай туюларди.

Ўткир учли гумбаз яқинидаги, илгари олисдан кўзи тушган катта ёр ичидаги кичик-кичик ёрларга ўхшаган тор, қоронғи ёрларни ҳам таниди. Энди у бу қоронғи ёрнинг ёнгинасида турарди. Бу ёрлардан Жильятга энг яқини ҳозир сувдан баландда бўлиб, унга бемалол кириш мумкин эди.

Жильятнинг ёнгинасида, қўл узатса етгудек нарида тош деворнинг коваги бор экан. Бу ковак сув сатҳидан сал баландроқда эди. Қисқичбақа худди ана шу ковакка яширинган бўлса керак. Жильят бу қоронғи ерга қўлини иложи борица ичкарироқ суқиб, пайпаслай бошлади.

Шунда тўсатдан аллаким унинг қўлига ёпишгандай бўлди.

Жильятнинг эсхонаси чиқиб кетаёзди.

Юпқа, радир-будур, япалоқ, муздек совуқ, шилимшиқ, ёпишқоқ аллақандай бир жондор унинг яланғоч қўлларига ўралишиб, кўкраги томон ўрмалаб, худди биров қайиш билан чирмаётгандек маҳкам қиса бошлади. Бу махлуқ Жильятнинг кафти ва тирсагига бир зумда чирмашиб олиб, елкасиғача етиб келди. Муздек ўткир бир тиг қўлтиғини ялаб ўтди.

Жильят ўзини орқага ташламоқчи бўлди, бироқ миҳлаб қўйилгандек жойидан силжий олмади. Оғзида тишлаб турган пичоғини чап қўлига олди-да, у билан қояга таяниб ўнг қўлини тортиб чиқармоқчи бўлди. Аммо махлуқ янада қаттиқроқ чирмашди. У ҳам теридек майин, пўлатдек мустаҳкам, аёзли тун сингари совуқ эди.

Мана ковакдан эңсиз, ҳамда дами ўлқир яна бир тасма баҳайбат махлуқнинг узун тилига ўхшаб чиқиб келди. Бу муздек тил Жильятнинг яланғоч танасини ялаб ўтиб, жуда чўзилиб ва ингичкалашиб борди-да, унинг этига ёпишиб, бутун гавдасига чирмовуқдай ўралди.

Жильятнинг аъзойи бадани чидаб бўлмас даражада зирқираб оғрий бошлади, мускуллари увишиб қолди. У баданига аллақандай нарсалар қадалаётганини сезди. Унга гўё минглаб оғизчалар ёпишиб, томирларидан қонини сўриб олаётгандек туюлди.

Қоя ковагидан буралиб-буралиб учинчи тасма чиқиб келди-да, Жильятни пайпаслай-пайпаслай биқинига ёпишиб олди.

Киши ҳаддан ташқари қўрқиб кетганида тили калимага келмай, нафаси ичига тушиб кетаркан. Жильят чурқ этолмади, даммини чиқаролмади. Ғор анча ёришганидан у ўзига ёпишиб ўралиб-чирмашиб олган бу лаънати тасмани яққол кўра оларди. Қамон ўқидек отилиб чиққан тўртинчи тасма бир айланиб қорнига ёпишди.

Танасининг бир неча ерига ниш уриб ёпишиб олган бу ёпишқоқ тасмаларни на сидириб, на қирқиб ташлаб бўларди. Унинг ҳар бир ниш урган жойида ғалати, даҳшатли оғриқ пайдо бўлди. Танасини минглаб кемирувчилар кемираётган кимсагина ана шу ҳолатни ҳис қила олса керак.

Мана, қоя ёригидан бешинчи тасма ҳам отилиб чиқди. У бошқа тасмаларнинг устидан ўралиб, Жильятнинг кўкрагини янада қаттиқроқ қиса бошлади. Бу исқанжалар тобора торая бориб, Жильят тортаётган азобни борган сари зўрайтирарди; у аранг нафас оларди.

Бу тасмаларнинг учи найзадек ингичка бўлиб, найза учидан дастасига томон йўғонлашиб борганидек бу махлуқ қўллари ҳам йўғонлаша борарди, дастаси — охири эса кўринмаётганди. Улардаги кўзга кўринмайдиган минглаб оғизчаларга ўхшаган гўддалар аъзойи баданида ўрмалаб, тобора ботиб бораётганини Жильят сезиб турарди.

Бирдан ковакдан гуваладек япасқи бир нарса пайдо бўлиб қолди. Бу тасмаларнинг танаси эди. Филдирак гупчагига туташ кегайларга ўхшаб беш тасманинг ҳаммаси ҳам унга туташ эди; бу жирқанч гардишнинг нариги томонида яна учта тасмаси бор экан. Шиллиқнинг

гуваладек танасидаги иккита чақчайган кўзи Жильятга тикилиб турарди.

Жильят шунда саккизоёқнинг қўлига тушганини англади.

II

ҒАЛАТИ МАХЛУҚ

Оламда саккизоёқ исмли махлуқ ҳам борлигига ишонч ҳосил қилмоқ учун киши уни ўз кўзи билан бир кўриши керак. Саккизоёқни қадимий афсоналардаги кўп бошли аждаҳолар билан солиштириб қараб кулгинг келади.

Баъзан кишида: биз тушимизда кўрадиган аллақандай тутқичбермас, кўз ўнгимиздан лип-лип ўтиб турадиган шарпалар мавҳумотлар оламига кириб қолиб, бир-бирлари билан тўқнашиб, бир-бирларига қўшилиб-чатишиб бир шаклга, қандайдир жонли қиёфага кирмас-микинлар деган фикр туғилади.

Кўзга кўринмас кучлар мўъжизалар яратишга қодир, улар ўзларининг ана шу қудратларидан фойдаланиб баҳайбат махлуқларни яратадилар, Орфей¹, Гомер ва Гесиод²ларнинг қўлидан фақат ўт пуркар аждаҳони яратиш келган бўлса, худо саккизоёқни яратган.

Худо карам қилса, энг қабиҳ нарсани ҳам камолот чўққисига миндира олади. Унинг бу карамини ўйлаган ҳар қандай художўй мутафаккирни даҳшат босади.

Биз бутун борлиғу махлуқ, жондорларни худонинг ўзи яратган деб қарарканмиз, булар орасида энг баркамоли саккизоёқдир. Оламда энг баҳайбат жондор кит, саккизоёқ — кичкина, бегемотнинг териси қалқондек қаттиқ, саккизоёқ қип-яланғоч; кўзойнакли илон вишиллайди — саккизоёқдан сазо чиқмайди; каркидоннинг шохи бор — саккизоёқ бешох; чаённинг чақадиган ниши бор — саккизоёқ чақмайди; тарантулнинг жағи бор —

¹ Орфей — қадимий юнон афсоналарига кўра ўз куйи ва кўшиқлари билан дову дарахт ва қояларни ҳаракатга келтира оладиган, дўзахи кучлар ҳамда махлуқларни жиловлаб оладиган ажойиб кўшиқчи.

² Гесиод — Қадимий Юнонистонда яшаган машҳур шоир (эрамиздан илгари VIII асрнинг охирлари ёки VII аср бошларида); «Заҳмат ва кунлар» билан қадимий юнон худолари шажарасини анс эттирган «Теогония» поэмаларининг муаллифи.

саккизоёқда жағ йўқ; ревуннинг чайир думи бор — саккизоёқ думсиз, акуланинг қаноти бор — саккизоёқ қанотсиз; кўршапалакнинг ўткир тирноқли қанотлари бор — саккизоёқ тирноқсиз, типратиканнинг ҳамма ёғи игналар билан қопланган, саккизоёқда бунақа нарса йўқ; найза-балиқнинг тумшугида тигсимон найзаси бор — саккизоёқда найза йўқ; бақанинг заҳарли сўлакайи, илоннинг заҳри бор — саккизоёқда заҳар йўқ; арслоннинг ўткир панжаси, бургутнинг ўткир тумшуги бор — саккизоёқда булар йўқ; тимсоҳнинг ўткир тишли оғзи бор — саккизоёқнинг оғзи йўқ.

Саккизоёқнинг на мускули бор, на ваҳима билан ўкира олади, на шохи, на қисқичи, на ниши, на ўраб оладиган ёки шарақлатиб урадиган думи бор, на заҳар соладиган тишию, на ютадиган оғзи ва на душманига санчадиган тиғи бор. Аммо оламда шунақа нарсаларга эга бўлган барча жониворлар ичида энг даҳшатли махлуқ — саккизоёқдир.

Саккизоёқнинг ўзи нима? Қон сўрадиган бир банка у. Океан ўз бағридаги бундай қоялар остида инсон қадами етмаган сеҳрли, ҳашаматли саройларни, дуру жавоҳирларга, қисқичбақаю чиганоқларга, турли-туман гиёҳларга кон ғазнасини гоҳ инсоннинг кўзидан яширади, гоҳ кўз-кўз қилиб, намойиш этади. Бу гўзал манзараларга мафтун бўлиб кириб қолган, бу жойларни томоша қилмоқчи бўлган кимсани тасодифий фожиалар кутади. Мабодо сиз ана шунақа сўлим жойларга дуч келиб қолсангиз, томоша қилишга асло қизиқманг, бундай ерлардан қочинг. Ичкарига маҳлиё бўлиб кириб қоласиз-у, балога гирифторм бўласиз.

Мабодо бундай жойларга кириб қолсангиз, ҳар онда сувда жилпанглаб сузиб юрган йўғонлиги билакдек, узунлиги бир қарич кул ранг махлуққа дуч келишингиз мумкин; у ё бир парча латта, ё дастасиз ёпиқ соябонга ўхшайди. Ана шу бир ўрам эски латта секин-секин сизга томон сузиб келаверади. Қўққисдан латта ўрами ёйилиб, икки кўзи йилтираб турган ликопчадек тана атрофида яшин тезлигида ёғду сочиб саккизта лентача пайдо бўлади; бу ёғду сочиб турган лентачаларнинг жони бор; улар илон каби жилпанглаб буралади, йилтирайди; бу махлуқ диаметри тўрт ёки беш фут келадиган филдиракка ўхшайди. Бу ажойиб юлдуз, даҳшатли махлуқ сизга ташланади.

Саккизоёқ бу, у худди найзадек отилиб желадн-ю, чирмашиб олади.

Бу махлуқ ўлжасига шиллиқдек ёпишиб олади-да, узун-узун тасмалари билан ўраб-чирмаб ташлайди. Унинг ост томони сарғимтир, усти оч кул ранг тусда; унинг рангини аниқ тасвирлаб бўлмайди. Сувда яшовчи бу жонивор кулдан ясалганмикин дейсиз. У ташқи кўрнишидан ўргимчакка, туси эса хамелеонга ўхшайди. Дарғазаб бўлганда ранги ўчиб, кўкариб кетади. Танаси хамирдек юмшоқ, бир даҳшат бу.

Унинг тасмалари ўлжасини бўғади; теккан ерини увиштириб, акашак қилиб қўяди.

У зангла ёки гангрена касалига ўхшайди. У даҳшатли махлуқ қиёфасига кирган офатнинг ўзгинаси.

Саккизоёқ бир чирмашиб олгач, ундан қутулиб бўлмайди. У қурбонининг танасига пайвандлангандек ёпишиб қолади. Қандай қилиб дейсизми? Мана бундай: унинг танасига туташ ери йўғон бўлган саккиз тасмаси тобора ингичкалашиб боради, учи игнадек. Бу тасмаларнинг ости бўйлаб танаси томон икки қатор пуфакчалар терилган, улар бош томонда анча катта-катта бўлиб, тасма учи томон майдалашиб боради. Ҳар қайси қаторда йигирма бештадан пуфакча бўлиб, ҳар бир тасмада элликта, жамаи тўрт юзта. Бу пуфакчалар сўргичлардир.

Бу пуфакчалар — рангсиз юпка парда билан қопланган бўлиб, цилиндр шаклидаги кемирчаклардан иборат. Катта пуфакчаларнинг ҳажми беш франклик тангадек, энг кичиги эса яслиқ донасидай желадн.

Саккизоёқ ўзининг бу ғовак пуфакча-найчаларининг учини қурбонининг баданига дам ботириб, дам тортиб олади. Пуфакчалар ўлжа танасига бир дюймдан ортиқроқ ботади.

Саккизоёқнинг қон сўрувчи аппарати пианино клавиатурасига ўхшайди. Пуфакчаларнинг бири ботса, иккинчиси тортилади. Пуфакчалар танадан бўртиб чиқиб, яна ғойиб бўлади, бу саккизоёқнинг ихтиёрига боғлиқ. Ҳар қандай нозик сезгирлик, ҳиссиёт ҳам саккизоёқ пуфакчаларининг сезгирлиги олдида ип эшолмайди, улар бу махлуқнинг ички ҳиссиёти ёки ташқи таъсир натижасида яшин тезлигида танага тортилиб, кўздан йўқолади-қолади. Бу аждаҳо — чирмовуқдир.

Денгизчилар саккизоёқ деб атайдиган, фанда эса бош-оёқли деб аталмиш бу махлуқни афсоналарда ажо-

йиб-ғаройиб денгиз ҳайвони сифатида таърифланади. Инглиз денгизчилари уни шайтон балиқ ёхуд қонсўрғич дейишади. Ламаншликлар эса уни шиллиқ деб аташади.

У Гернсей атрофида аҳён-аҳёнда бир, Жерсей яқинида камдан-кам учраса, Серк ороли теварагида кўп ва анча йирик бўлади.

Соннини помонидан нашр этилган Бюффоннинг асарларидаги расмлардан бирида ўз тасмачалари билан елканли кемани чирмаб олган ҳайбатли бир саккизоёқнинг сурати ифодаланган. Дени Монфорнинг фикрича, шимолий жангликларда яшовчи саккизоёқ ҳақиқатан ҳам кемани ғарқ қила оларкан. Бори Сен-Венсан унинг бу фикрини рад этиб, бизнинг денгизларда яшовчи саккизоёқлар одамга ҳамла қилади, деб уқтиради. Серк оролига борсангиз у ердагилар сизга Брек-У яқинидаги қоядаги бир ғорни кўрсатишади, ана шу ерда бундан бир неча йил муқаддам денгиз қисқичбақаси овлаб юрган бировга саккизоёқ чирмашиб олиб, сув остига чўктириб юборган. Перон¹ билан Ламарк² саккизоёқнинг сузадиган қаноти йўқ, шундай бўлгандан сўнг у суза олмаса керак, деб янглишганлар. Бу сатрларнинг муаллифи Серк ороли ёнидаги Лабаз деб аталмиш сув ости ғори яқинида чўмилаётган бир кимсани саккизоёқ таъқиб этиб сузиб юганини ўз кўзи билан кўрган. Саккизоёқни ўлдириб, унинг катталигини ўлчаганда эни тўрт инглиз футига тўғри келган, пуфакчаларини санашса тўрт юзта чиққан. Жон аччиғида талвасаланаётган бу махлуқнинг пуфакчалари бўртиб чиқиб турарди.

Дени Монфорнинг фикрича, саккизоёқ одамлар каби хирс-эхтиросли бўлармиш; унда нафратланиш ҳиссиёти бор эмиш. Ҳақиқатан олиб қараганда, ғоят жирканч, қабиҳ бир нарсакони нафрат эмасми?

Жирканчлик, бадбурушлик ўзини ҳалокатдан сақлаб қолиш учун тиш-тирноғи билан курашади; ана шу кураш жараёнида у ғазабланади, қутуради.

Саккизоёқ сузиб юаркан, худди қат-қат қилиб гилофга солиб қўйилганга ўхшайди. Рўмол билан ўраб қў-

¹ Перон Франсуа (1775—1810)— француз табиатшуноси, у денгиз ўсимликлари ва ҳайвотот дунёси коллекциясини тузган.

² Ламарк Жан-Батист (1744—1829)— жонли табиат дунёсининг тарихий тараққиёти ҳақидаги назарияни ишлаб чиққан машҳур олим.

йилган забардаст муштни бир кўз олдингизга келтиринг! Бу мушт саккизоёқнинг боши бўлиб, у сувни орта суриб, билинар-билинмас даражада чайқалиб олға сузиб боради. Унинг косасидан ўйнаб чиққан кўзлари катта-катта бўлишига қарамай, айтарли кўринмайди, чунки унинг ранги сувнинг тусидан фарқ қилмайди.

Саккизоёқ ов вақтида ёки ўлжа пойлаб пистирмада турганида усталик билан яширинади; иложи борича бужмайиб, кичкина бўлишга тиришади. У қорамтир сув тусига кириб, кўзга чалинмайди. Уни нима деб ўйласангиз ўйлайверасиз-у, аммо жониворга ўхшатмайсиз.

Саккизоёқ — жуда мунофиқ, риёкор бир махлуқ. Унга дастлаб унчалик эътибор ҳам бермайсиз: қаршингизда қўққисдан пайдо бўлиб қолади.

Қудратли кучга эга бўлган, елимга қорилган ғазаб ва нафратдан ясалган гуваладек шиллиқ қуртдан даҳшатлироқ махлуқ бўлмаса керак оламда!

Жимирлаб, товланиб турган ложувард сувда бу очофат, жирканч денгиз юлдузи тўсатдан муҳайё бўлиб қолади. Унинг қандай пайдо бўлиб қолганини билмай қоласиз, ҳаммадан ваҳимали ери ана шунда. Саккизоёққа кўзинг тушдими, унга емиш бўлдинг.

Лекин тунда, айниқса куюккан даврида саккизоёқ ўзидан нур таратади. Ҳатто шундай жирканч махлуқда ҳам муҳаббат бор. У жуфтлашишни қўмсайди. Бундай даврда у ўзига оро бериб ясанади, атрофга нур таратади, пастдаги қоп-қоронғиликка қоя тепасидан тикилган киши унинг ёғду сочиб, товланаётганини кўради.

Саккизоёқ фақат сузадигина эмас, ҳатто юради ҳам. У сувда балиқ, қуруқликда ўрмаловчи жонивор. У денгиз тубида саккизта оёғи билан ўрмалайди.

Унинг на суюғи, на қони, на танаси бор. У буришган-қуришган, ичи бўш ғовак бир нарса. У жилддай ёки қоғиздай бир гап. Унинг саккиз оёғини бемалол қўлқоп бармоқларидек бураб, тескарисини ағдарса бўлади.

Унинг биргина тешик ери бор, у ҳам бўлса тасма оёқлари желиб туташган жойнинг қоқ ўртасида. Бу нима ўзи? Оғзими ёки орқа чиқарув тешигими? Униси ҳам, буниси ҳам. Икковининг ҳам хизматини ўтайди.

Ушлаб кўрсангиз муздек совуқ.

Ўртаер денгизда яшовчи моллюскалар жуда жирканчли бўлади. Сувга тушган одамга ёпишиб оладиган бесуюк бу лаққа жонивор киши баданига тегиб кетса

этни музлатиб юборади, ушласангиз қўлингиз яхлаб қолганга ўхшайди, тирноғингизни ботирсангиз танасига ботиб кетади, ҳар қанча эзғиламанг уни ўлдиролмайсиз, этини парчалаб узиб олиб ташласангиз ҳам барибир ундан қутулолмайсиз, у аллақандай ёпишқоқ, шилимшиқ нарса, бармоқларингиз орасидан сирғалиб чиқиб кетаверади.

Оламда саккизоёқдан кўра маҳкамроқ қиса оладиган исканжа йўқ.

Сизга кўзга жўринмас бир насос ҳамла қилади. Сиз пайпаслайдиган асбоблар билан қуролланган бўшлиқнинг чангалига тушиб қоласиз. Бунда сизнинг баданингизга на тирдор тирноқ, на ўткир тиш ботади, фақат терингизга алланиманинг тобора пайванд бўлиб бораётганини ҳис этасиз, холос. Сизни бирон нима тишлаб олса жуда оғрийди, аммо қонингиз сўрилайётгани ундан ваҳималироқ. Танангизга ўткир тирноқнинг ботиши — сўрғичлар қонингизни сўрайётгани олдида ҳеч гап эмас. Агар бирор йиртқичнинг тирноғи этингизга ботса, бу жирканч махлуқнинг сўрғичлари танангизга елимдек ёпишиб олиб, сўради. Мускулларингиз дўмбира бўлиб шишиб, пайларингиз буралиб-буралиб кетади, терингизни эса разил сўрғичлар торс-торс ёриб юборади; қонингиз тизиллаб чиқиб бу махлуқнинг рангсиз селига қўшилади. Бу жирканч махлуқ ўзининг беҳисоб оғизчалари билан баданингизга қапишиб олади; кўп бошли бу аждаҳо одамга, одам эса аждаҳога пайванд бўлиб кетади. Сиз у махлуқ билан бир бутун, яхлит нарсага айланасиз. Сиз ана шу мудҳиш махлуқнинг бандиси бўлиб қоласиз Йўлбарс сизни ейиши мумкин, саккизоёқ эса — буни ўйлашнинг ўзи бир даҳшат! — бутун борлигингизни сўради. Бу жонли шиллиқ сизни ўз оғушига тортади, оёқ-қўлингизни кишанлаб, елимлаб ташлайди, чорасиз қоласиз, аъзойи баданингиз симоб бўлиб эриб, аста-секин ана шу даҳшатли бўш қопга қуйилаётганини сезиб турасиз.

Тириклайин ем бўлиш мудҳиш бир ҳол, аммо аъзойи баданингизни тириклайин бирон махлуқ сўриб, шимириб олса ундан минг бора мудҳишроқ.

Илм-фанда гарчи факт, далилларга рўбарў турган бўлса-да, ғоятда эҳтиёткорлик нуқтаи назаридан олиб қаралганда, бу ғалати махлуқларнинг мавжудлиги даст-

лаб рад этилади-ю, аммо кейин уларни ўрганишга киришилади; фан бу махлуқларни ёриб-тилиб кўради, уларни ўзига хос туркумга қўшиб, рўйхатга тиркайди; бу махлуқлардан намуна учун топиб келиниб, шиша идишларга солинади-да, музейларга қўйилиб, рўйхат дафтарида ўтказилади; улар моллюскалар, умуртқасизлар, нурланувчилар деб аталади; фан шўр сувларда яшовчи бу жирканч махлуқ билан чучук сувларда яшовчи ўргимчаклар орасида ўхшашлик борлигини аниқлайди; фан уларни йирик, ўртача ва майда турларга ажратади; фан ҳар соҳада ҳам йирик турларга нисбатан майдасини тезроқ тан олади, фанда телескопдан кўра микроскоп афзал кўрилади; фанда бу махлуқнинг тузилиши синчиклаб текширилгач, уни бош-оёқлилар туркумига киритишади, пайпаслагич тасмаларини санаб чиқиб, уни саккизоёқ дейишади. Ана шундан кейингина фан ўз ишини тугатади. Энди фалсафа ўз ишини бошлайди.

Фалсафа ҳам ўз навбатида бу жониворларни ўргана бошлайди. Фалсафа бу махлуқларни табиёт фаничалик синчиклаб текширмаса-да, бир томондан чуқурроқ мулоҳаза юритади. У бу махлуқларнинг тилим-тилим қилиб ҳужайрасигача текширмайди, балки чуқур фикр юритади. Жарроҳлик пичоғи ўрнига тафаккур тифини ишга солади. Фалсафа туб мақсадни, оқибатни излайди. Му-тафаккир мақсадига эришгунича ғоят эзилади, азоб чекади. Бу махлуқларни яратган яратувчидан хафа бўлиб кетади, унинг мавжудлигидан шубҳаланади. Бу жирканч махлуқлар — мудҳиш, кутилмаган офатнинг ўзгинаси. Улар ўзлари ҳақида фикр юритувчининг қалбини тилка-пора қилиб юборадилар. Бу жирканч махлуқларнинг дарҳақиқат мавжудлигига ишонч ҳосил қилган кимса довдираб қолади. Бу махлуқлар ёвузликнинг бир қиёфасидир. Коинот ўз шаънига лаънат ёғдирадиган бу махлуқни ўзи яратган. Бунга нима ҳам деб бўлади? Бунинг учун кимни айбласа бўлади?

Олам ҳар турли эҳтимол ва имкониятларга кон. Коинот сирлари даҳшатли махлуқ қиёфасига киради. Туман қатламлари юксакларга кўтарилиб туташади, яхлитлашади, биз уни фазо деб атаймиз; бу туман пардалари йиртилади, узилиб-юлқинади, чирпирак бўлиб айланади, салобат билан чексизлик қўйнида сузади, атрофдаги зулматни эмиб қуюқлашади, кўзга кўринмас қувватлар таъсирида ўз зарраларидан ажойиб-ғаройиб

шакллар ясаб, рутубатлардан ақл бовар қилмайдиган алвасти, жин-ажиналар яратиб, уларга жон ато қилади, унинг бу фарзандлари ваҳшатли шарпалардек тирик мавжудотлар оламига бостириб кирадилар. Бу гўё ҳайвонлар қиёфасига кириб олган зулматга ўхшайди. Нима учун? Бу савол асрлар еча олмаган жумбоқдир.

Бу жониворлар — эҳтимол даҳшатли махлуқлардир. эҳтимол кўзга кўринадиган шарпалардир. Уларнинг мавжудлигини рад этиб бўлмайди, бунга шубҳа йўқ, бу мавжудлик эса ақлга сиғмайдиган бир нарса. Улар ўлим элчиларидир. Улар мавжуд, деган гапнинг ўзи ҳақиқатга тўғри келмайди. Улар одамлар яшайдиган олам билан хаёлий, ҳайвонотлар олами оралиғида истиқомат қиладилар. Сиз инсон қонини сўрувчи афсонавий ёвуз махлуқларнинг мавжудлигини тан олмайсиз-у, қўққисдан саккизоёққа рўпара бўлиб қоласиз. Бу жирканч махлуқлар беҳисоб, бу ҳолнинг очиқ-ойдин аниқлиги сизни саросимага солиб кўяди. Оптимизм, умидли дунё, ўзининг ҳар қанча ҳақлигига қарамай, бу махлуқлар қаршисида бўйин эгади, ўз матонати, сабр-чидамини йўқотади. Бу махлуқлар қора кучларнинг энг баркамол қиёфаси, зулматнинг кўзга чалинадиган ниҳоясидир. Улар биз яшаётган олам, воқелик билан нариги дунёни бир-бирига боғловчи кўприқдир. Улар худди уйқуда ётган кимсанинг тушига кириб, уни безовта қиладиган, тун зулматига чулғаниб олган қўрқинчли шарпалар оломонига ўхшайдилар.

Улар ғойибдан ҳозир бўлиб, қудратли афсунгар ва файласуфларнинг илҳом булоғида камол топган, эҳтимол, ҳатто уларнинг синчков, ўткир кўзларига аниқ кўринадиган, ўз умрини яшагани воқелик оламига кўчиб ўтган махлуқлардир. Жаҳаннам ҳақидаги фикр, мулоҳаза, афсоналар ана шундан келиб чиққан. Ғойиб дунёнинг йиртқич йўлбарси дев, имон ўғриси бўлган шайтон қиёфасида икки кимсада ўз аксини топган: улардан бири Иоанн¹, бошқаси Дантедир².

¹ Иоанн (Иоанн Богослов) — черков ривоятларига кўра, олдиндан башорат қилиб «охират»ни таърифлаб берган. Апокалипсис номли китобнинг муаллифи.

² Алигиери Данте (1265—1321) — ўрта аср охирлари ва Уйғониш даври бошларида яшаган улуғ итальян шоири. У ўзининг «Илоҳий комедия» поэмасида дўзах ва жаннатдаги ҳаётни тасвирлаган-у, аммо асарига мавжуд дунё манзараларини асос қилиб олган.

Башарти зулмат ҳалқалари чексиз фазо қўйнида йўқола борса, унга тўхтовсиз равишда бошқа ҳалқалар тутшиб кетса, биз шубҳаланган занжир ҳақиқатан мавжуд бўлса, унда бу занжирнинг бир учи келиб туташган саккизоёқ унинг нариги учи иблис-шайтонга бориб тақалганидан далолат беради.

Зулмат занжирининг бир бошидаги ёвузлик унинг нариги бошидаги ёвузлик манбаидан бир нишона.

Ҳар қандай ёвуз махлуқ нияти бузуқ одам сингарини ўзига хос бир сирли хислатга эга.

Бу сирли махлуқнинг ўзи даҳшатли бир жумбоқ, жумбоқ бўлганда ҳам ёвузлик, балою офатлар жумбоғидир.

Ёвузликнинг бу камолоти оқилу фозил кишиларни баъзан икки илоҳга эътиқод қилишга, руҳий касалликлар олами яратган қўрқинчли, риёкор худога топишига мажбур этган.

Сўнгги уруш вақтида Хитой императори саройидан ўғирланган бир шоҳи чойшабда ипак қуртини чўқиб олган қалдирғочни чўқиб турган бургут, ана шу бургутни эса ўз домига тортаётган тимсоҳ, бу тимсоҳни эса ютиб юбораётган акула тасвирланганди.

Табиатда мавжуд жамики нарса бир-бирини ейди, каттаси кичигини ютади, ўзи ҳам бошқа каттароғига емиш бўлади. Ҳар бир жониворнинг ўз кушандаси бор.

Олимлар, ҳар бир нарсанинг туб моҳиятини билишни истовчи файласуфлар бунинг сабабини топганлар ёхуд топдик деб ишонтирадилар. Баъзилар кишини ҳайратда қолдирадиган хулосага келганлар. Женевалик Бонне¹ ана шундайлар жумласидандир. Бонне жуда ўткир зеҳли, ғоят ақлли бир кимса бўлиб, кейинги вақтда Жоффруа Сент-Илер²ни Кювье билан таққослагандек, уни Бюффон³ билан таққослардилар. Ана ўша Бонненинг фикрича: ҳаёт ипларини дуч келган ерда узиб ташловчи ўлим ўз қурбонини ўша ернинг ўзида дафн қилади. Баднафс йиртқичлар — маҳв этувчи гўрковлардир.

¹ Шарль Бонне (1720—1793)—швейцариялик реакцион натурфилософ, антиэволюционист. Оламнинг тузилиши ҳақидаги черков таълимотини «илмий» асослаб беришга интилган.

² Этьенн Жоффруа Сент-Илер (1772—1844)—француз зоологи. Дарвингача бўлган атоқли эволюционистлардан бири. 1830 йилда у палеонтолог Жорж Кювье билан мунозара қилганди.

³ Жорж Бюффон (1707—1788)—ўз умрини табиат тавсифини баён этишга бағишлаган француз табиатшуноси.

Жондор зоти борки, бир-бировини ейди. Бирининг ўлакчаси иккинчисига емишдир. Ер курраси ана шундай тозаланармиш. Қандай даҳшат бу! Одам ҳам гўштхўр, йиртқич ҳайвон сифатида гўрковдир. Биз бошқа ҳайвонларнинг ўлими эвазига яшаймиз. Ҳаётнинг даҳшатли қонуни бу. Бизнинг ўзимиз ҳам қабрдырмиз.

Биз яшаб турган машъум оламнинг бу мудҳиш қондалари баҳайбат, йиртқич махлуқларни яратади. Нимага дейсизми? Буни биз сизга юқорида баён этгандик.

Шу ҳам тушунтириш бўлди-ю?! Ахир бу юқоридаги саволга жавоб бўлолмайди-ку? Нима учун бошқа тартиб, бошқа қонун йўқ? Масала яна ўша саволга келиб тақалади.

Майли, шундай бўлса бўла қолсин, биз яшайверамиз.

Аммо олға силжиб боришимизга ўлимнинг воситачи бўлишига ҳаракат қиламиз. Бунчалик мудҳиш оламни ўйламасликка тиришамиз, хаёлан ўзгача оламга интиламиз.

Бизни ана шундай кўнгилдагидек оламга етаклаб борувчи виждон нидосига эрк берайлик, унга бўйин эгайлик. Зотан биз шу нарсани ёддан чиқармаслигимиз лозимки, эзгу ниятлар оламига яхшилик кўчасидангина бора оламиз, яхши хаёллар дарёси бўйлаб сузиб борганимиздагина орзумизга эришишимиз мумкин.

III

ТУВСИЗЛИК ҚАЪРИДА КЎРАШНИНГ ЯНА БИР КЎРИНИШИ

Жильят бир неча дақиқадан бери ана шундай жирканч махлуқ оғушида азоб чекаётганди.

Бу разил махлуқ сув ости ғорида яшарди. У бу махфий сув ости саройининг қонхўр хоқони, ёвуз сув жинига ўхшарди.

Бу афсонавий ҳашамдор ғор ваҳимали тус олди.

Бундан бир ой бурун, Жильят сув ости ғорига биринчи кирганида жимирлаб мавжланиб турган сувда қорайиб кўринган доғ ана шу саккизоёқ эди.

Бу ер саккизоёқнинг уяси. Жильят қисқичбақани таъқиб этиб ғорга иккинчи бор кирганида юқорида айтиб ўтилган қоя ковагини кўриб, қисқичбақа шу ерга яшириниб олган бўлса керак, деб ўйлади. Худди шу ерда саккизоёқ ўз ўлжасини тузоққа илинтириш учун пайт пойлаб турганди.

Бу кимнинг хаёлига келарди?

Мабодо қора кучларнинг тузоқ қўйиб, бундай чидам билан пайт пойлаб ётганини сезиб қолгудек бўлса, қуш бола очишга журъат этолмас, энди ёрилиб жўжа чиқай деб турган тухум шундайлигича қотиб қолар, очила ёзган гунча қайта юмилар, гўдак эмиб турган онанинг сийнасидаги сут қуриб қолар, қалбдаги меҳр-муҳаббат ўрнини даҳшат эгаллаб олар, ақл эса ҳеч нарсани англолмай карахт бўлиб қолган бўлурди.

Жильят ковакка қўл суқиши биланоқ саккизоёқ унга маҳкам чирмашиб олди.

Бу баҳайбат ўргимчак одамни пашшадек ўраб-чирмаб олади.

Жильят оёқларини жон-жаҳди билан юмалоқ сирпанчиқ тошларга тираб, белигача сувга ботиб турарди. Унг қўли ва танасига саккизоёқнинг пайпаслагич тасмалари чирмашиб олган, баданининг тирноқча очиқ ери қолмаганди.

Саккизоёқнинг уч пайпаслагич тасмаси қояга, қолган бештаси Жильятга туташиб кетган эди. Бир томондан қояга, иккинчи томондан, Жильятга маҳкам чирмашиб олган саккизоёқ уни тобора қояга қапиштира борди. Жильятнинг баданини икки юз эллик сўргич бараварига сўрарди. Қандай даҳшатли, қандай жирканч манзара! Баҳайбат бир чангалга тушиб қолиб, узунлиги бир газ келадиган, бошдан-оёғигача пуфакча-оғизчалар билан қопланган чайир бармоқлар бутун баданингизни пайпаслаб, эзғилаб турса, бу қандай даҳшат!

Юқорида қайд қилиб ўтганимиздек, саккизоёқнинг чангалидан қутулиб бўлмайди, ундан қутулмоқчи бўлиб сал қимирланса, бу махлуқ янада маҳкамроқ чирмашади. Сиз ундан қутулмоқчи бўлиб ўзингизни қанчалик четга тортсангиз, саккизоёқ сизни ўз оғушига шунчалик маҳкамроқ босади.

Жильят фақат бир нарсага, у ҳам бўлса пичоғига умид боғлаши мумкин эди.

Жильятнинг чап қўлигина бўш қолганди, холос: аммо чап қўлини ҳам ўнг қўлидек яхши ишлата олишини биласиз. Жильятнинг ўнг қўли иккита десак ҳам бўлади. У пичоғини худди ана шу чап қўлида тутиб турганди.

Саккизоёқнинг тасмаларини қирқиб бўлмайди; уларга ҳеч нарса ўтмайди, тиг сирганиб кетаверади. Бундан ташқари, саккизоёқнинг пайпаслагичлари Жильятнинг

баданига шундай қапишиб кетгандики, мабодо тасмалар сал қирқилганида ҳам у ўз этини кесган бўларди.

Саккизоёқ қанчалик қўрқинчли бўлмасин, барибир ундан қутулишнинг бир иложи бор. Серк оролилик ба-лиқчилар буни билишади; уларнинг денгизда учраб қолган йиртқичларга қарши қўққисдан, яшин тезлигида қиладиган ҳужумларини кўришга муяссар бўлган одам бу чорадан хабардор. Дельфинлар ҳам деярли худди шунақа қилишади; улар денгиз моллюскасига қўққисдан ташланиб, эпчиллик билан унинг бошини узиб оладилар. Шунинг учун ҳам очиқ денгиз бетида қалқиб юрган бошсиз моллюскалар, саккизоёқлар учраб туради.

Дарҳақиқат, саккизоёқнинг бирдан-бир занф, қалтис ери унинг бошидир.

Жильят буни билар эди.

Жильят бунақа баҳайбат саккизоёқни умрида кўрмаган эди. Ундан бошқа одам бунақа баҳайбат махлуқнинг тузоғига илинганида довдираб қолган бўларди.

Саккизоёқни енгиш учун, худди буқа билан олишувдагидек, унга зарба бериладиган бир қулай дақиқа бўлади, ана шу дақиқадан усталик билан фойдалана билиш лозим. Бу дақиқа буқанинг ўз бўйинини сал буккан он, саккизоёқнинг эса калласини қурбонига бир зум яқинлаштирган ондир: бу он жуда қисқа бўлади, ундан фойдаланиб қололмаган кимса муқаррар ҳалок бўлди деяверинг.

Биз ўқоридагиларни ҳикоя қилар эканмиз, орадан бор-йўғи бир неча дақиқа ўтди, холос. Аммо Жильят бу икки юз эллик қон сўрувчи сўрғичларнинг баданига тобора маҳкамроқ ёпишиб бораётганини сезиб турарди.

Саккизоёқ жуда айёр бўлади. Дастлаб у ўз қурбонини гангитиб қўйишга тиришади, уни ўз бағрига босиб, бир нафас қимир этмай кутиб туради.

Жильят пичоғини тайёр ҳолда ушлаб турар, сўрғичлар эса баданига борган сари ичкарироқ ботиб борарди.

Жильят саккизоёққа, саккизоёқ эса унга тикиларди.

Тўсатдан саккизоёқ қоя ковагидаги олтинчи оёғини чиқариб, у билан Жильятнинг чап қўлини чирмаб олмоқчи бўлди. Шу пайт у бошини тезлик билан ўлжасига яқинлаштирди. Орадан бир секунд ўтса бас, унинг ўпқондек оғзи Жильятнинг кўкрагига чиппа ёпишар, тана-сидаги бутун қонни сўриб оларди, Жильятнинг икки қўли боғланиб, ҳеч нима қилолмас, шу кўйи ҳалок бўларди.

Аммо Жильят сергак турарди. Саккизоёқ сингари у ҳам қулай пайтни пойлаётганди. Олтинчи пайпаслагич тасмага у чап берди-да, саккизоёқ унинг кўкрагига шиппа ёпишай деган пайдан фойдаланиб, чап қўлидаги пичоқ билан бу даҳшатли махлуқнинг бошига туширди. Икки ўртада ҳаёт-мамот олишуви бошланди, бу олишуа икки қарама-қарши яшиннинг бир-бировига келиб урилишидек бир онда тугади-қўйди. Жильят бу япасқи гуваладек шиллиққа пичоқ ургани ҳамоноқ уни суғуриб, зудлик билан махлуқнинг икки кўзини тилиб юборди, худди оғриқ тишни суғуриб ташлагандек шартта калласини юлди.

Узоққа чўзилмаган олишув тугади. Жильятга чирмашиб олган саккизоёқ сувга латгадек шалпайиб тушди. Бу қонхўр сўрғич ҳалок бўлиши билан ҳамма ёқ ёришиб кетди. Одам ва қояга ёпишиб олган тўрт юз сўрғич бараварига ўз бандиларини қўйиб юборишди. Пайпаслагич тасмалар сув тубига чўкдилар.

Жильят энтикиб-энтикиб нафас оларкан, оёғи остидаги харсанглар устида айқаш-уйқаш бўлиб ётган икки уюмга мағрур тикилди; бир томонда саккизоёқнинг боши, иккинчи томонда қолган-қутганлари уюлиб ётарди. Биз «қолган-қутганлари» деяпмиз, чунки уни бу даҳшатли махлуқнинг танаси деб бўлмасди, унинг танаси йўқ эди.

Жильят яна ёпишиб қолмасин, деб чўчиб, жон талвасасида типирчилаётган саккизоёқнинг пайпасловчи тасмаларидан нари кетди.

Саккизоёқ ўлганди.

Жильят буклама пичоғини ёпиб қўйди.

IV

ҲЕЧ НАРСА ЯШРИНИБ КЕТОЛМАЙДИ, ҲЕЧ НИМА ИЗСИЗ ЙЎҚОЛМАЙДИ

Жильят саккизоёқни жуда вақтида ўлдирганди. У энтикиб-энтикиб нафас олар, чап қўлидан бошқа бутун танаси мўматалоқ бўлиб кўкарган, бутун бадани дўмбира бўлиб шишган, баъзи ерларидан қон оқиб турарди. Бунинг давоси шўр сув. Жильят сувга шўнғиб-шўнғиб баданини ишқаларди. Ҳадеб ишқайверганидан баданидаги қабариқлар пучая бошлади.

У сувга тобора чуқурроқ ботиб бораркан, ўзи пайқаманган ҳолда, саккизоёқнинг чангалига тушиб қолган

ковак ёнидаги илгари кўзи тушган кичик ғорга яқинлашиб қолаёзганди.

Бу ғор сувдан баландроқда бўлиб, сув ости қасри деворида эди. Қоядан емирилиб тушган тошлар ғор тагини тўлдирганидан, одатдагидек сув кўтарилиши вақтида ғорга сув кирмасди. Бу тепаси пастак, ичи кенг ғорга энгашиброқ бемалол кирса бўларди. Сув ости ғорига тушиб турган кўкимтир ёғду бу ғорни ҳам ғирашира ёритиб турарди.

Жильят қавариб, шишиб кетган этини тез-тез ишқаркан, беихтиёр бошини кўтариб, ғорнинг ичкарасига қаради-ю, донг қотиб қолди. Юраги орқасига тортиб, сесканиб кетди.

Унга ярим қоронғи ғор ичидан аллаким тиржайиб тикилиб турарди.

Жильят «қорахаёл» деган сўзни билмасди, аммо бунақа ҳодисалардан хабари бор эди. Бунақа ҳодисалар учрайди, унга тўғри изоҳ беролмай, бу ҳодисани ажина ва арвоҳларга учрашиш деб биламиз. Бу ҳиссиётимизнинг чалғишими ёки ҳақиқатми, қар ҳолда, кўзимизга алланарсаларнинг жўриниши рост гап. Уларга дуч келган кимса, албатта уларни кўради. Юқорида зикр қилиб ўтганимиздек, Жильят хаёлпараст йигит эди. Баъзан у хаёл денгизида сузиб юраркан, гўё пайғамбарларга ўхшаб, унинг кўзига ҳам алланима балолар кўринарди. Яккаю ёлғиз, ҳаммадан ажраб қолган одамнинг бундай кимсасиз хилват жойларда хаёлга берилиши хавфли.

Кечалари бир неча бор тушига кириб, уни безовта қилган, ҳайратга солган жонли шарпалар ёдига тушди.

Бу ғор оҳактош қуйдириладиган хумдонни эслатарди. Тепаси пастаккина, камалаксимон букилган бўлиб, корзинка тутқичига ўхшарди; унинг тик деворлари ичкарига томон пасая бориб, ғор шифтининг туби билан туташиб кетган ерга бориб тақалар, бу ғорни кўрган киши уни тошдан тикилган қоп дейди.

Жильят сал энгашиб ғорга кирди-да, ичкарида яшиниб турган кимсага томон юрди.

Дарҳақиқат, кимдир тиржайиб турарди.

Бу бировнинг бош суяги эди. У ерда бир бош суягигина эмас, одам скелети ётарди.

Бунақа пайтларда довиорақ кишилар ўзлари кўриб турган нарсаларининг сабабини қидирадилар.

Жильят атрофни кўздан кечира бошладн.

Атрофни қисқичбақа босиб кетибди.

Улар қимир этишмасди. Бу ҳолат ўлиб ётган чумолилар уясини эслатарди. Қисқичбақалар ақалли қилт этмасдилар. Булар қисқичбақалар эмас, уларнинг пўстлоғи экан.

Жильят олдинга тикилганча, қисқичбақа қобиқларига эътибор ҳам бермай, илгарилаб борарди. Форнинг бош томонида қисқичбақа қобиқлари янада кўпроқ уюлиб ётарди. Уларнинг мўйловлари ҳурпайиб, қаттиқ қисқичлари очилганича тарвақайлаб ва бош қобиқлари ҳаракатсиз ётарди, улардан баъзилари тўнтарилиб, бўш қобиқнинг оч кўкимтир ичи кўриниб турарди. Бу сонсаноксиз қисқичбақа қобиқлари бирон қалъани қамал қилиб турган лашкарларга ўхшар, худди қуюқ чакалакзорга кириб қолгандек ҳеч нарсани кўриб, ажратиб бўлмас, ҳамма ёқ айқаш-уйқаш эди.

Скелет ана шу қисқичбақа қобиқлари уюми остида кўмилиб ётарди.

Уюлиб ётган бу мўйлов, қисқич ва қалқонлар остидан ўртасидан чокланган бош суяги, умуртқа, тос ва болдир суяклари, узун, нозик тирноқли бармоқлар кўриниб турарди. Кўкрак қафаси ичига эса қисқичбақалар тўлиб қолганди. Бу ерда бир вақтлар кимнингдир юраги тепиб турган. Кўз косалари денгиз пўпанаклари билан қопланибди. Бурун тешиклари эса денгиз чиғаноқларининг шиллиқларига тўлибди. Бу тош қопда на бирон гнёҳ ўсган, на тик ётган шабада эсарди. Бу ердаги ҳамма нарса тошга айлангандек эди. Фақат скелет тишларигина тиржайиб турарди.

Баъзан бировнинг кулгиси кўнгилга ваҳима солади, этингиз жимирлашиб кетади, хўш, шундай экан, мурданинг бош суяги сизга қараб тиржайса қандай аҳволда қоласиз?!

Денгиз қаърида жилваланиб, товланиб турган бу сеҳрли қаср ўз айби ва сири-асрорини очиб қўйганди. Бу жой йиртқич махлуқларнинг уяси, унда саккизоёқ истиқомат қиларкан; бу ер қабр, унга одам дафн этилганди.

Қимир этмай ётган одам скелети ва қисқичбақа қобиқлари сув остидан тушиб турган ёғдуда гўё аста-аста ҳаракатланаётганга ўхшарди. Қисқичбақа қобиқлари одамнинг бош суягини кемираётгандек кўринарди. Улик

махлуқларнинг мурда қолдиқларига ёпирилиб, уни кемираётганидан кўра даҳшатлироқ, кишини таажжубда қолдирадиган манзара бўлмаса керак оламда. Бу мудҳиш ўлим манзараси эди.

Жильят саккизоёқнинг озиқ-овқат омборига кириб қолган эди. Унинг кўз ўнгига даҳшатли ҳаёт қонуни гавдавланиб турганди: одам қисқичбақаларга, қисқичбақалар эса саккизоёққа емиш бўлган.

Скелет яқинида кийим-бошдан ному нишон йўқ. Одам яланғоч ҳолда тузоққа илинган бўлса керак.

Жильят скелетни диққат билан кўздан кечираркан, уни кўмиб ётган қисқичбақаларни олиб ташлашга киришди. Ким бўлди бу одам? Анатомия театри¹да гўшти суякдан ажратиб олинганга ўхшайди: бутун эти устихонидан чиннидай қилиб қиртишлаб олинган, на тирноқча гўшти қолган, на биронта суяги йўқолган. Жильят билмдон бўлганида, буни пайқаган бўларди. Суяк пардаси гўё сийқаллангандек сип-силлиқ, қордек оппоқ эди. Агар ипдай ингичка-ингичка кўкимтир чизиқчалари бўлмаса, уни фил суяги деб ўйлаш мумкин эди. Диққат билан қиртишланган кемирчаклари бус-бутун. Қабристон бу даҳшатли, жирканч нусхани заргарлардек моҳирлик билан ясаган.

Мурда худди қисқичбақа ўлимтиклари остига кўмилганга ўхшарди. Жильят уни ковлаб олди.

Жильят бирдан энгашиб бир нимага тикилиб қолди. Унинг кўзи умуртқа поғонасига боғланган қорамтир тасмага тушганди. Бу қорамтир тасма одам тириклигида белига маҳкамлаб боғлаб олган чарм камар эканлиги кўриниб турарди.

Камарнинг чарми моғорлаб, пих боғлаб, тўқаси занглаб кетибди.

Жильят камарни тортиб кўрди, умуртқа суякларидан чиқариб ололмай, уларни синдиришга мажбур бўлди. Камар ҳали бус-бутун экан. Чарм устини чиғаноққа ўхшаган қобиқ қоплай бошлабди.

Жильят камарнинг у ёқ-бу ёғини ушлаб кўриб, чарм қати орасида аллақандай тўрт бурчак қаттиқ бир нарса борлигини пайқади. Занглаб кетган тўқасидан чиқариб бўлмасди, шунинг учун ҳам Жильят камарни пичоғи би-

¹ Анатомия театри — илмий-текшириш ва ўқув юртларида ўлик ёриб кўриладиган хона.

лан тилди. Чарм орасига кичкинагина ту누ка қутича билан олтин тангалар жойланган экан. Жильят уларни санади — йигирма гиней. Ту누ка қутича эса қадимий денгизчиларнинг пружина қулфли тамакидони экан. У роса занглаганидан мутлақо очилмас, занглаб кўкариб кетган пружинаси ишламасди.

Жильятга яна пичоғи иш берди. У пичоғининг учини қутича қопқоғи остига суққан эди, пружина узилиб кетиб, қутича очилди. Унинг ичида аллақандай қоғозлар бор экан. Бу қоғозлар сал нам тортибди-ю, аммо қутичанинг қопқоғи жипс бекилганидан, қоғозларга зиён етмабди. Жильят бу қоғозларни очиб қаради. Бу қоғозлар ҳар бири бир минг фунт стерлинглик — ҳаммаси етмиш беш минг франкка баробар учта банка билети экан.

Жильят уларни қайтадан буклаб, яна қутичага солди-да, устига бояғи йигирма гинейни ҳам қўйиб, қопқоғини маҳкамлаб ёпди. Сўнгра у камарни синчиклаб кўздан кечира бошлади.

Бир вақтлар лакланган чармнинг устидаги лаки ҳали кўчмаганди. Қўнғир тусли камар устига қуюқ қора рангда ёзилган ҳарфлар кўзга ташланиб турарди. Жильят бу ҳарфларни кўшиб синчиклаб ўқиди, унда «Сьер Клюбен» деб ёзилган эди.

V

ОЛТИ ДҶОИМ БИЛАН ИККИ ФУТ ОРАСИДАГИ ҲАЛОКАТ ХАВФИ

Жильят қутичани яна камар чарми орасига жойлади-да, чолворининг чўнтагига солди.

Скелетни ва ундан сал нарироқда ётган саккизоёқни қисқичбақалар ихтиёрига ташлаб орқага қайтди.

Жильят саккизоёқ билан олишиб, сўнгра скелетни кўздан кечиргунича сув яна кўтарила бошлаган ва ёрға кириладиган жой сув остида қолганди. Жильят у ердан сув ости қасрининг арки остидан сувга шўнғиб ўта олиши мумкин. эди. Жильят бу ердан осонгина ўтди; у ташқарига, денгизга чиқадиган йўлни яхши билар, сув остига шўнғиб сузишга ҳам эпчил эди.

Бундан икки ярим ой бурун содир бўлган воқеани тасаввур этиш қийин эмас: бир махлуқ иккинчисининг чангалига тушган, яъни Клюбен саккизоёққа ем бўлган.

Бу мудҳиш ним қоронғиликда икки жирканч муно-

фиқ ўртасида яккама-якка олишув бўлган. Бу кимсасиз денгиз қаърида зулмат ва ёвузлик фарзанди бўлган икки жондор тўқнашиб қолган, улардан бири — шафқатсиз, жирканч махлуқ — иккинчисининг, яъни инсоннинг жонини сўриб олган. Қандай даҳшатли адолат бу!

Денгиз қисқичбақалари ўлимтикларни ейди, саккизоёқ эса қисқичбақаларни. Саккизоёқ сувда сузиб юрувчи жониворларни, денгиз ити, сувсарларни, кези келиб қолса одамни ўз тузоғига илиштиради, унга чирмашиб олади-да, қонини сўриб мурдасини денгиз тубига ташлаб кетади. Денгиз қисқичбақалари гўрковлардир. Улар ўлаксага ўч бўладилар, улар ҳар ерда ҳозир у нозир турадилар: қисқичбақалар мурдани, саккизоёқ эса уларни ейди; ўлакса батамом қисқичбақаларнинг қорнига кирса, улар ўз навбатида саккизоёқнинг ошқозонидан жой оладилар. Табиатнинг бу қонунини юқорида ҳам зикр этиб ўтгандик.

Клюбен ҳам ана шу денгиз қисқичбақаларига ем бўлганди.

Саккизоёқ унга чирмашиб олган, унинг қонини сўриб, жасадини ташлаб кетган, қисқичбақалар эса унинг этини еб битирганди. Тўлқин унинг скелетини сув ости горининг энг бошига — Жильят уни топган жойга тасодифан оқизиб кирган.

Жильят у ердан чиқиб бораркан, қояларни пайпаслаб денгиз типратикани ва чиганоқларни изларди, қисқичбақалардан энди жирканарди у.

У йўлга чиқишдан аввал қорнини яхшилаб тўйғазиб олмоқчи эди. Энди уни бу ерда ҳеч нима ушлаб туролмайди. Кучли бўронлардан сўнг ҳаммиша осойишталик бўлади, ҳаво очилиб кетади, баъзан бу ҳол бир неча кунгача давом этади. Денгиздан мутлақо хавотирланмасам ҳам бўлади, энди ҳеч қандай хатар йўқ. Жильят эртагаёқ йўлга тушишга аҳд қилди. Ҳозир сув кўтарила бошлаган, Дувр қоялари орасидаги тўсиқларни олиб ташламаслиги, улар кечаси билан туриши лозим; Жильят тўсиқларни тонг саҳарда олиб ташлаб, қайиғини Дувр қоялари оралиғидан денгизга олиб чиқиб, елканларни кўтариб Сен-Сансонга жўнайман, деган қарорга келиб қўйди. Жануби-шарқдан эсаётган енгил шабада унга кўмакдош бўлади.

Май ойининг биринчи ҳафтаси, кунлар хийла узайиб қолган.

Жильят қояма-қоя санғиб, бир амаллаб қорнини тўй-ғазиб, Дувр қоялари орасида турган қайиғи ёнига етиб келганида қуёш ботиб, оқшомги ғира-ширалик узра ўроқ-симон янги ой хирагина нур тарата бошлаганди. Сув кўтарилиши ўзининг сўнгги нуқтасига етиб, энди қайт-моқда эди. Қайиқ устида кўкка томон бўй чўзиб турган пароход машинаси мўрисини қоплаб олган туз қат-лами ой нурида йилтирарди, бу туз бўрон вақтида мўрига сачраган денгиз сувидан ўтириб қолган.

Бу Жильятга пўртана вақтида қайиқда ёмғир ва денгиз суви тўпланиб қолганини эслатди. Башарти у эртага йўлга чиқса, қайиқда йиғилиб қолган сувни сепиб ташлаши керак эди.

У денгиз қисқичбақалари овлагани кетаётиб қайиқда олти дюймча сув тўпланиб қолганини пайқаганди. У бу сувни эшкак ёрдамида бемалол сепиб ташласа бўларди.

Жильят қайиққа чиқаркан капалаги учиб орқасига тисарилди. Қайиқдаги сув икки фут чамаси юқори кўтарилиб қолган эди. Бу ҳол фалокатдан дарак берарди: қайиқ тешилиб, ичига сув ўтмоқда эди.

Сув қайиққа аста-секин тўлиб бораётган экан. Кема машинаси, бунинг устига, йигирма дюйм қалинликдаги сув қайиққа оғирлик қиларди. Яна озгина сув қўшилса қайиқ чўкиб кетади. Жильят бирор соатга кечикиб келса, қайиқ мачтаси билан машина мўрисининг сувдан чиқиб турган учинигина кўрган бўларди.

Ўйга берилиб, бирон дақиқани ҳам қўлдан бериш мумкин эмасди. Жильят сув кираётган ёриқни қидирди, олдин уни топиб бекитса, кейин қайиқни сувдан бўшатиши ёки, ҳеч бўлмаганда, юкини енгиллатиши мумкин. Дюрандининг насослари ҳалокат вақтида йўқолган, Жильятнинг қўлида чўмичдан бошқа ҳеч нима йўқ эди.

Даставвал сув кираётган жойни топиш керак, асосий гап шунда.

Жильят ҳаяжонидан дир-дир қалтираб, ҳатто уст-бошини ҳам киймай, зудлик билан ишга тушиб кетди. У на қорни очлигини, на совуқни ҳис этарди.

Қайиқдаги сув кўпаймоқда. Бахтига, тиқ этган шабада ҳам йўқ. Агар сал шамол туриб, денгиз қилт этиб мавжланса, қайиқни ғарқ қилиши мумкин эди.

Мана ой ҳам булутлар остига яширинди.

Жильят букчайиб олганича алламаҳалгача қайиқнинг лат еган ерини пайпаслаб қидирди; сув унинг кўк-

рагига тегиб турарди. Ниҳоят у қайиқнинг тешилган жойини топди.

Пўртана вақтида, қайиқ чайқалиб турган ўша хатарли дамларда унинг таг тўсинининг қуйруқ қисми сув тубига тегиб қолиб, қояга зарб билан урилганди. Шунда Кичик Дуврнинг туртиб чиққан қирраларидан бири қайиқнинг ўнг биқинини тешиб юборган экан.

Бахтга қарши, бу тешик, худди хоинона қилинганга ўхшаб, қайиққа кўндаланг ташланган қовурғасимон икки тўсиннинг туташган еридан очилган бўлиб, бу ҳол кучли довулдан гангиб қолган Жильят қоронғида қайиққа енгил-елпи кўз югуртиб чиққанида юз берган фалокатни пайқай олишига халал берган экан.

Тешикнинг ҳажми хатарли, гарчи у ҳозир қайиқдаги сув сатҳидан пастда бўлса ҳам, аслида қайиқнинг сувга ботиш чизигидан баландроқда эди, бу эса Жильятга умид бахш этарди.

Қайиқ қояга урилиб, биқини тешилган дамда ғазабга минган тўлқинлар қутуриб дарадаги бўғозга отилиб кирар, қайиқ эса бетиним чайқалиб дам баланд кўтарилар, дам пастга тушар, бунинг натижасида тешикдан унга кўпроқ сув кирарди. Қайиқнинг юки оғирлашиб, сувга бир неча дюйм чўкканди, тўлқинлар тиниб, денгиз тинчиганида ҳам қайиқ биқинидаги тешик сув сатҳидан анча пастда эди. Бу катта хавф туғдирарди. Қайиқдаги сувнинг қалинлиги олти дюймдан йигирма дюймга бориб қолганди. Тешик бекитилса, қайиқдаги сувни бир амаллаб камайтирса бўлади. Юки енгиллашган қайиқ унда баландроқ кўтарилиб, тешик ҳам сувдан юқорига чиқиб қолади, шунда тешикни маҳкамроқ қилиб ямаб-ясқаш осонлашади, ҳеч бўлмаганда уни тузукроқ беркитишга имконият туғилади. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Жильятнинг дурадгорлик асбоблари деярли бус-бутун эди.

Аммо бу ишларни амалга оширгунча озмунча хавф хатар борми! Унгача қанчадан-қанча мудҳиш тасодифлар содир бўлиши мумкин. Жильят сувнинг қайиқ биқинига муттасил шалоплаб урилиб, тешикдан шувиллаб кираётганини сезиб турарди. Денгиз салгина чайқалгудек бўлса, озгина туртки билан қайиқ ғарқ бўлади. Қандай бахтсизлик бу! Пайт ўтган бўлса-я? Наҳотки у хатосини шунча кеч пайқади?

Жильят ўзини сўкар, ўзига-ўзи дашном берарди. У

қайиқнинг жароҳатланганини ўз вақтида пайқашни лозим эди. Қайиқда тўпланиб қолган олти дюйм сув уни хатардан огоҳлантириши керак эди. Бу олти дюйм сувни ёмғирдан йиғилган, денгиздан сацраган сув деб ўйлаганди, бу қандай аҳмоқлик, телбалик-ку бу! У ухлагани, овқатлангани, чарчаб-ҳориб тинка-мадори қуригани учун ўзини-ўзи койирди; ҳатто у тун кириб, бўрон турганига ўзини айбдор дейишга ҳам тайёр эди. Гуё ҳаммаси унинг айби билан бўлгандек эди.

У ўзини-ўзи ачитиб-ачитиб койиркан, қўли ишдан тўхтамас, хаёлида эса бундан буён нима қилиш лозимлигини ўйларди.

Қайиқнинг тешилган ери топилди — бу дастлабки ға-лаба; уни беркитиш эса иккинчиси. Ҳозирча бундан ор-тиқча иш қилишга имкон йўқ. Сув остига кириб дурад-горлик қилиб бўлмайди.

Яхшиямки қайиқнинг биқини машина-мўриси маҳкам-лаб тортиб қўйилган икки занжирнинг қоқ ўртасидан тешилибди. Пластир¹нинг бир чеккасини шу занжирлар-га боғлаб қўйса бўлади.

Қайиқдаги сув ҳамон кўтарилмоқда. Унинг қалинли-ги икки футдан ошиб кетди. Сув Жильятнинг тиззаси-дан ҳам баландроққа кўтарилган эди.

VI

ТУБСИЗЛИКДАН ТУБСИЗЛИККА

Қайиқдаги буюмлар орасида тўрт бурчагига тўртта узун-узун тизимча боғланган қорамойга беланган кат-тагина брезент чодир бор экан. Жильят бу брезентни олиб, унинг икки учидаги иккита тизимчани мўри тор-тиб боғлаб қўйилган тешик томондаги занжирларга чир-маб боғлади-да, уни қайиқ ёнбошидан ошириб сувга ташлади. Брезент Кичик Дувр билан қайиқ ўртасига дастурхондек ёйилиб тушди-да, тўлқинлар қўйнида ғарқ бўлди. Бостириб келаётган тўлқинлар уни суриб келиб қайиқнинг тешилган биқинига тақади. Сув қаттиқроқ сиққан сари брезент қайиққа тобора маҳкамроқ жипсла-шарди.

¹ Пластирь — нема устига вақтинча ёпиштириладиган ямоқ.

Тўлқинларнинг ўзи уни қайиқ тешигига қопқоқ қилди-қўйди. Шундай қилиб, қайиқнинг яраси боғланди.

Бу қорамой суртилган чодир ҳамла қилиб келаётган тўлқинларнинг йўлини тўсиб қўйди. Қайиққа энди бир томчи ҳам сув киролмасди.

Тешик бекитилишга бекитилди-ю, лекин маҳкамлаб ямалганича йўқ. Бу вақтинчалик чора эди.

Жильят қўлига чўмич олиб, қайиқдаги сувни денгизга сепа бошлади. Қайиқнинг юкини аллақачон енгиллатиши керак эди. У тинмай ишларкан бадани сал қизишди, бироқ ҳолдан тойганди. Ишни охиригача етказолмаслигига, қайиқдаги бари сувни сепиб ташлай олмаслигига кўзи етди. Жильят деярли ҳеч нима емай, бир қултум ҳам сув ичмай ишларкан, ўзининг аянч аҳволини ҳис этарди.

У ўз меҳнатининг зое кетмаётганини, иши қанчалик унаётганини тиззасидан ошиб кетган сув сатҳининг қанчалик пасайиб бораётганига қараб ўлчарди. Сув эса аста-секин озаймоқда.

Бундан ташқари, қайиққа сув кириши вақтинчалик тўхтатилганди. Вақтинча офатнинг олди олинган-у, аммо батамом даф қилнлмаган эди. Сув тобора сиқиб келаётган брезент тешикдан қайиқнинг ичига томон дўмбира бўлиб кириб, пуфакка ўхшаб шишиб чиқмоқда. Бу қатронланган пишиқ мато сув сиқувига қаршилиқ кўрсатяпти-ю, лекин борган сайин дўппайиб, таранглашиб боряпти; унинг дош беришига ишонч йўқ, бу пуфак ёрилиб кетиши мумкин, унда қайиққа яна сув киради.

Бундай пайтларда — фалокатга учраган кема ходимлари буни жуда яхши биладилар — бирдан-бир чора ёрилган ёхуд тешилган жойга латта-путталарни тикиб бекитишдир. Бундай ҳолларда қўлга тушган латта-путталарни, денгизчилар тили билан айтганда эса «эски-туски елкан лахтақларини» тешикка тикиштира, ногора бўлиб дўппайиб чиққан брезент орқасига сурилади.

Жильятда латта-путта йўқ эди. У ўз омборхонасида тўплаган арқон, каноп ва лахтак-лухтақларнинг барини ишлатиб бўлган, қолган-қутганини бўрон учуриб кетганди.

Шунда ҳам қоялар орасини излаб кўрса, унча-мунча қолган-қутганларини топса бўлади. Қайиқнинг юкини анчагина енгиллатиб қўйди, энди чорак соатча латта-путта излагани борса ҳам бўлади; аммо машъаласиз

қандай излайди? Атроф қоп-қоронғи зимистон бўлса. Ой ҳам ўз жамолини яширди, қоронғи кўкда хира милтираган юлдузлардан бўлак ҳеч нимани кўриб бўлмайди. Жильятнинг қўлида пилик қилиб ёққани на бир парча арқон, чироқ ёққани на бир томчи мой, на ўтин, на шиша фонари бор. Қайиқда ҳам, қоялар орасидаги дарада ҳам ҳеч нарсани кўриб бўлмайди. Жароҳатланган қайиқ атрофида чайқалиб турган сувнинг шалоплаши эшитилиб турарди-ю, қайиқнинг тешилган жойини кўриб бўлмасди; Жильят брезентнинг тобора таранглашиб бораётганини пайпаслаб биларди, холос. Бундай зулматда қояларда сочилиб ётган жонга оро кирувчи елкак лахтаклари ва парча-пурча арқонларни излаб топишнинг иложи йўқ. Ахир, кўрмаганингдан кейин, қандай қилиб топасан уни? Жильят ғам-ташвишга ботиб, қоронғиликка маъюсона тикиларди. Сон-саноқсиз юлдузлар ўрнига биргина шам бўлса-чи!

Қайиқдаги сув сал камайгач, сиртдаги сувнинг сиқуви кучайди. Брезентнинг қайиқ тешигидан ичкарига туртиб чиққан ери пишиб ёрилиб кетай деб турган чипқондек тобора қаппая борди. Бир озгина давом этган яхши аҳвол яна хатарли тус олди. Қайиқнинг тешилган жойини тезда бекитиш зарур эди. Жильятнинг эса устибошидан бўлак нарсаси қолмаган эди. Китобхоннинг ёдида бўлса керак, у кийим-бошини қуритиш учун қояларга ёйиб қўйган эди.

Жильят кийимларини йиғиб келиб, қайиққа ташлади. У қорамойга беланган плашини қўлига олди-да, тиззасигача сувга тушиб, шишиб чиққан брезентни итариб қайиқ тешигига тика бошлади, у бу ҳаракати билан брезентни шиширган сувни ҳам сиқиб чиқарди. Плашдан кейин пўстакни, ундан кейин тўр кўйлагини, кўйлагидан сўнг эса камзулини қайиқ тешигига тикди. Буларнинг ҳаммаси қайиқнинг жароҳатига кетди.

Жильятнинг эғнида эса биргина матросча чолвори қолганди, холос, у ана шу чолворини ҳам ечиб, қайиқнинг тешилган ерига тикди; хуллас, тешилган ер озгина бўлса ҳам мустаҳкам бўлди, энди хотиржам бўлса бўлади.

Қайиқнинг тешилган ерига тикилган нарсалар брезентни туртиб турарди. Сув қайиққа кирмоқчи бўлиб қутуриб ҳамла қилар, бу билан эса тешикка тикилган нарсаларни янада мустаҳкамлар, жароҳатга боғланган

бштнн янада маҳкамроқ ўрнашиб қолишига кўмак-лашарди.

Жильят қайиқ ичкарисига дўмбира бўлиб туртиб чиққан брезентнинг ўрта қисминигина пучайтирган эди, холос. Жароҳатнинг қийшиқ-қинғир теварагини эса брезент тўсиб турарди. Хулласи калом, қайиқнинг тешилган ери бекитилди. Аммо бу ишлар омонатгина қилинди. Қайиқнинг брезент тақалиб турган қирра учли ерлари уни тешиб юбориши ва қайиққа яна сув кириб кетиши ҳеч гап эмасди. Қоп-қоронғи зимистонликда Жильят уни сезмай қолиши мумкин. Бу ямоқ тонг отгунча бардош бериши ҳам амримаҳол. Жильятни ҳозир бошқа нарса — тобора тинкаси қуриб бораётгани безовта қиларди.

Жильят яна қайиқдаги сувни сепа бошлади, аммо унинг бемажол қўллари чўмични аранг тутиб турарди. Жильят яланғоч, совуқдан қалтирарди. У нариги дунёга равона бўлиш хавфини сезиб турарди.

Тўсатдан унинг мясида хирагина умидбахш хаёл йилт этиб ўтди. Эҳтимол, денгизда биронта кема учраб қолар? Тасодифан Дувр қоялари томон сузиб келиб қолган бирорта балиқчи унинг жонига ора кирар, уни қутқарар. Энди шундай дақиқа етгандики, бу ердан соғ-саломат қутулиб чиқиш учун биронта кўмакдош зарур эди. Ёнида бирорта одам, қўлида фонари бўлса яхши бўларди, қайиқ ҳам, ундаги юк ҳам шубҳасиз сақланиб қоларди. Икки киши бўлганда, қайиқдаги сувни сепиб ташлаш ҳам осон бўларди; юки енгиллашган қайиқ эса ўзининг одатдаги сувга ботиш чизигига кўтарилиб, тешилган жойи сув юзасига тезроқ чиқиб қолар, уни ямаш осон бўларди; ана шунда қайиқ тешигини ҳозирча бекитиб турган брезент ва латта-путтани олиб ташлаб, уни Дюрандининг қоплама тахтаси билан алмаштириб, вақтинчалик ямоқ доимийсига алмаштириларди. Акс ҳолда, тун бўйи, тонггача кутишга тўғри келади. Ишни кетга суриш, кечикиш хатарли, ҳалокатга олиб бориши мумкин. Жильят безовталаниб қолди. Мабодо, бирорта кеманинг милтиллаган чироғи кўзга чалиниб қолса, Жильят Катта Дувр чўққисидан кемадагиларга сигнал бериб, уларни ёрдамга чақирган бўларди. Ҳаво очиқ, шамол йўқ, денгиз мудрамоқда; беҳисоб юлдузлар чарақлаб турган тиниқ осмон қўйнида қўл силкиётган одамнинг ҳаракатларини олис-олислардан бемалол пайқаса бўларди. Кема тунда Дувр қоялари

яқинидан сузиб бораётганда капитал ҳам, дорға ҳам зийраклик билан қояларни кузатиб туради.

Жильят мени кўриб қолишар деган умидда эди.

У кема харобасига чиқди-да, арқонга тармашиб Катта Дувр тепасига кўтарилди.

Уфқда бирор елқандан ном-нишона кўринмасди. Милт этган сигнал чироқларидан асар йўқ. Теварак-атроф кўз илғамас сув саҳроси.

Ҳеч қандай нажот йўқ, бу олишувда голиб чиқиш учун умид ҳам қолмади. Жильят ўзини қўлидан ҳеч иш келмайдиган, қаноти қайрилган қушдек ожиз ҳис эта бошлади, у ўзини ҳеч қачон бу ҳолатда кўрмаганди.

Ҳозир унинг қисмати машъум тақдир ихтиёрида. Кўп ўтмай Жильятнинг шунча тер тўкиб заҳмат чеккани, қўлга киритган муваффақиятлари, кўрсатган қаҳрамонлиги — ҳамма-ҳаммаси йўққа чиқади, унинг ўзи ҳам, қайиғи ҳам, Диоранданинг машинаси ҳам денгиз қаърига фарқ бўлади. Курашни давом эттириш учун энди ҳеч илож қолмаганди; қўллари ҳам ишга бормай қолди. Сув кўтарилишига қандай тўсқинлик қила олади, тунни тугатиш унинг қўлидан келадими? Бирдан-бир нажот қайиқнинг тешилган ерини мустаҳкам бекитишда эди. Бу ишни бажараман деб Жильятнинг тинка-мадори қуриди, ҳолдан кетди, қолган-қутган усти-бошидан ҳам айрилиб, қип-яланғоч бўлиб қолди; энди у бу ямоқни на тирноқча мустаҳкамлай олади, на тузата олади; ҳаммаси қандай бўлса, шундайлигича қолаверади; бахтга қарши, унинг барча уринишлари интиҳосига етганди. Энди денгиз қайиқнинг жароҳатига пала-партиш қилиб солинган ямоқни истаган кўйига сола олади. Бу ямоқ тўлқин ҳамлаларига қанчалик бардош бера оларкин? Бундан буён Жильят эмас, курашни ана шу ямоқ давом эттиради. Ҳамма нарса шу латта-путталарга боғлиқ, энди ақл-идрок ожизлик қилади. Тўлқин кўтарилса тамом, қайиқнинг жароҳати қайтадан очилади. Ҳамма иш тўлқин зарбининг кучли ёки кучсиз бўлишига боғлиқ эди.

Энди ҳамма ишни икки ўжар кучнинг олишуви ҳал этади. Шу ондан бошлаб Жильят на ўз иттифоқдошига кўмаклаша олади, на душманига қаршилиқ кўрсатади. У ўз тақдири, ўз ҳаётининг, аниқроғи ўз ўлимининг шоҳиди, кузатувчисигина бўлиб қолади. Келажак фалокатларни олддан кўра биладиганлар тимсоли бўлган Жильятнинг ўткир зеҳни энг даҳшатли дамлар етганда

ўтмаслашган, карахт бўлиб қолганди. Жильятнинг бошидан кечган ваҳимали дамлар, ҳамма кўргиликлар бунинг олдида ҳеч гап эмасди.

Дувр қоялари томон сузиб келаркан, у ўзининг қуршовда қолганини, қуршов исканжаси тобора грибонидан олиб, қисиб келаётганини кўрганди. Атрофини ўраб олган денгиз саҳролари уни қуршабгина қолмай, унга ҳамла қила бошлади. Унинг устига минг бир бало бара-варига бостириб келмоқда эди. Бир ёқда шамол тишини қайраб, пайт пойларди; иккинчи ёқда бепоён денгиз уни ўз домига тортишга ҳозир турарди; бир ёнда шамол наъра тортар, унини ўчириб бўлмасди; бошқа томонда баҳайбат денгиз ютмоқчи бўлар — унинг тишларини эса суғуриб ташлаб бўлмасди. Шунга қарамай Жильят бу ёвуз кучлар билан жанг қилди; инсон океан билан як-кама-якка олишди; бўронлар билан ёқалашди.

Жильят кўнглида кўзғалган ҳар қандай хавотирланиш, ваҳималарни итқитиб ташлади, четдан қилинган ҳамлаларни ҳам қайтарди, тўсиқларни янчиб ўтди. У ўз бошига ёққан офату маломат тошларини улоқтириб ташлади, уларга қаршилиқ кўрсатди. У асбобсиз-несиз ускуналар қурди, ёрдамчисиз оғир юкларни ташмалади, илмсиз хулосалар чиқарди, масалалар ечди, бир тиш-лам нони ва бир қултум суви бўлмаган ҳолда овқатланди, ташналигини қондирди, ўрин-тўшаксиз ухлади, бошпанасиз истиқомат қилди.

Ана шу даҳшатли қоялар орасида, ана шу фожиали ғурбатхонада истаганида оналардек суюб эркалайдиган, истаганида жаллод либосини киядиган табиатнинг қутурган бу ялоқхўрлари Жильятга навбат-банавбат азоб берди, қийнади, изтиробга солди.

Жильят ёлғизлик, очлик, ташналик балосини, бетоблик, ҳолсизлик, чарчоқ ва уйқуни енгди, бу офатлардан устун келди. Бир-бировига уланган фалокатлар унинг йўлини тўса бошлади. Муҳтожлик балосига табиий офатлар уланди; сув кўтарилишидан қутулиб довулга йўлиқди; довулдан қутулиб саккизоёққа тутилди; бу жирканч махлуқдан қутулиб эса скелетга рўпара бўлди.

Табиат, қора кучлар ундан кулди, уни масхара қилди. Жильят сув ости ғоридан ғолиб сифатида чиқиб кетмоқчи бўлиб турганида, унга Клюбеннинг тиржайгани яна бир ёвуз кучнинг ундан кулаётганидай бўлиб туюлди.

Жильят ўзининг ўлимга маҳкум этилганини тушунди, Клюбен тимсолида ўз ўлимини кўрди.

Совуқ, очлик, дармонсизлик, ҳалокатга учраган кема-ни қисмларга ажратиш, унинг машинасини қайиққа тушириш, кеча-кундуз тенглиги палласидаги кучли бўронлар, шамол, момақалдироқ, саккизоёқ — буларнинг ҳаммаси қайиқнинг жароҳати олдида ҳеч гап эмасди. Юқорида айтиб ўтилган офатларнинг ҳар биридан ўзини ҳимоя қилиши керак эди, Жильят ана шундай қилди ҳам: совуқдан сақланиш учун ўт ёқди, очликдан сақланиш учун қоялардаги чиғаноқларни териб еди, ташналикни ёмғир суви билан босди, кема машинасини қутқаришдаги қийинчиликларни моҳирлик ва матонат билан енгди, сув тошқини ва бўрон йўлини тўлқинтўсар тўғонлар билан тўсди, саккизоёққа қарши пичоқ ишлатди. Ҳаммасига чора топди-ю, қайиққа кираётган сувга қолганда иложсиз қолди.

Бу ёвуз довулнинг даҳшатли хайрлашув саломи эди. Бу мағлубнинг сўнгги олишувда ғолибга зимдан тайёрлаган хоинона тухфаси эди. Жанг майдонидан қочиб бораётган бўрон жон талвасасида охирги ўқини узганди. Чекиниб бораркан, у душманига ўгирилиб, уни ўққа тутганди. Бу денгиз қаърининг пинҳоний зарбаси эди.

Иноон бўронни енгди; аммо у манави қайиққа сизиб кираётган сувга қарши энди қандай курашсин?

Башарти, тешикка тиқиб қўйилган латта-путталар чиқиб кетиб, қайиқнинг тешиги яна очилса, ҳеч нима жонга ора киролмайди, ёрдам беролмайди: қайиқ фарқ бўлади. Қон сизиб турган жароҳатнинг кўзи яна очилиб қолади. Борди-ю, қайиқ сув тубига чўкиб кетгудек бўлса, уни кема машинасидек оғир юк билан сув остидан асло тортиб чиқариб бўлмайди. Икки ойдан бери чекилган заҳмат зое кетади. Ишни қайтадан бошлаш бефойда, бундан наф чиқмайди. Энди Жильятнинг на темирчилик устахонаси ва на уни қуриш учун ускунаси бор. Эҳтимол эртага саҳарда у ўз меҳнатининг мевалари аста-секин, бир умрга денгиз қаърига фарқ бўлаётганининг шоҳиди бўлар.

Жаҳаннам ёқасида турганини ҳис этиш қандай даҳшат!

Тубсиз денгиз уни ўз қаърига чорларди.

Денгиз қайиғини ютиб юборади, унинг қаршисида эса бир йўл қолади — кема ҳалокати вақтида «Одам» қоя-

сига чиқиб, очлик ва совуқдан ҳалок бўлган киши каби ҳаётдан кўз юмишга тўғри келади.

Нариги дунёдан келган, ана шу қояларда сайр қилиб юрадиган руҳ ҳамда фариштаю малоикалар икки ой мобайнида бу даргоҳда икки душман лашкари қароргоҳини кузатдилар: бир тарафда — бепоен бўшлиқ, тўлқинлар, бўронлар, момақалди роқ саф тортган бўлса, иккинчи тарафда — ёлғиз инсон кўкрак кериб курашди; бир томоннинг ҳукмида денгиз бўлса, иккинчисида ботир қалб бор эди; бири чексизликдан иборат бўлса, бошқаси атомлардан ташкил топганди.

Ана шу икки куч орасида зўр жанг бўлди.

Эҳтимол бу ажойиб ғалабанинг оқибати беҳуда, фойдасиз бўлиб чиқар.

Қулоқ эшитмаган бу қаҳрамонлик оқибати ожизликка айланди, даҳшатли жанг умидсизлик, ночорлик билан тугади.

Гангиб қолган Жильят йэтироб билан олисларга боқарди. Эгнида ҳатто усти-боши ҳам йўқ, чексизлик қаршисида яланғоч турарди у.

Мана, кўзга кўринмас ҳайбатли қора кучлар зарбига учраган дилхаста Жильят бу ёвуз кучлар ўзидан ни ма истаётганларига ақли етмай, шафқатсиз зулмат қаршисида, океан, тўлқинлар шовқини остида, қутурган довул, пўртана, қалин туман пардаси қуршовида, чега-расиз, бебошвоқ кучлар таҳқири остида, самовий мавжудотлар — сирли ёритгичлар, руҳлар ва фаришталар олами шоҳидлигида, тепасида сон-саноқсиз чароғон юлдузлар порлаб турган тубсиз осмон гумбази, тева-рак-атрофи ва остида чайқалиб турган бепоен океан гувоҳлигида стихия куч-қудратини бошқариб турган илоҳий ирода қаршисида курашдан бош тортди, юлдузларга тикилганича қояга чалқанчасига ётиб олди, мағлуб бўлган Жильят қўлларини бераҳм жўкка, чексизликка томон чўзиб: «Шафқат қил!» — дея қичқирди.

Чексизлик ерга улоқтириб, чил-парчин қилиб ташлаган Жильят ўз фолибига қўл чўзиб илтижо қилар, ундан шафқат тиларди.

Яшин ургандай ҳолдан тойган, цирк майдонида олишадиган гладиатордай қип-яланғоч Жильят бу мудҳиш қояда, қоп-қоронғи тунда, денгизнинг қоқ киндигида ёлғиз эди; аммо цирк майдони ўрнига унинг атрофини тубсиз бўшлиқ, бепоен денгиз ўраб олган, у билан оли-

шадиган йиртқич ҳайвонлар ўрнида зулмат, томоша-бинларнинг чақнаб турган кўзлари ўрнида — ғойибий қора кучларнинг чақчайган кўзлари — юлдузлар мил-тилларди, бу олишувнинг Цезари эса — тангрининг ўзи эди.

Жильят ўзини бутун аъзойи бадани совуқда, умид-сизлик, илтижо ўтида эриб, зулмат пардасига қўшилиб кетаётгандай ҳис эта бошлади, кўзлари аста юмилди.

VII

ҒОИИБИЙ КУЧЛАР ҲАМ ЭШИТАДИ

Орадан бир неча соат ўтди.

Чарақлаб офтоб чиқди. Унинг илк нурлари Катта Дувр чўққисидан қимир этмай чўзилиб ётган одам танасини сийпаб ўтди. Бу одам Жильят эди.

У ҳамон қоя чўққисидан ётарди. Совқотиб карахт бўлиб қолган яланғоч бадани ақалли жимир этмасди. Қаттиқ қисилган қовоқлари мурданикидек оқариб кетганди. Бу одамнинг тирик ёки мурда эканини аниқ айтиш амримаҳол эди. Қуёш уни синчиклаб кўздан кечираётганга ўхшарди:

Эҳтимол бу яланғоч одам ҳали тирикдир-у, аммо Азроил унинг ёнгинасида турибди, салгина совуқ шамол турса бас, унинг ҳаёт ипларини узиб юборади.

Мана, шамол ҳам эса бошлади, лекин бу илиқ, ҳаётбахш шамол эди; бу майнинг, кўркам баҳорнинг жонга оро берувчи майин нафаси эди.

Қуёш тип-тиниқ мовий осмон бўйлаб аста-секин юқориламоқда; унинг қиялаб тушиб турган нурлари дурри жавоҳирдек товланар; тобора илиб борарди. Ана шу илиқ нурлар Жильятнинг баданини илтиб, унга жон ато қилди.

Жильят ҳамон қимир этмасди. У сезилар-сезилмас нафас олар, унинг нафасига кўзгу тутилса аранг, билинар-билинмас даражада хираланган бўларди.

Қуёш тобора баландлар, унинг нурлари борган сайин Жильятга тикка қадаларди. Дастлаб плиққина бўлган майин шамол энди жазирама иссиқ уфура бошлади.

Музлаб карахт бўлиб қолган яланғоч гавда ҳануз қимир этмас, лекин терисига сал ранг кирганди.

Тиккага келиб қолган қуёш Дувр қояси тепасига энди тигдек нур соча бошлади. Қайноқ нурлар теваарак-атрофни қамраб олди, қучоқ-қучоқ нурлар тўлқинлар билан ўйнашиб, денгизнинг ойнадек сатҳи турли-туман ёғду таратиб жилоланарди; қоя офтоб эмиб қизиди, у чўзилиб ётган одам баданини ҳам илитди.

Жильят чуқур нафас олди. У тирик эди.

Қуёш уни қайноқ оғушига олиб, суйиб-эркаларди. Жанубдан эсаётган ёз шамоли Жильятга илиқ ҳаво уфурарди.

Жильятга жон кирди, у қимирлаб қўйди.

Денгиз ғоят осойишта эди. У ўз қўзичоғини аллалаётган меҳрибон онага ўхшарди. Тўлқинлар гўё қояларни тебратарди.

Жильятни таниб қолган денгиз қушлари унинг тепасида безовталаниб чарх урарди. Уларнинг безовталигида илгаригидек одамдан чўчишдан асар ҳам сезилмасди. Қушлар чарх уриб айланарканлар, уларнинг бу биродарона безовталанишлари киши кўнглини ийдириб юборарди. Улар оҳиста чағиллашишарди. Қушлар Жильятни уйғотмоқчи бўлиб, уни чақираётганга ўхшардилар. Битта чайка, афтидан Жильятга оқуда ўрганиб қолган бўлса керак, ўргатилгандек унинг ёнига қўнди. У худди Жильятнинг қулоғига алланарсалар деб шивирлаётгандек эди. Лекин Жильятнинг қулоғига, чамаси, ҳеч нарса кирмасди. Қуш унинг елкасига сакраб чиқди-да, лабидан оҳиста чўқилади.

Жильят кўзини очди. Бундан мамнун бўлган, айна вақтда чўчиб кетган қушлар гур этиб ҳавога кўтарилдилар.

Жильят дик этиб ўрнидан туриб, уйқудан уйғонган шердек жеришди-да, қоя устидаги майдонча қирғоғига югуриб бориб, пастга, Дувр қоялари ўртасидаги дарага қаради.

Қайиқ жойида турибди, унга ҳеч қандай зиён-заҳмат етмабди. Унинг жароҳатини беркитиб турган ямоқ бардош берибди: демак, денгиз Жильятни хароб этмай, унга шафқат қилибди.

Меҳнатлари зое кетмабди, ҳамма нарса омон қолибди.

Жильят ҳеч қандай чарчоқни сезмасди. У ўзини яна куч-қувватга тўлгандай ҳис эта бошлади. Алламаҳалга чўзилган бу ҳушсизлик қаттиқ уйқу экан.

Жильят қайиқдаги сувни сепиб ташлади, юки енгиллашган қайиқ моқори кўтарилиб, пастдаги тешик сувдан баландга чиқиб қолди; сўнгра уст-бошини кийди, қорнини тўйғазиб, ташналигини қондиргач, ўзини бардам сеза бошлади.

Жильят ёруғда қайиқнинг тешилган ерини кўздан кечирди, қараса, уни бекитиш у ўйлаганидан кўра кўпроқ меҳнат талаб қиларкан. Қайиқ тузуккина жароҳатланган экан. Жильят уни деярли кун бўйи тузатди.

Жильят каллаи саҳарлаб дарадан чиқиб кетаверишдаги тўсиқни бузиб, йўлни бўшатди. Ғарибона жулдур кийим кийган, қутурган тўлқинларни енгган, Клюбенинг етмиш беш минг франк пул жойланган камарини белига маҳкам тақиб олган, жароҳати тузатилган қайиқдаги қутқарилган машина ёнида қаддини ғолибона тутиб турган Жильят орқадан эсаётган шамол ёрдамида Дувр қояларини ортда қолдириб, беҳад гўзал, осойишта денгиз бўйлаб суза жетди.

У Гернсей томон йўл олди.

Шу дамда қояларда бирон кимса бўлганида, кимсиз қоялардан узоқлашиб бораётган Жильятнинг «Ёқимтой Данди» ашуласини хиргойи қилаётганини эшитган бўларди.



УЧИНИЧИ
ҚИСМ
ДЕРЮШЕТТА

Биринчи китоб

Т У Н В А О И

I

ПОРТДАГИ ЖОМ

Эндликда Сен-Сансон деярли катта шаҳар; бундан қирқ йилча муқаддам эса оддий бир қишлоқдай эди.

Баҳор яқинлашиб, узоқ қиш кечалари кундан-кунга қисқариб бораётган паллада, одамлар қош қорайди дегунча уйқуга кетардилар. Сен-Сансон — чироқни ўчириш учун жом чалиш одати ҳамон сақланиб қолган қадимий қавмлардан бири. Кўҳна норманд қишлоқлари қўнарғани эслатади. Бу ернинг аҳолиси қуёш билан бирга ёстиққа бош қўяди, бирга уйғонади.

Бунинг устига, бир неча бадавлат шаҳарликларни ҳисобламаганда, Сен-Сансон аҳолисининг кўпчилиги тошкесар ва дурадгорлардир. Сен-Сансон портида кемаларни тузатишади; бу ерда кун бўйи тош кесишади ёки ёғоч йўнишади, бир ёқда болгаю чўкичлар тарақа-туруқласа, иккинчи ёқда болталар тарақлайди. Эман ёғочлари ва гранитга бетиним ишлов берилади. Кечга бориб ҳолдан тойган одамлар ўзларини таппа ташлайдилар-у, уйқуга кетадилар. Оғир меҳнатдан кейинги уйқу қаттиқ бўлади.

Бир куни оқшомда, майнинг бошлари эди, кечки салқин қўйнига чўмган боғда ёлғиз ўзи сайр қилиб юрган Дерюшеттанинг одим шарпаларига қулоқ солиб турган месс Летъери дарахтлар тепасида салобат билан сузиб бораётган ойга бир қараб қўйди-да, деразалари порт томонга қараб турган ўз хонасига кириб, ухлагани ётди. Дус билан Грас аллақачон ухлаб қолишганди. Уйда Дерюшеттадан бошқа ҳамма уйқуда эди. Ёлғиз бу ер-

дагиларгина эмас, бутун Сен-Сансон уйқуга кетганди. Ҳамма эшигу дарчалар беркитилган, кўчада зор кўринмайди. Аҳён-аҳёнда бир том остидаги деразачаларда пирпираб турган чироқлар оқсоч аёллар ҳам ётмоққа ҳозирланаётганидан дарак берарди. Сен-Брелад черкови сингари Жерсейда пештоқига 1111 рақамини, яъни бир минг бир юз ўн биринчи йил деб ёзилиш шарафига муяссар бўлган, чирмовгулларга бурканган қадимий романлар ибодатхонасининг жоми аллақачон соат тўққизга бонг урганди.

Месс Летъерининг Сен-Сансондаги шуҳрати муваффақият қозонишига, ишининг барол топишига ёрдам берарди. Унинг омади кетиб, иши орқага кетувдики, атрофидагилар ҳар томонга тўзиб, у яккаланиб қолди. Бахтсизлик — бу ярамас, юқумли касалдай бир нарса, бахтсиз, иши орқага кетган одамни вабо касалига мубтало бўлган дейиш мумкин, чунки уни тез орада яккалаб қўйишади. Узига тўқ, бадавлат кишиларнинг ўғиллари Дерюшеттадан четлаша бошладилар. Энди «Довюраклар қароргоҳи» шаҳар қаётидан шунчалик ажралиб қолгандики, бу хонадондагилар бутун Сен-Сансонни оёққа турғизган, ҳаяжонга солган муҳим воқеалардан ҳам беҳабар қолган эдилар. Қавм руҳонийси Эбенезер Кодре жаноблари энг бадавлат одам бўлиб қолган эди. Унинг муҳтарам амакиси, Сен-Асафнинг декани Лондонда вафот этганди. Бу хабарни бугун Сен-Пьер портига Англиядан келган «Кашмир» алоқа кемаси олиб келган эди; сафарга чиқишга тайёр турган бу кеманинг мачтаси кўзга ташланиб турибди. «Кашмир» эртага тўп-отар пайтида орқага, Саутгемптонга қайтиб кетиши керак. Айтишларига қараганда, кема муқаддас васиятноmani очиш расмий маросимида қатнашиши ва катта меросни қабул қилиб олиш ишлари билан боғлиқ бўлган ошиғич ҳамда муҳим масалаларни ҳал этиш учун Англияга шошилинч чақиртирилган руҳонийни олиб кетар экан. Кун бўйи Сен-Сансонда турли-туман мишмишлар тинмади: «Кашмир», муҳтарам Эбенезер жаноблари, унинг марҳум амакиси, меросхўрга қолган бойлик, ёш руҳонийнинг Англияга жўнаши, келажакда унинг мартабаси ошажаги ва ҳоказолар ҳамманинг тилида. Фақат «Довюраклар қароргоҳи»гина сув қуйгандай осойишта, чунки бу ердагиларнинг ҳеч гапдан хабари йўқ эди.

Месс Летъери кийимларини ҳам ечмай, осма каравотида чўзилиб ётар, Дюранда ҳалокатга учрагандан бери унинг бирдан-бир овунчоғи ана шу каравот бўлиб қолганди. Ҳар қандай махбус ўз аламинини авахта тўшагидади олади, унда узала тушиб ётади. Ана шунақа бандиларга ўхшаб месс Летъери ҳам ўз қайғу-ғамининг бандиси бўлиб қолганди. Месс Летъери осма каравотига чўзиларкан, бу билан у ором олар, нафасини ростлар, кўнглидаги чигили ёзилиб, ташвишли ўй-хаёллардан сал ҳэли бўларди. Шу ётишда ухлармиди у? Йўқ. Бўлмаса уйғоқ ётармиди? Асло бундай эмас. Сирасини айтганда, месс Летъери фалокат юз бергандан буёнги икки ярим ойни чалажон, ярим уйғоқ, ярим мудроқ ўтказди. У ҳамон ўзига келганича йўқ. Бошига оғир мусибат тушган одамларга аён бўлган кайфиятда эди у. Уйлаб ўйига етолмас, ухлаб ухлай олмас, ётиб дам ололмасди. У кундузлари уйқудан бош кўтаролмаётганга, тунда эса мижджа қоқолмаётганга ўхшарди. Кунларни тик оёқда, тунларни каравотда чўзилиб ўтказарди. Летъери каравотига чўзиларкан, бир оз енгил тортган, ғам-ташвишни унутгандек бўлар — буни ўзича уйқу деб биларди, у бутун вужуди билан хаёл дарёсига ғарқ бўлар, миясини аллақандай туман пардаси чулғаб олиб, ўй-хаёллари чувалашиб кетарди: гоҳ император Наполеон ўз мемуарларини ўқиб бераётгандай бўлар, гоҳ кўз ўнгида аллақанча Дерюшетталар пайдо бўлиб қолар, бир қараса ажойиб-ғаройиб қушлар шохдан-шохга сакрар, гоҳ Лонле-Сонъенинг кўчалари баҳайбат илонларга айланиб қоларди. Тушлари алағ-чалағ эди. Шундай қилиб, чол тунларни босинқираб, кундузларни мудраб ўтказарди.

Баъзан месс Летъери тушли овқатдан сўнг, юқорида айтиб ўтганимиз деразалари гаванга қараган ўз хонасидан чиқмасди; у тирсакларини дераза тоқчасига тираб бутун оламдан юз ўгириб, деразадан бир неча фут нарироқда уй деворига қоқилган, бир вақтлар Дюранда боғлаб қўйиладиган темир ҳалқага тикилганича бошини қўллари орасига олиб қимир этмай ўтирарди. У занглаб бораётган ҳалқадан кўз узмасди.

Месс Летъерининг ҳаёти маънисиз бўлиб қолганди.

Ўзига куч-қувват, руҳ бағишлаётган ғоясидан ажралган, тушкунликка учраган ҳар қандай довюрақ, мард кимсанинг қисмати шундай бўлади. Бу ҳеч қандай мақсадсиз, орзу-хаёлсиз кун кечириниш оқибати. Ҳаёт — бу

саёҳат, мақсад, ғоя эса бизни манзилга бошлаб борувчи йўлчи юлдуздир. Ана шу йўлчи юлдуз сўнса ҳамма ишимиз барбод бўлади. Мақсад йўқолгач, кучдан қоламиз, гангиймиз. Тақдиру қисматнинг куч-қудрати чексиздир. У қўлидаги асо билан ҳатто бизнинг ички дунёмизни остин-устин қилади. Умидсизлик киши қалбини вайрон қилади. Фақат буюк кишиларгина унга бардош беради, таслим бўлмайди. Шунда ҳам ҳамма вақт ундан устун келолмайди.

Башарти мулоҳаза юритмоқ аллақандай мавҳумотлар оламига фарқ бўлишдан, ҳалокатга юз тутишдан дарак беради деб қаралгудек бўлса, месс Летъери ҳам ана шундай мулоҳаза ҳамда фикрлар чодрига ўралашиб қолган эди. Баъзан у: «Биргина чора қолди, бу ҳам бўлса у дунёга равона бўлиш»,— деб қўярди ғамгин.

Месс Летъери денгиз каби ўжар, оғир характерли, ички дунёси қарама-қаршиликлардан иборат одамлар хилидан эди. У ҳеч қачон худога сиғинмасди.

Ожизликнинг ўз қудрати бор. Худога сиғиниш, илтижо қилиш инсоннинг табиатга нисбатан ожизлиги, тақдирига тан бериб, унинг қаршисида бўйин эгиш демакдир.

Инсон ўз қаршисидаги қўрқинч, ваҳимадан нажот тилайди, журъатсизлиги, қўрқоқлиги туфайли ундан мадад сўрайди; дил хасталик уни сажда қилишга ундайди.

Худога сиғиниш, ибодат қилиш — қалбга қувват бағишлайди, унда аллақандай қудрат бор. Сиғиниш зулматдан марҳамат тилашдир; сиғиниш сирли оламларга чорлайди, бу сирли оламда илоҳият намоён бўлади, у бетиним топинишларга чидаш беролмайди, ўз марҳаматини дариф туютолмайди.

Қалбда йилт этган умид учқуни — тасалли топмоқ демакдир.

Лекин Летъери ибодат қилмас, худога сажда этмасди.

Бахтиёр бўлган дамларида худо унинг қалбида яшарди десак ҳам бўлади; бунақа пайтларда Летъери унга илтижо қилар, унга чин сўз берар, ҳатто сал бўлмаса у билан қўл олишгудек бўларди. Аммо унинг бошига бахтсизлик тушганда — бундай ҳоллар кўп бўлади — худо Летъерининг қалбини тарк этди. Узи учун сахий чол қиёфасидаги марҳаматли, шафқатли тангрини ўйлаб топган ҳар қандай кимсанинг қисмати шундай бўлади.

Энди қалби вайрон бўлган Летьери фақат биргина нарсани: Дерюшеттанинг жилмайишинигина аниқ пайқай оларди. Бу жилмайишдан бошқа ҳеч нима кўзига кўринмас, бутун атрофни зулмат чулғаб олганга ўхшарди.

Дюранда қўлдан кетгандан буён Дерюшеттанинг чеҳрасидан аримайдиган жозибали табассум тобора камая борди. Дюранданинг ҳалокати унга ҳам ўз таъсирини кўрсатганди. Дерюшетта жуда ғамгин кўринадди. Унинг болаларча шўхлиги ва қушлардек ўйноқчилиги барҳам еганди. Энди у тонгдан дарак бериб тўп отилганда уйқудан бош кўтариб чиқиб келаётган қуёшни қутламас, таъзим қилиб: «Бум! Эсон-омон етиб келдингизми! Марҳабо», деб саломлашмасди. Баъзан у шундай жиддийлашиб қолардики, бу нозанинга қараб юрагингиз эзилиб кетарди. Дерюшетта месс Летьерига жилмайиб қарашга, уни юпатишга қанчалар уринмасин, танасига игна санчилган капалакнинг қанотлари қуриб, чиройи сўлиб борганидек, унинг ҳам қувноқлиги кундан-кунга йўқолиб, завқи пасая борди. Яна шуни ҳам айтиб ўтайлик, амакисининг қайғу ғами унга ҳам таъсир этди-ми, ёинки бошқа бирон сабабданми, ҳайтовур Дерюшетта жуда художўй бўлиб қолганга ўхшарди.

Илгарилари қавмга Жакмен Эрод жаноблари руҳонийлик қилган вақтда Дерюшетта черковга бир йилда тўрт мартадан ортиқ бормасди. Эндиликда эса у черковга серқатнов бўлиб қолди. У якшанба, пайшанба кунлари бўладиган ибодатларга мунтазам қатнардди. Художўй қавмдошлари қиздаги бу ўзгаришдан мамнун эдилар, ёш қизнинг шилқим, йўлдан оздирувчи эркаклардан ўзини олиб қочиб, худога юзланиши, унга топиниши катта бахт дейишарди.

Бундай пайтларда камбағал ота-оналар ўз қизларидан хавотирланмасдилар.

Агар ҳаво очиқ бўлса Дерюшетта ҳар куни «Довюрраклар қароргоҳи» боғида бир-икки соат сайр қиларди. Боғда у ҳамма вақт ёлғиз ўзи юраркан, унинг жуссасини худди месс Летьеридек ғам қамраб оларди. Дерюшетта ҳаммадан кейин ётарди. Бу Дус билан Граснинг унга кўз-қулоқ бўлиб туришларига ҳалал бермасди; уларда туғма оқсочлик сезгирлиги бор эди.

Дерюшеттанинг юриш-туришидаги бу ўзгаришларни ғамга ботган месс Летьери сезмас эди. У ҳатто Дерю-

шеттанинг черковга серқатнов бўлиб қолганини ҳам билмасди.

Летьерининг черков ва дин аҳллари ҳақида қандай фикрда эканлиги китобхонга маълум, қиздаги бу ўзгариш уни хурсанд қилмай, аксинча, ғазаблантирган бўларди.

Юқорида айтиб ўтганимиздек, баъзан энг матонагли, саботли кишилар ҳам тасодифий бахтсизликдан умидсизликка учрайди, уларнинг қалби ўғри урган уйдек ҳувиллаб қолади, аммо тамоман эмас. Летьерига ўхшаган иродали кишилар бир оз муддат ўтгач, яна ўзига желиб қоладилар. Умидсизликнинг ҳам ниҳояси, чўққиси бўлади. Бошига бахтсизлик, мусибат тошлари ёғилганларнинг қадди-бастини қайғу-надомат ҳам қилади; доимий ғусса умидсизлик ботқоғига ботиради, умидсизлик эса руҳий тушкунликка олиб боради. Руҳий тушкунлик эса ақлнинг хиралашиши демакдир. Бундай дамларда азобланиш, изтироб чекиш аллақандай юпатувчи бир ғамгинлик билан уйғунлашиб кетади.

Руҳий тушкунлик — бу қайғу чодрасига чулганган бахтиёрликдир.

Аммо бундай хислатлардан месс Летьери узоқ эди; Летьерининг ўзига хос табиати ҳамда унинг бошига тушган фалокат ҳиссиётнинг бунақа томонларининг устун желишига йўл бермасди. Шунга қарамай, суҳбатимиз яна месс Летьерига келиб тақаларкан, умидсизлик тузоғига илинган дастлабки дамлардаги эсанкираши анча тарқалганди; у ҳамон илгаригидек бўлса ҳам, бироқ сўнгги кунларда унчалик лоқайд эмасди; у ҳануз камгап эди-ю, аммо кўп ғамгин ҳам эмасди; у аста-секин илгариги ҳолатига қайтмоқда эди.

Кундуз кунлари у пастдаги залда ўтириб, уйдагиларнинг гапига қулоқ солар, маъносини унча англолмасида, гапларини эшитарди. Бир куни Грас Дерюшеттанинг олдига ҳовлиқиб келиб, тантанали оҳангда: «Месс Летьери қўлига газета олди», — деди.

Атрофдаги воқеликни бундай сал-пал идрок қилиш, аҳволни ғира-шира тушуна бошлаш яхшилиқдан далолат беради. Бу соғайиш нишонаси. Кишининг бошига тушган мудҳиш бахтсизлик уни кар ва гунг, миясини карахт қилиб қўяди. Бу ҳол эса одамни ҳалокатдан сақлаб қолади. Аммо бемордаги бундай яхшилиқка юзланиш дастлаб аҳволи ёмонлашаётганга ўхшаб кўринади.

Аввалда бутун борлиқни унутиб, карахт бўлиб қолиш унинг ғам-ташвишини камайтади; одамнинг кўз олдини туман қоплаб олгандек бўлади, у ҳеч нимани сезмай қолади; эндиликда эса унинг кўз олди ойдинлашади, ҳамма нарсани кўради, ҳеч нарса унинг эътиборидан қочиб қутулолмайди, бунинг натижасида эса изтироб чекади. Қалбидаги жароҳатнинг жўзи очилади. Арзимас икир-чикирлар ҳам бир дардига минг дард қўшади. Рўй берган фалокат унинг хотирида қайтадан тикланади. Бошига тушган фалокатнинг хотирида қайта тикланиши эса яна қайғуриш, ғам чекишга олиб келади. Беморнинг асл ҳолатига қайтишининг ана шундай аччиқ-аламли томонлари бор. Одам анча енгил тортганга ўхшайди, шу билан бирга аҳволи янада оғирлашгандек бўлади. Летъери шунақа ҳолатни бошидан кечирмоқда эди. У бошига тушган кулфат ва чеккан изтироблари ҳақида бош қотиради.

Кутилмаган бир воқеа уни ўзига келтирди, ҳаётга қайтарди.

Бунинг қанақанги воқеа эжанлигини бир бошдан ҳижоя қила қолайлик.

Бир куни тушдан кейин, 15 апрелдамиди, ё 20 апрелдамиди, «Довиорақлар қароргоҳи»нинг пастки қаватидаги залнинг эшигини биров икки марта тиқиллатди, одатда почтальон шундай тиқиллатарди. Дус эшикни очди. Ҳақиқатан ҳам хат олиб желишган экан.

Хат денгиздан месс Летъерининг номига келганди.

Почта муҳрида «Лиссабон» деган ёзув бор эди.

Дус хатни эшикни ичкаридан беркитиб, ўз хонасида ўтирган месс Летъерига олиб бориб берди. У хатни олиб, унга ҳатто кўз қирини ҳам ташламай, беихтиёр столга ташлаб қўйди.

Хат столда бир ҳафтача шу кўйи очилмай ётди.

Бир куни эрталаб Дус месс Летъеридан:

— Жаноб, хатнинг чангини қоқиб ташласам майлими?— деб сўраб қолди.

Летъери уйқудан уйғониб кетгандек сесканиб тушди.

— Майли, қоқиб ташлаш керак,— деди у.

Шундан сўнг хатни очиб, қуйидагиларни ўқиди:

«Очиқ денгиз, 10 март.»

Сен-Сансон, месс Летъерига.

Мен сизга маълум қилмоқчи бўлган хабар сизни беҳад хурсанд қилади деган умиддаман.

Мен «Тамолипас»да Борса-келмас томон сузиб бормоқдаман. Кема экипажи орасида гернсейлик Айе Тостевен деган матрос ҳам бор, у уйига қайтгач, сизга баъзи гапларни сўзлаб беради. Йўлда Лиссабонга кетаётган «Эрнан Кортес» кемасига дуч келиб қолдик; бу қулай фурсатдан фойдаланиб сизга шу хатни йўлладим.

Сиз бунга таажжубланарсиз. Мен софдил, ҳалол одамман.

Софдилликда сьер Клюбендан кам эмасман. Қандай воқеа содир бўлганини аллақачоноқ билиб олгансиз деб ўйлайман; аммо бу ҳақда менинг ўзим хабар қилсам зарари бўлмас.

Гап бундай.

Мен сизга пулингизни қайтариб бердим.

Мен сиздан одатга хилоф бир тарзда эллик минг франк қарз олган эдим. Сен-Малодан чиқиб кетиш олдида ҳар қайсиси минг фунтлик, яъни жами етмиш беш минг франкни ташкил этадиган учта банк билетини ишончли кишингиз сьер Клюбенга топширдим. Ўйлайманки, бу маблағ сизни тўла қаноатлантирса керак.

Сьер Клюбен сизнинг манфаатингизни қаттиқ туриб ҳимоя қилди ва пулни мендан талаб қилиб олди. Назаримда у бу пулни олишга жуда ҳам жон-жаҳди билан тиришди, астойдил ҳаракат қилди. Шу сабабдан ҳам мен сизни бир огоҳлантириб қўймоқчи бўлдим.

Сизнинг собиқ ишончли одамингиз
Рантен.

Р. S. Сьер Клюбеннинг «ўлида револьвери бўлганлиги сабабли мен ундан тилхат ололмадим».

Бу хатни ўқиркан месс Летьерининг аъзойи бадани ток ургандек титраб кетди.

У дастлаб эътибор ҳам бермаган бу конверт ичидаги тўрт буклоглик бир варақ қоғозда кишини титратиб юборадиган, миясини гангитиб қўядиган хабар бор эди.

Бу хабар месс Летьерини гангитиб қўйди.

Рантен Клюбенга етмиш беш минг франк берибди!

Бу ғайри оддий, жумбоқли факт бир оз фойдали бўлди: Летьерининг карахт бўлиб қолган миясини ишга солиб юборди. Тахмин қилиш, мулоҳаза юритиш — киши тафаккурининг озуғидир. Летьерининг ҳам мулоҳаза юритиш ва мантиқий хулосалар чиқариш қобилияти уйғонди.



Бирмунча вақтдан буён Гернсей аҳолиси ҳамманинг ҳурматига сазовор бўлиб келган ҳалол, софдил Клюбен ҳақида баҳслашар, унинг қилмиш-қидирмишларини муҳокама қиларди. Одамлар у ҳақда бир-бировларидан сўраб-суриштиришар, ундан шубҳаланишар, бас бойлашарди. Унинг ҳақиқий, жирканч, қора ниятли қабиҳ одамлиги очила борди.

Сен-Малода 619 рақамли қирғоқ қоровулининг тўсатдан ғойиб бўлиб қолганлиги туфайли суд қидирув ишлари бошланганди. Одил суд адашиб қолди, бундай ҳоллар кўп бўлиб туради. Терговчилар, Зуэла қоровулни алдаб «Тамолпас»да Чилига олиб кетган, деб тахмин қилардилар. Бу нотўғри фараз бир қанча чалкашликларга сабаб бўлди. Суд ўзининг калтабинлиги, ишни чуқур текширолмаслиги туфайли бу ишда Рантеннинг қўли борлигини пайқай олмаганди. Аммо йўл-йўлакай тасодифан бошқа жиноят изига дуч келиб қолинди. Бу чалкаш, шубҳали иш янада чуқурлаша борди. Бу ишга Клюбеннинг ҳам алоқаси борлиги аниқланди. «Тамолпас»нинг жўнаб кетиши Дюранданинг ҳалокати билан бир вақтга тўғри келарди; эҳтимол улар орасида бево-сита алоқа бўлгандир. Клюбен Динан дарвозаси олдидаги қовоқхонага кираркан, у ўзини бу ерда ҳеч ким танимайди, деб ўйлаган бўлса ҳам, барибир уни танигандилар. Қовоқхоначи: «Клюбен бир шиша коньяк олган эди»,— деб гувоҳлик берди. Хўш, у бу коньякни ким учун олган эди? Сен-Венсандаги қуролфуруш: «Клюбен револьвер сотиб олганди», деб гувоҳлик берди. Хўш, буни нима мақсадда сотиб олган? «Жан меҳмонхонаси»нинг эғаси эса: «Клюбен баъзи-баъзида йўқ бўлиб қоларди»,— деди. Капитан Жерте-Габуро эса: «Клюбенни йўлда туманда қоласан деб огоҳлантиришимизга қарамай, буни ўзи ҳам жуда яхши билса-да, албатта, йўлга чиқаман деганди»,— деди. Дюранда экипажидагилар эса: «Пароходда деярли юк йўқ эди, бори ҳам пала-партиш ортилганди», деб гувоҳлик беришди. Бу ҳолдан капитаннинг кемани ҳалокатга учратмоқчи бўлган қора нияти яққол сезилиб турарди. Гернсейлик йўловчи эса: «Клюбен, пароход Гануа қояларига бориб урилди, деб ўйлаганди»,— деди. Тортвалликлар: «Клюбен Дюранда ҳалокатидан бир неча кун илгари Тортвалга келиб, Гануа яқинидаги Пленмон томон йўл олди. У ёққа кетаётганида саквояжи бор эди, қайтаётганида

эса ҳеч нимаси йўқ эди»,— деб маълумот беришди. Қушлар инини ковлаб юрувчи болалар ҳам ўз кўрган-билганларини гапириб беришди; агар улар ҳикоясидаги арвоҳларни шунчаки оддий контрабандачилар деб қаралса, бу ҳикоя тўғридан-тўғри ғойиб бўлиб қолган Клюбенга бориб тақаларди. Ниҳоят, Пленмондаги жин-ажиналар қароргоҳи бўлган сеҳрланган уй ҳам шоҳидлик берди; ҳақ гапнинг тагига етишга аҳд қилган одамлар уй ичкарасига кирдилар — у ерда нимани топдилар денг?! Клюбеннинг саквояжини. Тортваль полицияси уни очиб қаради. Саквояжда озиқ-овқат, дурбин, хронометр, Клюбеннинг белгиси бўлган эркаклар кўйлаги билан ички кийимлари бор экан. Хуллас, ана шу гаплар оқибатида Сен-Мало ва Гернсей аҳолиси кема капитанининг ўз хўжасига нисбатан ёвуз нияти бор экан деган хулосага келганди. Бу воқеанинг мавҳум, шубҳали томонлари чоғиштириб кўрилди: дўстларнинг маслаҳатига жирмаслик, қалин туман хавфи борлигига қарамай сузишга қатъий қарор қилиш, юк ортишдаги шубҳали пала-партишлик, сотиб олинган бир шиша коньяк, дорғанинг мастлиги, унинг ўрнига рулни капитаннинг ўзи бошқариши ва рулни ноўрин, шартта буриб юбориши ҳамма-ҳаммаси устида роса бош қотиришди. Клюбеннинг жасорат кўрсатиб ҳалокатга учраган кемада қолиши қаллобларча ҳийлагарлик деган хулосага олиб келди. Шуниси қизиқки, Клюбеннинг ўзи ҳам алданганди. Унинг нияти қоралиги яна шундан ҳам аёнки, у Гануа қояларини танлаган — чунки бу ердан қирғоқ-қача сузиб бориш осон; жин-ажиналар қароргоҳи бўлган сеҳрланган уйга нима мақсадда боргани ҳам тушунарли — кези келганда қочиб қолиш учун қулай жой эди бу ер. Ҳар эҳтимолга қарши ҳозирлаб қўйилган саквояж бунинг далили эди. Аммо бу воқеани бошқаси, қирғоқ қоровулининг беному нишон ғойиб бўлиб кетиши билан қандай алоқаси борлиги қоронғилигича қолаверди. Сиртдан қараганда бу воқеа қоровулнинг йўқолиш фожиасига алоқадордай туюларди, холос. Ҳар ҳолда 619 рақамли қоровул қандайдир фожаи қурбони бўлгани аниқ. Эҳтимол Клюбен бунга аралашмагандир, лекин у албатта зимдан иш кўрган.

Маълум бўлишича, юқоридаги ҳамма далиллар ёвуз ният йўлида ишлатилганича йўқ. Масалан, револьвер-

дан фойдаланилмаган. Демак, у биронта бошқа ниятни амалга ошириш учун кўзланган бўлиши керак.

Халқ жуда ҳушёр, сезгир бўлади. Жамоатчилик майда-чуйда, узиқ-юлиқ маълумот ва далиллардан ҳақиқатни топа билади. Бироқ ёвуз ният ҳақидаги далиллар жуда катта шубҳа туғдирарди.

Ҳамма иш битгандай, ҳаммаси аниқлангандай, тасдиқлангандай эди-ю, ammo асосийси аниқланмаганди.

Ким эрмак учун пароходни ҳалокатга учратаркан? Ким бекордан-бекорга, бирор манфаатсиз хатарли ишга қўл уради, ким ҳаётини хавф остида қолдириб, қалин туман ичида сузади, кемани қояга олиб бориб уради? Бундан Клюбен қандай манфаатни кўзлаган?

Клюбеннинг хатти-ҳаракати жўзга яққол ташланиб турарди-ю, сабаблари мавҳум эди.

Бу ҳолат кўпчиликни шубҳалантириб қўйди. Ишонарли сабаб ва далиллари бўлмагач, ҳар қандай хатти-ҳаракат ҳам асоссиздай, бекорчи гапдек бўлиб кўринади. Ана шу ерга келиб узилиш бўлганди. Эндиликда эса Рантеннинг хати ана шу узилишни тўлдирди, унга ямоқ бўлди.

Бу хат Клюбен хатти-ҳаракатларини ипидан-игнаси-гача очиб ташлади. Юқорида айтиб ўтган фожиамизнинг асосий сабаби етмиш беш минг франкни ўғирлаш эди.

Рантен шу мужмал, ноаниқ жумбоқни ечишда антик дунёдагидек худолик ролини ўйнади. Рантен булутлар орасидан пастга, зимистонлик қўйнига учиб тушганди.

Унинг хати чалкашиб ётган ҳодисаларга машъала каби нур сочди, ҳамма ёқ чароғон бўлди-қўйди. Хатто бу хатда гернсейлик гувоҳ Аие Тостевен ҳақида ҳам ёзиб юборган эди.

Хат револьвернинг ўтаган хизматини ҳам очиқ-ойдин очиб берди.

Рантеннинг ҳамма гапдан аниқ хабардорлигига шубҳа ҳам қилмаса бўлади. Унинг хатида бўлиб ўтган фожа батафсил ифодаланган эди.

Энди Клюбеннинг ёвузларча қилган жиноятини оқлай оладиган ҳеч қандай жиҳат қолмаганди. У пароходни ҳалокатга учратмоқчи бўлган, озиқ-овқат солиб, жин-ажиналар қароргоҳига яшириб қўйгани бунинг яққол далили. Хўп, майли, кеманинг ҳалокати тасодифий бир ҳол, бунга Клюбен айбдор эмас дейлик, унда Клюбен сўнги дамларда ўзини қурбон қилиб, фарқ бўлаётган

кемада қолишга аҳд қилган экан, нега қайиққа тушиб омон қолганларга, Летъерига олиб бориб беринглар, деб етмиш беш минг франкни бермади? Ҳақиқат мана энди очилди. Клюбеннинг ўзи нима бўлдийкин? Эҳтимол у ўзи йўл қўйган хатонинг қурбони бўлгандир. Унинг Дувр қоялари қаърида ҳалок бўлгани турган гап.

Летъери миясида ҳосил бўлган ҳақиқатга жуда яқин келадиган бу тахминлар унинг ўй-хаёлини бир неча кунгача банд этиб юрди. Рантеннинг хати ўйлашга мажбур қилиб, унга жуда катта хизмат кўрсатди. Даставвал у бу кутилмаган хабардан саросимага тушиб қолди, сўнгра ўзини мажбур қилиб бу ҳақда бош қотира бошлади. Кейинроқ яна бир зўр бериб ўзини босиб олди, ҳар хил маълумотлар тўплай бошлади. У одамлар билан суҳбатлашишга мажбур бўлди, ҳатто кўнгли бундай гурунгларни тусай бошлади. Бир ҳафтадан сўнг у ўзини тамоман ўнглаб олди, унинг онги илгариги ҳолатига келди, деярли тузалиб қолди. У руҳий тушкунликни, қалбидаги умидсизликни енгди.

Агар илгарилари месс Летъери қачон бўлмасин ўз пулини қайтариб олишдан умидини узмаган бўлса, эндиликда Рантеннинг хати унинг бу умидини бутунлай пучга чиқарди.

Бу хат Дюранда ҳалокати ташвиши устига яна бир зарба бўлиб тушди — у етмиш беш минг франкдан тамоман айрилганини англатарди. Хат йўқолган пулни яна эсига солиб, бир ташвишига минг ташвиш қўшилди. Бу хат месс Летъерини қанчалик хонавайрон бўлганини англаб етишга мажбур этди.

Унга азоб бераётган, юрак-бағрини эзиб юборган янги изтиробнинг манбаи ана шунда эди. Шу ўтган икки ярим ой мобайнида биринчи марта уй-рўзғори, келажак, эскича ҳаёт кечириш тартибларини ўзгартиш ҳақидаги фикрлар кўндаланг бўлганди. Кундалик рўзғорнинг майда-чуйда ташвишлари, етишмовчилик киши қалбига минглаб тикан бўлиб санчилади, бу ташвишлар умидсизликдан кўра даҳшатлироқдир. Ҳар куни ҳар қадамда бахтсизликнинг турли хил кўринишларига тўқнашиб туриш, уни эгаллаб олган майдонидан қадам-бақадам суриб чиқариш беҳад оғир. Устингизга тўфондай ёпирилиб келаётган бахтсизлик лашкарига дош бериш мумкин-у, аммо у кўтарган чанг-тўзонга чидаш мушкул. Гам-ташвиш яхлит олинганда кишини эзади, лекин зар-

раларга бўлинганида эса қийма-қийма қилиб ташлайди. Ҳалокат даставвал сизни эс-ҳушингиздан айиради, сўнгра эса устингиздан кулади, масхара қилади.

Таққирланиш, хўрланиш зарба устига зарба бўлиб тушади. Бу биринчи мағлубият кегидан иккинчи мағлубият бўлади, ана шу иккинчи мағлубият кишини хор қилади, аянчли аҳволга солиб қўяди. Одам йўқлик олами, ҳалокат сари яна бир қадам одимлайди. Партўшак ҳамда шоҳи либослар ўрнини латта-путталар эгаллайди.

Аста-секин тубанликка юз тутаётганинг ҳақида ўйлашдан кўра оғирроқ, қайғулироқ нарса бўлмаса жерак оламда.

Хонавайрон бўлдингиз — бундан ҳам осони борми? Бу елкангизга келиб тушган яшин тезлигидаги зарба, тақдирнинг шафқатсизлиги, битмас жароҳат, ўнглаб бўлмас ҳалокатдир. Хўп, шундай ҳам дейлик. Тақдирга тан бериш керак. Ҳамма ишингиз барбод бўлди, бари йўққа чиқди. Одам хонавайрон бўлди. Қўлидан ҳеч нарса келмайди, у энди ўлди. Йўқ, йўқ, асло ундай эмас. У ҳали ҳаёт. У ўзининг ҳаёт эканини эртасига фаҳмлайди. Хўш, қандай қилиб фаҳмлайди? Атрофдагиларга разм солиб. Аллаким ёнидан ўтиб бора ётиб саломлашмади, дўконлардан қарзларини тўлаши лозимлиги ҳақидаги қоғозлар ёмғирдек ёғилиб кетди: ана, душманларидан биттаси пиқиллаб куляпти. Эҳтимол у масхарабоз Арналдан кулаётгандир, лекин бу масхарабозга хонавайрон бўлмаганингизда парво қилмасдингиз. Ҳозир эса сизга шунчаки бепарвогина кўз қирини ташлаб қўйса ҳам, менинг хароб бўлганимдан куляпти, деган хаёл келади миянгизга; бир вақтлар сизнинг нон-тузингизни еб юрган, сиз меҳмондорчиликка таклиф қилган кишилар эндиликда сизни исрофгарчиликда айблайдилар; сизнинг тирноқдек камчилигингиз ҳамманинг кўзига катта бўлиб кўринади; бундай нобакорлар эндиликда сиздан ҳеч қандай манфаат кўрмасликларини билиб, ўзларини такаббуруна тута бошлайдилар; бунақа пайтларда аҳмоқлар ўзларини сизнинг бошингизга тушган фалокатни олдиндан сезиб юрган донишманд қилиб кўрсатадилар; ичи қора кишилар сизни ёмон отлиққа чиқарадилар; сизнинг аҳволингизга фақат сиздан кўра камбағалроқ кишиларгина ачинади, холос. Бу беҳисоб майда-чуйда кўнгилсизликлар кишини ранжитибгина қолмай, балки нафратини кўзғайди, улардан жиркана-

сиз. Илгариларни хушбўй, хуштаъм вино ичардингиз, эндиликда кунингиз олма мусалласига қолади. Иккита оқсочим бор дейсизми? Энди биттаси ҳам ортиқчалик қилади. Улардан бири билан ҳисоб-китоб қилиб, ҳамма ишни иккинчисига юклашга тўғри келади. Боғда ҳам гул жуда кўпайиб кетибди, яхшиси, ўрнига картошка экиш керак. Боғдан чиққан мева-чева ёр-биродарларга улашилари, энди уларни бозорга чиқариб сотиш лозим. Ўзингиз қашшоқлашиб қолганингиздан кейин, бечораҳол кишиларга ёрдам беришни хаёлингизга ҳам келтирмасангиз бўлади. Аёлларнинг ясан-тусани-чи, масаланинг энг расво ҳамда нозик ери бу! Қандайдир бир арзимаган латта-путтани олиб беролмасангиз, қанчалар азоб бу! Қараб туриб қалбингизга ҳузур, ором бахш этиб турган яқин кишингизни ясан-тусан безаклардан маҳрум этсангиз-а, зиқна бўлиб қолсангиз-а! У сизга: «Боғчамдаги гулларни-ку, олиб йўқ қилиб ташладингиз, энди шляпамдаги безакни ҳам қўймайсизми?» — дейди. Э-воҳ, қандай бедодлик! Сиз туфайли бечора қиз яна ранги айниб кетган эски кўйлақлар киядиган бўлди! Дастурхон устида ҳамма мум тишлаб олгандек ўтиради. Назарингизда ҳамма сиздан ўпкалаётгандек. Севган кишиларингизнинг чеҳралари сўлғин, маъюс. Мана шуларни аста-секин ҳалокат, тубанлик сари юз тутиш дейдилар. Ҳар кунни ўлибтириласиз. Қазо қилмоқ ловиллаб турган алангада лаҳзадаёқ ёниб кулга айланиб кетгандай, бир гап, аммо аста-секин ҳалокат томон юзланиш — бу жуда даҳшатли, сизни мисли милтираб турган ўтда шошмасдан, бафуржа куйдирмоқ билан тенг.

Ҳалокат — Ватерлоо жанги, секин-аста хароб бўлиш эса Муқаддас Елена оролидаги фожиадай бир нарса. Веллингтон¹ тимсолида гавдаланган тақдир киши қадрқиммати, обрў-эътиборининг баъзи хусусиятларини сақлаб қолади, аммо у Гудсон Лоу² қиёфасига кирганда қанчалар қабиҳ, жирканч бўлади. Бундай тақдир кишини хўрлайди, унинг шон-шавкатини чилпарчин қилади. Бир вақтлар оламини титратган Наполеон оқибатда арзимаган ипак пайпоқ деб бировлар билан жиққамушт бўлган. Ана шу мағлуб Наполеоннинг хўрланиши, ту-

¹ Веллингтон — герцог, 1815 йилда Ватерлоо жанги вақтида инглиз қўшинларига қўмонданлик қилган.

² Гудсон Лоу — Наполеон бадарга қилинган Муқаддас Елена оролининг губернатори.

банликка юз тутиши Ватерлоода голиб келган Англия шаънига доғ бўлиб тушади.

Хонавайрон бўлган, синган ҳар қандай буржуазияга мансуб бўлган одам буни ўз бошидан кечирмай иложин йўқ.

Биз ҳикоя қилган воқеа майнинг бошларида содир бўлиб, ўша куни кечқурун месс Летъери ойдинда боғда сайр қилиб юрган Дерюшеттага халал бермай, ҳар қачонгидан ҳам ғамгин бир кайфиятда вақтлироқ ўринга ётиб олди.

Хонавайрон бўлганини доим ёдга солиб турувчи, кишининг хўрлигини келтириб, қаддини букадиган ғамташвишлар бошда жонга тегади, зериктиради, аста-секин эса умидсизлик балосига мубтало қилади, ана шундай шилқим, разил фикрлар месс Летъерининг бошини ғовлатиб юборган эди. Тирикчиликнинг арзимас, майда-чуйда икир-чикирлари елкасидан тегирмон тоши бўлиб боса бошлади. Месс Летъерига ўзининг аянчли аҳволини қайта ўнглаб ололмайдигандек туюларди. Нима қилсин? Қаёққа бош урсин? Дерюшеттанинг бошига яна қанақанги маломатлар тушади? Хизматкор аёлларнинг қайси бири билан ҳисоб-китоб қилсин? Дуснинг жавобини берсинми ёки Граснинг? «Довюраклар қароргоҳи»ни сотсамикин? Ё оролни бутунлай ташлаб кетсинми? Бир вақтлар қудратли, қаёққа узатсанг қўлинг етадиган жойда эндиликда аянч бир аҳволга тушиб қолиш, ҳақиқатан ҳам чидаб бўлмас даражада хўрланиш, хор-зор бўлиш демакдир. Архипелаг билан Франция орасидаги мунтазам қатновни, пароходнинг сафарга чиқиш кунлари — сешанба, қайтиш кунлари — жума эканини эсласанг, денгиз соҳилига тўпланадиган тўда-тўда одамларни, пароходда олиб келинадиган беҳисоб юкларни кўз олдинга келтирсанг, жарақ-жарақ даромад келтирадиган ишларни, ишинг ривож топиб, кундан-кунга гуллаётганини, инсон эрки-ихтиёрига сўзсиз итоат қиладиган машинани, баҳайбат буғ қозони ҳамда осмонга дуд ўрлаб турадиган мўрисини кўз олдинга келтирсанг, юрагинг орқасига тортиб кетади! Эндиликда буларнинг бари барбод бўлди, йўққа чиқди! Пароход — такомиллашган компасдир; бу компас тўғри йўлни кўрсатиб боради, буғ эса унга хизмат қилади, бирови амр этади, иккинчиси бажо келтиради. Унга шоҳона тож кийдирган маликаси, денгизни забт этган ажойиб Дю-

рандаси ҳозир қаерларда хор бўлиб ётибди? Уз мақсадинг, ўз ғоянг камолот чўққисига етганида бирдан юз тубан қуласанг, бор бисотингдан айрилиб хонавайрон бўлсанг, тўсқинликка учраб, ҳаммага кулги бўлсанг-а! Бир вақтлар ичида нодир буюмлар сақланидиган, эндиликда ичида ҳеч вақоси йўқ керакмас қопга айланиб қолсанг, қандай даҳшат бу! Илгарилари келажакнинг баркамол тимсоли эдинг, энди ўтмишнинг аянчли тимсолисан! Қалтафаҳм, овсар жишилар ҳам сенга такаббурона ачиниб юрсалар-а! Кўз ўнгингда ота-боболарингдан қолган урф-одатлар, мутаассиблик, эскилик, худбинлик, жоҳиллик тантана қилса, алмисоқдан қолган елканли кемалар яна уймалашиб қолса, Ла-Манш тўлқинлари оша имиллашиб сузиб юрса-я! Бу шалдиروқ арваларнинг яна қайта тирилганини ўз кўзларинг билан кўриб турсанг, ҳаётингда эришган энг азиз нарсаларингдан ажралсанг, машъал бўлиб порлаб турсанг-у, бирдан сўнсанг-қолсанг, бу қандай бедодлик! Цилиндрга ўхшаган, тарам-тарам тутун бурқсатиб, бир одам шаънига хизмат қиладиган Вандом ёдгорлигидан кўра улуғворроқ, денгизда савлат тўкиб турган, инсоният тараққиёти йўлида хизмат қилаётган пароходнинг мўрисигина қалбларга қанчалар ҳузур бахш этарди. У океани жиловлаб олгандай эди. У очик денгиз қаърида сузиб бораётгандай кўнглингизда ишонч уйғотарди. Унинг сузиб келаётганини ҳамма — кичкина оролчадагилар ҳам, мўъжазгина порт аҳолиси ҳам, Сен-Сансондагилар ҳам олисдан кузатиб туришарди. Ҳа, ҳамма кўриб турарди! Э-воҳ! Уни ҳамма кўриб турарди, энди умрбод ҳеч ким кўролмади.

Бу қайғули фикрлар кекса Летъерига тинчлик бермас, уни изтиробга соларди. Баъзан юраги сиқилиб, хўнграб йиғлаб юборишига сал қоларди. Эҳтимол у шу кунгача бошига тушган мусибатдан, йўқотган нарсаси ҳақида ҳозиргидек куйиб-ёнмаган бўлса ҳам керак. Ғам-ташвиш ниҳоясига етиб, меъёрдан ошиб кетгач, жишининг онги хиралашади, ўй-хаёллар чалкашиб кетади. Ғам-ташвиш юки остида ҳолдан тойган Летъерини мудроқ босди.

У икки соат чамаси кўзини юмиб ётди; ухлолмади, кўп нарсалар ҳақида мулоҳаза юритди. Сиртдан қараганда киши эсанкираб, карахт бўлиб қолса-да, унинг мияси ҳаддан зиёд даражада ишга киришиб кетади.

Вақт ярим кечага бориб қолганда Летъери уйғониб кетиб кўзини очаркан, ҳангу манг бўлиб қолди, қаршисида, дераза ортида алланарса қорайиб турарди. Бу — пароходнинг мўриси-ку!

Месс Летъери шартта қаддини кўтариб, таажжубдан жаравотида ўтириб олди. Остидаги осма каравот бўронда сузиб бораётган кемадек чайқаларди. У синчиклаб тикила бошлади. Деразадан қандайдир бир нарса мўралаб турганга ўхшарди. Порт ойдин, ой нурига чўмган осмон фонида ажойиб бир шакл тўппа-тўғри, устун сингари қоп-қора нарса кўзга яққол ташланиб турибди.

Ҳа, бу чиндан ҳам пароходнинг мўриси эди.

Летъери дик этиб каравотидан сакраб тушиб, дераза олдига югуриб борди-да, деразани очиб, пастга энгашиб қаради.

Унинг рўпарасида Дюранданинг мўриси кўкка бўй чўзиб турарди.

У ўзининг одатдаги жойида эди.

Мўри қайиқнинг икки биқинига тўртта занжир билан маҳкамлаб тортиб қўйилибди, мўри остидаги каттакон қора нарса ҳам бемалол кўриниб турарди.

Летъери орқасига тисарилиб, гурс этиб каравотига ўтириб қолди. У деразага тескари қараб ўтирарди.

Ўгирилиб қараб, яна ўша манзарани кўрди.

У ташқарига отилди, орадан бирон дақиқа ўтмаёқ кўлида фонарь ушлаган Летъери қирғоқда пайдо бўлди.

Илгарилари Дюранда боғлаб қўйиладиган ҳалқага қайиқ боғланган бўлиб, унинг қуйруқ томонроғида, «Довюраклар қароргоҳи» деразасининг рўпарасида баҳайбат харсанг тошга ўхшаган нарса бўлиб, унинг устида эса пароход мўриси қорайиб турибди. Қайиқнинг тумшуғи қирғоқ билан бабаравар кўтарилиб, тош девор бурчагидан сал туртиб чиқиб қолибди.

Қайиқда ҳеч зот йўқ эди.

Бунақа қайиқ Гернсейда яккаю ягона бўлиб, уни ҳамма жуда яхши биларди. Бу голландча қайиқ эди.

Летъери қайиққа сакраб чиқиб, қайиқ мачтаси ортида қорайиб турган нарса томон юрди. Бу пароход машинаси эди.

Машина қандай бўлса шундайинча бус-бутун, ҳеч ерига зиён етмабди.

Летъери машинани диққат билан кўздан кечира бошлади.

Бу ишда фонарь билан ой эгизакдек унга жўмакдош бўлди.

Летъери машинанинг биронта ҳам механизмини қолдирмай текшириб кўрди.

Бир чеккада турган икки яшикка ҳам диққат билан тикилди, цилиндрига ҳам кўз қирини ташлаб қўйди.

У каютага кирди. Каютада ҳам ҳеч ким йўқ, ҳувиллаб ётибди.

Летъери яна машина ёнига келиб, уни пайпаслаб кўрди. Чўккалаб ўтириб, ичини жўздан кечирмоқчи бўлиб бошини тикди. Сўнгра фонарни ўтхонага қўйди; ҳамма механизмларни бемалол кўриш мумкин бўлиб қолди ва ажойиб манзара касб этди: машина гўё буғ ишлаб бераётгандек бўлиб туюлди.

Летъери хандон уриб кулди, кейин қаддини ростлаб, кўзларини машинадан узмай, қўлларини мўри томон чўзганча: «Ёрдам беринглар, ёрдам!»— дея қичқира бошлади.

Летъери ўзидан бир неча қадам наридаги қўнғироқ олдига югуриб борди-да, унинг занжирини маҳкам ушлаганича жон-жаҳди билан тортқилай бошлади.

II

ЯНА ПОРТ ЖОМИ ЧАЛИНМОҚДА

Воқеа бундай бўлганди. Қайиқнинг юки оғирроқ бўлганидан бир оз секинроқ сузган бўлса-да, Жильят кечаси соат ўнлар атрофида Сен-Сансонга омон-эсон етиб келган эди.

Жильят вақтни аниқ ҳисоблаб чиққанди. У портга етиб келганда сув кўтарилиб, ой ёғду сочиб турарди; гаванга бемалол жираверса бўларди.

Бу пайт порт уйқуда эди. Елканлари йиғиштирилиб, сигнал чироқлари ўчириб қўйилган бир неча кема лангар ташлаб турарди. Сал нарироқда, кемалар тузатиладиган майдончада тузатиш учун сувдан чиқариб қўйилган кемалар кўзга ташланарди. Қопламаларнинг у ер-бу ери кўчириб ташланган, корпус қисмларининг очилиб қолган учлари сўппайиб турар, мачталари олиб ташланган кемалар оёғи осмондан бўлиб тўнқарилиб ётган қўнғизга ўхшарди.

Жильят қайиқни торгина сув йўлидан гаванга олиб ўтаркан, порт ва қирғоқни синчиклаб кўздан кечириб

чиқди. Ҳеч ерда милт этган чироқ кўринмайди; «Довюрраклар қароргоҳи» ҳам қоп-қоронғи. Йўловчилар ҳам кўринмайди; фақат битта одам кўзга чалинди, у черковга жирдими, ёки черковдан чиқдими — англаб бўлмади. Унинг одам эканини ким ҳам ишонч билан айта оларди — ойдинда кўзга ҳар нарса кўринаверади. Тун қоронғилиги ҳамда орадаги масофанинг олислигидан унинг нималигини аниқроқ билиб бўлмади. Уша маҳалларда черков портнинг нариги томонида, ҳозир кемасозлик корхонаси жойлашган ерда эди.

Жильят қайиқни «Довюрраклар қароргоҳи»га олиб борди-да, уни месс Летъери деразаси остидаги Дюрандининг ҳалқасига боғлади. Кейин у қайиқдан қирғоққа сакради.

Жильят қайиқни қирғоқда қолдириб, уйни айланиб ўтиб, бир тор кўчани, кейин иккинчисини кесиб ўтаркан, «Чеккадаги уй»га олиб борадиган сўқмоққа парво қилмай, бир неча дақиқа ўтмаёқ боғнинг июнь ойида гулларга бурканадиган, гулхайрилар қип-қизил бўлиб очиладиган, печакгул, найзабарг, қичитқи ва турли хил ўтлар ўрашиб-чирмашиб кетадиган муюшига етиб борди. Ёз палласида у мана шу ердаги, маймунжон буталари остидаги каттакон тошга ўтириб олиб, пастак девор оша «Довюрраклар қароргоҳи»нинг боғини, бута шохлари орасидан эса унинг учун азиз бўлган хонанинг деразаларини қайта-қайта, соатлаб кузатганди. У ўзи ўтирадиган тошни, ўша маймунжон буталарини, ўша пастак деворни, ўша хилват жойни топди, овдан қайтган йиртқичдек ўз уясига шунчаки кирдигина эмас, буталар орасига шўнғиб кетди. У ерга кирди-ю, даммини ичига ютиб, қимир этмай, ўтириб қолди. У боққа тикиларди. Мана, унинг кўзи олдида боғ, хиёбонлар, тўптўп дарахтлар, гулпушталар, ранг-баранг гуллар, ҳашамдор уй ва ўша икки эзгу дераза яна намоён. Ой унинг орзу-хаёлини банд этган боғга ёғду сочиб турибди. Нега одам нафас олишга мажбурийкин-а! Жильят жони борица секинроқ нафас олишга тиришарди.

Жильят жаннатга тушиб қолгандай ҳис қиларди ўзини. У, бу жаннат осмону фалакка кўтарилиб кетмасин тагин, деб чўчирди. У ҳозир кўриб турганларининг ҳақиқатан мавжуд эканини ақлига сиғдиролмасди; ростки мавжуд экан, демак у ғойиб бўлиши муқаррар — илоҳий нарсаларнинг қисмати шу. Сал шабада эсгудек бўл-

са, бу кўзга кўриниб турган жаннат шарпаси ғойиб бўлади-қўяди. Жильят шу ҳақда ўйласа аъзойи бадани қалтираб кетарди.

Боғда, хиёбоннинг чеккасида, яқингина жойда яшил скамейка турибди. Бу скамейка ҳақида юқорида ҳам гапириб ўтгандик.

Жильят қадрдон деразаларга тикиларди. У бу хонада ноз уйқуда ётган нозанин ҳақида ўйларди. Уйдагиларнинг ҳаммаси маст уйқуда. Жильят бу ерда қолишни истамас, аммо айна чоқда бу ерни тарк этишдан кўра ўлимига ҳам рози эди. У шу жононнинг кўкрагини гоҳ кўтариб, гоҳ тушириб турган нафаси бўлиб қолишга ҳам рози эди. Жильят висолига етолмай юрган олисдаги сароб, шаффофлик пардасига чулганган сугдек оппоқ, зумраддек тиниқ, унинг ақлу ҳушини ўғирлаган махлиқо шу хонада! Жильят шундай яқингинасида ноз уйқуда ётган, етишиб бўлмас, аммо унинг қалбига энг қадрдон қиз ҳақида ўйларди; унинг хаёлини — ширин тушлар кўриб, тўлғаниб ётган оламда тенги йўқ сулув; бошини қўлларига қўйиб, кўзларини юмган, қўл етмас, тутқич бермас, кўнгил армони бўлган ойжамол банд этганди. Бундан ортигини орзу қилишга, ўйлашга юраги дов бермаса ҳамки, ҳамон ширин хаёллар сурарди; у орзу-хаёл кемасига тушиб сайр этаркан, ман қилинган чегаралардан ҳам нарига ўтиб кетарди; бу фариштанинг аёллик қиёфаси уни ҳаяжонга солар, тун эса унинг ийманиб, ўғринча нигоҳ ташлаб қўйишига далда берарди; у, ўзимни таҳқирлаяпман, деб ўз-ўзини койирди-ю, лекин биров мажбур қилаётгандек, беихтиёр, ўзига-ўзи қарши чиқиб, титраб-қалтираб, яна кўзга кўринмас ёри томон тикиларди. Жильят аъзойи бадани титраган, изтироб чеккан ҳолда гиламга тушиб ётган ёпқични, стулга ташлаб қўйилган кўйлак, ечиб қўйилган тасма ҳамда рўмолни кўз олдига келтириб, тасавурида гавдалантирарди. Мана, ичдан кийиладиган белбурманинг тасмачалари пастга осилиб, полга тегиб турибди, унинг ёнида пайпоқ ётибди. Жильят ана шунақанги хаёллар билан банд эди.

Ҳар бир инсон қалбининг ўз юлдузи яратилган; бу юлдуз Жильят каби бир бечора камбағалнинг ҳам, бадавлат миллионернинг ҳам қалбидан жой олади. Одам бутун вужуди билан севиб қолса, унинг қалби завқшавққа тўлади, беҳад ҳаяжонланади. Агар у табиатан

қанчалик қаттиққұл, содда одам бўлса, бу ҳиссиётни шунчалик қаттиқроқ ҳис этади.

Одамовилик хаёлпарастликни чуқурлаштириб юборади.

Завқланиш, беҳад қувонч — бу лиммо-лим қилиб тўлатилган қадаҳдан вино тошиб кетгандек, ҳиссиёт косасининг тўлиб-тошишидир. Бу қадрдон деразаларга тикилганда Жильят ўзини йўқотиб қўярди.

Қўққисдан Жильятнинг қаршисида унинг ўзи пайдо бўлиб қолди.

Ям-яшил баҳори либос кийган бута шохлари орасидан кимдир фаришталардек салобат билан чиқиб келди, унинг эғнидаги бежирим кўйлагидан, гўзал чеҳрасидан нур ёғилиб турар, бу шуъла олдида ой нури лол қоларди.

Жильят ақлини йўқотиб, ҳушдан кетаётганини сезди — қаршисида пайдо бўлган малак Дерюшетта эди.

Дерюшетта яқинлаб келди-да, тўхтади. У бир неча қадам четга ўтиб, яна тўхтади, кейин бориб скамейкага ўтирди. Ранги ўчинқираган полдузлар оралаб сузиб юрган ой ўзини дарахтлар ортига олди, денгиз эса тун зулмати билан пичирлашиб суҳбатлашарди, шаҳар маст уйқуда, уфқдан туман бостириб келар, бутун борлиқни ҳазин сукунат қамраб олганди. Дерюшетта бошини хам қилиб ўтирар, унинг ўйчан, маъюс чеҳраси бўшлиққа қадалганди; у Жильятга томон ёнламасига ўтирар, бошидаги чепчиги ечилиб кетганидан бежирим бўйни, кўнғироқ-кўнғироқ жингала сочлари кўзга ташланиб турарди; у беихтиёр чепчиги ленталарини бармоғига ўраб ўйнар, ним қоронғиликда унинг қўллари жонсиз ҳайкалнинг нафис қўлларига ўхшаб кетарди; эғнидаги оқ кўйлагининг туси тун қоронғилиги билан уйғунлашиб кетган; қизга мафтун бўлган япроқлар оҳиста пичирлашарди; нозик оёқларининг учи яққол кўриниб турар, пастга қадалган киприкларининг тифи қуйилиб келаётган ёшини тутиб қолмоқчидек ёхуд шилқим фикрларни қувмоқчи бўлаётгандек пир-пир учарди; унинг мажолсиз қўллари гўё таянч изларди, шу ўтиришда у худди парвоз қилишга ҳозир тургандек эди; қиз ёруғликдан кўра кўпроқ унинг шуъласига, маъбудадан кўра кўпроқ соҳибжамол фариштага ўхшарди; кўйлаги қат-қат бўлиб оёқларини қучиб, ерга тушиб турарди; гўзал, покиза чеҳрасида чуқур ўйга толганлиги акс

этарди. Дерюшетта жуда яқин ерда ўтирганидан Жильятни даҳшат босди. У қизнинг нафас олаётганини эшитиб турарди.

Қуюқ дарахтзорда булбул наво қиларди. Тун сукунати оғушида майин шабада япроқлар билан ўйнашиб шивирлашарди. Ярим қоронғиликда ўтирган гўзал Дерюшетта ой нурларидан тўқилиб, анвойи бўйларга чўмилтирганга ўхшарди; оламда бор нафосат ва латофат ҳар тарафдан у томон ошиқаётган, шу ерда қуюқлашиб, қиз тимсолида атрофга нур таратаётгандек эди. Дерюшетта гўё туннинг покиза қалби, тепиб турган юраги эди.

Дерюшетта тимсолида мужассамлашган ғира-шира қоронғилик Жильятни ҳаяжонга солиб, довдиратиб қўйганди.

У ҳушини йўқотаёзди. Унинг ҳозир қай аҳволдалигини сўз билан ифодалаб бўлмайди; ҳис этиш, сезги ўзининг янгидан-янги хусусиятларини намойиш қилади, сийқаси чиққан иборалар эса уни таърифлашдан ожиздир. Баъзан одамнинг ҳаддан зиёд ҳаяжонланиши оқибатида силласи қурийдди. Шундоққина рўпарасида ўтирган Дерюшеттани, унинг эғнидаги кўйлагини, бошидаги чепчигини, шокила-шокила ленталарини қўлларига ўраб ўйнаб ўтирганини ўз кўзи билан кўриб туриш қанчалар завқли! Бундан ортиқ нафосатни тасаввур этиш мумкинми, ахир? Шундай унинг ёнгинасида турса-я — бу ҳамма вақт насиб этаверармикни? Унинг енгил-енгил нафас олишини эшитиб турибди! Демак у нафас оляпти экан-да? Ундай бўлса юлдузлар ҳам нафас олади. Шуларни ўйларкан, Жильятни титроқ босди. Оламда ундан кўра бахтсизроқ, ундан ўтадиган ошиқи беқарор одам бўлмаса жерак. Жильят нима қиларини билмасди. У маъшуқасини ўз кўзлари билан кўриб тураркан, ақлидан адашар, ҳушини ўғирлатар, қалби тилка-пора бўларди. Наҳотки қаршисидаги малаж маъшуқаси, унга суқланиб тикилиб ўтирган ошиқ ўзи бўлса? Ҳайратда танг қолган Жильят қимматбаҳо дуру жавоҳирга тикилиб қолган қурумсоқ сингари бу нозанин қизга маҳлиё бўлиб термиларди. У қизнинг бежирим бўйни, қўнғироқ-қўнғироқ сочларидан кўз узолмасди. Жильят бу фариштанинг энди ўзиники эканини, тез кунда, эҳтимол, эртагаёқ у анави чепчикларни ечиш, лентачаларини қўлларига ўраб ўйнаш ҳуқуқига эришиши мумкин эканлигини ҳат-

то хаёлига ҳам келтирмасди. Бу ҳақда ўйласинми, йўқ, бунақа мардона фикр бирон дақиқага бўлса ҳам унинг хаёлида ўз аксини тополмайди. Хаёлан бўлса ҳам унга қўл текказиш — ҳақиқатан қўл текказиш билан баробар. Жильят учун севги покиза, мафтун этувчи бир истак, уни қалбида ардоқлайди. Унинг ўйлари чалкашиб, боши айланиб кетди. Қай аҳволга тушиб қолганини ўзи ҳам билмасди. Атрофда булбуллар наво қилар, Жильят эса ўзини жони чиқиб кетаётгандек ҳис этарди.

Ўрнидан туриб, девордан ошиб ўтиш, қизга яқинроқ бориб: «Дерюшетта, бу менман», дейиш унинг ўйига келмаганди. Башарти бу фикр хаёлига келганида ҳам у орқа-ўнгига қарамай қочиб қолган бўларди. Унинг миясини фақат биргина: Дерюшетта шу ерда, менга бошқа ҳеч нарсанинг кераги йўқ, бу ҳолат бир умрга давом этади, деган фикр чулғаб олганди.

Аллақандай шитирлаган товуш икковларини ҳам чўчитиб юборди: хаёл дарёсига ғарқ бўлган Дерюшетта хаёл уйқусидан, ширин ўйлар оғушига чўмган Жильят эса ҳушсизлик уйқусидан уйғониб кетди.

Боғда кимдир оҳиста қадам ташлаб келарди. Дарахтлар эса уни тўсиб турарди. Одим шарпаси эркак кишиники эди.

Дерюшетта бошини кўтариб қаради.

Одим товушлари яқинлаб, тинди. Келаётган кимса тўхтаган эди. У афтидан, ёнгиналарида турарди. Скамейка томонга келадиган йўлак эса дарахтлар қуршовида. Номаълум киши йўлакнинг қоқ ўртасида, скамейкадан бир неча қадам нарида тўхтади чамаси.

Тақдирнинг тақозосини қарангки, дарахтларнинг қуюқ шоҳлари уни Дерюшеттадан эмас, Жильятдан тўсиб турарди.

Ой нур сочиб турган йўлакдаги узун соя скамейкага қадар узала тушганди.

Жильят бу сояни кўрди. У Дерюшеттага қаради. Қизнинг рангида қон қолмаганди. Оғзи ярим очилганча таажжубда анграйиб турарди. У ўрнидан сал қўзғалиб, яна ўтириб қолди; қизнинг қочмоқчи бўлгани, аммо аллақандай сеҳрлар уни бу ерга парчинлаб қўйгани яққол сезилиб турарди. У қўрқув ичра ҳайратда қолганди. Лабларига майин табассум, кўзларига шодлик ёшлари ҳалқди. Кимнингдир бу ерда пайдо бўлиши унинг кайфиятини ўзгартиб юборганди. Қизнинг қаршисида намо-

ён бўлган кимса гўё кўкдан тушган саҳоба эди. Қизнинг чеҳрасида қувонч нурлари жилоланарди.

Жильятга соясигина кўришиб турган одам сўзлай бошлади. Дарахтлар ортидан эшитилаётган товуш аёллар овозидан ҳам майин бўлса-да, эркак кишининг овози эди. Жильятнинг қулоғига қуйидаги сўзлар чалинди:

— Хоним! Мен сизни ҳар якшанба ҳамда ҳар пайшанба кўраман; айтишларича, сиз илгарилари черковга бундай тез-тез қатнамас экансиз. Мени афв этгайсиз, буни бошқалар пайқашибди. Мен сиз билан ҳеч қачон сўзлашганим йўқ, менинг бурчим бу; бугун сиз билан сўзлашмоқчиман — бу ҳам бурчим. Аввало шу нарсани сизнинг ахборотингизга еткизгумдирки, «Кашмир» эртага жўнайди. Шу сабабдан ҳам мен бу ерга ташриф буюрдим. Сиз оқшомлари мана шу боғда сайр қиласиз. Менинг бир саҳоватли ниятим бўлмаганида, бундай қилмаган бўлурдим. Сизнинг хулқи-одатингизни суриштириб, билиб юрмоқ одобдан эмас. Хоним, сиз камбағалсиз, мен эса шу кундан эътиборан бадавлат одамман. Каминани ўзингизга жуфти ҳалолликка лойиқ кўрасизми?

Дерюшетта илтижо қилаётгандек, қўлларини кўксига қўйиб, ўзига мурожаат қилаётган кимсага унсиз телмурадди; унинг нигоҳи шу кўйи қотиб қолган, аъзойи бадани шақ-шақ титрадди.

Номаълум киши гапида давом этди:

— Мен сизни севаман. Тангри таоло инсон юрагини сир сақласин, ичидагини ҳеч кимга айтмасин деб яратган эмас. Модомики тангри бандаларига абадийлик ато этишга лутф қилган экан, инчунун у бандаларининг оила қуришини, жуфт бўлиб яшашини истайди. Ер юзида мен учун биргина аёл мавжуд — бу ҳам бўлса сиз. Туну кун сизни дилга жо қилиб юриш — менинг ибодатимдир. Тангри — менинг эътиқодим, сиз — менинг умидимсиз. Учарга қанотим, ҳаётим, паноҳим, бутун борлигим — сиз.

— Тақсир, — деди Дерюшетта оҳиста, — уйимда сизнинг бу гапларингизга жавоб қайтара оладиган бирор кимса йўқ.

Номаълум киши яна сўзлай бошлади:

— Мен ажойиб орзулар оламини яратдим. Тангри яхши тилак, орзуларни рад этмайди. Сиз мен учун нурафшон сиймосиз. Мен сизни жондан ортиқ севаман.

Сиз илоҳий покизалик тимсолидирсиз. Биламан, шу дақиқада ҳамма уйқуда, на қилайки, бундан бошқа вақт тополмадим. Бизга тавротдан ўқиб берилган сатрлар ёдингиздами? Мен то шу кунга қадар ўша сатрлар ҳақида ўйлаб юраман. У сатрларни тез-тез ўқиб тураман. Жакмен Эрод тақсирлари менга: «Сизга бадавлат аҳлия лозим», дедилар. Мен: «Йўқ, менга камбағал аҳлия керак», деб жавоб қилдим. Хоним, мен сиз билан олисдан туриб сўзлашяпман. Башарти соямнинг оёғингизга тушиб туриши сизга малол желса, янада узоқлашишим мумкин. Сиз менинг маликамсиз. Истангиз менга яқинроқ келасиз. Сизни севаман ва кутаман. Сиз менинг ҳузур-ҳаловатимдирсиз.

— Тақсир,— деб пичирлади Дерюшетта,— якшанба ҳамда пайшанба кунлари черковга қатнайдиган бўлиб қолганимни пайқаб юрганингиздан беҳабар эдим...

Дарахтлар ортидан эшитилаётган овоз яна давом этди:

— Осмондан йўлланган қисматга қарши бориб бўлмайди. Қонунларнинг қонуни севгидир. Никоҳ Ханаандир. Сиз кўнгил истаги, гўзалларнинг гўзалисиз. О, менинг ҳузур-ҳаловатим, оёқларингга бош уриб таъзим қилишга тайёрман!

— Мен черковга қатнаб турувчиларга қараганда бежороқ оёқ оляпман деб ўйламагандим...— деди Дерюшетта оҳистагина.

Жильятга яна қуйидаги сўзлар эшитилди:

— Тангри гулларни, тонг ва баҳорни ўз эрк-ихтиёри билан яратган, шунинг учун ҳам, бандаларининг уларни севиши худога хуш келади. Бу муқаддас ойдин кечада сиз шундай очилиб, гул-гул яшнагансизки! Бу боғ сизнинг қўлларингиз билан барпо бўлган, манави сўлим гуллар димоққа сизнинг роҳатбахш нафасингизни уфуриб турибди. Хоним, кишиларнинг қалблари уларнинг ихтиёридан ташқари бир-бирига пайванд бўлади. Бу бизнинг айбимиз эмас. Сиз черковга бориб, ибодат қилгансиз, холос; мен ҳам ўша ерда бўлганман, холос. Мен фақат бир нарсанигина, сизни беҳад севишимни ҳие этардим. Баъзи-баъзида сизга тикилиб қолардим. Бу ножўя иш эди, аммо мен нима ҳам қила олардим, қарамай иложим қанча? Сизга қараган сарим қарагим келарди. Мен бунга қарши кураша олмадим. Қалбимизда шунақанги сирли истак туғиладики, уни босишга,

енгишга ожизлик қиламиз. Оламда энг муқаддас қаср— бу юракдир. Сизни ўз уйимда кўриш, қалбингизни ана шу муқаддас қасримда ҳис этиш мен орзу қилган бу дунёнинг жаннатидир. Бу жаннатни ҳадя этинг менга. Токи камбағал эканман, бу ҳақда оғиз очмадим. Неча ёшдалигингизни ҳам жуда яхши биламан. Сиз йигирма бир баҳорни кўрдингиз. Мен бўлсам йигирма олтидаман. Эртага жўнаб кетаман; башарти сиз илтимосимни рад этсангиз, бу ёққа ҳеч қачон қайтиб келмайман. Менга қаллиқ бўлинг, розимисиз? Кўзларим менинг 'ихтиёрим- сиз сизнинг кўзларингизга бир неча бор ана шу саволни берди. Сизни севаман, нима дейсиз, жавоб беринг, ахир. Амакингиз билан ўзим гаплашаман, у мени қабул қилса бас, лекин аввал сизнинг кўнглингизни билмоқчиман. Қизнинг кўнглини билиш учун қизнинг ўзидан сўраш керак-ку, ахир. Балки сиз мени севмассиз.

Дерюшетта бошини қуйи солиб:

— О, мен уни жондан севаман!— деб пичирлади.

Бу сўзлар шундай оҳиста айтилгандики, уни фақат Жильятгина эшитолди.

Қиз гўё юзини соя ортига яширмоқчидек бошини қуйи солганича қимир этмай қотиб қолганди; у миясида жавлон ураётган фикрларини ҳам соя остига яширганди.

Бутун борлиқ сукутга чўмди. Ҳатто япроқлар ҳам шитир этмасди. Бу шундай дақиқа эдики, бутун жонсиз мавжудот олами жондорлар олами билан бирга уйқуга чўмган, шу дамда тун табиат юрагининг тепишига қулоқ солаётганга ўхшарди. Тинчимас денгизнинг шовиллаши бу сокинликка қўшилиб, оҳангдошлик касб этарди.

Бояги овоз яна эшитилди:

— Хоним.

Дерюшетта сесканиб кетди.

— Мен кутяпман.

— Нимани кутяпсиз?

— Жавобингизни.

— Уни тангрининг ўзи эшитди,— деди Дерюшетта.

Шунда қуёқ дарахтлар ортидан эшитилаётган товуш янада майинлашди, қўнғироқдек жаранглади. У шундай дерди:

— Сен менинг қаллиғимсан. Тур ўрнингдан, кел ёнимга. Майли, юлдузлар, чарақлаб турган шу мовий гумбаз қалбингнинг қалбимга пайванд бўлганига шохид бўлсин, биринчи бўсамиз бизни юксакларга элтсин.

Дерюшетта ўрнидан турди-ю, ўзига термилган кўзларга тикилганича бир зум турган ерида қотиб қолди. Кейин, бошини ғоз тутиб, қўллари шалвираб, оёғи остидаги ерни сезмаган ҳолда дарахтлар томон гандирак-лаб борди-да, ғойиб бўлди.

Орадан зум ўтмай ердаги соя иккита бўлди-ю, бир-бировига чатишиб кетди, Жильят оёғи остидаги икки соянинг маҳкам чирмашганини кўриб турарди.

Вақт қум соатдагидек шувиллаб ўтиб кетади. Биз буни айниқса ҳаётимиздаги энг муҳим дамларда пайқамай қоламиз. Ҳамма иш саранжом топган, унинг ҳал бўлиши шоҳиди икки ёшни кўздан йўқотиб изтироб чеккан, улар эса ўз севгиларининг шоҳиди бўлган кимса борлигидан мутлақо беҳабар, бир-бировларининг оғушида маст бўлган дам қанча чўзилдийкин? Буни аниқ айтиш амримаҳол. Қўққисдан олисдан биров: «Ёрдам беринглар, ёрдам!»— деб бақариб қолди. Сўнгра порт қўнғироғи жаранглай бошлади. Бахт нашидасидан маст бўлган икки ёшнинг эса қулоқларига ҳеч нима кирмасди.

Қўнғироқ ҳамон жарангларди. Башарти бирон кимса Жильятни қидириб боғ ортидаги бояги хилват жойга келиб қолгудай бўлса, уни бу ердан тополмасди.

Иккинчи китоб

МИННАТДОРЛИК ИСТИБДОДИ

I

ҲАМ ҚУВОНЧ, ҲАМ ҚАЙҒУ

Месс Летъери жазавага тушиб ҳамон қўнғироқ чаларди. Тўсатдан у қўнғироқ чалишдан тўхтади. Муюлишдан қирғоққа бир одам чиқиб келди. Бу Жильят эди.

Месс Летъери Жильятнинг олдига чопиб борди, тўғрироғи, унга ташланди, унинг қўлларини баҳайбат кафтига олиб сиққанча бир он индамай кўзларига тикилиб қолди; бу индамаслик ҳаяжонланиб тили калимага келмаётганидан далолат бериб турарди.

Кейин у Жильятниг тортқилаб, бағрига босганича «Довюраклар қароргоҳи»нинг қуйи қаватидаги зал томон судраб кирди-да, эшикни оёғи билан тепиб юборди, — эшик шу қия очилганича қолаверди, — ойдин тушиб турган катта стол ёнидаги стулга ўтирди, аниқроғи гурс этиб ўзини унга ташлади-да, ой ёғдусида оқариб турган Жильятнинг қони қочган юзига тикилганича:

— Оббо, ўғлим-эй! Бу қўшнаичи қандай ажойиб йигит экан-а! Жильят мана қандай одам экан! Бу ишни ким бажарганини тушундим! Бу сенинг қайиғинг-ку, жин ургур! Қани гапир, гапирсанг-чи, ахир. Демак, сен ўша ёққа жўнаган экансан-да? Юз йил муқаддам бундай иш учун сени ўтда қуйдирган бўлардилар. Бу жодугарликнинг ўзгинаси. Ипидан-игнасигача бус-бутун-а! Мен аллақачон ҳаммасини кўздан кечириб чиқдим, текширдим, ҳаммасини пайпаслаб кўрдим. Анави икки яшикка парраклар солинган бўлса керак. Ниҳоят ўзинг ҳам келиб қолдинг. Қаятанга ҳам кириб чиқдим. Қўнғироқ чалдим. Сени изладим. «У қаёққа ғойиб бўлдийкин? Мен уни бир бошлаб қўяй ҳали!» — деб қўйгандим. Зап ажо-

йиб ишлар бўляпти-да оламда! Бу йиртқич Дувр қояларидан омон қайтиб, менга ҳаёт бахш этди. Минг бир жонимни тикиб айтаманки, сен фариштасан! Ҳа, ҳа, ҳа, шунақа, бу менинг машинам. Бунга ҳеч ким ўла қолса ишонмайди. Уни ўз кўзлари билан кўрсалар ҳам: «Бундай бўлиши мумкин эмас!»— дейишади одамлар. Ахир ҳамма, ҳамма нарсаи жойида-я! Бирорта мурувватчаси ҳам йўқолмабди. Сув қабул қиладиган найи ўрнидан ҳам қўзгалмабди. Ҳеч ери тиқ этиб синмагани, ёрилмаганини кўриб, кўзларинг ишонмайди. Энди уни мойлаб қўйилса бас. Шунчалик мушкул ишни қандай бажара олдинг? Бир ўйлаб кўринг-а, Дюранда яна суза олса-я! Цилиндрларини эпчиллик билан суғуриб олганини қаранг, заргар ҳам бунчалик аниқ ишлолмайди-я. Айт-чи, мен ақлдан озиб жинни-минни бўлиб қолганим йўқми?— деб қичқирирди, у йиғи аралаш дўрилляптими, кулги аралаш гапиряптими, билиб бўлмасди.

У ўрнидан туриб, қаддини ростлади-да, чуқур нафас олиб, сўзида давом этди:

— Ақлдан озганим йўғ-а, айтсанг-чи! Ҳаммаси остин-устин бўлиб кетди! Қани ўзимни бир чимчилаб кўрай-чи, яна ухлаб ётган бўлмай? Сен менинг ўғлимсан, менинг боламсан, сен менинг марҳаматли валинеъматимсан! Эҳ, ўғлим! Оббо сен-эй! Ярамас машинамни олиб келгани борганакан-да! Яна қаерга денг, очиқ денгизга-я! Ёвуз Дуврлар чангалига-я! Ҳаётимда қандай мўъжизаларни кўрмадим, аммо бунақасини эшитганим ҳам йўқ. Мен парижликларни — чинакам шайтон одамларни кўрганман. Лекин уларнинг бирортаси бу ишни уддалай олса, башарамга тупур! Бу Бастилияни ишғол қилишдан ҳам машаққатли-ку! Жанубий Америка даштларида ер ҳайдаётган деҳқонларга кўзим тушган: уларнинг омочи эгри таёқ, мола ўрнига тиканли дарахтлар шох-шаббасини катта боғ қилиб боғлайдилар-да, бўйинларига пўстак ташлаб олиб, уни судрайдилар. Ҳосил кўтарганларида қарасанг, ҳар битта буғдой донаси нақ ўрмон ёнғоғидек келади. Булар сен қилган иш олдида ҳеч гап эмас. Ҳақиқа кўчганда, сен мўъжиза яратдинг! Оббо жодугар-э! Мени кучоқласанг-чи, ахир. Сен келтирган бу бахтдан бутун ўлка миннатдор бўлади. Сен-Сансонда роса шов-шув кўтарилади деявер энди! Ҳозироқ янги кема қуришни бошлаб юбораман. Шатунини синмай омон қолганини қара-я! Муҳтарам жаноблар, у Дувр қояларига борибди-я! Так-

рор айтаманки—Дувр қояларига-я! Яна бир ўзи жўнабди. Оламда Дувр қояларидан кўра хатарлиси, ёмонроғи йўқ! Айтгандай, биласанми, ҳаммасини атайлаб қилинганини эшитдингми? Ҳозир бу ишларнинг ҳаммаси исботланган. Клюбен менга бериши керак бўлган пулларни ўз жигилдонига урмоқчи бўлиб, Дюрандани тўппа-тўғри Дувр қояларига солган. У Тангруйлини ўлгудек маст қилиб ичирибди. Бу жуда узоқ гап, бошқа сафар бекорчи вақт топиб ҳаммасини айтиб берарман. Мен-чи, мен аҳмоқ Клюбенга ишониб юрибман-а! Аммо у ҳам ўз бошини ўзи еган, у ердан омон қутулиб кетолмайди. Жин урсин, худо ҳам худолигини кўрсатгандир унга, ахир! Менга қара, Жильят, кел, Дюрандани янгитдан қуришга киришамиз, тезликда битказамиз уни. Темирни қизигида бос, дейдиларди-ку, ахир. Унинг бўйини яна йигирма футча узайтирамиз. Ҳозирги пароходлар узунроқ қилиб қурилади. Ёғочни Данциг ва Бремендан олиб келаман. Машина қўлимда бўлгандан кейин қарз олсам бўлади, энди менга ишонишади.

Месс Летъери сўзлашдан тўхтади, у шифт орасидан осмонни кузатаётгандек кўзларини юқорига тикиб: «Нима бўлганида ҳам у ерда бир-иккита танишларим бор-ку!»— деб ёўлдираб қўйди.

Кейин бармоғини пешонасига қўйиб,— бу унда бирон фикр туғилганини англатарди,— деди:

— Ҳар ҳолда, ишни йўлга қўйиб юбориш учун озгина бўлса ҳам нақд пул керак. Шунда мушқулим осон бўларди-қўярди-да! Э-воҳ, муттаҳам Рантен ўғри Клюбенга берган етмиш беш минглик ўша учта банка билети ҳозир қўлимда бўлганида қанийди энди!

Жильят чурқ этмай чўнтагини ковлаб, алланарсани олиб, Летъерининг олдига столга қўйди. Бу камар эди. Жильят камарни тўқасидан чиқариб, ёзиб қўйди. Камарнинг ичкарасидаги «Клюбен» деган ёзувни ой нурида бемалол ўқиса бўларди; сўнгра у камарнинг ичкари томонидаги чўнтакчадан кичкинагина қутичани олиб, ундаги тахлоглиқ қоғозларни чиқарди-да, уларни ёзиб-тўғрилаб месс Летъерига узатди.

Месс Летъери учала қоғозни ҳам синчиклаб кўздан кечирди. Хона анча ёруғ эди, қоғоздаги 1000 рақами ва «минг» сўзини аниқ ўқиди. У учала билетни ҳам олиб, стол устига ёнма-ён ёйиб қўйди-да, дам Жильятга, дам билетларга тикила бошлади, ҳайратидан бир зум данг

қотиб қолди, кейин ҳозиргина қайнаб-кўпириб турган ҳис-туйғулари вулқондек бақирлаб, қайнаб кетди.

— Ҳали бунисини ҳам олиб келдим дегин! Сен жодугарнинг ўзгинаси экансан! Менинг банка билетларим! Ҳар бири мингдан! Менинг етмиш беш минг франким! Демак, сен дўзахнинг ўзига тушиб чиқибсан. Манави Клюбеннинг камари! Жин урсин уни! Мен унинг лаънати исмини ўқидим. Оббо Жильят-э, оббо азамат-э! Машина устига пулимни ҳам қўшиб олиб келибсан-да! Боплаб газетага берса бўлади. Энг сара ёғочлардан сотиб оламан. Тушундим, тушундим! Сен Клюбеннинг скелетини топгансан. Клюбен бирорта чуқурда чириб ётгандир. Қарағайни Данцигдан, ёманни Бремендан олиб келамиз, пароходнинг устини пишиқ, мустақкам қилиб қоплаймиз, ичкарисига эмандан, сиртига қарағайдан қоқамиз. Бир маҳаллар кемаларни беўхшов, қўпол қилиб қуришарди, шунда ҳам у кўпга чидарди, чунки бинокорлик ёғочлари роса етилтириб жесиларди — у вақтларда кемалар жуда кам қуриларди-да. Кема корпусига қайрағоч ишлатганимиз маъқул. Қайрағоч доим сув остида турса тузук, сувда тобора мустақкамлашади, гоҳ ивиб, гоҳ қуриша у тез ишдан чиқади, чирийди. Ажойиб Дюранда қурамыз! Гўзал бўлади у. Энди ҳеч кимдан тил қисик жойим йўқ. Қарз-қурз кўтаришга ҳам эҳтиёжим йўқ энди. Етарли пулимиз бор. Оббо Жильят-э, қойилман сенга! Бунақа азаматни яна қайдан топасиз! Оёғимни осмондан қилиб қулатишган эди, тамом бўлгандим, у бўлса мени яна оёққа бостирди, қайтадан ҳаёт бағишлади менга. Мен ҳам ўзимга етгунчаман, у ҳақда мутлақо ўйламабман, ҳам емабман! Ҳаммаси хаёлимдан кўтарилиб кетибди. Энди ҳаммаси эсимга тушди. Бечора йигит! Ҳая, айтгандай, сен Дерюшеттага уйланасан-ку, ахир.

Жильят оёқлари чалишиб, деворга суялиб қолди, у жуда паст товуш билан, аммо аниқ қилиб:

— Йўқ, — деди.

Месс Летъери ўрнидан саячиб туриб кетди.

— Нега «йўқ» бўларкан?

— Мен уни севмайман, — деди Жильят.

Месс Летъери дераза олдига бориб, уни очди, яна бекитиб, стол ёнига қайтди-да, учта банка билетини олиб қутичага солди, қопқоғини ёпиб, бўйнини қашлади, кейин Клюбеннинг камарини юлқиб олиб, газаб билан ерга улоқтирди.



— Бир балоси борга ўхшайди!— деб бақариб юборди.

У қўлларини чўнтакларига тиқиб, сўзида давом этди:

— Дерюшеттани севмайсанми? Бўлмаса, қўшнаини менинг кўйимда чалиб юрган экансан-да, а?

Жильят ҳамон деворга суянганича тураркан, худди Азроил жонига чанг солгандек ранги мурда каби тобора оқариб борарди. Жильятнинг ранги ўчиб борган сари месс Летьерининг юзи-кўзига қон қуюларди.

— Манави каллаварамни қаранглар-а! Дерюшеттани севмасмиш-а! Ундай бўлса, севишга ҳаракат қил, чунки у сендан бошқа ҳеч кимга тепмайди. Нега менга аҳмоқона чўпчакларни гапириб ўтирибсан! Жуда бу гапларинга ишона қолдим-да! Нима, касалмисан? Унда врачга бор, лекин бунақа аҳмоқона гапларни гапириб юрма. Дарров аразлашиб, уришиб қолишларинг мумкин эмас. Тўғри, ошиқ-маъшуқлар шунақа бемаъни бўлишади. Шошма-шошма, эҳтимол, бунинг бирор сабаби бордир? Агар сабаби бўлса, гапир. Ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ одам бунақа тентак бўлиб қолмайди. Ҳозир менинг қулогим сал оғирроқ, балки эшитмай қолгандирман, нима деганингни яна бир қайтар-чи.

— Мен: «йўқ», дедим,— деб жавоб қайтарди Жильят.

— Сен «йўқ» дедингми? Вой ҳайвон-э! Яна қайсарлик қилади-я! Бекордан-бекорга бунақа деяётганинг йўқ, афтингдан кўриниб турибди бу. Сен «йўқ» дедингми ҳали! Манави бемаъниликни қаранг-а! Сенга ўхшаган тентакларнинг устидан совуқ сув қуюдилар! Ҳа-ҳа, сен Дерюшеттани севмайсанми ҳали! Бу ишларни бир қари чолни яхши кўрганингдан қилибсан-да, бўлмаса! Демак қояларга бориб, изғирин ва иссиқда азоб чекиб, ташналик ва очлик балосига гирифтор бўлиб, шиллиқ қуртлар еб, туман, бўрон, ёмғир остида ётиб, шунақа мўъжиза кўрсатибсан-да; қафасдан чиқиб учиб кетган саъвасини гўзал малакка олиб келиб бергандек, машинани менга олиб келиб бериш учунгина борибсан-да у ёққа! Бундан уч кун илгариги бўронни айтмайсанми? Сен, чамаси, мени ҳеч нимага тушунмайди деб ўйлаётсан шекилли. Ушанда роса бопланган бўлсанг керак ўзиям! Демак, менинг буришган-тиртишган афт-башарамдан илҳомланиб — рандалаб, чопиб, қирқиб, ўйиб, тешиб, ташмалаб, арралаб, қуриб, ҳар турли чора-тадбирларни излаб, бош қотириб, ёлғиз ўзинг ҳамма азиз-авлиёлар кўрсатган

мўъжизадан ортиқроқ ишни қилибсан-да. Эҳ, сен тентакни қара-ю! Сен бир вақтлар қўшнаинг билан жонимга теккандинг. Ҳадеб битта куйни чалганинг-чалганди, эҳ тўнка! Ҳа-ҳа, Дерюшеттани севмайсанми ҳали! Сенга нима бўлди ўзи, ҳеч тушунолмайд қолдим. Ҳа, энди эсимга тушяпти. Ўша кунни мен ҳув анави ерда, бурчакда ўтирувдим, Дерюшетта: «Бу ишни бажарган одамга тегаман», — деган эди. Гап шундай экан, у сенга тегади! Ҳа-ҳа, ҳали Дерюшеттани севмайман дегин! Ё сен ақлдан озгансан, ё мен. Хўш, нега тўнкага ўхшаб миқ этмайсан? Тушунсанг-чи, ахир, бу қип-қизил бемаънилиқ-ку, шунча ишларни қилиб: «Дерюшеттани севмайман!» — деб ўтирсанг-а! Ахир, бировнинг жаҳлини чиқаргани унга яхшилик қилмайдилар-ку! Шунни билиб қўй, агар сен унга уйланмасанг, у қари қиз бўлиб ўтираверади. Бундан ташқари, сен менинг ўзимга ҳам кераксан. Дюрандининг лоқмани бўласан. Мени энди тинч қўяди деб ўйлаётган бўлмагин тагин? Асло, ҳеч қанақа гап-пап сиғмайди, жон болам, мен сени қўймайман. Энди қўлимга тушдинг, тамом. Ҳеч нимани эшитишни ҳам истамайман. Сендақа денгизчинини қаердан топиб бўлади. Сен меникисан. Гапирсанг-чи, ахир, сендан ҳам бир калима оўз чиқади-ми ўзи?

Қўнғироқ товуши уйдагиларни, қўни-қўшниларнинг барини оёққа бостирганди. Дус билан Грас ўринларидан сапчиб туриб, эсанкираб, индамайгина папки қаватдаги залга кириб келишганди. Грас қўлида ёқиглиқ шам тутиб турарди. Шаҳар аҳолиси, денгизчилар, деҳқонлар, югуриб чиққан қўшнилар қирғоқда уймалашинишарди. Улар ҳайратланиб, қайиқда турган Дюрандининг мўриси кўздан кечиришарди. «Довюрақлар қароргоҳи»нинг қўйи қаватидаги залдан келаётган месс Летьерининг овозини эшитган баъзи бировлар шарпа чиқармай, залнинг ярим очиқ эшигидан ичкарига киришарди. Бу текин томошадан журуқ қолмаслик учун сьер Ландуа икки ғийбатчи аёл орасидан қисилиб олдинга ўтиб олди.

Бундай улкан қувончни нишонлаш учун гувоҳлар бўлиши керак. Қувонч кўпчилик билан янада кучаяди. Илтифоқо месс Летьерининг кўзи атрофида тўпланган халққа тушиб қолди. У қувонч билан:

— Э, келинлар, марҳамат! Беҳад хурсандман. Янгиликдан хабарларингиз борми? Жильят у ёқда бўлиб, мана буни олиб келибди. Келинг, сьер Ландуа, саломат-мисиз! Ҳали кўзимни очиб улгурмасимданоқ, пароход

мўрисини кўриб қолдим. Қарасам, деразам ортида турибди. Бирон ерига зиён етмабди, бут-бутун. Наполеоннинг расмини кўз-кўз қилишади; менингча, Дувр қояларида жанг қилиш Аустерлицдан кўра оғирроқ бўлса керак. Биз энди уйқудан бош кўтардик. Биз ҳали маст уйқуда ётганимизда Дюранда бу ерга келиб бўлибди. Биз тунги қалпоғимизни кийиб, шамни ўчириб, уйқуга кетган чоғимизда, баъзи бировлар қаҳрамонлик кўрсатади. Баримиз бир тўда қўрқоқлар ҳамда ишەқмас дангасалармиз, бодим бор, у ерим оғрияпти, бу ерим оғрияптидан нарига ўтолмаймиз. Бахтимизга, оламда довиюрак, ҳеч нарсадан тап тортмайдиган одамлар бор экан. Бу довиюрак, абжир кишилар бориш лозим бўлган ерга борадилар, қилиш лозим бўлган ишни бажарадилар. «Чек-кадаги уй»лик азамат Дувр қояларидан соғ-саломат қайтибди. У денгиз қаъридан Дюрандани юлқиб олибди, бунинг устига, жаҳаннамдан ҳам чуқурроқ бўлган Клубеннинг киссасидаги пулларни қўшиб олиб келибди. Бу ишларни қандай қойил қилдинг? Ахир бари бало-қазолар: бўрон ҳам, сув кўтарилиши ҳамда қайтиши ҳам, ҳамма-ҳаммаси сенга қарши журашган-ку! Сени бекорга жодугар дейишмас экан. Шундай деб вайсаб юрганлар унчалик аҳмоқ кишилар эмасакан. Дюранда соғ-саломат қайтди. Бўрон қанчалик қутурмасин, у кемани бўроннинг панжасидан тортиб олибди. Дўстлар, сизларга айтсам, энди кемам ҳалокатдан қутулди. Мен механизмларни кўздан кечириб чиқдим. Машина яп-янгидай турибди, ҳеч ери лат емаган, ўзларинг бир ўйлаб кўринглар-а, қандай ажойиб иш бу! Ҳамма қисмлари жой-жойида, ҳатто паррақларигача бус-бутун! Йўқ, йўқ, сен унга уйланасан, вассалом!

— Кимга! Машинагами?— деб сўради сьер Ландуа.

— Йўқ, қизимга. Машинага ҳам. Иккаловига. У менга қўш куёв бўлади. У жемага капитан бўлади. Худонинг паноҳига топширдим, капитан Жильят! У янги Дюрандадан мамнун бўлади. Яна ишни йўлга қўямиз, савдони бошлаб юборамиз, ҳўкиз, қўйлар ташиймиз. Мен Сен-Сансонни Лондонга алмашмайман. Мана шуларнинг ҳаммасига сабабчи бу йигит. Мўъжиза, худо ҳақи, мўъжиза! Шанба кун бу гапларнинг ҳаммасини Можер отанинг газетасида ўқийсиз. Жильят жодугар, чинакам жодугар экан. Э, манави нима? Олтин тангаларми?

Летьери қопқоғи ярим очиқ қутичадаги ярқираб тур-

ган олтин тангаларни эндигина пайқаган эди. У қутичани қўлига олиб, ундаги нарсаларни кафтига тушириб, бир сиқим олтин тангани столга қўйди.

— Бу камбағалларга. Сьер Ландуа, манави пулларни менинг номимдан Сен-Сансон коннетаблига бериб қўясиз. Рантеннинг хатидан хабарингиз бордир-а? Хатни сизга кўрсатгандим, мана ўша банка билетлари. Энди эман ва қарағай сотиб олишга ҳамда дурадгорларга беришга етарли пулим бор. Уч кун илгариги об-ҳаво ёдингиздами? Кучли бўрон бўлиб, роса жала қуйганди-я! Осмон гўё ерни тўпга тутган эди. Дувр қоялари Жильятни ана шундай зиёфат қилган. Бу машинани қоялар чангалидан тортиб олишга Жильятга халал беролмади, девордаги соатни осонгина туширгандай бажарди бу ишларни. У туфайли мен яна одам қаторига кириб қолдим. Муҳтарам жаноблар, Летьери отанинг кемаси яна қатнай бошлайди. Писта пўчоғидай енгил, тез юрар кема қуриш менинг хаёлимни тамоман банд этганди. Мен ўзимга-ўзим: албатта бунга эришаман, деб юрардим. Бу фикр менда аллақачонлар туғилганди. Париждалигимдаёқ, Христина ва Дофина кўчалари бурчагидаги қаҳвахонада газета ўқиб ўтирарканман, пароход ҳақидаги хабарга кўзим тушиши биланоқ миямга шу фикр келганди. Жильят Марлидаги машинани камзули чўнтагига солиб, сайр қилиб юрибди десалар, ҳеч шубҳаланмай ишонсангизлар ҳам бўлаверади. Ахир, бу азамат темирдек тобланган, пўлатдек мустаҳкам, суяги денгизда қотган, ажойиб темирчи, тенги йўқ бир йигит экан! Шаҳзода Гогенлоэнинг унга етишига йўл бўлсин! Эҳ, донишманд Жильят, биз у билан икки дунёда тенглашолмаймиз! Сиз билан биз киммиз ўзи?— Денгиз бўрилари, Жильят бўлса денгиз арслони, ҳа, ана шунақа одам у! Яшасин Жильят! Денгизда унинг нималар қилганини аниқ билмайман-у, аммо бетиним тер тўжиб ишлагани муқаррар. Шундай бўлгач, мен нега Дерюшеттани унга бермас эканман?

Дерюшеттанинг залга кириб келганига бир неча дақиқа бўлганди. У чурқ этмай, шарпа чиқармай, худди соядек кириб келганди. Дерюшеттанинг ичкари кириб, Летьерининг орқасидаги стулга бориб ўтирганини ҳеч зор пайқамай қолди, қаддини роз тутиб турган Летьери эса орзи-қулоғига етиб, лаби-лабига тепмай, уйни ларзага келтириб дўриллаб, қўлини пахса қилиб бетўхтов гапи-

рарди. Орадан бир нафас ўтар-ўтмас аллаким пайдо бўлди, у ҳам чурқ эпмас, эгнида сюртук, бўйнида оқ галотук, шляпаси эса қўлида эди. У қия очиқ эшик олдида тўхтади. Хонадаги оломон тобора ортиб бормоқда. Ёғду сочиб турган шамлар анча кўпайиб қолди. Бу шамлардан таралаётган ёғду сюртук кийган кишини ён томондан ёритиб турарди; йигитнинг чиройли оппоқ қиёфаси медалга зарб қилинган суратдек яққол кўзга ташланарди; йигит пешонасини ушлаганича эшик ёндорига суяниб қолганди; кенг пешонасини ушлаб турган нозиккина қўлининг ҳар бир ҳаракатида қанчалар латофат борлигини ўзи ҳам билмасди. Қимтилган лаблари бурчида ғамгинлик аломати бўлган чизикчалар пайдо бўлганди. У Летъерига тикилиб турар, унинг гапларини диққат билан тингларди. Хонадагилар Эбenezер Кодрени—қавм руҳонийсини таниб қолиб, уни олдинга ўтказиб юбориш учун ўзларини четга олиб, йўл беришди-ю, ammo у остонада тураверди. Унинг ҳолатидан иккиланаётгани, нигоҳидан эса бир нарсага қатъий аҳд қилгани сезилиб турарди. Ора-сира унинг кўзлари Дерюшеттанинг кўзлари билан тўқнашиб қоларди. Жильят эса тасодифанми, ё жўрттагами, қоронғироқ жойда турар, ҳеч ким кўролмасди уни.

Дастлаб месс Летъери Эбenezер жанобларини пайқаманган бўлса ҳам, Дерюшеттани кўриб қолди. У қизга яқинроқ бориб, оталарча меҳр билан унинг пешонасидан ўпди-да, қўлларини Жильят турган қоронғи бурчак томон чўзиб:

— Дерюшетта, сен яна бадавлат бўлиб қолдинг, ма-на сенинг эринг,— деди.

Дерюшетта бошини кўтариб, саросималанган ҳолда қоронғи бурчакка тикилди.

Месс Летъери сўзида давом этди:

— Тўйни тезда, агар рухсат ололсак, эртагаёқ бошлаймиз; биздаги тартиб-қоидаларнинг қанақалигига тушуниб ҳам бўлмайди, декан нимани хоҳласа шуни қилаверади, кўз очиб-юмгунингча нижоҳлаб кўяди, ахир бу ер сизга черков расм-русмларини ўрнига қўйиб қилинадиган Франция эмас-ку. Сен софдил, ҳалол одамнинг хотини бўлганинг билан фахрланиб юрасан. Унинг қанақа денгизчилигини гапириб ўтирмаса ҳам бўлади, Эрм оролидаги кичкина тўпни олиб келган маҳалидаёқ унинг қандай денгизчи эканини билиб олгандим. Энди бўлса

у Дувр қоялари чангалидан ўзининг ва менинг бойлигимни, қолаверса бутун ўлжанинг бойлигини олиб келди; ҳали шундай кун желадики, бу одамнинг номи ҳамманинг тилида доғгон бўлади. Сен ўша вақтда: «Машинани олиб келган одамга тегаман», деган эдинг, энди шундай қиласан; насиб этса бола-чақали бўласизлар мен, эсам бува бўлиб қоламан. Бахтинг бор экан, қизим, ишбилармон, ишчан, бошқаларнинг юзтасига арзийдиган, бировнинг машинасини ҳалокатдан қутқарадиган ажойиб одамга тушадиган бўлдинг. Инсон зотининг чинакам валинеъмати бу одам! Ҳар ҳолда, сен бу ердаги бадавлат хонадонларнинг калондимоғ қизларидек аллақандай жанжалкашга ёки бирон руҳонийга, бировни нобуд қиладиган ёки тилёғлама одамга тепмайсан. Намунча бурчакка қапишиб олмасанг, Жильят? Сени мундоқ кўриб ҳам бўлмайди-я! Дус, Грас, бу ёққа келинглар! Шам келтиринг, шам! Шамни куёвимга тутинглар, у худди куппа-кундузидагидек ҳаммага кўриниб турсин. Жигаргўшаларим, мен сизларга оқ фотиҳа бердим, қўша қаринглар. Дерюшетта, манави «Чеккадаги уй»лик оқкўнгил йигит, матросларнинг матроси Жильят сенинг эринг, менинг куёвим. Менга бошқа куёв, сенга бошқа эр керак эмас, бунга худо олдида яна бир бор қасам ичаман. Э, руҳоний жаноблари, сиз ҳам шу ерда экансиз-ку! Жуда ооз, болаларимни никоҳлаб қўясиз.

Месс Летьери Эбенезер Кодре тақсирларига тикилди.

Дус билан Грас ўз хўжаларининг амрини бажо келтирдилар. Столга олиб келиб қўйилган икки шам Жильятни бошдан-оёқ ёритиб турарди.

— Вой-бўй, бунинг гўзаллигини қаранг-а! — деб қичқириб юборди Летьери.

Жильятнинг қиёфаси эса жуда даҳшатли эди.

Уст-бошининг увадаси оққан, билаклари шилинган, соч-соқоли патила-патила бўлиб ўсиб кетган, қовоқлари шишган, кўзлари қизарган, юзлари ёрилиб тирналган, қўллари қон талашиб кетган, оёқ яланг — саҳар чоғи у Дувр қояларидан шу ҳолатда йўлга чиққанди. Елдор қўлларисидаги саккизоёқ сўриб дўмбира қилиб юборган пуфакчалар ҳануз йўқолмаганди.

Летьери уни бошдан-оёқ кўздан кечираркан:

— Мана, менинг куёвим қанақа йигит экан! Денгиз билан роса олишибди-да: кийимлари ҳам қийма-қийма бўлиб кетибди-я! Яғринини қаранг, яғринини! Кафтлари-

ни айтмайсизми, кафтларини! Заб келишган йигит экан-сан-ку!

Грас югуриб бориб, Дерюшетганинг шилқ этиб тушган бошини ушлаб қолди. Дерюшетта ҳушдан кетганди.

II

САНДИҚЧА

Қаллаи саҳарлаб бутун Сен-Сансон оёққа босганди; Сен-Пьер порти аҳолиси ҳам шу томон оқмоқда. Ҳалокатга йўлиққан Дюранданинг қайта тирилиши оролда шов-шув кўтарилишига Франциянинг жанубидаги Салета мўъжизасидан кўра ортиқроқ таъсир кўрсатган эди. Қирғоқда оломон уймалашарди; одамлар қайиқда кўкка буй чўзиб турган мўрини ўз кўзлари билан кўргани тўпланишган эди. Уларнинг ҳар қайсиси машинага яқинроқ боришга, ҳеч бўлмаганда уни пайпаслаб ушлаб кўришга интиларди; аммо кундузи машинани яна бир қара кўздан кечирган Летъери қайиққа икки матросни қоровул қилиб қўйиб, ҳеч кимни яқин йўлатмасликни буюрганди. Шундай бўлса-да, мўрининг ўзи ҳам кўришга арзигулик нарса эди. Ҳайратдан ҳамманинг оғзи очилиб қолганди. Ҳамманинг оғзида Жильят. Одамлар унинг жодугар деган лақаби ҳақида баҳслашар, ҳақиқатан ҳам унга тўғри лақаб берилган экан дейишарди; унинг шаънига айтилган мақтовлар аксарият: «Қўлидан бунақа ишлар келадиган одамларнинг оролимизда яшаши яхшиликка олиб бормади, бунинг хосияти йўқ», деган сўзлар билан тугарди.

Месс Летъерининг ичкарида, дераза олдидаги стол ёнида ўтириб алланималар ёзаётгани, ёзув орасида машинага қараб-қараб қўяётгани кўчадан кўриниб турарди. Летъери ёзувга жуда берилиб кетганди, у фақат бир нафасгагина ишини қўйиб, Дусни чақирди-да, Дерюшетганинг аҳволини сўради. Дус: «Хоним ўринларидан туриб, ташқарига чиқиб кетдилар», деб жавоб берди.

— Жуда соз, майли, бир оз соф ҳавода юрсин,— деди месс Летъери.— Кечасидаги дим ҳавода сал тоби қочган. Хонада одам жуда кўпайиб кетганди, деразалар бўлса берк эди. Бунинг устига, кутилмаган хурсандчилик бўлди-да ўзиям! Эри ҳам ҳамманинг ҳаваси келадиган эрда ўзи!

Шундай дея у яна ёзувга жиришиб кетди. У Бремен-

даги энг машхур кема тузатувчи корхоналар хўжайинлари номига иккита хат ёзиб, конвертга солиб елимлади. Сўнгра учинчисини ёзишга киришди.

Қирғоқ томондан эшитилган гилдирак товушлари уни бошини кўтариб қарашга мажбур этди. У деразадан кўчага қараркан, «Чеккадаги уй»га олиб борадиган йўлнинг бурилишидан аравача гилдиратиб чиққан болага кўзи тушди. Бола Сен-Пьер порти томон борарди. Аравачада сариқ чарм қопламали, мис ва қалайи михлар қоқиб безатилган сандиқча бор эди.

Месс Летъери болага қичқирди:

— Қаяққа кетяпсан, бола?

Бола тўхтаб, жавоб берди:

— «Кашмир»га.

— Нимага?

— Манави сандиқчани олиб кетяпман.

— Ма, манави хатларни ҳам олиб кет бўлмаса.

Месс Летъери стол тортмасини очиб, ундан каноп олди-да, ҳозиргина ёзиб бўлган хатлари солинган учта конвертни боғлади, кейин уни бола томон иргиттанди, бола икки қўллаб илиб олди.

— «Кашмир»нинг капитанига бу хатлар меники эканини айтиб қўй, эҳтиёт қилсин. Бу хатларни Лондон орқали Германияга, Бременга жўнатяпман.

— Мен капитан билан гаплашолмайман, месс Летъери.

— Нимага?

— Чунки «Кашмир» ҳозир қирғоқда эмас.

— Нега?

— У рейдда турибди.

— Э, ҳа, тўғри. Денгиз безовталана бошлаган-а, айтгандай.

— Кемадан қирғоққа қайиқ юборишади; мен фақат ана ўша қайиқдаги эшкакчиларнинг катгаси билан гаплашишим мумкин.

— Хатларни ўшанга бера қол бўлмаса.

— Хўп бўлади, месс Летъери.

— «Кашмир» қачон жўнаркан?

— Ун иккида.

— Тушда сув кўтарилиши бошланади. Тўлқинларга қарши сузишга тўғри келади унда.

— Шундай бўлса ҳам, қулай шамол эсяпти-да.

— Анавини кўряпсанми, бола?— деб сўради месс

Летъери қўли билан машина мўриси кўрсатиб.—У шамолни ҳам, сув кўтарилишини ҳам сира писанд қилмайди.

Бола хатларни чўнтагига солиб, аравачасини шаҳар томон филдиратиб кетаверди. Месс Летъери эса:

— Дус, Грас!— деб чақирди.

Грас эшикни қия очиб қараб:

— Нима дейсиз, месс?— деб сўради.

— Бу ёққа кириб, бирпас кутиб тур.

Месс Летъери бир варақ қоғоз олиб, ёза бошлади. Мабодо хат ёзаётган Летъерининг орқасида турган Грас ҳар нарсага қизиқадиган синчков аёл бўлганида, бўйинни чўзиб, хўжайини елкаси оша қуйидагиларни ўқиган бўларди:

«Мен Брементга ёғоч ҳақида хат ёздим. Қун бўйи иш юзасидан желишиб олгани келган дурадгорлар билан банд бўламан. Кема қуришни жуда тезлатиб юборамиз. Сен рухсат олгани деканнинг ёнига бор. Тўйни иложи борича тезроқ, яхшиси, шу бугуноқ ўтказишни истардим. Мен ҳозир Дюранда билан бандман. Дерюшеттага ўзинг кўз-қулоқ бўласан-да, энди».

Остига числони қўйиб, «Летъери» деб имзо чекди-да, чол хатни тўрт буклаб, конвертни ҳатто елимламаёқ Грасга узатди.

— Жильятга олиб бориб бер,— деди у.

— «Чеккадаги уй»гами?

— Ҳа.

«КАШМИР»НИНГ ЖЎНАБ КЕТИШИ

I

ЧЕРКОВ ЁНИДАГИ КЎРФАЗЧА ЕҶАСИДА

Сен-Сансон гавжум бўлса, Сен-Пьер порти ҳувиллаб қолади. Оролнинг бирон қисмида сал қизиқарлироқ воқеа содир бўлиб қолса, оҳанрабо ўзига тортаётгандек, ҳамма ўша ёққа оқади. Ҳар қандай хилват жойдаги янгилик бир зумда оролнинг бурчак-бурчакларига ча етиб боради; эрта саҳардан бошлаб ҳар бир гернсөйликнинг фикри-хаёли жесс Летьерининг деразаси қаршида кўкка бўйи чўзиб турган Дюранда мўрисини бориб кўриш эди, бундан ўзга ҳеч нарса кўзларига кўринмасди. Сент-Асаф деканининг вафоти ҳақидаги гап-сўзлар ҳам, Эбенезер Кодре ҳақидаги, унинг кутилмаганда бойиб қолиши ва «Кашмир»да жўнаши ҳақидаги баҳс-мунозаралар ҳам ҳамманинг ёдидан жўтарилиб кетганди. Ҳамманинг оғзида Дувр қоялари қаъридан қутқариб олиб келинган Дюранда машинаси. Ҳеч ким бунга ишонмасди. Ҳатто пароходнинг ҳалокатга учрашининг ўзи одамларга ғалати, фавқулодда бир ҳол бўлиб туюлган, машинанинг қутқариб олиб келиниши эса мўъжизага ўхшарди. Бунга ишонмоқ учун уни ўз кўзлари билан кўришлари керак эди. Ҳамма бошқа ишларини бир чеккага йиғиштириб қўйди. Шаҳарликлар — «қўшни»дан тортиб «меос»гача — бола-чақалари билан: эркаклар, аёллар, жентльменлар, оналар болаларини етаклаган, болалари эса қўғирчоқларини жўтариб олган ҳолда Сен-Пьер портидан барча атрофдаги йўллардан турна қатор тизилишиб «ажойиб мўъжизани» кўргани «Довюраклар қароргоҳи» томон боришарди. Сен-Пьердаги дўконларнинг аксарияти зулфинига қулф урилган; савдо расталарида

ҳаёт тўхтаган: на бирон нарса сотиларди, на харид қилинарди; ҳамманинг диққатини Дюранда жалб этган; биронта ҳам савдогар «бай очолмади», фақат биргина заргар, ўзи ҳам ажаблангани ҳолда, аллақандай бир кимсага олтин никоҳ узуги сотди, бу хариддорнинг ҳам жуда шошилаётгани кўриниб турарди, у декан қаерда туради, деб сўради. Очиқ дўконларнинг олди эса олағовур, ҳамма овозини барала қўйиб қутқариб олиб келинган машина ҳақида мунозара юритарди. Нима учун Кэмбриж деб аталгани ҳозир номаълум бўлган Иврез боғида қимир этган йўловчи кўринмасди. На ўша пайтларда Бош кўча деб аталмиш Гай-Стритда, на илгарилари Темирчилик кўчаси деб аталадиган Смит-Стритда тирик жон зоти бор; Юқори шаҳарда, ҳатто шаҳар майдонида ҳам ҳеч зог йўқ, ҳамма ёқ ташландиқ уйдек ҳувиллаб ётибди.

Бугун худди якшанбага ўхшайди. Шаҳарга ташриф буюрган бирор малика шарафига Анкресда ҳарбий парад уюштирилганида ҳам Сен-Пьер бунчалик бўшаб қолмасди. Жильят деган бир қашшоқ одам ҳақидаги шов-шув муҳтарам аслзодаларни ҳайратга солганди.

Сен-Пьер портидаги черков гаваннинг кичикарисида, пристаннинг нақ ёқасида қад кўтарган. У оролда келувчиларни салом билан қарши олади, сафарга жўновчиларга оқ йўл тилаб қолади. Бу черков океан бўғили бўйлаб, чўзилиб кетган шаҳар биноларидан бўлган лавҳанинг бош ҳарфига ўхшайди.

Бу Сен-Пьер порти қавмининг бош черкови, шунингдек у оролдаги барча черковларга раҳнамлик қилади. Бу черковга чегараланмаган ваколатга эга бўлган руҳоний, епископнинг нойиби бошчилик қилади.

Гаваннинг ўзи ҳозирги кунда гўзал манзарали, кенг бир порт, у вақтларда эса, ҳатто бундан ўн йилча муқаддам, кўп жиҳатдан Сен-Сансон портидан анчагина ортда эди. Гаванни ҳар икки томондан соҳил бўйлаб баҳайбат деворлар ўраб турар, бу деворлар бир-бирига деярли туташай деб қолган ерда оппоқ маяк минораси қад кўтарганди. Маяк минораси остидан кемалар кириб чиқадиган торгина бўғоз бор эди. Бу баҳайбат деворларнинг бир қисми ҳозирга қадар сақланиб қолган. Қисқичлари юмилиб қолган денгиз қисқичбақасининг қисқичини бир кўз олдингизга келтириб кўринг! Сен-Пьер порти гавани худди ана шундай манзара касб этарди.

Бу қисқичлар бепоён сув даштликлари бағридан бир бўлак денгизни ажратиб олиб, уни жиловлаб қўйганди. Шунда ҳам шарқдан шамол турган чоғларда гаванга кирверишда асов тўлқинлар қутурар, гаван чайқала бошлар, бундай пайтларда у ерга кирмаган маъқулроқ эди. «Кашмир» ҳам ўша куни шундай қилганди. У лангар ташлаб, рейдда турган эди.

Шамол турган маҳалда кемалар бажонидил шундай қилгишар, чунки улар порт божидан қутулишарди. Шаҳар маъмурларидан рухсат олган, янги порт учун керак бўлмай қолган эпчил денгизчилар пристань ёки қирғоқнинг бошқа бирон еридан йўловчиларни қайиқларга ўтқазиб, уларни кўпинча денгиз қутуриб, ўзини ҳар ёққа ташлаётган пайтларда, сафарга ҳозир турган кемаларга юк-пуклари билан бирга соғ-саломат олиб бориб қўядилар. Шарқдан, биқиндан эсадиган шамол кемаларнинг Англияга томон сузиб боришига қўл келади, чунки бундай пайтларда тўлқинлар кемани юқорига итқитмай, биқиндан тебратиб, унинг сузишини енгиллатади.

Агар жўнай деб турган кема портнинг ўзида бўлса, сафарга жў овчилар шу ернинг ўзидаёқ унга чиқадилар, башарти кема рейдда турган бўлса, одамлар қирғоқнинг кема лангар ташлаб турган энг яқин жойидан қайиқда ўтишлар. Истаган қўлтиқда «эркин қайиқ» кира қила олась.

Черков нидаги кўрфазча ҳам ана шунақа жойлардан бири эди. Бу кичкинагина кўрфазча Сен-Сансонга жуда яқин бўлиб, шунақанги хилват жой эдики, гўё шаҳар бу ерда олис-олислардага ўхшарди. Георгий кўрғони жойлашган қоялар бу сокин кўрфазчани тўсиб турар, шунинг учун ҳам у бир чеккада қолиб кетгандек кўринарди. Кўрфазчага олиб борадиган сўқмоқлар беҳисоб; энг қисқаси қирғоқ бўйлаб боради, бу сўқмоқнинг яхши томони шу эдики, беш минутда шаҳарга ҳамда черковга борса бўларди, ноқўлай томони эса тўлқинлар уни бир кунда икки мартаба кўмиб юборарди. Бошқа сўқмоқлар гоҳ тик қоялар бўйлаб кўтарилиб, гоҳ пастга тушиб, даралар бўйлаб илон изи бўлиб буралиб-буралиб кетади. Ҳатто куппа-кундузлари ҳам кўрфазча атрофи ярим қоронғи, ғира-шира бўлади. Уни чор атрофдан улкан қоялар қуршаб олган. Тик қояларда ўсган тиканли буталар қоя ён бағирларига, улар пойини чўқилаб қоцаётган тўлқинларга ола-чалпоқ кўланка ташлаб тура-

ди. Ҳаво тинч пайтларда оламда бу кўрфазчадан осойиштароқ, бўрон вақтларида эса ундан асовроқ нарса бўлмаса керак. У ердаги бута шохлари кўпикларга чўмилгани-чўмилган. Баҳор кезлари бу жой гулларга чўмади, ҳамма ёқни парранда инлари босиб кетади, атроф анвойи бўйлар таратади, қушлар чақчақлаб наво қиладди, асаларилар, пашшалар гужгон ўйнайди. Яқингинада бўлган қурилишлар оқибатида бунақа сўлим жойлар, осойишта бурчаклар қолмади, энди унақа жойларни тушингизда ҳам учратолмайсиз; энди улар ўрнини текис кўчалар, қаторасига кетган гиштин иморатлар, қирғоқ қурилишлари эгаллаган, хиёбонлар барпо этилган; бу ерларга ер қазувчилар анча-мунча тер тўккан; кишилар тоғ ва қаҳрли қояларнинг ажойиб манзарасини ўз дидларига мослаб ўзгартганлар.

II

СЕВИШГАНЛАР ҚИСМАТИ

Эрталаб соат ўнга яқин, гернсейликлар ибораси билан айтганда «чорақ кам ўн» эди.

Сен-Сансондаги оломон тобора кўпаймоқда, чор атрофдан одамлар оқиб желмоқда эди. Ҳангаматалаб аҳоли оролнинг шимолига томон борар, шу сабабли жанубда жойлашган кўрфазча янада ҳувиллаб кимсасиз бўлиб қолганди.

Шунга қарамай, у ерда бир киши ўтирган қайиқни кўриш мумкин эди. Қайиқда саквояж ётарди. Афтидан, бу киши бировни кутаётган эди.

Лангар ташлаб рейдда турган «Қашмир» ҳам кўришиб турарди. У тушга бориб йўлга тушади, шунинг учун ҳам сафар ҳозирлиги бошланганича йўқ.

Агар бирор йўловчи пиллапоясимон сўқмоқ бўйлаб қояга кўтарилиб қулоқ солса, аста-аста пичирлашаётган товушни эшитар, мабодо қоянинг туртиб чиққан ерига ётиб, бошини олдинроққа чиқариб синчиклаб қараса, қайиққа яқин жойда, қайиқда ўтирган кишига тескари бўлган қуюқ буталар орасида турган икки кимсани, бир эркак билан унинг ёнидаги аёлни — Эбenezер билан Дeрjюшeттани кўрарди.

Денгиз соҳилларидаги чўмилиувчи қизларни ўзига кўпроқ жазб этадиган бундай буталарга бурканган хил-

ват жойлар ҳамма вақт ҳам сиртдан кўрингандек ким-сасиз бўлавермайди. Баъзан бу ерлардан сизни кузатадилар, махфий гапларингизни эшитиб оладилар. Бировнинг кўзи тушиб қолмасин деб пасқам жой изловчи одамларни кузатиш қийин эмас, бу хилватгоҳларга олиб борадиган қуюқ бутазорларни оралаб кетган чалкаш сўқмоқлар боҳисоб. Хуфия учрашувларни яшириб турувчи қояю қуюқ дарахтлар бу учрашувнинг шоҳиди бўлган кимсани ҳам ўз қаноти остига олади.

Дерюшетта билан Эбенезер қўл ушлашиб, бир-бирозларининг кўзларига термулиб туришарди. Дерюшетта оҳиста сўзлар, Эбенезер эса жимгина қулоқ соларди. Унинг кўзларида милт-милт ёш йилтирарди.

Эбенезернинг хушрўй чеҳрасига қайғу ва ҳажр доғи соя ташлаганди. Унинг чеҳрасида тақдирга тан бериш — диннинг туб моҳиятидан келиб чиққан бўлса-да, унга душман бўлган итоатгўйлик аломатлари намоён эди. Бу хютиржам, ранги тиниқ ёноқларга дарду алам хира кўлапка ташлаганди. Шу кунга қадар фақат дин ақидалари ҳақидагина мулоҳаза қилиб, ундаи бошқа нарсани хаёлига келтирмай юрган одам эндиликда ўз тақдирини ҳақида ўйларди, ўйга толиш, иккиланиш эса руҳоний учун хавотирли бир ҳолат. У эътиқодни, динни барбод этади. Ҳеч бир нарса номаълум келажакка, мавҳум тақдирга мажбуран тан бериш, итоатгўйлик билан бўйин эгишдек кишини довдиратиб қўя олмайди, унчалик хижолатга сололмайди. Инсон — шаронт, замон жафоаларини елкасида кўтарадиган жафокаш. Ҳаёт — оқар дарё; биз унга итоат қиламиз, бўйин эгамиз. Биз хиёнаткор, мудҳиш тасодифлар оёғимиздан чалмоқчи бўлиб қаерда писиб турганини билмаймиз. Гоҳ фалокатлар йўлимизни тўсади, гоҳ омадимиз келиб роҳат-фароғатда даври-даврон сурамиз, аммо булар театр сахнасидаги персонажлардай қўққисдан ғойиб бўлади-қолади. Бу ҳолатларнинг ўз қонун-қондаси, ўз камолоти — чўққиси, ҳаракат йўллари, ўзаро тортишув қонунлари бор, бу қонун-қондалар инсон эрк-иродасига бўйин эгмайди. Саҳоватлилиқ бахтиёрликка олиб боролмагандек, жиноят бахтсизликка йўлиқтиравермайди; виждоннинг йўл-йўриғи, манитқил бошқа, тақдирники бошқа; улар бир-бирозларига мутлақо ўхшамайдилар, мос тушмайдилар. Ҳеч нимани олддан билиб, башорат қилиб бўлмайди. Кундан-кунга ташвишимиз ортади, ўзимиз билан ўзимиз

овора бўлиб қоламиз. Виждон — тўппа-тўғри бир кўча, ҳаётнинг эса айлана жин кўчалари кўп, у қуюндек бир гап. У одамларни ҳар мақомга солади, дам тўсатдан инсон бошига маломат тошларини ёғдиради, дам суюб-эркалаб манглайини силайди. Тақдир аста-секин одимлашни билмайди. Баъзан қисмат ғилдираклари шундай тез айланадики, нима бўлаётганини, ҳодисалар кетидан келиб чиқаётган ҳодисаларни, кечагиси билан бугунгисининг қандай алоқаси борлигини одам ажрата олмай қолади. Эбenezер диндор бўлса ҳам мулоҳаза юритишга мойилроқ йигит; ўзи руҳоний-ку, бироқ серзавқ одам эди. Бўйдоқликни тарғиб қилувчи дин аҳллари нима қилаётганларини биладилар, тушунадилар. Руҳоний учун аёл кишини севиб қолишдан кўра ортиқроқ мусибат йўқ, бу ҳол уни ҳалокатга олиб боради. Бундай қайғули фикрлар Эбenezернинг кўнглини ғаш қилиб қўйганди.

У Дерюшеттага узоқ тикилиб қолди.

Улар бир-бировларига сўқланиб туришарди.

Эбenezернинг кўзларида аламли севги нурлари порларди.

Дерюшетта сўзларди:

— Сиз кетмайсиз. Мен бу жудоликка чидолмайман. Биласизми, сиз билан бемалол ажралиша оламан деб ўйловдим, йўқ, ажралолмас эканман. Қўлингдан келмаганини қилолмас экансан киши. Кеча боққча нега келдингиз-а? Кетмоқчи экансиз, келмаганингиз тузук эди. Мен сизни севардим, аммо буни тушуниб етмагандим. Рост, Эрод жаноблари Ревекка қиссасини ўқиб берган куни кўзларимиз тўқнашганида ёноқларим ловиллаб кетгандек бўлувди, шунда: «О, Ревекканинг бетлари ҳам лоладек қизариб кетган бўлса керак», деган фикр хаёлимдан ўтганди. Мабодо менга ўтган куни: «Сиз қавм руҳонийсини севасиз», десалар, хандон уриб кулиб юборган бўлардим. Менинг севгимнинг энг даҳшатли томони шунда. Бу борада хиёнат содир бўлганга ўхшайди. Мен бу севгидан ўзимни сақлаб қололмадим. Черковга қатнадим, сизни юриб юрдим, ҳамма ҳам шундай қиладику, бу ҳам бир одат бўлса керак-да, деб ўйладим. Йўқ, мен сизга таъна қилаётганим йўқ, сиз менинг муҳаббатимни қозонишга ҳаракат қилмадингиз, интилмадингиз; сиз менга нигоҳ ташлаб қўярдингиз, бироқ одамларга қарашингиз сизнинг айбингиз эмас, аммо мен сизни қал-

бимда ардоқлай бошладим. Бу нарса ҳатто хаёлимга ҳам келмаганди. Сиз тавротни қўлга олганингизда кўз ўнгимда машъала бўлиб порларди; бошқалар шундай қилганида эса таврот оддий бир китоб бўлиб кўринарди. Баъзан менга тикилиб қолардингиз. Шунда фаришталар ҳақида гапирардингиз, менга эса сизнинг ўзингиз фаришта бўлиб кўринардингиз. Нимаки деманг, мен ҳамма сўзларингизга қўшилардим. Сиз келгунча худога ишонардимми, йўқми, ўзим ҳам билмасдим. Сизни таниб-билиб художўй бўлиб қолдим. Мен Дуога доим: «Тезроқ кийинтир, бўлмаса тушки ибодатдан кеч қоламан!», дердим. Кийинардим-у, черковга югурардим. Севги ана шунақа бўларкан! Мен бўлсам бундан беҳабар эдим. Ўзимга ўзим: «Жуда тақводор бўлиб кетяпманми!»— деб қўярдим. Сизнинг сўзларингиздан кейин черковга тангри таолони деб бормаётганимни англадим. Ҳақиқатан ҳам у ёққа сизни деб борарканман. Сиз жуда чиройлисиз, жуда бошлаб гапирасиз. Кўкка қўл чўзганингизда, назаримда, меннинг қалбим сизнинг оппоқ қўлларингизда талпинаётгандек бўлиб туюларди. Мен, ўзим билмаганим ҳолда, ақлдан озаёзгандим. Истасангиз, сизнинг гуноҳингиз нимада эканини айтаман, истайсизми? Кеча боғимга нега келдингиз, нега мен билан гаплашдингиз? Сиз келмаганингизда мен ҳеч нарсадан беҳабар юраварардим. Эҳтимол, илгари сизни кўрмасам ғамга толардим, энди эса сиздан ажралсам ҳазон бўламан. Эндиликда, мен сизни севишимни англаган пайтимда, кетмаслигингиз керак! Нималарни ўйлаб қолдингиз? Гапларимни тингламаётганга ўхшайсиз.

— Ахир, кеча нима деганим ёдингизда бўлса керак?— деб жавоб берди Эбенезер.

— Э-воҳ!

— Мен яна нима ҳам дейишим мумкин!

Икковлари ҳам жим қолишди.

— Меннинг биргина чорам қолди: кетишим керак,— деди Эбенезер овозини баландлатиб.

— Мен унда ҳалок бўлишим керак экан-да! О, оламда денгиз деган нарса бўлмай, биргина осмон бўлганида кошки эди. Унда ҳамма иш жойида бўларди, мен сиз билан бирга жўнаган бўлардим. Мен билан беҳуда гаплашибсиз. Нега бундай қилдингиз-а? Шундай қилган экансиз, энди кетманг. Сизсиз мен қандоқ қиламан, бошимга қандай кунлар тушади? Сизни ишонтириб айта-

манки, побуд бўламан. Сиз ҳаёт лаззатини оурасиз, мен бўлсам қаро ерга кираман. Эҳ, қалбим тилка-пора бўлди! Бахти қароман мен! Ахир, амаким унчалик золим, бағри тош одам эмас-ку!

Дерюшетта Летьерини ҳаётида биринчи бор амаки деганди. Шу кунга қадар уни ота дерди.

Эбенезер бир қадам орқага тисарилиб, қайиқчига ишора қилди. Эшкак дастасининг тошлоқ қирғоқдаги шағал тошларга тегиб шарақлаган товуши, қайиқдаги одамнинг одим шарпалари эшитилди.

— Йўқ, йўқ!— деб қичқириб юборди Дерюшетта.

Эбенезер унга яқинлашди.

— Шундай бўлмоғи лозим, Дерюшетта.

— Йўқ, ҳеч қачон! Машинани дебми? Бу мумкин эмас! Кеча ўша махлуқни кўрдингизми ўзи? Мени ташлаб кетманг. Ақлли одамсиз, бирор чорасини топарсиз. Кетишга аҳд қилиб қўйган экансиз, эрталаб бу ерга мени нега чақиртирддингиз? Ахир, мен сизга ёмонлик қилганим йўқ эди-ку! Аччиғингизни чиқарадиган иш қилганим йўқ-ку! Ростданам шу кемада кетмоқчимисиз? Мен буни истамайман. Сиз мени ташлаб жетмайсиз. Ожиз одамнинг кўзини уни шу ондаёқ яна қайтадан баср қилиш учун очмайдилар-ку! Сизга гапирялман, шу ерда қоласиз. «Кашмир» ҳам ҳали йўлга чиқмайди. О, чин қалбимдан севаман сени!

Дерюшетта ўзини Эбенезерга отиб, бўйнидан маҳкам қучоқлаб олди, қўлларини чалкаштириб худди уни ушлаб қолмоқчига, айни вақтда жўikka илтижо қилаётганга ўхшарди.

Эбенезер бўйнига ҳалқадек чирмашиб олган қўлларни бир амаллаб бўшатди.

Дерюшетта қоя ён бағридаги чирмовгулларга бурканган дўнгликка ўтириб қолди, қўллари беихтиёр шалпайиб тушди, енгини йиғилиб, оппоқ билагини очилиб қолди; жўзлари ҳаракатсиз бир нуқтага тикилганча, ушқунлари сўниб хиралашди. Қайиқ тобора яқинлашмоқда эди.

Эбенезер икки қўли билан Дерюшеттанинг ҳам бўлган бошини эркалаб кўтарди: қиз бевага, йиғит эса қари чолга ўхшаб қолганди. Эбенезер меҳри товланиб Дерюшеттанинг сочларини оҳиста силади, бир лаҳза унга термулиб турди-да, сўнгра қизнинг пешонасидан ўпди, қалби қийма-қийма бўлиб кетаётгандек, аламли титроқ овоз билан: «Алвидо!»— деди.

Дерюшетта ҳўнграб йўнглаб юборди.

Шу пайт улар бировнинг:

— Нега никоҳ ўқитмайсизлар?— деган хотиржам, босиқ овозини эшитиб қолишди.

Эбенезер ўғирилиб қаради, Дерюшетта эса кўзларини кўтарди.

Улар қаршида Жильят турарди.

У бу ерга айланма сўқмоқдан ўтиб келганди.

Ҳозир Жильят улар кеча кечқурун кўрган одамга мутлақо ўхшамасди. Унинг соқол-мўйлови қирилган, сочлари таралган, оёғида кавуш, эғида кенг қайтарма ёқали матросча кўйлак, яп-янги матросча камзул. Жимжилогиди тилла узук ярқираб турибди. У жуда хотиржам кўринса-да, офтобда қорайган юзи остидан мурдадек оқариб кетгани барибир сезилиб турарди.

Унинг юзи ҳам суви йўғрилган бронза ниқобга ўхшаб кетарди.

Эбенезер билан Дерюшетта унга ҳайрат ичра саросималаниб тикилишарди. Гарчи Жильят таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган бўлса-да, Дерюшетта уни барибир таниди. Унинг гапи хаёли оқисларда кезиб юрган ёшларнинг қулогига кирмади, онгига етиб боролмади.

Жильят яна саволини қайтарди:

— Нега видолашняпсизлар? Никоҳ ўқитинглар. Бирга кетасизлар.

Дерюшеттанинг аъзойи бадани қалтираб кетди.

Жильят сўзида давом этди:

— Дерюшетта хоним йўғирма бир ёшда. Унинг ихтиёри ўзида. Амакисн билан нима иши бор. Сизлар бир-бировингизни севасизлар...

Дерюшетта унинг гапини оҳистагина бўлиб:

— Бу ерга қандай келиб қолдингиз?— деб сўради.

— Никоҳ ўқитинглар,— деди яна Жильят.

Дерюшетта унинг сўзлари маъносига энди тушуна бошлади, у:

— Бечора амаким...— деб пичирлади.

— У никоҳ ўқитишларингга розилик бермайди, аммо ўқитиб бўлганларингиздан кейин рози бўлади. Ахир сизлар бу ердан жўнаб кетасизлар-ку, қайтиб келганларингизда гуноҳингизни кечиради. Бундан ташқари,— деб қўшиб қўйди Жильят,— ҳозир унинг фикри-зикри фақат пароход қуришда. Сизлар йўғингизда у шу ишлар билан банд бўлади. Дюранда унинг овунчоғи, эрмағи бўлади.

— Мен бировни гам-ташвишга солиб ташлаб кетишни хоҳламайман,— деб пичирларкан, Дерюшетта саросималаниб, қалбида қувонч учқунлари йилт этиб ўтди.

— Ташвиш тортиши кўпга бормайди,— деди Жильят.

Эбенезер билан Дерюшеттанинг мияси гўё карахт бўлиб қолгандай эди. Улар аста-секин ўзларига желиб, бир оз ўзларини босиб олганларидан кейин Жильят айтган сўзларнинг маъносига ета бошладилар. Улар ҳамма гапни ҳам тушуниб елмагандулар, бироқ Жильятнинг айтганларига қарши чиқиб бўладими? Одатда халоскор билан баҳслашиб ўтирмайдилар. Жаннат дарвозаси қаршисида ланг очилгач, одам қаршилиқ қилолмайди, сўзи оғзида қолаверади. Дерюшеттанинг елкаси Эбенезерга сал тегиб турар, унинг туриш-турмуши Жильятнинг айтганларига рози бўлишга бажону дил тайёр эканидан далолат берарди. Бу одамнинг қўққисдан пайдо бўлиб қолиши, ошиқ-маъшуқларнинг ишига аралашуви Дерюшеттани дастлаб ҳаяжонга солди, бунинг унчалик аҳамияти йўқдек бўлиб туюлди. Бу одам уларга: «Никоҳ ўқитинглар», деди. Асосий гап шунда. Ҳамма масъулиятни у ўз устига оляпти. Дерюшетта шундай қилишга биргина Жильятнинг ҳаққи борлигини ҳис этарди. Унинг месс Летъери ҳақида айтганлари эса ҳақ гап. Эбенезер ўйга толган ҳолда: «Амаки — ота эмас»,— деб пичирлаб қўйди.

Ишнинг оқибати кутилмаганда бундай қувончли томонга бурилгани уни каловлатиб қўйганди. Эҳтимол, виждон азоби руҳонийни безовталантираётгандир, лекин бу безовталиқ унинг ошиқ қалби оташи алангасида эриб кетаётгандир.

Жильят шартта-шартта, бўлиб-бўлиб гапирарди; унинг товушидан ҳаяжонланаётгани сезилиб турарди.

— Тезроқ бўлинглар, «Кашмир» икки соатдан сўнг жўнайди. Вақтимиз бор-ку, аммо ҳар он ганимат. Қани кетдик.

Эбенезер диққат билан тикилди унга.

Қўққисдан у:

— Мен сизни танидим. Сиз менинг ҳаётийимни бир марта сақлаб қолган эдингиз-а!

— Эсимда йўқ,— дея жавоб қайтарди Жильят.

— Анави ёқда, қояда.

— У жойни билмайман.

— Мен келган куним бўлган эди бу воқеа.

— Қани, вақтни бекор ўтказмайлик,— деди Жильят.
— Янглишмасам, сиз мен кеча кечқурун кўрган ўша одамсиз.

— Эҳтимол.

— Иомингиз нима?

— Ҳо, қайиқчи, бизни бир оз кутиб туринг! — деб қичқирди Жильят.— Тез қайтамиз. Хоним, сиз мендан бу ерга қандай келиб қолдингиз деб сўрадингиз. Жуда осонгина, ортингиздан келавердим. Сиз йиғирма бир ёшдасиз. Агар биров йиғирма бирга қирган бўлиб, мустақил иш турса, ундай вақтда бу жойларда у чорак соат орасида бемалол никоҳ ўқита олади. Денгиз ёқалаб, сўқмоқдан кетамиз. У ердан ҳозир бемалол юрса бўлади, сув кўтарилиши тўндан кейин бошланади. Иккиланмай, ортимдан юраверинглар.

Эбенеzer билан Дерюшетта уни чиқармай маслаҳатлашаётганга ўхшарди. Улар бир-бирларига рўпарама-рўпара қимир этмай туришарди; улар гангиб қолишганди. Бахт деб аталадиган денгиз соҳилига келиб қолган одамни ғалати бир журъатсизлик қамраб олади. Улар ҳамма гапга тушуниб, айни вақтда, ҳеч нимага ақллари етмай туришарди.

— Унинг исми Жильят,— деб шивирлади Дерюшетта Эбенеzerга.

— Нимани кутяписизлар? Мен сизларга: ортимдан юринглар деяпман,— деди Жильят амирона.

— Қаёққа?— деб сўради Эбенеzer.

— Бу ёққа.

Шундай дея Жильят олисдан кўзга ташланиб турган черков қўнғироқхонаси томони ишора қилди.

Ошиқ-маъшуклар Жильятнинг изидан йўлга тушишди.

Жильят олдинда шахдам-шахдам одимлаб борарди. Улар эса негадир чўчинқираб қадам қўйишарди.

Черков қўнғироқхонаси тобора аниқроқ кўрина борарди, Эбенеzer билан Дерюшеттанинг хушсурат, беғубор бетлари ёришиб, шодликдан гул-гул очилиб, кулиб юборай деб боришарди. Черков гўё олисдан уларнинг бетларига нур сочиб турарди. Жильятнинг ич-ичига тушиб кетган кўзлари хиралашган эди.

У икки киши руҳини жаннатга бошлаб кетаётган шарпага ўхшарди.

Эбенеzer билан Дерюшетта уларни олдинда нима ку-

тиб турганини, ҳозир нималар содир бўлишини хаёлларига ҳам келтиролмасди. Улар орасидаги ишга бу кишининг аралашуви сувда фарқ бўлаётган киши кўзига халоскор бўлиб кўринган хасдай бир гап эди. Улар худди биринчи дуч келган йўловчининг иродасига бўйсунувчи ноумидликка тушган одамлардай итоатгўйлик билан Жильятга эргашиб боришарди. Улими олдидан одам қўл келган ҳар қанақа тасодифдан фойдаланиб қолишга интилади. Турмушда тажрибасиз бўлган Дерюшетта ҳар нарсага ишонувчан қиз эди. Эбенезер бўлса хаёлга чўмиб борарди: Дерюшетта балогатга етган қиз; протестантликда никоҳлаш тартиб-қондалари жуда жўн, айниқса урф-одатида патриархаль тузум тартиблари сақланиб қолган, қавм руҳонийси деярли чекланмаган ҳукмронлик қиладиган ўлкаларда янада жўнроқ; лекин декан амакисининг ризолигини билмай туриб уларни никоҳлаб қўйишга кўнармикин? Ҳамма гап шунда. Шундай бўлса ҳам, бир уриниб кўриш керак. Бўлса бўлди, бўлмаса йўқ-да.

Ким бўлди бу одам? Агар ростдан ҳам у кеча кечқурун месс Летъери куёвим деб айтган ўша одам бўлса, унинг қилаётган бу ишини қандай тушунса бўлади? Илгари тўсиқ бўлиб турган бир кимса кутилмаганда осмондан тушгандай тақдирларини ўзгартиб юборса. Эбенезер Жильятга ихтиёрини бериб, унга тақдирини ишонди-қўйдди, лекин бу халоскорни шу эканини ҳис этган одамнинг унсизгина, дарров рози бўлиб қўя қолиши эди.

Сўқмоқ паст-баланд, баъзи ерлари лой, баъзи ерлари тикка кўтарилиб борарди. Ўз хаёллари билан банд бўлган Эбенезер сачраётган сувга ҳам, йўлдаги катта-катта харсанг тошларга ҳам парво қилмай кетарди. Жильят баъзи-баъзида орқасига ўгирилиб: «Эҳтиёт бўлинг, манави жойда харсанг бор! Қўлингизни бериинг», деб қўярди Эбенезерга.

III

ФИДОИЙНИНГ ТАДБИРКОРЛИГИ

Улар черковга кириб желишганда ўн яримга занг урилди.

Вақт анча эрта бўлгани, шунингдек шаҳар бўшаб қолганлиги туфайли черков бўм-бўш эди.

Лекин ичкарироқда, англиканлар черковида меҳроб хизматини ўтайдиган стол ёнида уч киши: декан, рўйхат қилувчи котиб ва яна бир киши бор эди. Декан, Жакмен Эрод тақсирлари ўтирар; қолган икки киши тик турарди.

Столда очиб қўйилган таврот ётибди. Унинг ёнида яна битта очиқ дафтар бўлиб, бу никоҳни рўйхатга олиш дафтари эди; сиичиклаб қараган одам бу дафтарнинг очиқ саҳифасига ҳозиргина алланарсалар битилганини англаши мумкин эди, ҳали сиёҳи қуриб улгурмаганди. Дафтар ёнида патқалам билан сиёҳдон турибди.

Эбенезер Кодрегга кўзи тушган Жакмен Эрод жаноблари ўринларидан туриб, унга қараб:

— Мен сизни кутиб турувдим. Ҳаммаси тахт,— деди.

Ҳақиқатан декан бундай тантанали вазиятларда киядиган либосида эди.

Эбенезер Жильятга бир қараб қўйди.

Декан:

— Хизматингизга ҳозирман, азизим,— деб қўшиб қўйди-да, унга томон таъзим қилди.

Ҳеч қандай хато бўлиши мумкин эмас. Деканнинг кўз қарашларидан унинг Эбенезернинг ёнида турган Дерюшеттага ҳам эмас, ортида турган Жильятга ҳам эмас, балки черков ходими ҳамда жентльмен бўлган бир кимсага таъзим қилаётгани яққол сезилиб турарди. Декан худди кўзпана тутиб олгандай, унинг нигоҳи фақат Эбенезергагина қадалган эди, бошқа ҳеч кимни кўрмасди. Бу ҳол жамият тартиб-қонунларини ҳимоя қилиб, уни қўллаб-қувватлашнинг бир кўриниши эди.

Декан илтифот билан, аммо такаббуруна сўзларди:

— Азизим, сизни икки карра муборакбод этаман. Аввало, амакингиз бандаликни бажо келтирдилар, мана уйланыпсиз ҳам; биринчи ҳолда сиз бадавлат бўлиб қолдингиз, кейинги тadbир замирида сиз бахтиёр бўлувсиз. Бундан ташқари, эндиликда янги пароход қурилади, Летьери хоним ҳам бадавлат хонадоннинг фарзанди, бу менга маъқул тушади. Летьери хоним шу қавмда дунёга келган, мен туғилиш рўйхатномасига қараб аниқладим буни. Летьери хоним балоғатга етган қиз, шундай экан, у мустақил иш кўра олади. Бундан ташқари, унга оталик қилаётган амакиси ҳам розилик берган. Сизлар жўнаб кетаётганликларингиз учун ҳам шу ондаёқ никоҳ ўқитмоқчисизлар; бунга тушунаман мен, бироқ қавм ру-

ҳонийси сифатида никоҳ тантанали бўлишини истардим. Шунга қарамай, никоҳлаш расм-русумини қисқароқ қилиб, сизга бўлган муҳаббатимни изҳор этмоқчиман. Ахир, ўзингизга аёнки, никоҳлашнинг туб моҳияти бир неча оғиз калимадан иборат. Никоҳларингиз рўйхат дафтарига битилди; энди фақат исмларингиз қайд қилинса бас. Қонун ҳамда одатларимиз ёшларнинг исмлари рўйхатга битилган ондаёқ никоҳ ўқишни тақозо қилади. Зарур бўлган аризалар расм-русумимизга муносиб равишда берилган. Никоҳ ҳақида рухсат олиш учун берилган илтимосномани никоҳлашдан бир ҳафта олдин рўйхат дафтарида нўтказиш лозим бўлса ҳам, мен тартиб-қоидамиздан озроқ чекинишга розиман, зероки бунинг гуноҳини ўз устимга олурман; лекин мен бу борада сизнинг тезда бу ердан жўнаб кетишингиз зарурлиги юзасидан шундай қилаётирман. Яхши. Мен сизларни никоҳлаб қўяман. Менинг рўйхатга битувчи котибим кўевнинг гувоҳи бўлади, келиннинг ваколатли гувоҳи хусусига келсак...

Декан Жильятга томон ўгирилди.

Жильят маъқул дегандек бош ирғаб қўйди.

— Шунинг ўзи кифоя,— деди декан.

Эбенезер қимир этмай турарди. Дерюшетта эса ҳайрат ичра ҳайкалдек қотиб қолган эди.

Декан сўзида давом этди:

— Минбаад бир тўсиқ бор,— деди у.

Дерюшетта бир сесканиб тушди.

Декан яна сўзида давом этди:

— Месс Летъери вакил қилиб юборган, бу ерда ҳозир бўлган кимса, сизларнинг помингиздан илтимос қилиб никоҳга рухсат сўради, шунинг билан бирга рўйхат дафтарига битилган никоҳ ҳақидаги арзномага имзо чекди,— шундай дея Эрод тақсирлари чап қўлининг бошмалдоғи билан Жильятни ишора қиларкан, унинг номини айтишни ўзидан соқит қилди.— Месс Летъери юборган вакил бугун эрталаб менга месс Летъерининг иш билан жуда банд эканини, шу туфайли бу ерга шахсан ўзи келолмаслигини, лекин ёшларни тезроқ никоҳлаб қўйишни истаганини айтди. Аммо бу оғзаки истак мутлақо қаноатланарли эмас. Никоҳ ўқишга рухсат бериб шундай ҳам тартиб-қоидалардан бир оз чекиндим, шунинг учун ҳам месс Летъерининг ризолигини аниқ билмай туриб, никоҳ ўқишга киришолмайман. Ҳеч бўл-

маганда мен унинг имзосини ўз кўзим билан кўришим шарт. Сизларга марҳамат қилиш иштиёқим қанчалик улкан бўлмасин, оғзаки ризолик билан қаноатланиб қолмайман. Унинг ўз қўли билан ёзилган ақалли бир сатр хатини ўқишим жерак.

— Бу ҳеч гап эмас,— деди Жильят.

Шундай деб у муҳтарам деканга бир варақ қоғоз узатди.

Декан қоғозни олиб, кўз югуртиб чиқди, афтидан, ҳозирги ишга алоқаси йўқ жойларини тушириб қолдириди шекилли, қўйидаги сатрларни овозини чиқариб ўқий бошлади:

«...рухсат олгани деканнинг ёнига бор. Тўйин иложи борича тезроқ, яхшиши шу бугуноқ ўтказишни истардим».

Жакмен Эрод қоғозни столга қўйди-да:

— Летьери имзо чеккан. Тўғридан-тўғри менинг ўзимга мурожаат қилигани маъқулроқ эди. Зотан бу масала ҳамкасабамга алоқадор бўлгани сабабли бундан ортиқроғини истамайман ҳам.

Эбенезер Жильятга яна бир қараб қўйди. Одамлар индамай ҳам бир-бирларининг қалбидагини тушунадиган ҳоллар бўлади. У бу ишда қандайдир сохталик борлигини сезиб турса ҳам, уни очиб ташлашга ботинолмади; балки буни ҳатто хаёлига келтиришни истамагандир. Эбенезер Жильятнинг қалбдан кўрсатаётган хуфия қаҳрамонлигига тан берибми, у буни ичдан фаҳмлаб турарди, ёки қутилмаган бахт шаробидан тотиб маст бўлганиданми, ҳайтовур чурқ этмасди.

Декан патқаламни олиб, рўйхатчи ёрдамида рўйхат дафтарининг очиқ қолган жойларини тўлата бошлади, кейин у қаддини кўтарди-да, Эбенезер билан Дерюшеттани имлаб стол ёнига чақирди.

Никоҳ ўқиш маросими бошланди.

Бу жуда ғалати дамлар эди.

Эбенезер билан Дерюшетта руҳоний рўпарасида ён-ма-ён туришарди. Улар бундай никоҳ ўқитиш маросими шаробидан тотиб кўрган кишилар яхши биладиган кайфиятда ҳис этардилар ўзларини.

Жильят нарироқда, устунлар панасида турарди.

Дерюшетта эрталаб уйқудан маъюс бўлиб турганди, ўлими ҳақида, тобут ҳамда қабр ҳақида ўйларкан, оқ кўйлак кийиб олганди. Унинг бу кўнглил ғашлик билан

қилган иши ҳозир никоҳ ўқитиш вақтида қўл желиб қолди. Оқ кўйлак қизга келинлик нусқини берарди, қабр ҳам ўзига хос бир никоҳ ўқитишдир.

Дерюшеттанинг чеҳраси гул-гул очилиб, кундай ёришиб кетди. У ҳеч қачон ҳозиргидек дилрабо, сулув бўлмаганди. Дерюшеттанинг бир камчилиги бор эди, у ниҳоятда жозибадор, истараси иссиққина қиз эди-ю, лекин ғоятда гўзал эмасди. Ёқимтойлиги уни жозибали қилиб кўрсатарди. У хотиржам, ҳеч қандай қайғуни билмаган вақтларда бор-йўғи ёқимтойгина қиз эди, холос. Унинг ташқи қиёфасининг бу томонларини юқорида ҳам айтиб ўтган эдик. Ҳозир бу қиз бутун ҳусни-жамолни кўз-кўз қилиб парилардек очилиб кетган эди. Севги ва ғам-ташвиш Дерюшеттани юксакларга кўтариб юборган, бу иборамиз учун худонинг ўзи кечирсин, фаришталик даражасига етганди у. Дерюшетта илгаригидек бенуқсон эди-ю, бироқ ҳозир унинг иззат-эътибори, яхши фазилатлари ўн чандон ортган, қизлик латофати, дуркунлиги янада камол топганди. У илгарилари хушрўй дасторгул бўлса, ҳозир хушбўй ҳид таратиб турган нилуфарга ўхшарди.

Еноқларидаги кўз ёшларининг изи ҳали қурганича йўқ. Жилмайиб турган лаблари бурчида бир томчи ёш йилтираб кўринарди. Бу енгилгина тўкилган кўз ёшларининг ҳали қуриб улгурмаган излари — бахтиёрликдан порлаб турган чеҳрасидаги ажойиб безаклар эди.

Меҳроб олдида турган декан қўлини таврот саҳифасига қўйиб, баланд овоз билан:

— Ушбу никоҳга қаршилиқ қилувчилар борми?— деб сўради.

Ҳеч ким индамади.

— Омин,— деди декан.

Эбенезер билан Дерюшетта Жакмен Эрод томон бир қадам қўйдилар.

Декан сўзида давом этди:

— Джоз-Эбенезер Кодре, бу қизни ўз жуфти ҳалоллигинга қабул этасанми?

— Ҳа,— деб жавоб қилди Эбенезер.

— Дюранда-Дерюшетта Летьери,— деди декан,— ўз вужудингни бу кимсага бахшида этасанми?

Бахтиёрлигидан юраги ёрилиб кетаётган Дерюшетта нафаси бўғзига тиқилиб, эшитилар-эшитилмас:

— Ҳа,— деди.

Шундан сўнг англикан черкови никоҳ ўқиш тартиб-қоидаларига амал қилган руҳоний бошини кўтариб, черковнинг бўм-бўш, ярим қоронғи залига қараб:

— Бу ожизани мана бу кимсага ким бахш этади?— деб сўради тантанали оҳангда.

— Мен,— деб жавоб қилди Жильят.

Орага жимлик чўкди. Шодликлари ичларига сиғмай турган Эбенезер билан Дерюшетта бирдан юраклари сиқилиб, орқага тортиб кетганини сездилар.

Декан Дерюшеттанинг ўнг қўлини Эбенезернинг ўнг қўлига қўйди, шунда Эбенезер Дерюшеттага қараб:

— Дерюшетта, мен сени жуфти ҳалолликка қабул этдим, яхшимисан ё ёмонмисан, бадавлатмисан ё қашшоқмисан, соппа-соғ ёхуд касалмандмисан, мен сени умрбод севаман ва бу ҳақда қасамёд қиламан,— деди.

Шундан кейин руҳоний Эбенезернинг ўнг қўлини Дерюшеттанинг ўнг қўлига қўйди, Дерюшетта Эбенезерга қараб:

— Эбенезер, сени ўз жуфти ҳалоллигимга қабул қиламан, ўзимни сенга бахшида этаман, сен яхши бўласанми ё ёмон бўласанми, бадавлат бўласанми ё қашшоқлашиб қоласанми, соппа-соғ юрасанми ёхуд касалманд бўлиб қоласанми, доим кўмакдошинг бўламан ҳамда умрбод сенга итоат қиламан, бу ҳақда сенга қасамёд этаман,— деди.

— Никоҳ узуги қани?— деб сўраб қолди декан.

Бу ҳақда на Эбенезер, на Дерюшетта ўйлаганди. Гангиб қолган Эбенезерда узук йўқ эди.

Жильят жимжилоғидаги тилла узукни чиқариб, деканга узатди — бу савдо растасидаги заргардан сотиб олинган, биз юқорида зикр қилиб ўтган ўша узук эди.

Декан узукни бир лаҳза тавротга қўйиб турди-да, кейин уни Эбенезерга берди.

Эбенезер Дерюшеттанинг қалтираб турган чап қўлидан тутиб, унинг бармоғига тақаркан:

— Ана шу узук билан тақдиримиз қовушади,— деди.

— Тангри таоло ва азиз-авлиёлар ҳақи, омин,— деди декан.

— Омин,— деди рўйхатга олувчи.

— Энди эгамга бир сажда қилайлик,— деди декан.

Эбенезер билан Дерюшетта меҳробга қараб тиз чўкдилар.

Жильят тик турганича бошини хам қилди.
Ошиқ-маъшуқлар тиз чўкиб тангрига сажда қилди-
лар, Жильят эса тақдири азал олдида бўйин эгди.

IV

«УЙЛАНСАНГ, ХОТИНИНГГА БЕРАРСАН»

Улар черковдан чиқаркан, «Кашмир»нинг йўлга чи-
қишга ҳозирлик кўраётганини кўрдилар.

— Кечикканларингиз йўқ,— деб қўйди Жильят.

Улар яна боя келган сўқмоқ бўйлаб кўрфазга равона бўлдилар.

Энди олдинда янги келин-куёв, Жильят уларнинг ор-
тидан борарди.

Эбenezер билан Дерюшетта уйқусида босинқираб юр-
ган одамларга ўхшардилар. Улар атрофда нималар со-
дир бўлаётганини, қаерда, нима қилиб юрганларини ту-
шунмасдилар; улар аллақачонқадир ошиқшарди-ю,
аммо қаёққалигини ўзлари ҳам билмас, кўзларига ҳеч
нима кўринмасди. Улар фақат бир-бирлариники экан-
ликларини ҳис этардилар, бошқа ҳеч нарсани ўйлаш-
масди. Инсон дарёнинг тез оқар ерига бориб қолганида
ўз эркича сузолмайди, худди шунингдек ҳайратга ту-
шиб қолганида кар ва гунг бўлиб қолади. Улар ҳозир
зулмат, жабру ситам ўлкасидан бахт ва шодлик ороли-
га чиқиб қолгандилар. Улар гўё жаннатга кириб қол-
гандай эдилар. Улар чурқ этиб сўзлашмасалар ҳам,
қалблари бир-бирларини тушунарди. Дерюшетта Эбене-
зернинг қўлини маҳкам сиқарди.

Жильятнинг ортдан эшитилаётган одим шарпаси
аҳён-аҳёнда қулоқларига чалиниб қолар, унинг ортлари-
дан келаётгани шундагина ёдларига тушарди. Улар ҳад-
дан зиёд ҳаяжонланардилар-у, аммо миқ этиб овоз чиқа-
ришмасди; ортиқ даражада ҳаяжонланишдан одамнинг
тили калимага келмай қолади. Жуда қойил, ажойиб иш
бўлганди-ю, бироқ бу ҳол уларни тамоман эзиб қўйган
эди. Ахир улар энди эр-хотин-да! Бошқа нарсани кейин-
роқ ўйлашса ҳам бўлади. Жильят билан ҳам кейинроқ
учрашишади, ўшанда гаплашишади-да. Ич-ичларидан
эса ундан беҳад миннатдор эдилар. Дерюшетта алланар-
саларни англаб, тушуниб олиши кераклигини ўйларди,
майли, кейинроқ бўлар бу ишлар. Ҳозирча унинг ёрда-
мидан фойдаландилар, унинг ёрдам қўлидан тутдилар.
Ҳозирча улар ўз ихтиёрларини бу ҳаракатчан, қатъий,

уларга бахт ато қилган одамнинг қўлига топшириб қўйдилар. Унга ҳозир савол бериб ўтиришнинг, у билан суҳбатлашишнинг фурсати эмас. Бирваракайига бостириб келган бир дунё таассуротлар уларни гангитиб қўйганди. Уларнинг бу гангиши кечирарли эди.

Ҳодисалар ҳам баъзан тўсатдан ёққан дўлга ўхшайди. Улар сизни қўққисдан савалай бошлайди, сиз кар ва гунг бўлиб довдираб қоласиз. Кундалик осойишта ҳаётга қўшилиб-чатишиб кетувчи тасодифий ҳодисалар оқибатида ким бахтга эришди-ю, ким бадбахт бўлди — буни англаб бўлмай қолади. Одам бошига қандай маломатлар тушганини, атрофида нималар содир бўлаётганини тушунолмайди. У ўзи билмагани ҳолда мағлуб бўлади; у ўзи тушунмагани ҳолда ғолиб бўлиб қолади. Шў ўтган бир неча соат давомида қанчадан-қанча изтироб чеккан Дерюшетта ҳам ҳозир шундай кайфиятда эди; даставвал Эбенезер боғида пайдо бўлганида қувонч ва ҳайратдан гангиб қолди; кейин, аллақандай даҳшатли бир махлуқни унинг куёви деб эълон қилганларида ҳамма эзгу фикрлари айқаш-уйқаш бўлиб кетди; сўнгра учишга тайёр турган фариштадан ажралиб қолай деди, умидсизлик дарёсига ғарқ бўлди; энди эса ҳеч кутилмаган, ўйланмаган, қувончли бахтга эришди, Дерюшеттага ваҳший махлуқ бўлиб кўринган кимса уни фаришта билан қовуштирди; изтиробли ўлим талвасаси никоҳ билан тугади: кунни кечагина унга ҳазрати Азроил бўлиб кўринган Жильят — бугун унинг халоскори бўлиб чиқди. Қиз ҳеч нарсани ўйламасди. Афтидан Жильят эрта саҳардан бери фақат уларни никоҳлаб қўйиш ташвишини тортган. Никоҳ ўқитиш учун ҳамма ишни саранжом-саришта қилиб қўйган эди; у Летьери ўрнига декан билан учрашиб, ундан розилик олди, зарур бўлган арзномаларни имзолади, у ана шу ишларни қилмаганида, никоҳ ўқитиб бўлмасди. Дерюшетта буни мутлақо тушунмасди; гарчи у тушунганида ҳам, барибир бу ишларнинг туб моҳиятини, асл сабабини сўраб-суриштириб ўтирмай, кўзларини юмганча бу олиҳиммат одамга миннатдорчилик билдириш, ўз эркини унинг ихтиёрига топширишдан ўзга илож қолмаган эди. Нега бундай бўлаётганини сўраб-суриштириш кўпга чўзилиши мумкин эди, бу валинеъматга шунчаки миннатдорчилик айтиб қўяқолишнинг ўзи эса камлик қиларди. Дерюшетта ҳозир жимгина бахтиёрлик кайфини сурарди.



Ҳар ҳолда, озгина бўлса ҳамки ёшларнинг эс-ҳушлари жойидадек жўринарди: улар сўқмоқдан оғишмай шахдам-шахдам боришарди. Денгиз булути сув остида ҳам баъзан ўз рангини, оппоқлигини йўқотмайди деганларидек, уларнинг ҳам эс-ҳушлари тамоман йўқолмаганди: денгизни ердан, «Қашмир»ни бошқа кемадан ажрата олардилар.

Бир неча дақиқадан сўнг улар кўрфазчага етиб бордилар.

Эбенезер биринчи бўлиб қайиққа ўтди. Дерюшетта ҳам унинг ортидан энди қайиққа ўтай деб турганида енгидан биров, оҳистагина тутганини пайқади. Бу Жильят эди.

— Хоним,— деди у,— сиз сафарга жўнамоқчи эмасдингиз, шундай эмасми? Шунинг учун ҳам мен ўзимча сизга кўйлақлар ва ич кийимлари зарур бўлса керак деб ўйладим. «Қашмир»да битта сандиқча бор, ўзингизга керак бўлган нарсаларни ўша сандиқчадан топасиз. У менга онамдан қолганди. Бу буюмлар мен уйланадиган бўлсам, хотинимга аталган эди. Уни сизга тақдим этишга рухсат берсангиз.

Дерюшетта орзу-хаёлларнинг маст уйқусидан чўчиб уйғониб кетгандек бўлди. У Жильятга томон ўгирилди. Жильят эса аранг эшитиладиган оҳиста товуш билан гапирарди:

— Гап бундай... мен вақтингизни олмоқчи эмасман, аммо ҳалиги, сизга бир нарсани айтишим керак. Бахтсизлик рўй берган жунни сиз пастдаги залда эдингиз, ўшанда бир сўз айтгандингиз. Ўз-ўзидан маълумки, бу сўз ёдингиздан кўтарилган. Ахир одам ҳамма гапирган гапини эсида сақлаб қололмайди-да! Месс Летьери ўшанда жуда қайғуга ботганди. Тўғри-да, чунки пароход жуда ажойиб нарса эди, катта даромад келтирарди. Денгизда юз берган бу фалокат ўлкамизда ҳаммани ташвишлантириб қўйганди. Бунақа гаплар ўз-ўзидан ҳамманинг эсидан чиқиб кетади. Сирасини айтганда, битта кема қоялар орасида ҳалок бўлганди, холос. Ҳар доим битта бахтсиз ҳодисани ўйлаб, бош қотиравериб мумкинмас-ку, ахир. Сизга айтадиган фақат бир гапим бор: у ёққа ҳеч ким боролмайди, деганларини эшитиб, ўша ёққа боргандим. Одамлар: «Бу мумкин эмас», дейишганди ўшанда; лекин бу мутлақо бажариб бўлмайдиган мушкул иш эмас экан. Вақтингизни аямай, гап

ларимга қулоқ бериб турганингиз учун миннатдорман. Тушунапсизми, хоним, менинг у ёққа боришим сизга ҳақорат бўлиб тегишини ўйламаган эдим. Хўш, бундан ташқари, бу воқеага анча вақт бўлиб қолди. Билиб турибман, сиз шошиляпсиз. Мабодо бемалол суҳбатлашишга вақт бўлганида баъзи нарсалар ёдингизга тушиши мумкин эди-ю, лекин бунинг фойдаси йўқ. Ҳамма гап ўша қор ёққан кундан бошланган эди. Ундан кейин, бир куни ёнингиздан ўтиб кетаётганимда, назаримда, менга қараб кулиб қўйганга ўхшадингиз. Бор гап шу. Кеча бўлса уйга бориб кийиниб келишга улгуролмадим, денгиздан қайтибоқ кирган эдим, эгнимдаги кийимларим тилка-пора бўлиб кетган эди, сизни қўрқитиб юбордим, ҳушингиздан кетиб қолдингиз. Сизнинг олдингизда гуноҳкорман, унақа қиёфада одамларнинг кўзига кўринмаслик керак эди. Утинаман, мендан аччиқланманг. Сизга шуларни айтмоқчи эдим, холос. Сиз кетяпсиз. Ҳаво ажойиб бўлади. Шамол шарқдан эсяпти. Алвидо, хоним. Сиз билан озгина бўлса ҳам сўзлашиб тўғри қилдим, шундай эмасми? Ахир бу сўнгги дақиқалар-ку!

— Мен ҳамон боя айтган сандиқчангизни ўйлаяпман,— деди Дерюшетта.— Уни уйланганингизда хотинингизга туҳфа қила қолмайсизми?

— Хоним, афтидан, мен ҳеч қачон уйланмасам керак,— деди Жильят.

— Эсиз, жуда оқ кўнгил, яхши одамсиз. Сиздан миннатдорман.

Шундай дея Дерюшетта жилмайиб қўйди. Жильят ҳам жилмайиб жавоб қайтарди.

Сўнгра у қизнинг қайиққа тушишига кўмаклашди.

Чорак соат ўтар-ўтмас Эбенезер билан Дерюшетта тушган қайиқ рейдада турган «Қашмир» ёнига етиб борди.

V

МУЪТАБАР ҚАБР

Жильят қирғоқ бўйлаб кетди, тезда у Сен-Пьер портини айланиб ўтиб, денгиз ёқалаб Сен-Сансон томон йўл олди. У йўловчиларга кўринмай, ўзининг кўрсатган мўъжизаси туфайли одамлар турна қатор тизилишиб кетаётган гавжум кўчалардан четроққа қочиб, паналаб борарди.

Бутун ўлкани бошидан охирига, ўнгидан сўлигача

ҳеч кимнинг кўзига чалинмай айланиб чиқа оладиган одам фақат Жильятгина экани кўпдан ҳаммага аён эди. У ҳар бир сўқмоқни билар, ҳеч ким билмайдиган ёки ёддан кўтарилиб кетган, айлана йўлларни топарди; унинг одамлардан ётсирайдиган одати бор эди, мени ҳеч ким ёқтирмайди, деб ўйларди; у ҳамма вақт одамлардан қочиб юрарди. Гўдаклик чоғлариданоқ меҳр-шафқат кўрмагач, атрофидагиларга нисбатан ётсираб юрди; кейинчалик эса бу одамовилик унинг характериға сингиб кетди.

У аввал очиқ майдончани, сўнгра туз олинадиган жойни айланиб ўтди. Жильят аҳён-аҳёнда бир орқасига, рейдда турган «Кашмир»га ўгирилиб қараб кўярди, мана у елканларини ёзибди. Шамол йўқ. Жильят кемадан сал олдинроқда эди. У сувға бориб тақалган соҳил қоялари этагидан бошини хам қилганича борарди. Сув кўтарила бошлаганди.

Бир сафар у йўлидан тўхтаб, денгизга орқасини ўгириб, бир неча дақиқа Валль йўлини тўсиб турган дарахтзорға тикилиб қолди. Бу «Қуйи уйлар» деб аталадиган жойдаги эманзор эди. Ана ўша ерда, ана шу дарахтлар остида бир вақтлар Дерюшетта нозик бармоқлари билан қорға «Жильят» деб ёзган эди. Бу қор аллақачонлар эриб кетган!

Жильят йўлида давом этди.

Кун жуда ажойиб эди, ўша баҳор бунақа ажойиб кун сира бўлгани йўқ. Тонг алланечук тўй нафасини уфурарди. Май ўз сепини кўз-кўз қиларди: бутун борлиқ-мавжудот шодликка чўмган, бахтиёрликдан базм қурмоқда. Дарахтларнинг шовиллаши, қишлоқлар сурони, тўлқинлар шалоплаши ва майин шабадаға аллақандай нафис, ёқимли бир ғув-ғувлаган товуш жўр бўлмоқда. Баҳор таронаси билан ҳаётға йўл олган биринчи капалаклар кўкдан ёғилган илк шабнам томчилари билан ўйнашмоқда. Табиат қучоғидаги бутун мавжудот — майсалар, йўсинлар, дарахт барглари дилларға қувонч бахш этар, анвойи бўйлар таратар, қуёш нурида ранг-баранг жилоланарди. Нурафшон қуёш кўк бетида биринчи бор жамол кўрсатаётгандек эди. Атрофдаги баҳайбат харсанглар янгигина чўмилтирилганға ўхшарди. Дарахт шохлари ва баргларнинг шовиллаши кечагина тухумни ёриб чиққан қушчалар чулдуросига жўр бўлмоқда. Эҳтимол, улар жажжи тумшуклари билан чўқилаб

ёриб чиққан тухум пўчоқлари ҳали уяларида ётгандир. Титраб-қалтираб турган барглар бу қушчаларнинг но-жўя, беўхшов қанот силжитишларидан шитирлайди. Қушчалар жўз очиб биринчи бор сайраб, биринчи бор қанот қоқмоқдалар. Пўпишак, саъва, чумчуқ, тол чум-чуқ, қизилиштонлар бир-бирларига гал бермай, басма-басига сайрашмоқда. Майсазорда эса сирень, ландиш, бўритумшуқ каби гуллар ранг-баранг бўлиб товланади. Гернсейда ўсадиган ажойиб сув ясиқлари ботқоқлик бетини беҳисоб маржонлардек қолаб олган. Улар узра узун қанот қалдирғочлар билан жиблажибонлар чарх уради, бу қушлар ясиқлардан бежирим уялар қуриши-нинг моҳир меъморларидир. Кўркам барглар орасидан тип-тиниқ мовий осмон кўзга ташланади. Бир неча ошиқ-маъшуқ булут парчалари зангори кўк бетнда бир-бировларини қувалашади. Бутун само қўйнини бу ошиқ-маъшуқлар бўсасидан эшитилаётган майин товуш босиб кетгандек туюлади. Ажойиб гулларга бурканган, гул-лардан чамбар таққан кўҳна деворлар худди ошиқи беқарорларга ўхшайдилар. Олхўрилар чаман-чаман гуллаган, мажнунтоллар ҳусни-жамолини намоён қи-лади: ўрашиб-чирмашиб кетган шох-шаббалар ораси-дан оппоқ ҳамда оч сариқ чодрадек бўлиб кўзга таш-ланади. Баҳор табиатнинг қучоққа сигмас ўрмонзор са-ватига олтин-кумушлардан совға-салом тўккан эди. Куртак чиқариб барг ёза бошлаган ям-яшил бутазор-лар баҳри-дилигизни очади. Қушларнинг шўх, ўйноқи чулдуриси эшитилади. Саҳий ёз олис юртлардан келув-чи қушларга ўз қучоғини очган. Бу дамлар қалдирғоч-ларнинг қайтиш фасли эди. Ҳали дўлананинг оч пушти гуллари очилганича йўғ-у, қиялаб кетган сўқмоқни тўсиб турган сариқ гулли ёввойи буталар аллақачоноқ бир текисда гуллаганди. Бу апрофдаги бари мавжудот гўзаллик тимсолидир: кўркам манзара нафосат билан уйғунлашиб кетган бу ерда; табиат безакларининг ҳар бири, катта-кичиклигидан мустасно, ўз ўрнига ёпишиб тушган; бир-бировини камситиш йўқ бу табиат олами-да; бу безакларнинг ҳар қайсиси зумрад, сув остидаги ёқутдек нур таратади. Бўртиб, очилай деб турган сон-саноқсиз гунчалар табиатнинг жон бахш этувчи сеҳрли шарбатида эмганларини сўзлайдилар бу ерда. Жамики нарса жиололанади, қалбингиздаги севги торларини чер-тади. Ҳар бир гулнинг ўзи бир қўшиқ, ҳар бир тик этган

товуш кўнгилларга ҳузур бахш этувчи ёғдудир. Буларнинг бари қўшилиб оромбахш, дилрабо мадҳияга айланади, бу мадҳия авжга минади, тобора янграйди. Таралиб кўкларга парвоз қилаётганлари эндигина уйғониб келаётганларига ўз ўрнини бўшатиб беради. Еркинлигидан чиқиб келаётган ҳаяжонли туйғулар кўк косасига қуйилади, қайтадан тугилаётган табиат таъсирининг қули бўлган кишининг қалбини қитиқлаб ўтади. Гул ёзиб турган кўкатлар шивирлашиб беражак меваларидан сўзлайди; бутун борлиқ ширин орзуларга берилади. Ҳамма нарса жуфтлашади. Ҳар қадамда жуфтлашиш базми. Ҳаёт чексизлик билан жуфтлашиш битимини тутади. Атроф чарогон гўзал, ҳар ёндан табиатнинг илиқ нафаси уриб туради. Ҳовлилардаги чирмовгуллар атрофида бола-чақа гужгон ўйнайди, қийқиришиб у ёқдан-бу ёққа югуришади, турли-туман ўйинлар ўйнашади. Оппоқ ёхуд пушти ранг бўлиб гуллаган олма, шафтоли, олича, нок дарахтлари мевазор боғлар ҳуснига ҳусн қўшади. Майсалар орасидан бойчечак, минг япроқлар, дасторгуллар, наргислар, сунбуллар, гунафшалар мўралашади. Сарғиш гулсафсарлар, қизғиш юлдузбарг гуллар билан зангори бодринг гуллар чирмашиб кетган, улар ҳар доим бир вақтда очиладилар, шунинг учун ҳам уларни «дугоналар» дейишади. Йилтироқ ҳашаротлар, тилла қўнғизлар тошлар орасида уймалашишади. Похол томлар устига ҳам ранго-ранг гуллардан тўқилган гилам тўшалган. Меҳнатсевар, тиришқоқ асаларилар гулдан-гулга қўнади, тиним билмай парвоз этади. Ҳавони денгиз шов-шувви босиб, кўк бетини пашшаю чивиллар тутиб кетади. Май шаробидан тотиб маст бўлган табиат кўнгилларга ором, дилларга ҳузур беради.

Жильят Сен-Сансонга етганда сув кўтарилиб, ҳали гаваннинг ичкарилариғача босиб улгурганича йўқ эди, шу босидан у тузатгани қирғоққа чиқариб қўйилган кемаларни оралаб, ҳеч кимга кўринмай нарига ўтиб олса бўларди. Қатор бўлиб тизилиб кетган ясси тошларнинг бир-бирига яқинлиги унинг йўлини оsonлаштирарди.

Жильятни ҳеч зоғ кўрмай қолди. Халқ гаваннинг нариги томонида, қўлтўққа кираверишда, «Довюрраклар қароргоҳи» яқинида тўпланган эди. Унинг номи оғиздан-оғизга кўчарди. У ҳақда шунчалар кўп гапиришардики, ҳатто унинг ўзига ҳеч ким эътибор ҳам бермай қўйганди. Бу олаговурнинг айбдори бўлган Жильят ана шу

шовқини-суронга қўшилиб кетгандек ҳеч кимга сездирмай четлаб ўтиб олди.

Олисдан у қайиғининг, занжир билан тўрт томонга тортиб боғлаб қўйилган машина мўрисининг кеча олиб келиб қўйган жойида турганини, ишлаётган дурадгорларни, у ёқ-бу ёққа қатнаб турган одамлар қорасини кўрди, ҳатто қулоғига буйруқ бераётган месс Летъерининг жарангдор овози ҳам чалинди.

Жильят тор кўчага бурилди.

«Довюраклар қароргоҳи» ортидаги кўча кимсасиз, ҳамма қизиқсинганидан соҳилга тўпланганди. Жильят пастак боғ девори ёнидаги сўқмоқ бўйлаб борарди. Еввойи гулхайри ўсиб ётган муюлишга етганида тўхтади; унинг жўзи яна ўзи бир неча бор ўтирган тошга тушган эди; Дерюшетта ўтирадиган скамейкага яна бир бор қараб қўйди. У боғдаги йўлакка, куни кечагина икки соя ўрашиб-чирмашиб турган, ҳозир эса ғойиб бўлган жойга тикилди.

У яна йўлга тушди. Валль қўрғони жойлашган тепаликни ошиб ўтиб, «Чеккадаги уй» томон кетди.

Умэ-Паради қўлтиғида ҳеч ким йўқ эди.

Уй Сен-Пьер портига жўнаётганида Жильят қай аҳволда қолдириб кетган бўлса, ўшандайлигича турарди.

Дераза ланг очиқ. Ичкарида девордаги миҳга илиб қўйилган қўшнайн ташқаридан кўриниб турибди.

Столда нотаниш — кейинчалик Эбенезер бўлиб чиққан киши миннатдорчилик билдириб Жильятга ҳадя этган кичкинагина таврот ётибди.

Эшик зулфини остидаги калит чиқиб турарди. Жильят яқинроқ борди, калитни икки марта бураб, эшикни қулфлади-да, уни чўнтагига солиб, йўлга тушди.

У оролнинг ичкарасига эмас, балки денгиз томонга йўл олди.

У энг қисқа йўлдан юриб, ўз полизини кесиб ўтиб бораркан, эгатларни аямай босиб-янчиб, аммо бир вақтлар экилган, Дерюшетта яхши кўрадиган Брюссель камралини босиб олмай деб авайларди.

Кейин боғ деворини ошиб ўтди-да, денгиз бағрини ёриб кирган бурунларга тушди.

У «Чеккадаги уй» билан денгизда қалъа каби қад кўтарган Хўкиз шоҳи қоясини туташтириб турган энн камбаргина, узундан-узоқ чўзилиб кетган сув ости қоя-

ларидан юриб борарди. Гильд-Хольм-Ур креслоси худди ана шу қояда эди.

Жильят ҳар одими тоғдан-тоққа етадиган девлардек тошдан-тошга ўтиб ичкарилаб борарди. Бу сув ости қоялари бўйлаб юриш томдан томга эҳтиётлик билан сакрашдек бир гап эди.

Қўлида балиқ овлайдиган дастали тўр ушлаб олган, кўлмак сувда яланг оёқ юрган аллақандай аёл қирғоқ яқинига келиб: «Эҳтиёт бўлинг, сув кўтариляпти»,— деб қичқирди Жильятга.

У ҳамон йўлида давом этарди.

Жильят денгиз томон ичкарилаб борган энг сўнги, энг баланд қоя Хўкиз шохига етгач, тўхтади. Қирғоқ шу ерда тугарди. Бу жой денгизга тикка тушган кичкина бурун эди.

У атрофга назар ташлади.

Очиқ денгизда балиқ овига чиққан бир неча қайиқлангар ташлаб чайқалиб турарди. Гоҳ-гоҳ бу қайиқларнинг биқини қуёш нурида жумушдек ярақлаб кетарди—шунда балиқчилар тўрларини тортаётган бўлардилар. «Қашмир» ҳали Сен-Сансонга етмабди; унинг иккинчи қаватдаги катта елкан кўтарилганди. Кема ҳозир Эрм билан Жет-У ўртасида сузиб борарди.

Жильят қояни айланиб ўтди. У Гильд-Холм-Ур креслосига олиб чиқадиган, бундан уч ойча илгари Эбене-зерни қутқарган жойи—ўша пиллапоя остидан чиқиб қолди.

Пиллапоянинг деярли ҳамма зинаси сув остида қолганди. Фақат икки-учтасигина кўзга ташланиб турарди. У чаққон юриб пиллапоядан юқори чиқди.

Пиллапоя Гильд-Холм-Ур креслосига олиб борарди. Жильят кресло ёнига бориб, бир нафас тикилиб турдида, кафти билан кўзларини беркитиб, аста-секин кафтини пешонаси томон сурди—ўзининг бу ҳаракати билан у бутун ўтмишини сидириб ташлаётганга ўхшади. Кейин у тош креслога ўтирди; орқасида қоя, оёғи остида, пастда эса бепоён океан.

Шу пайтда «Қашмир» Эрм билан Сен-Пьер порти орасидаги масофанинг қоқ ўртасида денгиз узра қад кўтарган, бир тўп билан бир сержант қўриқлаб турган дум-думалоқ, баҳайбат минора ёнидан сузиб ўтган эди.

Жильятнинг тепасида, қоя ёриқларида тоғ гуллари пояси аста тебранарди. Бепоён мовий денгиз кўзни қа-

маштирар, шарқдан шамол эсарди, шунинг учун ҳам Серк ороли атрофида денгиз осойишта эди, Гернсейдан бу оролниг ғарб томонигина кўзга ташланиб туради, холос. Олисдан Франция қирғоқлари туманга ўхшаб элас-элас кўзга чалинади; Картре қумлоқлари сарғимтир-қўнғир тус касб этади. Дам-бадам Жильятнинг ёнидан оппоқ капалаклар учиб ўтарди. Капалаклар денгиз узра пириллаб учиб юришни яхши кўрадилар.

Шамол кучсизгина эсмоқда. Зангори осмон ва мовий денгиз худди қаттиқ уйқуга кетганга ўхшайди. Сувда силлиқ қорамтир лентачалар йилтирайди, булар сув тубидаги саёзликлардир.

«Кашмир» ён томондаги елканларини ҳам ёйиб кучсизгина эсаётган шамолдан фойдаланиб илгарилаб борарди. Кема елканларга чулганган, ҳамма елканлари ҳилпирарди. Лекин у шамолнинг ярмидан фойдаланар, шу туфайли ён томондаги елканлари кемани Гернсей қирғоқлари ёқалаб боришга мажбур этарди. Мана, у Сен-Сансон чегарасини кўрсатиб турувчи белги ёнидан ҳам сузиб ўтди. Мана, у Валь тепалиги рўпарасига келиб қолди. Ҳозир у «Тўсиқ» бурунини ортада қолдириб кетади.

Жильят тобора яқинлашиб келаётган кемадан кўзини узмасди.

Ҳаво ҳам, денгиз ҳам гўё мудрамоқда. Сув тўлқинланмай, оҳиста кўтариларди. Денгиз сатҳи теп-текис. Олисдан эшитилаётган тўлқинларнинг майин шовиллаши нораства гўдакнинг бир маромда нафас олишига ўхшайди.

Сен-Сансон гаванидан калта-калта, босиқ болға зарблари эшитилиб турибди. Дурадгорлар қайиқдаги машинани қуруқликка олиш учун чиғир ва мосламалар қураётган бўлсалар керак. Бу тарақа-туруқ товушлар ортидаги гранитларга урилиб акси садо берар, Жильят буларнинг қандай товуш эканини ажратолмасди.

«Кашмир» сувда сузиб юрган шарпадек жуда секинлик билан яқинлашиб келарди.

Жильят ҳамон уни кутарди.

Қўққисдан сув шалолаб қолди. Жильятнинг эти жунжикиб кетди, у пастга қаради. Сув унинг оёқларига-ча етиб келганди.

У ерга бир қаради-ю, яна бошини кўтарди.

«Кашмир» хийла яқинлаб қолганди.

У турган қоянинг ёмғир ювиб, Гильд-Холм-Ур креслоси ҳосил бўлган ён бағри жуда тик, денгиз эса бу ерда жуда чуқур, ҳаво тинч маҳалларда жемалар қоядан бир неча юз метр наридан бемалол сузиб ўта оларди.

«Кашмир» қоя рўнарасига келиб қолди. У худди денгиз остидан чиқиб келгандек, бирдан пайдо бўлиб қолди. У тобора катталашар, борган сари ўзаяётган сояга ўхшарди. Кемадаги ҳар томонга тортилган арқонлар зангори осмон фоннда қоп-қора чизиқ бўлиб кўринар, кема атрофидаги кўзни қамаштириб жилоланаётган денгиз оҳиста мавжланарди. Баланд-баланд елканлар бир зум қуёш бетини тўсиб ўтаркан, тип-тиниқ лола ранг тус олди. Сув аллақандай ғалати қулқуллаб тобора кўтариларди. Кема шарпа чиқармай, салобат билан илгарилаб борарди. Кема палубаси кафтдек яққол кўзга ташланиб турарди.

«Кашмир»ни деярли қояга қашланиб ўтди десак ҳам бўлади.

Дорға кема рулини бошқарар, юнга мачтага тортилган арқондан юқорига кўтарилмоқда, йўловчилар кема панжарасига суяниб беғубор кўкка тикилишар, капитан эса тамаки бурқситарди. Лекин Жильят буларнинг ҳеч бирини кўрмасди.

Кема палубасида қуёш нурида чарақлаб турган шинамгина бир бурчак бор. Унинг кўзлари худди ана шу ёққа қадалганди. Кўзлари ўша ерда очилиб-сочилиб ўтирган Эбенезер билан Дерюшеттани излаб топди. Тушки офтобда исинаётган қушчалардек усти соябон билан ёпилган жойдаги скамейкада бир-бирлари пинжига суқулишиб ўтиришарди улар. Яхши жиҳозланган кемаларда бундай шинам жойлар йўловчилар ихтиёрида бўлади, агар бу кема Англияга қарашли бўлса, унда тепасига: «Фақат аёллар учун», деб ёзиб қўйилганини кўрасиз. Дерюшетта бошини Эбенезернинг кифтига қўйган, Эбенезер эса Дерюшеттанинг нозик белидан қучган ҳолда ўтиришар эди; улар қўл ушлашиб олган, бармоқлари чирмашиб кетганди. Бу икки ёшнинг фаришталарникидек гўзал чеҳраларида сезилар-сезилмас тафовут бор эди. Бирини фоят ифбатли, иккинчиси руҳланган, шавқли эди. Уларнинг софдиллик билан бир-бирларини қучиб ўтиришлари фоятда таъсирли эди. Улар завқ-шавққа тўлган, шу билан бирга, уялинқираб ўтиришар-

ди. Остларидаги скамейка муқаддас бир жойга, ҳатто уяларига айланганди. Айни пайтда бу муқаддас уяни нурафшон ёғду ёритиб турарди; бу ёрқин ёғду уларни юксакларга парвоз эттирувчи жўшқин севги нурлари эди.

Атрофда эса ҳузурбахш сокинлик.

Эбenezернинг тикилиб турган нигоҳидан миннатдорчилик ёғилар, Дерюшеттанинг дўндиқ лаблари унсизгина пичирларди; бу муъжизавий сокинлик орасидан қирғоқ томон эсаётган шамол Гильд-Холм-Ур креслосидан бир неча саржин узоқлашиб қолган кемадан Жильятнинг қулоқларига Дерюшеттанинг майин, қадрдон овозини етказди:

— Хув анави ёққа қара, қояда бир одам ўтирганга ўхшайдими,— деди у.

«Кашмир» «Тўсиқ» бурунидан узоқлашиб, тўлқинлар орасида кўздан йўқолди. Орадан чорак соат ҳам ўтмай кеманинг мачта ва елканлари уфқ сари олислашиб бораётган аллақандай оппоқ ҳайкалга ўхшаб қолди. Шу пайт сув Жильятнинг тиззасигача кўтарилиб эди.

У ҳамон кема ортидан тикиларди.

Шамол кучая бошлади. Жильят «Кашмир»дагиларнинг шамолдан тўлароқ фойдаланиш учун ён томондаги қўйи елканларни ҳам кўтаришганини кўриб турарди. Кема аллақачон Гернсей сувларидан чиқиб олганди. Жильят ундан кўз узмасди.

Сув унинг белигача чиқиб қолди.

Сув ҳамон кўтарилар, вақт ўтиб борарди.

Чайка ва қорабузовлар унинг тепасида безовталашиб чарх уриб айланардилар. Улар Жильятни фалокатдан огоҳлантириб қўймоқчи бўлаётганга ўхшарди. Балки бу қушлар галаси орасида Дувр қояларидаги чайка ҳам бордир, эҳтимол у Жильятни танигандир.

Орадан бир соат ўтди.

Очиқ денгиздан эсаётган шамол унчалик кучли бўлмаса ҳамки, «Кашмир» тобора олислашиб, кичрайиб борарди. У бутун тезлигини ишга солиб кетаётган бўлса керак. У Каскэ қояларига етай деб қолди.

Гильд-Холм-Ур этагида сув қайнаб-кўпираётгани, гранит қояга тўлқинлар зарб билан урилаётгани йўқ. Сув осойишта кўтарилмоқда. У Жильятнинг кифтига чиқиб қолди.

Орадан яна бир соат ўтди.

«Кашмир» Орињи сувларидан ҳам узоқлашиб кетди. Бир лаҳза у Ортаҳ қояси ортида ғойиб бўлди. У қоя ортига ўтди-ю, яна ой бу ёқдан тутилиб, нариги ёқдан сузиб чиққандек қоянинг у томонида пайдо бўлди. Елканли кема шимол томон шитоб билан сузарди. У энди очик денгизга чиқиб олган эди. Энди у қуёш нурида ярқираб турган бир нуқтага айланди.

Жильятнинг атрофида қушлар чағиллашиб чарх уришарди.

Унинг фақат бошигина сув бетига чиқиб турарди.

Денгиз даҳшатли сокинлик билан беозоргина кўтарилиб борарди.

Жильят қимир этмай, ҳамон кўздан йўқолиб бораётган «Кашмир»га тикиларди.

Сув кўтарилиши ниҳоясига етди. Қош қорая бошлади. Балиқ овига чиққан кемалар қайтмоқда, улар Жильятнинг ортидан сузиб ўтишарди.

Жильятнинг кўзлари эса олисларга, тамоман узоқлашиб бораётган кемага қадалган эди.

Бу жонсиз, қотиб қолган кўзларда ҳаётдан асар ҳам йўқ. Унинг гамгин, хотиржам нигоҳида таърифга сиймайдиган бир нарса яширинганди: рўёбга чиқмаган орзу оқибатида вужудга келадиган бепарволик, ҳиссизлик туйғулари билан тўлганди; бу бировнинг қисмати олдида бўйин эгиш аломати эди. Учиб тушаётган юлдузнинг ана шундай нигоҳ билан кузатиб қоладилар. Ҳамон бепоён денгиз бағрида узоқлашиб бораётган бир нуқтага қадалган кўзларнинг нигоҳи оқшомги осмон каби аста хиралашиб борарди. Гильд-Холм-Ур қояси сув остида қолиб денгизга ғарқ бўлаётганидек, Жильятнинг ҳам кўзлари ўлим дарёсига ғарқ бўлмоқда эди.

«Кашмир» энди туман орасидан аранг кўзга чалинадиган кичик бир доғдек бўлиб қолганди. Кемани кўра олиш учун унинг ҳаракатини илгаридан кузатиб, ҳозир қаерга борганини билиш керак эди.

Аста-секин бу хира доғ оқара бориб, янада кичрайиб қолди.

Ниҳоят, у кўздан ғойиб бўлган онда Жильятнинг боши ҳам сув остида қолганди. Бепоён денгиз оҳиста мавжланарди.

1866.

МУНДАРИЖА

<i>С. Великовский. Виктор Гюгоннинг „Денгиз заҳ- маткашлари“</i>	3
--	---

ДЕНГИЗ ЗАҲМАТКАШЛАРИ

Ла-Манш архипелаги

I. Ўтмишдаги табиат офатлари	23
II. Гернсей	24
III. Гернсей. Давоми	25
IV. Ўтлар	27
V. Денгизнинг кирдикорлари	29
VI. Қоялар	31
VII. Океан ва соҳиллар	33
VIII. Сен-Пьер порти	35
IX. Жерсей, Оришн, Серк	40
X. Тарих. Ривоятлар. Дин	42
XI. Ўтмишдаги қароқчилар ва авлиёлар	45
XII. Маҳаллий фазилатлар	48
XIII. Архипелагда цивилизация мевалари	51
XIV. Бошқа хусусиятлар	52
XV. Ўтмиш ва унинг қолдиқлари. Урф-одатлар, қонун ва таомиллар	56
XVI. Оролларнинг хусусиятларига доир рўйхатнинг давоми	57
XVII. Зарурат	61
XVIII. Бошпана	65
XIX.	68
XX. Номо едах	69
XXI. Тошкесарлар кудрати	72
XXII. Оролликларнинг кўнгилчанлиги	74

БИРИНЧИ ҚИСМ

СЪЕР КЛЮБЕН

Биринчи китоб

ЁМОН ФИКРНИНГ ТУФИЛИШИ

I. Оқ қоғозга битилган гаплар	79
II. „Чеккадаги уй“	82
III. „Уйлансанг, хотинингга берарсан“	86
IV. Адоват	89
V. Жилъятнинг бошқа шубҳали сифатлари	97
VI. Голланд қайинги	100
VII. Жиллар маконида — соҳиб каромат	105
VIII. Гильд-Хольм-Ур креслоси	107

Иккинчи китоб

МЕСС ЛЕТЬЕРИ

I. Жўшқин ҳаёт ва хотиржам кўнги	110
II. Летьерининг ишқи	112
III. Қадимий деиғизчилар тили	113
IV. Ишқи инсоннинг бир заиф томони	115

Учинчи китоб

ДЮРАНДА ВА ДЕРЮШЕТТА

I. Тўтиқуш билан тутун	117
II. Утопиянинг тарихи	120
III. Рантен	121
IV. Утопия тарихининг давоми	126
V. „Шайтон тогора“	127
VI. Летьерининг шуҳрати	131
VII. Ҳамманинг отахони, ҳамманинг қадрдони	133
VIII. „Ёқимтой Данди“ кўшиги	135
IX. Рантенининг сир-асроридан воқиф бўлган киши	138
X. Олис сафар ҳикоялари	139
XI. Куёв хусусида бир неча оғиз сўз	141
XII. Летьери характеридаги нуқсонлар	142
XIII. Гўзаллар беларво бўлади	146

Тўртинчи китоб

ҚУШНАЙ

I. Тонг шафаги ёки ёнғин шуълалари	149
II. Номаълумлик сари	151

513

III. „Ёқимтой Данди“ қўшиғининг акс садоси	153
IV.	155
V. Муваффақият ҳасадга сабаб бўлади	157
VI. Кемаси ҳалокатга учраганлар, бахтлари чошиб, почта кемасига дуч келадилар	158
VII. Сайр қилишни севадиган киши, бахтига, балиқчига дуч келади	161

Бешинчи китоб

РЕВОЛЬВЕР

I. „Жан меҳмонхонаси“да суҳбат	164
II. Клюбен аллақимни кўриб қолди	171
III. Клюбен олиб кетган нарсасини қайтариб келтирмади	174
IV. Пленмон	176
V. Ин бузувчилар	181
VI. Жакресарда	190
VII. Тунги харидор ва сирли сотувчи	196
VIII. Нуқталар	199
IX. Деңгиздан хат кутадиганлар ёки шу хатдан қўрқадиган- лар учун фойдали маълумотлар	207

Олтинчи китоб

МАСТ ДОРҒА ВА ҲУШЁР КАПИТАН

I. Дувр қоялари	212
II. Кутилмаганда топилган бир шиша коњьяк	215
III. Узилиб қолган суҳбат	219
IV. Капитан Клюбеннинг барча сифатлари ошкор бўладиган боб	227
V. Клюбен ҳаммани ҳайратда қолдирди	232
VI. Тубсиз чуқурлик ёриганда	237
VII. Кутилмаган даҳшат	245

Еттинчи китоб

КИТОБДАН САВОЛ СЎРАМАНГ

I. Чуқурлик тубида марварид	249
II. Гернсейнинг гарбий қирғоғида ҳамма таажжубда	256
III. Тавротдан ташвиқ	260

Иккинчи қисм
ЖИЛЬЯТ ЖОДУГАР

Биринчи китоб
СУВ ОСТИ ҚОЯЛАРИ

I. Бориш ҳам, қайтиш ҳам машаққатли жой	271
II. Ҳалокат ниҳояси	277
III. Бус-бутун-у, аммо хавф остида	280
IV. Теварак-атроф билан танишиш	282
V. Стихиянинг махфий ҳамкорлиги	284
VI. Оғилхона	289
VII. Сайёҳга қапа	291
VIII. Паррандаларнинг бағри тошлиги	299
IX. Қоялардан фойдаланиш	301
X. Устахона	305
XI. Кашфиёт	309
XII. Сув ости қасрида	313
XIII. Сув ости қасрининг сирлари	316

Иккинчи китоб
ОФИР МЕҲНАТ

I. Муҳтож киши тadbиркор бўлади	322
II. Шекспир Эсхил билан қандай учрашсин?	325
III. Жильятнинг маҳорати Летьери ижодига ёрдамга келди	327
IV. Иш устида	330
V. Зулматда	338
VI. Жильят қайинини жангга ҳозирлайди	345
VII. Хавф-хатар остида	348
VIII. Аҳвол янада мушкуллашди	352
IX. Бир дақиқалик ғалаба	355
X. Денгиз огоҳлантиради	357
XI. Қулогли бор эшитади	360

Учинчи китоб
ЖАНГ

I. Интиҳолар туташади, қарама-қаршилиқлар бирлашади	364
II. Денгиз самолти	366
III. Жильят тинглаган шовқинининг тавсифи	370
IV. Турба, турма	374
V. Жильят тараддудда	377
VI. Яккама-якка олишув	378

Тўртинчи китоб

СУВ ОСТИ ҚОЯЛАРИНИНГ ХИЛВАТХОНАЛАРИ

I. Фақат Жильятгина оч эмасди	401
II. Ғалати махлуқ	406
III. Тубсизлик қаърида курашнинг яна бир кўрinishи	415
IV. Ҳеч нарса яшириниб кетолмайди, ҳеч нима изсиз йўқолмайди	418
V. Олти дюйм билан икки фут орасидаги ҳалокат хавфи	422
VI. Тубсизликдан тубсизликка	426
VII. Ғойибий кучлар ҳам эшитади	434

Учинчи қисм

ДЕРЮШЕТТА

Биринчи китоб

ТУН ВА ОЙ

I. Портдаги жом	439
II. Яна порт жомни чалинмоқда	457

Иккинчи китоб

МИННАТДОРЛИК ИСТИБДОДИ

I. Ҳам қувонч, ҳам қайғу	467
II. Сандиқча	478

Учинчи китоб

КАШМИР-НИНГ ЖўНАБ КЕТИШИ

I. Черков ёнидаги кўрфазча ёқасида	481
II. Севишганлар қисмати	484
III. Фидойининг тадбиркорлиги	492
IV. „Уйласанг, хотинингга берарсан“	498
V. Муътабар қабр	502

77111